

НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ

БЕКАТДАГИ ОК УЙЧА

Ҳикоялар ва қиссалар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2000

Дунёдаги жамики тирик жон меҳрга ташна яшайди. Меҳр
ан — бахтли. Бунинг акси бўлса-чи? Аслида бахт нима?
иклик-чи? Тирикликнинг тиргаги нима? Бахт дегани нисбий
унча деймиз. Унда бахтсизликнинг шакл-шамойили қанақа
ди? Ранги-чи? Умуман олганда, бахтсизликнинг ранги борми-
Инсон боласи ушбу икки кутб ўртасида сарсон яшаб, бири-
иккинчисига интиларкан, ҳамиша нимадир кидиради. Ўша
иргани меҳр эмасмикан? Бу туйғу сўзда нозик оҳанг касб этса-
амирида атом кучи мавжудлигини ҳамма ҳам билармикан? Сиз
аби қатор саволларга ёзувчи Нормурод Норқобилонинг ушбу
обидан жавоб топасиз. Адиб ўзининг бу тўпламида тирикликни
ратувчи қатор туйғуларни ўзига хос маҳорат билан очиб бе-
га ҳаракат қилган.

НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ

БЕКАТДАГИ ОҚ УЙЧА

Ҳикоялар ва қиссалар

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 2000

Мухаррир Г. Зокирова
Рассом А. Мамажонов
Техник муҳаррир Д. Габдрахманова
Муҳаххих Ж. Тоирова

Босмаҳонага 03.03.2000 да берилди. Босишга 05.05.2000 да рухсат
тилди. Ўлчамлари 84x108 1/32. Антиква гарнитураси. Юқори босма. Шартли
осма тобоғи 20,16. Нашр босма тобоғи 19,7. Адади 5000 нусха. Буюртма
№ 386. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

© «Шарк» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти, 2000

ҲИКОЯЛАР

ҚУШИК

Чоладамларнинг таъбири билан айтганда, ҳафтада уч-тўрт бор айнийди. Айниб-ку, бирор ёкка улокиб кетмайди, шунингдек, биров билан ёка ҳам бўғишмайди. Бор-йўғи «увлайди». Яъни четлари нураган балағ-супада чордана куриб ўтириб олади-да, секин-аста тебранганча сўзсиз бир қўшиқни бўғик овозда узок куйлайди. Мижжалари юмук — бунақа пайтда ҳеч нарсани кўрмайди, эшитмайди. Кўз ёшлари ажин босган юзларини ювиб, мошгуруч соқолида марварид доналаридай котаркан, ботаётган қуёшнинг кизғиш нурида бамисоли ёкутдай товланади. Куйлаётганида, чол бу оламнинг одами бўлмай қолади. Овози ўтмишнинг теран чохларидан силқиб чиқаётгандек, кишида ғалати ҳис туғдиради — этни жунжиқтиради, ҳам хаёлга толдиради. Дунё кўхна, у эса дунёдан ҳам қадим туюлади. Қўшиғида гоҳ йилки уюрига тўла кенг дашт шовури, чапдаст ва ботир йигитларнинг ҳайкириги, сочпопукли сулув қизларнинг шўх кулгиси акс этиб димокка тутун исига қоришиқ шопирилаётган қайноқ сут хиди урилгандай бўлади. Қизларнинг тилла жарангидай нафис ва майин кулгиси еллардан қанот ясаб, охиста дунёни қучади. Гоҳо бу ажиб манзара бирдек кунпаякун бўлиб, қовжираган яйдоқ дашт юзага чиқиб чиқади. Қайноқ гармсел юзни қуйдиради. Қўкдан умр, саратондан завоқ топган қуриган ҳасетосмон бўйи уюрмада чирпирак бўлиб айланади. Учинер юзини супурмоққа қасд этгандай, тиккайга адиради ки бёр қомига тортмоққа уринади. А — дейди чол бута унга бўй бермайди. Кутурга — Кетди, қораси ўирлатади, новдаларини тортди, ғиб, пастга тушади. юлқиб, чор тарафга сочади. Кўра ҳафсаласи йўқлигитурмоққа интилади, сабр ва

Бирдан... калламга келмади-да.
Калланга сени... — Нортोजи полвон хунук сўкин-
катый деди: — Унда нега ўтирибмиз?! Кетдик!

Инг тизгинсиз ғазаби-ю, важохатини кўрган Қо-
ўркиб кетди.

Балки эртага ўсармиз? — деди бир зумга тай-
б.

Йўк, бугун ўсамиз! — Нортोजи полвон оёкка
иди. — Ўсмасам, ўламан!

Мен ҳам ўламан! — дея уни қувватлади Шариф
хеч нарсани тушунмаган эса-да, қатордан қолги-
лмай.

— Қаёққа... ўсамиз? — деди Самандар, қўли ла-
а, гоҳ унисига, гоҳ бунисига аланглаб.
гар шу тобда Гелдиёр бодининг нописанд қараши-
лғамаянда, Қодир тайсаллашда давом этиши мум-
эди. У тинчлик тарафдори, ҳар ишни муомала би-
битиришни яхши кўрарди. Аммо ана шу биргина
оғли боқиш ундаги сўнгги андишани ҳам мавҳ этди.
— Бас! — деди ғазаби қайнаб. — Ўсмаганим ўлга-
и!

— Ха, ўлганим! — Нортोजи полвон сузадиган
издай пишкириб, беихтиёр олға юрди.
Изидан Қодир юрди. Шариф ўрнидан тураётиб
мандарнинг тиззасига йиқилиб тушди. Йиқилганига
йбдордай, Самандарни сўка-сўка, бир амаллаб оёкка
сди-да, уларга эргашди.

Шундай қилиб, баҳорнинг ажойиб окшомларидан
рида, димокни китикловчи кўклам хиди борлиқни
тган бир паллада қишлоқ тарихида ҳеч учрамаган
кеа юз берди. Ориятга тамомила бўйсунган Норто-
и полвон юкори супадагиларнинг барини пастга хай-
ади. Албатта, бу иш силлиққина кечмади: бошда улар
анг-манг бўлишди, сўнг жиддий қаршилиққа ўтишди.
ммо «боскинчи»лар бақувват эди, оқибатда, уч ул-
атнинг бири пастга коптоқдай юмалади, бири сирпа-
иб, бири эса, ўз оёғи билан йўрғалиб тушди.

Бу борада Қодир ҳам бекор турмади. Нортोजи пол-
оннинг силтовидан сўнг қалин ва юмшоқ майсалар узра
суйига сирпаниб тушаётган Гелдиёр бодининг кетига

боплаб бир тепишга улгурди. Иккинчисини эплаёлмади. Майсалар сирпанчик эди, Гелдиёр боди зингиллаганча куйига эниб кетди. Тепки тушган куймичини тутганча лолу хайрон кетди. Ўша бир тепкиданок ичида неча йилдирки димланиб ётган алами бўшаганини сезиб, Қодир бегона овозда хайкириб юборди. Хайкириши баробар рухи жуда енгил тортиб, ўзини ўсган, жуда ўсган ҳис этди. Супа саҳнида бир чарх уриб, сал нарида мамнун ва масрур бир қиёфада турган Нортажи полвоннинг қошига борди. Бу ишни ювамиз, деди. Нортажи полвон бош ирғаб, ана энди ичамиз, деди.

Фақат Шарифнинг ахволигина анча танг эди. Тик тепаликка шитоб билан кўтарилгани боис, нафаси тикилиб, супа лабида хануз ўзига келолмай турар, гар Қодир вақтида тутиб қолмаганида, чайкала-чайкала пастга думалаб кетиши тайин эди.

Кўз ўнгида юз берган воқеани идрок этолмай, хануз жойида анкайиб ўтирган Самандар Нихоят нимадир бўлганини пайқади. Шундоқкина каватига сирпаниб тушган Гелдиёр бодидан ҳам кўра унинг оёғи тегиб учиб кетган лаганга, ерга тўкилган бир сиқим ошга ичи ачий-ачий, гандираклаганча ўрнидан турди. Тийғона-тийғона ўртоқлари томон юрди.

У шими тиззаларини кўк қилиб, бир амаллаб супага чиқиб келганида, Нортажи полвон супанинг тўрида чордана қуриб ўтирар, шу атрофда ўйнаб юрган болалардан бирини арокка юборишга улгурган Қодир ўртада чўзилиб ётар, Шариф эса, кўкка тикилганча ёш боладай хархаша қилмоққа тушганди.

— Учгим, анову булутнинг боврига учгим келаяпти!

У термулган булут эса, заминдаги бу ишлардан ажабсингандай, яккам-дуккам ёмғир томчилатиб, секин-аста кунботиш томонга силжимокда эди.

ШИМ ЁХУД ХОТИНЛАР ЖАНЖАЛИ

Қоқ қиём пайти. Саратон офтоби кўкдан нақ олов пуркайди. Қимирлаган жон борки, бари ўзини сояга тортган. Тўлин ой кечаси қишлоқ нечоғли сокин торт-

са, хозирда шу хил сукутга чўмган. Фарқи — тунда итлар яккам-дуккам акиллаб, тирикликдан нишона берса, айна кезде шу ҳам йўк, гўё тириклик кишлокни тарк этган.

Узоғи билан бирор уч соатлардан сўнг бу ерда ҳаёт қайта жонланишига кишининг ишонгиси келмайди. Бироқ иссиқ тафти хиёл пасайиши билан кўчаларда одам ўрмалаб қолади. Бригадирнинг дўк-пўписасига қарамай эрта пешинданок уйларига қамалиб олишган кетмончи қизлар узун-қиска бўлиб далага йўналишади. Болалар оқшом оталаридан калтак емаслик дардидагина ноилож ўтга ошиқишади. Бағрини захдан узмай ётган итлар дадилланиб, кўча тентийди, кўзига бегона кўринган кимсага эринмай акиллашади. Холбуки, тушда уларни тепкилаб ҳам ўрнидан силжитиб бўлмасди. Захдан бағри узилса ўлиб қоладигандек, ингиллаб соядан бери чиқишмасди. Энди эса... Бироқ бунгача ҳали эрта. Ҳозирча жамики жонзот ўзини панага тортган. Қишлоқ кун чиқишдаги асрий қумликларга бақамти жойлашгани сабаб бу ернинг офтобига бардош бермоқ душвор. Боз устига, қишлоқ аҳли ўзини жуда доно санайди. Доно сангани боис, киёмда уйларини қоронғилатиб, уйқунинг пайида бўлмоқни маъқул кўрадилар. Шунинг учунми, учқўтонликникига ўғри кирмас, ўғри кирса-да, бир мўйи қилт этмас, деган қочирим йўсиндаги гап ханузгача яшаб келади. Ҳақиқатда, бу маҳалда уларни тўп отиб ҳам ўринларидан кўзгаб бўлмайди. Аммо дунёда шундай бир зарурат борки, манаман деган танбалниям оёқлатмай қўймайди. Бу лаҳзада ҳар қандай учқўтонлик ўз ҳаловатини томорқаси адоғидаги эски-туски тахтаю тунукалардан қўнқайтириб қурилган жойдангина топади. О-о, бу пайтда уларни йўрғалашини кўрсангиз, ҳали-ку офтоб экан, тош ёғмайдими осмондан. Заруратга ҳеч бир куч монелик қила олмайди.

Қишлоққа ярим йил бурун келин бўлиб тушган Зебохон айна шу зарурат туфайли уйғониб кетди. Қашина-қашина қаддини ростларкан, барча қулайликлари ичида бўлган шаҳар уйларини нечоғли созлигини ўйлади. Шаҳарда кечган беташвиш талабалик йилларини эслади. Оғзини аёлларга хос бўлмаган бир тарзда

катта очиб эснаркан, деразага тутилган қалин парда тиркишидан қирмизи гилам юзига бамисоли пичок тиги янглиғ тушиб турган нурга ўшшайиб қараб қўйди. Назарида, нур тушиб турган ер ҳализамон тутайдигандек эди. У ўтирган жойида нурга ўнг оёғини узатаркан, худди қуйдириб олишдан қўрққандай тезда тортиб олди. Кейин белига йиғилиб қолган этагини тўғрилай-тўғрилай, ўрнидан қўзғолди. Айвонга ўтаркан, бурчакдаги кўзгуга кўз ташлаб олишни унутмади. Кўзгудаги аксидан қувонмади. Ковоклари шишган, сочлари тўзгиган паришон бир қиёфа тумтайиб турганини кўриб, сочларини тўғрилади, бўйнига тушган қийиқчасини бошига тортди. Аммо шишинки ковокларини асл холига келтиролмади. Кўзларини очиб-юмиб кўрди, муштчалари билан ишқалаб кўрди, қайдам, ковоклари олмадай бўртиб тураверди. Гўзалнинг руҳсдорини уйқудан кейин кўр дегандек, у ўз кўринишидан ўзи ранжиб, ташқарига юрди. Эшик ёндорига кафтини тираб, кўзи тандирдек қизиб ётган ҳовли юзида, оёғига кавушини илди. Кавуши иссиқдан қовжираб, торайгандек туюлди. Тепкилаб-тепкилиб кийди. Сўнг ҳовлини кесиб томорқа адоғига ўтиш малол келгандай остонада бир зум туриб қолди. Шунда ўнг оёғидаги кавуш сикаётганини сизди. Оёғига қараб, рангги униққан эски кавушни кўрди. Тушдан олдин бирров кириб чиққан овсинидан жаҳли чиқди. Қайфияти ланж ва носоз эмасми, кавуш баҳона бир тергаб қўйгиси келди. «Нима бало, гарангмисиз, кирдингиз ниманидир алиштириб кетасиз дея, гап билан узиб-узиб олгиси келди. Ўтган сафар ўғлингиз чойнагимни синдириб кетувди, энди сиз кавушимни алиштириб кетибсиз, билса — ўзиники, билмаса — ўзимники, демокчимисиз» деб, яниб-яниб қўйгиси келди.

У шу ўйда қўшни қолига зардали боқди. Боқдию, шишинки ковоклари орасида норози йилтиллаётган кўзлари ғазабдан мисли чўғдек ёниб кетди. Орада, кўзимга кўринмаяптимикан, деган хаёлда ковокларини чирт юмиб, бошчасини силкиб-силкиб олди. Йўқ, ўртадаги бел баравар деворда, аниқроғи, яшил рангдаги бежирим тахта панжарада ҳар бир почасига бундайроқ одам сиғарли кенг ва улкан шим, олди бу

томонга қаратилган кўйи, хунук ҳолда, осифлик турарди.

Зебохон шимга чимирилиб-чимирилиб тикиларкан, шимни эмас, ўзига нисбатан катта, жуда катта ҳурматсизликни кўргандек бўлди. Бундан муштдеккина юраги ғазабга тўлиб-тошиб борди. Қўлчалари ўз-ўзидан белига тиралиб, жангари ва жанговор ҳолатга кирди. Шу ҳолатда девор томон юрди. Бир ўйи, шимни девордан юлкиб олиб, нариги тарафга тўлаб отмоқ истади. Тагин шайтонга ҳай берди. Эсига шаҳар кўрган оқила, ўқимишли аёллиги тушиб, оғирроқ бўлмоққа тиришди. Бу сифатни унга қўшни аёллар ёпиштирган бўлиб, бунини у доимо сақлашга ҳаракат қилиб келарди. Аммо олди бу томонга қаратиб, хунук тарзда осилган шим оғир ва оқила бўлмоққа қўймас, юрагининг бир четидики бикиниб ётган иззатталаблигини кўзгаб, кинини қиздирмоқда эди.

У қўшни ховлига ёмон-ёмон тикилди, уришмоққа овоз сошлаб, кетма-кет томоқ кирди. Оёғидан иссиқ ўтиб, наридаги тол қўланкаси сари юрди. Жанжални қўланкадан туриб олиб бормоқни маъкул кўрди.

Бу пайтда ғаним томон — овсини Ойниса қоронғи хужралардан бирида иккинчи уйқусини олмоқда эди.

Зебохон қўланкадан туриб, овсинлаб, баланд овозда чақирди. Дастлаб хезланиб, қахрланиб чақирди. Кейин-кейин қахрига чексиз адоват қоришди. Эшитсада, эшитмасликка солиб ётибди, деб ўйлади. Натижада, кейинги чақирғи чинқирик бўлиб чиқди. Чинқирикдан иссиқ ҳаво тебраниб, четини ўт босган арик ичида уялаб ётган товукларни чўчитиб юборсамки, қўшни ховлида қора кўринмади.

У, сабри чидамай, офтобга чиқди. Деворга яқин борди. Тушдан бурун эмин-эркин кириб чиққан ховлига йўлашни бу гал хаёлига ҳам келтирмади. Бу менга душман, ичида ғарази бор, деб ўйлади, кеча қўйнарманни синдирди, бугун эса шимини пешонамга осди билан сенам одамман демокчи, қўйнида тоқиб бунинг!

Ховлида ковоклари шишган Ойниса пайдо бўлганда, Зебохоннинг ғазаби авж пардасига етганди. Аммо овсинининг ҳокисорона анқайиши, орада бир қалқиб

олиши авж парданинг чертилишига изн бермади. Ой-ниса, кўёшдан кўзлари шафакландими, келаётиб яна кокилди. Бу сафар анча беўхшов кокилди. Қопдек кўйлагига ўралашиб, йикилиб тушай деди. Зебохон-нинг кўнглида андак шафқат хисси уйғонди. Аммо овсини кадини тиклаши билан бу хис яна изсиз йўқолди. У, чап кўли белида қолиб, ўнг кўлини шимга бигиз қилди:

— Нима бу?

Ойниса узун енги билан елпина-елпина, гоҳ унга, гоҳ шимга алангларкан, овсинининг ғазабқор ахволидан ғоят таажжубланди.

— Шим, — деди ниҳоят тилга кириб ва сўнг секин кўшиб кўйди: — Эримники...

— Ҳалиям ўйнашингизники деётганим йўқ! — Зебохоннинг ўнг кўли белига қайтиб, қомати «Ф» шаклига кирди. — Пешонамга шим осиб, сенам одамми демокчимисиз? Ҳали биз сизга одам бўлмайдими? Сизга нима ёмонлик қилдимки, одамни бу қадар беҳурмат қиласиз, а?

Ойниса баттар анкайди. Пастки лаби осилиб, аввал овсинига, сўнг шимга бокди. Буни қарангки, айни шу тобда аксиргиси келиб қолса бўладими. Башараси бўжмайиб, ўзича хузур қилиб бир тушқурди.

Бундан Зебонинг баттар жаҳли чикди. Атай қила-япти, башарангга чучқурдим деяпти, деб ўйлади. Аксирмай бурнинг чирисин, деб қарғанди.

Бу орада иккинчи, сўнг учинчи аксиришни қойил-латган Ойниса енги билан оғзи-бурнини сурта-сурта, хануз лаби-лабига тегмай бидирлаётган Зебога меров-сираб қаради. Қулоғига аллақандай ёкимсиз сўзлар чалингандай бўлди. Бу сўзлар ўша ўзи билган овсинининг дудокларидан чиқаётганига ишонгиси келмай, кафтини пешонасига қўйди-да, унинг афтига хайрат аралаш тикилди. Йўқ, адашмабди. Овсини йўқ ердаги гапларни пайдар-пай туфламоқда эди.

— Эбий! — деди овсинининг уни ўчғач, ранги тезариб. — Олашакшакдай намуноча шақиллаб қолдингиз? Нима гап ўзи, тинчликми?

Бу гапдан Зебохон донг қотди. Нега деганда, у ичидаги борини тўкиб солган, энди эса, Ойнисанинг

узр сўраб, шимини девордан олишини зўр чидам билан кутмоқда эди. Ўшанда иззат-нафси қаноатланиб, томорка адоғига зипилламоқчи эди. Бу ёқда оёғи тагидан иссиқ ўтиб, кўп беҳаловат бўлмоқда эди. Аммо буни қарангки, овсини шунча гапдан сўнг ҳам ҳеч балони тушунмабди.

— Нима бало гарангмисиз?! — деди миясига қайта қон тепиб.

Ойниса шаҳар кўрмаган, гапни қишлоқчасига олди.

— Ўзинг гаранг.

— Нега сенлайсиз?

— Нега гаранг дейсан?

— Нега шимингни пешонамга осасан? — Зебохон ҳам «сен»ламоққа ўтди.

— Қаерга осай эмасам?

— Нима, дор кўтармайдими?

— Сигмаса нима қилай?

— Сигмаса ҳовлингга ос, нега пешонамга осасан!

— Қани пешонангга осганим?

— Нима бу пешона бўлмай, — Зебо шимга ишора қилди. — Яхшиси, уйимнинг тўрига осақол!

Ойниса гоҳ шимга, гоҳ унинг тор, бежирим пешонасига тикиларкан, ўз қилиғидан хафа бўлишга арзигулик сабаб топмади. Буни изоҳламоқ ўйида лаб жуфтларкан, бирдан юрагининг қат-қатида сингиб ётган эски бир алами юзага қалкиб чикди. Зебохоннинг синглисини тўйида тоғораси устига жўн кўйлақлик кўйилганини эслаб қолди. Хаёлидан, асли булар одам эмас, деган ўй ўтди. Бу ўй тилида қуйидагича эврилди.

— Зоти паст шапшак!

— Нима?! — Зебохон таъби нозик аёллардан эди, бу ҳақорат юрагига ўқдек қадалиб, бир қалкиб тушди. — Ни... нима дединг?!

Овсинини бошлаб каловлатганидан бир қоп семирган Ойниса курк товукдай хурпайиб, икки-уч одим олдинга босди.

— Синглингни тўйида товоғимга паст мато кўйдириб, — деди кўкрагини дўнг қилиб, — қайси юз билан, гапиряпсан менга! Уяти йўқ, шарманда!

— Ўзинг нима оборувдинг! — Зебохон жаҳлдан ҳам кўра оёғи қуйганидан бир ирғишлаб олди. — Оборган

матойингни гадой эгнига илмасди! Дока обориб, зар олмоқчи эдингми, кумсирка!

— Қанақа дока? — энди Ойниса ҳам «Ф» шаклига кирди. — Нега энди дока бўларкан! Бир кийимлик тоза мато оборганман, кўр бўлгур!

Синглисининг тўйига олиб борилган матонинг тозанотозалигини аниклаб туришга Зебохоннинг чидами етмади. Нега деганда, унинг юрагида бошқа бир алам вимирлаб қолганди.

— Пахта гулли оштовогимни қайтар, мегажин! — деб қолди дабдурустан.

Қўлни белга тираб жанжаллашмоққа ҳамманинг бардоши етавермайди. Ойнисанинг семиз билаклари пастга шалвираб тушиб, манглайи остидан ганимига хайрон бокди.

— Қанақа оштовок?

— Эримнинг жўралари келган куни қарашган киши бўлиб, чинни товоғимга ярим қозон ошни босиб кетгансан, — деди Зебохон, оёғи куйса-да, кўланкага чекинишни ўзига ор билиб. — Эсидан чиқди деб ўйлабмидинг? Товоқларингни орасида турганини кеча ўзим кўрдим. Қайтар товоғимни!

— Бекоргинани бештасини айтибсан! — Ойнисанинг овози яна бир парда кўтарилди. — Ўзимники у. Пахта плани бажарилган куни раис эримга падарка қилган.

— Эринг нимани тиндирибдики, раис падарка қилса.

— Эримга тил тегизма, таги паст! — деди Ойниса яна бир одим олға босиб. — Эрим эрингга ота ўрнидаги одам. Эрингни ўқитиб одам қилган ким? Эрим! Қайданам ўқитган экан. Ўқийман деб шахар кетмай, тинчгина кишлоқда юрса, сен байтални топмасдиям. Юрардинг қари қиз бўп!

— Вой-бўй! Ерда қолиб кетмасдик, — Зебохон унинг нодонлигидан ўзича кулган бўлди. — Тешик мунчоқ ерда қолмас, ерда қолса, кимлар олмас. Орқамдан тилини осилтириб юрганлар сон мингта эди. Асли пешонам шўр экан-да, эмасам, келиб-келиб сенга қариндош..., э, қўшни бўлармидим.

— Қайним бечора кўз ўрнида пўстакнинг йиртиғи-

ни об юрган эканда, — деди Ойниса бўш келмай. — Хайронман, нимангга учган. На бетинг бор, на кетинг. Ўчоқ бошидаги косовдан фаркинг йўк!

Бу борада Ойниса ғирт хато кетганди. Шаҳар кўзи билан қараганда, Зебохон жуда хушбичим эди. Аммо овсини қишлоқ кўзи билан қарамоққа ўрганган, кўйлагини тўлдириб юрмаган хотин хотинми! Ўзича у овсинини болаганди. Бирок Зебохон қоматининг гўзаллигини жуда яхши биларди. Шул боис, унинг гапларини зигирча оғир олмади. Ойнисанинг қоматини қанор-қопга ва яна аллабалоларга қиёслаб, асосий мақсадга ўтди.

— Падарка товоғинг тўрдаги токчангда турибди-ку, илойи ер кўчир! — деди кўлига тегиши даргумон бўлган косасига ичи туздай ачишиб. — Идишларинг орасидаги меники. Лабидан танидим, чети учган. Ўзи обчиқар десам, эсинггайм келмайди. Обчиқ косамни! Йўғасам, токчангдагини оламан!

Зебохон девор томонга интилган бўлди. Ойниса эса тевааракка аланглаб, чамаси, калтак қидирди.

— Эя, ҳали урмоқчимисан, бетингни мурдашув ювгур! — Зебохон баттар шанғиллади. — Чертиб кўрчи, бошингга не кўйларни соларканман!

— Мурдашув сени ювсин! — Ойниса қопдек енгичидан кўл юбориб, қиртиллатиб қашинди. Бошқа пайт бўлганида, бургаларнинг гўрига ғишт қалаб, ярим соат эзилган бўларди. Аммо ҳозир қаршисида бургадан баттар ғаними турганлиги боис, бадани жизиллаб ачишаётган эса-да, бу нарса эсига келмади. Хурпайиб, оёққа маҳкамрок тураркан, деди: — Қани, ўтиб кўрчи, сочларингни битталаб юлмасамми!

— Ўл-а! — Зебохон таассуф-ла бош чайқади. — Битта товоқ учун шунчами! Ўл-а, қурумсоқ!

— Ўзинг қурумсоқ!

— Таги паст!

— Таги пастлик сендан бери келмасин, — оёқлари куйди шекилли, Ойниса турган жойида ғалати тебранди. — Сен оксувликлар таги-томирларинг билан пастсилар!

— Учқўтонликлар ҳам гўр эмас! — деди Зебохон. — Биттаси сен бўлсанг, тупурдим ҳаммангга! Зоти паст махлуқлар!

— Эринг бўлмиш қайнимгаям тупурыпсанми? —
Ойниса аччиқ кулди. — Окшом келиб, тупуриш қанақа
бўлишини кўрсатиб қўймасин тагин!

Зебохон индамади.

— Бизни-ку тагимиз паст экан, — уни мот қилдим
деб ўйлади чамаси, Ойниса тагин бобиллашга туш-
ди. — Нега унда келин бўп тушдинг? Қайним бечора-
нинг бошини айлантириб тегиб олганинг етмагандек,
бурин жийиришинг нимаси! Яхшиямки, бахтингга қай-
ним бор экан, эмасам, сен қари кизни кимам оларди.
Қиз дегани ўн саккиз ёшида жойини топиб кетади.
Сенга ўхшаб йигирма бешни қоралаб эр қилмайди.
Тагин бу кишим ўқиган эмиш! Ҳи-и, ўқимай ҳар нарса
бўлгир, жодугар!

— Қарғама мегажин!

— Арвох ургир истиляга! — Ойниса уни оғиз
очиргани қўймай, тагин бобиллашда давом этди. —
Тугмас! Қисир эчки! Эр қилганингга ярим йилдан ошиб-
дики, халигача қоматинг бузилмаган. Нима бало ша-
харда юрганингда бирор нима кип қўйганмисан?!

Ойниса ўзича мўлжални бехато олганди. Агар бир
неча ҳафта бурун бу гап айтилганда, Зебохон деганла-
ри бу зарбанинг залваридан икки букилиб қолган ва
ғалаба тўлалигича Ойнисада кетган бўларди. Аммо
Зебохон овсинини роят таажжубда қолдириб, лоақал
қилт этмади. Хилча қоматини хиёл олдинга чиқариб,
мамнун ва масрур бир қиёфада қорнини сийпалаб
қўяркан:

— Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор, хомсемиз! —
деди ўзига ишонган виқорли бир оҳангда. Сўнг бари-
бир аёллигига боради-да, бирдан жазавага тушиб, ов-
синини батамом тупрокка кориштириб ташлади. Бу
борада луғат бойлигининг қоғозга тушуриб бўлмас
овзаки услубидан унумли фойдаланиб, шундай бир
шиддатли «нутк» ижод қилдики, Ойнисага ўхшаш ха-
шаки хотинлар бу қадар ранг-баранг қарғишу ҳақорат-
ни умрида эшитмаганди. Эшитмагани боис, қўли ёқаси-
да, вой ўлай-вой ўлай дея, лолу хайрон бўлишдан
нарига ўтмади. Ҳатто бир неча одим ортга чекинганини
ҳам билмай қолди. Гап халтаси бўшаб қолдими, ё
овсинининг оғир-оғир нафас олишини кўриб, раҳми

келдим, Зебохон шиддатли «нутк»ини ўта жўн тарзда тугаллади: — Боқувдаги ҳўкиздай пишилламай ўл, сен тулуп! Эринг топганини еб ётгунча далага чик, зора озсанг!

Ойниса жавобга ошикмади. Ҳозиргина эшитганларини идрок ётмоққа қийналиб, бир муддат анқайиб тураркан, ниҳоят, лаб ялаб, сўз котмоққа журъат ётди. Оғиз очишдан олдин аёлларга ҳос синчковлик билан овсинининг қоматига бир сидра кўз югуртириб чиқди.

— Ишлаб... ишлаб нимани тиндирыпсан ўзинг! — деди сўнг шубҳа тўла ниғохини Зебонинг бел қисмидан узмай. — Қилпиллаб бачаларни алдаб юрибсан-да. Малим бўлмай ўл, сен тол хивич!

Шаҳар кўрган оқилалиги дабдурустан эсига тушиб, Зебохон хиёл сипо тортди. Овсинини ўзига тенгситмай муомала қилмоқ истади. Аммо керакли сўзни тополмай, бир озгина хаяллади.

Бу орада тўла ўзига келиб олган Ойниса, ана шу сукутдан фойдаланиб, отини қамчилади.

— Пастсан-да! — деди ўша эски суръатда овозини баландлатиб. — Паст бўлмасанг, ховлини иккига бўлди-рармидинг. Сен келдингу ўртага девор тушди. Раҳматли қайнона-қайнотамнинг арвохлари тинч қўймайди сени! Тенггинангни беради хали!

— Товукларингни тийгин эди! — Зебохон оқилалигини паққос унутди. — Товукларингни дастидан ховли юзига оёқ босиб бўлмай қолди-ку! Ҳи-и, товугинг билан қўшмозор бўлгур!

— Ётини еган, тезагигаям чидайди-да, қарғиш олгур!

— Қачон ебман?

— Товук осдим дегунча, бир бурдини сенга илинаман-ку, тешиб чиқкур!

— Косанг қурук қайтмаган-ку, овозинг гўрдан чиқкур! Коса-коса чучвараю, мантиларимни, ошу қовурдоқларимни лўққа-лўққа ютган сен эмасми?!

— Ёсам, қайним топганини еганман! — Ойниса бўш келмасликка тиришаркан, бирдан қайнисига хув бир замонлар беш-олти челақ лой ташиб бергани эсига тушиб қолди: — Келдингу уйга эга чиқиб олдинг. —

деди мулк эгасига хос замзамали оҳангда. — Ҳовлини иккига бўлди. Билсанг, сен ўтирган уй ҳам менга тегишли. Мана бу қўлларим билан ўзим қурганман. Тайёрига келиб, қариллаганинг нимаси энди. Хув-в, уйдан ўлигинг чиқсин сени!

— Қаргишинг ўзингга урсин! — Зебохон оёғи қуйиб безовта типирчиларкан, қавуши сиқаётганини дафъатан пайқаб, ҳушёр тортди. Кейин ўнг оёғидаги қавушини ечиб қўлига олди. Аммо ер дегани темирдай кизиб ётарди. У оёғи қуйиб, қўланкага қочди. Ўша ердан туриб овсинига юзланди: — Қавушимни бер, мегажин! — дея қичқирди. — Кеча чойнагимни синдирдинг, бугун қавушимни қийиб кетибсан! Ма, ол исликингни!

Зарб билан улоқтирилган қавуш ҳавода чарх уриб, Ойнисанинг манглайига бориб тегди. Буни сира қутмаган Ойниса бир чинқирди-да, ерда ётган қавушни қўлига олиб, унга қайтиб улоқтирди. Аммо мўлжални аниқ ололмади шекилли, қавуш деганлари, «менда не айб», дегандай ҳовлининг ўртасига «поп» этиб тушди.

Бу ўртада иккинчи қавушиниям ечишга улгурган Зебохон, биринчи ғалабасидан руҳланиб, унисиниям улоқтирди. Буни қарангки, Зебохон деганлари тузуккина мерган чиқиб қолди. Иккинчи қавуш овсинининг баланд кўксига бориб тегди.

Ойниса бу зарбадан бир қалкиб тушаркан, ғазаби тошганидан тошиб, овсинидан ибрат олди. Бироқ улоқтирган қавуши деворнинг нариги томонида қолиб кетди. У бундан баттар қутуриб, оёғидаги ҳар иккала қавушини ҳам қўлига оливолди-да, бирин-кетин улоқтиришга тушди. Шўрлик барибир тегизолмади. Теги-золмагани алам қилиб, тахта девор ўртасидаги мўъжазгина эшикка келиб ёпишди. Эшикнинг овсини томонга очилишини унутиб, ўзи тарафга силтаб торта бошлади. Эшик хийла мўрт экан, ошиқ-мошиғи билан қўчиб, шўрлик аёлни босиб тушди.

Зебохон овсинининг вазоҳатидан қўрқиб қочди деб ўйларсиз? Қайдам, енг химариб, «қалъа»нинг иш-ғол этилган жойига ошиқди. Яланг оёқлари жизиллаб қуйганигаям эътибор бермади. Бироқ, шунга қарамай, у қутилмаганда мард ғаним чиқиб қолди. Афдарилган

копдай бўлиб, эшик тагида типирчилаб ётган овсининг ўзини тутиб олишига имкон берди.

Ана Ойниса бир амаллаб оёққа қалқиди. Кутурган ҳўкиздай олға ташланди.

Талабалик йилларида Зебохон жисмоний тарбия дарсида баъзи бир усулларни ўргангандай бўлувди. Гавдасини зўрға эпловчи овсинини ўша усулларнинг бири билан осонгина мавҳ этмоқ ниятида эди. Аммо иш бутунлай тескари кетди. Зебохон усул қўллагунча бўлмай, Ойниса аёл зоти яралгандан бери мавжуд бўлиб, асрлар оша ҳеч бир ўзгаришсиз сақланиб келинаётган бирдан-бир усулни ишга солди, яъни ракибининг сочларига ёпишди.

Натижада, ховли қий-чувга тўлди. Мудроқ саратон хавоси аввалига бир силкиниб олди. Сўнг қий-чувга қоришиб, қишлоқ бўйлаб тебрана бошлади. Силкинишдан уйғониб кетган қишлоқ аҳли, тебранишга чидаёлмади. Уйларида югуриб чиқиб, қишлоқда бағоят оқибатли саналган ака-укалар ховлиси томон ҳайрат ва ҳайронлик ила ошиқишди.

— Нимаси бу?

— Нималар бўлаяпти?

— Алишер хотинини ураётганга ўхшайди.

— Йўқ, бўлиши мумкин эмас.

— Унда не тўполон бу?

— Йўқ, Ғанишерга ўхшайди.

— Ғанишер тилла, Алишерга ўхшайди.

— Алишер кеча кулоқ бошига кетган. Уч кунсиз қайтмайди. Тўполонни Ғанишер қилапти.

— Бечора Зебо малимнинг шўри қурияпти дегин.

— Овозидан шунга ўхшайди. Чинқиллаб чиқишини қара.

— Тезроқ борайлик, тагин ўлдириб-пўлдириб қўйма-син.

— Ғанишерни қўй оғзидан чўп олмаган йигит деб юрсам, тавба...

— Одам оласи ичида, биродар. Нима, абедда ухламадиларми, қадам олишлари бунча сушт.

Бу пайтда овсинлар бир-бирларини ерга босиб, бамисоли коптокдай, ховли бўйлаб думалаб юришарди. Урушнинг дастлабки дақиқасида, эшикдан сўнг, тахта

деворнинг тенг ярми ағдарилиб тушган бўлиб, қолган қисмида улкан шим осиглик турарди. Туйқусдан уйғонган кучсиз эпкинданми, у ўқтин-ўқтин силкиниб кўяр — гўё овсинлар жанжалига пишанг бераётгандек эди.

ҚУВОНЧЛИ КУН

Шоирни калтаклашдилар. Илк тўплам чиққанидан ўзида йўқ қувониб, мақтангани туғилиб ўсган қишлоғига йўл тортганда, йўлда калтаклашдилар уни. Одамларни севарди у, ҳатто китобининг номи ҳам шу маънода: «Муҳаббатим сизга одамлар!». Хуллас, эллик-олтмишга яқин китобчасини қора сумкасига жойлаб йўлга чиққанди у. Туман марказигача поездда осон етиб келди-ю, аммо бу ерда узок туриб қолди. Тоғ оралиғидаги дўппидек мўъжазгина қишлоғига олиб борадиган йўл, шу ердан бошланарди. У томонга қатнай-диган биргина автобусдан хануз дарак йўқ, томини шамол учуриб кетган бекатда одам гавжум. Ҳар ким ўз холича ўтирибди: биров ерга чордона қурган, биров халтасини тагига қўйган, биров ёғоч ўриндиққа илашган, илашмаганлар тик оёқда туришар, ҳатто бир чол шундоққина йўлнинг ёқасига ёнбошлаб олганди. Ёнбошлаган кўйи таниш-нотанишга гап қотиб, одамларни гуруннга тортмоққа уринарди. Кутиб толиққан кишилар суҳбатга мойиллик билдиравермагач, чолнинг чакаги тиниб, аста пинакка кетди. Ҳар машина гуриллаб ўтганда, танбал мушукдек кўзларини эринибгина очар ва сўнг шу созда яна секин юмиб оларди. Бошқаларнинг ҳам аҳволи уникидан пеш эмасди. Кутишдан одамлар толиққанди. Манглайини маржон-маржон тер босган семиз бир амаки эса бошини бекат устунига тираганча ўтирган жойида бахузур уйқуни урарди.

Фақат шоиргина бу умумий кайфиятдан йироқ эди. Чексиз қувончга тўлиб, хапқириб турган юраги кутиш азоби орқасидан юзага келадиган дилғирликни хали ўзига яқин йўлатиб улгурмаганди. Шаҳар кўрган эмасми, бундай пайтда вақтни қандай ўтказишни биларди. Йўлда харид қилган газетасини кўздан кечириб бўлганидан сўнг, бекат қаршисидаги тамаддихонага кириб,

озгина отиб, иккитагина кабобни тишига босиб чик-канди.

Автобусдан дарак бўлавермагач, у енгил одимлар ила яна тамаддихонага йўрғалади. Бу сафар сал узок-рок қолиб кетди. Бекатга қайтгач, тўпланганлар орасидан бирор таниш тополмай, юраги андак сиқилди. Арокнинг таъсириданми, шу топда ким биландир дилдан сухбатлашгиси, иложи бўлса, китобчаси билан мактангиси келарди. Тўнглаб қолган одамларни кўз кирида кузатаркан, четроқда, қоқ ерга чордана курган бақалок амакини маъқул топди. Бақалокнинг қаеридир тоғасига ўхшаб кетарди.

— Бу... автобус анчадан бери йўқми дейман, — деди сухбатга шерик топиш умидида.

Бақалок барча тоғликлар каби содда, дўлворгина экан, яғири чиқиб кетган шляпасини энсасига суриб, сухбатга бажонидил қўшилди.

— Пешиндан бери йўқ. Пастга автобуснинг ўнтаси кетдиамки, биздики кўринмайди. Ишқилиб, болон-молони тешилиб-пешилиб қолмаган бўса бўпти-да, кеп қолар кечгача.

Ҳақиқатдан пастга қатнайдиган автобуслар келиб-кешиб турар, тоққа кунига атиги уч бор қатнайдиган автобусдан эса ҳануз дарак йўқ эди. Шу пайт ора-сира гурунглашиб ўтирган аёллар тўпидан ҳайдовчи шаънига ёмон сўз чиқиб кетди. Худди шуни кутиб тургандай эркаклар гуруҳи дарров жунбишга келди. «Ҳи-и, энасини...» — деди кимдир гапнинг охирини ичига ютиб. Бошқалар дарҳол уни илиб кетишди:

— Бу Мутал сарик ҳеч қачон одам бўлмаган ва бўлмайдиам!

— Одамни маҳтал қилмай жўнайдиган кунни бормикан бу лаънатиини!

— Вактида жўнаганда ҳозир уйда маза қип ўтирган бўлардик.

— Энағар, ишқилиб, ўлиб-нетиб қолмадимикан, а?

— Ўлмайди у. Мутал сарик деб қўйибдилар уни.

— Агар овқатга кетган бўлса, уч-тўрт соатсиз чиқмайди у ердан. Укағарди нимаси кўп, ошнаси кўп, ўтиргандир хотинлардай писирлашиб.

Кейинги одам тўғри башорат қилган эди. Тоғ йўли-

га қатнайдиған Мутал сарик сой бўйидаги сомсахонада гапнинг чангини чиқариб ўтирарди.

Шоир дурустгина ҳамсухбат топган эса-да, кутиш охири жонига тегиб, бетокатлана бошлади. Боз устига, у шоир, шоир қалби эса жўшқин ва бесабр бўлади. Тамаддихонага учинчи бор бош суқиб, бу сафар пиво билан каноатланиб чиққанидан кейин, беихтиёр разаби жўш уриб кетди.

— Нимаси бу, а? — деди келаётиб йўлнинг ўртасида тўхтаркан, қошларини чимирганча, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга жиддий боқиб. — Қани автобус? Шунчалик ҳам маъсулиятсиз бўладими киши! Ким ўзи у? Башарасини бир кўриб, халқ номидан нордонгина раҳмат айтиб қўйсақ, ёмон бўлмасди.

Боя, юринг, озгинадан отиб чиқайлик деганида, ошқозоннинг мазаси йўқ-да дея, узрини айтган бақалок унга кизиксиниб бокди. Бошқаларнинг ҳам диққати унга тортилди. Мудраётган чол уйғониб кетди. Аёлларнинг пичир-пичири тинди.

Одамлар эътибори ўзига қаратилганини сезган шоир, бирдан рухланиб кетди.

— Кутиш деган шунча бўлар ахир! — деди у бу гал одамларга хитоб қилиб. — Наҳотки, бирор чораси топилмаса? Ўйлайлик, фикр қилайлик, кутмоқдан на фойда. Халқ бу... нима эди? Ҳа, халқ бу — буюк куч деганлар! Неужили, ўша буюк кучдан фойдалана олма-сак!

Бекатга сув сепгандай жимлик чўкди. Одамлар уни бошдан-оёқ мароқ билан кузатмоқда эди. Елкасига сумка осган бу пўрим йигитча гуруннга янги мавзу бўлиши мумкин эди-да. Агар сал наридаги автобуслар қайриладиған майдонга кетма-кет келиб қолишган автобус хайдовчилари ўзаро тортишиб қолмаганида, бекатдагилар унинг узунроқ сочларидан тортиб, ялтирок туфлисигача муҳокама қилиб чиқишган бўларди. Бекордан кўра эрмак-да.

Буни қарангки, айни шу пайтда хайдовчилар айтишиб қолса бўладими. Бахсга сабаб, ким илгарироқ жўнаш эди. Негаки, автобусларнинг тез-тез келиб-кешиб тургани боис пастки манзилга йўловчи кам эди. Кейин келган автобус хайдовчиси ўзига етганча қув

экан, ниманидир бахона қилиб, отини эртарок камчи-ламоқчи эди. Аввалроқ жўнаши лозим бўлган хайдовчи эса унга гап топиб беролмай гаранг эди.

— Чора топмок ўз қўлимизда-ку, — деди воқеани тез фахмлаган шоир, ўша томонга кескин қайриларкан. — Гаплашайлик манову автобусларнинг бири билан.

Азбаройи қизишганидан гапида жиддий грамматик хатога йўл қўганини пайкамади. Сўнгги жумлаларни қойиллатди лекин. Тўлқин-тўлқин сочларини ортга силтаб ташлаб деди:

— Кутмок, сабр этмок мутеликдир! Муте бўлманг, ўртоқлар! Ҳаракат килинг!

Тўдадан икки киши ажралиб, эран-қарон унинг ортидан юрдилар. Бақалок ҳам уларга қўшилди. Бу пайтда хайдовчиларнинг баҳси энг юқори нуктага етганди.

— Сени биламан, — дерди олдин жилиши лозим бўлган автобус хайдовчиси, орик, новча киши. — Мени алдаб, Бештерақдаги жанозадан чиқадиган одамларни опкетмоқчисан. Ўтган сафар ҳам шундай қилгансан. Бас, ҳар ким ўз графигида жўнайди.

— Гап уқмайдиган ғалча экансан-да ўзинг ҳам, — дерди қуви. — Шу рейисдан сўнг Оқтошга кетишим керак. Божам ўғлини ётқизаяпти. Бормасам... Ке, қўй, кетма-кет қувлашиб юрмайлик. Ярим соат сабр этсанг яна одам йиғилади. Шошадиган жойинг йўқ-ку ахир.

— Ўртоқ хайдовчилар!

Тўсатдан айтилган бу хитобдан иккиси ҳам чўчиб тушишди. Аввал шоирга, сўнг бир-бирларига, кейин яна унга қарашди. Шоир чиройли бошини бекат томонга силкиб, андак ҳадикли, андак виқорли оҳангда деди:

— Қаранг, канча одам кутмокда! Кута-кута юраклар торикиб кетди бечораларнинг! Сизлардан илтимос, биронтангиз мана шу қора кўзларнинг меҳрига сазовор бўлсангиз! Халқ бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмагай!

Новча, бу ичиб олганми, деган маънода юзини ўгирди. Аммо қувга жон кирди.

— Укам, тўғри айтаяпти, — деди кўзлари чакнаб. — Токка бир рейс кип келмайсанми? Вақтим бўлса, ўзим борардим-а.

— Мутал сарик кўяр кейин, — деди новча бош чайкаб. — Йўк, бўлмайди.

— Муталинг тўйга кетган.

Новча ишонқирамай каради.

— Рост-рост, — деди қув кўзларини бакрайтириб. — Қўшни районга тўйга кетган, одам опкетган. Одамлар бу ерда уч соатдан бери пойлаяпти уни, у кишим эса тўй-тўйлаб юрибдилар. Лекин ундаям айб йўк, одамларнинг хожатини чикараяпти. Сен эса бу ердагиларнинг хожатини чиқар. Мутал сарик ҳам хурсанд бўлади, планинг ҳам яхши бўлади. Ўрнимни билдирмабсан биродар деб, эрта сенга яримтаям кўяди. Бир гал менда шундай бўлган.

— Унда ўзинг бор.

— Оббо, ғирт девор экансан-ку, — қув сонига шapatiлаб, қўлларини паҳса килди. — Ишим бор, деб неча марта айтдим сенга. Яхшилиқ ёқмайдиган одам экансан-да ўзинг ҳам. Мен билан пассажир талашиб, ўзинг тайёр пассажирлардан воз кечиб ўтирибсан-а. Қанака одамсан ўзинг, э!

Шоир ҳам караб турмади. Унинг оҳангдор овози уларнинг жанжалини босиб тушди.

— Хўп денг, ака, — деди новчанинг билагидан дўстона тутиб. — Сиздан ғоят миннатдор бўлардик!

Охири новча рози бўлди. Негадир атрофга аланг-жалаг қараниб, машинасини бекат томонга қайира бошлади. Тортишув давомида бошқалар катори мик этмай турган бақалок қойил қолганини яширолмади.

— Гапди... лекин бошларкансан, ука.

Мақтов хуш ёкиб, шоир унга илжайиб каради. Сўнг сал ўйланкираб турди-да, сумкасидан бир дона китоб чиқарди, ижодимнинг камтаргина махсули, шу кундан сизга эсдалик бўлсин дея, уни бақалокқа тақдим этди.

Бақалок китобчани варақлаб, у ёқ-бу ёғига разм солиб, шуни ўзинг ёзганмисан, деганга ўхшаш тўпори саволлардан кейин, умрида дазмол юзини кўрмаган костюмининг қўйин чўнтагига солиб қўйди.

Бу орада улар ёнига келиб тўхтаган автобус эшик-лари шараклаб очилди.

Шоир нозиктаъб, маданиятли инсон эди, четланиб бошқаларга йўл берди. Автобус худди ўзиникидек баъзи бирларининг чиқишига кўмаклашиб ҳам юборди. Оқибатда, тирбанд автобусга ўзи зўрға илашди. Нолимади, қайтамга ўзидан жуда мамнун эди.

Автобус ҳайдовчиси туман марказидан уч чакирим наридаги булок бўйида тўхтаб, патта йирта бошлади. Шоир пастга тушиб сув-пув ичди.

Энди гапнинг давомини бу ёқдан эшитинг. Мутал сарик деганлари ўн-ўн беш сомсадан кейин беш-олти чойнак чойни бўшатиб, гап халтасини бахузур қоқиб-илиб, ҳеч ошиқмай йўлга чиқди. Бекатга келиб қараса-ки, йўловчилардан асар йўқ. Унинг анграйиб турганини кўрган кабобпаз йигит кулиб юборди. Ҳақини бировга бермайдиган, ўзига етгунча кўрс ва қайсар бу одамга бемаврид кулги қаттиқ ботди.

— Ҳи-и, нега иршаясан? Нима очиб қўйибдимиз? — деди кабинадан қовундек узунчоқ бошини чиқариб. — Кўра-пўранг билан сувга улоқтириб юормайин тагин!

Кабобпаз яхши билади, яна жиндек ортиқча гап қилса, бу мардум айтганини ҳеч киприк қокмай адо этади. Шу боис юзига андак ялтоқ тус бериб деди:

— Одамларингизни Учқудукнинг автобуси олиб кетди.

— Нима? — деди Мутал сарик, ҳазиллашма, чато-рингни чиқараман, деган оҳангда. — Қачон?

— Бирор беш минутча бўлди-ёв.

Йигитнинг гапига ишониб-ишонмай, у автобусини елдек учуриб кетди.

У қувиб етганда, новча эндигина етти-саккиз одам-га патта йиртганди.

Мутал сарик машинасини олдинроқ ўтказиб қўйиб, ўзига ишонган бир тарзда ғўддайиб пастга тушди. Қўлларини белига тираб, бериги автобуснинг қарши-сига келиб босди. Бутун турки-тароватидан, кани, бир кўрай-чи, бу энаси байтол ким бўлди экан, деган ифода барқ уриб турарди.

Ҳозиргина хожатбарор ҳайдовчини олқишлаб ўти-ришган одамлар, таниш автобус пайдо бўлиши билан

гув этиб ташқарига интилишди, бир-бирини уриб-суриб, узокдаги қўнғир тусли қирларни мароқланиб томоша қилиб турган шоирни туртиб ўтиб, нариги автобусга отилишди. Бикинига қаттиқ туртки еган шоир ёнига мункиб, булок сувидан ҳосил бўлган қўлмакка йиқилиб тушаёзди. Ҳартугул, бир амаллаб ўзини тутиб қолди. Одамлар ортидан хайрон боқаркан, қўли симиллаб оғриётган бикинида, донишманддона бир қиёфада таассуф ила бош чайқаб қўйди.

Энг охирида бўйнига осилган пул йиғар сумкасини саланглатиб новча тушиб келди. Бирдан тушмади, бир оёғи қуйи зинада, бир оёғи ичкарида, узун қадди алланечук шалвирарган, кўзлари қаншари остидан ҳадикли жавдираган, шу созда бир оз қотиб турди-да, сўнг ботиниб-ботинмай ерга оёқ қўйди.

— Ҳа-а! — деди Мутал сарик нописанд, ўз навба-тида, таҳдидли оҳангда. — Миясига қурт тушган қўйдаин бу томонларда сермаланиб юрибсан?!

— Сизди... тўйга кетган дейишувди-ку. — деди новча уни кўрмаётгандек кўзларини пирпиратиб.

— Ким айтди? — Мутал сарикнинг қўнғиртоб қуюқ кошлари тутатиб, кўзлар ёвузона чакнади. — Ким экан у, энаси тайхар?

Шофёр зоти борки, чақимчиликни ёмон кўради. Бундай одам ҳар қандай жамоада ҳам обрў тополмайди. Айниқса, шофёрларнинг жини севмайди буларни, ҳар қадамда панд беришга тиришишади. Мана шу боис, новча оғир аҳволда қолганди — айтса, бир бало, айт-маса, минг бало... У соқоли қиртишланмаган иягини қирт-қирт қаширкан, оғирлигини бир оёғидан иккинчи оёғига солди, одамни кўп қийнаманг, деган маънода Мутал сарикка илтижоли тикилди. Бунга сари у бат-тар зуғум қиларди.

— Ким айтди деяпман?! — Мутал сарик ваҳимали вазоҳатда олдинга бир одим ташлади. — Нима, тилинг-ни мол босганми, гапир тезроқ!

— Тўйга кетган бўлсангиз... сизни хурсанд бўлади деб ўйловдим, — деди новчанинг овози паст тушиб.

— Хурсанд бўламан? — Мутал сарикнинг кошлари беўхшов керилди. — Нимадан?

— Ўрнингизни билдирмай дедим-да.

— Ишқилиб, Мутал ўлди деб ўйламабмидинг?
— Ундай деманг, худо асрасиний!
— Нега унда бировнинг маршрутига бурун тикиб юрибсан?

— Айтдим-ку, ўрнингизни билдирмай деб...
— Ий-й, ўрнимни билдирмагич сени энангни... — Мутал сарик кўпол сўкиш қилди.

Новча хадемай бошига мушт тушадигандек кўнишиб, ортига тисарилди.

— Билмай қопман, ака кечиринг, — деди зўрға.

— Ув-в! — Мутал сарик уни ўзи томон тортди. — Бу маршрутда мен ўн йилдан бери қатнайман, тушундингми, ўн йилдан бери. Шу дамгача хали биров тумшук сукмокка ботинмаган! — Энди сен, ярамас махлук, нонимни яримта қилмокчи бўлдингми! Солайми жағингга, а?!

— Кечиринг, ака! — жисмидан андоза олгандек, овози ҳам жонсизланиб борарди новчанинг. — Одамлар кутиб қолган экан... ўрнингизни билдирмай деб... Айбдорман, ака.

— Яна ўша гап! — Мутал сарик унинг кўзларига қаттиқ тикилди. — Кутса кутавермайдими! Уларнинг иши кутиш. Бизнинг ишимиз эса бир-биримизнинг кўзимизга чўп сукмаслик. Шуни тушунасанми? Ий-ий, қаллангни сени... Чала туғилган махлук! Қани, энди айт. Ким айтди мени тўйга кетди деб? Энасини учқўрғондан кўрсатаман мен унинг!

Бу хол шоирнинг кўз ўнгида содир бўлмокда эди. У оғриётган биқинини эсдан чиқариб, гоҳ Мутал сарикка, гоҳ ночор ахволда қолган новчага боқаркан, бирдан кўнглида шоирона нафрат кўзғолди: «Шахс хўрланмокда!» Унинг олижаноб қалбида бу тенгсизликка қарши исён уйғонди.

— Мен айтдим! — деди новчага очикдан-очик ҳамдардлик туюб.

Хайратдан Мутал сарикнинг ўнг қоши бир кўтарилиб тушди. Бу ўзи ким бўлди, деган маънода унга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқди.

— Қайси гўрдан кеп қолди, бу жипирик? — деди сўнг.

Шоир ўзини қаттиқ ҳақоратланган ҳис этди. Бир

хаёли Мутал сарикнинг бақрайган башарасига боплаб бир мушт туширмоқчи ҳам бўлди. Аммо зарбаси чивин чакқанчалик таъсир этмаслигини сезиб, ичида алами келди. Кўмак истаб, аллақачон автобусга жойлашиб олган одамларга қаради, қарашида, автобусни мен сизлар учун гаплашгандим, бу эса мени ҳақорат қилапти, деган ифода баралла акс этиб турарди. Бўлаётган ҳангомани дераза оша бир қадар лоқайдлик, бир қадар кизиқиш билан кузатиб турганлар унинг кўзларидаги илтижони пайқамаганга олишди. Бундан шоирнинг андаъ руҳи тушди: «Муштлашув юз бермагунча мана шунақа без бўлиб ўтираверадилар бўлар,» деб ўйлади ичидан зил кетиб. Аммо энди ортга чекиниб бўлмасди. Мутал сарикнинг куйдирувчи ўткир нигоҳини, нақ гарданида-ҳис этаркан, у томон кескин ўгирилди.

— Шахсиятимни ҳақорат қилишга сизга ҳеч ким ҳуқуқ бермаган! — деди кейин ҳар бир сўзини чертиб-чертиб. — Оғзингизга сал қараб гапиринг!

Мутал сарик унга энди ошқора кизиқиш билан тикилди.

— Нима деб чулдираяпти бу чулчут?

Новча ожизона ишшайди. Автобусдагилардан кимдир пиқ этиб кулиб юборди. Унга бошқаси кўшилди.

— Муталвой, бўлинг, кетдик, айтишманг шулар билан, — деди кимдир кулги орасидан.

Шоирнинг миясига қон тепди. Ҳақоратдан эмас, кулгидан ғазаби келди. Ох, қанчалик ожизлик, қанчалик елпатаклик, деб ўйлади қаҳри ошганидан ошиб ва жўжажўроз қичқиргандай, хунук, ингичка овозда бакириб юборди:

— Э, одам эмас экансилар!

Табиий, бу гапни Мутал сарик ўзига олди. Ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмасдан шоирнинг кулоқ-чаккасига шарақлатиб кўйиб юборди. Шоир йўл четидаги кизиган шагаллар устида юзтубан ётаркан, таҳқирланган қалбида аёвсиз қасос кўзғолганини ҳис этди. Шу қасос оғушида ётган жойида тимирскиланиб, тош кидираркан, чиройли ибораларга кўниккан тили сўкинмоқдан истиҳола қилмади. Бироқ сўкиниб сакраб турган жойида

яна ерпарчин бўлиб тушди. Кўлидаги тош учиб кетиб, бошқасини олди.

Иккинчи бор туришида Мутал сарикни одамлар орасида кўрди. Улар бамисоли шердай хурпайиб, хезланиб келаётган Мутал сарикни зўр бериб тинчитишга уринишарди. Одамлар орасида оғзидаги носини тупуришга улгуролмаганидан лаби дўрдайиб, икки оғиз сўзни эпакага келтиролмай, нукул шу-шулаётган бакалок ҳам бор эди.

Новча шоирнинг кўлидан тошни юлқиб олди. Қора-тўрдан келган бир йигит уни ортга сурди. Шоир беҳуда тиршанглаб, олға интиларкан, ожизу заифлигини яна бир карра чуқур ҳис этди. Йиғламокдан бери бўлиб, шаҳардаги боксчи дўстини эслади. Агар у хозир ёнида бўлганида эди, манави безбетни бир зарб билан асфальтга чўзилтириб кўярди! Ўйидаги тилига қуйидаги тарзда кўчди:

— Шаҳар борсанг, онангни кўрсатаман!

Мутал сарик кулди. Унга кўшилиб бошқалар ҳам хиринглашди, ялтокланиб хиринглашди. Нега деганда, Мутал сарик ўзлариники, ҳар куни керак у. Чехраси бежирим, сочи ўсиқ аллақандай йигитчанинг тарафини олиб зарил кептими уларга. Ўзи бу бола ким? Мехмонга ўхшайди. Мехмонга кўл кўтариб, Мутал сарик кўп хунук иш қилди-да. Лекин унга гапириб бўларканми, жини кўзиса, бирор ўнгирга тушириб қолдиришдан ҳам тоймайди. Керак пайтда атай тўхтамай ўтиб кетади кейин.

Мутал сарик одамлар қуршовида автобус томон юрди. Голиб киши сифатида солланиб-солланиб юрди. Орада нимадир деб одамларни кулдирди. Барибир кимнингдир шоирга ичи ачиди.

— Мехмон, юрмайсизми? Юринг!

Шоир хайкирди:

— Чикмайман автобусига! Суф-ф сизларга! Онги ожиз елпатаклар!

Автобус ортидан кўкиш тутун пуркаб кўзгалди.

— Ким экан у?

Барчанинг хаёлида айланаётган саволни хайдовчига яқинроқ ўтирган киши берди.

— Китоб ёзадиган шоир экан, — деди аллақачон

тили тагига мўлгина нос ташлаб олган бакалок ва
ошикмай қўйнидан шапалокдай китоб чикарди. —
Менга китобчаям берди. Фамилияси...

Қўшни ўринда ўтирган биров ундан китобчани
олди, вараклади. Сўнг уни ўзидан сал узоклатиб,
шапқур одамдай кўзларини сал кисиб турди-да, ярим
овозда номини ўкиди.

— «Мухаббатим сизга одамлар»!

Аммо унинг овози гала-ғовур ичида кўмилиб кетди.
Одамлар кула-кула шоирнинг калтак егани-ю, новча-
нинг канчалик ўсал бўлганини мавзу сифатида чай-
нашга тушгандилар.

Бакалок ўзига узатилган китобчани қўлига олар-
кан, шунчаки вараклаб, қайта чўнтагига солиб қўйди.
Кейин оғзидаги носини тупурмок ўйида дераза томон
интилди. Бироқ дераза ҳўппасемиз аёл томондан тўсиб
қўйилган эди. Оёғи тагига тупурмоқчи бўлди-ю, аммо
олдинги кўзгудан Мутал сарикнинг жиддий башараси-
ни кўриб, тагин шаштидан қайтди. Мутал сарик са-
лонни булғатганларни жинидан ёмон кўради, pista
чакканларни ҳеч гапсиз-сўзсиз йўлда тушириб қолди-
ради. Шунда бакалокнинг эсига китобча тушди. Қўйнига
қўл солди. Китобчанинг дуч келган варагини йиртиб,
карнай қилиб ўради-да, унга туфлаб, очик деразадан
ташқарига улоқтирди.

Тоғ эпкини булғанган қоғозни асфальт йўл бўйлаб
учириб кетди.

Бу пайтда шоир йўловчи юк машинасида ортдан
келарди. Ғамгин, эзилган. Тиззаси ўстида, сумкасида-
ги китоблари эса кераксиз юкдай, ортик уни қувонтир-
май қўйганди.

ТУГАТИЛМАГАН СУРАТ

Бешинчи қаватга чиқиладиган зина тор эди. Аслида
унчалик тор ҳам эмасди-ю, лекин Асадга шундай туюл-
мокда эди. Зина экан, шу тобда, бутун олам тору танг
тортган, кўзи илғанган жамики нарса мўрт ва омонат,
борлиқ эса кир деворлардангина иборатдек эди. Кай-
фияти юзига тепчиган, тушқин, афтидан, гўё кимни-

дир ноҳақ ранжитгандай, ички бир қизганиш ва дард билан супуриқсиз зиналарни бир-бир босиб юқориларкан, салгина шовқиндан пешонаси тиришар, зина тўсигини чангаллаган бўёқ юки бармоқлари титраб-титраб кетарди.

Ҳозиргина у, унинг таъбири билан айтганда, мольбертни қон йиғлатиб, оппоқ сурп юзидаги нуроний қиёфа устига қора чизик тортиб чиққанди. Ўзига қолса-ку, асло бундай қилмаган, ёруғ кунни қора тунга, қора тунни оппоқ тонгга улаб бўлса-да, ҳафтадирки, чиқмай қонга ташна қилиб юборган суратни ниҳоялаш ниятида эди. Ижод оламининг ўзига хос инжиқ хусусияти, чиқмаган айрим суратлардек, вақтинча уни четга суриб қўймоқчи эмасди. Бир амаллаб бўлса-да, тугатмоқчи эди. Сирасини айтганда, сурат деярли битган, фақат кўзлар... Нигоҳ қаъридан уфуриб турган совуқликни йўқотолмай гаранг эди у. Қизик, отасининг қарашлари шунчалик тўнг ва қаттиқмиди? Тўғри, бўёқлар ёнида ётган кафтдек суратда у ўта жиддий қиёфада акс этган, аммо ҳаётда бағоят дилкаш, кўзлари тугил юзидаги ҳар бир ажиндан илиқлик ёғилиб турмасмиди? Мольбертдан узоклашганда, ё бўлмаса, аразлаган ёш боладай полга чўзилганда, ушбу қиёфа тасаввурида аниқ жонланар, ишга қўл урди дегунча эса, негадир, мўйқалам остидан тикондай қаттиқ бегона нигоҳ қалқиб чиқаверарди. Неча-неча бор додлаб юборай демади у. Аммо табиатан босиқ бўлгани боис, ҳар сафар жазавадан ўзини тияр, яна тонг бўзармай мольберт қаршисида михланарди. Қолаверса, бу ёқда муддат оз қолган, бурчакдаги телевизор устида ётган бир энлик қоғоздаги қисқа жумла ортиқ ҳаяжонланишига изн бермасди. Хабарга кўра ўзи ўқиган мактабга отасининг номи берилмоқчи экан. Лекин унда сурат сўралмаган, бор-йўғи ўша кунни етиб келиши илтимос қилинган, холос. У қуруқ қўл билан боришни истамай, рассом ўнил сифатида мактабга отасининг суратини ҳадя этмоқчи эди. Бироқ унга мудом ҳалақит беришарди.

Бугун ҳам шундай бўлди. Аввалига ётоқхона ҳаётининг бир маромдаги ғувурини нимадир тарақлагани бузди. Сўнг хотинларнинг шовқини эшитилди. Қарғи-

шу ҳақоратлар гўё оламни тутди. Аёлининг овозини таниб, у йўлакка чикди. Анора қўшни аёл билан жиққиллашаётган экан, турткилаб ичкарига олиб кирди. Кейин унинг дийдиёсига парво қилмасликка тиришиб, мольберт рўпарасига чўкди. Бирпасдан сўнг мўйқаламини четга улоктириб, алам тўла кўзларини суратга қадади. Йўк, бу отасининг қараши эмас, унинг кўзларига дунё сиғарди. Бунга эса... У беихтиёр инграб, сурат юзига чизик тортиб юбораркан, чора истаб атрофга аланглади. Шунда эсига бешинчи қаватдаги узун ва кенг айвон тушди. Айвондан шаҳар четидаги тоғлар яққол кўзга ташланади. Тоғларга бокса, кўнгли хамиша оройиш топади. Ётоқхонанинг турфа ғалвага тўла ҳаётини унутгандай бўлади.

Асад шу ўй, шу умидда зиналардан юқориларкан, окшом мукаррар юз бериши мумкин бўлган можарони ўйлаб, юраги баттар сиқиларди.

Аёлларини ажратиб, тўполонга чек қўйган эса-да, жанжалнинг зўри қўшни аёлнинг эри ишдан қайтгач бўлади. Хотинининг ёлғон-яшиқ гапларидан пишанг олган эр окшом худди кечагидай эшик қокиб келади. Тақиллатиши зардали, боқишлари қаҳрли, оғзининг икки чети кўпикланган, хотинингни тиясанми-йўқми, дея бақиради. Кейин ҳар ғалгидек гапига жавоб кутмай, ўдағайлашда давом этади. Асаднинг азалдан жанжалга тобе йўк, ижод билан машғул пайтда эса бутунлай одамовига айланиб, гап англамайдиган даражага этади. Боз устига, худо уни куч-қувватдан сиқмаган. Табиий, кучли одам турли хашаваю, дўк-пўписаларга анчайин бепарво қарайди. Қўшниси унинг бу ҳолатини ўзича тушуниб, баттар авжланади. Истаса, уни алланималар қилиб ташлашга шаъма қилади. Шаъмаси аччиқ ичакдай чўзилиб, ғазабдан қийшайган оғиздан кўпириб, кўпикланиб чиқаверади. Қисқаси, қўшниси гап билан ёруғ кунни қора қуюнга айлантиради, уни ерга кўмиб, сувга чўктиради. Этини бурдалаб, суяқларини майдалайди. Қани энди, Асад бу гапларни тузукрок фаҳмлай олса, Мияси қарахт, қўшнисига меровсираб тикилади. Қўшнисининг бутун борлиғи оғизу, тарвақайлаган башарага жамлангандай туюлади. Таажжубланиб унга бошдан оёқ кўз солади. Шунда

унинг оёклари калта ва йўгон, қўллари эса гавдасига номуносиб тарзда узун эканлигини пайкайди. Бу қусури тинч вақтда сезилмай, бунақа пайтда аниқ кўзга ташланишидан ажабланди. Бўғриқиб жавраётган шўрликнинг юзига тупургандай қилиб, «маймун» деги-си келади. Бироқ буни ўзига эп кўрмай, андиша қиладди. Сўнгра бирдан унинг бу қадар жазавага тушишидан хайрати ошади: «Намунча кучанади бу, а? Нима бўлувди ўзи?» Аммо жанжалга сабаб бўлмиш воқеа шу қадар майда эдики, тезда эсига туша қолмайди. Ўйлай туриб, қўлидаги мўйқаламнинг кети билан иягини қашлай-қашлай, орада очик эшикдан хона тўридаги мольбертга ўрнатилган суратга қараб олади. Суратдаги тўнг нигоҳ ёқмай, беихтиёр шивирлайди: «Чикмаяпти!» «Сўкинма! — дейди кўшни буни ўзича тусмоллаб. — Комендант ошнам деб, хаддингдан ошаверма, керак бўлса, у билан ҳам гаплашиб қўямиз». Комендант номини эшитиб, у аввалига хайрон бўлади, сўнг унинг таклифига «хўп» деганига ачинади. Бир хаёли чўнтагидаги калитни қўшнисининг башарасига улоқтирмоқчи бўлади. Қизғанади. Мехнатим эвазига-ку, деб ўзини овутади.

Ётоқхонани безатишда унинг беминнат меҳнатидан фойдаланиб келаётгани учун ўн кунча бурун комендант Асадга гадойнинг тўрвасидай торгина ёрдамчи хонани таклиф этганди. Тўрт киши кирса, бешинчи одам айланишга жой тополмайдиган шу арзимас бўлма катта тўполонга сабаб бўлади. Унинг талабгорлари кўпайиб, аввалига аёллар, сўнг эркаклар комендантни ўртага олишади: «Нима унинг шохи борми, қўшимча хона берасиз?» — дея бўкиришади, кичқиришади, бакиришади. Комендант бўш келмайди: «Рассом у, — дейди ҳақиқат учун курашаётган шоввоздай, ҳаммадан баланд кичқиришга тиришиб. — Ким билади, эрта бир кун миллатнинг фахри бўлар у. Юрасанлар кейин мактаниб, фалончи билан бир вақтлар қўшни бўлгандик деб». Табиий, бу гап зиғирча таъсир этмайди. Қўшнилари унинг ўзигаям, чизган суратларигаям тупуришларини, қўшимча хона ўзларига жуда зарурлигини очик изҳор этишаркан, кимдир бола-чақасини, кимдир эса корхонада кўпроқ ишлаб қўйганини рўқач қилиб,

хар қайси ўз даъвосини олдинга суради. Аммо оғиз мингта, лукма эса битта дегандай, калит барибир Асадда қолади. Бўлма машмашаси хануз тутаб тургани боис, у анжомларини кўчириб киришдан ҳамон ийманиб келарди.

Асад калит турган чўнтаги устини кафти билан пайпасларкан, қўшниси хона важдан кўнглида чексиз адоват сақлаб келаётган эсада, бугунги жанжалнинг сабаби бутунлай бўлак эканлигини англайди. Кўрсаткич бармоғини букиб, чаккасини қашлайди: «Жанжал нимадан чикувди, а?» Бу ҳаракатини ўзича фаҳмлаган қўшниси баттар оловланади. Шу пайт унинг чап бети сояланиб, қаватида яна бир асабий киёфа қўшни аёлнинг гезарган турки намоён бўлади. Шундагина воқеа эсига тушиб, Асад оғрикли жилмаяди. Қўшни аёл эрталаб ўғилчасининг йўлакда қолдирилган велосипедига қокилиб кетган. Бор гап шу.

Асад жилмайиши билан қўшни аёлнинг юпка лаблари пириллаб ҳаракатга келади-да, тор йўлак шанғи овоздан жаранглаб кетади: «Нега тиржаясиз?!» У жавоб қайтаргунча бўлмай, чап елкасида шарпа илғайди. Кўз қири беихтиёр ўша томонга оғиб, Анорани кўради. Қаҳрланганида, аёлининг чехраси ғоят хунук тус олишини гўё энди кўраётгандек, унга ажабсиниб боқади. Хаёлидан ё, тавба, ғирт алвасти-ку бу, деган ўй ўтади. Кейин ўйидан ўтганини қарши томон укиб қоладигандай, хавфсираб уларга қарайди. Қўшнилариининг турки-таровати аёлиникидан тузук эмаслигини илғаб, ўзини ёввойи йиртқичлар орасига тушиб қолгандек ҳис этади. Этак силтаб боши оққан томонга қочиб кеткиси келади. Йўк, кетгани қўйишмайди. Хотинлар пайдо бўлиши билан қайта бошдан куч олган жанжал ўпқони уни тобора ўз заптига торта бошлайди. Қўшни эркак ер тепиниб, унга бўкиради: «Мановунингни тиясанми, ё дабдаласини чиқарайми?» Унинг чиранишидан Асаднинг кулгиси кистайди. Бир ўйи, ёқасидан тутиб, йўлак тўрига улоқтиргиси келади. Тагин ўзини босади. Қўшниси эса энди ҳар иккала қўлини пахса қилиб қичқиради: «Тилини тиймаса, ёмон қиламан лекин!» Ҳақиқатдан вазоҳати шер тусига кириб, озгина имога махталдек туюлади. Аммо Аноранинг захар-

дан аччиқ лукмасидан сўнг ҳам негадир ҳаракатга кела олмайди. Бамисоли шердан итга айланиб, яна акиллашда давом этади.

Асад ҳар иккала томондагиларга зимдан-зимдан боқаркан, ғазабкор нигоҳларнинг ғоят танишлигидан таажжубланади. Кўз кўрган танишлик эмас бу, балки бир-бирига ғоят ўхшаш ва бу ўхшашликни яна қайдадир учратганга хос танишлик эди. Қаерда кўрган экан, а?... Ва бирдан хона тўридаги мольбертга бириктирилган сурат эсига тушиб, ўша ёққа илкис ўгирилади. Ё дариг, ахир бу нигоҳларни ўзи яратган-ку! Отасининг кўз қарашларини чизаман деб, айни шу тўнг нигоҳларни неча-неча бор акс эттирмади. Куну тун адоват тўла нигоҳларга рўпарў келаверсанг, бу ёруғ олам шу хил қарашлардангина иборатдек туюлиб, кўлинг ўз-ўзидан кетиб қолаверар экан-да.

У бу ҳақиқатни фавқулудда англаб, асосий айбдорларни топгандай, теварагидагиларга зардали боқади. Ижод қилишимга ҳалакит бераяпсилар, деб ҳайкиргиси келади. Бирок бу хил дил фарёдининг атрофдагиларга сариқ чакалик кадри йўқлигини фахмлаб, ўз вақтида тилини тияди. Қалб ёзғирини ўта жўн тарзда ифода этади: «Кеча жанжал, бугун жанжал, уялмайсиларми!» Гапи эътиборсиз қолади. Бу вақтда кўшни аёл Анорага эски бир аламини рўқач қилиб, шанғиллаётган бўлади. Қахрдан гезарган афти шу даражада хунук ва тасқара эдики, Асад ихтиёрсиз равишда кўзларини олиб қочди. Дўриллаб воқеага ўз муносабатини билдириб турган эрига раҳми келиб кетади. Жаҳлга бўйсуниб, унинг тумшугига мушт тушурмаганидан ичида суюнади: «Нимасини ураман буни». Шу ўйдан сўнг юзида эрмакловчи табассум пайдо бўлади-да, ўжар укасини тинчителишга уринган ака қабилда, кўшни эркакнинг белидан даст кўтариб, хонасига обориб ташлайди. Кўшниси унинг бекиёс кучини вужудида хис этса-да, бўш келишни ҳаёлига келтирмайди: «Кўпам кучингга ишонаверма, кўрганмиз сендан зўрлариниям», дея ортидан бакириб, эргашиб чиқади.

Асад тушқин ва эзилган бир ҳолатда зиналардан юқорилар экан, бу ҳол узоқ давом этмаслигини, бирор кун тоқати тугаб, кўшнисини бошлаб дўппослашини

билади. Бу нарса балки бу окшом юз берар. Нима бўлсаям суратни тезрок тугатиш керак, акс холда жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. У шу ҳаёлда зина санаб бораркан, дастлаб шу зина жуда кенг туюлганини ҳасрат билан эслади. Деворлар ҳам бу қадар сикмасди. Барча нарсадан янгилик ва яна алланималарнинг бўйи анкиб турарди.

У бу ерга биринчилар қатори кўчиб келганди. «Оилавий ётоқхона» деб аталмиш бу бино бошқа ётоқхоналардан икки биқинидаги узун ва кенг айвонлари билан фарқланади. Асадга иккинчи қаватдан жой теккан эсада, ўшанда у бутун бинони айланиб чиққан, бешинчи қаватнинг кун чиқиш тарафидаги айвонга ўтаркан, қаршисида юз очган манзарадан юраги ҳаприкиб кетганди. Олисдаги фусункор тоғлар, унга туташ кўнғир тус қирлар, кўксини дарё тилган кенг дашт худди кафтдагидек кўзга баралла ташланиб турарди. Чап ёнидаги завод бинолари-ю, кўкка бўй чўзган қўш қувурдан кўтарилаётган қора тутун ҳам бу манзарага дахл қилолмас, тоғлар қаршисида завод тугул шаҳарнинг ўзи ҳам ғариб кўринарди. Тоғларни завк билан томоша қиларкан, бешинчи қаватдан жой тегмаганидан ўкинганди, пастга тушиб, аёлига ўз туйғусини қуйидагича ифода этганди: «Бешинчи қаватдагиларга маза экан, тоғлар кўринар экан у ердан». Хонани безатиш билан банд Анора унинг завкига аҳамият бермаган: «Манову ерга диван қўямиз, — деган. — Анову бурчакка шкафни. Ойнани эшик қаватига ўрнаштирсак ҳам бўлади». Асад эса деразага ҳаёлчан термилиб, ўзиникини маъқуллайди: «Шаҳардан туриб тоғларни кўриб бўлмас деб ўйловдим. Йўқ, кўрса бўларкан. Дам олиш куни ўша томонга ҳайё-ҳуйт деб жўнаб қолмаймизми? Баҳонада, у-бу нарса қоралаб келардим». Аёли жавоннинг силлиқ сиртини сийпалаб, бошини сараклатади: «Қаранг, манову ери тирналибди. Айтдим сизга, опкелишда эҳтиёт бўлинг, деб». Эр ўйчан дейди: «Лекин бизнинг тоғлардан пастрок экан. Барибир тоғ-тоғ-да, қараган сайин баҳри-дилинг очилади». Шу куни иккиси икки ҳаёлда бўлсалар-да, бир-биридан асло ранжишмаган, негаки, бири тоғларни кўра олишидан, бири эса бошпанали бўлганидан мамнун эдилар.

Ўша кундан эътиборан Асад тез-тез юкорига кўтарилиб, тоғларни узок-узок томоша қилиб ўтиришни одат қилди. Тоғлар билан бахтли эди у. Бироқ кейинги пайтда унинг бу бахти хийла омонатлашган, айвоннинг хўжайинлари пайдо бўлиб қолганди.

«Айвон хўжайинлари»ни сўнгги зинага оёқ қўйгандагина эслади. Дилгир кайфияти яна-да хуфтон тортди. Аммо изига қайтишни хаёлига келтирмади. Тоғларни кўрмаса хафагарчиликдан юраги тарс ёрилиб кетадигандек эди.

У нимқоронғи йўлак бўйлаб бораркан, нарда тахта-сининг тарақлашидан айвонда одам борлигини узокданок пайқади. Тагин ғиди-биди бўлишини сезса-да, оқшом қўшниси билан юз берадиган можаронинг хиссасини ҳозирданок чиқармоқчидай, қайсар бир кайфиятда илгарилашда давом этди: «Нима, бирор нарсани еб қўярмидим, — дея ғўлдиради. — Қарайману изимга қайтаман. Фақат анову барзангини кўрмасам, бас. Ёмон жиғимга тегаяпти, ярамас. Гинг деса, аяб турмайман. Раъйига қараш йўқ энди. Жойни худди сотиб олгандай каттазанглик қилади-я. Нечанчи қаватда яшайсан эмиш. Нечанчи қаватда яшашимни кўрсатиб қўяман!»

— Нечанчи қаватда яшайсан, э?

Илк бор учрашув беш кун бурун мана шу тарзда юз берганди. Асад бел баравар айвон тўсиғига кўксини ташлаб, тоғларни мароқ билан томоша қилмоқда эди. Ўгирилиб, айвоннинг узок бурчагида кур тиккан ўн чоғли йигитни кўрди. Бари уй либосида, тағларида пастак-пастак курсичалар, хонтахта янглиғ ўртадаги столда бўшатишган шишалар, таом қолдиқлари, сочилган қарталар, нарда донолари. У савол эгасини тусмоллаб, тўрда ўтирган қора барзанги йигитга қаради. Барзангининг нигоҳида кибр ва лоқайдлик шу даражада коришиқ эдики, нимадир чайнаб, қимирлаётган лунжини демаса, тошхайкалнинг нақ ўзи эди. Лунж ҳаракатдан тўхтаб, калин лаблар нописанд қимирлади.

— Қайси қаватда турасан деяпман?

Асад икки бармоғини кўрсатиб, пастга ишора қилди.

— Нима, силарда балкон йўқми? — дея. гапга

аралашди унинг қаватида ўтирган сарик, жиккак йигит.

— Бору, лекин у ердан тоғлар кўринмайди. — У шундай дея кунчиқишга ишора қилди. — Бу ердан... қаранг, қанчалик чиройли манзара.

Давра аҳли бараварига бошини ўша томонга бурди. Бирок ланж ва лоқайд нигоҳларга завқ инмади. Шунчаки қараб қўйишди, холос.

— Шунинг нимасини томоша қиласан? — деди кимдир.

— Чиройли-ку жуда! — Асад енгил хўрсинди. — Жуда гўзал ва улғувор!

Жиккак йигит барзангига ялтоқланиб, хиринглаб кулди.

— Томи кетганми дейман.

— Бу ерда бошқа ўралашма! — деди барзанги.

— Сабаб?

— Бизга тегишли бу ер.

— Сотиб олмагансиз шекилли.

— Нервга тегма.

— Яхшиликча айтаяпмиз.

— Бор, қайфни белига тепма.

Асад дарров кетмади. Тоғларга бокди — фусункор, салобатли, пастга қаради — одамлар бамисоли чумолидай ўрмалашиб юрибди. Тоғлар қаршисида улар майда, жуда майда эди.

• — Қайфни бузаяпсан, братан!

Ўшанда у ноилож айвонни тарк этган. Хатто ўзини бир қадар айбдор санаган, улфатларга ҳалақит бердим шекилли, деб. Аммо уларнинг қилигидан ўта ажабланган: «Бунча феъли тор буларнинг, а?!» Ўша куни мольберт қаршисида узоқ ўтиролмай, иккинчи қаватнинг айвонига чиққан. Қаршисида хунук манзара-ахлатлар яшиги қалашиб ётарди. Айвоннинг бир чеккасида эса икки нотаниш йигитча сўзлашиб турарди. Асадда аҳмокона эгалик ҳисси кўзғалиб, уларга адоватли тикиларкан, бир ҳаёли хайдаб юбормокчи ҳам бўлди. Сўнг бу ўйи ўзига эриш туюлиб, хахолаб кулиб юборганди: «Нима бало, ёмон феъл юкумли бўладими дейман?..»

У нимкоронғи йўлакни охирлатиб, айвонга чиқар-

кан, ўжарлик хиссини босиб, салом беришни унутмади. Давра тугал эмас, чамаси беш-олти йигит кундалик маишат билан банд эди. Асад, ҳозир кетаман, деган маънода ишорат билдириб, айвон тўсиғига яқинлашди. Тоғларга боқиб туриб қолди.

— Братан, — деди давра ахлидан кимдир. — Нима йўқотдинг бу ерда?

— Ҳозир кетаман, — деди Асад тоғлардан кўз узгиси келмай. — Кетаман ҳозир.

— Ҳалиям қоласан демаяпмиз, — деди яна ўша овоз. — Умуман, нега бу ерда ўралашиб қолдинг?

Асаднинг энсаси қотиб, жавоб беришни лозим топмади. «Нима, кармисан?» деган лўқмадан сўнгина даврага кўз қирини ташлади. Тажавузкор, совуқ нигоҳларни кўриб, чиқмай қийнаётган сурат тарин эсига тушди. Аламдан ичи зирқираб кетди: «Нега мудом ҳалакит беришади?»

— Сенга айтаяпмиз, ув!

У энди даврага рўйи-рост ўгирилди. Рангги оқариб, бакириб бергиси келди. Аммо ўзини босди. Чўнтагидан сигарет олиб тутатди. Давра ахли бежо тикилиб турарди. Қўлларида чийланган қарта, лабларида сигарет, тезроқ қораси ўчишини кутарди. Агар шу топда Асад бир оз қайсарланиб қўлдираб, сўқиниб кетса-да, фик этишмасди. Энг муҳими, кўздан йўқолса бўлди. Шунинг билан уларнинг эгалик ҳуқуқлари тўла қаноатланиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, яна ўз эрмакларига тутинишади. Мабодо, иш тескари кетса, бир-биридан пишанг олиб, ташланиб қолишдан ҳам тойишмасди. Бунга била туриб, Асад кетишни хоҳламади. Пастга тушиб аёлини ҳам, эшигини қарс-курс очиб-ёпиб, қириб чиқаётган аламзада қўшни аёлнинг кўришга тоқати йўқ эди. Шунингдек, бекорга қўчада санғишгаям хоҳиш сезмас, бирдан-бир истаги, узокдаги тоғлардан таскин ва ором олиб, неча кундирки аёвсиз қийнаётган дардисар суратни тезроқ битказиш, оғир рухий юкдан ҳалос топиш эди. Бироқ бу истагига даврадагилар изн бермас, тикондек нигоҳларини мисоли ўқдек қадаб, тезроқ даф бўлишини кутишарди. Турган гап, бунақада кўнгил оройиш топмайди. Умуман олганда, кўнгил хоҳиши ва эркинлигига зуғум қилишга уларнинг нима

хаққи бор? Айвон умумники, ҳеч кимга хатлаб берилмаган, қайси гўрдан хўжайин чиқиб қолишди булар? Шу ўй хаёлидан ўтаркан Асад қайсарлик билан қайта тўсиққа суянди.

— Итлик ҳам эви билан-да, — деди ранжиган оҳангда, уларга қарамай. — Худди сотиб олгандай, бунча пешгирлик қиласилар. Бирпас тураману кетаман. Ётиб қолмасман, ахир.

— Нима дединг? — жиккак йигит қўлидаги карта-ни стол устига ташлаб, ўрнидан ирғиб турди. Бирок шериклари кўзгалавермагач, қайта жойига чўкди. Кейин ёнидагиларга қараб деди: — Эшитдингларми, ит деди бизни. Равил эшитса, нима деган одам бўламиз. Бундан кўра ўлганларинг дуруст демайдим. Равил келсин, тиккалай сўяди буни.

— Ув, эшитдингми, энди ўзингга кафан бичавер!

Асад ич-ичидан хуруж қилиб келаётган алам ва ғазабини базўр жиловлаб, даврага ярим ўгирилди.

— Равил деганинг анову барзангими? — деб сўради сўнг, жиккакка истехзоли тикилиб. Тасдиқ ишорасидан кейин, ҳафталик изтиробни маддалаб, ёриш даражасига етган эмасми, ҳар бир сўзини салмоқлаб, ғоят босиқлик билан деди:

— Тупураман ўшангайм, сенгайм! Агар туришим ёқмаётган бўлса, марҳамат, ўзларинг гум бўлларинг! Нега турибсанлар, жўнамайсанларми? Ё бу жой ёлғиз силарга дахлдор эканини исбот қилинглари, мен кетай. Ахир ҳамма нарсаниям чеки-чегараси бор, бунча итланишларинг нимаси. Индамаган сайин бетга чопасанлар, а!

Итлар тўдаси бегона жинсдошларини кўрганда не ҳолатга тушишса, ҳозир ҳам шу ҳолат юзага келди. Аввалига ҳаммаси сакраб туришди. Бунақа пайтда ўпкаси йўқлар шошқалоклик қилиб, кўпинча биринчи зарбага дучор бўладилар. Жиззаки шерикларига ишониб, унга хезланиб келаркан, охири дақиқада хатосини англаб қолди-да, ортга чекинди. Хавфсизрок жойда туриб олиб, том маънода аккиллаш бошлади:

— Ҳали биз сенга ит бўлдикми?! Ҳали сен бизга тупурмоқчи бўлдингми! Кўрсатамиз ҳозир сенга итликни!..

Шериклари Асадни тевараклашгач, у яна олдинга югуриб чикди. Қўлларини Асаднинг нақ бурни тагига тўлгаб, бўралаб сўкина бошлади. Кейин бунга ҳам қаноат этмай, тўсатдан унинг юзига тарсаки тортиб юборди. Тарсаки кучли эмасди-ю, лекин мохияти ёмон эди. Асад ҳўрланиш арафасида турарди. Агар жиндек бўш келса, ё бошлаб калтаклашади, ё шафқат қилиб ҳайдаб солишади. Аслида иккиси ҳам бир гўр эди. Бу орада жиккак иккинчи тарсакини туширди.

— Мана сенга итлик! Яна керакми?! Мана бўлмаса!

Аммо у навбатдаги шапалокка улгуролмади. Сабри тугаб, миясига қон қуйилган Асад чапдастлик билан унинг ёқасидан тутди-да, силтаб четга улоқтириб юборди. Сўнг бошқаларга ҳамла қилмокка ўтди. Бирок мушти қаршисидаги ракибининг башарасига етмай, даҳшатли чинкирикдан ўнг ёнига ўгирилиб қарашга мажбур бўлди. Жиккак қўл-оёғи тарвақайлаган ҳолда пастга шўнғиб борарди.

У нима қилиб қўйганини дастлаб англаб етмади. Кейин ҳуши ўзига келиб, инграб юборди. Буни истамаганини айтиб, беҳуда ғўлдиаркан, чинкирикдан кейиноқ ҳамма ўзини йўлакка уриб айвонда ёлғиз қолганини хануз сезмасди. Сизгач эса тўсикқа манглайини тираб, ҳийла туриб қолди. Сўнгра аста бошини кўтарди. Ғам инган нигоҳи узоқларга қадалди. Аммо бу сафар тоғларни кўра олмади. Кўз ўнгини қоплаган туман ортиқ нарсани кўришга изн бермас, пастда эса қўл-оёғи тўрт томонга чўзилганча жиккак тош қотиб ётарди.

ҚИЗ ЎҒИРЛАШ

— Ўлдираман!

Бу хайкирик янграганда, кўча одамга тўла эди. Хотин-халаж бир томон, эркаклар бир томон, ўртада бўйчанг, маъюсликка мойилроқ нигоҳига айни пайтда қатъият инган бир қиз, эғнидаги қизғиш узун қўйлаги бензиндан намланган, оёқлари тагида яримланган чёлак турарди. Қўлида нимочик гугурт қутиси, букилган бармоқлари орасида «ажал чўпи», кўзи эса эркак-

лар тўпида беҳуда тиршанглаётган акасида эди. Бутун авзойидан бирор кимса яқин келса, ўзига ўт қўйиб юбориши яққол сезилиб турарди.

Қиз отасини кутмаган, диккати акасида эди. Ота хайкириб даврага кирганида, каттиқ бир сесканди-ю, лекин ўзини йўқотмади. Қизнинг гугурт тутган бармоклари бежо ҳаракатланиб, яқинлашманг, деган маънода отага тик қаради. Оқарган лаблари титраб нимадир демокқа чоғланди. Демади. Бунинг ўрнига қўлидаги чўпни гугурт сиртига тегизиб, кўкси тўла армону, ўшани ичига сиғдиrolмаётгандек, чуқур бир хўрсиниб қўйди.

Отани тутиб қолишга хали улгуришмаганди. У бостириб келаётган жойида такка тўхтади. Ўзича оралик масофани чамалади. Улгуrolмаслигини сезди. Ғазабдан кутуриш даражасига етган эса-да, қизини аланга ичида кўришни истамади. Ўзини тутиб қолишларини, қолган ҳаракатларини одамларнинг кўзи учун шунчаки қилмоқ истади. Унгача манову тентак кизга худо инсоф бериб қолар, деб ўйлади. Кўз кирида сал нарида, икки норғул йигит қўлида типирчилаётган ўғлига разм солди. Алам ва номусдан қорайиб кетган йигит ташлагудек. Отанинг кўнглида унга нисбатан адоват кўзгалди: «Ўз фарзанди эмас-да, эмасам бунчалик осмонга сапчимасди». Аммо тек туриб бўлмасди. Тек қолса, мана бу одамлар эртага нималар деб валдирашмайди. Зора, қаватимдагилар қимирласа, деган умидда ёнини тимирскилади, пичоғини кидирди. Қидира туриб тагин бўқирди.

— Ўлдираман!

Яланғочланган пичокни кўриб, ёнидагилар хушёр тортиди. Ота бирпасда эркаклар қуршовида қолди. Кимдир билагидан маҳкам тутди, кимдир пичоғини тортиб олди. Бунга сари у баттар ирғишлади. Ақл ва фаросат исканжасида қолган ғазоби қайтадан кўпчиди.

— Қўйворинглар, сўяман! Ўлдираман!

Ўлдириш ҳаёлида йўқ эса-да, ичида қарама-қарши куч бетиним қурашарди. Бир ўйи, бор-да чавақла деса бири, шайтонга ҳай бер, қизинг-ку, дерди. Қизини яхши кўрарди у. Даладан қайтганда, кутиб оладиган

нам, томоғига қарайдиганам шу қизи эди. Аёли то ўрнидан қўзғалгунча, қизи ҳамма нарсани тахт қилиб қўярди. Туш пайтида қизининг мана шу хилдаги меҳрибончилигию, елиб-юғуришлари учунгина қайнок тупроқ кечиб, уйига қайтарди. Қизининг хизматидан хузурланиб, пешона ва кураклари терлаб-терлаб чой ичарди.

Бугун ҳам шу умидда уйига қайтганди. Аввал қизини омбортомдан — «уй қамоғи»дан озод этиб, икки оғизгина насихат қилиб қўймоқчи эди. Назарида, қизи қилмишларидан пушаймон, узр сўрайдигандек эди. Бирок ховлисига етиб-етмай бутунлай ўзга манзара устидан чиқди. Бошда қайсар бу қизни бошлаб таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. Бирок унинг ажал билан юзма-юз турганини кўриб, тайсаллаб қолди.

У ўғли каби кўпам ирғишламаётган бўлса-да, лекин ўзини кутурган айикдай тутмоқда эди. Аммо бу нарса теварагига зехн солишга ҳалал бермасди.

Аёллар тўпида гумбаздай бўлиб турган аёли кироат билан қарғанар, овози баланд ҳам эмас, паст ҳам — худди ҳаракатидек бир хил ва бир текис эди.

Аслида аёли қизга унчалик ачинмаётган эди. Бурч ва жиддигина тилига эрк берарди. Буни сезган отанинг томоғига ёнғокдек нарса келиб такалди: «Ўғайлик қурсин, — деди сассиз инграб. — Қозон бир эсада, кўнгли ҳар хил бўлиб қолавераркан-да...»

У аёлидан нигоҳ узиб, қизига кўз солди. Қиз хануз шу созда турар, эғни ва челақдан бензин ховури кўтарилар, озгина учкундан қизнинг жизғанақ бўлиши турган гап эди.

— Эсингни йиғ, қизим, — деди у ниҳоят бемаъни ҳаракатдан тийиларкан, билақларини бўшатишни ҳаёлига келтирмаган ҳолда. — Отанг тенги одам сенга эпми? Қара, соқоли селкиллаб турибди.

Ота ўз ёшига тенгсиган одам — Уста Расул кўча четидаги симёғоч ёнида, отининг юганидан тутган кўйи зўр хавотир оғушида турарди. Унинг хавотири қиздан эди. Агар ота-бола ғазоби ёлғиз ўзига қаратилганда ва қиз туйқусдан бу қарорга келмаганида, у бу қадар ташвиш тортмаган, ҳарнеки балога пинак бузмай бет бўла оларди. Ҳозир у ноилоҳ аҳволда қолган, қизга

яқинлашмоқнинг асло иложи йўк, гар яқинлашса, тўдадаги йигитлар қўзғалишар, оқибат, кизнинг жонига жабр бўларди. Қиз бошдаёк, «бизга қотинсаларинг, ўзимга ўт қўяман», деб огохлантиргани боис, йигитлар сукутда турардилар. Ота Уста Расулни ўз тенгига менгзаган эса-да, ўртадаги тафовут катта эди. Эндигина қиркни хатлаган бу банда, чиройли кузалган коп-қора соқолини демаса, ёшига нисбатан хийла ёш кўринар, келбатидан эса от хурккилик эди.

— Берман кел, кизим, — деди йигитларнинг қўзғолишидан хадикланиб, тўда олдида нари-бери бориб-келаётган Ашур чўтир, кизни челақдан узоқлаштириш ниятида. — Кўркма, силарга ҳеч ким тегмайди. Финг деганига ўзим товин. Берман кел.

Қиз саркашона бош чайқаб, юзини тескари ўгирди.

— Қизим, — деди Ашур чўтир ўша-ўша босик охангда. — Ёмон ўйни хаёлингдан хайда-да, гапимни эшит.

Аммо жўралари кўлидан чиқолмай, гоҳ кизга, гоҳ Уста Расул томонга талпинаётган ака сўкиниб, гапни гапга қўшмасди.

— Қуйворинглар, тиккалай сўяман икковиниям!

Ашур чўтир ҳали нафасидан ўт қайтмаган дангал одам эмасми? типирчилаверганидан фарк терга ботган аканинг бу қилиғи охири жонига тегди.

— Бирпасга жим бўласанми, ё овозингни ўчириб қўяйми! — деди унинг қошига бориб.

— Ўлдираман! — ака лабига оқиб тушган терни пуфлади. — Тиккалай бўғизлайман!

— Улгурасан. — Ашур чўтир гарданини қашлаб, аёвсиз ёндираётган офтобга бир караб қўйди-да, яна деди: — Ҳозирча бу ишни бизга қўйиб бер.

— Қўймайман!

Ашур чўтир нарилаётган жойида кескин изига қайрилиб, йигитнинг ёқасидан тутди.

— Менга кара, шервачча! — деди таҳдид тўла охангда. — Сенга ўхшаган сўйғичларнинг патини хўп юлганман! Чотиға чивин ёпишган танадай типирчиласдан, бир гапга жавоб бер. Нега синглинг уйдан безиб кетаяпти, а?

Ашур чўтирнинг гап охангидан ўзига нисбатан хай-

рихоҳликка ўхшаш ниманидир ҳис этган киз ялт этиб улар томон боқаркан, акасини унинг чангалида кўриб, аввалига жиндек шодлангандай бўлди. Кейин акасида еган калтаклариям эсидан чиқиб, унга ичи ачиди. — Тегманг, — деб бақиргиси келди. Хайтовур, Ашур чўтир кўпда зуғумланмай, бир-икки силтов билан чекланди.

— Нега безди уйдан? — дея саволини қайтарди, кўлини бўшатмай.

— Буни ўзидан сўранг, — ака унинг чайир бармоқларидан қутулишга уринди. — Қўйворинг!

— Унда сўрашга бер-да.

— Сўяман!

— Ўчири-ий!

— Ўлдираман!

— Ҳозир қўл-оёғингни чантиб ташлайман.

— Чидаёлмайман!

— Ўлмайсан! Агар тилингни тиймасанг, ўттиз икки тишингни уриб синдираман! Аччувимни чиқарма кўп!

Ака унинг айиқ билан олишувдан қолган бўйни ва чаккасидаги узун-узун чандиқларга боқаркан, юлқи-нишни бас қилди.

Ашур чўтир залворли одимлар билан нари кетаркан, куёшнинг қайноқ таптидан норозилангандай, яна кўкка қараб қўйди-да, яктагининг ёкасида тутиб елпинди. Шунда кўксидаги қўш чандиқ кўриниб кетди.

— Хўш, қизим, — деди сўнг беихтиёр гувранишга тушган отанинг биқинига бир туртиб. — Анову тусинг ўчкур чавандоз яқинда неваралик бўлганидан хабаринг борми? Бу ярамас, отагина эмас, бобо бўлди энди. Буни биларсан балки?

Киз, биламан, деган маънода бош ирғади.

— Билсанг, яхши, — Ашур чўтир Уста Расул томонга қарамасликка тиришиб, гавдасига мос йўғон ва салобатли овозда давом этди: — Ўйлабманки, билмайсан. Билганинг-ку тузук-а, лекин... манову қилининг ғалати чиқаяпти-да, қизим. Аллақандай қари такани деб ёш жонингга жабр қилишинг нимаси, а? Шейдеман, сен аста ховлига қирақолсанг, бу билан ўзимиз секин гаплашиб қўйсак. Иккинчи дафъа ёш қизларнинг бошини айлантириб юрмасин деймиз-да, а, эна қизим.

— У кишига қотинсангиз... — Қиз ютиниб, қўлида-
ги гугурт қутисини очиб-ёпти. — Ҳазиллашманг мен
билан, амаки.

— Қизим, миянгга иссиқ ўтганга ўхшайди, — деди
Ашур чўтир янада босиклик билан. — Салкин уйга
кириб, би-ир ўйлаб кўрсанг, яхши бўлармиди дейман-
да.

— Ўйлаб кўрганман, амаки.

— Қайсар бўлма, қизим.

— Бўлганим шу.

— Ҳар ҳолда отанг тенги одамман-а.

— Ҳурмат қиламан сизни, фақат йўлимга кўнда-
ланг бўлманг, амаки.

— Тўғанок бўлмоқдан худо асрасин, қизим, —
гапи икки бўлаётганидан оғригандай, Ашур чўтир хўрси-
ниб қўйди. — Лекин тенг-тенги билан, тезак қопи
билан деган гапам бор-да.

— Тенгим шу киши.

— Шу гапинг гапми, қизим?

Қиз тасдиқ маъносида бош эгди.

Ашур чўтир ўйчан туриб қолди. Ўртага тушган
оғир сукунат хотинлардан бирининг аччиқ пичинги
билан бузилди. Яна ғала-ғовур кўпти. Қизнинг акаси
тагин юлкиниб кўрди. Уни тезда босиб қўйдилар. Она
бир меъёрда қарғанишга тушди. Энди унинг қарғишла-
ри Уста Расулга қаратилганди.

— Бас! — Ашур чўтир ер тепиниб, ўнг қўлини
баланд кўтарди.

Тагин жимлик чўкди. Кимдир пик этиб қулди. Ашур
чўтир қулги эгасини беҳуда кидираркан, бирдан тута-
қиб, симёғоч томонга ўғирилди.

— Уста Расул! — деди баланд овозда. — Уста
бўлмай, ўл! Чавандоз номига қора тортмай, ўл! Қизни
нима қип қўйдинг?! Нима деб бошини айлантирдинг?

— Тўғри, устаман, озми-кўпми улоқ ҳам чопиб
тураман, — деди Уста Расул иссиқдан бетоқатланаёт-
ган отини тинчитишга уриниб. — Лекин бош айланти-
ришни касб қимаганман.

— Эса, бу киз нима деяпти?

— Ҳақ гапга қийшиқ тўн бичманг, ака.

— Қизинг тенги... уялмадингми, уйинг куйгур.

— Уяладиган нима иш кипман?

— Бу нимаси энди? — Ашур чўтир кизга имо килди.

— Бандаси кўнгил берса, мен нима қилай?

— Бу-ку ёш, сен гўрсўхтани қайси ажина чалди, а?

— Кесак эмасман-ку, ака.

— Тенгингни топсанг ўлармидинг.

— Кўнгил-чи.

— Кўнглинг курсин сени, — Ашур чўтир гудраниб сўкинди. — Қараб турсам, сув сен томондан лойкаланганга ўхшайди.

— Нима деб ўйласангиз ўйлайверинг.

— Балки ими-жимиди кетарсан?

— Бунга ташлаб-а, — Уста Расулнинг юзи бир тус гезарди. — Агар бу, кет, деса... Яхшиси, кўнгил ишига аралашманг, ака. Қишлоғингиз бир бўлиб тепкиласа-да, қайтмайман бу ишдан.

Қиз Уста Расулга миннатдор қараб қўйди. Бошқаларга яққол сезилиб турган ёшдаги фарқни у пайкамас, унинг учун дунёда Уста Расулдан навқирон, гўзал одам йўқ эди. Ўзига қолса, унинг кенг кўксига бошини қўйиб, бекиёс кучини ҳис этган бўларди-ю, бунга атрофдагилар изн бермасди. Қизик, унинг туйғуси билан одамларнинг нима иши бор экан-а?

— Қўрқмаслигингни биламан, лекин аҳмоқлигингни билмас эканман.

— Тилга эрк берманг, ака, — Уста Расулнинг овози ўзгарди. — Овга бирга чиқиб, бирга от чопган одамлармиз. Андишанинг бети тупурманг.

— Қизинг шу қўйга тушса, берармидинг?

— Берардим.

— Қап-катта одамга-я?

— Берардим, ака.

— Нега унда отасининг олдидан ўтмай, буйтиб дов тўкиб юрибсан?

— Эшитмагандай гапирманг-да энди? — Уста Расул норозиланди. — Бир эмас, бир неча марта ўтганман. Оқибати мана, қизни кишанга солиб қўйишди.

— Қутқаргани келдингми?

— Олкетгани.

— Қалтак еб ўлмоқчимисан дейман?

— Калтакдан кўркадиган банда эмасман. Кўрққан-
нимда кеп ўтирмасдим.

— Қара, хешлари ейман деяпти.

Қиз тўдани кўздан кечирди. Кейин Уста Расулга каради. Калтак еганини кўргандан кўра, ўлганим яхши! У киши томонга фақат жасадимчи хатлаб ўтасанлар! Бу ўй хаёлидан ўтаркан, хаётида илк бор аёл жинсининг нозик яратилганидан ўкинди. Агар анову Ашур чўтирдай бахайбатун бакувват бўлганида, гугуртга ёпишмай, Уста Расулнинг қаватида енг химариб турмасмиди.

— Еса, суягим қолади-ку... — деди Уста Расул бошини сараклаётган отининг юганидан калтарок тутаркан. — Суйдим шу қизни, ака!

— Шарм деган нарсаси қолмабди сенда.

— Агар ёшимни назарда тутаетган бўлсангиз, мени йигирма беш яшар чоғланг.

Қизнинг кўзига у бундан ҳам ёш кўринди.

— Бетингга бўёк сурмайсан-ку, — Ашур чўтирининг баттар энсаси котди.

— Сиз қувватдан келинг, ғайратдан гапиринг.

— Ғайратингга ҳўкиз тиз чўқади. Лекин ҳар иш ҳам эви билан-да.

— Нима қилай, айни қирчиллама ёшимда кўнгил маъшуқа тилади, — Уста Расул забардаст елкаларини ғалати учирди. — Билмайсиз, шу қизни деб тунлари тиконга ағанаб чиқаман. Кўнгил иши ёмон экан. Энди билсам, раҳматли кампиримга кўнгил қўймаганаканман. Суярман деб ўйларканману, суйиш нелигини билмас эканман.

— Нима қил, дейсан?

— Қизни беринглар менга.

Аёллар тўпидан она тилга кирди. Ўша-ўша гумбаздай бўлиб турганича сўзлар тизмасини эринмай эша бошлади.

— Суймай, илойим соқолингга ўт тушсин сени! Суйдим деган тилларингга қуйдиргилар чиқсин сени! Илойим, аёлингни арвоҳи қирқиллаб ёқанинангга ёпишсин сени!

Қиз онасига истехзоли тикилди. Унинг бу қадар туслана олишидан ажабланди.

Ашур чўтир «ўчир» демаганида, у халивери тинчимасди. Унинг биринчи замзамасидаёқ аёлнинг уни ўчаркан, «кироат»дан шипшишга ўтди. Кўзларини лўк қилиб, бир хаёли, қиз меники, нега сиз кайвонилик қиласиз, дегиси келди-ю, лекин ботинмади. Шундан сўнг иссиқдан жуда лоҳас бўлаётганини сезиб, кўча бўйидаги дарахт кўланкасига илҳақ қараб қўйди. Жилишни ўйламади. Юз берган воқеага нисбатан муносабати кишилар назарида эканини яхши биларди. Билгани боис, ўзини куйинчак онадек кўрсатмоққа тиришарди.

Эркаклар кўлидан чиқишга уриниб, ўқтин-ўқтин тиршанглаб қўяётган ота кизига ғазаб билан тикиларкан, шу дамгача унча пайқамаган бир ҳолдан ажабланди. У кизнинг қатъият инган чехрасида ўз момосининг қиёфасини кўриб қолди. Раҳматли момоси чапдаст ва чўрткесар эди. Тўрт кизини тўрт қишлоққа узатиб, ўзи отда айланиб, уларнинг ҳолидан хабар олиб юрарди. Ота унинг катта қизидан эди. Момо ўлгунча отдан тушмади. Унинг қишлоққа кириб келиши узоқданоқ сезиларди. Аввал бир зайлда туёқ товуши, сўнг қир бетида суворийнинг ўзи пайдо бўларди. Беш-олти рўмол устидан ташланган бошидаги қордек оппоқ киймонасининг этаклари белигача тушган, боши тик, қомати адл, қарашлари шиддатли, бамисоли қарчиғайдай елиб келаверарди. Момога ҳамманинг хаваси келарди. Ота эса ундан болаларча фахрланарди. Бироқ момо уни зигирча ёқтирмасди: «Бу улинг бунча пуррик¹, — дерди ҳар келганда кизига, пешонаси тиришиб. — Ул дегани чакмоқдай чакнаб турса экан. Бизга тортмаган бунинг. Асли қизлигингда ўзинг ҳам гўр эмасдинг. Эчки сузсаям йиғлаб ўтирардинг». Момога гап қайтариб бўлмасди. Айтгани-айтган, дегани-деган шиддаткор момо эди. Жаҳли кўзиса, қизлари тугул куёвлари ҳам лаббайлаб туришарди.

Ота кизнинг жиддий ва ўқтам қарашларида момосини кўриб тураркан, Уста Расулга хаваси келаётганини туйқусдан пайқаб қолди. Бундан каттиқ рижинди. Ала-мидан лабини тишлади. Ўзига қолса, мўйловини юлар-

¹ П у р р и к — лапашанг.

дию, аммо кўллари банди эди. Лекин хаваси келаётгани аниқ эди. Негаки, кўнгил дегани нелигини бир пайтлар бошидан кечирган. Иккинчи аёлига уйлангунча Чукуркудуклик бир кизга кўнгил қўйганди. Қиз ройиш билдиргач эса, журъати етмай, тенг-тенги билан дея, Салим сарикнинг бевасига уйланганди. Қизнинг баджаҳл акаларидан хайиқиб, унга офиз солишга ботинмаганди. Бу аёлидан бир неча фарзанд кўриб, ёши бир жойга етибдики, хануз ўша кизни эслаб, бот-бот хўрсиниб қўяди. Бирок шу топда буни тан олгиси келмас, Уста Расулнинг журъатини беҳаёликка йўйиб, кўзимга чўп сукди-я, номард, деб ич-ичидан янарни. Бу ҳол қандай содир бўлганини идрок этолмай қийналарди: «Нимадан бошланди ўзи бу? Ҳа... уйга уста солмай мен ўлай. Ахир бутун машмаша шундан бошланмадими? Манову ярамас бир ой уйимда иш қилди. Қизим унинг нон-чойига қаради. Шунда топишган булар. Лекин қизим унинг нимасига учди экан?»

Бу савоъ турганларнинг ҳаммасини бошида айланарди. Бундан фақат бир йигитгина мустасно, воқеа сабабини яхши биларди у. Агар, айни топда, одамлар гув этиб кўзғолгудек бўлса, Уста Расулга ташланиш-ния-м-ташланмаслигиниям билмай, калласи гаранг эди. Бу йигит қизнинг собиқ синфдоши Рауф новча эди. Қизга ўнлаб мактуб ёзиб, бирор сатр жавоб ололмагани етмагандек, бир куни кўшни кишлоқлик Уста Расул қизга совчи қўйганини эшитиб, хайратдан донг қотиб қолганди. Уста Расулнинг қизга эгалик қила олишини тасаввурига сиғдиrolмагандек, бугунги воқеани ҳам мутлақо кутмаганди. Қаранг, устаси тушмагур қизни тутқундан халос этибгина қолмай, опкетмоқчи ҳам бўлибди. Онаси лапанглаб кўчага югуриб чиқибдида, бошига одам йиғибди. Вазият чатоқлашганини сезган киз кўп ўйлаб турмай, кўшниникидан бензин олиб чиқаётган боланинг қўлидан челакни юлқиб олибди. Гугурт каердан пайдо бўлди, худо билади. Агар бизга яқин келсаларинг, ўзимга ўт қўяман, деб огох этибди.

Рауф новча қизнинг жувонмардлигини яхши биларди. «Совчи» воқеасидан сўнг қизга ўзича насихат қилгани борган. Ёлғиз жийда тагида суҳбатлашган. Янги-ча урфда ўстирган узун сочларини ортга силкиб таш-

лаб, кизга ғоят ачиниб, Уста Расулни эса ерга уриб деган: «Чол сенга эпми, Нозима!» Ботаётган куёшга хаёлчан термилиб турган кизнинг юзига истехзоли табассум калкиб, унга ажабсингандай қараган: «Кўздан қопсан шекилли!» Йигит турган ерида товонида чир айланиб, яна унга рўпарў бўларкан: «Синфимизда энг сулув кизлардан бири эдинг сен, — деган бўғриқиб, қўлларини пахса қилиб. — Шунча йигит турганда, катта ёшли одамни бошингга урасанми, тентак». Қиз уни суҳбатига арзитмай, юзини терс ўгиргач, йигит гоҳ хаяжонланиб, гоҳ ғазабланиб, узундан-уzun нутк ирод этганди, орада ўз муҳаббатини ҳам қистириб-қистириб ўтган. Қиздан садо чиқавермагач, агар устага тегсанг, униям, ўзимниям бир бало қиламан, дея оғиз кўпиртирган. Шундан сўнггина қиз унга бир ён ўгирилган, кўзлари оловланиб деган: «Кўлингдан келмайди бу иш. Жонинг ширин сени. Яхши кўраман деб чиранасану, лекин кўпроқ ўзингни яхши кўрасан. Ўзингдек муҳаббатинг ҳам худбин. У киши эса тўғри сўз, мард одам. Эзилган қиз кимга суянади, мардга суянади. Силар омонатсилар, майда-чўйдасилар. Чиранишдан бошқасига ярамайсилар». Йигит алаmidан ирғишлаган, мардлигини исбот этмоқчидек, кўкракларига уриб алланималарни алжиган, аммо қиз суҳбатга ортиқ ройиш бермай, муҳаббатга хали ёшлиқ қиласан, Рауф, дея уни бошлаб тузлаб кетган.

Рауф новча кизнинг журъати-ю, Уста Расулнинг дадиллигидан хайратланиб тураркан, бу хил иш қўлидан келмаслигини сезгани сайин, уларга нисбатан хайрихоҳлиги ортиб борарди.

Бу орада Ашур чўтир асосий масалага ўтганди.

— Қиз сени деяпти. Бунга ўзинг бир нима де, Уста Расул. Ҳарна иш тинчгина ҳал бўлсин. Ўзим сенга бошқасини топиб бераман.

— Менга шуниси керак, ака.

— Ғалча бўлма, Расул.

— Топадиганингизни ўзингиз ижаблаб олаверинг, мен шуни деганман.

— Орсизланма, Расул.

— Обруйингиз бор, яхшиси, отасидан розилик оберинг.

— Йўқ! — Ота тук босган ингичка бўйнини олдинга чўзиб, ер депсинди. — Бекорларни айтибсан!

Отага қизнинг раҳми келди. Аммо шафкат ҳисси қандай тез келган бўлса, шу тарзда изсиз йўқолди. Вазият ўта танг эса-да, у чекинмоқни ҳаёлига келтирмасди. Нариди тоғдай бўлиб турган Уста Расул уни бу тангликдан ҳалос этиб, номаълум ва сирли келажак сари етаклай олишига ҳануз ишонарди.

— Агар қиз гугурт тутмаганда, сен қари ошиқнинг дабдалангни чиқариб ташлардига! — деди эркаклар тўпидан кимдир.

Ашур чўтир чўчиб кутган ҳол юзага кела бошлаганди. Шунинг-чун, у эркаклар томон бетланиб, қизим сенга гапираман, келиним сен эшит, қабилида жиззакирок бир йигитга тирғалди.

— Нима, биз ўлдикми? — деди. — Ё сондан чиқиб қолдикми? Унда, марҳамат, ўзларинг ҳал қилинглар. Бир чақалик обрўйимиз йўқ экан, нима қиламиз оёқ остида ўралашиб.

Каттароқ ёшдагилар йигитни турткилаб, четга чиқариб қўйишди. Шўрлик йигитнинг, оғиз очганим йўқку, деб тавалло қилишларига ям эътибор беришмади.

Ашур чўтир иддаоли қараш билан эркакларни бир-бир кўздан кечириб чиққач, тагин Уста Расулга юзланди.

— Кет, Расул! — деди бир қадар жаҳлланиб. — Обрўйинг борида жўнаб қол!

— Мен обрў талаб қилиб келмадим ака.

— Гапни кўпайтирма, кет!

— Демак, бермайсизлар?

— Йўқ, бермаймиз, — Ашур чўтир яна кескинлашди. — Чунки ота норози.

— Бу банданинг холи нима кечади? — Уста Расул қизга ишора қилди.

— Ёш нарсаси, йиғлаб-йиғлаб тинчиб кетади.

— Омбортомда-я?

— Нима омбортомда?

— Омбортомда йиғлаб-йиғлаб, а...

— Қўл тегиздирмайман. Бу ёғини менга қўйиб бер.

— Кўнгил иши нима бўлади?

— Одамни кофир қилма, Расул, — Ашур чўтир

вазият таранглашаётганидан ҳадикда эди. Йигитлар яна гурпанглашга тушганини елкасида хис қилиб турарди. Шунинг-чун, кейинги гапини ўтинч тўла оҳангда айтди: — Эсли одамсан, кейин бафуржа гаплашамиз. Ҳозир кетгин, иним.

Тўдадаги ҳолат кизнинг кўз қарашларида тўла акс этиб турарди. Йигитлар тинчланганда, хотиржамлар, бежоланганда эса гугурт тутган бармоқлари қатъий ҳаракатланиб, кўзларидан учкун чакнарди: «Қани, бирортанг яқин келиб кўр-чи!» Бундан ота ҳам ташвишга тушди. У, ўзларингни босинглар, деган илинжда теварагидагиларга жавдираса-да, ўқтин-ўқтин тўлғаниб қўйишни барибир қанда қилмасди. Ака эса бамисоли камон ўқидек таранг турар, қани энди, манову ярамасларни кунпая-кун қилиб ташласа!

Уста Расул тўдага зимдан назар соларкан, ортиқча эзмаланиши қизга зиён етказишини англаб, оғир нигоҳини унга тикди.

— Бундай қилма, Нозима, — деди илтижоли оҳангда.

Қиз унга ажабланиб бокди: «Нахотки, иккиланаяпсиз? Сиздай одам-а?

— Сен кетсанг, бари яхши бўлади, — деди бу ёқда Ашур чўтир.

Уста Расул лабларини қаттиқ қимтиганча, ерга тикилиб қолди. Сўнг аста бошини кўтариб, яна тўпга юзланди. Хайрихоҳ нигоҳларни қидиргандай, шу созда бирпас тек қолди. Кейин негадир, Ашур чўтирга ғалати қараш қилди-да, ўнг ён ўгирилиб, манглайини эгар қошига тиради. Чуқур нафас олди. Бақувват елкалари енгил титраб, от ёлига бармоқ ботирди. Бармоқлари тугун тортди. Жони оғриган от бетокатланди.

Бир оздан сўнг у ҳолатини ўзгартирмаган қўйи, секин бошини кўтариб, бу томон бурди. Кўзларида ёввойи ўт ёлқинланиб, нигоҳи қизда қотди. Бу ҳол узоқ давом этмади. У, кўзи қизда, енгил сакраб отга минди. Кетадиган бўлди деб, ҳамма енгил нафас олди. Қиз шўрликнинг қўллари кўксига қолди. Бармоқлари жонсизланиб, гугурт челақ ёнига тушди. Катта очилган кўзлари ёшланиб, унда ўкинч ва алам акс этди: «Нахотки!..»

От устига бамисоли бургутдай кўнган Уста Расул дарров жўнай колмади. Эғнидаги жийдаси барларини тақимига йиғиштира туриб, одамларга юзланаркан, ўктамлик барк уриб турган чехрасидан қизиллик ариб оқаринкиради. Кўз карашларига одатдагидек мағрурлик иниб, камчисини ўнғай тутди. Сўнг от бошини хиёл ортга бурган бўлди. У видолашаётгандек, елкаси оша караб қўяркан, туйқусдан хайкирганча отга камчи босди. Югани каттиқ тортилган от юқорига сапчиркан, шу аснода чавандознинг амрига бўйсуниб, одамларга бетланди. Туёқлар зарбидан тупроқ кўпчиб, чанг кўтарилди. Уста Расул яна хайкирганча ўртага от солди-да, хануз хайкалдай қотиб турган қизни илиб кочди.

Буни сира кутмаган эркаклар довдираб қолишди. Хотинлар қий-чув кўтаришди. Қизнинг отаси анграйди. Акаси ўкдек олға ташланди-ю, бор бўйича гупилаб тушди. Уни Рауф новча чалиб юборганди. Ашур чўтир унинг бу қилиғини маъқул топиб, киши билмас, кўз кисиб қўйди.

Бу пайтда тўрик қир бетига ўрлаган, чавандознинг жийдаси барлари қизнинг қизғиш қўйлаги этагига айқашиб, шамолда хилпираб борарди.

ОЛИМ ЎҒИЛ

Ўғил, фалончи чолнинг ўртанчиси олим бўпти, деган гапнинг эртаси қишлоққа кириб келди. Бу пайтда Шайман чол эндигина сомондан қайтиб, айвонда чалоп ичиб ўтирарди. Тўнг чехрасига иш қайнаган кезлари юзланмиш тажанглик инган, ора-сира гапириниб, оғзидаги лукмасини ошиқмайроқ чайнарган, кечгача даштга яна икки-уч бор қатнашни ўйларди: «Ҳафта-ўн кун шу созда қимирласак, бу ёқдан Вали гуппи озгина химмат қилса, етиб қолар шу билан. Ишқилиб, киш оёғи қоп кўтариб бировга ялингилик қилмасин».

Тик офтобдан тандирдай қизиган ховлида ўғил пайдо бўлганида, чол шу хил ўйлар билан банд эди. Ўғлини кўргач, одатига хос жиддий тарзда кампирига им қокди.

— Мехмонга қара!

Ўғлига кўзи тушган кампир, азбаройи қувонганидан, жойидан қўзғалаётиб, чойнакни ағдариб юборди. Чол парво қилмади. Ўғлини соғинган, лекин аксарият оталар каби сир бермай ўтираверди. Ҳамиша ўғли келиб кўришмоққа қўл чўзгандан кейингина ўрнидан туриб, бағрига босарди уни. Ортиқча ҳаяжону ялаб-юлқашни ёмон кўради у. Бироқ бу сафар узоқ ўтиролмади, ўғлининг олимлиги бирдан эсига тушиб қолиб, ўзи сезмаган ҳолда ирғиб ўрнидан турди. Ялангоёк ховлига тушди. Минг қўйли бойга рўпарў бўлган юпундай кимтиниbroқ ўғлига яқинлашди. Қучоқлашишдан аввал унга бошдан-оёқ разм солишга улгурди. Бир оз озганини демаса, ўғли ҳеч ўзгармабди. Ўғил отани дадил бағрига тортаркан, меҳри товланиб қойинди: «Ҳалиям ер тирнаб юрибсизми, ота!.. Чол ситам тортган одамдек минғирлади: «Тирикчилик-да, болам!» Бунга жавобан ўғил унинг эғнига илашган хас-хашакларни терган, қокқан бўлди. Бундан чолнинг кўнгли ўсди. Бир вақтлар туман катталаридан бири елкасини қоқиб мактаганида ҳам шу ҳисни туйган эди. Юраги хаприк-иб, ўғлига соғинчла боқаркан, катта одам бўлгани чинга ўхшайди деб ўйлайди. Боя ялпайиб ўтирмай, дарров пешвоз чиқа қолмаганидан хижолат тортди ҳам.

Бирор соатлардан сўнг, ўғлининг келганидан беҳад димоғи чоғланган чол эшак аравасини шалдиратиб, даштга жўнади. Адирда сомон тўдалаётган кенжа ўғил билан бирга қайтмоқчи эди. Нега деганда, меҳмон шарофати туфайли ховлида иш кўпайган, кечгача ҳам-масига улгуриш зарур эди. Аммо кишлокдан чиқаверишдаги жувозхона олдида тўхтамасдан ўтолмади. Ёнғоқ тагидаги узун харида қатор тизилишиб ўтирган чоллар томон юраркан, тезда жиддий хатога йўл қўйганини фахмлаб қолди. Қадам олишлари олим одамнинг отасига муносиб эмасди. Қанақа юриш керак, буниям билмасди. Бошда раис юриш қилиб кўрди: қўллари ортда, оёқ учлари икки ёққа керилган... Ўн-ўн беш одим юрмай, тиззалари шиқирлаб, чотига оғриқ кирди. Сўнг товонларини кўтариbroқ ҳаракатланди. Туяқушга ўхшаб лўкиллаб, юриши хунук чиқди. Охири роз

юришни маъкул топиб, шу созда чолларга якинлашди.

Назарида, чоллар ўғли хақида гапираётгандек эди. Яқин бориб қарасаки, кундалик минғир-минғир. Шайман чол уларни гумроҳ санаб, ичида янди. Таклиф этилган ўринга чўкмай, ғўддайиб тураверди. Олим одамнинг отаси келса-ю, буларнинг ялпайиб ўтиришларини кара. Аммо шу пайт Ўроқ чол гапириб қолди.

— Улингиз олим бўпти деб эшитдик, — деди куртдек бошини у томон буриб. — Қандай чикин олим бўпти, а, Шайманвой?

«Олим» дегани турли хил бўлишини Шайман чол энди эшитиб турарди. Ажабланди.

— Қандай чикини нимаси, — деди сўнг қаншари остидан иддаоли тикилиб. — Олим дегани битта бўлади-да.

— Улингиз кишлокнинг олди бўлди, — дея гапга аралашди Тожи чол унга ҳавасланиб боқаркан. — Ҳамманинг оғзида шу гап. Вақтида тузук ўкимагансилар-да деб кеча барини тўзғитиб сўқдим.

— Бизда ўқишга ҳавас йўқ, — Ўроқ чол тили тагига нос ташлаб, кафтини тиззасига суртди. — Ана шўркудукликлар, итидан-битигача ўкиган. Районди тус катталариям шулардан.

— Лекин уларда олим йўқ, — деди Қудрат чол иягини ҳассасига тираб. — Ўқишга келсак, анову Эшқул чўлоқнинг боласиям ўкиган-да. Ҳалиям тузук укол килишни билмайди. Қайтамга келини дуруст, чимиллатмасдан қилади.

— Чин гап, олим чиқмаган улардан, — уни қувватлади Ўроқ чол. — Эшқулнинг боласи бачалигидаям гўр эмасди. Кўринган билан тебалашиб, энди дўхтир бўпти. Сала чўтирнинг кампириниям ўша ўлдирган.

— Ундай деманг, эшитган кулокка ёмон.

— Кампирни районди дўхтирлари ўлдирмадими?

— Районга етганда килдай жони қолган экан, — Ўроқ чол ҳассасини кия тутиб, ўнг оёғини унинг устидан оширди. — Айбдор Эшқулнинг боласи. Тузалиб кетади деб, уйида уч кун сақлаган. Районга кеч оборишган. Оборганда кампирнинг ҳаром ичаги ёрилиб бўлган экан. Сала чўтир буни тушунмай районди

дўхтирлари билан ёқалашиб юрибди. Мен айтдим, кампирингди район дўхтирлари эмас, Эшқулнинг ули ўлдирган деб. Эшқулни ули нима дебди денг. Шодиқул машинасини луқшитиб ҳайдагани учун кампирни ичаги ёрилиб кетибди дебди. Сала чўтир, мошинангга ўт кўяман деб, бир ғовим Шодиқулга ҳезланиб юрди-да, сўнг тинчиб кетди. Кампирини йилини ўтказиб, Абрайнинг бевасига уйланмоқчи эмиш.

— Абрайнинг беваси уни эр қилмайди, — деди кимдир. — Байталдай тирсиллаган нарса, Сала чўтир-ни писанд қилармиди.

— Кўнгил-да...

— Сала чўтир ўзи бўлмайдиган одам, — деди Қудрат чол. — Кеча, эшитдингизми, Шайман чолнинг ўртанчиси олим бўпти десам, нима, менга бир сўм берармиди деб, ёмо-он тўрсиллаб берди. Қишлоғингдан олим чикиб, шўркудукликларнинг олдида тилимиз устун бўлганидан қувонмайсанми, аҳмоқ, деб ўзиниям тоза тузладим. Баданини тук босган бу қари маймунга хотини қандай чидаган экан, а?

Бу гапдан Шайман чолнинг ичи ёнди. Сала чолнинг ҳовлиси тарафга ёвқараш қиларкан, деди:

— Ҳали шундай дедими? Даштдан қайтай, тилини узиб қўлига бераман!

— Олим одамнинг отасига ярашмайди бу ишингиз, — деди Ўроқ чол бошини чайкаб. — Оғир бўлинг.

— Кичкина одаммасиз энди, — деди Қудрат чол. — Майдалар билан тенг бўлманг.

Мақтов хуш ёкиб, Шайман чол, энди ўтирсам бўлар, деб ўйлади. Бориб Поён чолнинг ёнига чўкди. Ўзини бепарво тутишга уринсада, ияги ўз-ўзидан олдинга чўзилиб, ичидан мамнунлигини билдириб қўйди.

— Ўзиям улингиз тоза ўкиди, а, Шайманвой, — деди Поён чол қатордан қолмаслик учунгина гап қотиб. — Бирор ўн-ўн беш йил ўкиди-ёв.

— Ха, энди, эсини танибдики, шаҳарда, — деди Шайман чол ясама лоқайдлик билан. — У олим бўлмай, мен бўлайми.

— Сиз бундай нописанд бўлманг, Шайманвой.

— Қувонинг.

— Кўкракни кериб юринг.

— Улларимди бири шундай бўлганида, силар билан гаплашиб ҳам ўтирмасдим.

— Хамманинг оғзида шу гап. Улингиз катта одамга ўхшайди. Одамлар бекорга гапирмайди.

-- Муаллимлар талашиб юрганмиш, асли у менинг шогирдим эди деб.

Чоллар узун-қиска кулишди.

— Олимлиги яхшику-я, кишлокқа кам келиши ёмонда, — дея бирдан ҳасратга тушди Шайман чол. — Йилда қорасини бир кўрсатади. Бундай бўлмайди-да энди. Бу сафар яхшилаб бир тергаб қўймоқчиман. Сўкиб қўймасам бу бола жуда шитираб кетаяпти.

— Сўкманг сиз, — Ўроқ чол унга чеграйиб қаради. — Ҳадеганда чопиб келаверса, олим бўлармиди. Олимлик сизга осонми. Осон бўлса, ҳаммаям бўлмасмиди. Эсимни танибманки, кишлоғимиздан энди олим чиқиши.

— «Олим» дегани нима ўзи, а? — деди боядан бери гапга қўшилолмай, бир чеккада мусичадай беозоргина ўтирган Садир чол, кўзларини пирпиратиб. — Кечадан бери шу гапни эшитаману, нималигига ҳеч фаҳмим етмаяпти.

«Олим» нелигини бошқалар ҳам билмасди-ю, лекин сўздаги мавҳумлик улар онгида сирли ва гаройиб тасаввур уйғотгани боис, унинг маъноси ҳақида ҳеч ким бош қотирмас, қолаверса, юзага келган тасаввурни сўзда ифода этмоқ осон эмасди. Ҳамма бир-бирига жавдираб турганида, ҳамиша ўзини билогон чоғлаб, бировга сўз бермай юрадиган Ўроқ чолнинг ўктам овози сукунатни бузди.

— Муллаларнинг мулласи дегани.

— Шароф мулланинг уйи қуйибди-да унда, — деди Садир чол ачиниб.

— Нега?

— Бу ёқда муллаларнинг мулласи турганда, кишлокда унга нон қоладими энди.

— Ундай чикин мулла эмас у, — унинг нодонлигидан Ўроқ чолнинг жаҳли кўзиди. — Профиссир. Шайманвойнинг ули профиссир бўлган.

— Ана эшитдингизми? — Қодир чолнинг овози давра узра қалкиган умум хитобни босиб тушди. —

Эшитдингизми, Шайманвой? Бундан кейин тезликни бас қилинг. Олим одамнинг отасига шапшақлик ярашмайди. Тунов куни кенжангизга камчи ўқталиб юрибсиз. Шу иш сизга эпми. Кўрган кўз демайдими, ули олим бўлсаям, отаси қип-қизил жинни экан деб. Бундан сўгин босиқ бўлинг, ҳа.

— Шайманвой чаток, — деди хари четида илиниб ўтирган Олим пакана. — Дамида ош пиширади бу киши. Бизди уллар мендан сира ҳайикишмайди. Болани асли бачалигидан кўзини кўрkitиб олиш керак экан. Эсайгач, тарсаки тугул камчиданам кўркмай кўйишаркан.

— Энди сиз аёлга ўхшаган одамсиз-да, Олимвой, — деди Ўрок чол. — Бундай отадан бола кўркмайди.

Асосий масала бир четда қолиб, улар айтишиш кетишди. Олим пакана ўзининг эркаклигини пеш қилиш учун туриб сўкиша бошлади. Шайман чол унинг пачок жуссасига боқаркан, Ўрок чолни ҳақ деб билди. Сўнг унинг диққатини дала йўлини чангитиб келаётган қора тортди. Йўл бўйидаги эшаги бетокат оёқ коқди. Шайман чол пинак бузмай, чолларнинг тинчишини кутди. Бу орада қора нукта аравачали мотоциклга айланди. Унда бети товоқдай, қорни қопдай бўлиб Қобул участкавой келарди. Чолларнинг сўкиши адоқлаб, ҳамманинг диққати унга қаратилди.

— Чангитмай ўли-ий! — Қудрат чол башарасига ёпирилган чангни елпиб, сўкинди. — Худди отасининг ўзи-я. Соли ўпкаям шунақа ховлиқма эди. Ўпкалиги туфайли отдан йикилиб ўлди-да.

— Шу елиши бўлса, буям... — Ўрок чол ўнғайсиз йўталди. — Саломиниям ўзи билан олиб кетди шекилли?

Олим пакана ғийбатга аралашмоқчи эди. Аммо Ўрок чол билан айтишганини эслаб, Қобулни ёқлади.

— Салом берди. Бошини ирғаб-ирғаб ўтди.

— Унда яхши, — Ўрок чол кулди. — Боши йўқмикан деб ўйловдим мен.

— Сиз шунақа, — деди Олим пакана ачитиб. — Ҳамиша кир излайсиз.

— Улларни ўкитиб-сўкитиб юрмай, милисага ишга киритиш керакмикан деб ўйлаб қоламан, — деди Поён

чол негадир оғир сўлиш олиб. — Биттаси манову Қобул шапка. Бунда на сомон ташвиши бор, на хашак. Таёғини бир силкитса сомониям, хашагиям ховлисига тушиб турибди.

— Хавас қиладиган ишми шу, — Ўроқ чол истехзоли илжайди. — Берадиган одам бекорга беради деб ўйлайсанми. Ичида ҳей энангни фалон қилай деб, тўксон тўккиз марта сўкиб берар. Нафс дея ҳар нарсасига энангни рўпарў қилавериш эркак кишининг иши эмас-да энди. Бундан кўра иссиқда чанг ютганинг афзал эмасми.

Олим пакана кичик жуссасини бежо тебратиб, қарши гап қилмокчи эди, Қудрат чол вақтида орага суқилди.

— Майда-чуйда гапни қўйинглар-да, яхшиси, Шайманвойнинг олим улидан гапиринглар. Ишқилиб, улингиз келадиганми, Шайманвой?

Шайман чол унга миннатдор қараб қўяркан:

— Ул келган, — деди андак димоқ билан. — Бу ерда бекорга гап талашгандан кўра бизди ховлига ўтинглар. Улга бир қўчқор атаб қўйгандик, шуни сўйиб саронжомлаб турунглар. Мен даштга бораману, қайтаман. Кенжамиз даштда... иссиқда хийла бўлган чиқар. Қани, Ўроқвой, бошланг бобойларни. Нима қаердалигини кампирга тушунтириб келганман.

— Бу ишингиз соз бўпти, Шайманвой.

Чоллар бири олиб, бири қўйиб, уни алқаб кетишди. Кутилмаган тадбиридан ўзида йўқ рухланиб кетган Шайман чол виқорли одимлар билан арава томон юрди. Эшакаравада юриш биринчи бор эриш туюлиб, отни орзулади, аммо унга емиш етказиш кийинлигини ўйлаб, тагин ахдидан қайтди.

... Оқшом зиёфат тўкин бўлди. Фала-ғовурдан чол шу нарсани билдики, ўғли осмон жисмларини ўрганадиган олим экан. Тунда у супада осмонга тикилиб ётаркан, эшитганларини ҳазм қилолмай, ғоят ажабланди: «Тавба, осмонни нимасини ўрганар экан? Отам замондан бери сўнариб турган манову юлдузларнинг нимасини ўрганиш мумкин? Тагин ердан ўн хисса катта юлдузларам бор деганига ўласанми. Ҳеч вақтда юлдуз ҳам ердан катта бўларканми? Нари борса мушт-

дайди, хай, қўшмуштайдир. Қандайлиги ана кўриниб турибди-ку. Ўнтасини йиғсанг, бир чўнтак тўлмайди. Улим ё ўтирикчи¹, ё ўзим ҳеч балони тушунмайман». Аммо чол кейинги гапга қўшилмасди. Ўзини жуда ақлли ҳисобларди. Кўрганларини бор ҳолича идрок этиб, шу йўсинда фикр қиларди. Шу боис, юлдузларга янада диққат қилди. Эсини танигандан бери илк бор самога айрича назар солмоқда эди. Бора-бора коинот кўзига олтин тангалар сочилган бахмал тусини ола бошлади: «Улни осмонга тикилишида бир гап бор, — деб ўйлади. — Ниманидир билади бу бола. Ҳукумат бунга ўхшаганларга пулни қоплаб берса керак, эмасам, ер қолиб, нега осмонга термулади бу бола».

Юлдузлар олтин тангалар тусини олгани сайин чолнинг димоғи чоғлана бошлади. Охири, олим деганига ҳукумат пулни аямаса керак, деган ширин ўйга борди-да, гаройиб тушлар оғушида аста уйкуга кетди.

Эртаси пешиндан кейингина ота-бола холи қолишди. Бошда гаплари унча қовушмади. Ота шўрлик нима деб сўрашни билмас, ўғилнинг жавобларига эса унча тушунмас, оқибат, гап тополмай иссиқдан шикоятланди. Елпинган киши бўлди. Ҳолбуки, улар шабаданинг кўзида ўтиришар, кенжа ўғил хавасга қурган баланд шийпондан чор-атроф кафтдагидек баралла кўзга ташланиб турарди.

Шайман чол ўғлининг озғин чехрасидан кўз узиб, тевааракка алаҳсиди. Кўча бошида икки қоп сомон юкланган эшагини олдиға солиб келаётган Ҳайдар кўса кўринди. Уни кўргач, кундалик ташвишлари эсига тушиб, чолнинг қовоғи хиёл солинди.

— Ҳайдарвойға қуда бўлаяпмиз, — деди сўнгра ярим оҳангда.

— Эшитдим, — деди ўғил бепарво.

— Қалинни сағал кўпайтираман деётганмиш, — деди чол норози оҳангда. — Шайман чолнинг ули олим бўпти, олим дегани пулнинг исига ётолмайдиган халқ бўлади, шундаякан, чол қалиндан қизғанмасин деб, эрталаб укаси Салом кўсадан айттириб юборибди. Совчилар орқали етказишға ҳам сабри чидамабди.

¹ Ўтирикчи — ёлғончи.

Ўғил кулимсираб, Ҳайдар кўса томонга қараб қўйдию, лекин индамади.

— Қайси қизига? — деб сўради бир муддатдан кейин ҳардамхаёллик билан.

— Кенжасига. — Чол ёнбошлаб, бошини сийпалади. — Укангни ишқи ўшанга тушибди. Ҳашша шуни олиб берасилар деб туриб олгач, нима қилайлик, рози бўлдик. Эмасам, Ҳайдар кўсани ўзимга тенгситармидим. Начора, тўйни гуруллатиб ўтказамиз энди.

Шу гапларни айтаркан, чол ўғлининг ранг-рўйига, сўнг чўнтакларига ўғринча қараб қўйди. Ўғлининг чўнтаклари у қадар дўппайиб турмасди. Кейин у шийпон четидаги каттакон қора сумкага умидвор тикилди. Ялтироқ темирлар билан зийнатланган сумка чолга жуда сирли туюлди. Боз устига, ўғли юрт сўраган кишидай хотиржам ўтирар, чолнинг ташвишларига алоқадор харажатларни эшитгач ҳам пинак бузмади. Авзойидан чолнинг бир оғиз гапиданок олди-га бир дунё пулни нописанд иткитиб ташлайдиган-дек эди. Шунда чол унинг қанча маош олишини билгиси келди. Қани, олим дегани қанча ойлик оларкан? Ўзича у катта рақамларни кўз олди-га келтириб сўради:

— Мана, олим ҳам бўлдинг, — деди кироат билан сўзлашга уриниб. — Ойига қанча оласан?

— Нима қанча?

Шайман чол Сардор магазинчидай бармоқларини бир-бирига ишқалади.

Чолнинг қилиғи ғалати туюлиб, ўғил кулиб юборди. Бундан чол яйраб кетди: «Айтдим-ку, бунда пул кўп деб, эмасам, буйтиблар ёзилиб ўтирмасди. Аммо қайтиб сўрайман? Фарзанддан пул сўраш... э-э, укаси учун сўрайман-да. Шундай пайтда қайишмаса, қай пайтда қайишади. Хай, киши билмас китиклаб кўрайчи. Тушунса тушунар, тушунмаса, отасининг жилиги-га, дангалини айтаверамиз-да».

— Индамайсан? — Чол қулоғини ортини кашлаб, унга зимдан тикилди.

Ўғилнинг жавоби бўғотдаги мусичанинг кукулашига қўшилиб чикди. Чол гапни тўла англамаган эса-да, нохушроқ сўзни илғашга улгурди. Шу боис, пешонаси

тиришиб, мусичага норози бокди. «Кишт», дея кўлини тўлгаркан, кайта сўради.

— Ангсармадим, канча дединг?

Ўғил бу хил суҳбатни хушламаслигини билдириб, нигоҳини пастга оларкан, жавобни жуда қиска қилди ва бир муддатдан сўнг бошини кўтариб, отасининг ҳолатидан донг котди. Чолнинг жағи осилган, кўзлари бакрайган, мусичани хайдамоққа кўтарилган ўнг қўли хавода муаллақ қолган. Бамисоли хайкал, ҳатто киприк қокмасди.

Нихоят, «хайкал»га жон кирди: кўли шалвираб пастга тушди. Ияк жойига қайтиб, кўзлари оғрикли ифода билан аста юмилди: «Ҳазиллашмаяптими бу бола?» Кўзлар энди яна-да каттароқ очилди. Ўғилга синчков қаради. Йўк, ўғил тамомила жиддий эди. Чол тирсагини болишдан узиб, қаддини хиёл олдинга ташлади.

— Одамни калака қилаяпсанми?

Таажжуби баттар кучайган ўғил, йўк, дея бош чайқади.

Шайман чол ўтирган жойида ғалати чайқалди. Туси ўзгариб, қўллари билан ниманидир кидирди. Кидирган нарсасини тополмагач, тиззаларини чангаллаб, ўғилга ғазабкор бокди.

— Ули олим бўпти деб, Ҳайдар кўса у ёқда қалинни оширган бўса, — деди сўнг алам тўла оҳангда. — Мен сенга ишониб, бу ёқда катта кетиб қўйган бўсам, оладиган ойлигинга дурустроқ бир қўй кемаса, шунча ўқиб нима қилардинг сен, а?

— Илм пул билан ўлчанмайди-ку, ота, — энди ўғилнинг ҳам ранги ўзгарди.

— Эмасам, нима билан ўлчанади? — Чол унга еб қўйгудек бир вазоҳатда тикилди. — Сени ўкитаман деб қанча қўйим кетди, биласанми шуни ўзи? Ана Қобул шапка ҳеч қаерда ўқимаган, лекин таёғини бир силкитса, ховлисига сомониям, хашагиям тушиб турибди. Отаси Узоқ гуппи сомон ташвиши нелигини билмайди. Тўй-маъракаларда чулдираб бировга гап бермайди.

— Майдаларга тенглаштирманг ўзингизни, ота. — Ўғил илм дея чеккан заҳматларини эслаб, бир зум сукутга толди-да, сўнг чехрасини донишмандона бир

ифодага тўлдириб деди: — Агар ҳамма ўзини тирикчиликка қурбон қилаверса, буюк кашфиётларни ким қилади? Тирикликни ҳар ким ҳар хил тушунади, ота.

— Билдик, жуда гапга ўқибсан, — деди ота ўғлининг мантиқли гапларини олифтагарчиликка йўйиб. — Айт-чи, сенам бир имо билан уйимга сомон тушуруласанми?

— Йўқ, — деди ўғил қатъий. — Бу хил ишлардан жирканаман!

— Жирканаман? — Шайман чол баттар тутакиб, тагин қўллари билан пайпасланди. — Унда олимлигингдан менга нима фойда!

Чолнинг қўлига илинган пиёла четга учди. Азиз меҳмонлар келгандагина дастурхон юзини кўрадиган пахтагулли пиёла ховли сахнида чил-парчин бўлди. Ортидан иккинчиси, кейин учунчиси шу ҳолга тушди. Шундаям у тинчимасди. Қаршисида ўғил эмас, баттол душмани ўтиргандай, гап билан уни ер қилиб ташлади.

Бу хил ҳақоратларни умрида эшитмаган ўғил бошда ханг-манг туриб қолди. Кейин этак силкиб, ўрнидан кўзғолди. Кетаман, деди аразлаб. Она ҳай-ҳайлаб орага тушди. Чолини қарғаб, ўғлининг қўлидаги сумкага ёпишди.

Шайман чол алам ва ғазабдан чаёндай гажакланиб, ташқари йўналди. Негадир Хайдар кўсани топмокка, қолган аламини ундан олмокка қасд қилди. Шу топда чолга икки дунё бир, яккаш бақирарди: «Осмонингдан не фойда менга! Жавдираган туссиз юлдузларингни бошимга ураманми! Э, сени ўқитганнинг падарига лаънат!»

У остона хатларкан, кўча бошида сомон юкланган машина кўринди. Чолнинг ажин тилган юзи баттар тиришиб, буришиб кетди. Нега, деганда машина олдида улкан қорнини намойишкорона силкитиб, мотоциклда Қобул милиса келарди. Товоқдек башараси одатдагидек ўта жиддий, гўё зўр бир ишни тиндиргандай, димоғидан эшак курти ёғиларди. Бу манзарадан чолнинг ичи яна куйди. Диконглаб, беихтиёр ўша томон юрди. Кейин бирдан фикридан қайтиб, изига бурилдида, кўча бўйида чим чимдиётган эшагининг қорнига бир тепиб, қуйига одимлаб кетди.

Бу вақтда олим ўғил, коинот сирларини англамоққа етган акли ердаги бу хил синоатни идрок этмоққа ожиздек, тушқин бир кайфиятда оёғи остидаги чинни бўлакларга термилиб турар, кетиб қолишидан хайиққан она шўрлик эса ҳануз унинг кўлидаги сумкага тармашар, ора-сира чолини яниб кўярди. Салдан сўнг тобора олислашиб бораётган жахлдор отанинг узук-юлуқ сўқинишлари-ю, онанинг жонсарак койинишлари машина овозига коришиб кетди. Щовқинни эшитиб, ўғил секин бошини кўтарди. Кўзи девор ортида ҳаракатланаётган сомон ғарамига тушаркан, олган билими бу даргоҳда сариқ чақалик қимматга эга эмаслигини фавқулодда англаб етгандай, аста юлқиниб, дарвоза томон юрди.

Она чиркираганча унга эргашди.

О Р И Я Т

Бозорга жўнаш олдидан Хусан полвоннинг дили ёмон ранжиди. Аслида барисига ўзи айбдор. Бўлмаса, эрта тонгда кичик хотини Зухраҳонникида пишириб кўйибмиди. Бор гап кечасиёқ гаплашиб олинган, қопинг-ни орқалаб йўлингга кетавермайсанми. Йўқ, бирров кириб ўтмаса, нимадандир қуруқ қоладигандай, кўшни ховлига бош сукишдан эринмади. Елкасидаги гўшт тўла, зил-замбил копини супа четига кўяётиб, кетаяпман, бирор гапинг борми, деган маънода томоқ қирди. Зухраҳон худди шуни кутиб тургандай, гапни кўпда чўзиб ўтирмади.

— Кеча айтиш эсимдан чикибди-я, отаси, — деди қуралай кўзларини пирпиратиб. — Битта кўрпалик ҳам кўшиб ола келинг. Факат бирорта аёлдан сўраб-суриштириб олинг. Тагин сатин ўрнига чит кўтариб келманг, қайнимга ўхшаб.

Бу гапдан Хусан полвоннинг пешонаси тиришиб, юзига ўнғайсизлик ифодаси қалқиди.

— Кўрпалик дейсанми? — деди талмовсираган оҳангда. — Бу айтганинг... эркак кишининг иши эмасов, хотин.

— Унда мениям оборинг, — деди Зухраҳон. —

Кўриб-билиб оламиз. Неча йилдирки кишлоқдан чикмай, тоза ториғиб кетдим. Бахонада би-ир айланиб келардим.

Бор гап шу. Лекин ўта арзимас туюлган бу гапдан Хусан полвоннинг туси кутилмаганда кескин ўзгарди: аввалига калин қошлари хунук тугун тортди, сўнгра кўзлари оловланди. Панжалари беихтиёр муштга айланиб, аёлига еб-ютиб қўйгудек бир вазоҳатда тикилди.

Эрининг авзойидан не гаплигини англаган Зухра-хон, кетига тисарилар экан, илтижоли оҳангда шивирлади.

— Қайтиб... қайтиб олдим гапимни. Бўлди, болаларни чўчитасиз...

Хусан полвон базўр ўзини босиб, супада қатор ухлаб ётган болаларига кўз қирини ташларкан, ичидагини сиртига чиқармаса, бўғилиб қоладигандай, тишлари орасидан сўзланди:

— Нима, шартимиз эсингдан чиқдимиз?! Каттанг мактаб ёшига етмагунча шаҳар демайсан демаганмидим! Ё менинг гапим ерда қолдию, уни топтаб ўтиш мумкин деб ўйлайсанми?!

Аёли маъюс ер чизиб, енгил хўрсинаркан, эрининг кўнглини юмшатмоқ илинжида аста гап қотди.

— Каттангизнинг оёғи тўзибди. Боргач, бирор нима қараб кўринг. Ҳикқиллайвериб тоза жонимга тегди.

Ўқ нишонга урилди. Хусан полвоннинг чехрасига табассумга ўхшаш нимадир иниб, бу сафар болаларига меҳр-ла бокди. Аммо буни аёлига билдиргиси келмади.

— Бунинг акасиникини кийсин, — деди қўшни ховли томонга имо қилиб. — Унисига бошқасини обераман. Туфлим қисаяпти, деб кеча фингшигандай бўлувди. Барига бошма-бош буюм обераверсам, эртан уйимни қаердан топаман. — Шундан сўнг кўзларини яна аёлига найзадек қадади: — Хай, туфли бир гап бўлар. Сен бир гапга жавоб бер-чи, қачондан бери кўнгиллари шаҳарни тусаб қолди?

Шу пайт катта хотини Ойсанам у унутиб қолдирган носқовоқни кўтариб келиб қолмаганда, бу можаро нима билан якун топиши номаълум эди. Харҳолда

Ойсанам вақтида келди. Хусан полвоннинг, алами ичида, йўлга тушмоқдан ўзга иложи колмади.

Аммо қуйига энаверишдаги сўқмок бошига етганда, алами қайта жунбишга келди. Бозоригаям, шаҳаригаям лаънат, дея елкасидаги қопни пастга улоқтириб юбормокчи ҳам бўлди. Хартугул, шайтонга хай бериб, ўзини қўлга олди. Бир зумга тўхтаган ерида қуйидаги иланг-биланг сой ёқалаб кетган, икки кир оралиғидаги қишлоғига, сўнг узоқдаги тош йўлга разм соларкан, негадир оёғи тортмаётганини хис килди. Елкасидаги қопини енгил силтов билан ўнглаб, ортига ўгирилди. Қир бетида ёнма-ён тушган қўш ҳовлисига назар ташлади. Катта хотини челак тутганча молхона томон кетиб борар, кичиги эса ранжитиб қўйганидан ўкингандай, қўллари кўксида, унинг ортидан термулиб турарди.

Хусан полвоннинг кўнглида шафқат ҳисси уйғониб, аёлини кечирган бўлди. Лекин барибир дилидан ғашлик аримади. У истамайгина йўлда давом этди.

Сирасини айтганда, Хусан полвон азалдан камюрим одам. Тўй, кўпқари демаса, бошқа пайт қишлоғидан бир одим нари жилмайди. Шаҳарни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Айникса, Зухрахон билан боғлиқ воқеадан сўнг шаҳар деса жини кўзийди. Ўзига колса, шаҳар деб кир ошиб, ўр ошиб ўтирмасди-ю, лекин шу тобда тирикчиликнинг зилдай тоши унинг нозик кечинмаларидан устувор чикиб турарди. Чўнтагида елвизак айланиб қолгани боис, қўйларидан бирини бўғизлаб, шаҳарда пуллаб келмокчи эди. Унинг ўрнида бошқа биров бундай пайтда қарз кўтарган бўларди. Аммо унинг қарс феъли қарз олмокни ёқтирмайди. Қарз деганлари елимдек бир гап, бир ёпишса, тамом — ажрашиш қийин, деб ўйлайди.

У ёлғизоёк сўқмокдан пастга энаркан, Зухрахоннинг гапини эслаб, тагин ғижинди. Унга боғлиқ хотираларни хаёлидан қувишга тиришди. Аммо хотира деганлари жуда беандиша нарсаси, эшикдан қувсанг, тешикдан сукилади.

Бир вақтлар эллик хонадонли мўъжазгина қишлоғининг бир чеккасида Зухрахон деган кўхликкина қиз мавжудлигини у ҳатто хаёлига келтирмасди. Тўйларда

кураш тушиб, кўпкари чопиб, тинчгина умргузаронлик қилиб юрарди. Шу кунларнинг бирида қулоғига нохуш гап чалиниб қолди. Нима эмишки, Холпош кампирнинг шаҳарда ўқийдиган қизи ёмон йўлга кириб кетибди. Кимдир бошини сарак-сарак қилиб, ғийбат халтасини кенгрок очди, кимдир кампирга ачинган бўлди. Кимдир эса, қизни нордон гаплар билан сийлаб, қишлоққа оёғини доритмаслик керак, деди.

Хусан полвон бу гапларни кўклам оқшомларидан бирида қир бетида ёнбошлаб ётган ҳолда эшитди. Ўзларича хиринглаб, ўзларича қуйиб-пишаётган жўраларининг оғзидан эшитди. Эшитди-ю, лекин гуруннга қўшилмади. Қишлоғига ҳасрат ва надомат ила тикилганча ёнбош тушиб ётаверди. Зохиран у жуда сокин эди. Ичида эса олов қайнарди. У ўлгудек орқаш йигит эди. Жўраларидан ушбу сифати билан ажралиб турарди. Бундай олганда, орқаш йигитнинг кўрган қуни курсин. Ҳар неки балога ўша балоғардон. Дейлик, бирор тўйда қишлоқ полвонлари товок ололмади. Бу вақтда қишлоқ аҳли қуймайди, бозорчи хотинлардай ғала-ғовур кўтаради, холос. Орқаш эса қуяди, ёнади, портлайди. Яна дейлик, қишлоқнинг бирор йигити бегона ердан калтак еб қайтди. Қишлоқ аҳли бу кезде ғийбат билан чекланади. Орқаш эса тагин қуяди, тагин ёнади. Эвини топса, ўша ерга «қўшин» тортиб боради... Бу хил воқеалар Хусан полвон ҳаётида кўп бўлган. Шу боис, қишлоқда обрўйи зўр. Аммо ҳозир у танг аҳволда қолганди. Нега деганда, қишлоқ тарихида бундай шармандали ҳодиса ҳали ҳеч юз бермаганди. Боз устига, айбдор заифа. Хўш, заифани нима қилиш керак?

У бу саволга жавоб тополмаган эса-да, ич-ичидан оташ бўлиб ёнарди: «Қишлоқни бадном қипти! — деб ўйларди яқкаш. — Қишлоқни хароб қипти! Уни тўшига тортган ҳар бир наҳс биз тўдақайрағочликларнинг устидан иршанглаб кулади энди! Ўлибмиз ҳаммамиз!» Ҳаёлан у қизга қарши «уруш» эълон қилди. Бир ўйи, қизнинг сочидан судраб келиб, анову жардан пастга улоқтирди. Бўлмади. Болаларини ўйлади. Ахир одам ит эмас-ку, ўлдирсанг-у, индамай қўлингни қоқиб кетаверсанг, жавобгарлик деган нарсаси бор. Яна бир ўйи,

қизни тилкалаб ташлади. Бу ўй олдингисидан, кейингилари бунданда дахшатли эди. Ҳар бир дахшатли режадан сўнг беозоргина аёлини эмас, бир-биридан ширин ўғилчаларини ўйлади. Ана шунда оила ва фарзанд дегани оркаш йигит учун тушов эканини англади. Англаши баробар ўзини ожиз ва жирканч бир махлуқ ҳис этди. Қаватида ўтириб, бизам бориб бир мазасини тотиб кўрсак ёмон бўлмасди, дея хиринглаган яқин жўрасининг қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборганини билмай қолди. Давра сергак тортди, давра сукутга чўмди. Унинг бу ҳолатини ҳар ким ҳар хил англади. У эса этак қоқиб ўрнидан турди-да, кирга ўрлади. Қирнинг қоқ чўққисига чиқиб, оғир-хаёлга ботди. Номусдан сассиз ўртанди, ингради. Инграб туриб ерга панжа урди. Тирноғи синиб, чангалига чағир тош аралаш нам тупроқ илашди. Тошлар озор чеккандай ғижирлаб, кафтига қадалди. Нам тупроқ қонни ўзига тез сингдирди. Лекин у буни сезмади.

У оғир ўйлар исканжасида уч кун юрди. Уч кун паришонхотир бир ҳолатда мол сўядиган пичоғини қайради. Тўртинчи куни икки қир наридаги тегирмонга ҳам шу ҳол, шу алфозда борди. Тирик жонга гап қотмай бир четда чўк тушиб ўтирди. Шунда беҳос қулоғига бир гап чалинди. Кўзлари бургутникидай чакнаб, аста гапга қулоқ тутди. Наридан қур тортган икки йигитнинг гапларини чала-ярим, лекин асосийсини эшитди. Биринчи йигит иккинчисидан кимнидир таниш-танимаслигини сўрарди. Иккинчи йигит деди: «Тиркашми? Зухра бузуқни қишлоғидаги Тиркаш қорани айтаяпсанми? Танийман уни...»

Бу гапдан Ҳусан полвоннинг ичидан нимадир чирт узилгандай бўлди. Қишлоғининг номи не атама билан алмашганини чуқур ҳис этди. Бу ҳол тўла косага томган сўнгги томчи бўлди. Эртаси Холпош кампирдан қизининг турар жойини сўраб олди-да, шаҳарга энди. Аммо, ўзи кутганчалик, Зухрани бировнинг оғушида эмас, маъюс қиёфада ёлғиз кўрди. Ўртадаги хонтахта устига пичоғини чиқариб қўйиб, не мақсадда келганини сўзсиз ифода этди. Қиз алпқоматли бу йигитнинг аҳди қатъийлигини бир қарашдаёқ билди. Жони тавонига тушган эсада, негадир қиз ўзини айб-

дор сезмади. Энгил-бошидан дала-дашт хиди уфуриб турган йигит қаршисида чўккалаб, зор қакшаганча ўзини алдаб кетган қайси бир йигитнинг номини туги, йиғига зўр берди. Ҳусан полвоннинг қалбида ўша номард йигитга нисбатан қасос ўти алангалангунча бўлмай, қиз яна бир-икки йигитнинг номини тилга олишга улгурди. Ҳусан полвон энди қаршисида бузуқини эмас, алданган, шунингдек, эндиликда номи бутунлай булганган бир муштипарни кўрди. Йўлдан тойган бу қиз энди ҳеч қачон номини оқлаб ололмаслигини пайқади. Бошида қора бўлмаса, у тийғанишда давом этиб, чоҳга қулашини сизди. Нима қиларини билмай, боши қотди. Сўнг иккиси, бошлари ҳам, узок сукутга толишди.

Бир маҳал Ҳусан полвоннинг қўли беихтиёр пичоққа чўзилди. Қиз сесканиб, бақа мисол қотди. Аммо йигит, у кутганча, пичоқни унга ўқталмади. Пичоқни ўнг қўлидан чап қўлига олиб, ўнг панжасидаги синган тирноқларидан бирини кесиб ташлади. Тир этга ботиб, тирноқ гирди қонга тўлди. Қиз олдидаги буклоқлик сочиқни шоша-пиша унга узатди. Ҳусан полвон олмади. Қонга тикилганча ўйда давом этди. Қиз чой дамлаш ҳаёлида ўрнидан кўзгалганди, йигитнинг ўткир нигоҳига дуч келиб, таппа жойига чўқа қолди. Шунда полвоннинг қалин лаблари илк бор ҳаракатланди:

— Энди нима қиламиз?

Қиз ер сузиб, чурқ этмади.

— Бу шармандалиқни қайтиб ювамиз энди?

Қиз елкасидан нафас олиш билан чекланди.

— Гапир!

— Пешона... пешонамда не бўлса шуни кўраман.

— Пешона! — Ҳусан полвоннинг кўзлари тағин қонга тўлди. — Пешона дейсанми? Бутун қишлоқнинг манглайини қора қилдинг-ку, пешонанг қурғур!

— Унда нима қил дейсиз? — Қиз яна ҳиққиллашга тушди.

Буни полвон ҳам билмасди. Тағин ўйга толди. Қуёшдан қорайган этдор афти, ўйдан зўриққаниданми, буғриқиб кетди. Пичоқ яна ўнг қўлига ўтди.

Қиз унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўз қирида жонсарақ кузатиб, жимгина ўтирарди. Орқаш бу йи-

гитнинг феълини яхши билгани боис сукутдан ўзга иложи ҳам йўқ эди. Йигитнинг ўрнида бошқа биров ўтирганида, отаммисиз, ё акаммисиз, нима ишингиз бор мен билан, дея пешкирлик қилишям мумкин эди. Аммо полвонга бундай деб бўлмасди. Боз устига, қўлидаги пичоқ тобора бежо ҳаракатланмоқда эди.

Бир пайт Хусан полвон кенг кўксини тўлдириб, икки бор чуқур нафас олди-да, тўйқусдан бошини илкис кўтариб, ўткир кўзларини унга ўкдек қадади.

— Унда менга хотин бўласан! — деди катъий оҳангда. — Сени бугун ё чавақлаб кетишим керак, ё қора қисматингга шерик бўлиб, номингни оклаб олишим лозим! Эмасам, кишлоқнинг шўри қурийди! Кўринган ит устимиздан иршанглаб кулади! Э-э, куляптиям!

Қиз полвоннинг ўзига хос мантиғини идрок этолмагандек, гапини ҳам ҳазм қилолмади. Унга ажабланиб тикиларкан, буям қулоғимга танбур чертмоқчими, деган ахлоқона шубҳага борди. Бироқ йигитнинг ғазаб ва аламдан буғриққан чеҳрасига кўзи тушгач, шубҳаси тумандек тарқаб, кўнглида унга нисбатан ҳурматга ўхшаш нимадир уйғонгандай бўлди: «Қани энди, ҳамма йигитлар шу кишидай бўлса, — дея аёлларга хос мулоҳазага берилди. — Бизга ўхшаш ахлоқлар буйтиб қон йиғлаб ўтирмасдик».

Аммо йигитнинг ўктам овози уни узоқ ўйловга қўймади.

— Хўш, нима дейсан?!

Қиз шундагина йигитнинг мақсади жиддийлигини пайқади. Унга хотин бўлишни хаёлига келтирмаган ҳолда, зора ҳовридан тушса деган умидда деди:

— Қўйинг, ўзингизга гап орттириб нима қиласиз.

— Бу ёғи билан ишинг бўлмасин!

— Ўзим қилдим, ўзим жабрини тортсам девдим.

— Биз-чи?! — хонтахта устига гурсиллаб тушган муштдан чойнак-пиёлалар чор-тарафга сочилиб кетди. — Номусдан бош эгиб юраверишимиз керакми!

— Демак, — қиз тиззаси устига келиб тушган пиёлани жойига олиб қўяркан, йигитга қарамасдан давом этди: — Орият учунгина менга уйланмоқчисиз...

— Эмасам-чи. Нима, чиройли кўзларимга учди деб ўйлабмидинг.

— Йўқ десам-чи?
— Сўяман! — Бу жумла полвоннинг тишлари орасидан дахшатли тарзда сирғалиб чикди.

- Ахир бу зўравонлик-ку.
- Олифта гапингни қўй! Қани, кийин!
- Шахарда бундай қилишмайди.
- Бизда эса қилишади!

Йигитнинг қатъияти ўзига ёқа бошлаганини сезиб, киз ажабланди. Унинг дала хиди анқиб турган энгилбошига бу сафар айрича назар билан разм соларкан, андиша тўла оҳангда деди:

— Янгам нима деркин?

— Номусдан қуяётган эрни тушунмаган хотиннинг боридан-йўғи яхши.

— Болалар...

— Сени олдим деганим, хотинимни қўйдим деганим эмас-ку.

— Бунакаси ҳали ҳаётда бўлмаган.

— Сенга ўхшаганим қишлоғимизда бўлмаган...

— Унда ўзим ўлиб қўя қолай.

— Бўлмайди, қора номинг қолади.

— Барибир сиз... — Киз унинг қўлидаги пичокка имо қилди.

— Бу бошқа гап. Гуноҳингни қонинг билан ювган бўласан!

— Кейин сизга ёмон бўлади-ку.

— Яхши бўлса келиб ўтирмасдим.

— Қизик мантиқ.

— Кийин!

Қизнинг кейинги мулоҳазалари Хусан полвонга чивин чакқанчалик таъсир этмади. У бу гапларга лоақал жавоб айтишнинг лозим топмай, кўз қарашлари билан қизнинг даммини ўчирди, кийинтириб, йўлга отлантирди. Эшикдан чиқаётиб, олдига шу шартни қўйди:

— Тўнғичинг мактаб ёшига етмагунча шаҳар демайсан!

— Э!

— Ҳа!

Ойсанам оркаш эрини базўр тушунди. Тушунгунча бир-икки тирғишлик қилди. Аввалига аразлаб отасиникига кетиб қолди. Кейин ҳиққиллаб талоқ сўради.

Бунга жавобан полвоннинг гапи битта бўлди: «Бекор айтибсан! Шу ҳафта уйга қайтмасанг, сочингдан судраб келаман! Феълимни биласан!»

Буни қарангки, бутун қишлоқ англашга ожизлик қилган ҳолни оркашликда куёвидан сира қолишмайди-ган қайнота тушунгандай бўлди. Қизини ўзи олиб келиб ташлади: «Номус дея номи қорани қўйнига солган одам ўз хотинини буйтиб диконглатиб қўймайди-да, нодон!» — дея от устида куёвини сўкиб-сўкиб кетди.

Ҳусан полвон Зухраҳонни хали қўйнига олмаганди. Укасига атаб қурдирган уйига уни солиб, пешайвон устунига катта пичоқ осиб қўйганди. Турган гап, укаси уй важидан эмас, одамларнинг пичир-пичир гапларидан безор бўлиб, жанжал кўтариб келди. Хайданг, бу бузукни, деди. Ака уни бир тарсаки билан ерпарчин қилиб, бошида роз котди: «Биринчидан, бу бузук эмас, янга сенга! — деди. — Иккинчидан, уйга ичинг ачиётган бўлса, кўркма, келаси баҳорда бундан зўрини солиб бераман!» Ука йиғлади. Йиғлаб туриб шу гапларни айтди: «Уйнинг энасини фалон қилай, ака! Гап уйда эмас, одамларда. Ана, нималар дейишмаяпти! Эркак бўлмай ўл дейишяпти!». «Эркак нелигини биласанми ўзинг? — Ҳусан полвон аччиқ кулди. — Ё фақат киз болага уйланганларни эркак санайдиларми? Йўлдан озган ожизага паноҳ бўлган, элни бадномликдан асраб қолган кимса сенинг назарингда ким? Асил эркаклик ўша эмасми?» Ука туриб ўтирди. Уй томонга адоватли тикилди: «Эл дейсизми? — деди кейин истехзо билан. — Ана, элингиз сиз тўғрингизда нималар деяпти!» «Майли, дейишаверсин, — деди полвон хотиржам оҳангда. — Бугун бўлмаса, эртага тушунишади».

Одамларнинг гапи тайсаллади-ю, лекин қишлоқ мулласи Ёдгор қийшиқ қилиқ чиқарди. Қизнинг икки йил бурун ўлиб кетган отасига нисбатан эски адовати эсига тушиб, никоҳ ўқишдан бош тортди. Ўзининг бу қилиғини, элнинг юзини ерга қаратганга никоҳ ўқиш буюрилмаган, деган гаплар билан пардаламоқчи бўлди. Полвон ялинмади. От устидан илкис эгилиб, мулланинг белидан даст кўтарди-да, олдига ўнгарди. Йўлда

мулла чиранди, типирчилади, кимларгадир арз киламан, деди. Полвон, унда Чори муллага ўкитаман, дега-нидан сўнг ҳалимдек юмшоқ тортди. Қўшни қишлоқ-лик Чори мулла унинг эски рақиби, у қишлоқ ораласа, Ёдгор қийшиқнинг тутқаноғи тутиб қолади.

Табиий, буларнинг ҳаммасини Зухраҳон кўриб-би-либ турарди. Бунга сари Ҳусан полвонга меҳри кун сайин кучайиб борарди. Аслида бу меҳр ўша биринчи учрашган кунлариёқ куртак отганди. Акс ҳолда қизни ёлғиз қўркув билан тутиб туриб бўлмасди. Номард-ликнинг аччиқ меvasидан обдан тотинган қиз мард-ликнинг нечоғли тотли эканлигини фарқлай билганди. Полвоннинг кенг ва забардаст елкаларига кўзи тушга-ни сари ич-ичидан ўша елкаларга билак ташлаш иста-гини ҳис этарди. Натижада бир йил ўтмай кундоши иккиси полвонга биттадан ўғил ҳадя этдилар. Қизнинг қора номи ўз-ўзидан оқланиб кетди. Бироқ шунга қара-май, эри шартидан воз кечмади. Шаҳар номини эшит-са, ҳали-ҳали жини куришади.

Хотиралар исканжасида қолган Ҳусан полвон сўқмоқдан эниб, қишлоқ йўлига тушди. Қишлоқ йўли-дан катта йўлга чикди. Дуч келган машинага ўтириб шаҳарга йўл тортди.

Узоқдан шаҳар бинолари кўзга ташлангачгина ёқим-сиз хотиралар ниҳоят уни тинч қўйди. Кўнглига таш-виш оралаб, эндиги ишлари ҳақида ўйлай бошлади. Бозор ишида уни пишиқ деб бўлмасди. Ташвиши шун-дан эди. Шу боис, қаватида чинкиллаб гурунг бериб кетаётган ёнғокфуруш йигитдан уни-буни сўраб олди. Ёнғокфуруш йўл-йўриқ кўрсатибгина қолмай, растага жойлашиш, тарози топишда қўмаклашишга ваъда ҳам берди. Кўтарафурушларга асло сотманг, деб қайта-қайта тайинлади.

Бунни қарангки, даштда бургутдай керилиб юрган полвон бозорда чумчукка эргашган лочиндай унга дум бўлди. У нима деса шуни қилди. Бир муддатдан сўнг ўзини раста ортида, бир уюм гўшт тепасида кўрди. Аввалига унча қовушмади. Икки-уч харидордан кейин бозорнинг хавосини тезда ўзлаштириб, яна бургутона келбатга кирди. Алпдай қоматига ҳавасланиб зимдан-зимдан бокқан бир-икки жувоннинг нигоҳидан раши

келди. Келбатини аллабалоларга менгзаб, мақтаб, арзон-гаровга гўшт олмоқчи бўлганларга гапнинг дангалини айтди: «Уйимда бир мошина еярман-ичарманим бор, аканг айлангур. Тили ширин экан деб сенга қайишсам, мақтади деб унга қайишсам, чурвакаларимни ким боқади. Бу елкада кўпчиликнинг ризқи бор. Кўп тортишмай, эл баҳосида олавер».

У бир уюм гўштни тушга қолмай сотиб бўлди. Чоғроқ тарвуз сикқулик қопдек кенг чўнтагидаги пулларни ҳафсала билан санаб, иккига бўлди-да, бир бўлагини қўйин чўнтагига, иккинчисини ён чўнтакка солди. Ён чўнтакдагиси бозор-ўчарга, қўйиндагиси эса уйга боради.

Пул деган жониворнинг хўп ажойиб қуввати борда. Хусан полвон керилиб бозор оралади. Аёллари айтган нарсаларни харид қилиб, қопга жойлади-да, қўшни растага ўтди. Ёнғоқфуруш йигитни тушликка таклиф қилмоқчи бўлди. У чинкиллаб савдо қилаётган экан, узрини айтди.

Хусан полвон тентираб, бозор биқинидаги тамад-дихонага кирди. Кабобпазга бирталай кабоб буюриб, бўш столлардан бирини эгаллади. Яхши савдо димоғини чоғлагандек, кабоб хиди иштахасини қитиқлади. Унинг ичкиси келди. Оғир тебраниб бориб, буфетдан бир шиша ароқ олиб келди. Бошқалардек стаканга қуйдириб олишдан уялди. Бирор ичарман, кеп қолса қуйиб берарман, деб ўйлади.

Биринчи стакан ёғдек кетди. Иккинчисида боши кизиб, олам кўзига мунаввар тус олди. Ўриндиққа ястаниб, қавшанишда давом этаркан, қўшни столда ўтирганларга эътибор берди. Аниқроғи, уларнинг ғалати гап-сўзлари диққатини тортди. Стол атрофида бир киз, уч йигит ўтирарди. Стол устида бўшатишган, бўшатилмаган шишалар турарди. Така мўйлов қўйган гавдали йигит биринчи қарашдаёқ унга ёкмади. Ёнидаги шериғи ундан-да совуқ эди. Қиз новча, озғин, учинчи йигитга тегишли шекилли, баҳс давомида, бас қилинг, деган маънода уни киши билмас туртиб қўярди. Сирасини айтганда, бу баҳс эмас, даҳанаки зугум эди. Така мўйлов оғиз кўпиртириб, нималарнидир уктиришга уринар, турки совуғи эса тутун пурқаб, бир

нуктага маъносиз тикилиб ўтирарди. Озгин йигит ҳам тингловчи, ҳам инкор этувчи эди. Гап чамаси аёллар хақида борарди.

Агар кабобпаз йигит совуган кабобни янгилаш бахонасида ёнига келиб, кўп тикилаверманг, жахллари чиқади, у киши шу ернинг шефи, демаганида, Хусан полвон уларга ортик эътибор бермай, таом билан андармон бўларди. «Шеф» сўзидан сўнг у така мўйловга янада диққат қилди. Нега деганда, у бу сўзни кўп эшитган, лекин шу номга сазовор бандасини ҳеч кўрмаганди. Қизиқсиниб тикилди. Пайқас қилса, «шеф» деганлари оғзи жуда шалоқ одам экан. Аёл зоти борки, барини тупрокка қориштирмоқда эди.

— Аёлнинг фариштаси бўлмайди, — деди такамўйлов бир зум тин олгандан сўнг, турки совуқ узатган пиёладаги ичимликни ликка ютаркан. — Мановунгни фаришта деб ўйлайсанми? Топибсан фариштангни. Сен йўғингда чўнтак кавлаб бир им кокай, кўзи йилтилла-маса, отимни бошқа қўяман.

Хусан полвон бу қадар андишасизликдан лол қолди. Ҳозир новча йигит така мўйловга шердай ташланади, деб ўйлади. Аммо уни донг қолдириб, новча йигит мингирлашдан нарига ўтмади.

Хусан полвоннинг ғазаби кўзиб, вужуди бўйлаб иссиқ бир нима таралди. Бу орада такамўйлов яна бир-икки куракда турмайдиган гап қилди. Полвон чидаёлмади.

— Ув-в, жонинг борми, сосанг-чи жағига! — деганини билмай қолди. Қўшни столдагилар ялт этиб у томонга қарашди. Хусан полвон ғазабини базўр жиповлаб, новчага каттиқ тикилди.

— Э, йигит бўлмай ўл! — деди. — Шунча гапга қайтиб чидаб ўтирибсан? Уриб жағини ушатмайсанми?! Энди хотинингни қандай қайтиб тўшингга тортасан? Ҳалиям бўлса сол жағига айлантриб!

Такамўйлов бир зум хайратдан сўнг маънодор иш-шайди. Турки совуқ қилт ҳам этмади. Новча йигит остки лабини шалвиратиб, гоҳ унга, гоҳ ёнидагиларга жавдирарди.

— Синглим, — деди Хусан полвон, оғзидаги луқмани чала-чулпа ютиб. — Кеч бундай эрдан! Ному-

сингни ҳимоя қилолмаган эрдан кўра ғўла кучиб ётганинг афзал!

Тақамўйлов ошиқмай ўрнидан кўзғолди. Ҳусан полвон унга қайрилиб ҳам қарамади. Бутун қаҳри энди новчага қаратилган эди. Тақамўйлов бамайлихотир ёнидаги бўш ўриндикка жойлашаркан, чалиштирган бармоқларини иягига тираб, унга пастдан нописанд, ўта нописанд боқиб деди:

— Қишлоғингга ўзинг кетасанми, ё йўлингни кўрса-тиб қўййликми?!

— Сенлама, эшшак! — Ҳусан полвон унга кескин ўгирилди. — Аёл кишиниям шунчалик бадном қиласанми, аҳмоқ! Йигитнинг нори ғийбатдан нари юради. Сени эса бир соатдан бери оғзинг тинмайди. Майда одам экансан лекин! Тагин мўйлов қўйганингга ўлайми?! Бор жойингга, эмасам, бир нима кип қўяман ҳозир!

Ҳусан полвон сўнгги жумлани зўрға тугатди. Тўсатдан лунжига келиб тушган тарсакидан бир зумга қаловланди. Лекин эс-ҳушини йўқотмади. Лабларини сийпаб, қафтида қон кўрди. Кейин кучига ишонган бир тарзда қулимсираб, энди сени ейман, деган маънода тақамўйловга қаради. У эса, етадим, ё яна керакми, деган йўсинда ўшшайиб турарди. Чамаси, полвоннинг, тавба қилдим, дейишини кутарди. Аммо у кутганча бўлмади. Ҳусан полвон чапдаст бир ҳаракат билан унинг энсасидан тутди-да, манглайини столга қарсиллатиб ура кетди. Учинчи урушдаёқ шўрлик тақамўйлов ҳушидан мосуво бўлган эса-да, полвон бунга сезмади, пешонасини дўкиллатиб столга уришда давом этди. Югуриб келган турки совуқ бир силтовидаёқ нарига учиб тушди. Турки совуқ ёввойи овозда нимадир деб бўкириб, чамаси, шерикларини кўмакка чорлаб, яна унга ташланди. Ҳусан полвон бу сафар аяб турмади. Белидан даст тутди-да, елкасидан ошириб отди. Турки совуқ кабобпазнинг кўрасини ағдариб, нарига думалаб кетди.

Шу билан Ҳусан полвон, ишим битди, деб ўйлади. Энди кетаверсамам бўлар, деб хаёл қилди. Аммо уни кетишига қўймадилар. Осмондан тушгандай бир зумда атрофида пайдо бўлган бир гала йигитлар унга ташла-

нишди. Хусан полвон кимнидир уриб йикитди, кимнидир силтаб отди ва кимнингдир муштидан кўзи кўкарди, бурни қонади.

У бир тўда шақоллар орасига тушиб қолган арлони бўридай забт ва шиддат билан олишаркан, ахволи ночорлигини пайқади. Қўлига пичоғини олди. Теварагидагилар тисарилгунча бўлмай пичоғини кимнингдир думбасига тикиб олди. Кейин қолганларини тамадди-хона бўйлаб қувлай бошлади. Етганини уриб-тепиб, пичоғини сирмаб борди.

Кўпчиликни бир кишига ташланишини у ўта адолатсизлик деб биларди. Билгани учун ҳам жони халкумига келганди. Шердай олишмоқда эди. У дуч келганини уриб йикитаркан, кўзи бошдаёқ юзига мушт туширишга улгурган қора, ғўлабур йигитга тушиб қолди. Уни пешайвон устунни атрофини айлантириб қува бошлади. Етай-етай деганда бошига урилган кучли зарбдан уҳлаб юборди. Ортига ўгирилиб, ўша номардни бир кўриб қўйишни истаса-да, холи етмади. Кўз ўнги қоронғилашаётганини сезиб, йиқилиб тушмаслик учун сўл қўли билан устунни маҳкам қучди. Чор-атрофидан келиб тушаётган зарбаларга чидамоқ душвор эса-да, устунни қўйиб юбормади. Карахтлашган миясида бир ўй чарх урарди: «Ўлсам ҳам тик туриб ўламан! Сен номардларнинг пойингда чўзилиб ўладиган аҳмоқ йўк!»

У бир лахзага ўзини йўқотди. Яна қайта хушига келаркан, бозор майдони оралаб шошиб келаётган милиционерларни, турли томонга қочиб бораётган шарпаларни илғади. Ва шунингдек, томошабин бўлиб туришган оломонни кўрди. Шунча одам қаердан йиғила қолди, деб хайрон бўлди. Одамлар орасида кўзи ёшга тўлиб, қўллари ёкасида қотган бояги жувонга, унинг қаватида ранг-кути ўчиб турган новча йигитга кўзи тушгач эса, ич-ичидан даҳшатли оғриқ қўзғолиб, вужудини титратиб юборди. Бу оғриқ тилида қуйидагича ифода топди.

— Сен яшаб юрган бу дунёга ўт кетсин-а, иним! Заифангни бадном қилишларига қўйиб бердинг-га! Бу кунингдан...

У сўнгги жумлани тугатолмади. Тагин хушини йўқотди. Лекин устунни қўйиб юбормади. Бамисоли

коя янглиғ дов тўкиб тураверди. Биринчи бўлиб етиб келган милиционер негадир унга яқинлашишга журъат этолмади. Иккинчиси ҳам тўхтади...

Хусан полвон шу туришида гўё уйқудаги шер ва- жохатида эди. Кишилар назарида, уйғониб кетса дунё- ни остин-устун қиладигандек эди.

Милиционерни беихтиёр чўчитган нарсa шу эди.

ҚИССАЛАР

БЕКАТДАГИ ОК УЙЧА

Шахар бикинидаги темир йўл бекати мўъжазгина эса-да, унда ҳаёт кечаю кундуз кайнайди. Шахардаги асосий корхоналару, йирик-йирик омборларга хизмат кўрсатувчи бу кичик жамоанинг ўз машинистлари, юкчилари, йўлтовловчилари, созловчилари бор. Қисқаси, йирик бекатларда иш тартиби қандай бўлса, бу ердаги меҳнат тарзи ҳам айти шу йўсинда кечади. Фарқи — фақат бир қадар тинч ва осойишта. Тартиб эса ўша-ўша вақтида келиб, вақтида кет, иш бўлмаган кезлари, марҳамат, ётиб дамингни ол, аммо зинхор-базинхор ўз холинга улоқиб кетма. Бу қоида кекса ишчиларнинг қон-қонига сингиб кетган, қўллари сал бўш қолди дегунча ё нардага тутунишади, ё ёзин-кишин эгниларидан тушмайдиган пахталигини юмалоклаб бошлари остига қўйишади-да, дуч келган ерда юмалаб кетаверадилар. Ёшларгина бир оз сикилади, холос. Уларга қолса, ишни тез-тез дўндирсалару, қолган пайт ўз майлларида ялло қилиб юришса. Шу боис, ёшлар бу даргоҳда кўпда кўним топавермайдилар.

Бундан фақат юкчи бригадаларнинг бирида ишловчи Муродгина мустасно. Новчадан келган, қомати пишиқ ва пухта бу йигит ишни ва ҳамкасбларини фавқуллодда бир меҳр билан яхши кўради. Юк кўтаришда бу атрофда унга тенг келадигани йўқ. Чатоқ феъли тиниб-тинчимаслиги ва китмирлиги. Хиёл бекор қолди дегунча китмирлик қилавериб, гоҳида ҳамроҳларини қонига ёмон ташна қилиб юборади. Унинг бу хил шумликларига бригада бошлиғи Шукур акагина бардош бера олади.

Шукур ака, ўз навбатида, уни меҳнатсеварлиги ва бегуборлиги учун яхши кўради. Гоҳо тўйқусдан таъ-

сирланиб кетиб, «ўғлим» деб ҳам қўяди. «Ўғлим» дега-
нида овози товланиб, мижжаларига ёш қалкийди. Са-
баби, Шукур ака ўзича бахтсиз одам. Биринчи хотини-
дан бўлган ўғли уни тан олмайди. Иккинчи хотини
туғмас чикди. Ўлгудек захар бу хотинидан Шукур ака
каттиқ ҳайикарди. Ҳар икки гапининг бирида барибир
ташлаб кетаман уни, деб қўяди. Йигирма йилдан бери
шу гап — ташлаб ташлаёлмайди, шунингдек, тузукрок
кўнгил қўйиб ҳам кетолмайди. Бамисоли занжирбанд
фил, занжирларини узмокка кодир эса-да, уни узмокка
на фаҳми, на журъати етади. Аникроғи, бахт нелигини
фаҳмлаган холда бахтга интилишдан ҳайикадиган, ўзи
тўкиган ширин эртаклари билан овуниб юрадиган одам.
Яна бир феъли, бир карасанг ўлгудек зикна, бир
карасанг, ўта қўли очик, дам-бадам сахийлиги тутиб
қолиб, измидаги одамларни сийлаб туради. Сал кайфи
ошса, биқинида ўтирган Муроднинг елкасидан кучиб,
сен ўғлимсан, ўғлимдай яхши кўраман сени, дейди.
Унинг бу қадар меҳр қўйишига яна бир сабаб бор. Гап
шундаки, Мурод уни бировга хафа қилдириб қўймай-
ди. Шукур акага тирғалмокчи бўлган кимса, ким бўли-
шидан қатъий назар, Муроднинг ўтли қазабига рўбару
келади. Муштлашишни обдон ҳадисини олган бу йи-
гит, агар ҳаклигини сезса, ҳеч балодан тап тортмайди.
Ишга келганига бир йил тўлмай, бекат атрофидаги
маҳалла безориларига отнинг қашкасидек танигли бўлиб
қолган, улар ўртасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга.
У бор пайтида маҳалла безорилари бекатга ўйлашиб-
роқ яқинлашишади.

Вагон туриб қолмаслиги учун бекат маъмурияти
кўпинча четдан ишчи кучи ёллайди. Юкчилардан орт-
ган вагонларга чет кишилар жалб этилади-да, меҳнат
ҳаққи ўша куниёк қўлларига тутқазилади. Ёлланма
ишчиларни юпун талабалар ва маҳалла бекорчилари
ташқил этади. Талабалар бориға қаноат қилиб кетиша-
веради-я, лекин маҳалла бекорчилари чатоқ — энг
яхши вагонларни кўзлашади улар. Баъзан бригадани
ҳайдаб, уларга тегишли вагонларни эгаллаб олиш ҳол-
лари ҳам юз бериб туради.

Мурод ишга келган дастлабки кунлари худди шун-
га ўхшаш ҳодиса рўй берганди. Ўшанда бригада тунги

сменада эди. Бино пештоқларига ўрнатилган улкан прожекторларнинг ўткир нуридан сутдек ёришган омбор ховлисидаги қатор вагонлардан бирини бўшатмоқда эдилар. Ҳар тўпи юз килодан ошиқ брезент ўрамларини елкада ташиётганларида, уч йигитни эргаштириб смена бошлиғи Ўнар найнов келиб қолди. Қўшни вагонлардан бирини уларга топшириб, ўзи соядай ғойиб бўлди. Қўшни вагон тўла картон қути экан. Картон қутига брезентга нисбатан ўн баробар кам ҳақ тўланади. Табиий, бу нарса келганларга хуш ёкмади. Вагон эшиги очилиши захотиёқ иккиси ишдан бош тортди. Сочи елкасига тушган новчаси бир қарорга келишга ошиқмади. Қўлларини белига тираб, бир муддат бригаданинг ишини кузатиб турди-да, манову вагон бизники, булар эса наргисига ўтишади, деди. Бригада аъзолари уни яхши танишаркан шекилли, бу гапдан саросималаниб, ялинишга тушдилар. Айниқса, Шукур акага қийин бўлди. Бригада бошлиғи сифатида кўп нарсаларни ёлғиз ўзи ҳал этиши лозим эди-да, шу боис ўғли тенги йигитга ёлвориб, уни инсофга чақира бошлади. Аммо йигит ўта сур экан, лоақал пинак бузмади. Охирида ҳадеб минғирлайвериши жонига тегди чамаси, Шукур аканинг кўкрагидан итариб ташлади. Шукур ака ерда ётган брезент ўрамига қокилиб, оёғи осмондан бўлиб тушди. Бўлаётган воқеани ханг-манг кузатиб ўтирган Мурод шу ерда чидаб туrolмади. У ўрнидан ирғиб турди-да, бора солиб йигитнинг нақ ияги тагига мушт қўйди. Сочи алвасти йигит бу зарбдан коптоқдай думалāб кетди. Қолган иккиси нима киларини билмай, каловланиб қолишди. Атрофга сув қуйгандай жимлик чўқди. Мурод навбатдаги ҳамлага шайланиб, ўз ўрнида, унинг шерикларини кўздан қочирмай турди. Аммо йигит ўрнидан кўзғалишга ошиқмади. Юлдуз тўла осмонга бир муддат термулиб ётди-да, сўнг қўлларига таяниб, туриб ўтирди. Оғрикни қувмоқчидай бошини кескин-кескин чайқади. Кейин қаршисида оёқларини кериб турган Муродга хотиржам тикилиб, этни жунжиктирувчи осойишта оҳангда деди: «Сен мени танийсанми?» Мурод, йўқ, дея бош чайқади. «Танимасанг, танитамыз! — деди йигит ўша оҳангда. — Бекатдан

ўлигинг чиқади энди!» «Нима, бекатдан нарига ўтмас-ликка қасам ичганмисан? — деди Мурод унинг нимага шаъма қилаётганини англаб. — Адашмасам, кунда уч бор ўтасан шекилли». Йигит ажабланди: «Нима эди? Агар жанжалнинг изидан қувиб, кўп гашимга тегадиган бўлсанг, бекатдан нарига ўтишни ўйлаб қўй! Бу ишингни Қобул кечирмас деб кўркаман!» Гапнинг сирасини айтганда, Мурод Қобулни танимайди, таърифини эшитган холос. Ўшанга асосланиб, оғзига келганини валдиради. Натижа қутилгандан зиёда бўлиб чикди. Йигит енгил сакраб ўрнидан тураркан, шимини қоқа-қоқа деди: «Унда бизни кечиргайлар. Лекин илгари сени кўрмаганман. Яқинда келдингми?» Мурод бош ирғаб тасдиқларкан, Шукур ака томонга ишора қилди: «Кечиримни мендан эмас, манову одамдан сўрашингга тўғри келади...» Йигит, бунинг нимаси қийин экан, деган маънода елка учирди-да, кечирим сўради: «Отец... кечиргайлар бизни! — Кейин шерикларига имо қилди. — Кетдик!»

Улар кўздан ғойиб бўлар-бўлмас, Шукур ака ўрдак юриш қилиб, унинг қошига келди. «Ўғлим! — деди овози қалтираб. — Сен менинг ўғлимсан, бугундан бошлаб!» Шундан сўнг қопдай чўнтагини қовлаштириб Муроднинг кафтига бир сиқим мағиз тўкди. Бошқаларга ҳам оз-оздан улашиб чикди. «Нега емаяпсан? — деди йигитнинг кўзига меҳр ва ихлос билан тикилиб. — Еябер, таги мўл. Кенойнинг кондитирскийда ишлайди. У ишхонасидан ўмаради, мен эса уйдан. Ўзи емайди, торт-портга ишлатади. Менинг тишимга-ям унча ботмайди. Силар енглар деб опкеламан. Еябер. Ўрикники».

Мана шундан бери иккиси кадрдон, бирга еб-бирга туришади. Мурод уни ҳам кадрлайди, ҳам ўткир ҳазиллари билан жонини олади. Ҳар бир ҳазилдан кейин Шукур ака бирор беш дақиқа қовоқ уюб юрган бўлади-ю, сўнг ҳеч нарса рўй бермагандек гаплашиб, қулишиб кетаверади. Қисқача қилиб айтганда, Шукур ака ноёб феълли одам, бундай дўлвор, бундай содда феълли одам мингдан битта бўлса ажаб эмас: Юргандаям, тургандаям юзидан кулгу, димоғидан кўшиқ аримайди. «Эй-й-й, жони-и-им...» Қўшиғи мана шу икки

оғиз сўздангина иборат, қолган қисми ижрочининг кайфиятига қараб турли хил иборалар ва оҳанглар билан бойиб боради. Шукур акани жуда яқиндан билмаганлар «Муаммосиз одам» деб ўйлашади. Аслида эса...

Бригаданинг қолган учта аъзоси турли ёшда бўлиб, узоқ йиллардан бери бекат чангини ялаб келишади. Бири — хомуш, бири — серзарда, бири — ичимдагини топ, хуллас, учаласи ҳам ўзига хос яхши одамлар. Айни дамда ўзига яраша бахтсиз одамлар. Бири хотиндан куйган, бири фарзандидан сиқилган, бирини эса умуман ҳеч нарсага қизиқиши йўқ. Қўлларига пул тушди дегунча ҳамжихат ҳолда хафагарчиликни қувишади. Қаллалари кизиган сайин ҳар бири ҳали аёл зотини ҳидлаб кўрмаган Муродга насихат қилмоқни ўз бурчлари деб билади: Уйланма ҳеч, — дейди Ринат узундан-узон кекириб; юзтасидан биттасини танлаб уйлан ва ҳеч вақт хотинга бўш келма дейди, Абдулла шанғиллаб; аёл кишининг макри қирк эшакка юк бўлар, буни унута кўрма, студент, дейди Шукур ака қатордан қолмасликка тиришиб. Фақат Колягина умумий насихатга қўшилмайди, сигарет тутинига хаёлчан термулганча ёшлигида бўлиб ўтган бир севги тарихини юзинчи бор хикоя қилишга киришади. Хикоя қилингани сайин кўзлари алланечук ёниб, рангпар чехраси ҳаяжонли тус олади. Унинг айни шу ҳолати Муродга жуда ёқади, ёққани боис, хикоясини юзинчи бор берилиб тинглайди.

Мурод бир нарсани, яъники атрофидаги бу одамларнинг ўзича ёлғизликларини, оддий инсоний меҳрга ташналикларини аллақачон англаб етган. Ва шу боисдан, шунга қараб муомила қилишга, озми-кўпми уларни қувонтиришга тиришади. Қувонтиришга қувонтирадию, аммо қитмирлиги тутиб, баъзан жуда ҳаддан ошириб юборади.

Бу галги воқеа ҳам шунга ўхшаш бўлди. У, ўзи билмаган ҳолда, аёл деса, лабидан учуқ тошадиган Шукур аканинг юрагига муҳаббат ўтини солиб қўйди. Албатта, бу ҳодиса ўз-ўзидан юз бергани йўқ, бунга Мадина ҳоланинг бобиллашию, Шукур аканинг каттик эзилишларидан бири сабаб бўлганди.

Ўша куни бригада тунги сменага келганди. Кундан туннинг фарқи бор дегандек, тунги смена ҳаммага ҳам ёқавермасди. Тунги сменага келганлар овқатдан сўнг бир оз мизғиб олмоқ умидида ишни эртароқ бошлашга ҳаракат қилишади. Тартиб бўйича бу мумкин эмас, аммо истисносиз қоида йўқ деганларидек, ким ҳам бунга бўйсунарди. Боз устига, ухлаш учун ишчилар шундай жойларни танлашардики, смена бошлиғи керак пайтда чироқ ёкиб топмасди уларни. Аслида смена давомида белгиланган вагонлар бўшатиб бўлди, қолгани билан бировнинг иши йўқ эди. Энг муҳими, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортсин, ўзга бировга юк бўлмасин, деган ақида бўйича иш олиб бориладди бу ерда. Ишни дўндирдингми, хохла, ётиб ухла, хохла, ўйнаб-кул, фақат менга гап тегизманглар, эрталаб бошлиқнинг олдида бўйин эгиб туришга тоқатим йўқ! Смена бошлиғининг ягона илтимоси шу эди. Шунингчун тунга келганлар дарҳол вагон суриштиришар, бор бўлса, яхши, акс ҳолда ковоқ осиб тўнғиллашар, бекордан-бекорга смена бошлиғи билан диспетчерга ғашаво қилишарди.

Оқшом Мурод ишга келса, Шукур ака, лаби четида сигарет, бекат ховлисидаги сўрида ковоқ уюб ўтирган экан. Саломига алик йўқ, нега кечикдинг, дея тўнғиллади. Шундан билдики, демак, вагон йўқ, эмасам Шукур ака бундай демасди. Шунга қарамай, бу хил муомила Муродга ёқмади. Билагидаги соатни Шукур аканинг нақ бурни тагига тақаб деди:

— Кечикдингиз нимаси? Ҳали беш минут бор-ку.

— Ҳамма келган, сендан эса дарак йўқ, шунинг учун айтгандим, — деди Шукур ака одатдагидек бирдан паст тушиб. — Ўтир. Ўтиришдан бошқа иш ҳам йўқ бугун.

Мурод унинг қаватига чўкиб, тевааракка разм солди. Бригаданинг қолган аъзолари узун очиқ айвон тўридаги стол атрофида давра қуришган, чамаси нардани эрмак қилишарди. Улардан сал берида нотаниш йигитлар овқатланиб ўтиришарди. Айвон ташқарисидаги суянчиқли узун ўриндиқни кундузги смена ишчилари банд этишган, ҳозиргина ювуниб чиқишган чамаси,

афтлари кип-кизаришиб, чойни майдалаб ўтиришарди. Бекат биносига тақаб қўйилган бошқа бир ўриндикда икки нафар кранчи эзилишиб пиво ҳўплашарди. Юз-кўзларидан, ишни қотириб қўйдик, бу ёғига энди эркимиз ўз қўлимизда, хоҳласак, пиво ичамиз, хоҳласак, ўткирроғидан тортамиз, деган иддаоли ифода барқуриб турарди. Иккисининг бу хилда маза қилиб ўтириши эндигина келиб турган тунги смена кранчисига қор қилди шекилли, йўқ ердаги баҳонани рўқач қилиб, тирғалишга тушди. Улар эса боплаб сўқиб беришди. Буниси, бошлиққа арз қиламан, деб пўписага ўтди. Улар нописанд қўл силтаб, ишшайиб қўя қолишди.

Бекат ишчилари ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишарди. Смена давомида ўзларини бинойидек тутишарди-ю, иш вақти тугаши билан алланечук талтайишиб қолишарди. Бир-икки чойнак чойни бўшатишмасдан ҳеч қачон жилишмайди, гоҳо ўткирроғини майдалашга ҳам улгуришарди. Тирғалмоққа ботинган раҳбарга айтар гаплари битта: «Сен бизга иш пайтида ҳўжайинсан, — дейишарди бурунларидан эшак қурти ёғилиб. — Ҳозир эса ишдан ташқари ҳолатдамиз. Смена тугаганига ярим соат бўлди. Дам олишимизга ҳалақит берма!» Бунинг устига, бекат ҳовлиси ҳордиқ чиқаришга жуда боп жой. Уч йил бурун ишга келган бекат бошлиғи Ўлмас бу борада анча жон қуйдирган. Ҳовли юзига қўрқ бағишлаб турган ёзги айвон у кишининг ташаббуси билан қурилган. Кейин бундай қаралсаки, чойхона билан айвон ўртасида анча ер бўш қолаяпти. Ўртада чоғроққина ҳовуз қовлатиб, теварагига кичик-кичик сўри қўйдирди. Ҳовлидаги жамики саранжом-сарилталикка жиккакқина бир кампир жавобгар. Кунда уч маҳал супуради, сидиради, гоҳида эса, енг ичида ароқ, вино деган нарсаларни пуллаб туради. Қисқаси смена алмашув пайтларида-эрталаб ва оқшом пайтлари ҳовли фавқулодда гавжумлашарди ва бунда ажиб бир ҳушқайфият ҳукм суради.

Фақат Шукур акагина ҳозир бу умумий кайфиятга қўшилмай бир четда тумшайиб ўтирарди.

— Уришгандай нега бўлак-бўлак ўтирибсизлар? — деди Мурод.

— Келишмаса, нима, қўтариб келайми, — деди

Шукур ака айвон томонга норози тикилиб. — Уларга нарда бўлса, вагон борми-йўкми, бирортасининг иши йўк. Ҳаммасига Шукур бош котирса. — Шу пайт ховли юзида смена бошлиғи Ўнар найнов пайдо бўлди. Шукур ака ўтирган жойида унга ўдағайлаб кетди: — Ўнар! Нима, пашша қўриб ўтираверамизми энди! Телефон қил станцияга, тезроқ юборишсин вагонларини! Ҳеч айрони ачимаган одам экансан-да ўзинг ҳам! Уни қара, пинак бузмайди-я баччағар!

Унинг кейинги гапини тасдиқламоқчидай, Ўнар найнов лоақал қайрилиб қарамади. Дикқати қўшимча йўлда хартумини чўзиб турган кранда, ҳамкасблари билан аллақачон тил топишиб, уларнинг насибасига озми-кўпми шерик бўлишга улгурган кундузги смена кранчисидан ора-сира уни-буни суриштириб қўяди. Бирор икки дақиқалардан кейингина, тўсатдан кўзи тушгандай, Шукур ака тарафга ўгирилиб, салом деган маънода, аввал чап қўлини, сўнг ўнг қўлини кўтариб, силкиб қўйди. Бунга жавобан Шукур ака темирийўлчиларга хос жаргонда ўхшатиб сўкиб берди.

Чўзинчоқ қорамғиз юзидан таббасум аримайдиган бу одам қувнокликда Шукур акани ярим йўлда қолдириб кетарди. Қулай пайт топди дегунча ҳазил-хузул қилавериб, Шукур аканинг холи-жонига қўймасди. Ҳозир ҳам унинг бўғриқиб сўкинишларига парво қилмай, илжайганча у томон юрди.

— Нимадир деб маърағандай бўлдингизми, Шукур ака, — деди кўришмоқ ниятида қўл чўзаркан, биқинига секин туртиб.

— Нима, мен сенга қўймидим маъраб, — Шукур ака унинг қўлини итарган бўлди. — Торт қўлингни. Фаянинг биқинини чимчилаб келиб, мен билан кўришасанми энди. Сен менга вагондан гапир.

— И-и, вагонни бошингизга урасизми, Шукур ака, — Ўнар найнов қўли муаллақ қолганига зигирча оғринмади. — Вагон дегани — иш, иш дегани — терлаш, ҳориш, чарчаш... Нима қиласиз ишни? — У сўри четида ётган кутидан битта ситарет олди. Маза қилиб, оёқни узатиб ётавермайсизми. Мана, Муродга оёқни укалатинг, мен устингизга чиқиб тепкилай. Маъқуллми?

— Бола-чақамни сен боқасанми, нима? — Шукур

ака сигарета кутисини чўнтагига яшириб, унга таъна-
номуз тикилади.

— Дарвоке, еярман-ичарманингиз кўп-а, — Ўнар
найнов юзига қайғули тус берди. — Майли, бу ёғини
хеч ўйламанг, «простой»га кўпроқ ёзаман.

— «Простой»инг нима, уч-тўрт сўм пул-да, — Шу-
кур ака баттар норозиланади. Ўтган сафаргисигаям
носпулини ёзибсан.

— Шукур ака, сиз хеч ўйланмай, бола-чақани кўпай-
тираверинг, — Ўнар найнов сигарет кулини ерга
эмас, унинг этиги кўнжига чертиб туширди. — Унгача
«простой»нинг ҳақи ҳам ошиб колар.

Шукур ака ўзининг майна бўлаётганини пайқамай-
ди. Нега деганда, бола-чақа унинг энг зўр химоя воси-
таси. Одатда, кўшни корхона ва омборларда юкчилар-
нинг қилган ишига қараб бекат маъмуриятига маълумот-
номна берилади. Маъмурият ушбу маълумотномна
асосида юкчиларга иш ҳақи чиқаради. Шукур ака ўша
маълумотномани олишга устаси фаранг. Аммо ҳамма-
ям унинг раъйига қарайвермайди. Шунда у, бунақада
бола-чақани қандай боқамиз деб, йўқ бола-чақасини
пеш қилиб туриб олади. Корхона вакили унинг турки-
тароватига қараб, бирор ўн боланинг отаси бўлса ке-
рак, деб ўйлайди. Қилинмаган ишни қилинди деб қороз
ёзиб беради. Таниш-нотанишга шу гапни такрорлай-
верганиданми, бу нарса одат тусига кириб қолган ва
баъзан бу гапга ўзи ҳам чиппа-чин ишониб қолади.
Ҳозир ҳам шундай бўлди. У калта-калта бармоқларини
бирин-кетин букиб, дийдиё қилишга тушди.

— Ўзинг ўйла, бирини уйлантириш керак, бирини
узатиш керак, бирини... «простой»га берадиган пулинг
нима бўлади? Бу томонини ўйлайсанми хеч?

— Айтганча, — Ўнар найновнинг афтига шум ифо-
да қалқийди, — бола-чақадан нечта, Шукур ака?

— Бир вагон.

— Унда менга эмас, ана Фаяга ёпишинг, — дейди
Ўнар найнов уни баттар кўзгаб. Станцияга тепловоз-
ни кеч юборган ўша. Яхшилаб бир сўкиб қўйинг.
Кейинги пайтда жуда қулоксиз бўп кетаяпти.

Дақиқа ўтмай, Шукур аканинг ўткир овози ҳовли-
ни тутади.

— Фая! Фая дейман!

Дистпечерхонанинг очик деразасидан сочи кип-кизил рангга бўялган бош кўринади.

— Нима?

— Вагонлар қани? — дейди Шукур ака овзидан тупук сачратиб. — Нега тепловозни вақтида юбормадинг?

— Қайси тентак айтди бу гапни? — дейди Фая. Тепловоз ўз вақтида кетган.

— Кетган-кетган, — Шукур ака жаҳл ва зарда аралаш сўри суянчигига мушт туширади. — Вақтида юбориш керак эди! Бунақада бола-чақани қандай боқамиз, а? Сенга ўхшаб битта боланинг ташвиши бўлса экан менда. Бутун бир вагон. Телефон қил, тезроқ юборишсин вагонларни!

Фая деганлари бошда ажабсинади, сўнг эрмакка у ҳам қўшилади.

— Қачон улгура қолдингиз, Шукур ака? — дейди кулиб.

— Нимага? — Шукур ака тезда ангсармайди.

— Бир кечада шунча бола-чақа орттиришга? — Фаянинг бу гапи умумий кулгуга сабаб бўлади. Кулги босилгач, у бот сўрайди: — Ахир куни кеча биттаям йўқ эди-ку, а? Қачон улгура қолдингиз?

Шукур ака қовун туширганини англаб, тумшайиб олади. Ўнар найновнинг ҳазилларига жеркиш билан жавоб қайтаради. Шунда Ўнар найнов уни тинчитмоқ ниятида аста елкасига қўл юборади.

— Кўпам куйинаверманг, — дейди секин шип-шиб. — Вагонларнинг хўрозлари келаяпти. Битта цепли, иккита краскали...

Бундай серпул вагонлар бекатга кам келарди. Бу хил вагонларнинг биттаси бундайроқ вагонларнинг ўнтасига арзийди. Шу боис, хозиргина тумшайиб ўтирган одамнинг рангига қон югуриб, овзининг таноби қочади. Ўтирган жойида, ёш боладай, ғалати ирғишлаб қўяди.

— Шу-у, биттасини студентларга берсаммикан дейман, — дейди Ўнар найнов тагин унинг юрагига ўт ёкиб. — Уч вагонни бўшатишга улгурармикансилар. Маҳалланинг болалари ҳам иш сўрагандай бўлишувди.

Шукур аканинг рангги қув оқариб, шоша-пиша чўнтак ковлашга тушади.

— Улгурамиз, — дейди чўнтагидан конфет чиқариб. — Ма, мановуни оғзинга сол-да, тек ўтир.

— Нима, мен сизга ёш боламидим, — Ўнар найнов оғринган киши бўлади. — Конфет билан алдайсиз одамни.

— Ўткири эртага, — дейди Шукур ака хаяжони зўридан пешонасига тепчиган терни кафти билан си-дириб. — Худо хоҳласа, эртага маза қип бир ўтирамиз. Ҳозир эса сасингни чиқармай, тинч ўтир. Ойда-йилда бир келади, бундай вагон, нима қиласан ҳаммага овоза қилиб. — Шундан кейин бригада бошлиғи сифатида ёнида ўтирган Муродга жиддий буюради: — Нега ўтирибсан, бор, кийиниб чиқ! — Кейинги гапини охишта шипшийди: — Эшитдинг, вагонларни хўрози келаётганмиш. Бор, боракол.

Мурод кийиниб чиқса, Шукур ака жойида йўк эди. У атрофга аланглаб кидиринди. Топди. Шукур ака лапанглаганча дарвоза томон кетиб борарди. Мурод унинг изидан тушди. Шукур ака дарвозадан чиқиб, йўлни чапга солди. Мурод унга муюлишда етиб олди. Шукур ака димоғида ўша қўшиқ, одатдагидек, чойхона ортидаги, катта йўл ёқасидаги ола-була қўтарма ёнида қўнкайган оппоқ уйчани мўлжал тортган эди. Муроднинг «дум» бўлгани унча ёқинқирамади.

— Вагон келгунча, нарда-мардами, карта-партами ўйнасанг-чи, — деди пўнғиллаб. — Орқамдан эргашганинг нимаси. Ё Мадина олдида пишириб қўйибдими сенга?

— Ха, — деди Мурод сиртига сув юқтирмай. — Аччиққина малина чойи пишириб қўйган экан. биргалашиб ичиб келамиз.

— Сенинг ёшингда мен қизларнинг ортидан қолмасдим, — деди Шукур ака йўлдан ўтиб бораётган қизларга имо қилиб. — Қара, мўрчамийён, бодом ковок, ширмой юзли... оҳ-оҳ!

— Ҳаммаси Мадина холанинг чойидан ўтаверсин, — Мурод баттар унинг жиғига тегеди. — Кўп гапирмай, тортинг. Бир-ир чойхўрлик қип чиқайлик. Ё Мадина

холани қизгана ялсизми? Қизганаётган бўлсангиз, хозирок изимга қайтишим мумкин.

— Жим, — Шукур ака уйча томон ишора қилиб, бармоғини лабига босди. — Эшитмасин. Эшитса, иккаламизни ҳам олдига солиб қувлайди. Малина чойни кейин тушингда кўрасан. Лекин чойни зўр дамлайди-я?

Иккиси бир-бирини турткилашиб, эшикка рўпарў бўлишди. Ташқарида шом чўка бошлаган, ичкаридан ўтқир ёғду таралар, бурчакдаги чойгумнинг бир текис шигиллаши аниқ-таниқ эшитилиб турарди.

Уйча бекаси Мадина хола вақт-бевақт бош сукуб турувчиларни аччиқ малина чойи билан сийлаб турарди. Тўрт киши кирса, бешинчи одам айланишга жой тополмай қоладиган бу хона ҳайратли даражада шинам ва саришта эди. Бекат бўйича энг енгил ва бегалва иш аслида холаники. Юк состави завод томонга ўтгандигина йўл кўтармани тушириб-кўтаришни демаса, қолган пайт уйчадан чикмай алланималарни тўкиб ўтиради. Феъли ҳам касбига хос-гоҳ худ, гоҳ беҳуд. Нафсиламрини айтганда, Мадина хола ҳаммани ҳам хуш кўравермайди, унинг ҳузурига Шукур ака билан Муродгина бемалол кира олади. Мурод ўзининг бегараз ҳазил-хузуллари ва шунингдек, вагондан ўмарган у-бу нарсалари билан кўнглини овлаб туради. Дейлик, бригада бирор жойда совун туширди. Билингки, ўша куни Мадина хола ҳам беш-олти юмалоқ совунга эга бўлади. Қисқаси, рўзгор учун керакли нимаики туширмасин, Мадина хола ҳеч қачон қурук қолмайди.

Шукур акага келсак, у холадан ширинликларни аямайди. Хола у билан деярли тенгдош, ҳар иккиси ҳам аллақачон элликни ҳатлаб қўйишган. Турмуш аччиқ-чучукларини меъеридан ошиқроқ тортишганиданми, ўлгудек серзарда, салга урушиб, салга ярашиб кетаверадилар.

Улар ичкарига бош суқушганида, Мадина хола, одатдагидек, бурчакда пайпоқ тўкиб ўтирган экан. У кўзойнаги устидан аввал қирувчиларга, сўнг оёқлари-га разм солди-да, жуда қисқа лутф қилди.

— Оёқ...

Шукур ака қуймичини кулгили ликиллашиб, бўсаға-

га ташлаб қўйилган нам латтага оёқларини сурта бошлады. Бейхтиёр унинг ортида туриб қолган Муроднинг шумлиги тутиб, қоржомаси остидан аста биқинига қўл юборди-да, каттиқ китиклади. Қитиғи зўр Шукур ака хе-хелаб диконглаб кетди. Шу диконглашда деразага такаб қўйилган чоғроккина столга қуймичи билан бориб урилди. Стол устидаги чойнак-пиёла шақирлаб, Мадина холанинг ўтакаси ёрилай деди.

— Синдирасан! — деди столнинг бир четини жонжаҳди билан тутиб. — Айикка ўхшаб лапангламай кет, сен қўпол! Ўзингни тутиб юрсанг ўласанми!

— Мен... мен эмас, — Шукур ака оғриган қуймичини сийпалаб, худди ёш боладай ўзини оқлашга тушди. — Манову қитиклади мени. Биласан, қитиғим ёмон. — У шундай дея Муродга ўдағайлаб кетди: — Нега китиклайсан?! Нима, мен сенга ёш боламидим, ҳадеб жигимга тегаверасан?! Соламан айлантириб ҳозир бир, кейин юрасан ўпка-гина қилиб! Бундан кейин қўл чўзганингни кўрмайин! Кўрсам, чаток қиламан, бола!

— Ё тавба, нима қилдим сизга, Шукур ака? — Мурод гуноҳсиз бир қиёфада қўлларини кенг ёзиб турарди. — Ўзингиз юришни эплаёлмайсизу менга ёпишганингиз нимаси. Тухмат ҳам эви билан-да. Худо шохид, қўлимниям тегизганим йўқ сизга.

— Унда шайтон қитиклабди-да, а? — Шукур ака содда, бу хил сурликдан баттар бўйилади. — Қип туриб, қимадим дейди-я, нахал! — У бармоқларини ғалати ҳаракатлантириб, баайни кимнидир китиклагандай бўлади. — Мана бундай, мана бундай қитикладинг-ку ахир.

— Қип-қизил тухмат, — Мурод ранжиган киши бўлади. — Қиладиган бошқа ишим йўқдай нега энди кир-чир биқинингизга қўл тегизишим керак. Минг сўм берсангиз ҳам тегизмасман қўлимни баданингизга. Яхшиям қиз бола эмассиз, йўқса, одамни қип-қизил тухматга қолдириб ўлдираркансиз. — У бурчакдаги курсига чўкиб, аразлаганнамо юзини ўгириб олди.

— Қип туриб қимадим дейди-я. Қанақа одам ўзи бу, а?

— Қимаган ишимни қимадим дейман-да, — Мурод кулгусини яшириш учун аввал шифтга, кейин оёқлари

остига тикилади. Этигининг сўкилган чокини бармоқлари билан пайпаслаб, ўзича минғирлаган бўлади: — Юрган йўлида кокилиб юради-да, яна тухмат қилади-я.

— Қокилмадим, китикладинг-ку, номард! — Шукур ака ҳақиқатни исбот этмоққа чинакамига киришади. — Мен мана бундай-мана бундай қилиб, — у этикларини полга ишқаб кўрсатади, — оёғимни артаётган эдим, сен эса орқамда туриб эдинг. Киши билмас китикладинг. Кейин, мен чўпчиб-чўпчиб кетдим. Ўрта ерда Мадинанинг чойнагини синдириб қўяй дедим. Эндиям ёлғон де?

— Ёлғон, — Мурод афтига сурбетона тус беради. У пайтда мен ичкарида эдим. Мана шу жойимда тинчгина ўтирган эдим.

— Ё тавба! — Шукур ака қулочини кенг ёзганча, кўзларини шифтга тикиб, бир зум ҳайратда қотиб қолади: — Тавба! — дейди кейин ҳам ҳолатини ўзгартирмай. — Бу не балоки, қип туриб кимадим дейди-я!

Қўлидаги тўкиётган пайпоғи билан юзини тўсганича, елкалари титраб, сассиз кулаётган Мадина хола ўртага тушмаганида, бу кулгили сахна қанча давом этиши номаълум эди. Шукур аканинг беҳуда куйиб-пишишларига раҳми келди шекилли, у орага сукилди.

— Нима, бу ерга жанжаллашгани келганмисилар? — деди жиддий тортиб. — Жуда уришгиларинг келаётган бўлса, ана, ташқарига чиқинглар. Нимаси бу, э!

— Гапини эшитмаяпсанми, — Шукур ака кўзлари жавдираб, унга тикилди. — Қип туриб кимадим деб ўтирибди-ку!

— Қиз болага ўхшаб сал нарсага диконглайвермада сен ҳам, — деди Мадина хола қойиб. — Ким айтади сени эркак деб.

— Китиклагандан кейин диконглайман-да, — Шукур аканинг қовоғи осилди. — Ё сенда китик йўкми?

— Эрсиз хотинда китик нима қилади, Шукур, — Мадина хола ишини йиғиштириб, чой дамлашга тутинади. — Китикнинг ҳаммаси... эрим билан кетган.

Шукур ака бошини бир ён қийшайтириб, унга бошдан-оёқ тикилади.

— Дўндиккинасан-ку халиям, — дейди сўнг. — Китигинг ўлмаган чиқар. Қани, бир китиклаб кўрай-чи.

— Ҳаддингдан ошма кўп! — Мадина хола кўзойнаги устидан унга жиддий тикилиш қилади. — Ё ёшлигингда еган калтагинг эсингдан чиқдим. Яхшиси, тинчгина ўтириб чойингни ич.

— Чойга йўқ демаймиз, Мадинахон, — Шукур ака «қитиқ жанжали»ни паққос унутиб, тагин асл холига қайтди. — Лекин чойни қурук ҳам ичмаймиз. — У чўнтагидаги майиз ва конфетларни столга тўкди. — Бунақаси дўконда йўқ, бизди чўнтакда бўлади фақат.

— Бунақада одамни ширин қилиб юборасан-ку, Шукур, — Мадина хола ширинликларга анчайин қараб қўйиб, икки-уч оғиз ширин сўзини аямайди. — Сендай меҳрибон эркакдан яна битта бўлса, эрниям кераги йўқ.

— Ширингина бўп юргин деймиз-да, Мадинахон, — мактовдан у талтайиб кетади. — Мен турганда бошқа эркакни бошингга урасанми. Ҳаммасига мана биз ба-логардон-да.

Мадина хола мийиғида кулимсираб, деразадан ташқарига қараган бўлади.

— Анову келаётган хотинингми?

Шукур ака қалқиб кетиб, оғзидаги мағизни кафтига ташлади-да, жонҳолатда ўгирилиб, ташқарига мўралайди.

Кўчада оқсоқ кампирдан ўзга зор йўқ эди.

— Қани?

— Ҳолинг шу-ю, хушомадга бало борми! — Мадина хола мириқиб кулади.

Шукур ака кафтига йўталиб, гоҳ унга, гоҳ баланд овозда хахолаётган Муродга боқаркан, чуқур сўлиш олади.

— Шунга эслатма, — дейди кейин хазин оҳангда. — Ҳеч бўлмаса, ишда тинчгина юрай. Қуй. Чойингдан қуй. Мураббодан кўпроқ сол. Нега бунча қўлинг қалтирайди. Сол кўпроқ.

Мадина хола чойини қизганмайди, лекин мураббонинг икки қошиғидан ортиғига рухсат бермайди. Ош-кора бобиллаб беради. Онда-сонда Шукур акани сийламаса, қолганлар учун бу тартиб бузилмас қонун. Бу қонунни фақат Муродгина бузиб туради.

Одатда, чойни ҳар ким ўзига қуяди. Ҳозиргидек

холат камдан-кам ҳоллардагина юз беради. Қолган пайт Мадина ҳоланинг мезбонлиги чой дамлашу, ким қанча мураббо солаётганини кузатишдан нарига ўтмайди. Муродга навбат Шукур акадан кейин келади. Стаканга икки қошиқ мураббо солганидан сўнг, бирдан у бирор бурчакка анграйиб тикилиб қолади-да, суваракми, дейди. Мадина хола суваракни жинидан ёмон кўради. Шу боис, қўллари ҳаракатдан тўхтаб, бутун гавдаси билан бурчакка ўгирилади. Аввал кўзойнаги устидан, сўнгра кўзойнаги орқали тикилади. Азбаройи диққат билан тикилганидан даҳани осилиб, оғзи ярим очилиб қолади. Бу орада Мурод стаканга учинчи, баъзан тўртинчи қошиқ мураббони солишга улгуради. Қани, кўринмаяпти-ку, дейди охири Мадина ҳоланинг тоқати тоқ бўлиб. Мурод стакан тўла хушбўй чойни қафтлари орасига олиб, курсилардан бирига жойлашаркан, бамайлихотир чой хўплаб, кўзимга кўринибди шекилли, дейди. Мадина хола енгил тортиб, ишига тутинади.

Муроднинг бу хил қилиқларидан Шукур аканинг завқи келади. Қойил, дейди ташқарига чиқишгач, Мадинани ёмон боқладинг! Баъзида ўзи ҳам алдамоқчи бўлади-ю, лекин сира эплаёлмайди. Ўтган кундузги сменада шундай бўлди. У иккинчи қошиқ мураббодан сўнг, бошқа баҳона қуригандай, кўчага ишора қилди: «Анову ким?» Мадина хола кўчага қаради. Ўткинчилар сероб, қайси бирини сўраяпти бу? Ҳоланинг чалғиши хийла фурсатга чўзилган эса-да, Шукур ака барибир учинчи қошиқни эплаёлмади, довдираб мураббо идишни ағдариб юборди. Кейин шолғомдай кизариб, Мадина ҳоладан эшитадиганини эшитди.

Бу сафар Мадина хола стаканларга ўзи чой қуйди, мураббониям ўзи солди. Сўнг конфет тишлаб, чойдан бир хўплади-да, яна ишига тутинди. Бу ерда ортиқча мулозаматга ўрин йўқ, ҳар ким ўз-ўзига хизмат қилади. Шукур ака узалиб стаканлардан бирини қўлига олди. Мураббо идишнинг ёнида битта стакан қолди. Мурод ўша стаканни олмоқ мақсадида ўрнидан қўзғаларкан, тўсатдан печка турган бурчакка бақрайганча тикилиб қолди. Мадина хола безовталаниб, гоҳ унга, гоҳ бурчакка аланглади.

— Яна нима бўлди? — деб сўради шубҳа тўла

охангда. — Кўзингга тагин нима кўринаяпти? Лекин, сен боладан ёмон юрак олдириб қўйибман, қачон қарама аллабалоларни кўриб юрасан.

— Ўргимчак! — деди Мурод бурчакдан кўз узмай. — Ох-х, қанчалар жирканамаман бу ярамаслардан!

— Қани? — Мадина хола ярим ўтирилганича, печка билан девор оралиғини кўздан кечиришга тушди. Бу орада Мурод тезгина стаканга бир эмас, икки қошиқ мураббо солди-да, яна бояги ҳолатига қайтди. Бурчакка жиддий ва ҳаёлчан тикилганча серрайиб тураверди. Мадина холанинг сабри тугаб, жеркиб берди: — Қани ўргимчак? Кунни кеча тозалаб чиққанман, ўргимчак нима қилади бу ерда?

Мурод ҳолатини ўзгартирмай, бурчакка тикилиб тураркан:

— Ох-х, қанчалик жирканамаман бу туси совук ҳашоратлардан! — деди ҳаёлчан охангда. — Кўрсам этим жунжиқади!

— Қани? — Мадина холанинг жони халқумига келиб, ер тепинди. — Кўрсат! Хозирок супуриб ташлайман.

— Бе-е, ўзимнинг кийим ечадиган жавонимни айта-япман, — деди Мурод унга, намуноча безовта бўласиз, деган маънода қараб қўйиб, жойига келиб ўтирди: — Боя ечинаётиб, бундай зехн солсам, бурчак-бурчакларини ўргамчак ини босиб кетибди. Ҳар бири бармоқдай-бармоқдай келадиган семиз-семиз ўргимчаклар. Ок, қора ва аллабало тусда. Энди оралиқ жойга кўзим тушди дегунча эсим кетаяпти. Худди бир галаси ғимирлаб юргандай. Қараганимнинг боиси шу. — У шундай дея печка билан девор оралиғига кўрққан киши қабилида қараб қўйди. — Ишкилиб, манову ерни супуриб-сидириб юринг-да. Ўргимчак деганлари мана шундай жойларни хуш кўради.

— Ҳа, тозалаб туриш керак, — Мадина хола ижирганиб уни қувватлади. — Тез-тез тозалаб туриш керак. — Йўғасам, ҳамма ерни босиб кетади. Айтганча, усти-бошингни яхшилаб коқдингми? Тагин бу ерга илаштириб келган бўлма.

— Икки-учтаси чўнтагимга тушиб қолгандай бўлувди, — Мурод ўтирган жойида чўнтақларини кўздан

кечиришга тушди. — Э, семиз-семиз иккитаси ғимир-лаб юргандай назаримда.

— А? — Мадина холанинг кўзлари пешонасига чикиб кетди.

— Қокқанман, — Мурод уни тинчлантиришга тушди. — Кийимларимни симёғочга уриб-уриб қокқанман. Қаранг, кийимимга ҳатто симёғочнинг изи тушиб қолган.

Мадина хола тинчланса-да, шубҳа тўла нигоҳи билан уни бошдан-оёқ кузатиб чиқди.

— Ҳашорат зотидан жуда жирканаман, — деди сўнг стаканни қўлига олиб. — Кўрсам алиргиям кўзийди.

— Аммо Шукур аканинг жавони меникидан баттар, — деди Мурод тагин шумлиги тутиб. — Суварагу ўргимчак деганлари ғиж-ғиж, нақ ҳашоратлар фермасы дейсиз.

Шу гапдан кейин чойниям худо кўп кўрди. Мадина холанинг стаканга чўзилган лаблари чўччайган кўйи қотиб қолди. Кўзлари дахшатдан бир тус олайиб, гоҳ унисига, гоҳ бунисига қараб турди-да, ўқчиган овозда ўдағайлаб берди. Орада стакандаги чойни дераза оша сепиб ташлади.

— Чик, иккаланг ҳам! — Мадина хола бўлиқ коматини камалакдай эгиб, уларнинг устига бостириб келди. Қўли билан эшикка имо қилиб, пол тепинди: — Қани, ўргимчак-пўркимчакларинг билан хозирроқ кўзимдан даф бўлинглар!

— И-и, жиғига тегма шуни, — манглайи терлаганча мириқиб-мириқиб чой хўплаётган Шукур ака Муродга норози бокди-да, сўнг нақ тепасида туриб олиб, ташқарига чиқишларини талаб қилаётган холага кўзларига жавдираб қаради: — Сенам қизиксан, келиб-келиб шунинг гапига ишониб ўтирибсанми, — деди негадир кўлидаги стаканни кафти билан паналаб. — Ишонма гапига. Шутник бу. Ўргимчак нима қилади менда. Суваракни эса сендан баттар ёмон кўраман. Биласан, хотиним кондитерскийда ишлайди. Суварак тугул, пашшани доритмайди уйга. Мен ким — кондитерскийнинг эриман. Суваракни кўярканманми ишкафимга. Тозаман, жуда тозаман. Ишкафимни ҳафтада ювиб, ар-

тиб-суртиб тураман. Ишонмасанг, бориб карагин, сенинг уйингдан тоза.

Кейинги гап Мадина холанинг нафсониятига тегди. Асосий масала бир ёқда қолиб, у бошқа гапга ўтиб кетди.

— Нега энди шкафинг менинг уйимдан тоза бўларкин? — деди уришқоқ хотинлардай қўлларини белига тираб. — Нима, мен сенингча ислиқиманми, а? Ҳали мен сенга ислиқи бўлдимми?

— Ҳар гапдан ўзингга нам олаверма, — гўё ҳозир чойини тортиб оладигандек, Шукур ака кетма-кет чой хўплади. — Сени ислиқи деб ўлибманми. Дунёдаги энг чиста хотинсан.

Нафсонияти тўла-тўкис қонган Мадина хола ўргимчагу суварак масаласини қайтиб қўзғомади. Ўзига чой қуйиб, жойига бориб ўтирди.

Мурод ҳам чой билан андармон бўлди. Бу орада нариги икковининг гапи яна чап тушиб қолди. Оқибатда, ўртада, одатдагидек, самарасиз баҳс бошланди. Баҳсга, ҳар сафаргидек, Шукур аканинг хаёлий ширин ҳикояси сабаб бўлди. У узилиб қолган суҳбатни давом эттириш умидида гап бошларкан, негадир ўзининг озодалиги хусусида сўз юритгиси келиб қолди-да, ҳаммашадагидек орага олдинги аёлидан бўлган ёлғиз ўғлини қистириб кетади, дейдики, ўғлим ҳам ўзимга тортган, жуда озода йигит, пўрим кийиниб, пўрим юради, ота, дўст бор-душман бор, пўрим кийиниб юринг деб, кеча яп-янги костюм-шим совға қилди. Чиста шерст.

Табиий, Мадина хола аввалига унинг гапларига эътибор бермайди. Негаки, Шукур аканинг гаплари ғирт ёлғон. Ўғли янги костюм-шим совға қилиш у ёқда турсин, лоақал эсламайди. Буни бекатдагиларнинг ҳаммаси билади. Билишгани учун ҳам индашмайди, майли, ўз кўнглини ўзи чоғ қилиб юраверсин, дейишади. Бирок бу сафар Шукур ака тотли эртакни сал ошириб юборди, дедик, ўғлим ишлашимни истамаяпти, етар шунча ишлаганингиз, тинчгина уйда ўтиринг, сизни ўзим боқаман, ота деяпти. Айни шу гапдан кейингина Мадина холаники тутди. Бирданига тутмайди, аввалига энсаси қотиб, пешонаси тиришади, сўнг маънодор томоқ қиради, бошини сарак-сарак қилиб, чуқур-

чукур нафас олади. Кани энди, Шукур ака тийила қолса. Тийилмайди. Хатто чой хўплашни ҳам унутиб, ўғлини таъриф ва тавсиф этишда давом этади. Шундан кейин Мадина хола секин портлайди.

— Ним-ма? — дейди у кўзойнаги устидан унга ўшшайиб тикилиб. — Ўғлим ишлама деяпти дейсанми? Ўғлинг-а? Сен кимнинг бошини котираяпсан? Толган-тутганингни бу ёққа чўз деса дерки, ишлама демас ўша хомсемизинг. Ё, мен бола ўстирмабманми. Эримнинг ўрнини билдирмай деб, иккисини ҳам бировдан кам қилмай ўстирдим, толган-тутганимни йиғиб-териб эрга бердим. Зора энди тинарман деганимда... Йўқ, Шукур бошимиз то гўрга кирмагунча сен билан менга тинчлик йўқ. Белимиз майишиб, ўз аравамизни ўзимиз тор қверамиз бундан кейин ҳам. Сен эса ўғлим дейсан. Биламан, ўғлингни канақалигини...

Шукур акани, ўғлига нисбатан шаъма эмас, ширин эртақнинг белига тепилиши қутуртириб юборди. Қўлидаги ширинликни олдириб қўйган боладай, бирпас анг-танг бўлиб турди-да, кейин кутилмаганда ранги оқариб-бўзариб, холага ёмон тикилди. Азбаройи жаҳли чиққанидан бақбақаси ликиллаб, юпка лаблари бир томонга тортишиб-тортишиб, бирор муддатлик дудукланишдан сўнг, тўсатдан ёрилди.

— Мен гапирганда, сен жилпангламай ўтир! — деди бақариб. — Нега гапни гапга қўшай демайсан?! Ўғлингни биламан эмиш! Нимасини биласан ўғлимни! Керак бўлса, менинг болам сенинг болангдан минг маротаба оқибатлироқ! — У шундай дея эғнидаги ишчи коржомаси этакларини жаҳл ила тортқилади. — Манову костюмни кўраяпсанми, ўз қўли билан совға қилган! Қара, қандай чиройли! Бунақасини сен тушинг-да ҳам кўрмагансан!

Мадина хола унинг эғнидаги кир-чир коржомага анқайиб қаради. Бошини қийшайтириб, тикилиб-тикилиб қаради. Бунга сари Шукур ака баттар авж олди.

— Эғнингдан қишин-ёзин битта қўйлақ тушмайди, тагин боламни ёмон дейсан! Қишга томон ҳали пальто олиб бермоқчи, чет элникидан.

— Манову... костюминг ҳам чет элникими? — Мадина холанинг кўзларида кулгу учқунлади.

Шукур ака, кўзлари холада, эгнидаги либоснинг этакларини авайлаб силаб-сийпаб кўяркан:

— Албатта, четники, — деди.

— Ҳеч четникига ўхшамайди-ку, — деди Мадина хола кулгусини яширишга тиришиб. — Агар четники шундай бўладиган бўлса, кийгандан кўра киймаган маъкул. Эгнингдагини хатто гадой устига илмайди.

Бу гапдан сўнг, Шукур ака унга ҳайрат аралаш тикилиб турди-да, кейин кўнгли бир нимани сезгандай, аста эгнига разм солди.

— Э! — деди кип-қизариб.

Хола билан Мурод хохолаб кулиб юборишгандан сўнг яна жаҳл отига минди.

— Ишкафда! — деди ўрнидан илкис кўзгаларкан, нега куласанлар деган оҳангда. — Ишга киймайман-ку ахир. Ҳозир опкеб кўрсатаман.

— Шимини унутма. — Мадина хола баттар кулди.

Шукур ака, кўлидаги стаканни стол устига тўнкариб, остонадаги пол латтани бир тепиб чиқиб кетди.

У чиқиб кетиши билан кулгу бирдан босилди. Ўртага ўнғайсиз жимлик чўкди. Мурод бир нуктага термулганча чой ҳўплашда давом этди.

— Бахтсиз одам, бечора, — деди Мадина хола қилган ишидан пушаймон егандай. — Бахтсизлигини яшириш учун йўқ ердаги гапларни тўкиб-бичиб юради. У ёкда ёлғиз ўғил отам демаса, бу ёкда туғмас хотин нақ аждоҳа бўлса... нима қилсин, шўрлик. Қарға қағ этади, ўз кўнглини чоғ этади дегандай, юрибди-да, буям.

— Ҳа, меҳрга ташна одам, — деди Мурод хаёлчан.

— Ҳаммамиз ҳам меҳрга зормиз... — деди хола маъюс тортиб.

— Лекин... яхши иш бўлмади.

— Нима деганинг бу? — Мадина хола ажабланди.

Мурод кўлидаги стаканни андак зарда аралаш бир четга суриб қўйди-да, секин ўрнидан кўзгалди. Эшикка етган жойида ортига ўгирилди. Аммо бир сўз котмай ташқарига юрди.

Мадина хола унинг ортидан жимгина термулиб қолди.

Узоқдан тепловоз чинкириғи эшитилганда, Мурод ховлига ўтганди. Ховли энди анча тинчиб, тунги смена ишчиларигина қолган. Коля ўша жойда хануз юлдуз тўла осмонга тикилиб ётарди. Абдулла билан Ринат хафсала билан нарда суришар, Шукур ака эса ғамга ботган кўйи сўри четида мунғайиб ўтирарди. Бармоқлари орасида ўчиб қолган сигарет, кепкаси юқорига сурилган, тор елкалари алланечук шалвираб тушган, мискин ва эзилган бир ҳолатда эди у.

Шукур ака бундай ҳолга ширин эртақларига эътироз билдирилгандагина тушарди. Бу пайтда яхшиси унга яқинлашмаган маъқул. Аммо Мурод ўзини тутиб туролмади, ғоят раҳми келганидан секин бориб, елкасидан учди, чой опкелайми, деб сўради. Шукур ака бош чайқади. Ўчиб қолган сигаретини қайта тутатди. Кейин, мени тинч қўй, деган маънода бутун гавдаси билан тескари ўгирилиб олди.

Очиқ деразадан дистпечернинг боши кўриниб, вагон келтирилган жой маълум қилинганида ҳам Шукур аканинг авзойи ўзгармади, ҳар галгидек, қисқа-қисқа буйруқлар билан ҳаммани ўрнидан кўзғамади, тошдек қотиб ўтираверди. Қачонки, бошқалар ўз майлида йўл тадоригини кўра бошлагандан сўнггина, малол келгандай секин оёққа қалқиди.

Вагон сопол заводи ёнидаги омборда, оралиқ бир ярим чақирим, шпал санаб аста йўлга тушдилар. Энг олдинда Коля, елкасида узун мисранг, сигарет тутунини бурқситиб борарди. Ундан сал кейинда Абдулла билан Ринат, Шукур ака эса одатига хилоф равишда энг охирида судралиб борарди. Одатда, у хамиша олдинда юрар, жағи бир зумга тинмас, вақ-вақ қиллавериб, гоҳо ўта ғашга тегарди. Эътироз билдирганларга хамиша гапи тайёр эди: «Сўзлаб борсанг, йўл ўнар, — дерди. — Йўғасам юрагингдан чўғ сўнар». Баъзида гап сотиш жонига тегиб, тўсатдан ўдағайлаб қоларди: «Нима, оғзиларингга талқон солдиларингми, гапирсаларинг-чи! Юзтадан отмагансиларда, а? Ана унда тилларинг ечиларди. Ё яримта оберайми?! — У хехелаб кулади. — Э-ха, ҳаммангга бирдан жон кириб қолди-ми?! Абдулланинг кўзлари мов мушукникидай ёниб

кетди-я. Коля, кўп лабингни ялама, хаммаси ишдан кейин... Худо хоҳласа, эрта Набининг чойхонасида битта ош уюштирамиз. Майли, харажати мендан». Коля жонланиб гапга аралашади: «Яна чойхонами? Яхшиси, муюлишдаги пивохонада ўтира қолайлик. Балиғи мендан». «Туфий! — Шукур аканинг афти бужмайиб, ерга тупуради. — Шу сассиқ пивохонада нима бор? Сен билан мен-ишчи, яъни (бу гапни у Муроддан ўзлаштирган) маданиятли одамлармиз. Маданиятли одамлар эса фақат чойхонада ўтириши керак. Пивохона алкашларнинг жойи». «Шукур, ошни ўзинг дамлайсан, — дейди фавкулодда очилиб кетган Абдулла унга бақамти келиб. — Фақат ўзинг. Сеники бир бўлакча-да, худди балиш егандай маза қиласан киши». Шукур ака мактовдан дарров талтаймайди. Абдуллага юкоридан қараб, аввалига писанда қилади: «Сен тотар ошни қачондан бери фарқлайдиган бўп қолдинг? Балиш эмиш. Балиш хотинларнинг овқати. Ошни эса фақат эркаклар ейди. — Кейин бундай караса Абдулланинг қовоғи тушиб кетаяпти, у дарҳол шеригининг елкасидан дўстона кучади. — Ҳазил. Ош сендан айлансин, ўрток! Эртан шундай бир ош қилайки, ошнинг зўридан Риммаям сендан хурсанд бўп юрсин...» Уларнинг ёш боладай қувониб чуғурлашларидан негадир Ринатнинг энсаси котади: «Эртан ош ейиш учун хали бутун тунни ўтказиш керак». Ошга пашша тушгандай бу гапдан ҳамманинг таъби тирриқлашади ва бараварига унга ёпишиб кетишади.

Ринат улардан узоқлашибгина қутулади.

Шукур ака ваъдасида туради. Эртаси эрталаб, ишдан сўнг чойхонада ош дамлайди. Кейин бу ошни эслашиб, бирор уч-тўрт кун ширин тамшаниб юришади. Умуман олганда, Шукур ака дилкаш ва серзавк одам. Шу боис, сукунатни ёмон кўради. Унга қолса, ҳамма очилиб-сочишиб юрса. Бир жихатдан, Муродни шунинг учун ҳам яхши кўради. Ўз навбатида, Мурод ҳам ўзининг бетизгин хазиллари билан у шўрликни ноқулай аҳволга солиб туради.

Ўтган кундузги сменада худди шўнга ўхшаш воқеа юз берганди. Тушгача вагон бўлмай, Мурод ўзича улоқиб кетганди. Қизлар ётоқхонаси атрофида ўрала-

шибгина қолмай, орада пивохо­нага ҳам бош сукуб
чикқан, қайтишда ўша му­юлишдаги ма­газиндан тузук-
кина шим харид қилишга ҳам ул­гур­ган­ди. Қоғозга ўрал-
ган шимни қўлтиғига қисиб бе­кат ховлисида пайдо
бўлганида бригада аъзолари сўри­да тушлик қилиб ўти-
ришган экан. Шукур аканинг ёмон феъли, вақт-бевақт
бригадирлигини эслаб қолади. Ўзича қўл остидагилар-
ни тергаб туради. Ҳозир ҳам шу одати тутиб қолди.

— Қаерда юрибсан? — деди Муродга ўдағайлаб.
Оғзидан отилган нон ушоғи сўлак аралаш Абдулла-
нинг афтига чап­ланганига эътибор бермай, овозини
яна бир парда кўтарди: — Эрталаб қорангни бир
кўрсатдин­гу кейин... Нима бу ер сенга ишхонами ё
подахонами, хоҳлаганда келиб, хоҳлаганда кетадиган!
Қаерда эдинг?

Ҳуроднинг чарс феълига бу хил муомала сира ўти-
ришмасди. Шул сабаб саломига яраша алик қайтарди.

— Қаерда бўлардим, томга чиқиб ухладим, — деди
кўзларини лўк қилиб. — Ахмоқлар ерда юрганда,
оқиллар томга қочади-да.

— Қўлтиғинг­даги нима?

Айни шу гапдан сўнг Муроднинг кўнглига шумлик
оралади. Ҳап сени бир бо­пламасамми, деган ниятда
секин шипшиди.

— Сир. Кейин айтаман.

Шукур ака ўтирган жойида бе­сабр тебраниб, қиста-
ланг қилувди, Мурод, буларнинг олдида айтиб бўлмай-
ди, деган ишорада секин кўз қисди. Азбаройи кизиқи-
ши ортганидан Шукур аканинг пешона­сига тер тепчи-
ди. Тушлик тамом бўлгунча аранг чидади. Мурод чойи-
ни ичиб ўрнидан кўзғалиши билан лапанглаб ор­тидан
эргашди. Унга кийиниш хонаси йўлагига етиб, енгидан
тутди.

— Нима эди?

— Шим, — Мурод ўта бепарво бўлишга тиришди.

— Қанақа шим?

— Мукофот.

— Қанақа мукофот?

— Рахбариятнинг мукофоти-да.

— А!

— Э! — Мурод унга, нима, хали хабарингиз йўқми

деган маънода, хайрон тикилди. — Ҳар бир бригадага биттадан-иккитадан ажратган экан, шундан бири бизга тегди. Яхши ишлаганинг учун деб беришди. Нима, сизга беришмадимиз ҳали?

— Йўқ, — Шукур ака негадир шимни эзгилаб кўрди, хидлаб кўрди, сўнг аллақандай бегона овозда сўради: — Ким берди?

— Ўнар ака, — Мурод шимни қайта қоғозга ўрай бошлади. — Кабинетига чақириб берди. Агар шундай ишлай берсанг, орден ҳам бераман деди. Яна дедик...

Шукур ака унинг гапи тугадини кутмай, кескин ортига ўгирилдида, ердаги оёқтагликни тарақ-турук босиб, ташқарига отилди. Текин томошадан қуруқ қолмай дея, Мурод ҳам изидан юрди.

Шукур ака ҳовлига чиқиб, атрофга аланг-жаланг қаранди-да, бекат идораси томон зипиллади. Икки зинани бир хатлаб ичкарига кирди. Нимқоронги йўлак тўридаги хона эшигини тортиди. Эшик берк экан. У эшик ёнида бир тараддулланиб қолди.

— Боя устахона томонда кўргандай бўлувдим, — дея ёлғонлади Мурод.

Шукур ака уни туртиб ўтиб, йўлак эшиги томон юрди. Тапур-тупур кадам товушини эшитиб, эшикдан мўралаган идора ходимлари-хотин-қизларнинг таънадошномларига парво қилмади. Қайтамга чойнак кўтариб қаршисидан чиққан ҳисобчи аёлни, немушай, қоч, дея қаттиқ жеркиб берди.

Буни қарангки, Ўнар найнов устахона дарвозаси ёнида аллақаяга гум бўлишга созловчиларни кутиб турган экан. Шукур аканинг томдан тараша тушган қабилидаги талабидан анқайиб қолди.

— Қанақа шим? — деди сўнг косасига чуқур ботган кўзларини пир-пиратиб.

— Мукофот! — Шукур ака бармоқларини ўйнатди. — гапни чўзма кўп, ишга тушишимиз керак.

— Тушунтириброк гапиринг, — Ўнар найнов елка кисди, — қанақа шим, қанақа мукофот?

— Меровсирамай, чўз! — Шукур ака бармоқларини ўйнатишда давом этди. — Ўттиз беш йил меҳнат кип қўйган мендай одам четда қолиб, нега энди кеча ишга келган бола шим кияркан. Чўз!

Ўнар найнов, ё тавба, бу бало қаердан ёпишди деган ўйда, атрофга ҳайрону лол алангларкан, кўзи анча нарида илжайиб турган Муродга тушгачкина воқеани англади. Кўпинча бу хил ҳазил-хузулларда улар бир-бирларига эш бўлишарди. Ҳозир ҳам у, сенинг ишингми ҳали бу, деган маънода қош чимириб қўйдида, кейин туйқусдан юзини таббассумга тўлдирди.

— И-и, аввалроқ шундай демайсизми, — деди кувноқ оҳангда. — Буни қаранг, пакқос эсимдан чиқибди-я. Ҳақиқатдан сизга мукофот бор. Кабинетда турибди. Кабинет эса ёпиқ. Калитини йўқотиб қўйибман. Очиб боришармикан деб слесарларни пойлаб турибман. Сиз бемалол ишга бораверинг, кечкурун оласиз мендан.

— Шукур ака шошқалоклик билан ўз хизматини таклиф этди.

— Ўзимиз очамиз эшикни. Лўм билан...

— Кабинет вагон эмаски, эшигини лўм билан очсангиз, — Ўнар найнов кулди. — Иван келсин, мих билан бирпасда очиб беради. Сиз эса бораверинг, оқшом оласиз. Еб қўймайман-ку мукофотингизни, бораверинг.

Шукур ака устахона ховлисига кўз югуртирди. Шундай пайтда созловчиларнинг йўқлигидан ёмон ачинди. Ноилож изига қайриларкан ишонқирамай қайта сўради.

— Кечкурун-а?

— Ҳа.

— Агар алдасанг, кўрасан, — Шукур ака пўписа қилди. — Шимингни ечиб оламан.

Ўнар найнов чиллакдек озғин оёқларида ҳалпиллаб турган шимини баландроқ кўтараркан, бегараз жилмайди.

— Барибир... сиғмайди сизга.

— Сиғмаса, сотаман.

— Хай, боринг, — Ўнар найнов юзига ясама совуққонлик тусини берди. — Вагонлар тўртинчи базада турибди. Бориб ишни тезлатинг.

Буни таъкидламоқчидай узоқдан тепловоз чинқирғи эшитилди.

Ўша куни Шукур ака ажиб бир ғайрат билан ишла-

ди. Ишдан қайтишда, отасидан байрамлик ундирадиган боладай, одимлади. Ўнар найнов уни бекат ҳовлисида қаршилади. Кўлида каттакон оппоқ тугун, жиддий қиёфада оёқларини кириб турарди. Тугунни Шукур акага узатаётиб, расмий оҳангда тўнғиллади.

— Мана олинг, оманатингизни. Кўп йиллик ҳалол меҳнатингизни ҳисобга олиб, кўпроқ нарса билан тақдирладик сизни. Фақат бошқаларга овоза қилманг. Буюрсин, тепиб-тепиб кийинг.

— Ра... ра... раҳмат! — Шукур ака ҳаяжондан бўғилиб қолаёзди. — Тепиб-тепиб эмас, силаб-сийпаб кияман! Бола-чақангни ҳузурини кўр, ука!

— Тезроқ обориб шкафга тикинг! — Ўнар найнов катта ишни тиндиргандай, узоқ-узоқларга димоғ билан тикилди. — Абдулла кўрса... тўпалон қилиб юрмасин тагин.

Шукур ака хийла ортда судралиб келаётган бригада томон боқаркан, очкўз хотинлардай тугунни бағрига босиб, ечиниш хонасига йўрғалади. Изидан қолмай, соядай эргашиб келаётган Мурод тугуннинг бир четидан тутди.

— Тек! — Шукур ака такадай ирғишлаб, силтаниб баттар зипиллади.

Хира ёритилган хонага киришгач, Мурод баттар тирғалди.

— Кўрайлик-чи, нималар беришибди сизга, — деди тугунга қўл чўзиб. — Тугунингиз намуноча катта? Нима бало, бутун бошли қишлоқ уст-бошми дейман. Мени битта шим билан алдаб, сизга... Йўқ, бунақаси кетмайди. Мукофот дегани тенг бўлиши керак. Нима, сизнинг шохингиз борми, мукофотнинг каттасини оласиз. Кўрсатинг, нималар бор экан.

— Ахир мен... ахир мен ўттиз беш йилдан бери ишлайман-да, — Шукур ака кизганиб, тугунни ортига яширди. — Сенам шунча ишла, кейин талаб қил.

— Абдулла-чи? Абдулла кам ишлабдимиз сиздан?

— Тиш-ш! — Шукур ака эшикка олазарак қараб, бармоғини лабига босди. — Унингни чиқарма!

— Унда кўрсатинг, — Мурод баттар хиралик қилди. — Йўкса, овоза қиламан.

— Елимдан баттарсан-а, — Шукур ака унга орқа-

сини ўгириб, титроқ бармоқлари билан тугунни еча бошлади. Мурод кўрмоқ истаб, ўнг ёнидан суқилганди, у тепадиган отдай ўша томонга орқасини бурди. Бу ёнидан интилганди, яна ўша хол такрорланди. Қизганишдан елкаларигача титраб, бўғиқ ва бегона овозда деди: — Ўзим... ўзим кўрсатаман! Фақат кўлингни торт! Торт кўлингни! Биламан сени, биттасини шиппа кўйнингга урмоқчисан! Шунча йил ишлаб, биттагина совға олдим... шуниям қўймайсан-а! Нариге тур! Тирғалма! Тирғалма дейман!

— Хай, мана тирғалмадик, — Мурод икки-уч одим ортга тисарилди.

Шукур ака хаяжондан бўғриқиб, тугуннинг бир четини очди-да, кўлига учраган биринчи буюмни тортди. Тортдию хайратдан «И-и!» деб юборди. Унинг беихтиёр юқорига кўтарилган кўлида кимнингдир бирор йил беармон хизмат қилган кир-чир ва илматешик пайтаваси саланглаб турарди. У пайтавани бир четга улоктириб, ошиғич ҳолда тугун ичига кўл юборди. Бу сафар кўлига мойга ботган йиртиқ шим илашди. Ундан сўнг енгсиз пахталик, энг охирида эса қуришган, майишган бир пой этик илиниб чиқди.

Мурод ўзини тутолмай кулиб юборди.

Шукур ака қутуриб, оёки остидагиларни чор тарафга тепа-тепа, ташқарига отилди. Йўл-йўлакай боя ўзининг биринчи тепкисиданоқ йўлакка бориб тушган бир пой этикни кўлига олволди.

— Ўлдираман!

Аммо Ўнар найнов аллақачон гум бўлганди. Шукур ака сўкинганча уни бутун ховли бўйлаб қидириб чиқди. Тополмай қайтгач, аламига чидаёлмай Муродни сўқди. Ҳеч гапдан хабари йўқ бошқалар ҳам бу нордон насибадан бебаҳра қолмадилар. Хуллас, Шукур ака ечинаётиб сўкинди, баданига совун сурқаётиб сўкинди, бошидан сув оқизиб сўкинди, қисқаси, беармон сўкинди. Кийиниб-тараниб ташқарига чиқишгач эса, ҳар галгидек, ҳаммасини унутди. Ҳатто, қойил, боппладинглар, деб Муродни мактаб ҳам кўйди. Охиросибат, бу ҳазил яримтани майдалаш билан яқунланди.

Мана шундай одам энди қайғу ва аламдан бошини кўтаролмай борарди. Боз устига, тун аллақандай рутубатли, кунботишда пайдо бўлган оғир қора булут бутун залворини ерга ташлаб, димликни баттар оширган, озгина ҳаракатдан одам жикка терга тушарди. Кишининг тинмай сув ичгиси келарди. Ишчилар бундай ҳавони «бикин тешар ҳаво» деб атайдилар. Негаки, юк тушириш пайтида қўл ишда, оғиз сувда бўлар, иш унмагани устига ўз-ўзидан тинка қуриб кетаверарди. Вагоннинг ярми бўшамасдан мана-ман деган одам ҳам ҳолсизликдан чўзилиб қоларди. Бундай пайтда, яхшиси оғизга сув олмаган маъқул, лекин томоқ қуриб кетавергандан кейин қандай қилиб сув ичмай бўлади? Етакчи сифатида. Шукур ака, сув ичманглар деб, таъкидлаб турадию, аммо ўзи биринчи бўлиб сувга югуради. Сув тинкани қурилади, ичманглар, дейдию сув идишни қўлидан қўймайди. Кейин бирдан ҳавони ёмонлаб чангитиб сўкинади, сўкингандаям сувдан хўплаб-хўплаб сўкинади. Сўнгра ўтирган жойида ўзини ортга ташлаб, оғир сўлиш олади: «Қани энди бир қултумгина чой бўлса, бунда ҳавода чойдан тузуги йўқ». Бироқ сув идишни чойга тўлдириб келишга ҳеч кимнинг бўйни ёр бермайди. Шундан сўнг у, ишқмас дангасалар, деб ҳаммани ёппасига сўкади-да, бамисоли эркак ғоздай лапанглаб чойга ўзи кетади. Сўкишнинг қолганини чойхонада давом эттиради. Тунги овқатланишдан кейин эрталабгача бирпасгина мизғиш умидида эндигина чўзилган чойхоначи эшикнинг гумбурлашидан капалаги учиб, сапчиб туради. Ким, дейди кўзларини йириб очиб, ичида кўртдеккина сўкиниб. «Оч! — дейди Шукур ака эшикни бот тақиллатиб. — Болалар ташналикдан ўлаяпти. Чой бер». Табиий, чойхоначи тихирлик қилади. Бунга жавобан эшик баттар гумбурлайди. Чойхоначи энди баралла сўкинади. Шукур ака сира бўш келмай, биттасига ўнтани кўндиради. Ниҳоят унча-бунча одамга очилмайдиган эшик зарда билан очилади. Шукур ака вақтида ўзини ортга олиб, пешонасини ғурра бўлишдан саклаб қоларкан, янада баланддан келади: «Пешонамни ғурра қилганингда нақ тумшугингни уриб ёрардим-да ўзимам!» Каттакон чойгум қайноқ сувга тўлгунча иккиси икки ёнда туриб яна

сўкинишда давом этишади, гўё ит — ҳамла қилишга ботинмайди-ю, лекин ҳуришдан тийилишмайди. Бу ҳол кизиқ якунланади: чойхоначи унинг ортидан эшикни қарсиллатиб ёпаркан, бисотидаги энг сара сўкишни ҳада этади. Аллақачон ҳовлига тушиб олган Шукур ака ортига кескин ўгирилади-да: «Сени фалон қилай! — дейди бор овозда бўкириб. — Хи-и, корнингга сени... мешдай бўлмай! Ётибсанда рабобийларнинг нонини яримта кип! Текинхўр! Ишёқмас! Чиқиб бир вагон туширгин эди, кўрардим ҳолингни! Ҳали қайтай, онангни кўзингга кўрсатаман!» Ичкаридан бўғиқ жавоб овози эшитилади: «Сурбет! Аблах! Кўса!» Бунга жавобан Шукур ака, тўксиз иягини қашлаб, чунонам бўралаб сўкинадик, Ўнар найнов билан диспетчер ҳовлига югуриб чиқишга мажбур бўлишади. Шукур ака уларни ҳам бенасиб қолдирмайди: «Бекорга ўтиргунча бизга чой-пой ташиб турсаларинг ўласанларми! — дейди йўқ ердаги талабни ўртага ташлаб. — Болалар у ёқда ташналикдан ўлаяпти, силар эса бу ерда ўпишиб ўтирқилар! Ҳолимиздан хабар олмасанг, нима қиласан начайник бўлиб! Хи-и, сўппайган бўйингга... сени!» Улар бу талабу тухматга парво ҳам қилмайдилар, қайтанга, чойингиздан озгина қуйиб кетинг, дея баттар жиғига тегишади.

Четдан туриб кузатган одам Шукур ака билан чойхоначи энди бир-бирларини ўлақолса кечиришмаса керак деб, ўйлаши мумкин. Қайдам, ишдан сўнг гўё ҳеч нарсасиз бермагандай яна апоқ-чапоқ бўлиб кетаверадилар. Ярашув Шукур аканинг ташрифидан бошланади. У эрталаб бригадани бошлаб бекат ҳовлисиغا кириб келаркан, одатдагидек, ювинишга ошиқмайди. Сўри четига чўкиб, сигарет тутатади. Кундузги сменага келаётган ҳамкасблари билан хушсизгина салом-алик қиларкан, чойхона томонга тез-тез қараб қўяди. Сўнгра сигарет қолдиргани ерга ташлаб, этиги учида эзгилаб ўчиради-да, эран-қаран чойхона томон юради. Эшикдан кираётиб юзига хоргинлик тусини беради. Столлар оралаб ўтиб, шу алфозда чойхоначига рўпару бўлади. Қўли-қўлига тегмай мижозларига хизмат кўрсатаётган чойхоначи уни кўргач, хўмраймоққа уринади. Аммо эплаёлмайди. Қошингда биров илжайиб тургач

хўмрайиб бўларканми. Оғзининг таноби қочиб, кел, Шукур, деб юборганини билмай қолади. Бу гапдан Шукур ака эриб кетади-да, тирсагини пештахтага тираб, юзидаги ҳорғинлик тусини янада бўрттиради, ярим овозда дўстона пўнғиллайди: «Ўлдим, битта чой дамла, аччиқкина бўлсин». «Колбасадан ҳам кесайми? — дейди униси колбасанинг энг яхши жойини кўзи билан чамалаб. — Қанча кесай?» «Кес, — дейди буниси иштаҳаси йўқ эса-да, унинг кўнгли учунгина. — Бирор юз грамм кес. Негадир иштаҳам йўқ, чанқабман шекилли». Узр сўраш йўқ, хижолат тортиш йўқ — осонгина ярашиб оладилар. Орадан ҳафта ўтиб-ўтмай, дим тунларнинг бирида яна уришадилар ва яна шу тариқа ярашиб кетаверади-лар. Шукур аканинг ўзига хос ажиб феъли ўртада гинакудурат сакланишига йўл қўймайди.

Гапнинг қисқаси, Шукур ака йўлда учраган қора билан уришиб-сўкишиб вагон ёнига етиб келганида, «ишёкмас дангасалар» бир вагонни бўшатиб, аллақачон иккинчисига ўтишган бўлади. Шукур ака кечикиш сабабини қуйидагича изохлайди: «Борсам, чойхоначи касал бўп қопди. Овқатни кўп еб қўйганми, искорий помош опкетиб қопти. Чойни ўзим қайнатиб келаяпман». Эрталаб бригада чойхоначини соғ-омон кўришади. Аммо ҳеч ким, нега алдадингиз, демайди. Нега деганда, Шукур аканинг феъли маълум, ҳеч киприк қокмай бунга ҳам бирор баҳона топа олади. Йўқ деганда, ошқозонини ювиб қайтариб юборишибди, қаранглар, қорни анча пучмайиб қопти, деб қўя қолади.

У қанча ёлғон гапирса, бригада шунча яхши кўради уни. Мурод кула-кула унинг елкасидан кучади: «Агар сиз бўлмасангиз, бу ерда бир кун ҳам ишламасдим, зерикиб ўлардим!».

Ҳозир у Шукур аканинг жим кетишидан жуда сиқилмоқда эди. Боз устига, ҳавонинг димлигини айтмайсизми. Оқшом бир-бир эсиб турган шабада қаерга йўқолди? У кўйлагини ечиб, елкасига ташлади-да, темир йўл ёқалаб кетган симёғочдаги чироқлар нуридан хира ёришган бекат устахонаси деворларига, чап ёқдаги шувоқзор паст-баландликлар ортидан мўралаб турган кулбаларга бир-бир нигоҳ ташларкан, сукунатдан юраги безиллаб, тавба, ярим чақирим нарида шаҳар

нафас олаётганига ҳеч ишонгинг келмайди-я, деб юборди. Аммо унга жавоб берувчи бўлмади. Сукунат елкаларидан босгандай, ҳамма жим борарди. Бундан, айниқса, Мурод беҳад азоб тортмоқда эди. Назарида, кимдир гапириши, гапиргандаям ҳазил-хузул билан гапириши, йўкса мана бу рутубатли тун ҳадемай ямламай ютиб юборадигандек эди.

Олға босган сайин дилгирлиги ортиб бораётган Мурод мадад истаб Шукур акага яқин келди. Устига устак, унинг маънос бош эгиб бориши юрагини баттар ғамламоқда эди. Бундай пайтда ҳар қандай гап, ҳар қандай туртки бефойда. Маълум муддатсиз Шукур ака ўзига келолмайди. Бунга эса Муроднинг сабри чидамаетган эди.

Шукур акани гапга солиш йўлидаги барча уринишлари зое кетгач, Муроднинг эсига қайсидир бир китобдан ўқиган доно бир ўғит тушиб қолди. Китобда айтилишича, кишини оғир ғам-аламдан фақат муҳаббат қў қарар экан. Бу гап қанчалик ҳақ, Мурод билмайдю, лекин юраги ториккан кезлари темир йўлга яқин маҳаллалардан бирида истикомат қилувчи қорақўз кизни эслаганида дили ўз-ўзидан бирдан равшан тортишини яхши биларди. Шу боис, навбатдаги уринишида оғзига келган биринчи гап шу бўлди. Нега энди айнан шу фикр ҳаёлига келди, ҳозиргача ўзи ҳайрон. Аммо у пайтда бу ҳақда мулоҳаза қилиб ўтиришнинг вақти эмасди. Хуллас, Шукур акага яна қамти келаркан, аввал бошда унинг эгик бошига, сочи тақир қирилган энсасига, шалвираб тушган елкаларига кўз ташларкан, овозига андак сирли, андак қувноқлик, андак ҳаяжонли тус бериб деди:

— Шукур ака, биласизми... сизни ҳалиги... Мадина хола яхши кўраркан, яъни... севиб дегандай... Боя сиз чиқиб кетганингиздан кейин ўзи тан олди. Шукур акангни яхши кўраман, деди.

Шукур ака чурқ этмади, лоақал қайрилиб қарамади. Шпал санаб бораверди. Орада қокилиб кетиб, тўнғиллаб сўкинди холос.

— Хола айтдиларки, — дея гапида давом этди Мурод, — Шукурни бир кўриш учунгина ишга келаман, мураббони эса унинг учун пишираман, фақат сир

бермайман, сир берсам уят бўлади деб кўркаман, деди. Яна мени айтиб қўйманг, сотибсан-да деб мендан хафа бўлишлари мумкин.

Бу пайтда улар навбатдаги симёғоч тагига келиб қолишганди. Тепадаги чироқ нурида Шукур аканинг энсаси ғалати титраб кетганини Мурод аниқ-таниқ кўрди. Ҳатто у бир оз гандираклаб кетгандай бўлди. Лекин бу ҳолатини устамонлик билан яшириб, мушту-мига кетма-кет йўталиш билан чекланди.

— Айтишларига қараганда, — деди Мурод унинг ҳолатини синчков кузатиб, — бошда негадир уйланишдан кўркқан экансиз. Сизни дея тунлари тиконга ағанаб чиқаркан. Аммо сиз қайрилиб қарашдан ҳайиқибсиз. Сизни кута-кута охири бошқа бировга турмушга чиқиб кетибди. Лекин юраги сизда қолаверибди.

— Шуниям айтдим сизга?! — Шукур ака кутилмаганда кескин қайрилди. — Бу аёлнинг ичида ҳеч гап ётмас экан-да!

Тахмини бу даражада тўғри чиқишини кутмаган Мурод бир муддат довдираб қолди. Нима деярини билмай бошини тез-тез ирғади.

— Неча замонлар ўтиб кетди бунга, — деди Шукур ака юришда давом этиб. — У пайтда туғилган болалар ҳозир ўттиздан ошди. Лекин ҳаммасига ўзи айбдор. Бир сафар биқинидан ушлаганимда бошимга ёғоч билан туширган. Ҳафта бошимни боғлаб юрганман. Ўшанда уйланмоқчи эдим. Ургандан сўнг уйлангим келмай қолди. Уйлансам, ким билади, бепичоқ сўярмиди. Қизлигида ўлгудек шаддот эди. Ҳозир сал босилган.

— Униям айтди, — Мурод ёлғонни ямламай юта бошлади. Шукур аканинг кайфиятини созламоқ учун шу тобда у ҳамма нарсага тайёр эди. — Шу воқеадан сўнг, қўлим синсин, деб бир умр ўзимни қарғаб келаман деди.

— Бекор айтибди, — деди Шукур ака жиндек тутоқиб. — Бошим тузалганидан сўнг бир кун қаршимдан чиқиб, агар яна қўлингни бежо ҳаракатлан-тирсанг, темир билан тушираман бошингга деган.

— Айтди униям, — Мурод бу ёғига ўз тажрибасига таяниб сўз юрита бошлади. — Севаман демасдан туриб қўл чўзганига жаҳлим кўзиди, деди. Мени енгил-

так қиз деб ўйлади дея жоним чикди, деди. Бир оғизгина, сени севаман, тег менга деганида ўзимни унинг оғушига отардим, деди. Орияти бутун қиз бўлган эканда у, а?

— Ким билади дейсан? — Шукур ака елка қисди. — Биқинига қўл юборганимни биламан, бошимга қарсиллатиб соп қолган. Шундан кейин қайтиб гапирмаганман.

— Лекин хола зўр экан, — Мурод танглайини тақиллатди. — Қаранг-га, хозиргача сизни яхши кўраркан. Йиллар ўтгани сайин меҳрим кучайиб кетаяпти дейди.

— Нимамни яхши кўраркан ўзи у? — Шукур ака курук гапиришга уринса-да, хаяжонини билдириб қўйди.

— Сўрадим, — Мурод бепарво бўлишга тиришди. — Дедик, сизнинг фигурангиз хақиқий мужский фигура эмиш, — Шукур аканинг эгик қадди бирдан титтанди. Мурод ич-ичидан тўлқин уриб келаётган кулгусини базўр жиловлаб, бир оз сукут сақлади-да, яна давом этди: — Бетингиз ажинсиз, сизга ҳеч ким олтмиш бермас эмиш. Яна дедик...

— Эллик беш! — Шукур ака илкис ўгирилиб, ўшқириб берди. — Ким айтди сенга олтмиш деб?!

— Ҳеч... ҳеч ким, ўзим, — Мурод ўқдек қадалган нигоҳ қаршисида тагин довдираб қолди. — Лекин хола эллик дегандай бўлувди. Шахсан мен сизга қирқ беш бераман.

— Яна нима деди? — Шукур ака бу гапдан мамнун бўлиб, томоқ қириб қўйди.

— Айникса характерингиз... — Мурод тагин танглайини тақиллатди. — Сиздай одам юздан битта бўлармиш. Агар хотини бўлганимда бор меҳримни унга берган бўлардим деди. Яна дедик, ҳар окшом оёқларини ювиб, укалаб қўярдим, ёш боладай авайлаб-асрардим. У эса менга қиё боқмайди деди.

— Бошимга урмасин эди, — Шукур ака димокланди. — Ким айтди унга урсин деб.

— Кечиримли бўлинг-да, Шукур ака.

— Кечирмайман! — Шукур ака баттар димок-фироқ қилди. — Нега кечирар эканман. Урган жойи

ҳозир совукда лўқ-лўқ оғрийдиган бўлган. Кечирмайман уни! Менга деса... ўлиб кетмайдими!

— Бунча қаҳрингиз қаттиқ бўлмаса, — унинг гапга киришганидан ичида мамнун бўлган Мурод баттар аравани қуруқ олиб қочишга тушди. — Биров севгидан ўламан деяпти-ю, сиз кечирмайман дейсиз-а. Бу қилингиз яхши эмас, Шукур ака. Мусулмон одамнинг иши эмас бу.

— Нега унда боя устимдан кулди? — Шукур ака унга иддаоли тикилди. — Яхши кўрар экан, нега устимдан кулади-а? Тагин аллабало деб пичинг қилганига ўлайми. Нима, унинг қизлари менинг ўғлимдан пешми? Бундай олганда ҳаммаси бир гўр!

— Юрагининг тафтини босмоқ ниятида шундай деди-да, — деди Мурод. — Яхши кўришлигини билдирмаслик учун баъзан одам шундай қилади. Сиз қиёбоқмаганингиздан кейин нима қилсин, бечора.

— Ҳар куни олдига кириб турибман-ку, яна нима керак унга?

— Шунисигаям шукр, йўкса ўзига ўт қўйиб юборармиди.

— Нима? — Шукур аканинг юриши секинлади. — Нега энди ўзига ўт қўяркан? Нима миясини еб қўйганми у?

— Севги ёмон нарсаси, одам гоҳо миясини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас, — деди Мурод. — Сиз бир ҳафта аразлаб юринг, жудоликка чидаёлмай ўша куниёқ у ўзига ўт қўйиб юборади.

— Олиб қоча сенам, — Шукур ака ишонқирамай кулди. — Шукур деган маймоқ аразлагани учун, Мадина деган жинни ўзига ўт қўярканми. Топган гапингни қара-ю. Яхши кўраркан, нега шу пайтгача ўзига ўт қўймади, у?

Мурод гап тополмай бир муддат эсанкираб қолди. Ҳатто қокилиб кетиб оёғини қайириб олди. Бир оз ҳаялласса миси чикишини сезиб, хотирасига зўр берди. Муҳаббат масаласига оид эшитган, билганларини эслашга уринди. Шунда хотирасининг бир четида жонсарақ қиёфали ёш бир жувон пайдо бўлди. Сопол заводида ҳисобчи бўлиб ишлайдиган бу аёл озғин, новча эрини еру кўкка қшонмасди. Айтишига қараганда, бу

эркак унинг биринчи махбуби, иккинчи эри экан. Биринчи эри ўлгач улар қайта топишган экан. Ўша аёл шундай деганди: «Эрим тириклигида бу эсимгаям келмасди. Эрим ўлгач, юрагим бирдан бўшаб қолди. Кейин бунга чиқдим. Хотинидан ажраб боши гаранг бўлиб юрган экан, имо қилишим билан югуриб келди. Энди яна қайтадан яхши кўриб қолдим. Бунга бирон нима бўлса ўлиб қолсам керак».

— Аввал эри бўлган, сизни кўп ўйламаган-да, — деди Мурод. — Эри ўлгач, юраги бирдан бўшаб, эски севгиси қайта жунбушга келган-да. Ўзининг айтишича, юрагидаги мухаббатни ўчиришга роса ҳаракат қипти, бўлмабди. Юраги қурғур косадайин мухаббатга тўлаверибди-тўлаверибди... Ҳозир энг тўлган пайти эмиш.

— Баттар бўлсин! — Шукур ака очик тантана қилди. — Қизлигида Шукурнинг кадрига етмаганди. Мана энди... Менга деса севиб ўлмайдами!

— Аблах одам экансиз! — Мурод ўзи тўқиётган ёлғонига ўзи ишоқ бў, беихтиёр унга ёпишиб кетди. — Қаҳри каттик, ярамас одам экансиз! Одам ҳам шунчалик бўладими, тавба! Бир киши ўламан десалару, бу кишим ноз қилсалар! Яхшилик ёқмайдиган одам экансиз! Боринг, гаплашмайман сиз билан! Афтингизни кўришга тоқатим йўқ!

Мурод ростданам аразлаб, олдиға ўтиб кетмоқчи эди. Ҳатто уч-тўрт одим олға босди ҳам. Аммо бирдан ҳаммаси Шукур аканинг кайфиятини яхшиламоқ, уни гапга солмоқ ўйида қилинаётгани эсига тушиб, ўзининг ҳолатидан кулиб юбораёзди. Лаблари узра жил-валанган табассумини зўрға босиб, Шукур ака томонга ўгирилди.

— Холанинг севгиси эски, сизники эса ундан-да кўҳна экан, — деди ҳазили ғоят асосли чиқиб қолганидан ичида таажжубланиб. — Холбуки, шундай экан, эркак сифатида энди бир иш қилинг.

Шукур ака унинг оғзига анқаяман деб қокилиб кетди-да, шпаллар устига бор бўйи билан гупиллаб тушди. Ноқулай тушди шекилли, бир майдон Мадина холани, холага қўшиб Муродни, Муродга қўшиб, нима бўлди дея, ортларига ўгирилишган бошқаларни обдон

чангитиб сўкди. Сўкиб-сўкиб хуморидан чиккач, зарда аралаш сўради:

— Гапир, нима демокчи эдинг?

Аммо бу вақтга келиб Муроднинг иштиёқи хийла сўнган эди. Негаки, Шукур ака асл ҳолига қайтган, сабр этса, бирор беш дақиқалардан сўнг одатдаги ҳазил-хузулларини бошларди. Шу боис, Мурод истаристамас жавоб қайтарди.

— Севинг ва юринг...

— Нима? — Шукур ака тушунмади.

— Хола билан юринг дейман.

— Эсинг жойидами? — Шукур аканинг туксиз қошлари тепага сапчиди. — Нима деб валдираяпсан?

— Унда уйланинг.

— Кеннойингни нима қиламан?

— Ҳайданг! — Муроднинг кўнглида Шукур аканинг хотинига нисбатан ададсиз нафрат яшарди. Бу нафрат Шукур аканинг баъзи бир нолишлари туфайли юзага келганди. Ҳозир ушбу туйғу остида нима деётганини чуқур ҳис этмаган ҳолда сўзламоқда эди. — Унисини ҳайдаб бунисига уйланинг.

— Йўк, бўлмайди, — Шукур ака чуқур хўрсинди. — Кеннойинг ўлдиради кейин мени!

— Унда ўлинг!

— А!

— Кеннойидан кўрсангиз, ўлинг! — Муроднинг овозига шиддат инди. — Бировдан кўркиб яшагандан кўра ўлган яхшироқ-ку ахир! Нимаси бу, кеннойини кўрсангиз худди баргдайин қалтирайсиз!

Шукур аканинг боши эгилиб, қомати шалвираб тушди. Шундагина Мурод ҳис-ҳаяжонга берилганини англади.

— Лекин хола сизни жонидан ортиқ яхши кўради, — деди у ҳазилини давом эттириб. — Мен сизга билганларимни айтдим. Фақат бу ҳақда холага чурқ эта кўрманг. Муҳаббатим ичимда, буни Шукур аканг билмасин деганлар. Аммо гапнинг очиги, сизга жуда ҳавасим келаяпти. Негаки, аёл кишининг бу қадар ўтли муҳаббатига камдан-кам одам сазовор бўлади. Ҳар жихатдан бахтли одам экансиз. Умуман олганда, сизда нимадир бор, йўкса, аёл киши бу қадар жон куйдириб севмасди.

— Сен бола ҳар балони биласан, — ўздан мамнунланган Шукур аканинг овози товланиб кетди. — Лекин бу гапни кеннойинг... эшитмасин. Эшитса мениям, кампирниям тинч қўймайди.

— Нимаси кампир? — деди Мурод. — Сиздан кичик шекилли?

— Йўқ, бир ёш катта, — Шукур ака кўрсаткич бармоғини тепага нукиди.

— Билмадим, лекин сиздан ёш кўринади.

— Ғам кўрмаганда, — Шукур аканинг овозига ғайир инди. — Менга ўхшаб ғам-алам кўрганида эди, аллақачон туршакдай буришиб колган бўларди.

— Нима, муҳаббат ғам-алам эмасми? — Мурод унинг елкасига енгилгина туртди. — Агар мен бировни севсаму, севгимни унга айтолмасам, билмадим, бир кундаёқ ўлиб қолсам керак. У эса сизга бўлган муҳаббатини бир умрга яшириб келмоқда. Нима, бу ғам-алам эмасми? Мураббосини ебсизу, муҳаббатини сезмабсиз-да, а?

— Қайдам, — Шукур ака бир муддат жим қолди-да, сўнг ўйчанг оҳангда деди: «Кампир эсини еб қўйибди. Ўзимам ўйлардим-а, нега қарашлари бежо деб. Демак, гап бу ёқда экан-да. Кеннойинг эса, сенга ит ҳам қарамайди дейди. Мана, қараркан-ку. Йўқ, кампир бутунлай эсини еб қўйибди».

Бу орада улар манзилга яқинлашиб қолишганди. Мурод ҳазилга ортиқ рағбат ҳис этмай бошлади. Нега деганда, Шукур ака энди бутунлай ўзига келган, паст, ширадор овози тун сукунاتини тилкалай бошлаганди. Салдан сўнг Шукур ака энг олдинга ўтиб олди. Ердан тош олиб, қаршиларида пайдо бўлган улкан темир дарвозани тақиллатишга тушди. Ичкаридан таниш қоровулнинг уйқусираган овози эшитилди.

— Ким у?

— Ойингни эри, — деди Шукур ака илгаригидек хушчақчақ оҳангда. — Оч эшигингни!

— Ойимнинг эри ер қучганига анча бўлди-ю, бу бетайин арвоҳ ким бўлди экан? — Ичкаридаги одам атайин имиллар эди. — Инструкция бўйича арвоҳ ичкарига қўйилмайди. Қани, қабристонга қараб бир зингиллачи.

— Кабристонга ҳали эрта, оч эшикни!

— Айтдим-ку, арвоҳ ичкарига қўйилмайди деб, — ичкаридаги одам чуқур хомуза тортиб, суяқларини қисирлатиб, хузур қилиб керишди.

Ҳазилга унча тоқати йўқ Абдулла бақириб берди.

— Қанақа арвоҳ? Оч эшикни! Бу биз!

— Мана буниси одамга ўхшайди. — Қоровул шарак-шурук қилиб, дарвозанинг бир қанотини қия очди. — Арвоҳдан ташқари, ҳаммага марҳамат.

Биринчи бўлиб Абдулла кирди, кейин Коля. Қоровул Шукур акани остонада тутиб қолди.

— Сен қаёққа? Айтдим-ку, арвоҳ кирмайди деб.

Иккаласи хехелашиб бир майдон турткилашди. Бир ичкарига интилди, иккинчиси кўкрагидан итарди. Шукур ака чалиб йиқитмоқчи бўлиб роса тиршанглади. Аммо қоровул баққувват экан, уни хийла терлатди. Сўнг иккиси ҳамжихат ҳолда дарвозани ёпиб, кулиша-кулиша ҳовли ичкарисига юрдилар.

— Бугун ҳам ишдамисан? — сўради Шукур ака.

— Шеригим касал бўп олди, — деди қоровул. — Ўрнига турибман.

— Одамни ёмон терга ботирдинг лекин, — деди Шукур ака елпиниб. — Битта чой қўйиб юбор энди.

— Ҳаво ёмон дим бўлди, — деди қоровул ҳам елпиниб. — Чойинг нимаси, ана кран, ичавермайсанми.

— Бир пачка чой мендан, кўп қурумсок бўлма.

— Йигирма йилдан бери шу ваъда.

— Янаги сафар тучно опекеб бераман.

— Кўрамиз, — қоровул изига бурилиб кетди.

Шукур ака ортидан бақириб қолди.

— Аччикроқ дамла.

— Суюғиям тешиб чиқмайди.

— Бошингдан қуяман-а!

— Ҳали мен сенга чой қўйдиму, сен ноз қилдингми.

— Қайсарлик қилма, ўртоқ.

— Отажон дегин.

— Хўп, мана, отажон дедик.

— Бу бошқа гап.

Хадемай бригада кувноқ бир кайфиятда ишга тушиб кетди.

* * *

Ярим тундан сўнг шабада кўзғалиб, димлик ариди. Дим ҳавода фарқ терга тушиб, вагон бўшатаётган ишчилар кўкракларига шамол тегиши билан енгил тортишиб, баттарроқ ишга ёпишдилар ва овқат маҳалигача икки вагонни бўшатиб бўлдилар. Сўнгра гангир-гунгур суҳбатлашганча бекатга қайтдилар.

Бекат ховлиси, одатдагидек, чароғон ёритилган, чойхонанинг ланг очик эшигидан кишилар кириб-чиқиб турардилар. Чойхона расман бекатга қарашли эсада, аслида тунда ишлайдиганларнинг бариси шу ерга окиб келишарди. Бу ерда милициядан тортиб тунги коровулгача, тез ёрдам ходимларидан тортиб сув сепадиган машиналарнинг ҳайдовчиларигача учратиш мумкин эди. Хуллас, кундузгига нисбатан тунда мижозлар сероб бўларди бу ерда. Шу боис, пештахта тепасига «Бекат ишчиларига навбатсиз хизмат кўрсатилади» деган лавҳа осиб қўйилганди. Акс ҳолда хиёл кечиккан бекат ишчилари узун навбатнинг охирига туриб қолардилар.

Бекат ишчиларига берилган бу имтиёздан Шукур ака фалати йўсинда фойдаланади. Эшикдан кириши билан ҳўмрайганча аввалига навбатга разм солади. Навбат, юқорида айтганимиздек, курама кишилардан ташкил топган — кишилар зўр тоқат билан ўз навбатини кутмоқдалар. Шунда Шукур ака ўзининг устунлигини бутун вужуди билан чуқур хис этади ва гурс-гурс юриб, намоийшкорона олдинга ўтади. Навбатда турганларга голибона бир қараб қўйиб, йўлига чойхоначига дағдағ килади, гоҳо бир оз тантиқланишдан ҳам ўзини тиёлмайди. Чойхоначи унинг талабини ғийқэтмай адо этади. Шукур ака эса чойхоначининг бир озгина имиллашини, навбатдагиларнинг янада кўпроқ махтал бўлишини истайди. Навбатдагилар қанчалик махтал бўлса, ўзининг устунлигидан шунчалик сархушланади. Аммо чойхоначи бу ширин дақиқаларнинг чўзилишига унчалик изн бермайди — оғзидан чиққанини пештахтага териб ташлайверади. Охири бўлма-

гач, у чойнакдан камчилик қидиради, нега ямоқ чойнакка чой дамладинг, дейди. Чойхоначи, феълини билди-да, бахслашиб турмай бутун чойнакка чой дамлаб узатади. Навбатдагилар унинг бу хил инжиқликларига ғийқ этмай чидашади. Бунга сари Шукур ака хузуур қилади.

Бирок бу сафар Шукур ака ана шу лаззатдан возкечди. Ховлида бир муддат бош қашлаб турди-да, сўнг, менга ҳам бирор нарса обқўйлларинг, дея секингина Мадина холанинг олдига зипиллади.

У бу қарорга бирдан келмади. Аввалига Мадина холанинг яширин муҳаббатидан ўзича роса роҳатланди, мағрурланди. Кимдир сени севсаю, буни бошқалардан сир сакласа жуда ажойиб бўлишини юрак-юракдан илк бор ҳис этди. Ўзини бамисоли қирчиллама йигитдай сизди. Олам кўзига бошқача кўриниб кетди. Кейин эса бирдан ваҳимага тушиб қолди: «Шошма, буни хотин билиб қолса нима бўлади? Кўнглидагини бугун Муродга айтдими, демак, эрта бир кун бошқа бировга лақиллаб қўйиши ҳеч гап эмас. Гап чувалашиб хотинбойнинг қулоғига етса, худо урди-да. Йў-ўк, эсини бутунлай еб қўйибди бу Мадина».

Шукур ака хотинидан азроилдан қўрққандай қўрқарди. Туғмас хотиннинг меҳри ёмон бўладими, ё ўзи ўта сершубхами, Шукур акани ҳатто тиккайган дарахтдан қизғанарди. Бекат яқинидаги маҳаллалардан бирида турувчи синглисини баҳона қилиб, вақт-бевақт Шукур акадан хабар олгани келиб турарди. У келганида Шукур ака алланечук иршангларди-ю, кетгач эса хийла муддат маъюс тортиб қоларди. Бошқалар бунга кўниккан — сира эътибор беришмайди. Лекин, Мурод бу хил ташрифни ҳеч ҳазм қилолмасди. Соддалигига бориб, гоҳо ёмон қовун тушириб қўярди, дердики, сизнинг нимангизни қизғанади, Шукур ака, ёш бўлмасангиз, ёмон йўлга юрмасангиз, бу текширишлар не даркор, солмайсизми жағига айлантириб! Шукур ака қаншари остидан унга мунгли тикиларкан, кафтини пешонасига суриб, ялаганнамо ҳаракат қилади, дейди: «Пешона шўр-да, Муродвой, пешона, қара, шўрлиги тилни ўяман дейди». Мурод яна ёшлигига боради, у-бу маслаҳатлар бера туриб, дейди: «Сиз қулсиз, Шукур ака!

Одам деган кўкракни кериб яшаши керак. Кани, бошни ғоз тутинг, кўзларингиз узоқ-узоққа тикилсин!». Шукур ака беихтиёр қаддини ғоз тутди. Ўзича узоқ-узоқларга тикилган бўлади. Аммо нигоҳи бекатнинг бетон деворига тушиб, сал дилтангланади. Бир оздан сўнг адл туришдан чарчаб, яна шалвираб тушади. Кейин эса яна ҳаммасини унутди.

Шукур ака эшикдан бош сукқанда, Мадина хола мудраб ўтирарди. Қадам товушларини эшитиб, бошини кўтаради. Кўзойнаги устидан ғалати тикилиб, кўлига ишини олди. Бармоқларини жадал ҳаракатлантириб, пайпок тўқиркан, кел, деган маънода «хим-м» деб кўйди. Аммо Шукур ака ичкарига ошикмади, бўсағага ташлаб қўйилган намлаттага оёқларини сура-сура, кетма-кет томоқ қиришда давом этди. Томоқ киравериби охири холанинг жонига ҳам тегиб кетди.

— Кир, ўтир, — деди сабри чидамай. — Лойға ботган отдай намунча депсиниб қолдинг?

Шукур ака бекорга депсинмаётган эди. Гапни нимадан ва қандай бошлашни билмай, гаранг эди. Боя келаётганида эътирозларини айтиш жуда осондек туюлганди. Аммо Мадина холага рўпарў бўлгач, юз иссиқда, тили танглайга ёпишди қолди. Боз устига, холанинг, уйқусираб, муштипаргина бўлиб ўтириши туйқусдан меҳрини ийдирди, хафа қилиб қўйишдан чўчиди. Қачонки, холанинг қуруқ оҳангдаги гапини эшитгачкина кўнглида йилт этиб уйғонган шафкат ҳисси изсиз йўқолди. Холанинг зимдан боқиб туришини келбатига нисбатан ҳавас деб билди. Бундан бот мағрурланди. Аммо шунга қарамай, гапирмоқ қийин бўлди. Холанинг юзига тикилса, сўзлай олмаслигини сезиб пастга қаради. Ялтираб артилган пол юзидаги аллақандай доққа термулганча тилга кирди.

— Биламан, — дея гап бошлади депсинишдан тўхтаб, ҳар бир сўзида томоқ қириб, анча кўримли одамман мен. Нима қилай шундай булиб туғилганман-да. Бунга мен айбдор эмасман-ку ахир. Яхши кўришингни... биламан. Демокчи эдимки, яхши кўрмагин мени. Яхши эмас бу.

— А! — хайратдан Мадина холанинг пастки жағи шалвираб тушди. Агар шу тобда эрининг арвоҳи қар-

шисида кўндаланг бўлганида ҳам бу даражада ажабланмаган бўларди. Хайтовур, у тезда ўзини қўлга олди. Шукур акани маст гумон қилди: — Нималар деб валдираяпсан, — деди, ичдингми, бор-да бирор бурнакда тинчгина ухла! Тавба оғзига озгина тегди дегунча алжишга тушади-я, бу эркаклар.

— Алжиётганим йўк, — Шукур ака ичкарига бир одим қўйди. Хона ўртасида қаккайиб, енги билан манглай терларини сидирди. Холага, иддао ва зарда аралаш тикиларкан, деди: — Яхши кўра туриб уришганинг нимаси? Кўп уришма мени, э!

— Қани уришганим, — Мадина хола тумшайиб, қўлидаги ишини давом эттирди. — Ичиб олиб гапирган гапини қара буни! Пиянчук!

— Ўзинг пиянчук! — Шукур ака андак тутоқди. — Раз пиянчук эканман, нима қиласан мени яхши кўриб, а? Тўрингдан гўринг яқин, яхши кўраманинг нимаси?

Мадина хола унинг мастлигига шубҳаланди. Гўё буни аниқламоқчидай, бурнини жийириб хавони хидлади. Нотаниш хидни сезмагач, хайрати баттар ошди.

— Кимни яхши кўрарканман? — деди воқеанинг тубига етмоққа тиришиб.

— Мени.

— Сени? — Мадина хола унга кўзойнаги устидан тикилди.

Шукур ака уни ўйин қилаяпти деб ўйлаб, бу сафар овозига замзама тусини берди.

— Ҳа, мени!

— Сени?! — Мадина холанинг қўллари ёқасига югурди. Ярим тўқилган пайпоқ полга тушди. Хола ёқасини жуфтлаб тутаркан, беихтиёр ўзини ортга олди: — Ё оллох, нимаси бу энди? — деди кўзлари пирпираб. — Ичавериб миянг суюлиб қопти сен бечоранинг!

— Артистлик қилаверма кўп! — деди Шукур ака ҳукмона оҳангда ва сигарет тутатиб, секин изига қайрилди. Эшикка етиб, яна тўхтади. Бошини ярим ўгириб, ўша оҳангда таъкидлади: — Бундан кейин яхши кўраманингни ташла. Ичингда канча яхши кўрсанг кўргину, лекин хар кимга валдирашни бас қил! Эшитган кулоққа яхши эмас! Хотин эшитса... ёмон бўлади.

— Шошма, Шукур! — хануз бақа бўлиб ўтирган

хола унга ғазабнок тикилди. — Тўғрисини айт, бу ҳазилингми-чинингми? Агар ҳазил бўлса, қайтиб бу гапни оғзингга олма! Ўн саккиз яшар қиз бола эмас-манки, ҳазил кўтарадиган. Агар чин сўзлаётган бўлсанг, эртан ўзингни бир дўхтирга кўрсатиб олгин. Миянг айниб қопти... — Шундай дея хола лабини бурди: — Ҳолига боқмай ҳазил қилганини қара бунинг!

— Қанақа ҳазил, — Шукур ака тўла ўгирилиб, унга ўшшайиб тикилди. — Ярим тунда ҳазилга бало борми. Ўзи қорним очиб, уйқум кеп турибди. Ёмон йўлдан қайтгин деяпман, холос. Хотин эшитса... сочингни битталаб юлади-я!

— Нега энди сочимни битталаб юларкан? — Ма-дина хола кўзлари пирпираб, унга бошдан-оёқ тикилди.

— Мени яхши кўрганинг учун.

— Қачон сени яхши кўрибман?

— Ҳамма вақт, — Шукур ака ишонч билан таъкидлади. — Ҳамма вақт мени яхши кўриб келгансан. Нима билмайди деб ўйлайсанми!

Холанинг қўллари яна ёқасига ёпишди. Қаршисидаги кимсани энди кўраётгандек, тагин бир сира унга бошдан-оёқ кўз ташлаб чикди.

— Ё тавба, бу не тухмати бўлди энди? — деди ёзғирган оҳангда.

— Яхши кўрмайман дегин? — Шукур ака унга калакаомуз тикилди. — Унда мураббони ким учун пиширасан, а?

— Ким учун бўларди, ўзим учун, — Мадина хола тамомила гарангсиб қолди. — Ким учун пиширишим керак экан?

— Мен учун пиширасан, — деди Шукур ака ички бир кониқиш билан. — Нима, бўйнингга олсанг, бир еринг камайиб қоладими? Сен учун пишираман деб тўғрисини айтда-қўй. Нима, мен сени пишириб ермидим. — У ўзича холага раҳм қилган бўлди: — Майли, мураббони ейман, атказ қилиш йўқ. Раз мен учун ҳаракат қиларкансан, нега емас эканман, ейман. Лекин сенам, мураббо беряпман-ку деб, яхши кўришинг ҳақида кўп валдирама. Тўғри, яхши кўрмасдан иложинг ҳам йўқ, анча кўримли йигитлигимни ўзим ҳам

биламан. Ана, хисобхонадаги хотинлар баъзан бош-кача-бошқача қараб қўйишади. Лекин мен ҳаммангга эр бўлолмайман-ку ахир. — У сигаретни чуқур тортиб, ташқарига туфлади. — Агар... жудаям эрсираб қолган бўлсанг, ана Абдуллага тег. Бечорани хотини уйдан ҳайдаб юборибди. Сенга жон деб уйланади. Лекин мен сенга уйлана олмайман. Ўрта ерда хотиндан балога қолганим қолади, холос. Биласан, хотин эмас, аждаҳо у...

— Мен сени яхши кўрмайман, Шукур, — Мадина хола қўллари ёқасида, тавалло оҳангида гапирди. — Қайси гўрдан топдинг бу гапни? Нима бало, жиннипинни бўлиб қолдингми бугун дейман. Сенга минг маротаба айтганман, камроқ ичгин деб. Мана оқибат... Васвас бўлиб қопсан, Шукур.

— Сен яхши кўриб турганингдан кейин васвас бўлади-да, киши.

— Яхши кўрмайман сени, э! — Мадина холанинг афти тиришиб, қўлини тўлғади. — Бор! Алжийверма кўп!

— Кўзларинг айтиб турибди, ишқинг баланд менга,— Шукур ака пинак бузмади.

— Менга қара, нимангни яхши кўришим керак, а?— энди Мадина холаники тутди. — Индамаган сайиң, ўзингдан кетасан бунча! Айт, нимангни яхши кўришим керак? Милтиллаётган манову бит кўзларингними? Ё тук битмас кўса башарангними? Ичи тушган тарвуздай дўппайиб турган манову қорнингни яхши кўришим керакдир балки, а?

Бу қадар ғазабни кутмаган Шукур ака довдираб қолди. Довдирашда оғзидан чиққаниям шу бўлди.

— Қаердан билай нимами яхши кўришингни. Яхши кўргич сен, ўзинг биласан-да бун.

— Мен?! — ғоят ҳокисорона айтилган бу гапдан хола бот анқайди. Ғазабдан бўғриққан юзига тагин хайрат ифодаси қалкиди. Бошини бир ён қийшайтириб, унга синчков тикилди. Сўнгра ўрнидан туриб, Шукур акага яқин келди. Оғзини ҳидлаб кўрди-да, ўзича ғудранди: — Кайфи йўқ, ичса, хиди келарди.

Бу орада анча ўзига келиб олган Шукур ака унинг бу қилиғини ўзича тушунди.

— Қоч! — деди бошини орқага ташлаб. — Индама-сам, ўпиб олишдан ҳам тоймайсан, а. Тагин яхши кўрмайман дейсан-а.

Мадина хола хиёл ортга чекиниб, бир муддат унга тикилиб қолди.

— Мабодо, устимдан кулмаяпсанми, Шукур? — деди кейин негадир ўксинган оҳангда.

Шукур ака мағрур бош чайқади.

— Йўқ.

— Унда нега бунақа алжирайсан? — деди Мадина хола шубҳа тўла кўзларини ундан узмай. — Касал бўлсанг айт, скорий чақирай.

— Бу нумиринг ўтмайди, — Шукур ака пихиллаб қулди, яхши кўришингни биламан мен.

— Нимангни? — Мадина хола бир сира бошдан-оёқ кўз югуртирди.

Шукур ака елка қисди.

— Балки манову сурбет башарангни яхши кўрарман! — Мадина холанинг ғазаби тагин жунбушга кела бошлади. — Балки... балки... Э, йўқол, башаранг қурсин, сени!

— Башарамга тил тегизма, илтимос! — Шукур аканинг ранги бир тус оқарди. Бу гапни у ҳисобчи хотиндан эшитган эди. Ойлик маошни кам ёзибсан деб, шўрлик аёлни сарикдан олиб сарикка солганида, аёл ғоят босиқлик билан шу гапни айтганди. Ўшанда бу гап Шукур акага қаттиқ таъсир этганди. Шояд бунга ҳам таъсир этар деган умидда, ушбу гапни қайта такрорлади: — Илтимос, башарамга тил текизма!

— Э, башаранг курсин сени! — Мадина хола баттар авж олди. Биткўз! Мешкорин! Хомсемиз!

— Нима, ўзинг хурлиқомисан? — Шукур ака ҳам тутокиб кетди. — Катламага ўраб ташласа, ит емайди, тагин осмондан келасан-а!

— Йўқол кўзимдан! — Мадина хола ажиб бир чапдастлик билан унинг кўкрагидан итариб юборди. Шукур ака остонага қоқилиб, кети билан шағал тўшалган йўлакка бориб тушди. Хола эшикни қарсиллатиб ёпаркан, ичкаридан туриб бақирди: — Яна қорангни кўрай сени, нақ оёғингни уриб синдираман! Сурбет!

Шукур ака ўтирган жойида пайпасланиб тош кидир-

ди. Шунинг баробарида атрофга олазarak қаранди. Борлиқ маст уйқуда. Фақат чароғон ёритилган чойхона деразаларида соялар ўйнади. Ўзининг бу шармандали ахволини бирор кимса кўрмаганига қаноат ҳосил қилгач, қўлига илинган тошларни четга улоқтирди-да, секин ўрнидан кўзғалди. Шимини ҳафсала билан қокди. Сўнг чойхона томон ўрдак юриш қилиб жўнади. Йўл бўйи тўнғиллаб сўкиниб борди.

* * *

Кундузги сменага келишгач, Мурод уни яна тунд ҳолатда кўраман деб ўйламаганди. Кувноқ кайфиятда ҳовлига кириб келаркан, ҳар сафаргидек, кўзлари билан Шукур акани кидирди. Шукур ака сўри четига омонатгина чўкиб, ҳушсизгина чой хўпларди. Ёнида Абдулла, чап қўли сўри суянчигига ташланган, ўнг елкаси ғалати қийшайган, оёғи остига хаёлчан термулиб ўтирар, чамаси, Шукур ака айтган қайсидир бир гапнинг маъзини чакмоқ билан овора эди. «Бўлмайди, — деди у бир маҳал қаддини ростлаб, чойнакка қўл чўзаркан, бошини чайқаб. — Бўлмайди». Нима бўлиш-бўлмаслигини Мурод англамади, тўғрироғи, қизикмади. Уларга яқинлашиб, Шукур аканинг елкасига дўстона қўл ташлади.

— Раҳбарларга саломлар бўлсин!

Шукур ака унинг қўл зарбидан енгил қалқиб, у томонга қайрилди. Одатдагидек, ҳазил-ҳузул қилмади. Анчайин қўл ташлаб, ҳим-м, келдингми, деб қўя қолди. Мурод унга ажабсиниб боқди, яна нима жин чалди бу одамни? Шукур ака эса сезиларли даражада терс ўгирилиб олди, кўрмайин ҳам, қуймайин ҳам! Бу хил муносабатдан ҳайрати ошган Мурод бир муддат қалқайиб турди-да, сўнг ортиқ тирғалишни ўзига эп кўрмай, кийимини алиштиргани ичкарига йўналди. Остона ҳатлаб, тагин ортига ўтирилди. Шукур ака ўша-ўша хо-муш ўтирарди. У ичкаридан чиқиб келаётган Колядан, чолни нима жин урди, деб сўради. Коля унинг елкаси оша ҳовлига кўз ташларкан, аввалига елка қисди, сўнг сўрашгани қўл чўзаркан, деди: «Тегишадиган сен, бирон нима деб хафа қилган чиқарсан». Мурод қатъий йўсинда, йўқ, деди. Шукур акага ортиқча гап қилмага-

нини у яхши биларди. «Хечкиси йўк, — деди Коля бепарво охангда. — Одам деган гоҳ ундок-гоҳ бундок бўлиб туради-да. — У шундай деяркан, бирдан сергакланиб Муродга умидвор тикилди: — Иш олдидан... балки оз-озгинадан тортармиз, а? Кайфият учун-да. Орада бригадирнинг кайфияти ҳам яхшиланарди. Биласан, каватингда биров тунд юрса, одам унча маза қилмайди. Хўп десанг, зингиллаб бориб келаман.»

Бригадада яхши бир одат мавжуд эди. Ҳамма бир-бирининг кайфиятини ўта зийраклик билан кузатиб боради. Мабода бирортасининг кайфияти сал носоз бўлса, қўлларида келганича яхшилашга ҳаракат қилишади. Бу борада Колянинг таклифи кўпинча жуда қўл келарди.

Мурод ихтиёрсиз равишда чўнтагига қўл юбораркан, Коляга синовчан тикилди. Коля хижолатомуз томоқ кириб, ерга қаради. Муроднинг чўнтакдаги қўли имиллайвергач, шоша-пиша изох берди: «Менда тушликка етгулик пул бор. Борини беравер, кейин суришиб кетаверамиз». Коляда ҳеч қачон ортикча пул бўлмайди ва у буни яшириб ҳам ўтирмайди. Аммо айни мана шу рўйиростлик Коля учун жуда оғир кечарди: бошда томоқ кириб кўзларини олиб қочади, сўнгра кўзлари жавдираб юқоридаги гапни айтади. Тиник, мовий кўзлари бу ҳолни янада бўрттириб кўрсатар, лаблари узра жилваланган ҳокисор табассум эса таънага изн бермасди. Мурод унинг мана шу ҳолатини яхши кўрар ва яхши кўргани учун ҳам атай имилларди.

Коля бетокатланиб, оғирлигини у оёғидан-бу оёғига солгандан кейингина у чўнтагидан пул чиқарди. Коля унинг қўлидан пулни олиб олиб ташқарига отилди.

Аммо мазкур тадбир бу сафар иш бермади. Шукур ака ичишдан бош тортди. Бу пайтда улар бекатдан икки чақирим олисдаги иккинчи омборда, вагон соясида чекишиб ўтиришарди. Бригада ишни ҳар вақт чекишдан бошларди. Айни шу аснода Коля қўйнидаги шишани намоийшкорона чиқарди, шишани кўриб, Шукур акадан бўлак ҳаммага жон кирди. Ринат тагига тахта бўлагини қўйиб, жойлашиб ўтирди. Абдулла ўқловдек йўғон бармоғини оёғига тикиб, шампан шисасининг очилишига монанд «пак» этган овоз чиқар-

ди. Кейин бунга қаноат этмай, ўтирган жойида ғалати чайқалиб қўйди. Шукур ака эса манглайи остидан гоҳ шишага, гоҳ Коляга қараб ёмон чимирилди.

— Иш пайтида... нимаси бу?

— Буми? — Коля қўлидаги шишани боши узра баланд кўтариб, қувноқлик ва сўзамоллик билан деди: — Кайфиятни созлайдиган дори. Бундай қарасак, ҳурматли бригадиримиз Шукур Салаевнинг қовоғи мен туғилиб ўсган Сибир кишидан баттар тундлашиб кетибди. У кишининг қовоғини очмоқ, кайфиятини яхшиламоқ ниятида бригада эрталабдан нуш этмоққа қарор қилди.

— Кайфиятим яхши, — деди Шукур ака пўнғиллаб. — Буни ҳозирча яшириб қўйларинг. Ишдан сўнг бафуржа оларсилар.

— Бригада қарорини бузишга ҳаққим йўқ, — Коля овозига ёлғондакам расмий тус берди. — Халқ норози бўлади.

— Йўқот дедим сенга!

Коля, нима қилай, деган маънода атрофдагиларга жавдиради.

— Шукур ака, озгинадан... — деди Ринат шишага очкўзлик билан боқаркан, илтижоли оҳангда. — Озгинаси ишга ҳеч халакит бермайди-ку.

Кирланган яримта қуртни тиззаси устига қўйиб, шиша очилишини зўр сабр ва бардош ила кутаётган Абдулланинг жони халқумига келди.

— О-оч! — дея бақирди у кўзлари ола-кула бўлиб. — Бир култимдан тегадими-йўқми, таранг қилганларинг нимаси! Оч тезроқ!

— Хойишларинг, — Шукур ака иддао билан ўрнидан туриб кетди. — Лекин мен ичмайман.

— Ичасан! — Абдулла унга ўқрайиб, бурнини хунук тортди. — Томоғинг тақиллаб турибди-ю, ичмайманинг нимаси! Коля, қуй бунга!

Коля қорни пачоқ кружкага ароқ қуйиб Шукур акага узатди. У, ичмайман дедим-ку, дея вагон эшигига чирмалган симни ечишга тутинди. Мурод ялинди, Абдулла сўкинди, Ринат хиринглади. Коля эса, ихтиёрлари дея, кружкадагини ликка ютуб юборди. Бундан Абдулла ёмон тутоқди, Коляни сўкишга кўмиб ташла-

ди. Аммо Коля унинг сўкишларига парво қилмади. Одати бўйича енгини хидлай-хидлай, тагин Шукур акага арок куйиб узатди. Қараса, бўлмайдиган, Шукур ака сув олиб келиш баҳонасида чойгўмни қўлига олди-да, ховлининг нариги бурчаги томон жўнаб қолди.

— Бунини нима жин урди? — деди Абдулла тегишини ютиб, курсиллатиб қурт тишларкан, кўз кирида шишага қараб. — Финг демай ичадиган одам бирдан оёқ тираб қолди. Бундай феъли йўқ эди-ку.

— Хотини билан уришган чиқар, — деди Ринат.

— Хотини билан уришган одам арокка йўқ демайди, — деди Коля билагонлик қилиб. — Масалан, мен хотиним билан уришсам, аламимни винодан оламан. Тўйиб ичаман-да, миқ этмай ётавераман.

— Мурод хафа қилган чиқар, — деди Абдулла. — Доим жиғига тегиб юради.

— Ўтган тундан бери қовоғи солиқ, — деди Ринат ниманидир эслагандай, овозига чўзиқ тус бериб. — Силар йўқ, тўнғиллайвериб роса жонимни олган.

Ринат ҳақ эди. Шукур аканинг хафалиги ўтган сменадан. Ярим тунда Мадина холанинг олдидан дили ранжиб чиққанидан сўнг, у ҳеч кимга рўйхушлик бермаганди. Мурод сабабини сўрашга улгуролмаган. Нега деганда, овқатдан кейиноқ Ўнар найнов бригадани иккига бўлиб, Мурод бошлиқ бир гуруҳни қувур юклагани сопол заводига жўнатган, Шукур ака эса Ринат билан омборда қолганди. Тонгда қайтиб учрашмади. Мурод оёғини зўрға судраб бекатга қайтганида, Шукур ака алақачон уйига жўнаб қолган экан.

Шукур аканинг носоз кайфияти туфайли бугунги иш куни ўта зерикарли бошланди. Одатдаги, ҳазилхузул йўқ, ўн кило юк бамисоли юз килога айланди. Худди шу соатда Мурод Шукур акани қайта кашф этди. Билсаки, ундаги қувноқ кайфият Шукур аканинг шўхликлари туфайлигина юзага келаркан, унинг қарши жавобларисиз Муроднинг барча ҳазилларию қувноқликлари қоронғига отилган тошдек бир гап экан.

Вагон яримлагандан сўнг, Мурод охири чидаёлмади, секин бориб Шукур акага тирғалди. Аммо Шукур ака рўйхушлик бермади. Кимгадир аччиқ қилгандай, ажиб бир жаҳд ва жаҳл билан юк ташишда давом этди.

Ундан андоза олгандай бошқалар ҳам миқ этмасди. Боя ичилган арокнинг кайфидан ном-нишон қолмаганди.

Кимсасиз сахрога тушиб қолгандай, Мурод ёмон сиқила бошлади. Шукур акага бот тирғалди. Хайтовур, бу сафар у тилга кирди.

— Қоч, мушайт қилма! — деди тўнғиллаб.

— Нима бўлди сизга, Шукур ака? — Мурод унинг йўлига қўндаланг бўлди. — Нима тобингиз йўқми?

— Қоч, деяпман!

— Айтинг энди.

Шукур ака уни айланиб ўтмоқчи бўлди. Бирок Мурод қўймади — йўлини тўсиб туриб олди.

— Айтақолинг, нима бўлди? — деди ялинчоқ оҳангда. — Йўғасам, тарс ёрилиб кетаман!

Шукур аканинг нигоҳига қўнган ғамгинлик секин-аста иддао билан алмашинди. Қаншари остидан Муродга зимдан тикиларкан, чуқур сўлиш олди. Сўнг дабдурустан деди:

— Мени... яхши кўрмас экан-ку. Нега шарманда қилдинг одамни?!

— Тушунмадим, — Мурод ҳайрон бўлди.

— Тушунмадимнинг нимаси! — Шукур аканинг овозига зарда инди. — Қилғиликни қилиб қўйиб, тагин тушунмадим дейсан-а, номард!

— Бирор нима тушунган бўлсам, тил тортмай ўлай, — Мурод елка учирди. — Очик... очикроқ гапиринг.

— Ия, ҳали эсингда йўқми? — Шукур ака унга ажабсиниб бокди. — Анову... анову Мадинани айта-япман-да.

— Э-э... ҳа-а... ҳали шунга қовок-тумшук кип юриб-сизми, — тунги ҳазили эсига тушиб, Муроднинг кулгиси қистади. Аммо Шукур аканинг эзгин ҳолати кулгуга изн бермади. Кадрли, жуда кадрли нарсасини йўкотган боладай ўксик киёфада мунғайиб турарди у. Бошда унинг бу ҳолати Муродга эриш туюлди. Шунга шунчами, нима ёш боламисиз, деб жеркиб ташламоқчи ҳам бўлди. Бирок Шукур аканинг янада махзун тортишини ва бугунги куннинг расво бўлишини ўйлаб, ўзини босди. Узр сўрамоққа чоғланган тили беихтиёр яна ёлғонга айланиб кетди: — Яхши кўради, рост, —

деди кўзларини бакрайтириб. — Бу борада сизга зигирча ёлғон гапирганим йўқ. Яхши кўради у сизни.

Шукур аканинг тунд ва ўқсик қиёфасида сезиларсезилмас жонланиш пайдо бўлди. Бунни пайкаган Мурод баттар отини қамчилади.

— Агар гапимнинг бирор вергули ёлғон бўлса, ҳар нарсга денг мени, — деди жўшқин бир тарзда. — Керак бўлса, қасам ичишим мумкин. Яхши кўради у сизни. Энди... севса севгуликсиз-да, Шукур ака.

Шукур ака гўдаклардай жовдираб, унга шубхаланиб бокди.

— Нега унда... — Шукур ака, итариб ташлади, деёлмади. Уялди. Томоқ кира-кира шундай деди: — Негга унда итдай талаб ташлади.

— Нима шуни сўрагани олдиға борибмидингиз?

Шукур ака индамади.

— Демак, борибсиз-да, а?

— Тунда чой ичай деб олдиға кирувдим, — Шукур ака ёнига сурилиб, юклар тахламига суянди.

— Сотибсиз-да, Шукур ака, — воқеани тусмоллаган Мурод кулишния, кулмаслигиния билмай, унга бир зум тикилиб қолди. — Намунча оғзингиз бўш бўлмаса. Айтдим-ку, гап ўртамизда қолсин деб.

— Сотмадим сени, — Шукур ака шошиб эътироз билдирди. — Бордим-да, яхши кўрмагин, дедим, холос.

— И-и, одамнинг соддаси-я! — Мурод тиззасига шапатилади. — Хўш, у нима деди?

Шукур ака юк тахламидан елкасини узиб, ерга бокди. Манглай терларини енги билан сидириб, сигарет тутатди. Орада Муродга бир-икки мунғайиб қараб қўйди. Саволга жавоб бермоқ нечоғли оғирлиги бутун вужудидан сезилиб турарди. «Кампири тушмагур каттик шахтини синдирганга ўхшайди», деб ўйлади Мурод ичи ачиб. Бундай пайтда чин ҳақиқатдан кўра ёлғон эртас қўл келишини англаб, гапни нимадан бошлашини билмай, у ҳам бир муддат гарангсиз қолди. Хайтовур, бунга Шукур аканинг ўзи изн топиб берди.

— Ким билади, чойини кизгандими, — деди ёлғон вайдан уялгандай, маъюс нигоҳини ердан узмай, — одамни ёмон беҳурмат қил ташлади.

— Кизик, — Мурод ажабланган киши бўлди, — жонимдан ортик яхши кўраман деб турган аёл қанака-сига сиздан чойини кизганиши мумкин? — У туйқусдан тутакқан бўлди. — Ҳозир бориб у билан гаплашиб кўяман!

— Шошма! — Шукур ака вагон соясига жойлашиб чекишга тутинганларга бир қараб қўйди-да, паст овоз-да сўради: — Менга қара, ростданам у мени... нима эди... яхши кўрадимми? — Тасдиқ ишорасидан сўнг у баттар таажжубланди: — Нега унда одамни хафа қилди у? Итариб... э, уришиб ташлади?

— Биринчидан, аёл кишига «мени яхши кўрмагин» дейилмайди, — деди Мурод кулимсираб. — Иккинчидан эса, яхши кўришини билдирмаслик учун шундай қилган. Тунов куни айтдим-ку, буни ҳеч ким, ҳатто Шукур аканг ҳам билмасин, деди деб. Нима, эсингиздан чиқдимми?

— Туфи-ий, шуям яхши кўриш бўлди-ю, — Шукур аканинг энсаси қотди. — Яхши кўрган одамини эшикдан итариб ташлайверар экан-да.

Бу гапдан Муроднинг жахли кўзиб, бир дамгина хазилни унутди.

— Ия, нега итаради, у?

Шукур ака этиги учи билан ер чизиб, аста хўрсиниб қўйди.

— Сиз индамай туравердингизми? — Муроднинг кийик кўзларида газаб учқунлаб, ўзи сезмаган ҳолда кўллари мушт бўлиб тугилди. — Солмадингизми жафига айлантириб!

— Аёл кишини-я?! — Шукур ака бошини кўтарди. — Эсинг жойидами?

— Дарвоқе... — Мурод пешонасига бир туширди-да, Шукур аканинг елкасига қўл ташлади. — Биласиз, сизга биров тегса, асаб ўйнаб кетади. Ўзимни туютолмай қоламан.

— Шунинг учун ҳам ўғлим дейман-да сени! — Шукур аканинг овози товланиб кетди.

— Демак, — Мурод тийиксиз ички бир қитмирлик исканжасида тагин гапни айлантиришда давом этди. — Холанинг хафалиги шундан экан-да. Эрталаб хонасига кирсам, хўнг-хўнг йиғлаб ўтирган экан. Ҳа, десам,

Шукур акангни ранжитиб қўйдим мен аҳмок, деди. Лекин итариб ташлагани хақида чурк этмади. Этганида ернинг кўзига ёпардимам-да.

— Итаргани йўк, — Шукур ака унинг пўписасидан хадикланиб, холани оқлашга тушди. — Остонага қокилиб тушдим.

— Қаттиқ тушмадингизми ишқилиб?

— Йўк-йўк, — Шукур ака беихтиёр кетини сийпа-лади.

— Лекин сизни жонидан ортиқ яхши кўради, — деди Мурод ундаги ғайри шуурий жонланишни зимдан кузатиб. — Агар ридинг-бидинг деяверсангиз, у ўзини бир бало кип қўйишданам тоймайди. Шукурсиз бир кун ҳам яшаёлмайман, деганини мана шу кулоқларим билан эшитганман.

— Йўғай! — Шукур аканинг овози титраб кетди.

— Факат сиз ҳеч нарса билмагандай, жимгина юраверинг, — Мурод унинг елкасига аста кокди. — Ўзи куйиб, ўзи ўлсин. Сизга нима.

— Кейин мен балога қоламан-да.

— Тушунмадим?

— Ўзини бир нима кип қўйса, мендан сўрашади-да.

— Нега энди?

— Нима қилсаям мени деб қилади-да, — Шукур аканинг юзига ташвиш ифодаси қалқиди. — Кейин кўрасан машмашани. Обруйимиз бир тийин бўлиб, ўрта ерда хотиндан балога қолади-да, одам. У тентакка айтиб қўйиш керак, ҳар хил хаёлларга бориб юрмасин. Маҳалламизда шундай бир воқеа бўлиб, роса бир ой изини суришган. Майли, улар ёшлар эди. Лекин ҳозир катталар ҳам гўр эмас. Биттаси кеннойинг. Бурнидан сал баланд гапирсанг, ўзимни поезднинг тагига ташлайман, деб кўрқитади. Бўлмаса аллақачон жавобини бериб юборардим. Туғмаслиги етмагандек, пўписаси ортиқча.

— Ҳа, кеннойим одам эмас! — Муроднинг чехрасига қаҳр инди. — Ундай хотиннинг онасини...

— Сўкма, — Шукур ака тумшайди. — Унча ёмон хотин эмас у.

— Нимаси яхши? — Муроднинг қалбидаги нафратга ўхшаш туйғу тишга кўча бошлади. — Эркак кишининг эркига қўймаган хотиннинг нимаси яхши? Сиз

аросатдаги одамсиз. Яшаб яшаёлмайсиз, ўлиб ўлолмайсиз. Доим хавотирда юрасиз... Э, кўйинг, кўп тилимни қичитманг.

— Нима қил, дейсан?

Мурод дўлворгина бу одамга ачиниб боқаркан, бирдан унинг севиб ва севилишини жуда-жуда истаб қолди.

— Севинг! — деди у шу истак оғушида тўлқинланиб.

— И-и, хазилингни кўй.

— Аммо Мадина хола ақлли экан, — деди Мурод хазилдан кўра истакка бўйсуниб. — Қўрқоклигингизни билиб, мухаббатини сир сақлаб келаяпти. Агар сиз журъатлироқ бўлганингизда, аллақачон бўйнингизга ташланишиям мумкин эди. Биладики, сизда юрак йўқ. Шунинг-чун, атай ёмон кўрган киши қилиб кўрсатади ўзини.

— Ҳа, у... қизлигидаям ўткир эди, — деди Шукур ака оғир сўлиш олиб. — Агар бошимга ёғоч билан урмаганида, уйланардим ҳам.

— Йўлига шунчаки урган-қўйган-да.

— Қанақа йўлига, — Шукур ака тушунмади. — Бир ҳафта бошимни чирмаб юрганман. Ўлдириб қўйишига сал қолган.

— Ана энди ўзи юрагини чангаллаб юрибди.

— Нима?

— Сизнинг ишқингизда юраги хун бўлиб юрибди деяпман.

— Сен бола, менга қара, — Шукур ака бирдан хушёр тортган одамдай, унга синчков тикилди. — Нукул яхши кўради деяверасан, барибир ҳеч нарса сезмаяпман-ку мен. Яхши кўрган одамнинг кўзи сал бошқачароқ бўлмайдими? Масалан...

— Масалан, қанақа?

— Қанақалигини қайдан билай, — Шукур ака манглайини қашлади. — Шу... бошқачароқ бўлади-да. Унинг кўзи эса доим бир хил. Олдига одам қиряптими, ит қиряптими... қараши доим бир хил.

Бу ҳақ гап олдида Мурод зигирча довдирамади.

— Мураббо-чи? — деди кўзларини лўқ қилиб.

— Нима, мураббо?

- Чой-чи?
- Нима чой?
- Ҳаммаси сиз учун-ку.
- Уни сенам ичаяпсан шекилли?

— Биздики энди... шолининг ортидан курмак сув ичгандай бир гап. Сиз бўлманг, чой тугул сув ҳам бермайди менга. Мана шунинг ўзи муҳаббат эмасми? Мураббони қошиқлаб урасиз, чойни ҳўриллатиб-ҳўриллатиб ичасиз, лекин бунинг ҳаммаси не важдан эканини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ёмон одамсиз, Шукур ака.

— Кўп мақтаверма, шуни, — Шукур ака енгил ҳўрсинди. — Мақтаганинг сари, яхши кўриб кетаяпманми дейман.

— Яхши кўришга арзийди-да. Қани энди, менгаям биров мураббо пишириб келса, атай оғзингга тутса, бошимда кўтариб юардим бундай аёлни.

— Сен ёшсан, олдинда ҳаммаси.

— Нима, сиз қаримисиз?

Бу гапдан Шукур аканинг чехраси гул-гул яшнаб кетди.

— Қари эмасмизу, лекин ёш ҳам эмасмиз-да, — деди мамнунлик билан.

— Ёшсиз, — деди Мурод катъий йўсинда. — Мадина хола яхши кўрибдими, демак, сиз ҳаммадан ёшсиз.

— Одамни уялтирма, — Шукур ака хижолатомуз илжайди. — Негадир одам уяларкан.

— Сиз уялманг, фахрланинг, — деди Мурод бўш келмай. — Сизни карангу Абдуллани каранг. Ёшларингиз деярли тенг, лекин у сиздан ўн-ўн беш ёш катта кўринади. Демак, сизда бир гап бор. Айтишади-ку, бир хил одамлар қаримайди деб. Сиз ана шу тоифадан бўлсангиз керак.

Шукур ака вагон соясида ўз майлида ҳўмрайиб сигарет чекиб ўтирган Абдуллага диққат билан разм соларкан, беихтиёр юзини сийпалаб кўйди. Ич-ичидан мамнунлиги шундоққина чехрасида акс этиб, оғзининг танобини йиғиштиролмай қолди.

— Сиз ҳатто Колядан ёш кўринасиз, — деди Мурод ундаги ўзгаришни синчков кузатаркан, қўлтиғига сув пуркаб. — Ишонмасангиз, ўзингизни ойнага соп кўринг.

— У энди.. арокни кўп ичади-да, — Шукур ака мамнунлигини яшириш учун Коляга ачинган бўлди. — Арок хуснни бўғади. Ичмагин, деб кўп айтаман унга. Кулоқ солмайди. Ёшлигида жуда хусндор йигит эди. Ичавериб рангини айнитиб кўйди. Ичишдаям ичиш бор. Масалан, мен кам ичиб, кўп ейман. У эса кам еб, кўп ичади. Натижада ранги айнимай, мен айнийми. Кейинги пайтда сенам шишанинг тубига кўп тикилади-ган бўл қолаяпсан. Кўп ичма, рангинг кетиб қолади. — У ўзи сезмаган ҳолда тагин юзини сийпалаб кўйди. — Рангингни сақла.

— Бетингиз қизболанинг юзидай тиник, — деди Мурод. — Шунинг-чун ҳам сизни хотинлар яхши кўради-да.

— Э, яна ким? — хайратдан Шукур аканинг кўзлари қаншарига чикиб кетди. — Одамни довдиратма кўп.

— Билганимни айтаяпман-да.

— Ким? — қизиқиш ва ҳаяжондан Шукур аканинг хатто қорнигача силкиниб кетди.

— Бу ёғи энди сир, — Мурод сигарет тутатди. — Мадина холага шунча ҳовлиқаяпсиз, бу ёғини эшитсангиз, биратўла ўлиб қўя қолсангиз керак. Юракни авайланг, Шукур ака, юракни.

— Юрак бақувват, хавотир олма, — Шукур ака унинг биллагидан тутди, айт. Ким?

— Ким эмас, кимлар, яъниким ишхонадаги жамики хотинлар.

— Ола-а, — Шукур аканинг юзидан қизиқиш ифодаси ариб, ўрнини иккиланиш эгаллади. — Пайқамайман-ку мен ҳеч.

— Пайқамаслигингиз табиий, — деди Мурод. — Чунки сиз кам эътиборли одамсиз. Чангитиб сўкишни биласиз, холос. Агар ўша хотинлардан бирини мен сўкайин-чи, нима қиларкин. Дархол ёкамни йиртади. Сизга эса чурқ этишмайди, кулибгина қўя қолишади. Ё ёлғонми?

— Гапинг чин, — Шукур ака ерга хаёлчан термулди. — Шунча сўксам ҳам фик этишмайди. Хотинларни гапирганинг сайин, ичим қизиб кетаяпти. Қани энди бирдан ёшариб қолсаму, танлаб-танлаб уйлансам.

— Мадина холага ўхшаганига, а?

— Нега энди Мадинага? — Шукур ака илкис қаради. — Нима, бошқаси куриб коптими.

— Сизга жонини хадя этмокка тайёр тургани ўшада, — Шукур аканинг тамомила ўзига келганига қанот ҳосил қилгач, Мурод гапни калта қилишга тиришди. — Тунов куни, Шукур акангга қараб юргин, ўзини кўп уринтирмасин у кишининг бармоғига санчилган зирапча юрагимга санчилган тигдай таъсир этади менга, деди.

— Ў-ў, ростданми? — Шукур ака тўлқинланиб кетди.

— Нима, қасам ичайми?

— Йўк-йўк, — Шукур ака култ ютуниб, унга жавдираб қаради. — Ишонаман мен сенга.

— Ишонсангиз, ўзингизга қараб юринг, — Мурод иддао қилди. — Тагин холадан балога қолиб юрмайин...

— Шундай дедими, а? — деди Шукур ака ўзига-ўзи гапирган оҳангда. — Вой, Мадинаси тушмагур-ей. Хотини билмасин, деб сасини чиқармас экан-да, бечора. Туриб-туриб раҳмим кеп кетаяпти унга. Лекин эри яхши одам эмасди. Менга тегса, бахтли бўларди. У жинни ҳеч гапдан-ҳеч гап йўк, ёғоч билан бошимга уриб ўтирибди. Қизлигидаям бировга сир бермасди. Дарди ичида эди. Қани энди, анову туғмас жодугар бўлмаса-ю, шартта уйланиб олсам. Сал бетгачопарлигини демаса, яхши хотин ўзи. Меҳрибон. Ўша ярамас эрининг устида ўлиб бўларди. Қорнинг оғрийди деб кўчанинг овқатини едирмасди. Ўзи пишириб, куйдириб келарди. Бизди хотинлар... ўлиб қолганинг билан иши йўк. Кеча белимни укалаб қўй десам тутқаноғи тутиб шундай ўшқириб бердики, қочгани жой тополмай қолдим. Мадина ундай эмас, қара, мурабболар пишириб келаркан менга... Вей, Мадинаси тушмагур-ей! Фақат айтиб қўйиш керак, ўзига бир нима кип юрмасин тагин. Яхши гапгайм, ёмон гапгайм фаришта омин дейди...

* * *

Тушликда Шукур ака кутилмаганда ҳаммани хурсанд қилди. Четрокдан жой танлаб, энди овқатла

шишага ўтирганларида, боя аллақаергадир гум бўлган Шукур ака тўсатдан пайдо бўлиб қолди. Қўлтиғида шиша ўзи қўлидан қўймай кўтариб юрадиган пахталик, негадир ранги сал оқаринкираган, кўзлари ўйчанг жаланглар, кепкаси чап томонга сурилиб қолганди. У бўш ўриндиққа чўкиб, қўлтиғидаги пахталикни майлаброк четга қўяркан, кўз кири билан стол бошида ўтирганларни бир-бир кузатиб чиқди-да, овқатга қошиқ урди. Шўрванинг мазасини тотган бўлди. Сўнг бир ён энгашиб, пахталик орасидан бир шиша вино олди. Шиша каттагина эди. Ошиқмай овқатланишгаётганлар бир овоздан «о-о» деб юборишди. Шукур ака, жим, дегач, вино шишаси Абдулланинг тиззасидан жой олди. Коля енгилгина сакраб туриб, бешта стакан кўтариб келди. Абдулла атрофга ўғринча аланглаб, уларга қўлтиллашиб вино қўйди. Иш пайтида ичиш қатъиян ман қилингани учун, ортикча шовқинсиз ичдилар. Лекин кейин маза қилишди. Винонинг кайфидан қулф-диллари очилиб, ҳузур қилиб овқатланишди, чойлашишди, ҳазил-ҳузул қилишди. Аммо Муроддан бўлак ҳеч ким Шукур аканинг алланечук дилгир кайфиятда ўтирганини сезмади. Шунингдек, столда нечук винонинг пайдо бўлиши ҳам ҳозирча сирлигича қолди.

Одатда Шукур ака бригадани бирор-бир қувончли воқеа эвазига ичимлик билан сийларди. Сийлаганида ҳам бугунгига ўхшаб тушда эмас, ишдан сўнг қиларди бу ишни. Не вайдан меҳмон қилаётганини ҳамма билиб, кўриб турарди. Шунга қараб муомала қилишар, йўлига эса-да, у-бу сўзлар айтишарди. Бирок бугунгиси номаълум эди. Бу ҳақда Шукур ака сўз очмагандек, бошқалар ҳам айтарли даражада кизикмаётган эди. Сабаби, умумий кайфиятга соя солувчи вазият юзага келган, яъни тушдан сўнг йиғилиш бор эди. Йиғилиш-ни ишчилар жинидан ёмон кўришар, ўзларига қолса, олтмиш-етмиш киши базўр сифадиган чоғроққина залга ўлақолса киришмасди-ю, лекин Ўнар найнов қўймасди. Дарвозада туриб олиб, хаммани ичкарига ҳайдарди. Ҳозир ҳам ишчиларнинг овқатланиб бўлишини кутиб, дарвоза ёнида зўр-чидам билан нари-бери бориб келарди. Кираверишдаги, чап қўлдаги доскада бугунги

йиғилишнинг кун тартиби илова қилинган, бироқ уни ҳеч ким ўқимагани аниқ эди.

Туравериш жонига тегди шекилли, Ўнар найнов ўша ёқдан туриб тикилинч қилиб қолди.

— Тезроқ тугатинглар, э!

Йиғилишга кирмасликнинг эвини тополмай ўтирганларга бу гап яхши баҳона бўлди. Улар ҳар томондан ёпишиб кетишди.

— Овқатлангани кўясанми-йўкми! — дея кичқирди кранчилар бригадасидан кимдир.

— Нима шундан бошқа ишимиз йўкми, — дея уни қувватлади машинистлар.

— Қачон карама, меҳнат интизоми масаласи... — дея бақирди созловчилардан бири дарғазаб бўлиб. — Рости жуда жонга тегиб кетди! Мажлисга тўясанларми-йўкми?!

Оғзига озгина тегиши билан ажабланарли тарзда рухланиб кетадиган Абдулла ўзича хазил қилмоқчи бўлди.

— Ур! — дея тўсатдан бўқирди-да, столга бир мушт туширди. — Мушт турганда муомала нимага керак. Ур!

Ҳазили ўринсиз эса-да, лекин қилиғининг оқибати жуда кулгули чиқди. У столга мушт туширганда, қўли тегиб кетиб, косадаги қошиқ учиб бориб Ринатнинг пешонасига тегди. Ринат додлаб, ховли кулгуга тўлди. Бу хил қизик ҳолни кутмаган Коля куламан деб стулдан ағанаб тушди. Шукур аканинг жаҳли чиқиб, ҳаммани ҳайдаб солди. Муродни эса олиб қолди.

Мурод чойни янгилаб келганда, Ўнар найнов иккинчи бор тикилинч қилди. Аммо ишчилар атайин имиллашар, ройишлари бўлмаса-да, чойга ружу қўйишарди.

Шукур ака чойдан ҳўплаб, теvarакка бир қур разм солди-да, аста Мурод томонга эгилди.

— Холанг мендан жуда хафа шекилли? — деди оҳиста. — Боя юзини терс ўгириб кетди. Ковок-тумшук осилган, худди мен еб, у қурук қолгандай.

— Нима? — Мурод иссиқдан нолиб, елпинди.

— Мадинани айтаяпман, — Шукур ака овозини яна пастлатиб, атрофга тезгина аланглаб олди. — Боя винога чиқувдим. Силарни бир хурсанд қилай дедим.

да. Қайтаётиб Мадинани кўриб қолдим. Кўриб кўрмас-
ликка олди ўзини. Ёмон кўриб қолганга ўхшайди мени.
— Ёмон кўрмаган, — Мурод, ўзида ҳазилга иш-
тиёқ сезиб, шўхчан кулимсиради. — Шунчаки маски-
ровка қилаяпти.

— Нима деганинг бу?

— Ниқоб.

— Шунақасиям бўладими? — Шукур ака қаддини
тиклаб, унга ҳайрон тикилди. — Холангни қилиғи
кўпми дейман?

— Албатта. Нима, яхши кўришимни Шукур аканг
билмасин, дегани эсингиздан чиқдим.

— Билдирмаса, яхши кўриб нима қилади?

— Билдиришини истайсизми?

Шукур ака индамади.

— Биров билмасин деб роса типирчилаган ўзин-
гиз-ку, — деди Мурод. — Энди эса... Сизгаям тушуниб
бўлмай қолди.

Шукур ака тагин чурқ этмади. Бир нима топадиган-
дай пиёладаги чойга тикилиб ўтираверди.

— Хоҳласангиз, айтаман. Билдиради.

— Биласанми, — Шукур ака пиёладан кўзини
узмай, чуқур ҳўрсинди. — Шу-у... нима десам экан...
айтишгаям одам қийналади... ҳалиги... холанг қовоғини
уйгани сайин, — у бармоқларини ғалати-ғалати ҳара-
катлантирди. — Юрагим ўз-ўзидан мана бундай-мана
бундай ўйнаб кетаяпти. Айниқса, боя кўрганимдан
кейин бутунлай бошқача бўлиб кетдим.

— Кўзингизга бошқача кўриниб кетдими?

Шукур ака кўзларини катта-катта очиб, тасдиқ ишо-
расини билдирди.

— Бу — муҳаббат! — деди Мурод қизғин. —
Сиз... севиб қопсиз!

Шукур ака қизариб бошини эгди. Шу алфозда ҳўрил-
латиб чойини ичди. Кейин унга хижолатомуз кўз кирини
ташлаб қўйди.

— Кейин орқангиздан қараб қолгандир? — деб
сўради Мурод «ўйин»га кучли иштиёқ сезиб.

— Қайдам, уйчасига кирди-ю қетди.

— Деразадан қараган...

— Нега?

— Коидаси шунака, — деди Мурод. — Севган одам сездирмай қарашни яхши кўради.

— Энди нима бўлади, а, Муродвой? — Шукур ака унга жавдираб тикилди.

— Нима бўларди, — деди Мурод ишонч билан. — Ортиқ чидаёлмай охир бир кун юзидан маскани обташлайди-да, сизга юрагини очади.

— Қачон?

— Яқинда, — кулгусини жиловлаш учун Мурод лабини қаттиқ тишлади. — Лекин мен... шу кеннойини ўйлаб турибман-да.

— Кеннойингни қўй, — Шукур аканинг афти кескин ўзгарди. — Онасини ўшани... Қачон?

— Нима қачон?

— Қачон?... — Шукур ака юзини сидирганнамо ҳаракат қилди.

— Маскани айтаяпсизми?

Шукур ака бош ирғади.

— Айтдим-ку яқинда деб. Хола, ортиқ чидаёлмайман, охири Шукурга билдираман, дегандай бўлувди.

— Демак, бу шунчаки... нима эди? — Шукур ака кафтини юзига босгандай ҳаракат қилди.

— Маска, — деди Мурод.

— Қай гўрлардаги гапларни топасан-а, — Шукур ака, гапимизни ҳеч ким эшитмаяптимикиан, деган маънода атрофга хавотирли қараб қўйди. — Ўзбекчаси нима эди?

— Ниқоб.

— Ҳозирги юриши шунчаки ниқоб дегин? — Шукур ака негадир бирдан жонланиб кетди. — Ичидан куйса-да, ташида билдирмайди дегин?!

— Албатта.

— Лекин ёмон кийналаётган бўлса керак, — деди Шукур ака ички бир ачиниш билан. — Ранги анча кетиб қопти.

— Севмоқ осонми.

— Демак, бу ниқоб дегин?! — Шукур ака ўзича гўлдираб, кўкракларини очиб ташлади. Теваракка мағрур назар солиб, димоғида аллақандай қўшиқни гўнғиллаб, яна ўша гапни такрорлади: — Демак, бу... ниқоб дегин!

— Ниқоб-ниқоб, — деди Мурод унинг ҳаракатларидан ажабланиб.

Шукур ака унга эътибор бермай, ўзича гапиришда давом этди.

— Мен аҳмоқ не ҳаёлларга бориб юрибман-а. Ўйлабманки... Кеча ҳаёлимда ҳеч нарса йўқ эди, бугун эса... Юрагим ҳам тинч турмай қўйди. Дукурлагани-дукурлаган. Одамзод қизиқ-да, — шундай деркан тўсатдан у Муродга юзланди: — Сен анову қорагина қизни кўрганингда, юрагинг шунақа бесаранжом бўладими?

— Ў-ў! — Мурод чап кўксига кафтини босиб, у ён-бу ён чайқалди. — Ёшимиз бир жойга етиб, менки шунчалик қийналаяпман, сенга тоза азоб бўлса керак.

— Азоб-азоб.

— Барибир бир кун очилади дегин? — Шукур ака елпиниб, атрофга яна бир қур мағрур назар ташлади. — Вей, Мадинаси тушмагур-ей, юрагингда шунча дардинг бор экан, нима қиласан мендан яшириб, очавермайсанми!

— Кеннойим билмасин дейди-да.

— Қўй, ўшани! — Шукур аканинг, нордон нарса егандай, афти бужмайиб кетди. — Эс... эслатма шуни!

— Хўп.

— Демак, бир кун келиб очилади дегин? — Шукур ака роҳатланиб керишди. — Вей, Мадинаси тушмагур-ей!

Шукур ака йиғилишга кирганида ҳам юқоридаги гапни бир неча марта такрорлади-да, сўнг ҳар сафаргидек, секин пинакка кетди.

* * *

Йиғилиш одатдагидек, зерикарли тарзда давом этарди. Бошда меҳнат интизоми масаласи кўрилди. Ҳафта бурун юз берган бир ножўя ҳодиса эзмаланиб атрофлича муҳокама қилинди. Кейинги мавзу эҳтиёт қисмлар етишмаслиги ҳақида борди.

Айни шу жойда Шукур ака уйғониб кетди. Шишган ковокларини зўрга очиб, ён-верга лоқайд боқаркан, бошини Муроднинг елкасига қўйиб, тагин пинакка ҳозирланди. Кўзларини юма-юма, тамшанганча, шунчаки сўради:

значок эди у. Кўз ўнгингизда ўсиб-улгайдим, орден олсам билмасмидингиз. Бунинг устига орден ҳаммага хам берилавермайди». «Кимга берилади?» «Меҳнатда намуна кўрсатганларга». «Нима биз пашша кўриб юрибмизми?» «Хўш, нима қил дейсиз?» «Пенсиягача битта урден тўғрилаб бер энди, — Шукур ака унинг қўлидан тутди. — Биттагинаси етади менга». Ўнар найнов баҳс фойдасизлигини билиб, қўлини кўксига қўйди: «Хўп. Қулай имконият туғилиши билан тўғрилаб бераман. Бўлдимиз?» «Бўлди, — орден эрта-индин қўлига тегадигандек, Шукур ака жиддий таъкидлади. — Фақат эсингдан чикмасин!»

Бу воқеа эрта баҳорда юз берганди. Шукур ака бир ҳафтача орден жинниси бўлиб юрди-да, сўнг эсидан чиқазганди.

Мурод ҳозир ўша воқеани назарда тутиб, секин шипшиди:

— Орден улашишаяпти.

— Нима? — Шукур аканинг кўзлари ярқ этиб очилди-да, боши Муроднинг елкасидан илкис узилди. — Урден дедингми?

— Тис-с! — Мурод бармоғини лабига босди. — Шовқин солманг.

Шукур ака атрофга аланг-жалаң қараркан, яна Муродга ёпишди.

— Урден бераяпти дедингми?

— Ҳа.

— Кимга беришди.

— Беришгани йўқ, беришмоқчи.

— Кимга беришмоқчи?

— Абдуллага.

— Менга-чи?

— Йўқ, — Мурод бош чайқаркан, секин деди: — Лекин биттасини тақиб, Мадина холанинг олдига кўкрак кериб борсангиз жуда зўр иш бўларди-да.

— Мадина холангни қўя тур, — Шукур ака ўтирган жойида безовта типирчилаб, бўйнини чўзиб олдинга тикилди. — Абдуллага теккан урден нега менга тегмас экан? Вей, онангни...

Худди шу пайт бекат бошлиғи гапини яқунлаб, жойига бориб ўтирганди.

Шукур ака кутилмаганда чаккон ўрнидан кўзгалдида, ўнг қўлини шоп қилиб деди:

— Менга қара, начайник! Нима, мен сенга ердан чиққан кўзикоринманми?!

Бутун зал дув этиб унга ўгирилди.

— Нима гап, Шукур ака? — Ўлмас хайрон бўлди.

— Нима гаплигини сендан сўраш керак! — деди Шукур аканинг ғазаби тошиб. — Абдуллага теккан урден нега менга йўқ? Нима, унинг шохи борми? Ё мен ундан кам ишлабманми?

— Қанақа орден? — Ўлмас янада ажабланди. — Шукур ака тўғриси ҳеч балога тушунмаяпман.

— Бизга қолганда ҳеч нимани тушунмайсан! — Шукур ака оғзидан тупук сачратиб баттар бақирди. — Урденни эса бошқаларга берасан.

Ўлмас елка қисиб, гоҳ залдагиларга, гоҳ ёнида ўтирганларга қаради. Барча ханг-манг эди. Мудраб ўтирган Абдулла хушёр тортган эса-да, хануз ҳеч насага тушунмай анграйиб турарди. Шукур ака унга еб қўйгудек қараб қўйиб, яна сўзида давом этди:

— Урденнинг зўри Абдуллага, Шукурга эса ҳемири экан-да, а! Бу алкаш нима каромат кўрсатибдики, урденнинг зўрини олса! Дунёда ҳақиқат борми ўзи?!

«Алкаш» сўзини эшитиб, Абдулланинг жони чиқиб кетди. Ўтирган жойида ортига ўгирилиб, тутақиб бўқирди.

— Ким алкаш, ув-в?

— Жим ўтир сен! — Шукур ака унга қўлини силтади. — Сенга эмас ановуларга гапиряпман. Нега аралашасан! Тек ўтир жойингда!

— Нега алкаш дейсан?

— Алкаш бўлмай кимсан? — деди Шукур ака. — Тағин урден олганларига ўлайми! Алкаш!

— Қанақа орден? — Абдулла хайрон бўлиб, ён-атрофга аланглади. — Нима деб валдираяпти бу?

Ҳазилнинг бу қадар жиддий тус олишини кутмаган Мурод шошиб қолди. Шукур акани тинчлантиришга уринди. Аммо Шукур ака уни силтаб ташлади.

— Ўлмас! — деди босик ва бегона овозда. — Ув-в, начайник! Мен бу ернинг тупроғини ўттиз беш йилдан бери ялаб келаман. Мен ишга кирган йилим туғилган

болалар hozир ўттиз бешга кирди. Тушунаяпсанми, ўттиз бешга! Ўттиз беш йиллик стажи бор мендай рабoчийни нега битта орденга тенгситмайсан, а? Урденни зўрларини хар гал ўзларинг олиб, мени бармок учидай такинчок билан алдаб келдиларинг. Нима деган гап бу ўзи, а? Агар урден бермасаларинг эртагаёк ишдан бўшаб кетаман. Минг ялинсаларинг ҳам қайтмайман!

— Шукур ака, орден масаласи бугуннинг кун тартибиди йўк, — деди Ўлмас. — Иккинчидан эса...

— Бир-иккингни қўй, — дея унинг гапини бўлди Шукур ака. — Менга урден берасанларми-йўкми? Шундан гапир!

— Шукур ака, нима бало, жинни-пинни бўлиб қолдингизми? — деди Ўлмаснинг каватида ўтирган Ўнар найнов. — Тинчликми, нега дабдурустан тутканорингиз тутиб қолди? Сал ўзингизни босинг!

— Сен тек ўтир! — деди Шукур ака. — Мен начайник билан галашаяпман. Урденни олиб, имижимида сандикқа ташлаб қўйиб, тагин нега аралашасан сен. Сандикда сакламай, мана бизга ўхшаш камбагалларга бер, маза қип тақиб юрайлик. Иш қилган бу ёкда қолиб, нега энди урденни ишёкмас алкашлар олиши керак. Қаердан чиққан закун бу ўзи!

Бошда сув сепгандай жимлик чўккан зал секин-аста жонлана бошлади. Кимдир пикирлаб кулди. Кимдир уни жеркиб ташлади. Ўнар найнов охири воқеани англаб, Муродга жиддий тикилди. Муштини кўрсатди. Кейин Ўлмаснинг қулоғига нимадир деб шивирлади, чамаси, воқеани англатди. Ўлмаснинг юзига табассум югуриб, ўрнидан турди.

— Ўртоқлар! — деди жилмайишдан зўрға ўзини тийиб. — Ҳақиқатда бу масалани биз анчадан буён ўйлаб юрибмиз. Йилнинг охирида бир неча кишини орден ва медалларга тавсия қилмоқчимиз. Шулар орасида сиз ҳам борсиз Шукур ака. Кўнгилни бузмай ишлайверинг.

— Йил охирида дейсанми? — Шукур ака хиёл бўшашди. — Унгача ким бору ким йўк. Менга hozир беринглар. Кабинетингдаги темир ишкафингни титкилаб кара, бирор бурчакда ётгандир биттаси.

— Хеч вако йўқ, — Ўлмас кулди. — Бўлмаса хозироқ кўкрагингизга тақиб кўярдим. Сабр қиласиз энди.

— Хай, — Шукур ака батамом бўшашди. — Нақди бўлмаса, насиягайм кўнаверамиз. Ишқилиб, берсаларинг бўлди. Абдулла олиб, мен қуруқ қолмайин, дейман-да.

Шукур ака жойига ўтириши билан Абдулла унга ўдағайлаб кетди.

— Менга қара, нега мени алкаш дединг?!

Шукур ака ўзини эшитмаганга олди. Аммо ҳақорат қаттиқ ботган экан шекилли, Абдулла тинчимади.

— Боя оберган винонгни юзимга солаяпсанми? — деди тутакиб. — Бўпти бундан кейин ичмаганим бўлсин! Пасткаш!

— Ўзинг пасткаш! — Шукур ака юзини терс ўғриб олди. — Алкаш, ничасная!

— Нима-нима! — Абдулла ўрнидан туриб кетди. — Нима дединг, қайтар! Вой, ўрисча билган сени...

Шукур аканинг сўкиши уникидан ошиб тушди. Абдулла ёнидаги одамларнинг тортқилови остида қайтиб жойига ўтираркан, чақалоқнинг бошидай муштини дўллайтирди.

— Ташқарига чиқкин ҳали!..

— Нима қилардинг? — Шукур ака Муродга ишора қилди. — Муродга айтаман этингни бурдалаб кўяди.

— Ўртоқлар-ўртоқлар! — Ўлмас можарони кулимсираб кузатаркан, сув тўла графинга қалам билан урди. — Ёш бола бўлманглар. Жанжаллашган одамга орден йўқ.

Бу гап Шукур акага қаттиқ таъсир қилди. У қаддини ростлаб, мактаб боласидай одоб сақлаб ўтирди. Абдулланинг пўнғиллаб сўкишларига парво қилмади.

У йиғилиш охиригача шу созда ўтирди.

Залдан чиқаётиб айтган гапи шу бўлди.

— Урденни бугун берганларида зўр бўларди-да, — деди Муроднинг биллагидан тутиб. — Эртан ишга тақиб келардим, соз костюмимни кийиб. Холаи кўриб роса хурсанд бўларди.

Ховлига чиқишгач, Абдулла Шукур ака билан ёқалашмади. Одатдагидек, яъни, гўё ўртада ҳеч нарса юз бермагандек, бирга ўтириб сигарет тутатдилар, аҳамиятсиз нарсалар ҳақида сўзлашдилар. Агар Ринат ўртага суқилмаганда, йиғилишда юзага келган низо қайтиб эсланмаслиги ҳам мумкин эди. Оғайниларнинг жанжали кўпинча дўқ-пўписадан нарига ўтмасди.

Уларнинг донга тўйган мусичадай мўмингина бўлиб ўтиришларидан Ринатнинг кулгуси кистади шекилли, аста келиб тирғалди:

— Ҳа, муштлашмайсиларми? — деди хиринглаб. — Боя вазоҳатларинг... жа-а ёмон эди-ку, а.

Шукур ака пашша кўригандай уни нари ҳайдади.

— Бор-бор! Тумшуғимнинг тагида кўп ўралашма! Калтак еб қоласан!

— Судьялик қилмоқчи эдим-да, — Ринат баттар хиралик қилди. — Қани, муштлашмайсиларми энди! Ўзим судья. Лекин ҳалол судьяман. Бошланг, Шукур ака.

Абдулла унинг юзига синчков тикиларкан, воқеани дарров фаҳмлади.

— Фу-у, отиб опти-ку бу, — деди пўнғиллаб.

Бу гапдан Шукур ака сергак тортди.

— Бориб бирпас ухла! — деди ён-верига аланглаб. — Раҳбарлар кўрса, яхши бўлмайди. Бор!

— Кўрса кўрар, — Ринат енгил чайқалиб унга янада яқин келди. — Бригадир қуйиб берди дейман, ўз қўли билан...

— Маҳаллага тушиб чиққанга ўхшайди, — Шукур ака тўнғиллаб сўкинди. Сўнг Муродга юзланиб деди: — Обор бунӣ. Раҳбарларнинг кўзига кўринмасин. Эртаиндин урден оладиган одаммиз, шаънимизга яхши бўлмайди.

— Орден? — Ринат қийкириб куламан деб гандираклаб кетди. — Бериб бўпти сизга. — У сўлагини базўр йиғиштириб, бош бармоғини икки бармоғи орасидан чиқариб, Шукур аканинг нақ бурнига такади. — Мана сизга орден!

Шу орада Мурод келиб, унинг қўлтиғидан тутди-да, диконглатганча кийиниш хонаси томон етаклаб

кетди. Шукур ака унинг ортидан койиниб қоларкан, охирги сўзини алоҳида таъкидлади.

— Алкаш!

Айни шу сўздан сўнг Абдулланниг қовоғи осилиб кетди.

— Шукур! — деди ўпкаланиб. — Боя мениям шундай деб сўкдинг-а! Алкаш дединг-а! Ёмон хафа килдинг мени.

— Ҳазиллашувдим, — деди Шукур ака сиртига сув юктирмай. — Нима ҳазиллашиб ҳам бўлмайдимиз энди.

— Ҳазил бундай бўлмайди-да, ўртоқ, — Абдулла чуқур хўрсинди. — Уйда хотин айтади, бу ерда сен... нима келишиб олганмисилар? Одамнинг кўнглига тегадям демайсан. Қаттиқ хафа бўлдим лекин мен.

— Хафа бўлма.

— Ҳар икки гапнинг бирида хотин шундай деб тургандан кейин, бу ёқда, оғайним бўла туриб, сен аямаганингдан кейин... одам хафа бўлади-да.

— Ундай хотиннинг бахридан кеч, — деди Шукур ака жиддий йўсинда. — Бошқа бирини топ-да, этагидан маҳкам тут. Дунёга икки бор келмайсанку ахир. Нима қиласан ўзингни қийнаб.

— И-и, ҳаммаси бир гўр.

— Бир гўр эмас.

— Сен айтмагин, хўпми?

— Нимани?

— «Алкаш» демагин дейман.

— Хўп, бошқа айтмайман.

— Боя чиқиб муштлашмоқчи эдим. Қарасам, минг йиллик оғайнимиз. Ўзимни босдим.

— Мурод кўяр сенга.

— Мурод... менинг ҳам укам.

— Унда... ҳадеб урден деяверма-да сенам.

— Деганим йўқ.

— Дегансан, — Шукур ака ишонмади. — Демасанг, қаердан чиқди, бу гап? Раз шундай дейишган экан, раз сен оғайним экансан, аввал Шукурга беринглар демайсанми. Шундай демаганингдан кейин, албатта, жаҳлим чиқади-да.

— Ўша орденнинг менга ҳеч кераги йўқ, Шукур, — деди Абдулла. — Нима фойдаси бор унинг менга.

— Фойдаси бор экан, — деди Шукур ака сирли оҳангда. — Мен... секин билиб олдим.

— Менга деса ўнга олмайсанми, ишим нима.

— Ундан кўра кулоқ-чаккамга яхшилаб бир тушир, лекин «алкаш» дема. Одамнинг хўрлиги келаркан. Хотин шундай дегач, қаҳрим келиб, қасддан ичаман...

— Хайда! — Шукур ака қатъий таъкидлади. — Кетига бир тепиб хайдаб юбор.

— Кимни? — Абдулла хайрон бўлди.

— Хотинингни.

— У мени хайдаб юборар, шусиз ҳам тўрт кундан бери уйга киролмай юрибман, — Абдулланинг боши маъюс эгилди. — Сен уни билмайсан...

— Унда сасингни чиқармай юравер.

Абдулла уни энди кўраётгандек, хайрат аралаш тикилди.

— Бугун жуда ботир бўп кетаяпсанми?

— Тушунмадим.

— Хотиндан кўркмайдиган одамдай гапиряпсан-да.

— Кўркмайман мен хотиндан!

Абдулланинг хайрати баттар ошди.

— Сен-а?

— Ҳа, мен! — Шукур ака нописанд бир қиёфада чиртиллатиб ерга тупурди.

— Тортган одамдай гапларинг ғалати.

— Биласан, сигаретдан бошқасини оғзимга олмайман.

Абдулла, кўзлари пирпираб, унга бошдан-оёқ тикилди.

— Ё... кайфинг борми?

— Нима деганинг бу?

— Гапларинг пиён одамникидай... — Абдулла шубҳаланиб, унга қайта-қайта тикилди. — Ростданам кайфинг йўқми?

— Сенга бир нима бўлдимми бугун? — Шукур аканинг ғаши келди. — Нега пиён бўларканман.

— Қайдам, — Абдулла елка қисди. — Гапларинг тушуниксиз. Бошқача одам... бўп қолгандайсан. Илгари бундай эмасдинг. Хотинидан зир титрайдиган одам бирданига кўркмас бўлиб қолса, киши хайрон бўлади-да.

— Бекор гап, — Шукур ака атрофга мағрур назар ташлади. — Хотиндан қўркмайман мен.

— Сен-а? — Абдулла баттар таажжубланди. — Йў-ўқ, бир нима бўлган бугун сенга. Ё... тортгансан, ё ҳақиқатдан юрагингга қувват инган.

— Бошни қотирма! — Шукур ака жеркинди. — Аввал қандай бўлсам, ҳозир ҳам шундайман.

— Қизик... — Абдулла нима деярини билмай бошини қашлади. Бошини қашлай-қашлай, унга кўз остидан қаради. Аммо ортиқ сўз қотишга ботинмади.

Шукур ака сигарет тутатиб, қўлларини икки ёнга — ўриндик суянчигига ташлаганча, оёқларини чалиштириб ўтираркан, унга нописанд назар ташлади.

— Сен у, хотиндан қўрқадиган, — деди димоғида. — Биз... қўркмаймиз! Тўғри, олдин қўрқардим. Негадир энди қўркмайдиган бўп қолаяпман, — шундай деркан у бирдан ўз-ўзидан хайрон бўлди. — Нега қўркмайдиган бўп қолаяпман, а, Абдулла? Ростки, нима бўлаяпти ўзи менга? Ҳозир хотиним кўзимга худди пашшадай кўриниб қолаяпти. Пуф, деб учириб юборадигандайман.

— Демак, тортгансан, — деди Абдулла. — Тортган кезлари, Ринат ҳам шунақа қўркмайдиган бўлиб қолади. Кўзлари қизариб, инсон зотини бир тийинга олмай кўяди. Сенам тортибсан-да.

— Тортмаганман.

— Унда... нега қўркмайсан?

— Шунки ўзимам билмаяпман-да.

— Тортмаган бўлсанг, — Абдулла елка қисди, — бунинг устига, қўркмасанг билмадим унда.

— Нимани биласан унда? — Шукур аканинг зардаси қайнаб, қўлларини йиғиштирди. — Уни сўраса — йўқ, буни сўраса — йўқ, манову каллани нега кўтариб юрибсан ўзи.

Абдулла гуноҳкорона бошини эгиб, энсасини қашлади.

Шукур ака пича тутаккан бўлди-да, сўнг унинг биқинига бир туртди.

— Болаларни йиғ! — деди. — Коля қани? Чақир уни! Ринатга тегманглар, пича мизғиб олсин. Йўқса, минғирлайвериб жонга тегаети. Нима, Мурод унга кўши-

либ пинакка кетдими дейман? Коля кайси гўрга йўқолди? Коля!

— Мен бу ёкдаман, — айвон тарафдан Колянинг овози эшитилди. — Нима дейдилар?

— Ишга! — деди Шукур ака ўрнидан енгил кўзгалиб. — Одамларни йиғ-да, иккинчи базага бошла. Мен хозир келаман.

У шўрлик Абдуллани ханг-манг колдириб, дарвоза томон йўналди. Боши тик, кадам олишлари ёш йигитларникидай дадил ва ўктам эди.

* * *

Унинг кириб келиши Мадина холани зигирча ажаблантирмади. Бекат ишчиларининг уруши — дока рўмонинг қуришидай гап, бугун ёқалашиб эртасига ярашиб кетаверардилар. Шунга қарамай, Мадина хола кечаги можарони унутмаган, шекилли, пайпогини тўқиб, тумтайиб ўтираверди.

— Эшитдингми, менга урден беришмоқчи, — деди Шукур ака этигини останадаги намлаттага ҳафсала билан артаркан, томдан тараша тушгандай қилиб. — Зўридан...

Мадина хола кўзойнаги устидан хушламайгина қараб қўйди.

— Нима қилай шунга? — деди сўнг.

— Қувонгин деб айтаяпман-да.

Хола ажабланиб, яна қараб қўйди. Лекин индамади. Ўзича ичи ачиб ўйлади: «Бечора қарияпtimi, дейман, эси кирди-чикди бўлиб қолаяпти. Тунов куну-ку аллабалолар деб бошимни қотирувди, эндигиси эса умуман куракда турмайди. Тавба, бу орден олса, нега мен қувонишим керак? Ё аламинг келсин дея, устимдан кулмоқчимиз?» У Шукур акага шубҳаланиб тикилди. Унинг кўзларида бу хил маънони ўқимагач, хотиржам тортиб, тагин ишга тутинди.

Холанинг эпчил қўл ҳаркати Шукур аканинг диққатини тортди. Бир муддат томоша қилган бўлди.

— Шу менгаям битта пайпоқ тўқиб берсанг бўлармиди, — деди кейин холанинг жим ўтиришидан хиёл оғриниб. — Кечалари чап оёғим ўқтин-ўқтин зирқи-

раб оғрийди. Магазинди пайпоғи ҳеч нимага арзимайди. Зўридан битта тўкиб бер.

— Нима хотинингни кўлига чечак чиққанми, — деди хола тўрсиллаб. — Айт, тўкиб берсин.

Бу гапдан Шукур аканинг юзига шум ифода қалқиди. Қизғанаяпти, деб ўйлади мағрурланиб, қизғанмаса, бундай демасди. Қара, хатто қовоқлари осилиб кетди. Ҳа-а, қовоққинангдан сени! Ҳозир шартта туриб, бетидан битта ўпиб олсам нима қиларкин? Шартта бўйнимга осилиб олса керак, Шукуржон деб. Лекин мен ўпмайман. Бу таранг қилганда, нега мен юмшашим керак. Ўпмайман. Худди ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдай бирпас ўтираману, кейин айтадиганимни айтиб чиқиб кетаман. Мадина, дейман, майли, мени истаганча яхши кўр, лекин зинҳор-базинҳор жонинга қасд қила кўрма, гап кўпаяди, дейман. Кўзимни яшна-тиб олдимда юравер дейман. Сенсиз менга ҳаёт қоронғи дейман. Йўқ, бунисини кейин айтаман. Ё олдин битта ўпиб олсаммикан? Йўқ, бўлмайди. Ўлиб турган экан деб ўйлаши мумкин. Аммо бу зўр артист экан, суйиб, суймагандай бўлиб ўтиришини қара бунинг. Артистлик қилгани сари, тобора яхши кўриб кетаяпман. Ўзича куйдирмокчи бу мени. Ҳа, қовоққинангдан!

У шу хаёллар оғушида чўнтагидан сигарет олди. Бироқ хола хонада чекишга рухсат бермаслигини эслаб, кўлидагини чўнтагига солди.

— Шу бир жуфт пайпоғингга қанча тўлашади? — деди кейин гапни нимадан бошлашни билмай.

— Ҳар хил, — деди хола. — Катта-кичиклигига боғлиқ.

— Масалан, кўлингдагига қанча тўлашади?!

— Неварамга бу, — Мадина хола бурнини енгил тортиб, жимжилоғи билан чаккасини қашлади. — Бозор учун тўкимайман, илтимос қилишса, йўқ демайман.

— Унда менгаям битта тўкиб бер.

— Ҳақини тўласанг, тўқийверамиз-да.

— Нима? — ўзини аллақачон ҳуқуқли ёр каторига қўшиб қўйган Шукур аканинг ҳайрати ошди. — Пайпоқ учун менам ҳақ тўлашим керакми?

— Нега тўламаслигинг керак? — Мадина холанинг хайрати уникидан кам бўлмади. — Бир кило жун фалон пул турганда, нега тўламаслигинг керак?

— Гапинг тўғрику-я, лекин мен..

— Нима сен?

— Мен энди сенга...

— Кўзнинг нуридан яралади бу, Шукур, — Мадина хола унинг гапини бўлди. — Осонгина тўкила қолса кошки эди. Кечалари бармоқларимнинг зирқираб оғришларини айтмай қўя қолай. Ёр билан силасам-да, сиркираб, кечалари уйку бермайди. Азобини билмайсан-да сен буни.

— Қийин экан сенга, — Шукур ака ачиниб, унинг бармоқларига қараб қўйди. — Ташла бу ишни. Ёлғиз бошинг бўлса, нимангга етказолмаяпсан, ташла бу ишни. Худо, деб, шлакбаумингни кўтариб-тушириб юравермайсанми.

— Ташлаб бўлмайди, Шукур, — Мадина хола чуқур хўрсинди.

— Нега?

Мадина хола ипда хосил бўлган тугунни чуватаркан, ҳасрат истаб, қаншари остидан Шукур акага қаради. Ҳамсухбатининг чехрасида барқ уриб турган ачиниш ва шунингдек, меҳрга ўхшаш ифодани кўриб, кўнгли анча юмшади. У Шукур акани бу хил ҳолатда жуда кам кўрганди. Аксарият ҳолларда ўз димоғини ўзи чоғ қилиб юрган тентакдек тутарди у ўзини. Шу боис, Мадина хола кўпда унга юрак очавермасди. Энди эса Шукур акани бутунлай бошқа киефада кўриб, беихтиёр ҳасрат қилмоққа тушди.

— И-и, мен гапирмай, сен эшитма, Шукур, — деди дардчил оҳангда. — Катта куёвим куёв эмас, худонинг балоси чиқди. Ишлаб ишламайди, ўлиб ўлмайди. Топганини ичади. Қизимнинг қўлида ёш боласи бор, қўлимдан келганча уларга қарашаман. Буёқда кичкина кизимнинг хархашаси ортиқча, опасига қайишганим сайин ичи тутаб ёнади. Эр-хотин машина касалига чалинишган, топганларини тўққиз ердан тугишиб, машинага пул ййишаяпти. Ич ёнишдан бирор дард орттириб олмасин деб, унга тортинаман. Иккисини бир қориндан талашиб тушган демайсан, феъли-хўйи хилма-хил.

Каттаси яхши, кичиги худонинг ғазаби. Нега шундай экан, а, Шукур?

Шукур ака бу саволдан довдираб, елкасини кисди. Мадина холага ичи туздай ачиб қаради. Юпатишга сўз тополмай, кизи бўлмаганидан ичида севиниб қўйди.

— Одамзодга фарзанд нима керак, а, Шукур? — деди хола қўлидаги ишни стол устига зарда ила ирғитиб, бармоқларини силаб-сийпаркан, чукур хўрсиниб. — Оғир кунингга яраш ўрнига нукул ташвиш келтиришадди. Мен аҳмоқ, отасидан кўрмаган роҳатни улардан кўрайин деб ўзимни ўтга-чўкка урибман. Мендайин простой рабочий бўлмасин дея, орзу-хавас нелигини тотмай ўтибман. Кеча десанг, кичкинам роса бағиллаб берди. Нега уришди, нимадан норози бўлди, ёлғиз худога аён. Хўрлигим келганидан бир бурчакка бикиниб, роса йиғладим, — Мадина хола унга мунғайиб қаради. — Юрагим тўлиб турганида келдинг сен хам. Энди чидайсан, Шукур.

— Чидайман-чидайман, — деди Шукур ака нимага чидаши лозимлигини англамаган холда. — Чидамай ўлибманми.

Мадина хола дарди-хол қилгани сайин, Шукур ака, худди уни энди кўраётгандек, баттар тикилар, ачинганидан қаншаригача ачишмоқда эди. Кейин бирдан, кўзи холада, чўнтак ковлаб, қўлига илинган ширинликларни стол устига тўка бошлади, гўё хола шундан таскин топадигандек, овози тўлқинланиб деди:

— Е, ҳаммасини е!

Хола столдаги ширинликларга шунчаки қараб қўйиб, яна ишини қўлига олди.

— Баъзан, — дея гапини давом этди, оғир сўлиш олиб, — сал ёшроқ бўлсаму, шартта эрга тегиб, бошим оққан томонга кетиб юборсам, деган хаёлларга бораман. Киши топмас бир тупканинг тўрида эрим билан тинчгина яшасам дейман.

Бу гапдан Шукур ака хушёр тортди: «Бекорга эрга текким келаяпти демаяпти бу, — деб ўйлади. — Менга уйлан, Шукур демокчи. Бу ерда хотининг барибир кун бермайди, опкет мени бошқа томонларга деяпти. Вей, шайтон-ий, гапни созлаганини қара бун!» У Мадина холага синчков тикилди, дурустгина нарса бу ўзи, деб

ўйлади ичи алланечук ёришиб, оппоққина, силлиққина, дўндиққина, қучсанг қучоғинг тўлгудек. Шундай нарса кўнгил берибдими, демак, мен ҳам чакана эмас эканман. Анову жодугар эса нукул камситгани камситган, ундоксан-бундоксан деб. Қани энди, иложи бўлса-ю, сен кўпам мени ерга ураверма, керак бўлса, мени Мадина суяди десам. Деб бўлмайди-да. Тутканоғи тутиб, бошига одам йиғиши мумкин. Шошма. Бу ёқда буниси яхши кўриб тургандан кейин, нега мен униси билан ҳисоблашишим керак? Ғиринг-пиринг деяверса, унисини ташлаб, бунисига уйланиб олишим ҳам мумкин-ку. Нима, дунёга икки бор келармидим, таваккал қилайми бир? Тили демаса, бу ўзи азалдан менга ёқади.

Шукур ака шуларни хаёлидан ўтказаркан, буйруқ бермоққа ўзини ҳақли деб билди. Ўриндик суянчигига елкасини ташлаб, ғайритабiiй оҳангда буюрди:

— Мадина битта чой кўйиб юбор!

Мадина хола кўзойнагини пастга тушириб манглайи остидан ҳайратланиб боқди: «Нима жин чалди буни? Хўжайиндай тўсатдан тўнғиллашга тушиб қолди? Ё манову конфетларини пеш қилаяптимиқан? Бундай ода-ти йўқ эди-ку илгари. Кейинги пайтда сал хаёли айниб қолди буни. Ўзини дўхтир-пўхтирга кўрсатмаса, эртаиндин жинни бўлиб қолишيام ҳеч гап эмас». У ширинликларга киё боқаркан, бир хаёли ширинликларни қўлига тутқазиб, хайдаб чиқармоқчи ҳам бўлди. Аммо кўзи киймади. Оқшом невараларининг қанчалар севинишини ўйлаб, ўзини босди. Боз устига, бу хил ширинликлар унча-бунча дўконлардан топилавермасди. Бунақаси фақат Шукур аканинг кенг чўнтагида бўларди.

Сукутни итоаткорлик деб тушунган Шукур ака тагин ҳаддидан ошди.

— Бундан кейин сал ўзинга қараб юргин, — деди холанинг эғнидаги нимдошгина халатга имо қилиб. — Кўзга анча якин аёлсан, кийиминг ҳам шунга яраша бўлсин. Дўст бор, душман бор, эғни-бошингга эътибор бериб юргин дейман-да. Чиройли хотин чиройли кийиниб юриши керак. Рабочийман, деб устингга ҳар балони илаверасанми. Бундан кейин бунақа юрганингни кўрмайин!

Мадина хола жуда кийин ахволда қолди. Жахлланай деса, Шукур ака мақтаяпти, қувонай деса, бу банданинг гаплари ўта ғалати, бамисоли эридек тутаяпти ўзини, хатто туркидан ҳам шу нарса баралла акс этиб турарди. У хиёл иккиланишдан сўнг, бир оз сабр этмокка аҳд қилди, Қани, кўрайлик-чи, яна нималар деб валдираркан бу!

Шукур ака кўп куттирмади. Мадина холанинг кутилмаганда ройиш бераётганидан рухланиб кетиб, яна бир оз тергагиси келди. Сабаби, неча йилдирки бу лаззатдан бебаҳра эди. Тергаши мумкин бўлган аёли бунга сира изн бермасди. Бобиллаб, оғзидан чикканини ёқасига ёпиштирарди. Шу тарика, эр сифатида қойиниш неча йилдирки, унинг ушалмас орзуси бўлиб келарди. Холанинг ҳозирги мўмин хатти-ҳаракатлари қалбининг бир чеккасида мудраб ётган ўша орзунини уйғотиб юборганди. Шу топда у ўзини юксакда, жуда юксакда ҳис этмокда эди. Ўзини юксакда ҳис этгани сари хола кўзига ушоқ, жуда ушоқ кўриниб бормокда эди.

— Агар мендан умидинг бўлса, ўзингга қарабгина юргин! — деди ўша-ўша жиддий оҳангда. — Қизлигингда қандай бўлсанг, ҳозир ҳам шундай юргин!

Бу вақтга келиб Шукур ака шу даражада юксакликка кўтарилган эдики, холанинг ханг-манг бўлиб қолганини мутлақо пайкамади. Бу камдек, айни шу пайтда, не мақсадда ташриф буюргани бирдан эсига тушиб қолса бўладими.

— Суйма демайман, — деди виқорли оҳангда. — Суйгинг кептими, суявер! Қаршилигим йўқ. Лекин Шукур ўлса, ўзимни ўлдираман, бир кун ҳам яшайман, дея ҳарҳаша қилишингни бас қил. Яхши гапгайм, ёмон гапгайм фаришта «омин» дейди. Агар буни хаёлингдан чиқармасанг, билиб қўй, қайрилиб ҳам қарамайман сенга!

Мадина хола мўъжизага дуч келгандек, бир ахволда қотиб қолганди. У шу даражада анг-танг бўлиб қолгандики, қўллари ёқасида қотиб, иши оёқлари остида чувалашиб ётарди.

— Ўзингча... нималар деб вайсаяпсан, Шукур? — деди базўр овоз чиқариб. — Нима бўлди ўзи сенга?

Аммо бу вақтда Шукур ака саратон осмонида сузиб юрган бир парча оппоқ парқу бўлутдан ҳам юксакда эди. Шу боис, ҳали-замон кўтарилиши лозим бўлган бўроннинг илк шабадасини вақтида пайқамади. Қайтамга, буни мутелик, шикасталик деб билди. Шунингчун ҳам жавобга шошилмади, ўзича бир оз ширин қилгиси келди. Бироқ Мадина хола ноз қилишга кўпда йўл қўймади, тўсатдан бақириб берди.

— Ҳай, менга қара! Нималар деб алжираяпсан ўзингча, а?

Шукур ака чўчиб кетиб, осмону фалакдан ерга гурсиллаб тушгандай бўлди. Бошини ғалати силкитиб, холага ажабланиб қаради. Қаради-ю, қаршисида муте чехрани эмас, жангари бир киёфани кўрди. Аммо ўзини йўқотмади: «Яна артистлик қилаяпти, — деб ўйлади ичида, ўлай деб турибди-ю, ташида билдиргиси келмайди-я, шайтон, қизлигида ҳам шунақа эди. Шу одати ҳеч қолмади-қолмади-да».

— Нима дердим, — деди бамайлихотир чўнтагидан сигарет олиб. — Суйсанг суявергуну, лекин шу... ўзимни ўлдираман-пўлдираман дейишингни бас қил. Тағин... фаришталар «омин» деб юбормасин дейман-да.

— Ия, нега ўзимни ўлдирарканман? — Мадина холанинг бир пайтлар чиройли бўлган лаблари тааж-жубдан бир томонга қийшайиб кетди. — Қаердан топдинг бу гапни?

— Нелигини гўё ўзинг билмайсан, — Шукур ака сигарет тутатиб, истехзоли илжайди.

— Йўқ, билмайман.

— Биласан, — Шукур ака маъноли кош қокди. — Ўтган исменда барини айтганман.

— Нима деганинг эсимда қоптими. Кеча еган овқатимни эслаёлмайман.

— Артистлик ҳам энди эви билан-да, Мадинахон, — Шукур ака андак жаҳлланган киши бўлди. — Яхши кўрдингми, кўрдим де. Нима қиласан бунча гапни айлантириб.

— Нима? — Мадина холанинг кўзи шифтга ўрлаётган тутунга тушиб, хаёли бўлинди. — Чекма бу ерда!

— Менга мумкин, — Шукур ака тантиқланди.

— Нега энди сенга мумкин экан?

— Негалигини ўзинг биласан, — Шукур ака уй хўжасидек, ғалати ҳаракатланди. — Тунда ҳаммасини айтганман...

— Тунда мастдай эдинг.

— Маст эмасдим.

— Унда тентак эдинг.

— Худога шукр, ақлим жойида, — Шукур ака сигаретли қўлини останага чертди. — Айтганча тундаги гапимни қайтариб олдим. — Энди... бемалол яхши кўравер мени.

— Сени?

— Бўлмаса кимни? Ё бошқа кўз остингга олганинг ҳам борми?

— Ё тавба!

— Тавбалайверма кўп, — Шукур аканинг энсаси котган бўлди. — Агар ҳадеб артистлик қилаверсанг, билиб қўй, умуман қайрилиб қарамайман.

— Вой, ўлай, ким сенга қара деяпти?

— Ўзинг, — Шукур ака яна қикирлаб кулди. — Қўнғлим илиётганда, сал тилингни ширин қил-да. Бўлмаса, айниб қоламан-а. Юрасан кейин ичингда куйиб.

— Сенга куярканманми?

— Бўлмаса кимга.

— Сени даволатиш керак, Шукур.

— Ўзинг даволайсан-да энди жонидан, — Шукур ака маъноли илжайди. — Аммо сир бермаслигинга қойилман. Ўзинг ўлай деб турибсану, сира сир бергинг келмайди-я. Лекин бизни кўнгил аста сенга оғаяпти... хурсанд бўлавер...

— Тундаям аллабалолар деб бошимни котирувдинг, сенга ўзи нима бўлаяпти, а, Шукур?

— Сир берма, сир берсанг камайиб қоласан.

— Жаҳлим чиқаяпти, Шукур!

— Бунга энди ҳақкинг йўк! — Шукур ака иддао билан столга нукиди. — Бундан кейин бетга сапчишингни бас қил!

— Кет, Шукур!

— Тушунмадим.

Мадина холанинг сабри тугаб, ирғиб турди-да, қўли билан эшикни кўрсатди.

— Қани, йўқол!

— А! — Шукур ака ишонкирамай унга боқди. — Нима?

— Йўқол! — Мадина хола пол тепиниб, чинаками-га жазавага тушди. — Йўқо-ол!

— Ке... ке... кетаман, — Шукур ака довдираб ўрнидан турди. — Кетаману, лекин бошқа қайтиб келмайман! Ялинсанг ҳам қайтмайман! Менга деса қуйиб ўлмайсанми!

— Йўқол!

Шукур ака эшикка етган жойида ортга ўгирилди.

— Аммо тилинг жуда аччиқ бўп кетибди, — деди захарханда оҳангда. — Манову конфетлардан тишлаб тургин, зора ширин тортса!

— У кутилмаганда, қоқ пешонасига келиб теккан конфетдан чўчиб тушди. Қараса, боягина чўнтагида жимгина ётган конфетлар бамисоли ўқдек бирин-кетин учиб келмоқда. У ўзини эшикка урди. Конфетнинг йирикроғи нак энсасига тегиб, жони оғриди. Аламидан қутуриб сўкинди. Ичкарида қолган холанинг жавоби униқидан ҳам зўр бўлди.

* * *

Шукур ака, ғазабдан бўғриқиб, диконглаб омбор ховлисига кириб борганида, бригада терга ботиб, юк туширмоқда эди. У вагондан эллик-олтмиш одим беридан тўхтаб, қўл сирмаб Муродни чақирди. Шу тобда у бутун захрини Муродга тўкиб сочмоқчи эди. Аммо унинг гунохсиз бир қиёфада кўзларини пирпиратиб турганини кўриб, хиёл шаштидан тушди. Қаердан келётганимни бу ахир билмайди-ку, деб ўйлади. Кейин ҳаммасига шу айбдор, деган фикрдан қайта жунбушга келди. Аммо жаҳл қилмоқ, сирни очмоқ дегани эди. Шукур аканинг эса ҳеч сир бой бергиси келмасди. Бирок захрини сочмасдан ҳам туролмасди, ғазаб ва аламдан юраги ёмон ўртанмоқда эди. Шу боис, йўқ ердаги бахонани рўқач қилиб, ўшқириб сўради:

— Пахталигим қани?

— Шу ерда, — деди Мурод унинг қутуришидан

ажабланган киши бўлиб. — Скамейкага ташлаб кетган экансиз, йўқолиб-пўқолиб қолмасин, деб опкелавердим.

Пахталиги қолиб кетмаганидан Шукур ака кўп афсусланди. Агар шу ходиса юз берганида, ичидаги бор аламларини тўқмоққа зўр баҳона топиларди-да. Мен силарнинг буюмларингни кўз қорачиғидай асрайман, силар эса ўзим йўқ бўлиб кетсаман ишларинг йўқ, деб хаммани бир бошдан сўкиб чиққан бўларди. Унинг феъли шу — неки алам ўтса, бақириш-чақириш билан юрагини бўшатиб олади.

Ҳозир эса Муродга нима деб тирғалишни билмай тураркан, бирдан кўзи Абдуллага тушиб қолди. Наза-рида, Абдулла жуда имиллаб ҳаракат қилаётгандай туюлди.

— Абдулла, — деди тажангланиб, — нима, абед қилмаганмисан! Чакқонроқ кимирласанг ўласанми! Ё бутингга тош боғлаб олганмисан? Бунақада кечгачаям вагон бўшатилмайти-ку.

— Ўзинг-чи? — деди Абдулла ундан баттар тутак-иб. — Ўзинг нима қилиб турибсан, хода ютгандай рўдайиб! Келмайсанми. Ё сенинг ишингниям мен қилай-ми! Айтганча, қаерда юрибсан шу пайтгача?

— Ўйнаб юрганим йўқ, — деди Шукур. — Завуд-дан ўтган кунги испарапкани ундириб келаяпман. Ис-парапкасиз ҳемириям тўламайти-ку. Бу ишни мен қил-май онангни эри қиладими! Хув-в, сўппайган бўйинга сени...

Иш бир ёқда қолиб, икки ошна чинакамига сўкишиб кетдилар. Орага тушувчи бўлмади. Чунки ҳамма билди-ки, Шукур ака нимадандир аламда, тутак-иб-тутак-иб ҳадемай ўзига келади. Бунақа пайтда Абдулланинг жо-нига тўзим берсин, фақат угина чидайти Шукур аканинг бу хил инжикликларига.

Шукур ака бақириб-чақириб ховрини босгач, ҳамма қатори вагон соясига эмас, анча наридаги юк тахламла-ри соясига бориб ўтирди. Боши ҳам, кўзлари нам, қўйиб берса, ҳализамон йиғлаб юборадиган бир ҳолатда эди.

Мурод бориб унинг қаватига чўкди.

— Яна хайдаб юбордими? — деди секингина.

— Нима? — Шукур ака унга ялт этиб қаради. — Сен қаердан биласан буни.

— Кириб келишингиздаёқ сезганман, — деди Мурод ҳамдардлик билан. — Сезмай ўлибманми, Шукур ака. Ахир сиз жигаримдай одамсиз-ку!

— Сен бола... сезгир, — Шукур ака бош эгиб, чукур хўрсинди. — Ҳаммасини сезасан сен.

— Нега борувдингиз?

— Боргим келди, бордим-да.

— Аниқрок.

— Конфет оборувдим, — Шукур ака сигаретини чукур тортиб, омбор деворига маъюс термилди. — Оборман конфетим билан уриб, ҳайдаб солди.

— Шугинами, холос? — Мурод қулгисини яшириш учун юзини кафтлари орасига олди.

— Нима, бу сенга камми? — бошқалар эшитмасин деб, Шукур ака овозини хиёл пастлатди. — Башарамга тарсаки туширса ҳисобмиди? Яхши... яхши кўрганинг сайин... ёмон қилиқ чиқараяпти бу холанг. Ўтган сафар итариб ташлаганди, бу сафар... Нималар бўлаяпти, ўзим ҳам ҳайронман.

— Ҳа, яхши бўлмабди, — Мурод ачинган киши бўлди. — Лекин яхши кўриб қолганингиз ажойиб иш бўпти.

— Яхши кўрмайман! — Шукур ака тескари ўгирилиб олди. — Нимасини яхши кўраман шу жиннини!

— Аммо у сизни яхши кўради.

— Ҳай, билмадим-да, — Шукур ака унга жонсарақланиб қаради. — Қилиғидан яхши кўрадиганга ўхшаймайди. Ўрта ерда ўзим яхши кўриб қолганга ўхшайман. Балки у чинданам яхши кўрмас, а?

Мурод унинг шалвираб тушган камбар елкаларига, маржон-маржон тер босган энсасига боқаркан, қаншари ёмон ачишиб, кўзига Шукур ака гўдақлардай ожиз кўриниб кетди. Ёлкаларини силаб-сийпаб, бағрига босгиси, юпатгиси келди. Аммо беихтиёр чўзилган қўли ҳавода муаллақ қолди. Кучишу юпатишдан истиҳола қилди. Шунда бирдан ҳазили чинга айланини, гар Шукур ака бунинг ҳаммаси шунчаки ҳазил эканини билгудек бўлса, энг азиз нарсасини йўқотган одам ҳолатига тушишини ва буни кўтармоқ унга жуда-жуда оғир кечишини ички бир сезги билан фаҳмлади. Ёш бўлишига қарамай, кўнгил ишида

юз берадиган сароб инсон зотини тушкунликнинг энг чуқур қарига улоқтиришини яхши биларди. Боз устига, меҳрдан йироқ қоронғи турмуш тарзига кўниккан, ҳаётида йилт этган бирор-бир янгилик бўлишини сира кутмаган ҳолда, фавқуллоҳда ўша нарсага дуч келган одам учун аниқ ҳақиқатга рўпарў келиш ҳар ҳолда осон эмасди. Шукур ака ўзи билиб-билмай, худди парвонадай ўша йилт этган ёруғликка интиломда эди. Бу интилишда на келажак режа, на бирор-бир тадбир бор — ёруғликка интилишдан ўзга ҳеч нарса йўқ эди.

Мурод шуни англаб етаркан, ҳазил қиламан дея, не хатога йўл қўйиб қўйганини ич-ичидан ҳис этди. Бояги истиҳола қаергадир изсиз йўқолиб, Шукур аканинг елкасидан дадил қучди. Димоғига ачқимтир тер хиди урилди. Бундан у жирканмади, қайтамга уни янада маҳкамроқ бағрига тортди. Шукур ака беҳуда тиршанглаб, унинг қучоғидан чиқмоқчи бўлди. Чоғи келмагач, йигитнинг кучига тан бергандай, бошини эгиб ўтираверди.

— Яхши кўради у сизни, — деди Мурод қайта таъкидлаб. — Мана кўрасиз, ҳадемай ўзи қошингизга бош эгиб келади.

— Қўйсанг-чи, — Шукур ака бод хўрсинди.

— Чин сўзим, — деди Мурод ишонч билан. — Эртагаёқ ўзи бош эгиб келади.

Шукур ака алланечук руҳланиб кетди-да, бир силтаниб, унинг қучоғидан чиқди.

— Нима, мен сенга хотинмидим, бунча кучоқлайсан, — деди вагон соясида қалдирғочдай тизилишиб ўтирганларга ҳадикли боқиб. — Кўрган кўз нима дейди. Кулмайдами. Ана қарагин, Абдулла ҳалитдан қуйдирган қалладай иршайяпти. Ўзиям ҳўкиздай кучинг бор-а, елкамнинг суягини синдириб юборай дединг. Яхшиси, сен ҳолангдан гапир. Нега у бундай қилик қилаяпти? Яхшиям кўчада ҳеч ким йўқ экан. Қочиб чиққанганимни кўрган одам нима деб ўйларди. Эссиз шунча конфет. Бари нобуд бўлди. Унга бергунча ўзим емайманми, маза кип.

— Айтдим-ку, бу бир маска деб, — деди Мурод. — Вақтинчалик ҳолат бу.

— Тагин «маска» дейсан-а, — Шукур ака тупури-
ниб, яна чўнтагидан сигарет олди. — Э, ўша «маска»нг-
ни ичига лаънат! «Маска» деганиям шунча бўладими!
Одамни бепичок сўймоқда-ку! Яхши кўраркансан, бун-
дай чехрангни оч. Яхши гапингни аяма. Асли бу қиз-
лигидаям гўр эмасди. Билиб билмасликка олиб юрар-
ди. Ўшанда сал отдан тушиб, бир-икки ишва қилгани-
да, анову алвастига уйланиб ўтирмасдим. Йў-ўк, бу
кишим ишва қилсалар ўлиб коларлар! Мумкин эмас у
кишимга!

— Кенойимдан кўркса керак-да.

— Нимасидан кўркади?

— Ахир ўзингиз ҳам кўркасиз-ку.

— Кўрксам кўркқандирман, аммо ҳозир зигирча
кўркмайман, — шундай деркан, Шукур ака унга хай-
ратланиб бокди. — Менга қара, нега мен... ҳеч бало-
дан кўркмайдиган бўп қолаяпман, а? Ишқилиб яхши-
ликкамикин? Кеча хотиндиям сўкиб ташладим. «Шу
туришинг бўлса, эрта бир кун кўшқасига уйланиб
кетаман», дедим.

— Ростданам шундай дедингизми?

— Йўк, ичимда ўйладим, — Шукур ака чаккасини
кашлаб, хижолатомуз ишшайди. — Айтсам, тирикла-
йин еб қўярди-да. Авваллари секин балконга чиқиб
кетардим. Бу сафар без бўлиб ўтиравердим. Ўзи яниб,
ўзи тинди. Пинак бузмадим мен.

— Маладес! — Мурод унинг елкасига қокди. —
Эрта-индин бунисиям ипакдай эшилиб келади.

— Келмас-ов, — Шукур ака унга ишонқирамай
бокди. — Қизлигида келмаган, энди келармиди. Ичида
суйиб, ташида сўкиб ўлдирса керак у мени.

— Келади, — Мурод жиддий таъкидлади. — Мана
кўрасиз, ўзи югуриб келади.

— Ростданми? — Шукур ака унга умидвор тикилди.

— Албатта!

* * *

Ишдан кейин, бригада ювинишга кириб кетиши
билан Мурод оёғини-қўлига олди-да, уйчага қараб зин-
филлади.

Мадина хола завод томонга жилган юк эшелонини ўтказиб юбориб, ола-була йўл тўскични кўтараётган экан, гап бор, хола, дея уни уйчага бошлаб кирди. Аммо бу ҳақда бирон кимсага чурқ этманг дея, дераздан ташқарига мўралаб ҳам қўйди. Бунга сари Мадина холанинг қизиқиши ортиб, сийрак киприклари тўхтовсиз пириллашга тушди.

— Нима гап? — деди у охири тоқати тоқ бўлиб.

Мурод айтишга ошиқмади. Ўтирган жойида типирчилаб, стол четидаги чойгумнинг сиртини тутиб кўрди. Чойгум илиқ эди. Стол устидаги нарсалар йиғиштириб қўйилган. Мадина хола сменани топширишга шай бўлиб турарди.

— Чой қўймабсиз-ку, хола, — деди Мурод гапни нимадан бошлашини билмай.

— Чойинг нимаси, ҳадемай смена топшираман, — деди Мадина хола энсаси қотиб. — Айт, гапингни, нима демокчи эдинг?

Мурод оёқларини чалиштириб, жойлашиброк ўтираркан, ажиб бир ҳолдан таажжубланди. Бу ёққа келаётганида дилидаги уйдирмаларини тўкиб солиш жуда осондек туюлганди. Холани ҳам Шукур акадек бошлаб гангитаман, деб ўйлаганди. Аммо ҳамма гап шундаки, бу сафар гап ҳазилдан ташқари, жиддий ёлғон асосида қурилиши лозим эди. Боя бир амаллаб Шукур аканинг кўнглини тинчитгандан сўнг, иш давомида Мадина холага айтадиган гапларини пухталаб олганди. Бунни қарангки, энди дилидагини тилига чиқариш кийин кўчмоқда эди. Бундай ўйлаб кўрса, ҳазил осон экану, аммо уни маълум бир мақсадга йўналтириш хийла оғир экан. Муроднинг ҳатто оғзи қуруқшаб кетди.

Бу орада гап кутавериб, Мадина хола ҳам қийналиб кетди. Бетокатланиб ўрнидан турди-ўтирди. Ялтира-тиб артилган полни нари-бери босиб, у-бу юмушни бажарган бўлди. Орада Муроднинг ифлос пойафзалига бир-икки хўмрайиб қараб қўйди. Бошқа пайт оёғини суртмай киргани учун бошлаб қойиб берган бўларди-ю, аммо ҳозир индаёлмасди. Сабаби, бу йигит бекорга ҳовликмайди. Ҳовликдими, демак, нимасидир бор. Бугун ё кирсовун туширган, ё бирор тансиқрок мева-чева. Ёмон одати, ичидагини тезда айта қолмай-

ди, пича хазил-хузулдан сўнгина, хола фалон жойда фалон нарса туширдик ёки туширяпмиз, сизга керак эмасми, деб сўрайди. Керак дейилса, ўша айтган нарсасини бир этак қилиб олиб келиб ташлайди. Эвазига хола уни мурабболи чой билан сийлайди.

Айни дамда Мадина холанинг тасаввури кирсовундан нарига ўтмаётганди. Ўн-ўн беш бўлак бўлса зиён қилмасди, деган ўйда йигитнинг кенг чўнтақларига ўғринча қараб қўйди. Чўнтақларнинг бўшлигига ишонч ҳосил қилгач, ўзини овутмоққа баҳона топди: «Ҳойна-хой, шкафига ташлаб, керакми-йўкми, деб сўрагани чиққан. Боласи тушмагур кувгина-да».

У жойига ўтаётиб, деразадан ташқарига мўралади. Узоқдан ниҳоят имиллаб келаётган сменадош кампирни кўрди. Тошбақага ўхшаб судралмай кет, деб тўнғиллади.

— Биласизми, — деди Мурод ниҳоят тилга кириб. — Шукур ака сизни яхши кўриб қопти.

Турган гап, хола буни одатдаги хазил деб билди. Эътибор бермай гапнинг индаллосини кутди.

— Бугун тушдан сўнг роса икки соат йиғлади, — дея ёлғоннинг уйини куйдиришда давом этди Мурод. — Дардимни айтай, дея олдига кирсам, итдай қошиб берди, деб бошини вагонга уриб-уриб йиғлади. Ўзимни осаман деб, ўзини у ён-бу ён ташловди, зўрға тутиб қолдик.

Мадина хола, олиб қоч-а, деб бошда кулмоқчи бўлди. Аммо қарасаки, йигитнинг қиёфаси ўта жиддий, ҳеч хазил қилаётганга ўхшамайди. У қаншари остидан йигитга ажабсиниб боқаркан, бир хаёли, йиғиштир сафсатангни дея, жеркиб бермоқчи ҳам бўлди. Аммо йигит инъом этадиган ўша ниманидир хурматини қилиб, ўзини босди. Берадиган совунга ўхшамайди, деб ўйлади, тансиқроқ нарса бўлса керак, йўқса, бунчалик хаддидан ошмасди бу бола. Шу боис, киши дили ранжимайдиган бир оҳангда эътироз билдирди.

— Ола-а, энди бизга муҳаббатни ким қўйибди. Нега келдинг, шундан гапир. Ўмарганинг бўлса тезроқ оп-келақол. Тагин анову кампир шерик чикиб юрмасин.

Мурод дераза томонга бир кўз ташлаб олиб, баландроқдан келди.

— Ўзини эрта гўрга тикадиганларни жиним севмай-ди-да, — деди андак зарда билан. — Сиз ўзингизга Шукур аканинг кўзи билан қаранг-да, хола. Ўшанда кимлигингиз аён бўлади-қолади.

— Гапирма шуни! — Мадина холанинг энсаси котди. — Ундан кўра дўхтир-пўхтирга кўрсатинглар уни. Эсини бутунлай еб қўйибди. Икки сафардан бери алланималар деб тўнғирлайвериб роса жонимга тегди. Айтиб қўй, яна келса манову темир билан нақ манглайига тушираман. Ўн саккиз яшар қиз боламидимки, менга хушомад қилади.

— Яхши кўрса нима қилсин, хола, — деди Мурод оғир сўлиш олган киши бўлиб. — Шу ёшида кўнглига мухаббат уя қурибди-да. Бу учун у айбдор эмас-ку. Сал яхши гапирсангиз асакангиз кетмасди. Ана энди, фалончи холангсиз менга кун йўқ деб, бошини вагонларга дук-дук уриб юрибди.

— Жинними у?! — Мадина холанинг гаши келиб, кош чимирди. — Нега бошини уради?

— Севаман деса, йўқ дебсиз-ку.

— Ё тавба! — холанинг ўнг панжаси беихтиёр ёқасига тирмашди. — Ҳали бу тухматиям бормиди. Ана хотининг келаяпти деса, юраги шиф этади-ю, суймокни ким қўйибди у кишимга.

— Биласиз, меҳрга зор одам у, — Мурод ўзи сезмаган ҳолда қизиша бошлади. — Сиздан ош-нон эмас, озгина меҳр талаб қилаяпти, холос. Нахотки, арзимас шу нарсаниям бериш қўлингиздан келмаса! Бунчалик ҳам тошбағир бўлманг-да хола!

— Гапларинг қизиқ-ку, — Мадина хола энди унга қизиқиш билан тикилди. — Хотинли одамга меҳр не даркор.

— Хотинли одам ўзга аёл меҳридан дариф тутилсин, деган қоида қаерда бор? Озгина кўнглига қарасангиз, бирор ерингиз камайиб қолмасди, хола.

Йигитнинг замзамаси холага хиёл эриш туюлса-да, нафс балосига бўйсиниб, аччиқ сўздан тилини тийди: «Боласи тушмагур консерва-пансерва ўмарганга ўхшайди, бўлмаса тилига бунчалик эрк бермасди». У ўшшайиб тингламоқда давом этди.

— Инсон меҳру мухаббат билангина тирик! — дея

гапида давом этди Мурод, жўшқин бир тарзда. — Мухаббат кишини кингайишдан, кийшайишдан, хатто кексаликдан асрайди. Немис шоири Гёте етмиш ёшида ошиқ бўлганида, нега энди Шукур ака севмаслиги керак? Айби — ишчилигимми? Ахир у ҳам одам-ку. Мухаббат касб танламайди, холагинам. Тирик вужудни бир забт этдими, тамом, одамни ё бор қилади, ё йўк.

Бу хил гапларни умрида эшитмаган хола «консервани» паккос унутиб, анқайиб қолди. Нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин кучи лабларини базўр қимирлатишгагина етди. Бу пайтда Мурод, одатдагидек, ўзи ўйлаб чиқарган уйдирмаларга ўзи ишониб, хаяжонга туша бошлаганди.

— У киши сизга ёпишиб олиш ниятида эмас, — деди бурчакдаги курсига чўкиб. — Ширин калому, озгина ишвангиз етиб ортади. Аслида шу билангина тирик у. Ҳар куни сизни бир кўрмаса, тўрвасини йўкотган девонадай гарангсиб қолади. Агар сиз бирон кун кўринмай қолинг, руҳи чўкиб, шалвираб, одам каторидан чиқади-кўяди. — Мурод сигарет тутатиб унга бармоқ ўкталди: — Мабода у киши ўзига бир нима қип қўйса, кейин кўрасиз мендан! Бошингиз билан жавоб берасиз!

Ғалати бу таҳдиддан Мадина хола хушёр тортди.

— Нега мен жавоб беришим керак? — деди босинкираб уйғонган кишидай довдираб.

— Чунки нима қилса сизни деб қилади-да!

— Нега энди мени деб қиларкан?

— Негаки сизни яхши кўради у!

— Ё тавба!

— Нима, сизни дея ғирт девона бўлиб турганидан хабарингиз йўқми? Гаплариям ғалати-ғалати. Бугун ўзимни ўлдираман деб роса тўполон қилди, аранг тутиб қолдик.

— Мени деб-а?

— Гапига караганда ёшлик чоғида каттиқ севган экан сизни. Орада бир оз совуган ҳам экан. Яқинда ўша севгиси қайта кўзғалибди. Бироқ бу сафаргиси жуда бошқача эмиш, ҳеч нима кўзига кўринмаётган экан.

Мадина хола ёқасини маҳкам тутганча, унга синовчан тикилди. Йўқ, йигит алдамаётган эди. Чехраси ниҳоятда ташвишманд, анчагина хаяжонда эди у.

Хаётда муҳаббат деган нарса борлигини аллақачон унутган аёлнинг қалби беихтиёр секин-аста жунбушга кела бошлади. Юрагини хаяжон чулғаб, ёноқларига қизиллик югурди. Қизлигида ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этиб, кейинчалик турмуш ташвишлари-ю, боқибегам эрининг бепарволиклари таъсирида изсиз йўқолиб кетган муҳаббатга ташналик ҳисси астагина ўзини билдирмоққа тушди. Кўксининг тўр-тўридан ширин бир хўрсиниш юзага қалқиб чиқди: «Эҳ-х, кимдир сени яхши кўрса, қандай яхши!»

Айни шу нарса барча аёллар қатори унинг азалий орзуси эди. Ёшлигида бу нарсага эришгандай бўлувди. Назарида, бахтининг чеки-чегараси йўқдай эди. Афсуски, дастлаб еру кўкка ишонмайдиган эри кейинчалик унга оддий бир буюмга қарагандай боқадиган бўлди. Илк коникмасликни ўшанда хис этганди. Муҳаббатга ҳамиша ташна кўнгилда ғалаён юзага келганди. Аммо бу ғалаён иккисини икки қирғоққа итқитдики, асло бақамти келтиролмади. Натижада, қалбидаги хаяжон ўрнини зарда, меҳр ўрнини эса совуққонлик эгаллади. Ёлғизлигини хис этиб, бутун меҳрини болаларига тўкди. Бироқ бошда она сифатида эъзозлаган қизлари эндиликда унга бир дастёр сифатида қарашади, муносабатлари ҳам шунга яраша. Оқибатда, бора-бора у хиссиз, туйғусиз машинага айланганди. Ишни билади, кундалик ташвишни билади, шундан ўзгаси қизиқтирмасди уни.

Муроднинг даъволари туфайли мудроқ туйғулари қайта уйғонганди. Шунга қарамай, хануз кўнгилдан шубҳа аримай турарди: ишонай деса, бу хил гапларни қизлигидаям эшитмаган, унинг учун хали ҳеч ким ўзини ўлдираман демаган. Ишонмай деса, Муроднинг турк-таровати шу қадар жиддий эдики, Шукур акаси учун ташвиш чекаётгани бутун киёфасидан шундоққина сезилиб турарди. Боз устига, Шукур аканинг кейинги кунлардаги қилиқлариям жуда ғалати, иситмаси бор одамдай, алланимани уқтирмоққа уриниб келмоқда эди.

— Шукур ака жуда кийналиб кетди, — деди Мурод унинг хаёлидан нелар кечганини сезгандай. — Сиздан ўзини совутмоқ учун йўқ ердаги ишларни кип юрибди. Лекин фойдаси бўлмапти, сиздан зигирча совумаяпти. Кейинги пайтда анчагина телбаланиб колган. Яна билмадим. Балки менга шундай туюлаётгандир.

— Рост-рост, — Мадина холанинг овози андак титраб чикди. Хийла телбасифат бўп колган. Икки сафардан бери довдир-совдир гаплар кип кетаяпти. Ўзимам ўйладим-а, нима жин чалди бу тентакни деб. Демак, гап бу ёқда экан-да.

— У киши айтгандирки, — деди Мурод айтаётган гапига чиппа-чин ишонган холда. — Мен учун иккита куёш бор, бири осмонда, бири ерда, яъни у — сиз. Ердаги куёш сўнган куни, мабода сиз ўлиб-нетиб қолсангиз, ўзимни поезднинг тагига ташлайман деди. Мадина холангсиз хаёт хаёт эмас, деганини мана шу кулоқларим билан эшитдим.

— Чиндан шундай дедими? — Мадина холанинг овози бу гал калтираб кетди.

— Бу борада алдаб бўлмайди, хола, — Мурод тумтайган қўйи сигаретни чукур тортди. — Гапнинг сирасини айтганда, бир жихатдан тўғриям қилади. Севгилингдан сўнг нима қиласан яшаб.

— Ундай дема, — Мадина хола шошиб эътироз билдирди. — Бориб айт, унақа тентак ўйларга бормасин.

— Ўзингиз яхши биласиз, Шукур ака бахтсиз одам, — Мурод ўзини эшитмаганга олиб, гапида давом этди. — Ёлғиз, жуда ёлғиз одам у. У ёқда ўғли бир тийинга олмайди, бу ёқда хотини рангини чиқармайди. Унинг бирдан-бир илинжи сиз. Сиз борки, у тебраниб юрибди, эмасам, аллақачон ўлиб кетган бўлармиди.

Мурод гап билан бўлиб, сигарет кулини тўғридан-тўғри полга ташлади. Озодаликни ўлгудек яхши кўрадиган Мадина хола унинг бу қилиғини сезмади. Ўзи билан ўзи бўлиб ўтирарди у. Миясида илгари ҳеч айланмаган фикрлар чарх урмоқда эди: «Бундай олганда, Шукургина эмас, ўзим ҳам ёлғизман-ку. Қунлар бир-бир ўтаяпти, лекин мен ҳеч бир қувончли илинж-ни кўрмайпман. Иш ва ташвишдан бўлак нарсанинг

ўзи йўк. Тўғри, бир қарашда ёлғиз эмасман, қизларим ва невараларим бор. Аслида эса жуда яккаман. Хатто катта қизим ҳам тушунмайди мени, бир дастёр сифатида қарайди. Кичигига эса гап йўк. Унинг учун мен казноқман, ҳар балоларни тикиштираверадиган. Фақат гинг демаслигим керак. Гинг дедимми, тамом, унда бизни туғиб нима қилардингиз, шартта оғзимга уришадди. Энди ўйлаб қарасам, бола эмас, нуқул ташвиш туққан эканман. Ташвишлар ичида ўралашиб, баъзан инсон эканлигининг ҳам унутиб қўяркансан киши. Гиринг деган одамга итдай ташланаман. Чунки кўнглимда нур йўк, илинж йўк, кўзимга одамлар жиндан ёмон кўринади. Аслида ўзим ёмонман, жуда ёмонман. Бўлмаса, Шукур бечорада нима айб, тузукрок сўраб-суриштирмасдан итдай талаб ўтирибман. Шўрлик бир оғизгина ширин сўзга зор бўлиб келаркан. Мен эса... Этимни нимталайдиган хотинман-да ўзимам...»

Бу орада Мурод сигаретини чекиб бўлди-да, қолдирини ташқарига улоқтириб, унга юзланди. Мадина хола букчайиброк ҳамон хаёлга ботиб ўтирарди.

— Тёгсин менга демайман, лоакал чап кўзи билан яхши кўриб, тўрттагина ширин сўзини аямаса бўлди, — дедилар у киши, — Мурод холанинг ҳолатини синчков кузатаркан, ўз навбатида, қуюшқондан чиқиб кетганини фавқулодда фахмлаб қолиб, ичида жиндек изза ҳам тортди. Аммо бу нарсa кейинги «уйдирма»ларига зиғирча ҳалакит бермади. Калта йўталиб ишонч билан таъкидлади. — Шугинанинг ўзи етиб ортади у одамга! Кувонч кўрмаган одамга озгинасиям етади-да!

Мадина хола индамади. Мижжалари қизарган кўзларини ердан узиб дераза томонга хаёлчан термиларкан, кафтини пешонасига босиб, беихтиёр бошини чайкади.

— Эҳ, мен тентак! — деди сўнг нолакор оҳангда. — Вой, мен аҳмоқ! Шундай одамни ўкситиб ўтирибман-а! Мен уни маст деб ўйлабман! Мазах қиляпти деган хаёлга борибман!

Бу хил нолани кутмаган Мурод шошиб қолди. Нима қиларини билмай, бир муддат гарангсиб турди-да, сўнг стаканга сув қуйиб узатди.

— Сувдан ичинг енгил тортасиз.

— Енгил тортмай ўлай! — Мадина хола сувдан хўплаб, йигитга қаради. — Ҳозир қаерда у?

— Душда. Чўмилаяпти, — Мурод қайтиб жойига ўтирди. — Тайхардай ерга ағанаб йиғлагандан сўнг чўмилади-да.

— Бечора! — Мадина холанинг юраги ачишиб кетди. — Ерга ағанаб нима қиларди, а?!

— Унинг каби суйганингизда ерга ағанаб эмас, тупроққа беланиб йиғлардингиз.

Мадина хола бу даъво қаршисида чурк этолмади. Қуёви аразлаб кетганида, кичкина қизининг пол тирнаб йиғлаганини эслаб, бот хомушланди.

— Шўрлик... жудаям хафадир-а? — деди кейин хўрсиниб.

— Бир оз ўзига келган, — деди Мурод. — Туртиб-туртиб анча тинчлантириб қўйганман.

— Нега туртдинг? — Мадина холанинг қошлари чимирилиб, унга норози тикилди. — Бечора бахтсиз бир одам бўлса, яна сен уни туртсанг! Нега туртасан! Қўлларингга қара, ҳар бири белкуракдай-белкуракдай, туртканинг урганингдан баттар.

— Урмадим, хола. Туртдим.

— Туртма бундан кейин! — деди хола жиддий. — Нима жони бор унинг, туртма!

— Йиғламасин, эди, — Мурод хиёл жахлланган бўлди. — Суйиб қолдим деб ерга ағанаб йиғлаверадими киши. Шахсан мен ҳеч йиғламасдим.

— Сенда юрак йўқ-да, шунинг-чун йиғламайсан.

— Лекин сизга ҳавасим келаяпти.

— Нега?

— Бир одам сизни йиғлаш даражасида яхши кўради-да.

Мадина хола қизариниб, чеҳрасига мамнунлик ифодаси қалқиди.

— Қизлигингизда ҳам сизни биров бу қадар севмаган бўлса керак, а?

— Қайдам, — Мадина холанинг ишга ўрганган қўллари стол бўйлаб изғиди. Бу ҳаракатида мамнунликдан ташқари ҳаяжон ҳам яширин эди.

— Сиз эса уни ҳайдаб ўтирибсиз! — Муроднинг овозига тагин идлао инди.

— Энди хайдамайман!
— Уришиб ўтирибсиз.
— Энди уришмайман! — Мадина холанинг овози янада майин тортди.

— Шундай қилинг, хола, — Мурод уни маъқуллади. — Бечорада нима айб.

— Шундай қиламан энди, — Мадина холанинг овозида хаяжон кўпчиди. — Аввал... аввал билмасдим-да мен уни!

Шу пайт кўчада бригада йигитлари пайдо бўлди. Улар орасида Шукур ака ҳам бор эди. У атрофга аланглаб кимнидир кидирарди. Мурод у ўзини кидираётганини фахмлаб, деразадан четга сурилиброк ўтирди. Бу орада Шукур ака йигитлар билан ниманидир келишиб олди-да, сўнг ўрдак юриш қилиб, уларнинг олдига тушди. Кетаётиб, уйча томонга қараб-қараб қўйди. Кейин яна қаради, яна ва яна қаради.

Мурод холанинг диққатини ўша томонга тортди.

— Қаранг, хола. Шукур ака қараб-қараб кетаяпти.

Мадина хола деразага бурун тиради. Шукур аканинг ортига аланглаб кетаётганини кўриб, хаяжондан нафас олишигача ўзгариб кетди.

— Энди ишондингизми? — Мурод ошкора тантана қилди. — Бунисига нима дейсиз энди?!

Шу дам эшикдан сменадош кампир пайдо бўлиб, кексаларга хос заиф оҳангда салом берди. Аммо унга жавоб берувчи бўлмади. Саломи ҳавода муаллақ қолган кампирнинг сал жаҳли чиқинқиради.

— Нима гап? — деди уринган сумкасини бўш ўриндиқлардан бирига қўя туриб. — Пашшадайин деразага ёпишиб қопсанлар.

Яна жимлик. Кампир норозиланиб минғирлашга тушди. Мадина хола деразадан ўтирилмаган қўйи зарда ила қўл силтади.

— Бирпас минғирламай туринг!

Кампир қизиқсиниб, уларнинг тепасига борди. Эгилиб деразадан ташқарига мўралади. Йўлакда қўлтиқлашиб келаётган қиз билан йигитни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди.

— Фу-у, нимаси томоша экан буларнинг? Нимаякан деб ўйлабман.

Кўп ўтмай Шукур ака гурухи окшом пардаси остида кўздан йўқолди. Мадина хола-перазадан кетмай, бир муддат хаёлга ботиб ўтирди.

* * *

Мурод тунги сменага сал кечикиб келди. Шукур ака кўринмас, бошқалар, одатдагидек, ховлида чойлашиб ўтирарди.

У Шукур акани ичкаридан топди. Шукур ака кийим ечиладиган жавон қаршисида какқайганча, шапалокдай синиқ кўзгуга ўзини солмоқда эди. Муродга кўзи тушгач, оғзи қулоғига етиб, уни ёнига имлади. Эғнидаги оппоқ кўйлакка ишора қилиб деди:

— Қалай?

— Зўр, — деди Мурод ҳеч нарсага тушунмай.

Шукур ака мамнун томоқ кириб, кўзгуга бокқанча калта қирқилган сочини таради. Кейин кепкасини авайлаб бошига қўндирди. Кўзгуни ўзидан узоқлатиб, афтибашарасини обдан кўздан кечираркан, хийла ўзгарган овозда сўради:

— Фурашкам жойидами? Ё сал қийшайтириб кияйми? Сочимнинг чиқиб туриши қалай?

— Мана бундай кийсангиз дурустрок, — деди Мурод, хануз ҳеч нарсага тушунмай, шунчаки йўлига унинг кепкасини тўғрилаб қўяркан. — Мана шундай. О-о, жуда ярашди лекин.

— Шимим қалай, шимим? — Шукур ака гоҳ ўнга, гоҳ сўлга ўгирилиб, ўзини намоиш қилди. — Кенг эмасми? Қопга ўхшаб халпиллаб тургани йўқми?

— Шим-ку жойида-я, — Мурод шўхлиги тутиб, унинг қорнига нукиди. — Лекин мановуни нима киласиз? Дўппайиб чиқиб турибди-ку.

— Бунди энди йўқотиб бўлмайди, — Шукур ака қорнини ичига тортди. Сал каттароқ-да сабил.

— Дарвоқе, қорнингизни ўзи бир хусн, — деди Мурод қулиб. — Қоринсиз аллакимларга ўхшаб коласиз.

Шукур ака қорнини қўйиб юборди.

— Аввалроқ шундай демайсанми, — деди шодланиброқ. — Сағал кичрайсин деб эрталаблари раз-два кип юрибман-а. Назаримда, сал кичрайгандай.

— Менга ҳам шундай туюлаяпти.

Шукур ака бўйнини эгиб, қорнига синчков разм солди. Қўли билан пайпаслаб кўрди.

— Барибир... қорин бемаъни нарса, — деди сўнг.

— Лекин сизга ярашади, — деди Мурод унинг кўнгли учун. — Сиздаги қомат ҳеч кимда йўқ.

— Мақтама, кўзинг тегади, — Шукур ака яна ўзини ойнага солди. — Сен йигитларни бошлаб сопол заводига боравер. Икки вагон қувур юклашимиз керак экан. Мен ортларингдан етиб бораман.

— Сизга йўл бўлсин?

— Учрашувга.

— А! — Мурод кулоқларига ишонмади.

— Айтмадимми ҳали сенга?

— Йўқ.

— Боя келаётсам... — Шукур ака атрофга хадиксираб қараб қўйди. — Мадина эшиги олдида турган экан, қизил-сарик байроқчаларини қўлида тутиб. Мени кўриб иршайди. Иршайиб, чой ичишга кел, Шукур, деди. Овози бирам майин, бирам майин. Ўн саккиз яшар қиз боланинг овози дейсан! Мен, ҳўп, дедим, ҳозир келаман, дедим. — У уст-бошига яна бир қур назар ташлади. — Эсиз, янги костюм-шимимни кийиб келсам бўларкан. Иршайишини қаердан билай. Лекин буям ёмон эмас-а? Шимим сал чатокрок-да. Кеннойингга минг марта айтганман, шимимни дазмоллаб бергин деб, қайдам эшитгиси ҳам келмайди, сени биров куёв килармиди дейди...

— Демак, ҳозир ўша ёкка?

Шукур ака бош ирғаб, тасдиқ ишорасини билдирди-да, сўнг оғзингдан гуллаб юрма, деган маънода бармоғини лабига босди. Кейин кафтидаги кўзгуни ўзидан узоклатиб, афтини яна бир қарра кўздан кечирди. Кепкасини тўғрилаган бўлди. Сўнгра мамнун томоқ қира-қира, эшикка йўналди.

Салдан сўнг Мурод унинг изидан юрди. Вокеанинг тафсилоти билан ниҳоятда қизиқмоқда эди. Бахтига йигитлар чойхўрликни йиғиштириб, айвонга ўтишган экан, ҳовлида ҳеч кимга тўқнаш келмади. Очиқ деразадан Ўнар найновнинг овози эшитилар, чамаси, телефон орқали ким биландир жанжаллашмоқда эди.

У оёк учида юриб муюлишга етганда, Шукур ака ичкаридан нур ёғилиб турган уйча эшигига рўпарў бўлганди. У қаддини эгиб, остона ҳатлаши билан Мурод оёғини қўлига олди. Дераза ортига биқиниб, секин ичкарига мўралади. Одатдаги жойида ўтирган Мадина холанинг эғнида янги кўйлақни кўриб, кулиб қўйди.

Деразадан Шукур ака кўринмасди. Лекин депсиниб оёк суртиши баралла эшитилиб турарди.

Мурод холага диққат қилди. Диққат қилди-ю, ҳайратдан оғзи ланг очилиб қолди. Аввал сезмаган экан, Мадина хола бутунлай ўзгариб кетганди. Чехрасидан азалий дилгирлик ва тажанглик ариган, яноқлари кизариб, ялтираб турарди. Кўзларидан шундай бир нур жилоланардики, унинг аслида бақироқ ва серзарда аёллигига одамнинг ишонгиси келмасди. Мадина хола ҳозирги туриши ва ҳолатида ўзи тенги ҳар қандай эркакнинг юрагига ўт ёқа оларди. Худди шуни тасдиқлагандай, унинг сал-пал қизил суртилган юпка лабларидан майин сўзлар тизими сирғалиб чиқди.

— Артмай-суртмай киравер, Шукур!

— Сурт... суртмай кириб бўлмайди-да, Мадина хон,— Шукур аканинг овози уникидан-да майин чиқди. — Полни расво қиламиз-да.

— Қўявер, — деди Мадина хола ўша оҳангда. — Расво бўлса, суртилар. Кир, ўтир.

— Уринмагин дейман-да, — Шукур аканинг овози яна майин тортди.

— Қийналиб кетдинг, Шукур!

— Ҳозир-ҳозир. Мана бўлди.

— Вой, у ёққа ўтирма, мана бу ёққа ўт, — Мадина хола деразага қарши томондаги ўриндик устини кафти билан суртди. — Шимингни расво қиласан. Мен йўғимда кимлар кирмайди бу ерга. Веранинг Сашкаси мой юқи шими билан киравериб, ҳаммаёқни расво кип ташлайди. Верага неча марта тайинладим, слесарингга айт, мой юқи шими билан киравермасин деб. Қайдам, гап у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетади.

— Кишида фаросат бўлмаса қийин-да, — Шукур ака муштумига йўталди.

— Шунини айт.

Шукур ака у кўрсатган ўриндикка чўкиб, елпинди.

— Бугун... кун жуда дим-а.

— Дим, жуда дим.

— Айниқса, кундузи ёмо-он дим бўлди.

— Куйдики куйди...

— Кундузги сменадагилар қандай чидашди экан? —

Шукур ака кўйлаги тугмаларидан бирини ечиб, кўксига пуфлади. — Ҳойнаҳой, вагон тагига уриб кетишган бўлса керак ҳаммаси.

— Бу ёз жуда иссиқ келди.

— Ҳа, жуда иссиқ келди.

— Терлаб кетибсан, фурашкангни ечиб қўй, Шукур.

— Йўқ, унча иссиқ эмас, — Шукур аканинг кепкасига чўзилган қўли тез пастга тушди. — Ўрганиб қолганман.

— Сменага келсам, — деди шикоятмуз Мадина хола, — Веранинг Сашкаси бир оғайниси билан ичиб ўтирибди. Кийимига қараб бўлмайди. Мозутга ботиб чиққандай. Гапирсам, тепловознинг ремонтини тугатдик, шуни юваяпмиз, дейди. Верани ёмон уришиб ташладим. Стулларни қиртишлаб артмасанг, сменани қабул қилмайман дедим.

— Артдими?

— Артди.

— Сашка ёмон бола эмас лекин.

— Кўп ичади.

— Ҳа, шу феъли бор. Лекин ўзи ёмон эмас.

— Лекин Верани ёмон уришдим.

— Тўғри қипсан.

— Сашкаям хафа бўлди.

— Хафа бўлса, ундан нари, — Шукур ака ўз эгнига мамнун қараб қўйди. — Кир шим билан кирмасин эди.

— Шуни тушунмайди-да.

— Сен тушунтир-да.

— Тушунтирдим.

— Яхши қипсан.

Бир муддат жим қолдилар. Шукур ака сездирмай, бармоғи билан пешона терларини сидириб ташлади. Кўз қирида холага қараб-қараб қўйди. Ўша қарашларнинг бирида нигоҳлар тўқнашиб, қизаришиб ерга бо-

кишди. Шукур ака оёғидаги туфлисини томоша қилган бўлди. Мадина холанинг туфлиси эскироқ экан, оёқларини охиста стул тагига тортди. Шукур ака ўзини сезмаганга олди. Шу пайт Мадина хола паст овозда кичкириб юборди.

— Вой!

— Ха! — Шукур ака чўчиб тушди.

— Вой, мен тентак!

— Нима бўлди? — Шукур ака ўрнидан даст туриб кетди.

— Чой ичамиз демабман-а сенга, — эрмак топилганига хурсанд бўлгандай, Мадина хола чаккон ҳаракатланиб, чойни қайтаришга киришди. — Эсим курсин, совутиб кўяй дебман-а. Келишингдан сал бурун дамлагандим.

— Бизга... совуғиям бўлаверади.

— Сенга совуғини бериб ўлибманми, Шукур, — Мадина хола унга меҳр ва ғамза аралаш тикилди. — Қайноқ чойга нима етсин. Қара, қайноққина турибди. Ёпқич яхши нарсда-да, иссиққина саклайди.

Шукур ака ўтирган жойида ҳиёл эгилиб, чойнак устидаги ёпқични тутиб кўрди.

— Лекин... жуда фаросатли аёлсан-да, Мадина!

— Одамни уялтирма, Шукур!

— Бошингдан сув ўгириб ичса арзийди!

— Шукур... — Мадина хола уялинқираб бошини эгди.

Аёлнинг бу килиғи хуш ёкиб, Шукур аканинг кўзлари ғалати чакнаб кетди. Яхши гапириб, унинг кўнглини шодлантиргиси келди. Аммо тилига тузукроқ гап келмай, қийналарди.

Бу орада Мадина хола стаканга қуюқ қирмизи ранг чой қуя бошлади. Шукур ака, ток ургандай, унинг кўлига ёпишди.

— Ўзим... ўзим қуяман.

— Қўйсанг-чи, Шукур! — Мадина хола унинг қўлини охиста четлатди. — Ўзим хизмат қиламан сенга! Мураббодан қанча солай?

Бу гапдан Шукур ака қаттиқ хаяжонланиб кетди. Тор кўкси кўтарилиб-кўтарилиб тушаркан, қорни бил қиллаб кетди.

— Икки... икки қошиқ етади, — деди овози тўлқинланиб.

— Чойни нимтатир ичма, Шукур. — Мадина хола тўрт қошиқ мураббо солди. — Озгина колбаса опкелувдим, ейсанми?

Бу қадар меҳрибонликни кутмаган Шукур ака, ҳаяжондан ўзига келгунча бўлмай, стол устида нон ва колбаса пайдо бўлди. Салдан сўнг улар қаватидан помидор билан бодринг жой олди.

— Ҳойнаҳой, Шукур оч келар деб опкелувдим.

— Бекорга овора бўпсан-да, Мадина! — деди Шукур ака алланечук йиғламсираган оҳангда. — Келаётиб, мошхўрда ичувдим.

— Мошхўрданг қоптими, — Мадина хола егуликларни у томон сурди. — Ол, тортинма.

— Э! — Шукур ака титроқ бармоқлари орасидаги стаканни столга қўйди. — Менам сенга у-бу нарса опкевдим. Сал қопти-я, эсимдан чиқишига, — у қондек чўнтагидан сиқим-сиқим мағиз ва конфет олиб, столга тўка бошлади. Иккинчи чўнтагидан дўконларда камдан-кам кўринадиган бир жуфт шоколад чиқарди: — Егин буларни, — деди сўнг ўта ғамхўрлик оҳангида. — Тоза ишқалат, қувват бўлади.

— Вой, раҳмат! — Шукур акадаги кучли ҳаяжон энди Мадина холага ўтди. — Роса қиммат-ку буларинг. Нима қилардинг, овора бўлиб.

— Нимаси қиммат, — Шукур ака чойдан бир хўплаб стаканни қайтиб жойига қўйди. — Сен учун ҳеч нарса қиммат эмас!

— Сенам егин, Шукур, — Мадина хола шоколадлардан бирини очиб, ярмини унга илинди. — Юк кўтарадиган одамсан, қувват сенга керак!

— Сен есанг, мен егандайман! — Шукур ака аёлининг билagini секин итараркан, бирдан титраб кетди. Кафти беихтиёр билак бўйлаб сирғала бошлади. — Сен есанг...

Мадина хола бир лаҳзага хушёр тортди-ю, сўнг худди Шукур акани хафа қилиб қўйишдан чўчигандай, кўзларини пастга олди.

— Қўй, Шукур! — деди пичирлаб. — Уят бўлади!

Шукур ака қўлини тортмади, тўғрироғи, тортиб

ололмади. Бармоклари билакдаги чўзиқ чандиқ устида ўралашиб қолди.

— Нима бу? — деди томоғи қуруқшаб. — Нима қилган?

— Ўтган ҳафта шлагбаумнинг сими тилиб кетганди.

— Эҳтиёт бўлгин-да, Мадина! — Шукур ака чандиқ устини оҳиста силади. Азоб бермадими, ишқилиб?

— Йўқ, — Мадина холанинг овози товланиб чиқди.

— Эҳтиёт бўлиш керак! — Шукур ака чандиқ устини силаб-сийпашда давом этди. — Бундан кейин эҳтиёт бўлгин, хўпми?

— Хўп! — Аёл билагини беозоргина бўшатди. — Қўй, уят бўлади, Шукур! Ишга борадиган одамсан, тамадди қилиб ол. Вой, чойингниям совутибсан-ку. Стокани бер, янгилаб берай.

— Эҳ-х, Мадина, Мадина! — Шукур аканинг овози бирдан тўлқин-тўлқин уриб чиқа бошлади. — Шундай меҳрибон аёл шундоққина ёнимда юрган экану, билмаганимни кара-я! Эҳ-х, Мадина! Агар ўшанда уриб бошимни ёрмаганингда, уйланган бўлардим сенга! Бунақа қийналиб ҳам юрмасдим!

— Айб ўзингдан ўтган, Шукур, — деди Мадина хола ачинган оҳангда. — Ҳеч гапдан, ҳеч гап йўқ, қўл чўзгансан-да менга.

— Аҳмок бўлганман-да, аҳмок! — Шукур ака бўш қўли билан пешонасига нуқиди. — Манову калла ишламаган-да!

— Қўй, ўтган ишни ўйлаб куйинма, Шукур!

— Куйинмай бўладими, — Шукур ака манглайига тарсиллатиб бир туширди. — Билмасдан бахтимни учуриб қўйганман-да! Мана шуниси алам қиляпти-да менга!

— Бўлди. Ҳадеб куюнаверма.

— Эҳ-х, Мадина!

— Овқатингни егин, Шукур, — Мадина хола колбаса бўлақларини икки нон ўртасига жойлаб узатди. — Қорнинг оч кетмасин, еб олгин!

— Ейман, — Шукур ака унинг қўлидагини авайлаб олди. — Сен берган нарсанинг ҳаммасини ейман!

— Егин, жоним! — Мадина хола шундай деркан дув кизариб кетди. — Вой... Одамни жинни қиласан-а, Шукур!

— А! — Шукур ака бир қалкиб тушди. — Нима дединг?! «Жоним» дедингми? Яна бир қайтар! Биргина қайтар!

Шу пайт бекат томондан Абдулланинг бўғиқ овози эшитилди.

— Шуку-ур!

Мурод оёқ учида бекат томон учди. Ярим йўлга етмай, яна чақирув овози эшитилди. У ғазаби қайнаган ҳолда бригадирга рўпарў бўлди.

— Ўчир овозингни! — деди шипшиб, Абдуллани бўғиб ташлагудек бир важохатда. — Оч қолган бузоқдай намуңча бўкирасиз! Соламан айлантириб! Жим!

— Шукур қани? — Абдулла гоҳ сенлаб, гоҳ сизлаб, ўзича бўфилаётган йигитдан ҳайкиб, беихтиёр ортга тисланди. — Ишга бормаймизми ахир?

— Ишга? Ҳа-ҳа, ҳамма ишга! — Мурод жаҳд ва жаҳл билан аввал Абдуллани, сўнг Колянинг билагидан, Ринатни кўкси билан итарди: — Ишга! Ҳамма ишга!

Фавқулодда нимадир содир бўлганини ҳамма англади. Аммо нима? Бунга жавоб топмоқ умидида ортга қарашга улгурганлар Муроднинг қаршилигига дуч келмокда эди.

— Ишга! Ҳамма ишга!

— Нима юз берди, экан?

Нима содир бўлганини фақат Муродгина биларди. Мўъжазгина бу бекатда ўзига хос ажиб бир мўъжиза юз берганди. Унинг назарида, бунга ҳалақит бермокқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди.

— Ортга қаралмасин! — Муроднинг овози паст ва шиддатли, шунингдек, жуда қахрли эди. — Ҳамма ишга! Ортга қаралмасин! Қаралмасин ортга! Ишга! Ҳамма ишга!

Бригада гўё ёв қувгандай, темир йўл бўйлаб узоқдаги сопол заводи томон жадал кетиб борар, ортда эса эшик ва деразасидан ўткир ёғду таралган оппоқ уйча симёғочдаги чироқ нуридан оқариб турарди. Дим сукунатни дам-бадам Муроднинг овозигина бузарди.

— Ишга! Ишга!

ЧАНГАЛЗОР ИТИ

Қоровой туғилиб ўсган чакалакзор катта қирнинг этагида, Тошлисойнинг қуйи ўзанида жойлашган. Энг яқин қишлоқ тўрт чақирим нарида, паст-баланд тепаликлардан иборат кенг дашт ажратиб туради уни. Тошлисой кўклам кезларидагина тўлиб-тошиб оқади. Айрим ҳоллардагина ёзнинг ўрталаригача сув жилдираб туришини демаса, қолган пайт қуриб-қақшаб ётади. Шу боиским, сой, шунингдек, чакалакзор эътибордан холи — одамзод камдан-кам кадам босади бу ерга. Ахён-ахёнда бирор қишлоқ подаси яқин келмаса, бўлак вақт чангалзордаги жон ахлининг тинчлигига ўзга биров дахл қилмайди.

Қоровойнинг кўз очиб, илк кўрган новдалари бир-бирига чирмаётган девордай қалин буталар бўлди. Буталар тагидан ўтган йилги хас-хашаклар мўралаб турар, муздек намхуш ҳавода шувоқ исига қоришиқ зах хиди анқир, ўлик офтоб нурига кўмилган чакалакзор ўта адоқсиздек таассурот уйғотарди. Аслида ҳам чангалзор кичкина эмас, отда теваракланганда, ярим соатлик майдонда ястаниб ётарди. Қоровой ушбу чангалзорнинг қок ўртасидаги сайхонликларнинг бирида дунёга келганди. Мўъжаз бу майдон дастлаб унга кенг олам туюлганди. Оёклагунча ялангликнинг поёнига етиш оғирдек эди. Чексиз даштга тушиб қолгандек ҳис ётарди ўзини. Эсини танигач, бундай қарасаки, поёнсиз туюлган сайхонлик жуда тор у ёғи ўн-бу ёғи ўн беш одим, ўртада чоғроққина камар. Камарга у бирор хавф сезсагина биқинади. Бошқа пайт кунини ялангликда ўтказди. Орада дайдиш истаги жўш уриб, буталар оралаб ҳам қолади. Калта ва нимжон оёқчалари илдизу хас-хашакларга илиниб, «дод»лаб дунёни бузади. Ўшандай тентишларнинг бирида чуқурга тушиб қолиб роса таъзирини ҳам еган. Онаси келиб қутқармагунча ёмғир суви тўла чуқурда аянчли ангиллаб ётган.

Она ит — Олапар кундузлари қорасини кам кўрса-тади. Кун узоғи қорин ғамида аллақаерларда санқиб юрарди-да, чангалзорга тунга яқин қайтади. Ёлғизини ялаб-юлкаб эмизади. Тонгда эса тўсатдан яна йўқ бўлиб қолади. Ёввойи жониворларга хос қўнимсизлик,

жонсараклик унинг қон-қонига сингиб кетган, тундан ўзга вақт бир дақиқа ҳам тиним билмас, гоҳо эса тунлари ҳам дайдиб кетаверарди.

Аслида у ёввойи ит эмасди. Ёввойиликни ўғри феъли туфайли бир йил бурун касб этганди. Унгача яккатомлик Хайдар кўсанинг эшигини кўриқларди.

Хайдар кўса табиатан ўта бадфеъл одам эди. Олапарнинг ўғрилигини кечира олмади. Чала ражилган товукни унинг тумшуғига нуқиб, бошда роса калтаклади. Шўрлик Олапар ҳафта деганда зўрға ўзига келди. Яна ҳафта, ўн кун ювунди ичиб, дармонга кирди. Дармонга киргач, тагин нафси ҳакалак отиб, қонли, илик гўшт истаб қолди-да, кўп ўйлаб турмай, ховлидаги товуклардан бирини тинчитди. Бу воқеадан сўнг Хайдар кўса уни ўлимга маҳкум этди. Аввал бошда Нодир мерганникига милтик сўраб борди. Нодир мерган иримчи эди, қуш отадиган ярокда ит отиб бўлмайди, овдан барака кетади, дея қуролини бермади. Шундан кейин Хайдар кўса итни осиб ўлдиришга қарор қилди. Бу ишга пухта ҳозирлик кўриб, аччиқ данак ўрик шохига аркон ташлади. Сўнг айбдорни судраб келиб, бўйнига сиртмоқ солди-да, бор кучи билан арконнинг бериги учидан тортмоққа тушди. Сиртмоқ томоғини сикқач, Олапар ўлимнинг не даражада даҳшатли эканини бутун вужудида ҳис этди. Бўғилиб силкинди, тебраниди. Бахтига аркон узилиб, ерга гурс этиб тушди. Ютоқиб нафас оларкан, эгасига ёлвориб бокди. Аммо Хайдар кўсанинг кўзлари қонга тўлган, шафқат ҳисси бегона эди унга. Эгасининг вазоҳатидан ўлим муқаррарлигини англаган Олапарнинг юрагидаги қўрқув туйғуси ғазаб ва нафрат билан алмашинди. Яғринидаги туклари хурпайиб, аввалига андиша ила ириллади. Хайдар кўса эътиборсиз аркон учларини тугунлашда давом этди. Олапар хурди, тегсанг, тишлайман, деган оҳангда ғазабқор ақиллади. Эгаси, кўзи ишда, ўчир овозингни дея, унинг тумшуғига ўхшатиб бир тепди. Олапар, худди шуни кутиб тургандек, кескин бир запт билан унга ташланди-да, Хайдар кўса сергаклангунча бўлмай, билагидан ғарч тишлаб олди. Кейин бўйнидаги аркон бўлагини судраганча даштга қочди. Шу қочишда чангалзорга бориб биқинди.

Чакалакзорни ў илгаридан яхши биларди. Унга якинроқ жойдаги товукхонадан ўмарган ўлжасини асосан ўша ерда саранжомларди. Ўғри итларга хос шумшуклик ва синчковлик билан бу якин-атрофдаги паст-баландликларни аввалдан обдан ўрганиб чиққан — чангалзор энг баҳаловат масканларидан бири эди.

Ушбу воқеадан сўнг Хайдар кўса уни ортиқ қидириб ўтирмади. Олапар эса ҳовлига қайтиб оёқ босмади. Насибасини гоҳ осонлик, гоҳ қийинчилик билан териб юрди. Товукхонадаги Бўрибосар билан илиқишгандан кейин емиши хийла яхшиланди. Деярли ҳар тун фермадан товук ўмарар, пашша учса сезадиган Бўрибосар унга ғинг демасди.

Хаводан қишнинг захри кетмай, у чангалзордаги камарда болалади. Боласи иккита эди. Бири кўз очмай ўлиб кетди. У бор меҳрини ёлғиз боласига бағишлади. Аммо уни яхши она деб бўлмасди. Феълидек, меҳри ҳам тутуриқсиз — гоҳо Қоравойни ер-қўкка ишонмаса, гоҳо уни бутунлай ёлғиз ташлаб кетар, бир оз тин олмоқ илинжида чакалакзорга қайтгандагина боласи эсига тушиб қоларди. Олапарда ёввойилик билан хонакилик қоришиқ — аросатдаги ит эди у. Шунинг-чун ҳам чангалзорни ноиложликдан танлаб, кейинчалик базўр қўниккан бўлса, Қоравой эса онасидан фарқли ўларок, чангалзорни бутунлай ўзиники деб билди. Эсини танимаёқ ундан ёввойилик майллари пайдо бўла бошлаганди. Одатда, инсонга қарам бўлмаган итларда ёввойилик тез шаклланади. Нега деганда, унинг томирларида аждодларининг ёввойи қони яшайди. Инсон билан ит бақамти яшай бошлаганига мана неча замонлар бўлибдики, орадан неча-неча асрлар соядай сирғалиб ўтибдики, ёввойилик, унинг асосий хусусиятларидан бири саналмиш ёвқурлик хали-ҳануз уларни тарк этмаган ва бу ҳол озгина эркинликданок юзага тепчий қолади. Қисқача айтганда, эркинлик ёввойиликни ўзига тез сингдиради.

Олапар гоҳида Хайдар кўса хонадонини, чети қишқ ялоғини, тутун иси сингган ювиндини қўмсаб, ғингиб қолади. Қоравойга эса бу нарсалар бутунлай ёт эди. У чангалзорни ҳамиша ватан деб билди. Кейинчалик уни бир неча бор қаттиқ туриб химоя қилди.

Аммо хозирча унинг ватани-сархади гилам кенглигидаги сайхонлик билан чекланар, илк қизғаниш эса унда тўсатдан содир бўлганди.

Бу вақтга келиб Қоровой хийла тийраклашиб қолган, ўт поялари ва очик илдизларга ёпишиб, тишлаб тортқилайдиган, юлқилайдиган, ириллайдиган одат чиқарганди. Ялангликка ола ҳаққа келиб қўнган куни у камар чеккасидаги илдиз билан овора эди. Ингичка овозда ириллаганича, илдизни юлқиларкан, бу сафар қушга айрича назар билан разм солди. Унинг бамайлихотир думини ликиллайтиб юриши негадир ғашини келтирди. Ўзини ер эгаси, қушни бегона ҳис этди. Бами-соли қора коптокдай думалаб, унга сари ташланди. Шундан кейин у ялангликка парранда зотини доритмай қўйди, баъзан эрмакка, баъзан эса чин маънода қизғаниб, уларни кувиб соладиган бўлди.

Орадан сал ўтиб, Қоровой яна бир сирдан огоҳ бўлди. Сирдан ўта сокин туюлган чангалзорда ҳаёт бетиним қайнашини илғаб қолди. Бу нарса юрагида кизиқиш уйғотиб, у чангалзорни синчков ўрганишга киришди. Буталар ораларкан, хилма-хил нотаниш хидларни пайкади. Учиб-қўниб юрган қушларни демаса, бу хид эгаларининг бирортасини ҳали учратмаган эди. Илк бор учратгани қўшни сайхонликдаги ёввойи малла мушук бўлди. Мушук ербағирлаб ўсган юлғун ёнида чўнкайиб, ўзига оро бериб ўтирарди. Қоровойни кўриб у пинагини бузмади. Қоровой бир зум бошини у ён-бу ён буриб, унга тикилиб турди-да, сўнг олд панжаларини ерга ботириб, кетини эса кулгили тарзда дўнг қилиб, ҳайрат аралаш шўхчан акиллади. Аммо мушук қилт этмади. Тарғил кўзлари оловланиб, без бўлиб тураверди. Таҳдиди қор қилмагач, Қоровой у билан яқиндан танишмоқ истади. Ярим гингшиб, ярим ириллаб, думчасини ликиллаганича унга яқинлаша бошлади. Бироқ мушук танишувни хуш кўрмади. Жойидан кўзга-либ, ўсиқ жунли танасини аввал ғажак, сўнг чўзиб, хузур қилиб керишди-да, аста бурилиб, буталар оралаб кўздан ғойиб бўлди. Қоровой акиллаб унинг ортидан югурди. Аммо ярим йўлда диққати ўзга нарсага чалғиб, ўшанга алаҳсиди. Онасининг қисқа акиллашини эшитмагунча шу куни у чангалзорда роса изғиди.

Қоровой кун сайин улғая бошлади. Авваллари айланиб ўтадиган тўсиқлар устидан энди осонгина сакрайдиган, чангалзорда бемалол дайдийдиган бўлди. Бу орада кўкламнинг тароватли кунлари бошланиб, борлиқ турли-туман хидларга тўлиб-тошди. Чангалзор одатдагидан гавжум ва сершовқин бўлиб қолди. Онаси уни эмизишдан ўзини олиб қочадиган одат чиқарди. Негаки, кучга тўлиб бораётган кучукча билиб-билмай унга озор бериб қўяётган эди-да. Бутазордан суяк топиб олган куни Қоровойнинг ўзи онасини эмишдан бош тортди. Суяк сутдан тотли туюлди. Қувватга эна бошлаган ёш вужуд энди дағал емишларни талаб қилар, бироқ Олапар бошқа ёввойи ҳайвонлардан фаркли, қўнолғасига емиш кўтариб келишни билмасди. Хонакилиги мана шундай пайтларда панд берарди. Бурчини бола эмизиш билан чегараларди.

Боласининг янги истак ва хоҳишларини қандай қондиришни билмай боши қотиб юрганида, бу масала ўз-ўзидан ҳал бўлди. Бир куни у, бемалол ғажийман деган умидда даштдан чоғроққина суяк кўтариб қайтди. Суякка Қоровой эга чикиб қолди. Бошда Олапарнинг қаҳри келди. Енгил бир силтов билан уни нари улоқтириб ташлади. Қоровой тўрт юмалаб тушди-да, яна қайта суякка ёпишди. Ириллаб, қаҳру-ғазаб билан ёпишди. Олапар қаршисида бўлғуси ёвқур қтни кўрди. Узоғи билан яна уч-тўрт ойдан сўнг унга умуман чоғи келмаслигини англаб, ташвишга тушди. Кейин суяк талашаётган бу мурғак вужуд ўз боласи эканини ўйлаб, ўзини босди. Суякдан четланиб, нари сурилиб ётди-да, сўнг емиш қидириб, тагин санқиб кетди.

Қоровой бир неча соатлик оворагарчиликдан сўнг суякни сўлағи билан юмшатиб, паккос туширди. Умрида бу қадар тотли емиш емаганди. Ўша куни суяк қидириб, бутун чангалзорни тити-пити қилиб чиқди. Натижада, кўклам туфайли юзага чиққан жуда кўплаб танишлар орттирди. Улар орасида тошбакадан тортиб типратиконгача, дала сичконида юмронқозиккача бор эди. Бироқ дарди суяк бўлгани сабабли уларга эътибор бериб ўтирмади. Ҳали қон таъмини тотмагани боис бу жониворларга емиш сифатида қарамади.

Қон таъмини у тасодифан тотди.

Кунларнинг бирида бутазор оралаб юриб, ғалати бир манзаранинг устидан чиқди. Кичикрок мушуквачча ерга қапишганча нимадир пойламоқда эди. Ана, у ер бағирлаб олға силжиди-да, тагин тошдек қотди. Бу ҳолат бир неча марта такрорланди. Қоровой қизиқсиниб, унинг ҳаракатларини диққат билан кузатаркан, ҳозир нимадир юз беришини идрок этди. Ўша нимадир қизиқтириб, сабр этмоққа қарор қилди. Эътибори мушукчада бўлиб, бута шохлари орасида чўзилиб ётган, хов бирда учратган малла, она мушукни пайқамади. Бошини бир ён қийшайтириб кузатишда давом этди.

Агар у хонаки ит бўлганида, бу қадар чидам билан кузатмаган, иккинчидан эса, акиллаб аллақачон ўзини билдириб кўярди. Ёввойи табиатидан ёввойи жониворларга хос хусусиятлар таркиб топаётган ва айни шу жихати билан онасидан кескин фарқланиб бормоқда эди. Боласи билан суяк талашганида, Олапарда ёввойилик бир лаҳзагина ўзлигини намоён этган эса-да, оқибат, барибир хонакилик устун чикиб, у муросасозликни афзал кўрганди. Бахсда оналик меҳридан кўра, хонакилик устувор чиққанди. Хонаки ит емиш талашиб ирилласада қатъият ва кескинлик қаршисида у доим бўшашади. Лаб ялаб, чекинмоқни маъқул топади.

Қоровой мушукчани чидам ва қизиқиш билан кузатаркан, бир маҳал уни ғоят эпчиллик билан дала сичқонини тутиб олганини кўрди. Бу ҳолдан анг-танг туриб қолди. Ахир унинг кўз ўнгидида бир жон иккинчи бир жоннинг ҳаётига тажовуз қилганди-да.

У ажабланиб турганида, мушукча сичқонни ўйнай бошлади. Гарангсиган сичқон пайт пойлаб қочишга уринар, у эса сакраб йўлига кўндаланг бўлар, ё панжаси билан бир уриб, баттар қарахтлар, сўнг ажалини кутиб жимгина ётган жонзотни турткилаб, ҳаракатга ундар, қимирлаши билан яна эрмаклашга тушарди. Бу қилиқ Қоровойга жуда қизиқ туюлди. Бошини иккинчи ёнга қийшайтириб, кузатишда давом этди. Бу орада эрмак жонига тегиб, мушукча ўлжасини емоққа тушди. Худди шундагина қорни очлигини сезган Қоровой

мушукка ташланди. Ташлангандаям ҳеч бир шовурсиз, шовқинсиз от қўйди. Туйкусдан пайдо бўлган ганимдан ўтақаси ёрилган мушукча оғзидагини ташлаб қочди. Қоровой у қолдирган ўлжани энди искаб кўраётганида, нақ яғринида кучли зарбани сезди. Ангиллаганича, бир сакраб ёнига ўгриларкан, қаршисида важоҳати ўта кўркинчали малла мушукни кўрди. Аммо Қоровой мурғаклик давридан аллақачон ўтган, тап тортмай мушукка ташланди. Табиий, мушукларнинг хужуми ҳеч вақт узоққа чўзилмайди. У Қоровойнинг афтини бир-икки тирнаш билан чекланиб, ура қочди. Қоровой уни қувламади, оёқлари остидаги сичконга интилди. Аввалига искаб кўрди, сўнг ялади. Қондан вужудига ажиб бир титроқ таралди. У титроқ босилишини кутиб ўтирмай, ўлжани бир ямлашда ютди-қўйди.

Шу кундан эътиборан теварагидаги жамики жонлиққа емиш деб қарайдиган бўлди. Ҳатто чангалзорни макон тутган ёввойи мушуклар ҳам бундан мустасно эмасди. Аммо уларни тутмоққа унга йўл бўлсин. Ўша куни у юмронқозикқа ташланиб кўрди. Юмронқозик инига уриб кетгач, беозор тошбақага оғиз солди. Чоғроқ суякларни майдалашга қодир тишлари унинг метиндек косаси олдида ожиз қолди. Тошбақанинг сичкон каби юмшоқ эмаслигидан ажабланиб турганида, кўзи бирдан пилдираб бораётган типратиконга тушиб қолди. Бир сакраб унга оғиз урди-ю, тумшуғи яраланиб, ангиллаб юборди. Қайтиб бу жониворга қотинмайдиган бўлди.

Эртаси биринчи бор чангалзордан ташқарига чиқди. Ўзига қолса ҳаливери ташки дунё юзини кўрмасди-ю, лекин сичконнинг юмшоқ ва мазали этини тотиганидан сўнг, иштаҳаси қарнай тортиб, кўринган, шитирлаган нарсага ташланавериб, кенг даштга чиққанини сезмай қолди. Бир вақт бундай қарасаки, теварагини девордай ўраган буталар ортда қолиб, сарин ел юнглари сийпаламоқда. У кенг дунё қаршисида лол қотди. Дунёнинг бу қадар чексизлигини ҳаёлига келтирмагани боис, кўз ўнгида тўсатдан юз очган манзарани идрок этолмай, нолакор гингшиб юборди. Сўнгра оҳиста чўнқайиб, атрофни диққат билан кўздан кечири бошлади. Орада ортидаги чангалзорга бир қараб қўйди-

да, тумшугини кўкка чўзиб, хавони искади. Шунда димоғига қўлансароқ емиш иси урилди. Ютокиб тумшугини ялади. Кўзлари ёниб, бот теваракка аланглади. Емиш иси бамисоли оҳанрабодай ўзига торта бошлагач, ноилож йўргалаб, илгарилади. Исга эргашиди. Чамаси уч юз одимлардан сўнг бир дунё емишга дуч келди. Саёзгина чуқурликда бутун бошли сигир лоши чўзилиб ётарди. Сигир лоши кишлок итлари томонидан аллақачон талон-тарож қилинган эса-да, тишга босгулик емиш хали сероб эди. У очофатларча лошга ёпишиб, майда, ўткир тишлари билан устихондаги қолдиқ этларни кемиришга тушди. Қорни тўйғач эса, ички бир туйғуга бўйсиниб, коворға суяқларидан бирини тишлаб изига қайтди. Уни сайхонликдаги камарга беркитди. Анча бурун буталар орасидан топган суягини ялангликка келтириб, сўнг ғажигандай, кечга-ча камарга анча-бунча суяк ташиб қўйди.

Бу қиликни у бировдан ўрганмаган. Аслида ўргатувчининг ўзи йўқ эди. Онаси ўғирликни балодай эпларди-ю, лекин ўлжасини қора кунга асраб қўйишни билмасди. Топарди-ютарди, аммо ғамламасди. Тўғри, кичиклигида аждодларининг одат ва хусусияти боис, ўзидан ортган суяк ва нон бўлақларини Ҳайдар кўсанинг ховлиси бурчакларига кўмиб, бекитиб қўярди. Кейин қарасаки, бунга ҳеч ҳожат йўқ, емиши етарли, вақтида томоғига қараб туришибди. Натижада, у ўзидаги нодир табиий хусусиятлардан маҳрум бўла борди. Қисқаси, қарамлик итларни текинхўр ва бокибеғам, танбал ва бефаҳм, сусткаш ва журъатсиз қилиб қўйди. Қоравой эса қарамлик тушовидан ҳоли, аждодларининг бор хусусияти унда тўлалигича қарор топмокда эди. Суяк ғамлаш борасидаги уддабуронлиги табиий майл туфайли эди.

Қоравой суяк мазасини тотган кунийёқ Олапарнинг пинжига сукилмай қўйганди. Окибатда, онасидан сут қочиб, у бутунлай оч қолиш хавфи остида қолганди. Ушбу майл туфайлигина бўлғуси бу хавфдан халос топганди. Ўша кунни суяк ғамлаб, хийла хотиржам тортган бўлса-да, ундаги бу осойишталик онаси келгунга қадаргина давом этди. Олапар қора бериши билан унда янги туйғу — қизғанчиклик бош кўтариб,

онасини камарга яқинлаштирмасликка уринди. Аммо Олапар суякларга ҳатто қиё боқмади. Корни жуда тўқ эди унинг.

Эртаси онаси қорасини кўрсатмади. Индинига ҳам. Умуман, бошқа қайтиб келмади у. Олапар товук ферма қоровули томонидан отиб ўлдирилганди.

Ёлғиз қолгач, Қоровой бир ҳафта суякларни кемирди. Чанқовини ўзи бир пайтлар йиқилиб тушган чуқурдаги сувдан қондирди. Чуқур нишобликда бўлиб, ёмғир сувига доим тўлиб турарди. Бу орада сигир лоши тугаб, йўғон оёқ ва умуртка суякларига унинг чоғи келмади.

Қоровой онасини беҳуда кутиб юрган кунлари суяк ғажишдан ташқари, ов қилмоқнинг ҳам ҳадисини олди. Ялангликдан юз одимча наридаги буталари сийрак майдонда юмронқозиклар оиласи яшарди. У каттақон соқчи юмронқозикни кўз остига олганди. Аммо уни қўлга туширмоқ осон эмасди. Қоровой ўлжасига ҳар томонлама яқинлашиб кўрди. Бирок барча ҳаракатлари зое кетди. Соқчи юмронқозик унинг қорасини илғаш билан «чийқ» этар ва натижада майдонда ўралашиб юрган юмронқозиклардан асар ҳам қолмасди.

Орада у тўртта сичкон тутиб еди. Юмронқозикни эплаёлмаган эса-да, уни пойлаш мобайнида шуни уқдики, бу дунёда ҳеч бир тирик жон осонгина ўлжа бўлавермас экан. Ҳатто оддийгина сичконларни овлағунча қанча эврилмади у. Мушукдайин писиб, сирғалишдан ташқари, қоплондек човут солмоқча бориб етди. Ўндан тўққиз ҳаракати бекор кетиб, неча-неча бор қуруқ ерни чангалламади. Ўлжаси қочиб, оғзига кесак илашмади. Тумшуғи новдаларга тилиниб, оғрик азобини тортмади.

У юмронқозикни пуф сасикқа чиқариб, даштда изғий бошлади. Камардаги суяклари тугаб, ўзга иложи ҳам қолмаган, боз устига, ёш ва навқирон вужуди ҳаракат истаб, аллақерларга ундагани-ундаган эди. Дастлабки куни улов минган эгасига эргашиб келаётган товукхонанинг янги ити Бўйноқ уни олдига солиб роса қувлади. У дашт бўйлаб қочаркан, чангалзордан паноҳ топди. Дунёда емиш ташвишидан бўлак ғаним хавфи ҳам борлигини шундагина англади. Янаги сафар

эса ғайрати ичига сифмай кирга ўралади. Кирдан туриб бу ёруғ оламнинг ниҳоятда кенглигини, кирдан нарида тагин кирлар, кирлардан сўнг улугвор тоғлар ястанганини илғади. Узокдаги қир бетига ёйилган сурувларнинг нималигини идрок этолмади. Билгиси келиб, ўша томонга юрди. Чўпонларнинг итига таланиб, қўнолғасига зўрга қайтди. Уч кун ёмон азоб тортиб ётди. Ҳамжинсларига нафрати ошса-да, лекин қасос олиш туйғусини хис этмади. Нега деганда, дунё ишларини ҳали тушунмас, уни кадам-бакадам ўзлаштирмоқда эди. Ҳозирча англагани, чангалзордан нарисини бегона ер деб билди. У ернинг ўз эгалари бор экан, деган қарорга келди. Бу нарса уни чангалзорга яна-да маҳкам боғлади. Чангалзорни ёв ўтмас қалъа деб хаёл қилди. Чунки бу ерда ҳали ҳеч нима безовта қилмаган эди-да уни.

Аммо тез орада безовта қилувчилар ҳам топилиб қолди. Соғая бошлаган кунларининг бирида ғазабдан Қоровойнинг туклари тиккайиб, вужуди титраб кетди. Намчил тумшугини олдинга чўзиб ҳавони ҳадик билан искади. Бегона ҳид ва нотаниш шовурни тез илғади. Мулк эгаси сифатида қони қайнаб, ўша томонга писиб жўнади. Салдан сўнг кўрдик, иккита шохли жонивор бута новдаларини бамайлихотир куртиллашиб чайнамоқда. Ох, унинг жисмида ёввойи аждодларининг ёвқур қони шу қадар кўпирдики, қаҳру ғазабдан эси оғиб қолаёзди. Шу топда инига тажовуз қилинган бўридан хавфлироқ эди у. Беозор эчкиларни даҳшатли ганим деб билди. Эгалик туйғуси туфайли улар билан қонли жангга киришга шайланди. Тишларини иржайтириб, олға ташланди. Вожаб, ўта ваҳимали ва қўрқинчли кўринган ганимлари шаталок отиб қочиб қолса бўладими. Бу ҳолдан у бир зум ханг-манг туриб қолди. Сўнг эса бутазордан ўкдек отилиб чиқиб, эчкиларни дашт бўйлаб кува кетди. Бу ишидан шу қадар роҳатланиб, шу қадар ҳузурландики, югуриб бораётиб ирғишлаб-ирғишлаб қўйишдан ўзини тиёлмади. Ҳатто қуймичидаги жароҳати ҳам эсидан чиқиб кетди. Голиблик нашидасидан, том маънода, масрур эди у.

Эчкиларнинг бахтига Қоровой уларни емиш деб ўйламади. Ақс ҳолда бирортасига жиддий зиён еткази-

ши тайин эди. Кувлаш билан бўлиб Қоровой калтак тутган икки оёкли «махлук»ка рўпарў келганини сезмай қолди. У таажжубланишга улгурмай, нотаниш «махлук» нимадир деб бақирди-да, қўлидаги таёғини улоқтирди. Узун калтак зувиллаб яғринини ялаб ўтди. Қоровой тўхтаб, унга хайрон боқди. Сўнг ириллаб, энди уни олдига солмоқчи бўлди. Қайдам, бу «махлук» қочмоқни хаёлига ҳам келтирмади. Ерга бир зумга эгилди-да, шигаб тошбўрон қилишга тушди. Тошлардан бири биқинига тегиб, оғриқдан у вангиллаб юборди. Ва шундагина хавфли рақибга дуч келганини англади.

Чангалзорга қайтиб, оёклари устига бошини қўйиб ётаркан, хозиргина кўрган-кечирганларини тасаввур доирасига сиғдиролмай кўп қийналди. Қийналганидан нолакор рингшиб юборганини ҳам сезмай қолди. Хар-тугул, дунё қарама-қаршилиқлардан иборат, юмронқозикларнинг чирқиллашидан хаёли бўлиниб, бу азобдан халос топди. Сергакланиб бошини кўтарди. Искаланиб, хид олди. Сўнг буталари сийрак сайхонлик томон жилди. Бу эпчил, серҳадик жониворларни очик ҳаракат билан қўлга тушириш мушкуллигини билгани боис, сайхонликдан берида тўхтаб, ўзини буталар панасига олди. Бу ердан ялангликда югуриб юришган жониворлар яққол кўзга ташланар, ўртада эса ўша бикқасемиз соқчи юмронқозик гўддайиб турарди. Қоровойнинг қорни гўлдираб, тумшуғини ялади. Кейин хонаки итларга хос бўлмаган бир йўсинда ербағирлаб олға силжиди. Аввалгидек кетини кулгили тарзда дўнг қилиб эмас, бамисоли коплондек ҳаракатланмоқда эди. Бу ҳаракатни ўзи пайқамаган холда ғоят усталик билан адо этаркан, бунинг учун укувлилигидан эмас, табиатдан миннатдор бўлмоғи лозим эди. Негаки, табиат зўр мураббий — қарамликдан холи, мустақил яшашга одатланган жонзотни шароитга қараб, ҳар кўйда тарбиялай олади.

Қоровой соядай сирғалиб анча илгарилади. Энди уларни серновда пастак бута ажратиб турарди. У бошини хиёл кўтариб, бот искаланди. Димоғида гўшт хидини, гўшт хидинигина эмас, қайноқ ҳаёт хидини туйди. Яғринидаги туклари титраб, ерга яна-да қапиш-

ди. Бу ёғига қандай ҳаракатланишни билмай, боши қотди. Олға юришдан наф йўқ, унинг қоп-қора туси тез қўзга ташланади. Кутишга тоқатиям йўқ, сокчи юмронқозикни тезроқ қўлга туширгиси келарди. Негадир, айнан шуни, бошқасига эътибор ҳам бермасди.

У барибир яна итлигига борди. Сапчиб туриб, ўлжаси томон қуюндек елди. Қайдам, ялангликда бирпасда жон асари қолмади. Бир иш чиқаролмаган Қоровой сайхонликда беҳуда изғиркан, аламдан увлаб юборди. Дуч келган тешикка тумшугини тикиб, ўлжа ҳидини ютокиб-ютокиб хидларкан, ер тирнаб, тупрокни ҳар томонга сочиб ташлади. Сўнг эс-хушини бир оз йиғиб, пастак буталар панасига ўтиб ётди. Қайсар бир туйғуга бўйсиниб, ўлжасини пойламоққа киришди.

Қоровой қуриган хашақлар узра мисоли арвоҳдай сирғала бошлаганда, юмронқозиклар ялангликни тагин банд этишганди. Шу орада кўриқчи юмронқозикнинг диққати бир лаҳзага бўлинди. У кўкда охиста парвоз қилаётган калхатни кўриб қолганди. Осмондаги ғаними бутазорда унчалик хавф туғдирмаслигини билса-да, тарки одат дегандек, унга ҳадик билан тикиларкан, ортидан елдай келиб, нақ яғринига оғиз солган Қоровойни пайқамай қолди.

Бу воқеа ажойиб ёз кунларидан бирида юз берди. Борлиқ илиқ-иссиқ кунларга хос гўзал ва фусункор эди. Қоровой эса бу тароватни ўлжасини қўлга киришиб, паккос туширгандан сўнггина сезди.

* * *

Бу орада Қоровой онасини бўтунлай унутди. Уни тушида кўргандай элас-элас хотирлайдиган бўлди. Онаси уни туғди, бокди, лекин тарбиялай олмади. Қоровой шароит тақазосига кўра мустақил равишда ҳаёт сабоғини ола борди. Яшаш учун турли усулда эврила бошлади. Қорни очганда, кўнгизу чигирткалардан ҳам ҳазар қилмади. Парранда гўшти таъмини эса учирма бўлган қуш болаларини тутиб егач, билди.

У кейинги қиска вақт ичида чангалзорни тамомила ўзлаштириб олди. Тошбақа ва типратиконни демаса, қолган жониворлар осонликча тутқич бермаслигини

фахмлаб етди. Шунга қарамай, хамиша оч меъдаси нималарни хазм қилиб юбормади дейсиз. Тани кун сайин кучга тўлиб, ёзнинг иккинчи ойида шундай бир ит бўлдики, аксарият итлар бу келбатга икки-уч йилда зўрға эришиши мумкин эди: Ётар ва турар жойи чангалзор бўлса-да, у ўз сарҳадини секин-аста кенгайтира борди. Дастлаб Тошлисойнинг юқори ўзани бўйлаб тентиди. Бу йил сув тезда қуриб қолмагани боис, сой ўзанида катта-кичик кўллар сероб эди. Қоровой ўша кўлларда чўмилиб яна-да чиникди. Сувдаги яккам-дуккам балиқларни кўриб анкайса-да, биронтасини тугиб еёлмади. Лекин бир неча бор ҳаракат қилгани рост. Бироқ балиқ дегани ўзи ўйлаганчалик овсар эмас экан, бекорга урингани қолди.

Тошлисой қишлоқ тарафдан янтоқзор дашт билан чегараланган, иккинчи соҳили эса тик жарлик эди. Жар бети қушлар уясига тўла, сергак жонивор учун бу ерда емиш дегани мўл. Нимадандир яраланиб, йиқилиб тушган қуш дейсизми, ё захда қулча бўлиб ётган илон дейсизми, ҳуллас, тимирскиланган жониворга ямлагулик нарса хамиша топилиб туради.

Илон овламоқни Қоровой чангалзорда ўрганган. Бу соҳада у типратикондан улгу олганди. Бошда у типратиконларнинг оғзидагини олиб юрди. Сўнг ўзи ўрганган. Типратиконга ўхшаб илоннинг думидан эмас, бўйнидан тишларди. Ҳар ҳолда унинг бу қилиғи ит зотига хос эмасди. Аммо тинимсиз емиш талаб қиладиган юхо нафсини қондирмоқ илинжида ҳеч балодан қайтмасди. У бу хил овни ички идрокка бўйсунган ҳолда ғоят чапдастлик ва эҳтиёткорлик билан амалга оширарди. Илоннинг захарли махлук эканини биров ўргатмаган эса-да, туйғуси асосида хис этарди буни. Энг қизиғи, захарли жонивордан тап тортмас бу шоввоз ўта беозор сариқ илондан ўлгудек жирканар, кўзи тушиди дегунча, пишқириб нари кетар, ё бу унинг ўша пайтдаги кайфиятига бoғлиқ, эрмак қилиб ўйнарди.

Кунлар ўтган сайин сойнинг юқори ўзани секин-аста унга ўз бағрини оча бошлади. Бир сафар у жардан йиқилиб ўлган семиз кўйнинг жасадига дуч келиб қолди. Ўша куни роса базм қилди. Қорни ёрилгунча гўштга тўйди. Сўнг ҳаётида биринчи бор тўк қорин

билан ялқовланиб, солланиб чангалзорга қайтди. Эртаси эса ўша ерга бориб, ғазабдан нақ шайтонлаб қолаёзди. Қайси кўз билан кўрсинки, насибасига иккита нотаниш ит шерик чиқиб турибди. У ириллаганча олға ташланди. Ўз навбатида нариги итлар ҳам унга қарши югуришди. Олатасир олишувдан жар туби чангиб кетди. Итлардан бири яраланиб, оқсоқланганча четга чиқди. Қоровой жуссадоррок Ола ит билан якка-ма-якка қолди. Бир муддат галма-гал бир-бирини тупрокка босишди. Охири ҳолдан тойишгандай, бетма-бет туриб қолишди. Тишлари даҳшатли даражада иржайган, ҳар қайсиси жангни тезроқ ўз фойдасига ҳал этмокка интиларди.

Ола ит жўнгина хонаки ит эса-да, насибасини даладашдан териб ейишга ўрганган, овзига тегиб турган хўрагини, табиий, етти ёт бегонага қолдириб кетишга асло тоқат қилолмасди. Ҳозир у рақибига қаҳр ила тикиларкан, уни қаерда кўрганини эслаёлмай гаранг эди. Аммо у ер-бу ерда ҳидига дуч келгандай бўлувди. Мана энди қаршисида гўддайиб турибди. Ёш бўлса-да кучи бисёр экан, ҳеч чоғи келмаяпти. Бундан у бир қаҳрланса, бегоналигидан икки бор ғазабланмокда эди. Турган гап, ит зоти нотаниш ҳамжинсини ҳамиша душман ўрнида қабул қилади. Тўқнашув пайтида муро-са қилинмайди, фақат қайси томоннинг зўр чиқишигина орани очик қилади, холос.

Рақибининг жон олувчи жағидан кўзини узмай, қулай фурсатни сабрсиз кутаётган Қоровойнинг ғазаб ва нафрати ўта чексиз эди. Ахир у сой ўзанини аллақачон ўзиники қилиб олганди-да. Хўрак унинг худудидан топилган, демак, ёлғиз унга тегишли. Манову сурбет буни тушунишни истамагани етмагандек, пешкирлик қилгани-чи.

Ола итдан ўларок, Қоровой рақибининг чекиниши билан кифояланмай, қандай бўлмасин, уни мавҳ этишни ўйларди. Ёввойи табиати шунга мослашган, ҳар қандай курашнинг оқибатини мавҳ этиш деб биларди. Ёввойилик унинг вужудигагина эмас, руҳига ҳам сингиб улгурганди. Қорин тўйдириш ғамида турли йўсинда эврилишлар, ўлжа умидида ербағирлаб ҳаракатланишлар, тумшуғи етган нарсани нафсига уриш каби

хусусиятлари унинг ҳар бир мускулини қайишқоқ қилибгина қолмай, руҳини чапдастлик ва ёвқурлик томон йўналтирган бўлиб, ҳозирча унинг ҳосиласи қорин тўйдириш билан яқунланарди. Қорин тўйдириш эса кўп ҳолларда курашсиз бўлмайди. Кураш жониворда ёввойилик ва йирткичиликка майл уйғотгандек, эркинлик, ўз навбатида, бу майлни хаддан ташқари кучайтиради, шакллантиради. Табиатан ёввойи бўлган Қоровойда бу хусусиятлар аллақачон таркиб топган эса-да, тажрибасизлиги ва кўникма олмаганлиги туфайли ушоқ молларни, аниқроғи, уй жониворларини ҳали емиш деб билмасди. Билганида ҳашорату ер тешар жониворлар билан кифояланиб, эчкилар билан пачакилашиб юрмасди. Балиқ тутаман деб тумшугини тошга уриб ёрмасди. Ахир қайси замонда ит зоти балиққа ҳамла қилган дейсиз. Қисқаси, нафс балоси ёмон. У шундай бир қудратли кучки, заптига олса, тамом ҳар қандай жонзотни ўз йўриғида йўрғалашга мажбур эта олади. Бу куч эндиликда Қоровойнинг феълида шафқатсизликни туғдира бошлаган эди.

У ириллаб пайт пойларкан, рақибида кўрқувдан асар ҳам йўқлигини пайқади. Лекин бундан зиғирча ажабланмади. Шундай бўлиши лозим деб биларди ва билгани учун ўзи ҳам кўрқув ҳис этмасди.

Бу ҳолни Ола ит ҳам сездди. Уни тилка-пора қилмоқ истагида баттар ёнди. Аммо ҳамма бало шунда эдики, бу ишни ҳеч эплаёлмаётганди. Рақиби нақ иблиснинг ўзи, ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмай, ҳамлага шай турарди. Ола ит тажрибали эди. Қаршисидаги навқирон вужуд курашда анча укувсиз бўлса-да, эпчилликда ўзидан бир қадар устунлигини сезгани сайин секин-аста ташвишга туша бошлади. Нега деганда, ҳозир бўйин эгиб кетса, бу жойлардан насибаси бутунлай кесилишини идрок этганди. Боз устига, сой ўзани жаннати жой, ҳафсала билан изғисанг, ҳар куни қорин тўяди. Тарк этиб бўларканми бундай жойни! Шунда у қўшни итлар қаватида бўлмаганидан ўқинди. Биргалашиб манову безбетни боплаб адабини бериб қўйишган бўларди. У ёнига кўз қирини ташлаб қўпди. Эҳ, анаву ярамас кўмакка келиш ўрнига жароҳатини ялаб ўтирибди-я. Э, фингшимай ўл!

У пайт пойлаб туриб, тўйқусдан Қоравойнинг бўғзига чанг солди. Вожаб, рақиби бамисоли кўланкадай чап берибгина қолмай, нақ яғринига тиш ботирса бўладими. У бу ҳамлага пухта ҳозирлик кўрган, шу пайтгача бу усул билан қанчадан-қанча итларнинг додини бермаганди. Энди эса... Устига-устак, яғрини энг назик жойи — эски яраси янгиланиб, Ола ит оғриқдан ангиллаб, кўрқувдан сийиб юборди. Қочмоқдан ўзга иложи йўқлигини англади. Аммо бунинг учун аввало мана бу зулукдай қоп-қора, зулукдай ёпишқоқ махлукнинг чангалидан қутулмоқ лозим эди. Бахтига қарши, рақиби бўри эмас, ит. Ит эса тишлаган жойини қсонликча кўйиб юбормайди.

Қоравой бўғзида тук аралаш кайноқ қонни туйган сайин баттар кутурар, рақибини бурдалаб ташлаш иштиёкида ёнарди. У шу иштиёк оғушида бир лаҳзага тишларини бўшатди-да, янги куч, янги ғайрат билан қайта ҳамлага ўтди. Аммо даҳшатли жағи мўлжалга етмай, «шарк» этиб ёпилди. Навбатдаги уриниши ҳам бесамар кетгач, у эс-ҳушини йиғиб, бундай қарасаки, рақиби жонҳолатда қочиб борар шериги унга соядай эргашган. Салдан сўнг қочоқлар дўнглик ортида кўздан ғойиб бўлди.

Қоравой чўнқайиб тантанавор хурди. Аммо хуриши кўнглидаги қувончи ва ғалабасини тўла ифодалай олмаётганини сезиб, тумшугини кўкка чўзганича ҳузур қилиб улади. Увлаш руҳига ҳуш ёқиб, дилида тугилган ғолиблик ҳиссини тўлиқ акслантирди. Увлаш жардан акс-садо бўлиб қайтди. У яна ва яна улади. Акс-садога кулок тутиб, тўхтаб-тўхтаб улади...

Увлаш унинг кўксидан бежиз тошиб чикмаганди. Бу унинг ёввойи ва ёвқурлигидан дарак берарди. Агар кузатган бўлсангиз, хонаки итларнинг тинимсиз акиллаши жўн кишиларнинг беҳуда ғиди-бидисига ўхшайди. Худди акиллашдек, ғиди-бидида на маъно бор, на мантиқ. Зўр итлар эса акиллашни унчалик ҳуш кўрмайди. Тунлари кам-кам ҳуради, гоҳида чўзиб-чўзиб увлайди. Айни мана шу нидода қадимий аждодларининг кўхна кўшиғи мавжуд. Итлар куйлайди. Лекин ҳаммаси ҳам эмас. Куйлаш учун унинг зуваласи бошқачарок узилган бўлиши лозим.

Ўша куни Қоровой увлашдан ташқари яна бир нарсани одат қилди. Қўй жасадининг қолган-қутганини сал нарига судраб обориб, кўмиб ташларкан, бу меники, тегсанг, соғ қўймайман, деган маънода сўлагини окизиб белги қўйди. У буни кир бетиде яшовчи малла тулкидан ўрганганди. Неча бор у яшириб қўйган емишларни топиб еганди. Ҳозир бу одатни тулкидан кўргани учун эмас, кўп бор оч қолганлиги эвазига юзага келган тажриба асосида амалга оширган, тулкидан эса шунчаки улгу олганди. Шунга қарамай итлик хусусияти устун келиб, бир муддатдан сўнг, ўлжа кўмилган дўнглик четига сийиб қўйишни ҳам унутмади. Шундай қилса, белгиси ишончлироқ бўладигандек туюлди.

Ўша куни у димоғи чоғланиб, чангалзорга қайтди. Тунлари маза қилиб увлади. Аммо у узокда чироклари милтиллаб кўринаётган Яккатут қишлоғида ўзига қарши куч жамланаётгани, жонига қасд этмоқ ниятида мудҳиш режалар тузилаётганидан беҳабар эди.

* * *

Ола ит барча ҳамжинслари каби кекчи эди. Ўша куни у ховлига қайтиб, ялоқдаги ювундини шалоқла-тиб ичди-да, товук катаги устига чиқиб ётди. Яғрини-даги жароҳати азоб бериб, нолакор рингшиди. Унинг рингшиши кўрада куйманиб юрган Шоди гарангни диққатини тортди. Шоди гаранг итининг ярасини кўздан кечириб, ўчокдан бир ховуч кул олиб келиб сепди. Шу билан унинг жонига аро кирган бўлди.

Эгасининг муолажаси туфайли у тез ўзига келди. Шоди гаранг сигирларининг ярасига суртадиган қопқора, сассик дорисини ундан аямади. Дори жизилла-тиб ачиштирганда, Ола ит Қоровойни эслаб, кўп қахр-ланди. Кўнглида ададсиз интиқомни тугиб, бир куни томорқа адоғига ўтиб ҳурди. Зумда атрофида уч-тўрт қўшни ит пайдо бўлди. Кенгаш тумшук ҳидлаш билан бошланиб, шу созда якунланди.

Итларнинг бу хил ҳолатини кўп кузатганмиз. Биз-нинг назаримизда бу жараён ҳеч бир маъно касб этмайди. Аммо бу нарса бутун бошли бир гурунг,

битим ва яна алланималардир. Эътиборли нигоҳ ажиб бир холни пайкаши мумкин: биринчи бўлиб етиб келган Қашка тумшуқ хидларкан, жароҳатини кўриб байбайлаб юборади, яъни калта хуради: «Ух-ху, боплашибди-ку». Ола ит сукут қилади. Бошқа итлар етиб келишини кутади. Тўрткўз билан Чиноқ пайдо бўлгач, у оҳиста гингшийди. Тўрткўз уни искашда давом этиб, қахр билан ириллайди: «Нима гап, нима бўлди?» Ола ит унинг тумшуғини ялаб, мақсадга ўтади: «Тошлисойда бир сурбет пайдо бўлибди. Ёмон жангари экан, ярамас». Охирида етиб келган Чиноқ оғзини катта очиб эснайди: «Нима бўпти?» Бунга жавобан Ола ит шикоятмуз гингшийди: «Адабини бериш керак. Қара мени нима қилиб кўйди». Чиноқ бот эснаркан, наридаги сояни кўз остига олиб, райишсиз ингиллайди: «Шу иссиқда зарил кептими». Қашка жаҳлланиб, кескин хуради: «Сен жим ўтир қари маймоқ!» Бу Ола итга хуш ёкиб, воқеани бир бошдан сўзлаб беради. Орада Тошлисойда емиш дегани жуда сероб эканлигини ҳам қистириб ўтади. Бундан итларнинг сўлаги оқади. Қашка бесабр ириллайди: «Кетдик!» Чиноқ тилини бир қарич осилтириб, яна иссиқдан шикоятланади. Тўрткўз уни кўкси билан суриб, даврадан четлади. Қашка акиллаб сўқилади. «Аҳмоқ! Ярамас! Кўрқоқ! Йўқол, бу ердан!» Ола ит уни қувватлайди: «Йўқол!» Чиноқ кемтик ошиб, кўздан йўқолгач, бир битимга келинадида, йўлга тушилади.

Орадан ўн дақиқалар ўтгач, итлар дала йўлида йўртиб боришарди. Куёш таптидан кизиган юмшоқ тупроқ панжаларини куйдирар, узокда эса Тошлисой ўзани узра чўзилган жарлик қорайиб турарди. Итлар ҳакиллаб, бир қарич осилган тилларидан чак-чак сўлак оқизиб, ўша ерни қора тортишган эди. Қашка мўл-кўл емиш умидида олдинроқда одимлайди. Ола ит явринидаги яра изига иссиқ таъсир этаётганини сезиб гингшийди. Фақат Тўрткўзгина иккиланиброк илгарилайди. Бундай иссиқда муздек ариқ ичида кўксини ерга бериб ётишга нима етсин. Улар эса худди пишириб қўйгандай, дала чангитиб юришибди-я. Бир хаёли изига қайтмоқчиам бўлди-ю, лекин ички бир ожиз истакка бўйсиниб, йўртишда давом этарди.

Уларнинг йўлини сарик илон кесиб ўтди. Итлар парво қилишмади. Беғам тошбақа уларни кўриб, косаси ичига биқинади. Қашқа ўйинқарок, унга қотинмай ўтолмайди. Дўнгликда қозикдай қотиб турган юмрон-қозик уларни диққат билан кузатади. Кўкда тўрғай вижирлайди. Сизилловиқларнинг овози оламни тутган, бу бир текис сас далага ўзига хос тароват бағишлайди. Итлар даштдан тезак териб қайтишаётган болаларни четлаб ўтишади.

Ола ит шерикларини лош талашган жойга эргаштириб келади. На лошдин, на Қоровойдан дарак бор. Бундан Ола итнинг қони гупуради. Ҳид олиш сезгилари тийраклашиб, Қоровойнинг изидан тушади. Из уни лош кўмилган жойга бошлаб келади. Аммо кўйнинг кўмилган жасади аллақачон тинчитилган бўлиб, из уларни сойнинг қуйи ўзани томон етаклайди.

Қоровой ўрта жарнинг тагида куйманиб юрган экан, уни биринчи бўлиб Қашқа кўради. Вовуллаб оламни бузади. Салдан сўнг уч ит Қоровой сари елади.

Уларни кўриб, Қоровой аввалига ажабланади, сўнг ғазабдан кутуриб кетади. Ахир мулкида бегоналар юрса-ю, кутурмай бўладими. Ғўрлигига бориб, кучлар нотенглигини ҳисобга олмайди. Ер тирнаб ириллайди: «Қани яхшилиқча даф бўлинглар!» Қайда, рақиблари бу хил нозик имо-ишорани тушунмайди. Бало-қазодай унга ташланишади. Жар тупроғи кўкка ўрлаб, чанг-тўзон ичида ким-кимни талайпти билиб бўлмай қолади.

Қоровой холи танглигини тезда пайқади. Жонига чакалакзоргина ора кирадигандек, ўша томон интилади. Қув-қув бошланади. Қоровой рақибларидан илдамрок югуради. Чакалакзорга етиб, бундай ортига карасаки, итлар изидан қолмай келаяпти. Шаштларига қараганда, чангалзорнинг тити-питисини чиқарадиган. У-у, йўк, бунга асло чидаб бўлмайди! Чакалакзор ёлғиз уники! Чакалакзорга кирган жойида, шартта изига қайтиб, ҳал этувчи ҳамлага ҳозирланади.

Ит деганлари фавкулудда вазиятда жуда зийрак келади. Қоровойнинг вазоҳатидан не гаплигини фахмлаган жониворларнинг оёқ олишлари тайсалланиб, анча нарида тўхтайдилар. Эндиги жанг беомон бўлади. Қоровойга биринчи бўлиб хужумга ўтган итнинг шўри

қурийди. Бу ҳол унинг бутун вужудидан сезилиб турарди. Натижада, ҳамла қилишга итларнинг журъати етмай ақиллашга тушдилар.

Қоровой бошини хиёл қуйи эгиб, ириллаб тураверди. Қайсинг келсанг бурдалайман, деган маънода тишларини даҳшатли равишда шақирлатди. Тиш шақирлатиш бўриларга хос, ёввойи итларга хос. Хонаки итлар бундай киллолмайди. Улар кўпроқ овозга зўр беради.

Қаршисида ўзи ўйлагандан кўра хавфлироқ рақиб турганлигини англаган Ола ит кўмак истаб шерикларига қаради. Шериклари эса унга. Бироқ биринчи бўлиб хужум қилмоққа бирортасининг юраги чопмади. Ким ҳам ўлмокни истайди дейсиз.

Биринчи бўлиб Тўрткўз ховрудан тушди. Чўнқайиб бир-икки хурдида, сўнг муздек соя-салқинда чўзилиб ётмокни маъкул топиб, аста қишлоқ томон бурилди. Бир оздан кейин Қашқа унга эргашди. У бир нарсани, яъни деярли мағлуб бўлган Қоровойнинг бирдан ёмон вазоҳатга мингани-ю, ўлимни бўйнига олган ҳолда уларга мардона бет бўлганини тушунолмади. Унинг маскан ҳақидаги тушунчаси ялоқ билан чекланар, ялогига тегилмаса бас, бошқаси билан иши йўқ эди. Ҳовлида савлатли кўриқчи, аслида эса ўткир туйғулардан йироқ эди у. Ола итга емиш илинжида эргашганди. Емиш ўрнига аллақандай жангари итга рўпарў келиб ўтирибди. У билан пачакилашиб тургандан кўра, бориб ювиндисини ичгани маъкул.

Ёлғиз қолган Ола ит гоҳ рақибига, гоҳ номард шериклари томон боқаркан, ақли хонакилашган бўлишига қарамай, бегона ҳудудга кадам қўйганини фахмлади. Якка қолиш жуда хавфли эканини пайқади. Аммо дум қисиб кетиш оғир эди. У йўлига пўписали хурди-хурди-да, сўнг шериклари изидан йўртди. Баданида яна бир жароҳат орттириб, дами ичида кетди.

Бу ходисани кузатиб турган яккатутлик Толмас исмли бола жуда ақлли иш қилди. У сойнинг нариги бетида янтоқ чопиб юарди. Гизланган итларни кўрсада, бакиришдан ўзини тийди. Гар шўхлиги тутиб овоз берганида, қишлоқ итлари ундан пишанг олиб, шўрлик Қоровойни бурдалаб ташлаган бўларди. Сукут бу ерда ҳам, одатдагидек, аъло натижа берди.

Толмас дашт боласи, итларни яхши ажратади. Қоравойнинг навкирон келбатидан унинг зўр итлигини дарров сезди. Бироқ кўпда эътибор бермади. Бирор кишлокдан дайдиб келиб қолган бегона ит деб ўйлади. Қоравойнинг чангалзор ити эканлигини кейин билди у. Бунгача хали ўртада икки ойлар чамаси вақт ястаниб ётарди. Унгача Қоравой неча-неча саргузаштларни бошидан кечирмади дейсиз.

* * *

Қоравойнинг товукхонага юриши танидаги жароҳатлари битиб кетгандан сўнг бошланди. Итлар билан олишув унга осон кечмаганди. Ўша куни Ола итга жиддий жароҳат етказган бўлса-да, ўзи ҳам обдон таъзирини еган, биқини ва қуймичидан тузуккина яранганди. Лекин оёқлари соғ — ўша-ўша илдам ва бакувват эди. Бу нарса уни жароҳатларининг тузалиш жараёнида оч қолишдан асради. Чангалзорда уни-бунитутиб еб турди.

У товукхонага юришдан аввал Тошлисойнинг юқори ўзанида изғиб, топгани чалажон бир каптар бўлди. Қанотлари лат еган қуш камарда ётган экан, икки чайнаб жигилдонига урди. Қайноқ ва хушхўр парранда этидан тани яйраб, тотли исдан димоғи чоғланди. Ҳаётга иштиёқи ортди. Кейин чангалзорга қайтиб, илиқ шабада олиб келаётган қоришиқ ҳидларга юз тутиб, ялангликда узок ўтирди. Ҳидлар орасидан олисдаги товукхонанинг бадбўй, шунингдек, товукларнинг ҳаёт тафти уфуриб турган бўйини илғай олди. Негадир безовта гингшиб, тумшугини ялади. Охири бўлмагач, кечки пешинда ўша томонга лўкиллаб йўл тортди.

Товукхона Яккатут кишлогининг кунботишдаги тақир даштда, чангалзорнинг шимолида, чамаси, уч чақиримча нарида жойлашганди. У томонга яланглик кесиб, тепалар оралаб бориларди. Қоравой яқиндаги дўнгликка чиқиб, янтоқлар орасидан товукхонани анча кузатди. Нега деганда, туйқусдан у носинашта олам қаршисидан чиқиб қолган, иккинчидан эса, ички бир сезгиси товукхонада қандайдир хатар яширин эканидан огоҳ этиб турарди. Шу важдан у дўнгда қотган,

войи жониворларга хос хушёрлик билан товукхона-
нинг ипидан-игнасигача кўздан кечирмокда эди. То-
вукхона биқинидаги чоғрок кулба теварагида ўрала-
ниб юрган эркак ва аёл, икки ёш бола, сояда чўзилиб
ётган каттакон ит Бўйнок унинг назаридан четда қол-
мади. Товукхона тевараги баланд симтўр девор билан
ўралган бўлса-да, йигирма чоғлик оппок товук симтўр-
нинг бериги томонидаги янтоқзорда бемалоёл донлаб
юрарди.

Қоравой ҳар томонни чамалагандан сўнггина, ўлжа-
си томон писиб жўнади. Энди у росмана ёввойи йирт-
кич каби ҳаракатланар, ҳаракатидан ўта айёрлиги яққол
ақс этиб турарди. Айёрликни унга муҳит ўргатганди.
Янада аниқроғи, чангалзордаги ҳар бир жонивордан бу
борада жиндек-жиндек улуш олганди. Малла мушук-
дан, хатто оддийгина типратикондан, қўйингки, жўнгина
чигирткаларнинг хатти-ҳаракатларидан ҳам ҳаёт сабо-
ғини олган, бу ёруғ жаҳонда ҳеч бир тирик жон
осонликча тутқич бермаслигини аллақачон англаб ет-
ганди. Оч қолган кезлари у чигирткалардан ҳам бурун
жийирмаган, хатто ўшалар ҳам уни анча овора қилар-
ди.

Яқинда у ўғирлаб келган нарсаларини чангалзорда
яшириб юрадиган олаҳаккани итларга хос бўлмаган
услугда ғоят усталик билан қўлга туширганди. Аслида
Қоравой унга қасд қилмаган, бу нарса ҳаёлида ҳам йўқ
эди. Лекин баъзан овозига зўр беришидан ғаши келиб-
рок юрарди. Иттифоқо шундай кунларнинг бирида, у
соясида чўзилиб ётган бута шохига ҳаққа келиб қўна-
ди. Ўрта жардаги таловдан сўнг хийла ўзига келиб
қолган Қоравойнинг кўнглига бирдан шумлик оралади.
Қушга кўз қирини ташлаб қўяркан, бамисоли ўликдай
тош қотиб ётаверди. Ҳаққа бошда унга эътибор берма-
ди. Кейин итнинг қилт этмай ётишидан ажабланиб,
пастга учиб тушди. Узун қуйруғини ликиллашиб, у ён-
бу ён ҳаққалаб нималарнидир чўқилаган бўлди. Орада
унга бир-икки қараб қўйди. Сўнг қизиқувчанлиги ғолиб
келиб, итнинг бош тарафига ўтди. Бошини бир ён
кийшайтириб, Қоравойни диққат билан кузатди. Ке-
йин оёқсарисига йўналди. Ботиниб-ботинмай, думини
чўкиди. Бунинг ҳаммаси итга қизиқ эди. Унинг қилт

этмай ётиши эса кушга ундан-да кизик эди. Охири куш юрак ютиб, итнинг тумшуғига яқинлашди. Ҳар лаҳзада ура қочишга шайланиб, унинг тумшуғига тумшук урди. Ана шунда шўрлик ҳақканинг тақдири ҳал бўлди қўйди. Қоровой бир бурда этга осонгина эга бўлди.

Қоровой тулкидайин писиб боришни, бўридайин соатлаб пистирмада туришни балодай эпларди-ю, лекин бу хийлани ҳеч қўллаб кўрмаганди. Ушбу хийла жойида бемалол иш беришини англаб, хотирасига маҳкам туғиб қўйди.

Қоровой товукхонага писиб яқинлашаркан, дўнгдан энганидан бери орадан гўё бир йил ўтгандай туюлди. Аммо сира ошиқмади. Лўкиллашдан ўзини тийиб, шарпадай илгарилашда давом этди. Оралиқ масофа яқин қолгач, у ёғига ер бағирлаб ҳаракатланишга тушди. Аммо ўсиқ янтоқлар ҳалал бериб, у кўп бетоқатланди. Шунга қарамай, бошини кўтармади. Тусмоллаб, хавони ҳидлаб-ҳидлаб, олға жилаверди. Ҳиёлдан сўнг бошини кўтариб, хаяжондан бутун вужуди титраб кетди. Қай кўз билан кўрсинки, нақ тумшуғи тагида бир тўда «емиш» бамайлихотир донлаб юрарди. У баттар ерга қапишди. Иягини шу яқиндаги каттагина тезак устига қўйиб, титроғи босилишини кутди. Ўзини сездириб, паррандаларни учуриб юборишдан ҳайикди. Товукларнинг учолмаслигини у ҳали билмасди. Билмагани учун ҳам у сабр қилди. Ва шу аснода пайқадикки, қаршисидаги жониворлар ўзга паррандаларга нисбатан анча калтафаҳм экан, ён-верига аланглаш ўрнига, нуқул ер чўқилашади. Тўғри, симтўр ёнидаги улкан хўроз уни аллақачон сезган, бироқ бефаҳмлиги панд бериб, итни хатар деб билмади. Ҳадикли кизикиш билан қараб тураверди. Қачонки, Қоровой қора шарпадай олға ташлангачгина, у хавфни англади. Аммо энди вақт ўтган, энг чеккадаги семиз товук итнинг чангалига тушиб бўлганди.

Қоровой ўлжасини потирлатиб олиб қочаркан, ортидан товуклар қақиллаб қолди. Ит хурди. Кимдир кетма-кет бақирди. Бу шовқин-сурон анча ергача уни таъқиб этиб борди.

У ўлжасини чангалзорга олиб бориб юрмай, сойда

тинчитди. Умрида бу қадар тотли эт емаганидан кўзлари сузилиб-сузилиб кетди. Кейин тумшук ялай-ялай, аста йўртиб, чангалзорни айланиб ўтди-да, кир тепасига чикди. Бу ердан чор-атроф худди кафтдагидек яккол кўзга ташланиб турарди. Қоровой тоғ томонга орқа ўгириб, бамайлихотир ерга чўнкайди-да, одатича, атрофни синчков кузатмокка тушди. Унинг қаршисида кенг воҳа юз очганди: паст-баланд тепаликлардан нарида Ёккатут қишлоғи, ундан нарида яна бир қишлоқ, кейин яна бири... Ундан нарёғи кўкиш ҳовур салтанати остидаги улкан чексизлик эди.

Кўз ўнгида ястаниб ётган бу ҳудудни Қоровой умуман билмасди. У фақат Тошлисойнинг юқори ўзани ва кир атрофларини кезган, қишлоқ томонга эса бирон марта оёқ босмаганди. Кейинги вақтда қишлоқ уни жуда қизиқтира бошлаганди. Сабаби, окшомги шабада ўша ёқдан турли-туман тотли хидлар қатори аллақандай сирли шовурларни ҳам олиб келарди-да. Аммо итларнинг сероблиги туфайли у тарафга интилмасди. У фақат бир нарсга тушунмасди. Шунча ит бир масканда қандай қилиб умргузаронлик қилиши мумкин? Табиий, ўзини ўшалардан бири деб билмасди. Шу боис итлардан жирканар, уларга ўчакишган ҳолда ўз ҳудудини секин-аста кенгайтиришга тиришарди.

Тоғ тарафдан ит овозини эшитиб, у ортига қайрилди. Тоққа туташ қирларга, ундаги кора-кура сурувларга анчайин кўз ташлади. Ҳов бирда сурув итларига талангани боис, у томонга кўпда қизиқавермасди. Бу сафар, қорни тўқ, кайфи чоғ учунми, лоқайд нигоҳига бирдан қизиқиш инди. Туйқусдан ўша ёққа боргиси келиб қолди. Кўп ўйлаб турмай ошиқмай йўлга тушди. Йўлда икки бор тулкига дуч келди. Лекин хонаки итлар каби уларни қувлаб ўтирмади. Табиатан бу хил ишларда жуда идрокли, аҳамиятсиз нарсаларга бекорга ҳовлиқавермасди.

Қоровой сурувлардан бирига яқинлашганда қоронғи чўккан эди. Сурув итлари уни дарров пайкашди. Галалашиб от кўйишди. Қоровой изига қайтди. Лекин аввалгидек ўпкасини қўлтиқламади. Илдамлигига ишонган тарзда, бир текисда қочишда давом этаркан, бора-бора бу қилиғидан алами келди. Салдан кейин алами

орга айланди. Бирок ўзини жиловледи. Зора қайтиб кетишса, деган андишада оралик масофани саклаб келаверди. Таъкибчилар орасидан ўзидек қоп-қора, жуссадор ит илгарилаб чиққач эса кўнглидаги орланиш қасосга ўхшаш қайноқ туйғу билан алмашинди. Ўзида олишувга кучли иштиёқ ҳис этди. Аммо кучлар тенгсизлиги сабабли, бу истак қандай тез пайдо бўлган бўлса, шу суръатда изсиз йўқолди. Негаки ўрта жардаги олишувдан у тегишли хулоса чиқара билган, тенгсиз жангдан ё майиб, ё бекорга нобуд бўлиши мумкинлигини англаб етганди. Олишувда куч эмас, кўпроқ вазият ҳал этувчи роль ўйнади. Қора ит жуда илгарилаб, вазият ўзининг фойдасига ўзгарганини сезган эсада, Қоровой дастлаб хиссиётга бўй бермади. Аммо сўнгги дақиқаларда кўнглида қасос ўти қайта алангаланиб, ортидан соядай эргашиб келаётган қора безбетнинг боплаб адабини бергиси, юрагини аёвсиз ёндираётган ғалати оташни шу йўсинда туймоқ истади. Агар ортикча тайсалласа, ич-ичидан кўзғалган ададсиз аланга жисми-жонини куйдириб юборадигандек, шафқатсиз майл кўйида югуришни хиёл сусайтирди. Қора итни кўз кирида кузатиб, ҳамлага ҳозирлана бошлади. Ракиби етай-етай деганда эса яшин тезлигида ёнига ўтирилиб, унинг томоғига оғиз солди. Қора аҳмоқ анча ортида узун-қиска бўлиб келаётган шерикларига ишониб, хужумга тайёргарлик кўрмаган экан, бир ҳамладаёқ жон таслим қила қолди. Қоровой ракибини мавҳ этмокни хаёлига келтирмаган, кутилмаган бу зафаридан бир муддат гангиб турди-да, сўнг оёғини қўлига олди. Ўзга итларни чангда қолдириб кетди.

Қора итни мавҳ этган бўлса-да, Қоровой ўзини қолиб ҳис этмади. Худди оч қоринга овқат ейишдек, кейинчалик бунини одатий ҳол деб билди. Ракиби хужум қилди, у эса тинчитди, тамом-вассалом. Энг ёмони у ўзга бир туйғудан талвасада эди. Шу пайтгача қўй-қўзиларга емиш деб қарамаган Қоровойда йиртқичлик хисси уйғонганди. Бошда сурув томонга шунчаки қизиқиш туфайли борган бўлса, эндиликда ўлжа умидида ташриф этмокни ўйларди. Ёйилиб юрган қўй-қўзилар тайёр емиш эканини фавқулодда идрок этди. Худди товуклардек, уларни ҳам тутиб ейиш мумкинлигини

фахмлаб колди. Уни олдига солиб қувган сурув итларини гўшт-ёрдан мастликқан гўрсўхталар деб гумон килди.

Қоровой тўсатдан туғилган бу янги туйғу исканжасида эртаси кечгача безовталаниб юрди. Оқшом қоронғисида қирга чиқиб, яна сурув томонни кузатди. Қоронғида гулхан шуъласини кўрди, итларнинг хуришини эшитди. Қорни таталаб, аста йўртиб, йўлга тушди. Бирок узоқ юриш керак бўлмади. Йўлда подаданми, сурувданми адашиб қолган уч совлиқдан бирини осонгина тинчитиб, бўкиб қолгунча гўшт еди. Қолганини одатдагидек, шудгор қилинган бурдойпоя чеккасига кўмиб чангалзорга қайтди.

* * *

Товуқхона қоровулининг отган ўқи Қоровойнинг ҳаётида кескин ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. Уни инсонга қарам қилиб қўйди.

Қоровой ўққа кузнинг ўрталарида, яъни йирткичлик фаолияти айна гуллаб-яшнаган бир пайтда дучор бўлди. Ўққа дуч келгунга қадар у дала-даштда адашиб қолган қўй-қўзилардан бир нечасини зимдан тинчитди. Шунингдек, ора-орада товуқхонани ҳам эсдан чиқармади. Вакти-вакти билан у ердан ҳам насибасини айириб еб юрди. Баданига жир битиб, чангалзордаги майда жониворлар билан умуман иши бўлмай қўйди. Қилган бирдан-бир иши — у ердан ёввойи малла мушукни хайдаш бўлди.

Аслида у мушукка анчадан буён кек сақлаб келарди. Нега деганда, мушук унинг кўз ўнгида майда жониворларни осонгина тутиб оларди-да. Қоровой емишни кизганмади, ўзи учун хийла мушкул бўлган юмушни мушук томонидан жўнгина адо этилишидан қаҳри келди. Жанжалга эса чангалзор этагидаги сайхонликда умргузаронлик қиладиган бошқа бир юмронқозиклар оиласидаги бикқа семиз ва басавлат кўрикчи юмронқозикнинг қўлга тушиши сабаб бўлди. Қоровой уни анчадан буён кўз остига олиб келарди-ю, лекин ҳеч тутолмасди. Бир куни уни мушукнинг чангалида кўриб, қазабдан тутақиб кетди. Мушукка қарши аёвсиз уруш

эълон қилди. Бу уруш ёввойи жониворлар хаётида камдан-кам учрайдиган бир вазиятда ўтди. Бунда ҳар икки томон ҳам сабр-бардошнинг улкан синовини бошидан кечиришга тўғри келди.

Ўшанда мушук оғзидаги ўлжаси билан Қоровойдан осонгина қочиб қутулган, яъни лип этиб буталарнинг бири устига чиқиб олганди. Қоровой бошда обдан юқорига сапчиди. Ёввойиларча қутуриб, хонаки итлардай акиллаб сакради. Бора-бора акиллаши ириллашга, ириллаши сукутга алмашинди. Тишлари даҳшатли бир даражада шақирлаб кетди. Мушук, оғзида ўлжа, унинг бўғилишларига парвоям қилмади. Ёнида икки боласи, унинг устидан мушукларча кулди. Бироқ у жуда эрта қувонганди. Кутилмганда Қоровой бута тагига чўзилиб ётиб олди. Ётган жойидан тепага қараш оғирлик қилди шекилли, бирор ўн дақиқадан сўнг ўрнидан кўзғалиб, чўнқайиб ўтириб олди. Ҳазабдан чўғланган кўзларига айёрлик ифодаси калкиди: «Қани қачонгача шохда ўтираркансан!» Итнинг мақсадини англаган мушук, даставвал андак таҳликага тушди. Сўнгра оғзидаги ўлжа билан таҳдидли бигиллади. Қоровой парво қилмади, тумшугини ялаш билан кифояланди. Бечора мушук оғир аҳволда қолганди. Қанчалик бақувват бўлмасин, барибир секин-аста жағи тола бошлади. Аммо шунга қарамай, оғзидагини ташлашни хаёлига ҳам келтирмасди.

У шу кўйда оқшомгача ўтирди. Жағи толгандан-толиб, роса бўларича бўлди. Ўлжаси залворлигина, боз устига, уни шохда тутиб туриш жуда мушуқ эди. Пастда эса жағлари темирдек рақибни чидам билан пойлаб турарди.

Мушук ўлжасини бир амаллаб оёқлари остига жойлаштираркан, чуқур сўлиш олди. Айни шу паллада новда қимирлаб, панжаси тагидаги ўлжа тап этиб Қоровойнинг олдига тушди. Ит ғанимини алам ўтида қовуриб, ўлжани баҳузур туширди. Шундан сўнг ҳам у бута тагидан кетмади. Тумшук ялаб, мушукка кўз тикиб ўтираверди.

Каттагина ўлжадан айрилиб, ҳам бутокда ўтираве-риб, тоқати тоқ бўлган мушук охири қаҳрини сочди. Юқори лабини жийириб, мўйловларини диккайтириб,

Кузлари ғазабу нафратга тўлиб, ўткир овозда биғиллади: «Ютадиганингни ютдинг, яна нима керак сенга, аблах?! Қорангни ўчирмайсанми, ярамас!» Қоровой эрмаклаб хурди: «Этингни бурдалайман, этингни!» Мушук баттар биғиллади: «Йўқол, ярамас! Текинхўр, суллох!» Қоровой калта ириллади: «Туш, этингни бурдалайман!» Мушукнинг биғиллашида энди ялинчок оҳанг бор эди: «Нима қилдим мен сенга? Ютадиганингни ютдинг, кетавермайсанми энди, тинчгина». Қоровой бўғзидан ириллайди: «Этингни нимталамасдан кетиш йўқ!» Мушук қиска-қиска биғиллаб, юқоридаги саволни такрорлайди: «Нима қилдим мен сенга?» Қоровой чўзик ириллайди: «Изгинангни қуритаман, бу ерга хўжайин мен!» Мушук ғазабкор биғиллайди: «Бекорларни айтибсан! Сен шумшук, сурбет қанақасига бу ернинг хўжайини бўласан?! Ўтган йили қоранг ҳам йўқ эди... Мен эса бу ерда беш йилдан бери яшайман». Қоровой чўзиброқ ириллайди: «Энди яшамайсан!»

Қискаси, улар ўртасидаги даҳанаки жанг ярим тунгача давом этди. Дунёдаги жамики сўкиш ва ҳақоратлар қайта-қайта такрорланди. Охири иккиси ҳам сукутга толди. Зоҳиран шунақа эди. Аслида иккиси ҳам хушёр —бир-бирини пойлашарди. Шўрлик мушуклар тонг отгунча бутокда қолиб кетишди.

Она мушук юрак ютиб ерга сакраганда, тонг оқарган эди. Туни билан мижжа қокмай чиққан Қоровой уни чакалакзор бўйлаб кува кетди. Мушук яна бир бута шохига тирмашиб, зўрға қутулиб қолди. Қоровой бута тагига намоийшкорона узала тушиб ётиб олди. Оғир ахволда қолган мушук, энди нима қилдим, деган оҳангда зорланиб-зорланиб миёвледи. Болалари у ёқдан озорланиб жавоб қайтарди. Мушук уларга, зинҳор ерга туша кўрманглар, дея уқтирди-да, яна пастга сакради. Тагин қув-қув бошланди. Бу сафар ҳам мушук бута шохида халос топди.

Бу хол қуёш чиккунга қадар уч-тўрт бор такрорланди. Охир-оқибат, мушук чангалзорда ризқи қийилганини англаб етди. Аммо қаерга боради? Жой-ку топилар-а, лекин манову махлуқдан қандай қутулиш мумкин? Чангалзорнинг қайси бир бурчида қолган болалари зорланиб, юрагини баттар эзмокда эди. Шунда

унинг эсига хув олисдаги мазортепа тушди. Энди факат ўша ердагина паноҳ топиш мумкин. Мушук у ерда жуда кўп бор бўлиб, ҳар сафар мўл-кўл ўлжа билан қайтганди. Эндиликда ҳамма гап манову сурбетни чалғитиб, қочиб кутулиш-да. Аммо калта оёқлари билан қаергача қочиб бориш мумкин. Даштга чиқиши билан манову ярамас бирпасда етиб олади. Аммо бутокда ҳам бир умр қолиб бўлмайдик-ку.

У сўнгги уринишни таваккал қилди. Бутокдан ерга сакради-да, чангалзор оралаб даштга кочди. Мазортепани қоралаб, ўзича гўё шамолдай елди. Даштда Қоровой унга бир зумда етди. Йўлида учраган тор ковак мушукнинг жонига ора кирди. У вақтида ўзини ковакка урди. Қоровой ковакка бошини тикиб, ириллаб, тишларини шакирлатиб, роса жонини олди. Хайтовур, шу пайт узокдан эшакли йўловчи кўриниб, Қоровой ноилож уни ҳоли қолдирди. Барча ёввойи жониворлар каби Қоровой ҳам одамлардан ўзини жуда узок олиб юрарди.

Фурсатдан фойдаланган мушук қочиб қолди. Қоровойнинг даштга дайдиб кетганидан фойдаланиб, ўша окшомдаёқ болаларини мазортепага эргаштириб кетди.

Мушукни ҳайдагандан сўнг, Қоровойнинг майда жониворлар билан умуман иши бўлмай қолди. Товук ва кўй этига кўниккан нафси ўзга емишни тан олмай қўйди. Эндиликда у қорнини ҳеч қийналмасдан тўйдирарди. Товукхона эгаси минг пойламасин, у ердан ўз насибасини ҳамиша айириб келарди. Оқибат, қоровул бу ишга чек қўйди. Кеч окшомлардан бирида йирик сочма ўк билан унинг қўймичидан яралашга муваффақ бўлди.

Ўша куни Қоровой чангалзорга бир амаллаб етиб келди-да, чўзилиб қолди. Ичи ёниб, жароҳати шу қадар азоб бердики, эсини танигандан бери бу қадар азоб ва ташналикни илк бор туйиши эди. Тўртинчи куни очлик ва ташналикдан силласи қуриб, нафаси чиқмай қолди. Ночор қолган барча жониворлар каби каттақон бошини оёқлари устига қўйиб, ўлимни кута бошлади. Кўзларидан нур кетиб, олам хира тус олган бир пайтда, бутазорда кимдир юрганини пайқади. Шунда

вужудини тарк эта бошлаган тириклик қайта жонланди. Ўзи не ахволда-ю, хужумга шайланишга уринди. Аммо кучи фақат ириллашга етди, холос. Ириллаши билан шарпа тинди. Бундан хиёл бўлса-да рухланган Қоравой юқори лунжини титратиб, яна кучлироқ ириллади. Босиб келаётган балони шу йўл билан даф этадигандек, бу ишга бор қувватини сарфлади. Сўнг нафасини ростлаш учун бошини яна оёқлари устига қўйди. Худди шу аснода буталар орасидан қўлига болта тутган одам боласи чиқиб келди. Бу — итлар урушган куни нариги қирғоқда янтоқ чопиб юрган — Толмас деган йигитча эди. Бугун ўтин қилгани боши оғиб чангалзорга келиб қолганди.

Болани кўргач, Қоравойнинг вужудига қайта қувват инди. Унга ташланмоқ ўйида олға ҳаракатланмоқ истади. Бироқ қуймичидаги жароҳат бунга изн бермади. У ириллаш билан чекланаркан, ночорлиги қор қилиб, ингиллаб юборди. Ингилласа-да, кўзлари чўгдек ёнарди. Ўша чўғ оташида ёндирмоқчидек, болага чексиз адоват ила боқаркан, тинимсиз ириллар, ора-сира тишларини шакирлатиб, қаршисидаги кимсанинг ҳар бир хатти-ҳаракатини зимдан кузатарди.

Толмас ёввойи итга дуч келганини дарров фахмлаганди. Ириллашидан унинг дардманд эканини пайқаб, бута шохлари орасидан секин мўралаган ва итнинг човут солмоққа ҳоли келмаслигига ишонч ҳосил қилгачгина, сайхонликка чиққанди. Табиатан, жониворларга унинг меҳри баланд эди. Агар шу топда ит ўрнига бирон-бир тулқига рўпарў келганида ҳам унга мўйна сифатида қарамаган бўларди. Сирасини айтганда, бундай болалар қишлоқда кам топилади. Қишлоқ болаларининг умри табиат қўйнида, турли жониворлар орасида ўтса-да, негадир улар ит ва мушукларни камроқ эъозлашади, ёввойи жониворларга эса ўта шафқатсиз муносабатда бўлишади. Ит ва мушуклар қишлоқ аҳли учун қадрсиз. Уларнинг бирга яшаши эса шунчаки ҳаёт тақозоси, холос. Толмас бу каби хусусиятлардан ҳоли, айниқса, у итларни алоҳида меҳр билан яхши кўрарди. Табиий, Қоравой буни билмас, қаршисидаги болага ғаним кўзи билан тикилиб, бетўхтов ириллар эди.

Йигитча ғойиб бўлгач, у тинчланиб, яна бошини оёқлари устига қўйди. Нолакор ғингшиб, қуймичини ялади. Еган емишлари кўз олдидан ўтиб, бир ғингши-са, сувнинг шилдираб оқишлари кулоқлари остида сас бериб, икки бор нола тортарди.

Толмас яна қаршисида пайдо бўлганида, унинг кўзларидан тагин нур сўна бошлаганди. Буни ўлимнинг дастлабки аломати деб эмас, ўлимга тайёргарликнинг илк кўринишлари десак, тўғрироқ бўлади. Ночор қолган ёввойи жонивор ўлимни мана шу хилда сокин ва мардонавор қаршилайди. Аввалига рухи чўкиб, кўзларидан нур кетади, сўнг бора-бора юраги уришдан охиста тўхтаб, йўқлик сари жимгина кетади. Жонивор учун ночорлик — ўлимдир.

Болани кўргач тагин жонланди. Тинчгина ўлишга қўймаётган бу икки оёқли «махлукка» ғазабкор боқаркан, сенга нима керак, деган оҳангда таҳдидли ириллади. Бунга жавобан Толмас қўйнидан яримта нон олдида, унинг олдига ташлади. Турган гап Қоровой уни емиш деб билмади. Нонга киё ҳам бокмай, болага қараб ириллашда давом этди. Йигитча буталар ортига чекингангина, тумшуғи тагида ётган нонни искаб кўрди. Нондан узокдаги сирли қишлоқ хиди — тутун ва яна алланималарнинг қоришиқ иси келарди. У нонни жағлари орасига истар-истамас олди. Нон дағал туюлиб, қайта ерга ташлади. Нотаниш емиш нотаниш хиди ва мазаси билан уни хуркитиб турарди. У сочилган ушоклардан бирини астагина илиб еди-да, сўнг нонни покпокиза туширди. Танасига бир оз қувват иниб, бошини адл тутиб, бола яширинган томонга адоватли тикилди. Ириллади. Йигитчанинг кетмаганини у сезиб турарди.

Қоровойнинг одамзод билан танишуви янада аниқ-роғи, қарамлиги мана шу тарзда бошланди. Лекин у қарамликка осонликча бўй бермади.

* * *

— Оббо, сен билан ҳеч гўжамиз пишмайдиганга ўхшайди-ку, а!

Бу гапни Толмас учинчи кун ийтди. Бу пайтда Қоровой кўзларини пес-пес қилганича, идишдаги сув-

ни шалоплатиб ичмоқда эди. Идиш у томон узун калтак ёрдамида сурилганди.

Қоровой сувни шалоплатиб ичиб бўлгач, емиш умидида унга тикилди. Толмас кўйнидан нон чиқараркан, пўписали оҳангда деди:

— Ўқрайишни бас қилмасанг, нон йўқ сенга.

Қоровой тумшуқ ялаб, гоҳ унга, гоҳ қўлидаги нонга боқаркан, оҳиста ириллади. Овозида илгариги ғазаб ва таҳдид йўқ эди. Нон ташланавермагач, ириллаши ғингшишга айланди. Лунжини ялай-ялай ғингшиди, олға интилиброк ғингшиди. Ириллаб ғингшиди, ғингшиб ириллади.

— Дуруст, — деди бола. — Шаштингдан тушаяпсан. Демак, ақлинг кираяпти. Ма, ол.

Улоқтирилган нонни у ҳаводаёқ илиб олди. Бунинг учун олдинги тирсакларини сал кўтариш кифоя қилди. Орқа оёқлари хануз ўзига бўйсунмас, аммо аҳволи кундан-кунга яхшиланиб бораётганини сезиб турарди.

Қоровой нонни ортиқча шовқинсиз еди. Бироқ бола сал яқинлашиши билан қозик тишларини иржайтириб, тагин ирилламoқни бошлади.

— Туфи-ий, жуда бетамиз ҳайвон экансан-ку! — Толмаснинг жаҳли кўзиб, ерга тупурди.

Бунга жавобан Қоровой каттик вовуллаб берди. Кўзлари ғазабдан чакнаб, ерни тирнаброк хурди.

— Нафини билмайдиган тентак экансан! — деди бола ортига тисарилар экан чинакамига ўпкаланиб. — Яхшилиқ ёқмайдиган ҳайвон экансан! Агар шундай қилаверсанг, қайтиб қорамниям кўрсатмайман. Ўласан кейин очдан.

Ўша куни у Толмасни барибир яқинига йўлатмади. Бу ишга орадан икки кун ўтибгина хиёл ройишлиқ берди. Аммо бу алдамчи ҳолат — у истаган пайтда йигитчага ташланиб қолиши мумкин эди. Фақат боладан келаётган таниш хид — тутун, тер ва яна алланималарнинг омихта исигина уни тутиб турарди. Ит зоти хидни яхши ажратади ва аъло даражада кадрлайди. Кейинги вақтда димоғига ўтиришган мана шу хидлар туфайлигина у боладан ёмонлик кутмай қўйган эса-да, ёввойилиги боис, унинг яхшиликларини ҳеч танига сифдиrolмас, назарида, йигитча, бирда бўлмаса бирда,

ўзига зиён етказадигандек туюлаверарди. Толмас эрта-
лаб яғринини силаганда ирилламаса-да, тишларини
яширган лунжи бетиним титраб турди. Мана шу қобил-
лиги эвазига эртаси у шўрва хиди анқиб турган бир
талай суяклар билан сийланди. Яраланганидан буён
бу қадар тотли таом емаганидан суяк деганлари бақув-
ват тишлари орасида хасдек майдаланиб кетди.

Кейинчалик у болага ирилламай кўйди. Унга кўник-
ди, кўнглида андак меҳр ҳам уйғонди. Силаб-сийпаш-
лари хуш ёқиб, баҳузур индамай ётадиган бўлди. Шунга
қарамай, Толмас унинг бўйнига арқон солишга боти-
нолмасди. Ҳар сафар белидаги арқонни ўзи билан
олиб кетарди. Билдики, бу индамас махлуқ осонликча
бўй бермайди. Талашиб-тортишаман деб жароҳатига
жиддий зиён етказиб қўйиш мумкин.

Бу орада Қоровой оқсоқланиб юра бошлаганди.
Узоқ ётган бемор ташқарига интилгандек, жароҳати
битган сайин, у дала-даштни кўмсамоқда эди. Кунлар-
дан бирида у ўстидаги елим ёпинғични шилдиратиб
даштга чикди. Ёпинғични ёмғирда ивимасин дея Тол-
мас ёпиб ингичка чизимча билан маҳкамлаб қўйганди.
Даштга чикқач ёпинғичнинг шилдираши унинг гашига
тега бошлади. Кузги ёмғирдан намикқан ерни бир-бир
босиб бораркан, аввалига бир-икки ириллаб қўйди.
Сўнг тўсатдан ёнига қайрилди-да, ёпинғичга оғиз со-
либ, уни бурда-бурда қилиб ташлади.

Ўша куни Толмас олиб келадиган одатдаги насиба-
сини кутмай, жарда санғиб кетди. Жар ўта файзсиз,
унда-бунда мунғайиб турган кўп каптарларни демаса,
жон зотидан асар йўқ, ёз бўйи паррандаларга бошпана
бўлган минглаб уялар энди бўм-бўш эди. Табиий, бу
хил файзсизликни киши илғайди, жонивор учун эса
айни муддао, ортикча чолғувсиз ҳаракатланади.

Қоровой муюлишга етмай қишлоқ итлари томони-
дан хомталаш қилинган сигир лошига дуч келди. Оч-
кўзликдан ичи-таши баравар қалтираб, ўлаксага ёпиш-
ди. Азбаройи ҳузур қилганидан ириллаб, гингшиб, ин-
гиллаб тўйиб гўшт еди. Бу энди тутун хидидан холи
ҳақиқий емиш эди. Буни жуда соғинган эди. Шу сабаб,
ўзи йўқлигида бу ерда кўп аҳмоқона ишлар юз бергани-
ни дастлаб пайқамади. Қачонки нафси ором олгачгина

жирканч қишлоқ итларининг исини сезди. Чамаси кун
кечагина қишлоқ итлари бу жойда роса базми-жамшид
қилишганди. У қахрли ириллаб, чор-атрофни бир сира
кўздан кечириб чикди-да, сўнг ўлакса устига тупрок
сочиб, бир четига ўз белгисини қолдирди.

У тор сўкмокдан юкорига ўрлаб, кирга туташ ба-
ланд тепаликка чикди. Чўнқайганча атрофни синчков
ва узоқ кузатди. Қир бетидаги сурувларни кўрса-да, бу
сафар кўнглига шумлик ораламади. Корни тўк, бунинг
устига, жарда икки кунга етарли озукаси бор эди.

Бирок изига қайтаётиб, кайфи ёмон бузулди. Не
кўз билан кўрсинки, сигир лоши кўмилган ерни икки
нотаниш ит бемалол титкилаб турарди. У ириллаганча
итлар сари отилди. Ғазаби тошганидан ҳатто оксокли-
гини ҳам унутди. Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор деган-
дек, жонхолатда югуриш мобайнида тиришган пайлари
ёзилиб, илгаригидек росмана чопа бошлади.

Оралиқ масофа уч юз одимча қолганида, итлар
ўзлари томон қуондек елиб келаётган «Қора ажал»ни
пайқаб қолишди. Итлар табиатан зийрак бўлишади.
«Қора ажал»нинг неларга кодирлигини вазоҳатиданок
илғашди. Қочмаган номард дея, қишлоқ сари зингил-
лашди. Қоравой илдам эди, ярим йўлда нимжонроқ
итни қувиб етди. Агар ит қайрилиб қаршилиқ кўрсат-
ганда, ўртада беомон жанг бўлиши муқаррар эди.
Бирок у ожиз ва нотаваонлигини ҳар бир хатти-ҳарака-
тида ошкор этиб, шувоклар орасига уриб кетди-да, гўё
биров жонини суғуриб олаётгандек, бор овозда ван-
гиллашга тушди. Ёвқур табиатли жон заифдан ҳамиша
жирканиб келгандек, тиши тегмай туриб «дод»лаб
дунёни бошига кўтараётган маҳлукдан Қоравой ирган-
ди. Унга кўз қирини ташлаш билан кифояланиб, ол-
диндаги итнинг изидан қувишда давом этди.

Қоравойни бу қадар қахрлантирган нарсасида
емиш эмас, балки ёввойи жондорлар орасида мавжуд
азалий таомилга бўлган хиёнат эди. У ўлакса устига
тупрок сочибгина қолмай, одатга биноан ўз белгисини
ҳам муҳрлаганди. Аммо хонаки бефаросат итлар бу
белгини англашмаган, менсишмаган эмас, шунчаки
англашмаган. Гар белгини сезишган эса-да, унинг ўзи-
га хос моҳиятини унчалик тушунишмаган. Сирасини

айтганда, кўз очиши билан инсонга муте бўлмиш хонаки итлар ёввойи жондорларнинг бу хилдаги нозик имо-ишораларини қаердан англашсин. Ўз навбатида, туткунлик туфайли шу кўйга тушишган итларнинг бу борада айтарли даражада айбдор эмаслигини Қоровой қаердан билсин. Айни пайтда, у итларни менсимасликда айблаб, тиш қайраб борарди. Ортда қолган итнинг ожизона ангиллашидан нафсонияти хийла қонган, ўзича унга мурувват қилганди. Эндиликда бутун қахру қазаби олдиндаги итга қаратилган эди.

Аммо қочоқ жуда эпчил экан. Унга туткич бермади. Қоровой уни кишлоқкача таъқиб этиб борди. Ит кишлоқ кўчаларининг бирида кўздан ғойиб бўлгач, изига қайтди. Аста йўртиб, кишлоқ яқинидаги тепаликка кўтарилди. Тепалик устида чўнқайиб, нотаниш мухитни диққат билан назаридан ўтказа бошлади.

Кишлоққа илк бор бақамти келиши эди. Ҳовлилар, кўчада одамлар, мол-ҳол ва итлар, онда-сонда ўтиб турган машиналар унга жуда қизиқ ва тушуниксиз эди. Бу хил гавжум оламни у ҳали ҳеч кўрмаганди.

Кишлоқ ҳам, ундаги гавжумлик ҳам Қоровойга ёқмади. Тепалик остидан гуриллаб ўтган занжирли тракторнинг овози юрагида ваҳима уйғотиб, у беихтиёр гингшиди. Ҳар лаҳзада қочишга шайланиб, оёққа қалқиди. Аммо кетишга ошиқмади. Трактор ўтиб кетгач, яна чўнқайди. Кишлоқ бўйида тўп тутган болалар пайдо бўлмагунча, у шу тарзда қотиб ўтирди. Сўнг ошиқмай изига бурилди-да, аста юриб кетди. У яқингинада нечоғлиқ азоб тортганлигини бутунлай унутган, кузги илиқ офтоб нурида чўмилиб борарди.

Қоровой шу кетишда дала-даштда санғий-санғий кечга томон қўналғасига қайтди. Қаерда юрмасин, қаерда тентирамасин тунда у албатта чангалзорга қайтарди. Чангалзор у учун ватан эди. Хонаки итлар ўзи ўрганган хонадонни нечоғли севса, у ҳам чакалакзорга шу даражада меҳр қўйганди.

Қайтиб камар яқинида нон ва суяк бўлақларини кўрди. Толмас хатто идишнияам сувга тўлдириб кетганди. Нон ва суяқлардан ўша таниш кишлоқ хиди анқирди. Бу сафар қорни тўк учун на нонга қаради, на сувга. Шунингдек, боланинг бу қилиғига айрича аҳамият

бериб ўтирмади. У ҳаётни қай йўсинда кўрса, шу тарзда қабул қилар ва турган гап, йигитчанинг бу ғамхўрлигини табиий бир ҳол сифатида биларди.

Бу ғамхўрликларнинг туб сабаби эса эртаси кун икки бўлди.

* * *

Эртаси эрталаб Толмас чангалзорда пайдо бўлганида, Қоровой тунги дайдишдан қайтиб, камар ёнида чўзилиб ётарди. Буталар орасидан чиқиб келган йигитчани кўраркан, думини сезилар-сезилмас қимирлатиб, охиста ириллади. Бола ҳадикланиб тўхтади. Итнинг ириллаши нозик тортиб, эркаланганнома оҳанг касб этгач, у юрак ютиб олға юрди. Олға юраркан, қўйнидан яримта нон чиқарди. Чўнтагидан қоғозга ўроғлиқ товук суяқларини олди. Қўлидаги емишларни хушомадгўёна тарзда итнинг тумшуги тагига қўяркан, ўзи ҳам қаватига чўкди.

Қоровой суяқларни иштаҳа билан, нонни эса истаристамас еди. Тунда у бекорга изғимаган, тун оққанда кечаги сигир лошига бориб, нафсини қондириб қайтганди. Шунинг-чун, болага миннатдорчиликка ўхшаш ортиқча хатти-харакатлар қилмади. Улкан ва беўхшовроқ бошини оёқлари устига қўйиб, аста пинакка кетди. Ана шунда у яғиринида ёқимли сийпалашни ҳис этди. Силаш унга хуш ёқиб, чўзиб гингшиди. Боланинг илик кафти бўйни ва қулоқлари томон ўтгач, у шу қадар роҳат қилдики, таранг вужуди ўз-ўзидан бўшашиб, бутун инон-ихтиёрини йигитчага топширди қўйди. Боланинг қўли томоқлари тагини пайпаслай бошлагач, бошини сал кўтариб, кўзлари эса ўша-ўша юмик, унинг бемалол ҳаракатланишига имкон берди. Толмаснинг бармоқлари боши ва тумшуги бўйлаб сирпана бошлагач, дабдурустдан онасининг ялаб-юлқашлари эсига тушиб, чўзиқ ва нолакор оҳангда инграб юборди. Бунга сари бола уни силаб-сийпашда давом этди. Инграр экан, бир неча лаҳзалик ғафлат уйқусига кетганини сезмай қолди. Унинг тутқунлигига ушбу сониялар етарли бўлди. Эсини танигандан бери кунлари меҳнатда ўтаётган, қўлидан ҳар иш келадиган бола ўзи олдин-

дан тайёрлаб қўйган тумшукбандни итнинг тумшугига сездирмай кийдира олди. Бу иш жараёнида иккинчи кафт сийпашдан бўшамади.

Қоровой ўзига келиб, тумшугини банди холда кўрди. Нималигини тушунмай бир зум донг қотиб турди. Сўнг гаши келиб, каттиқ пишқирди. Ириллади. Боштини силкиб, банддан осонгина халос топмоқчи бўлди. Қайдам, банд каттиқ сириб тураверди. У баттар ажабланиб, панжаларини ишга солди. Ўзича тумшукбандни тилка-пора қилиб ташламоқчи бўлди. Афсус, у айик эмас, бор-йўғи бир ит — чарм тасмани узишга йўл бўлсин унга. Ириллай туриб, кутуриб хурмоқ истади. Бунни қарангки, жағи бир энликдан нари очилмади. Бу холдан у каттиқ талвасага тушди. Оёққа қалқиб, панжалари билан тумшукбандни таталаганча, даҳшат билан ириллади. Бу вақтда пишиқ аркон бўйнига тушиб бўлганди. Йигитча бу қилигини овоз чиқариб қуйидагича изоҳлади:

— Нега тўполон қиласан, тентак. Бу юришингда эрта бир кун ўққа учиб ўласан-ку. Мен эса сени ўзимга ит қилиб оламан. Бирга юриб, бирга тўрамыз.

Арқондан эси чиқиб кетган Қоровой баттар тўполон кўтарди. Болага куч бермай, уни кўкси билан уриб йиқитди. Аммо Толмас чакки эмасди. Тоғанинг калтагини еб, меҳнатда обдан пишган эмасми, арконни қўйиб юбормади. Итни чакалакзордан сургаб чиқарди. Тортиша-тортиша чангалзор четига қантариғли кулбет эшак ёнига келишди. Бола арқоннинг иккинчи учини эшакнинг бўйнига боғлади. Қоровой ҳам бўш келмади. Ҳар томонга юлқинавериб, шўрлик эшакни каловлатиб ташлади. Толмас эшакка миниб, қишлоққа юзланди. Қоровой бўғилишига қарамай, тўрт оёғини ерга тиради. Намикқан янтоқ ва шувокларни босиб-янчиб, ерга узун из қолдириб кета бошлади. Кўп ўтмай эшак жонивор фарқ терга ботди. Қараса иш чаток, Қоровой олдинга сапчиди, тепага сапчиди, гоҳ эшакка, гоҳ томоғини бўғиб қўйган арконга човут солди. Аммо банди жағи ўзи истаганчалик очилмай, бу холдан баттар кутурди. Дала йўлига чиккач эса, умуман, оёқ тираб олди. Қишлоққа ҳам шу холда кириб борди. Ўткинчиларга майна бўлиб, эшик олди-

даги итларни хурдириб, катакон яшил дарвозага рўпарў бўлди. Ичкарига кираётиб, кетига кучли тепки еди. Сургалиб бораётган жойида ёнига кўз кирини ташлаб, йўғон, бадқовок, қоп-қора бир кимсани кўрди. Бу банда боланинг тоғаси Узункул қора эди.

Коровой ховли сахнида узун из қолдириб, бурчакдаги чоғроққина бостирма тагига судралиб борди. Толмас тоғаси кўмагида итнинг бўйнига бақувват занжир солди. Сўнг ўлгудек ҳолдан тойган эшакни қўрага хайдаб, итнинг қаршисида гўддайиб турган тоғасининг ёнига келди.

— Айтган итинг шуми? — деб сўради тоға жияклари қизарган кўзларини Коровойга каттиқ тикиб.

— Шу.

— Ёмонга ўхшамайди, — деди тоға итга янада синчков бокиб. — Томоғига қаралса, ҳўкиздай ит бўладиган сиёҳи бор. Лекин жуда қайсар экан.

— Қайсар, жуда қайсар.

— Тумшуғидагини олиб ташласанг ҳам бўлар.

— Хавфли. Ёввойи-да.

— Хечқиси йўқ, кўп тиршанглайверса, мулла минган эшакдай қип қўямиз.

— Фақат... урманг.

— Нега, гапга кирмаса ҳеч аяш йўқ.

— Баттар ғашигади-да.

— Бу гапинг тўғри, — Тоға итга яқин борди. Коровой ириллаганча, яна кетига тисарилди: — Ваҳший-ку бунинг. У-у, зоти тоза бунинг. Бир қарашда билдим. Бунақаси кам топилади. Лекин итвозлар кўрса, ўлиб қолишади.

Бу гапдан боланинг руҳи тушиб, тоғасига норози бокди.

— Улар учун судраб келмадим-ку буни мен, — деди сўнг ботинолмайроқ.

Тоға унинг эътирозига зиғирча аҳамият бермади. Сигарет ёндириб, кўзи итда, тепага тутун пуфлади. Ўзича минғирлаб нималардир деди. Бўла эса ерга маъюс термилиб қолди. Азалдан итларга меҳри баланд бўлгани учун Коровойни сургаб келишдан тап тортмаганди. Унинг бирдан-бир орзуси окшом қўйларини ёйгани чиққанида, ёнида итини эргаштириб юриш эди. Ёш

бўлишига қарамай, у ит танлашни биларди. Бунгача қўлига яхши бир ит тушганди. Қўшни кишлоқдан кучукваччалигида олиб келиб, тарбиялаб вояга етказган жойида, тоғаси уни сарик «Жигули»да келган шахарлик бир итбозга сотиб юборганди. Яхши ит ниҳоятда юқори баҳоланишини ўшанда билганди. Энди айти шу савдо Қоровойнинг бошига тушиб турар, ит савдосининг ҳадисини олган тоға унга бамисоли бир хазинага бокқандай муносабатда бўлиб, ичида тушадиган тушимни ҳалитдан хомчўт қилмоқда эди.

Толмас унинг минғир-минғирига бир муддат қулоқ тутиб тургач, яна деди:

— Яхши ит қўйга ҳам керак-ку, тоға.

Тоға тағин индамади. Сигаретини лаби четига қистириб, аста бориб итнинг тумшуғига тепиб кўрмоқчи бўлди. Қаерга тушиб қолдим, дея теваракка жонсарақ аланглаб турган Қоровой унинг узатилган оёғига яшин тезлигида ташланди. Заптига қараганда, агар тумшуғи исканжада бўлмаганида, тоғанинг оёғини узиб қўлига берарди. Тоға унинг бу қилиғидан асло ранжимади, қайтамга тунд башарасига кулги ёйилиб, хирқироқ овозда хе-хелаб қўйди. Чамаси, хомчўтни якунлаб, юзага келган рақамдан ўзида йўқ шод эди. Ҳақиқатдан, бир оздан кейин ичидаги юзага тепчиди.

— Итинг қанча туришини биласанми? — деди афтидан кулги аримай. — Биз учун бунинг шунчаки бир ит. Қадрсиз, ҳаром жонивор. Аммо итвозлар учун нақд хазинанинг ўзи...

Ўзи не умидда сургаб келган итнинг эрта бир кун қўлидан кетишидан хавфландими, ё тоғанинг булутли кунда «йилт» этган қуёш нуридай сийрак табассумидан ботирландими, боланинг жавоби зардали чикди.

— Бермайман ҳеч кимга!

Шундагина тоға ким билан фикрлашаётганини пайкаб, сергакланди. Ҳиссиётга берилганидан ичида ғижинди. Боланинг гапи оғир ботиб, ғазаби қўзиди.

— Буни сендан сўраб ўтирмаймиз! — деди ўшқириб. — Бор, кўрани тозала! Йўғасам, ит-питинг билан ерга қовуштириб қўяман!

Қоровой тўсатдан ўдағайлашга тушган тунд юзли бу одамни ёмон кўриб қолди. Болага-ку адовати чек-

сиз эди. Аммо ночор ахволдалиги сабабли газаб ва нафратини ҳаракатда изҳор этмади. Сўнгра унинг қаҳри бўйнидаги залворли занжирга кўчди. Банди қилинган тумшугини кулгили равишда тўлғаб, ерда чувалиб ётган занжирни тишламоққа уринди. Бу қилиғи билан тоғанинг заҳарханда кулгисига сабаб бўлди.

У беҳуда ҳаракатлардан ҳориб, огилхона томи узра кўзга ташланиб турган қиру тоғларга ҳасрат билан тикиларкан, ич-ичидан қалқиб, силқиб чиқаётган ирил-лашдан тийилиб, озодликнинг кадр-қимматини фавқулодда англаб етди. Бўйнини чирмаган занжирда аллақандай яширин куч мужассамдай туюлди. Қандай куч экан бу? Ўша сирнинг тагига етмоқ ўйида бир зумга тинчланаркан, шалдираб ғашига тегаётган занжирга ва унинг нариги учи маҳкамланган темир қозикқа диққатла разм солди. Темир иси хотирасига ўрнашиб, ундан эҳтиёт бўлмоқ лозимлигини кўнглига маҳкам тугди.

Коровой халос топмоқдан умидини узмаган кўйи, тўсатдан тинчланиб, қизиксиниб ҳовлини кўздан кечирмоққа киришди. Боя пайқамаган экан, ҳовли юзида бир гала товуқ ивирсиб юрарди. Бироқ у товуқларга қиё боқмади. Ҳозир кўнглига емиш сифмасди. Супа четида ўзига оро бераётган тарғил мушук ҳам диққатини жалб этолмади. Қўрадан гўнг юкланган замбилғалтакни сургаб чиққан Толмасга кўзи тушгач эса, тагин қарашлари ваҳшиёна тус олиб, таҳдидли ириллади. Боланинг қўлидан еган хўракларини тамомила унутиб, унга ғаним кўзи билан тикиларкан, бақувват панжаларини ерга ботириб, беихтиёр олға интилди. Қани энди, имкон бўлса-ю, борасолиб болани тилка-пора қилиб ташласа. Уйдан сигарет тутатиб чиққан тоға, унинг фикрини уққандай, болани нимадир деб каттиқ тергади.

Шу пайт дарвозада икки бола ва бир аёл пайдо бўлди. Итни кўрган болалар унга томон югуришганди, тоға ўдағайлаб, уларни изига қайтарди. Сўнгра Коровойга ишора қилиб, аёлга нимадир деди. Аёлнинг чехрасига ташвиш кўниб, итга қўрқибгина қараб қўйди.

Бу орада қўрадан сигир мўъради, эчки ингичка овозда унга жўр бўлди. Қўшни ҳовлида ит хурди. Кўчадан машина гуриллаб ўтди. Девор устидаги хўроз

алланимадан чўчиб, бор овозда қақиллади. Буларнинг ҳаммаси Қоровойнинг нафратини баттар оширди. Туткинликка чидаёлмай яна қозик атрофида чарх ура бошлади. Ўзига еттиёт бегона бу мухитдан жирканиб, дарғазаб талпинаркан, охири, иложсизлик қор қилиб, ангиллаб юборди. Сўнг кўзларидан нур кетиб, гум-гурс этиб олди.

Қоровой туткинликка кўниқолмагандек, одамларга ҳам меҳр кўёлмади. Кейинчалик эса Толмасдан бўлак кимсага рўйхушлик бермади. Бошда йигитчага қаттиқ қёқ сақлаб юрди-да, юз берган бир-икки воқеадан сўнг унга кўнгли илиб, маҳкам боғланиб қолди. Аммо хали унга анча вақт бор эди.

* * *

Банди қилинган куннинг эртаси эрксизликдан Қоровойнинг руҳи шу қадар тушкин эдики, қорни ниҳоят оч бўлишига қарамай ялоқдаги ювиндига қиё боқмади. Шунингдек бирон кимсани яқинига йўлатмади. Толмас унинг тумшуғидан бандни ечиб олаётганида, қутуриб, ташланиб қолди. Аммо занжир тортилиб, у чалқанча ағдарилиб тушди. Шундан сўнг Қоровой жонжаҳди билан занжирга оғиз солди. Уни беҳуда узоқ ражиди. Ҳажийверганидан занг босган темир ялтиллаб кетди. Қачонки, ҳаракатлари зое эканлигини сезгачгина, тинчланди. Боқишлари лоқайдлашди.

Толмас ҳар гал ялоқдаги ювундини алмаштираркан, унга яқин келмай, овқат егин, дея аврашга уринар, эркалар, баъзан эса беозоргина пўписа қиларди. Аммо Қоровой миқ этмас, лоқақал ириллаб кўйишни ўзига эп кўрмасди. Бола унинг нигоҳини ўзига қаратиш ниятида ер тепинар, бироқ бир нуктада қотган сўниқ кўзларни жалб этиш осон эмасди. Унинг сассиз исёнидан уйдагилар хабардор эди. Охири бу ҳол тоғанинг жонига тегди. Учинчи куни у кўчадан ичиб келди. Аста чайқалиб, итнинг бошида гўдайди.

— Емаяптими? — деди тишлари орасидан гўшт парчаларини туфлаб.

— Ёб қолар, — деди Толмас тоғасининг вазоҳатидан ҳадикланиб.

— Емайди, — тоға итга бошдан-оёғ кўз югуртирди. — Нима бало, бўридан таркаганми бу. Феъли жуда чарс. Боши бошга ўхшамайди, феъли феълга. Хохласанг, ипакдай майин кип бераман.

Бола, керакмас, деб бош чайқади.

— Индамасанг, одам бўмайди бунинг, — тоға улкан корнини кашлаб, чукур нафас олди. — Қара, одам келдими, ит келдими, эътибор берай демайди. Ўхшатиб тумшугига тепсанг.

— Тепсангиз баттар бўлади.

— Ўлиб кетмайдими, — тоға оғирлигини у оёғидан бу оёғига солди. — Бўйинсинмаса уриш керак. Калтақдан зўр даво йўқ бунга. Кўзини қара, тиккалай ейман дейди-я. Тепсанг айлантириб.

Тоға изига қайриларкан, кутилмаганда феъли айланди. Ўзини мудраганга солиб ётган итнинг тумшугига тепмасдан кетолмади. Бу хил қилиқларидан жуда ҳузур қиларди у. Аммо бу сафарги кўнгилхушлиги анча қимматга тушди. Чала ўликдай бўлиб ётган ит, у оёқ силташи билан бирдан жонланиб, туфлисининг учидан тишлаб олди. Занжир калталиқ қилиб, Қоравойнинг оғзи етгани шу бўлди. Шунда ўртада ажабтовур торт-торт бошланди. Ит ириллаб туфлини ўзига тортар, ранги қув ўчган тоға эса «хай-хай»лаганча гавдасини ортга ташлар, аммо ит зўр — халос топмоқ мушкул эди. Агар бола кўмакка келмаганида, бу ишнинг оқибати ёмон эди. Ҳайтовур, Толмас вақтида қимирлаб, тоғанинг йўғон сонидан тутди. Икковлашиб тортдилар. Оёғи исканжадан чиқиб, тоға кети билан ерга ўтириб қолди. Қоравойнинг дахшатли важоҳатини жуда яқиндан кўрди. Ажал тимсолига айланиб, ер тирнаганча олға интилаётган ит, занжир узилиб кетгудек бўлса бурдалаб ташлашини ҳис этаркан, беихтиёр кети билан ортига силжиди. Бирор беш-олти одимни шу созда босиб ўтди. Ва шундан сўнггина оёғи эсига тушди. Ўнг оёғи панжаларини йўқ гумон қилиб, ошиғич оёғи учига қўл юборди. Йўқ, панжалари омон, туфлисининг титилиб кетган учига тикиларкан, шундан бўлак пойафзали йўқлиги, куни энди этикка қолганини ўйлаб, ичи туз сепгандай ачишиб кетди. Теваракка кўз қирини югуртириб, калтак қидирди. Кейин

бошига келиб, итни қарғамокқа тушган аёлини жеркиб ташлаб, аста ўрнидан кўзгалди. Биров кўрмадимикан деган ҳадикда қўшни девор томонга қараб қўйди.

Тоға девор тагида ётган калтак сари, кетини қоқакоқа, туфлиси учига қарай-қарай, борди. Калтакни қўлига олиб, изига қайтаркан, йўлда кўзлари ёшга тўла жиянига рўпарў бўлди.

— Ҳа? — деди ажабланиб.

— Урманг, тоға, — деди бола илтижо тўла оҳангда.

— Нима?

— Итни урманг. Йиғиб қўйган пулим бор. Бераман шуни сизга. Ўзингизга туфли оласиз. Фақат итни урманг.

— Қоч!

— Урманг, тоғажон.

— Қоч деяпман!

— Жо-он тоға, урманг.

Бола тарсаки зарбидан ерга учиб тушди. Салдан сўнг Қоровой ҳам калтак остида колди. Ит тап тортмай олға ташланар, тоға урар, ёвузликда иккиси ҳам бирибидан қолишмасди.

Тоға калтак синиб кетмагунча тинчимасди. Қўлидаги таёк бўлагини четга улоктириб, янгисини кидираркан, аёли орага тушиб, уни нари олиб кетди.

Қоровой калтакдан вужуди зирқираб оғриса-да, гингшимасди. Ириллаб, кўзларини аёли етовида сўкинганча узоклашиб бораётган тоғадан узмай, бирпас турди. Сўнг бурилиб, козиққа яқин ерга бориб чўзилди. Калтак еган бикинларини ялаб-юлкимоққа тушди. Бу юмушни ҳам ириллаб бажарди.

Очлик курсин, эртаси у барибир ялокка тумшук урди. Ўта бемаза ювиндини шалолатиб ичди. Бунинг эвазига бола томонидан яримта нон билан сийланди. Бу сийловдан миннатдор бўлиш ўрнига, кўзларини ола-кула қилиб, нонни бирпасда тинчитди. Нафси ором олгач, бир муддат узокдаги қирларга термулиб турди-да, кейин яна занжирни оғзига олди. Бу сафар ўта ҳафсала билан узок чайнади. Охири бир иш чиқаролмаслигига кўзи етгач, оғзидагини ташлаб, бостирма тўрига ўтиб ётди. Тунда даштни кўмсаб, бехосдан увлаб юборди. Нидо кўнглига хуш ёқиб, салқин тунла-

ри увламоқни одат қилди. Бироқ унинг бу қилиғи тоғага ёкмади. Кўзи илинмаган кезлари деразани шараклатиб очар, бакирар, сўкинар, ўлдираман, деб бўкирарди. Шундан сўнг Қоровой маълум фурсат овозини ўчирар, тун ярмидан оқанда эса яна увламоққа тушарди.

Бир тун тоға оқ иштон ва оқ қўйлақда, мисоли арвоҳдай қаршисида пайдо бўлди. Қизик, Қоровой бу гал у билан пачакилашиб ўтирмади. Бостирма тўрига бикиниб, жимгина ётди. Тоға қўлидаги калтагини кўз кўрқитарга силкиб-силкиб, изига қайрилиб кетди.

Қоровойни кўрқди деб бўлмасди. Одатдагидек, тоғадан зигирча чўчимади. Гап шунда эдики, занжирбанд ҳолда калтак тутган одам билан олишмоқдан маъни йўқлигини идрок этишга улгурганди. Ўша кунги калтак унга яхшигина сабоқ бўлганди. Аммо юрагида тоғага нисбатан ададсиз адоват сақланиб қолди.

Орадан кунлар ўтиши билан Толмасда ғалати жонсарақликни пайқади. Йигитча ялогини ювундига очикойдин тўлдирар эди-ю, лекин нонни бекитикча берарди. Боланинг бу иши бекага ёкмаслигини Қоровой сездди. Бироқ шунга қарамай, у болага эл бўлмади. Унинг эркалашларига энди ирилламаса-да, аввалгидек безътибор муносабатда эди.

Агар хўроз воқеаси юз бермаганида, унинг болага элакиши қийин бўларди. Воқеа мутлоқа кутилмаганда содир бўлди.

Бир куни мудраб ётиб, Қоровой димоғида таниш хидни туйди. Кўзларини аста очиб, бошида ғўдайиб турган хўрозни кўрди. Ит кўзини очгач, хўроз «қўқ» деб қўйди-да, намойишкорона одимлар билан ялоқ томон юрди. Парранда ҳиди эркинлик даврларини эсига тушириб, Қоровой енгил титраб кетди. Бу орада хўроз ялоқ атрофидаги чиқиндиларни чўкиб, товукларни чакирмоқ ўйида кўкрак кериб, бошини ортга ташлади. Аммо овоз чиқаришга улгурмади. Кўз очиб-юмгунча итнинг чангалида ҳаром қотди.

Бу иш уйдагиларнинг кўз ўнгида рўй берди. Уй бекаси қарғаб чопди. Тоға ошикмай қўлга калтакни олди. Толмас кўра тозалаб юрарди, девор ошиб тоғага бет бўлди. Тоға ўнг қўлидаги калтакни чап қўлига

олиб, боланинг юзига шапалоқ тортиди. Сўнг ерпарчин бўлиб ётган боланинг оёқлари устидан хатлаб ўтиб, калтакни ўнғай тутганча, итга пешвоз юрди.

Қоровой, ўнг панжаси ўлжаси устида, тоғани, ирил-лаб қаршилади. Бека отган чўпни хаводаёқ илиб олди. Бунгача бола ўрнидан турди. Илгариги калтаклаш вақтидагидек бир четда кўркиб турмай, каловланиб яна орага тушди. Бу сафар тоғадан мушт еб, ўмбалоқ ошиб кетди.

Ва у то эс-хушини йиғиб олгунча, ит калтак остида қолди. Бу даъфа Қоровой, ўлжаси оёғи остида бўлгани учунми, чекинишни хаёлига келтирмади. Бўйнидаги занжирни узгудек даражада таранг тортиб, тоғага интиларкан, зарбаларга чап беришниям унутмади. Йигитча келиб тоғанинг қўлига ёпишмагунча ҳар уч зарбдан бири яғринига гурсиллаб тушиб турди. Тоға тагин Толмас билан андармон бўлди. Бу гал уни силтаб отди. Бола ялоқ олдига бориб тушди. Тоға бот қўлига калтакни олди. У урди, хотини қарғаб турди.

Бу воқеа устига тоғанинг кадрдони, кишлоқ дўхтири Ориф тирриқ келиб қолмаганида, кўзи қонга тўлган тоға итни майиб қилиб қўйиши тайин эди. Хайтовур, Ориф тирриқ вақтида келди. Келасолиб, тоғанинг қўлидан калтакни тортиб олди. Тоға оғзидан кўпик сачратиб бўқирди:

— Қоч, ўлдираман бу ярамасни!

— Ўли-ей, кап-катта одам ит билан тенг бўп ётиб-санми ҳали, — Ориф тирриқ тоғани итариб ташлади. — Уялмайсанми, э!

— Хўрозни еди, хўрозни, — тоға баттар диконглади.

— Шу битта хўроз бўлса, ана бизга товин, — деди Ориф тирриқ уни яна итариб. — Ана катакдан истаганингча танлаб олавер.

— Вей, нега итарасан, а! — Тоға энди унга ҳезланди. — Нима, ит билан ялоринг биттами, туртасан одамни!

— Ўзингни бос, э, — Ориф тирриқ унинг нозик томирини сийпалади. — Юр, яримтам бор, майдалаймиз. Қанча кучинг бўлса, бутилкага кўрсат. Нима қиласан, ит билан ит бўлиб. Э-э, ўл, одам бўмай.

«Яримта» сўзини эшитиб, тоға сал пастга тушди.

— Хўрозни бошига етди-да, Орифбой, — деди нолакор оҳангда. — Вишший сўрт хўроз эди.

— Бош-кўзингдан садака, — Ориф тирриқ унинг билагидан тутди. — Юр. Шўрваям совиб қолди. Сизам юринг, келин.

Тоға йўлига тайсаллади.

— Шошма, Ориф, буни бир ёқлик қилай. Эмасам, кўнглим тинчимайди.

— Ит бўма, юр, — Ориф тирриқ уни сургади. — Келин сизам ҳаялламамг. Ҳовлида ит билан бола ёлғиз қолди. Бири ириллаб ғингшиди. Бири йиғлади. Ит еган калтагидан эмас, эркисизликдан, ночорликдан ғингшиди. Бола эса етимлигидан кўз ёши қилди. Алами устига алами кўшилиб йиғлади. Шунча иш қиламан, биров билмайди деб, бу йил қишни яна пальтосиз, тоғасининг эски пахталигида ўтказишни ўйлаб йиғлади. Итнинг занжири етадиган масофада ўтирганини сезмай, ўксиб-ўксиб йиғлади. Катта-кичик алами сероб эди, — бари бирдан хуруж қилиб, эзилиб-эзилиб йиғлади.

Бола йиғлайтуриб бирдан хушёр тортди. Гўнг юки ориқ билагида илиқ нафас туйиб, бошини кўтарди. Ёш тўла кўзлари ҳайратдан катта очилди. Негаки, шу дамгача ҳеч рўйхушлик бермай келаётган Қоровой унинг билагини яламоқда эди. Бундан боланинг баттар хўрлиги келди. Елкаси титраб-титраб, овози бўғилиб-бўғилиб йиғлади.

Улар мана шу тарзда дўстлашди. Қоровой воқеани фаҳмлади. Бу ҳовлида ёлғиз болагина унга қайишишини охир-оқибат англаб етди. Унинг ўксиб йиғлашларини ўзининг мунгли увлашларига менгзади. Ўзи сезиб-сезмай болага меҳр қўйди.

* * *

Қиш олди Толмас итни занжирдан бўшатди.

Бу пайтга келиб, Қоровой бутунлай тинчиб, ортиқ тўполон қилмай қўйганди. Аслида у зохиран шундай эди, ботинан эса, унинг ичида куюн яшарди. Куюн ҳаракатга келган кезлари у эркинликни қўмсаб, гоҳ

сассиз, гоҳ баралла нола қилар, яъни ғингширди. Ғинг-шиб туриб, кўп ҳолларда, одатдагидек, занжирга оғиз солар, аввалгидек жон-жаҳди билан эмас, балки бир қадар эҳтиёткорлик билан чайнар, бир кун келиб уни уза олишга инонгандек, комил ишонч билан ғажирди. Занжирни ғажийётганида кўзи узоқдаги қирларда бўларди. Озодликнинг шамоли бошқача бўлади деганларидек, дашт томондан эсадиган муздек ел унга ўзгача таъсир этар, димоғида намиққан шувоқ ва янтоқларнинг намхуш ҳидини сезиб, кўксидан инграшга ўхшаш нидо юзага қалкиб чиқарди.

Шунга қарамай, сўнгги вақтда унда икки қарама-қарши туйғу кураша бошлаганди. Биринчиси ёввойилик. Тутқунлик ундаги бу руҳни тўла синдира олмаган бўлса-да, гоҳида у иккинчи туйғу — хонакиликка билиб-билмай бўйсунар, ялоққа ювунди тўкилганда думини ликилллатишдан ўзини тиёлмай қоларди. Ҳатто баъзан тоғага рўйхушлик бергандай, гўё ундан калтак емагандай, яқиндагина жонини оғритиб, қулоқ ва думини кесганини унутгандай бўларди. Аммо хонакилик туйғуси унда узоққа чўзилмас, тақдирга тан бергандай кўринган ит бирдан жонланиб, қозик айланар, ғажийверганидан ялтироқ тус олган занжирни хидлаб, охиста, лекин ваҳшиёна оҳангда ириллар, сўнг чўнқайган кўйи дашт томонга узоқ тикилиб қоларди. Бу хил кезларда у косада овқат кўтариб келган кимсага қайрилиб ҳам қарамасди. Дикқат қилган одам унинг ичида тугён ўйнаётганини, ночорлиги туфайлигина ўзини босиб турганлигини пайқаши қийин эмасди.

Бу икки хил ҳолат итда зимдан кечаётгани учун уйдагилар унинг руҳидаги ғалаённи сезишмас, уларнинг назарида ит аллақачон тутқунликка кўниккан эди. Ёнидаги кимсанинг кўнглида не кечаётганини фаҳмлай олмайдиган одамзод қандайдир бир итнинг руҳий изтиробларини қаердан ҳам пайқарди дейсиз. Инсон учун у шунчаки бир жонивор. Аммо у шунчаки жонивор эмасди, балки кўриш, ҳис этиш, қувониш ва қайғу чекиш каби хусусиятлардан ҳоли бўлмаган, ўзига ҳос оламига эга тирик вужуд эди. У озодлик истарди, эркинлик шамоли билан басма-бас югурмоқни кўмсарди. Шувоқзорда думалаб, ерни таталашни орзу

киларди. Чангалзорни бошдан-оёк титкилаб, ундаги жонзотларнинг юрагига қутқу солмоқни хоҳларди. Қис-каси, эрксизлик ундаги ёввойи ва ёвқур руҳни енга олмаган, кўринишдангина у хонакига ўхшарди, холос. Толмас айни ўшанга алданди. Аслидаям итга ёлғиз у қарарди. Тоға эса кўкламда қишлоқ оралаши лозим бўлган сарик «Жигули» эгасини сабрсизлик билан кутарди. У Қоравойдай ит мингдан битта бўлишини яхши билгани учун ҳам унга худди боқувдаги хўкизга қарагандай хирс билан боқарди. Ўзига қолса-ку, «Жи-гули» эгасини аллақачон қидириб топган, мўмайгина пулни нақд санаб олган бўларди-ю, аммо ҳамма бало шундаки, унинг манзилини билмасди. Билмагани ту-файли ҳам сабр этмоқдан ўзга иложи йўқ эди. Айниқ-са, катта қайрағочлик чўпон оғайниси келиб кетгани-дан бери тоғанинг итга нисбатан муносабати янада ўзгарган. Чўпон оғайниси Қоравойни кўрибоқ «иҳ»лаб юборганди. Бир қўй бераман, итни менга бер, деганди. Тоға уни аҳмоқ санаб кулган. «Жигули» эгасидан ун-дирадиган пулга у айтган қўйлардан нечтаси келиши-ни ўзича хомчўт қилиб, иршанглаб-иршанглаб кулган. Чўпон оғайниси қўйлар сонини учтага чиқарганда ҳам эрмаклаб кулишни қўймаган ва ошнасининг аразлаб кетишидан тариқча ташвишланмаган эди. Оғайниси кетгач, итнинг қошига келиб тиржайган, бурун торта-торта, томоқ кира-кира мастона илжайган: «зап хай-вон-да бу ўзи, — деган сўнг. — Боксанг-бокмасанг, семиртирсанг-семиртирмасанг нархи осмонда. Хари-дор неча кило юк қиларкан, деб турмайди. Сен эса емиш ғамини емайсан. Туриши билан хазина бу. Ҳуувв, чакчайган кўзларингдан сени. Тумшугингдан ўпай... туфи-ий, ўргилай». Ит нохушланиб, ириллайди. Бунга сари тоға ҳузур қилади. Сўнг жиянига, бунинг томоғи-га яхшилаб қара, дейди. Лекин энди ниятини худа-беҳуда ошкор этмайди. Зимдан кулимсираб, қара итга, дейди. Толмас унинг айтганини қиламан деб, янгаси-дан гап эшитди. Хуллас, чўпон оғайниси келиб кет-гандан кейин, тоғанинг феъли ўзгариб, итга ортик тирғалмай қўйди. Хўроз воқеасида, жаҳл устида итни уриб ўлдириб қўймаганидан энди қувонади. Ориф тиррикка, сенга яримта қарздорман, дейди. Ориф тир-

рик ажабланади: «Нега?» Тоға сирли ишшайди: «Ўзим биламан». «Қачон кўясан?» дейди оғайниси. Тоға янада жумбоқли жавоб қилади: «Кўкламда». Ориф тиррик ҳеч балони тушунмагани сайин тоға ичида маза қилади: «Барибир яримта кўяман сенга». Бу орада икки жўра неча-неча «яримта»ни бошига етишди-ю, лекин тоға ўша гапини ҳеч канда қилмайди: «Сенга яримта қарздорман, жўра».

Толмас бу гаплардан беҳабар, итнинг тезроқ эл бўлишини кутади. Окшом кўйларини ёйгани даштга хайдаб чикқанида, қаватида ити юришини истайди. Қачонки, ит ўзига меҳр кўйганига тўла ишонч ҳосил қилгачгина, у Қоровойни занжирдан бўшатди.

Қоровой ўзининг халос бўлганига дастлаб инонмади. Бўйнида ўзи кўниккан залворни ҳис этмагач, аввалига бор бўйи билан керишди. Кейин ерда чуваланиб ётган занжирга кўз кирини ташлаб, ишониб-ишонмай икки-уч одим олға босди. Ўгирилиб яна занжирга қаради. Қайтиб уни искаб кўришдан ҳам эринмади. Ўта зориқиб кутган озодликка бу қадар жўнгина эришганидан у гангиб қолганди. Аммо бу ҳол узок давом этмади. У тагин бир керишди-да, қаттиқ силкинди. Пишқирди. Кейин кутилмаганда заёт ила девор ошиб, кўздан ғойиб бўлди. Йигитча бай-байлаганча қолаверди.

Қоровой биринчи деворга тирмашиб, иккинчи ва учинчи девордан учиб ўтди. Ва зумда ўзини даштда кўрди. Даштга чикқач, чангалзорни қоралаб шундай тез югурдики, хаётида бу қадар елмаганди.

У чангалзорни бир қур айлангач, ғайрати ичига сифмай, даштга интилди. Ўша куни жар қолмади, қир қолмади, қадами етганча ҳамма ерни бирма-бир тенгиб чикди. Чангалзорга ярим тунда қайтиб, боланинг келиб кетганини сизди. Бунга парво қилмади. Кундузи ошиққани сабабли эндиликда ҳеч шошилмай, ҳар бир бута тагини эринмай искаб чикди. Ўзи йўқлигида кўплаб нотаниш жониворлар қадам ранжида қилганини пайқади. Сўнг ўша ўзига ғоят қадрдон камар бўйига узала тушиб ётди. Орадан озгина вақт ўтмай тўсатдан юрагини русса қоплади. Дастлаб, нелигини англаёлмай беҳуда гингшиди. Кейин болани қўмсаётганини фаҳм-

лаб қолиб, қишлоқ сари елди. Қишлоқ итларининг ўтакасини ёриб, деворлардан бамисоли шарпадай учиб ўтди. Ховлига енгил сакраб тушганида, деразадан нур сўнган, борлиқ зимистон тун пардасига чулғанган эди. У борасолиб ялоққа ёпишди. Ялоқдаги ювундини икки ҳаплашда ютиб, қатор деразалар тагига келди. Ичкаридан таралаётган хидни бир-бир искаб, бола ётган уй деразасини топди. Бола хидини тўйиб-тўйиб искагач, дераза тагига чўнкайди. Сўнг ички бир истакка бўйсиниб, чўзилиб ётиб олди. Тонгда болани бир қувонтириб, яна даштни қора тортди. Илгаригидек деворлардан учиб ўтди, итларнинг юрагини ёриб ўтди.

Қоровойни кўрган боланинг дили шодликка тўлиб, кеча тоғасидан еган калтакларини ҳам унутди. Тоғанинг ҳам кўнгли хотиржам тортиб, боғлаб қўй, бошқа бўшатма, деб амир қилди. Бироқ Қоровой уларга туткич бермади. Кейинги сафарлар ҳам инсон истагига бўйсинмади. Шу тарика, кундузлари дала-дашзда санғиб, тунлари бирровгина ховлига келиб-кетишни одат қилди.

Ўзига садоқатли йўлдош орзу қилиб, ярим ёввойи итга эга бўлган бола тунлари ухламай бўлса-да, Қоровойни қайта банди этишга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо барча ҳаракатлари зое кетди. Ит алдовга учмади. Охири тоға бу ишга жазм этди. Шунда Қоровой унга нисбатан адоватини ошқор қилиб, думбасидан бир чакса эт узиб, ўзига баттол бир ғаним орттирди. Тоға унинг бу қилмишини кечирмади. Ғазаби тошганидан ит эвазига келадиган мўмай фойдани ҳам унутди. Аслида, унинг феъли шу — кўз ўнгидагини қадрлайди, у нарса қўлидан кетдими, тамом — ҳатто ачиниб ҳам ўтирмайди. Энди унинг бирдан-бир мақсади итнинг жонини олмоқ эди. Бир куни у итни отиб енгил яралашга муваффақ бўлди. Шундан сўнг Қоровой бошқа қорасини кўрсатмади.

У яна ёввойиларча яшай бошлади. Бир окшом та ниш хиддан унинг димоғи яйради. Минглаб ўзга хидлар орасидан ўша кадрдон исни дарҳол илғади. Бу пайтда у қорнини обдан тўйғазиб, чангалзорда думалаб ётарди. Хиёл эринчоклик билан ташқарига йўналди. Чангалзор яқинидаги қўйларни, ўзи томон ошиқ-

май келаётган Толмасни кўрди. Беихтиёр ириллади. Кейин кўнгли ийиб, дум силкиб, болага пешвоз юрди. Тумшугини ялаб, пишкириб, эркаланиб боланинг атрофини бир айланиб чикди. Сўнг чўзиқ ғингшиб, унинг кўлини ялади. Йигитча бошига кўл чўзганди, у бирдан сергак тортди. Ёввойлик нукси тўла мужассамлашган кўзлари оловланиб, боланинг кўлига хадикли назар солди. Кўлида арқонга ўхшаш шубҳали нарса кўрмагач, силаб-сийпашига кўйиб берди. Лекин энди думини ликиллатмади. Сийпаш қанчалик ёқимли бўлмасин, бу сафар хушёрликни бир лаҳза унутмади.

Ўша окшом боланинг кўнглини кувончга тўлдириб, унга ҳамроҳ бўлди. Бирга-бирга кўй боқдилар. Энг қизиғи, Қоровой унинг кўйларига ўлжа сифатида қарамади. Бўлмаса, икки кун бурун даштда бир кўйни имижимида тинчитган. Бугун эса ўша кўйнинг қолган-қутганини паққос тушириб, чангалзорда «қорин кашлаб» ётганди.

Боланинг севинчи узоққа чўзилмади. Қайтар маҳалда Қоровой уни қишлоқ яқинидаги дўнгликкача кузатиб келди-да, у ёғига жилмай туриб олди. Толмас ялиниб кўрди, ёлвориб кўрди. Қоровой эргашмади. Йўл ўртасида чўнкайганча қолди. Йигитча белидан камарини ечишга ботинмади. Шунингдек, ечмоқдан маъни йўқ, хирсдай итни сургашга барибир кучи етмасди. Иккинчидан, ҳозиргина дум силкиб турган ит сал бежо ҳаракат сезса, дарҳол тишларининг оқини кўрсатар, бутун важоҳатидан, ҳаддингдан ошма, йўқса, чатоқ қиламан, деган огоҳлантириш баралла акс этиб турарди.

Шу тариқа, улар ҳар окшом даштда учрашадиган бўлдилар. Толмас бир кун келиб уни уйга олиб кетишига ишонган ҳолда, итни уйдан яширинча олиб чиққан емишлар билан сийларди. Ўз навбатида Қоровой ҳам уни эркалар, гоҳ кўкси билан болани уриб йиқитиб, устидан ирғишлаб ўйнар, гоҳо бўйнидан қучоқлаган йигитчани сургаб кетар, гоҳо эса тумшугини унинг пинжига суқиб, ғалати қилиқлар қиларди. Аммо ўтқир ва қаттиқ кўзлари бир зумга бўлса-да хушёрликни эсдан чиқармасди.

Бир сафар қизиқ бўлди. Толмас у билан олишар-

кан, сездирмай белидаги арқонни еча бошлади. Шунда беармон шўхлик қилаётган Қоровойнинг вазоҳати кескин ўзгариб, кутириб хуришга тушди. Сўнг хуришдан тўхтаб, бошини бир ён қийшайтирганча дахшатли тарзда ирилламокни бошлади. Бу ҳол бола қўлини белидан олмагунча давом этди. Кейин у аразлаб нари бориб ётди. Толмас яхши гапириб, силаб-сийпаб уни зўрга ўзига ийдирди.

Қоровой болага фақат окшомини бағишларди. Қолган пайт дашт қолмай, жар қолмай, уч қирнинг нариберисида дайдирди. Кишлоқ итларини даштга доритмай қўйди. Унинг бахтига даштда емиш дегани мўл эди. Аммо Қоровой у билан чекланмай ора-сира қўйларга ҳам ҳужум қилиб турарди. У бу юмушни шу қадар усталик билан адо этардики, бирон кимса ундан гумон қилолмасди. Товуқхонага қилган юришлари ва ҳовлидаги хўроз сабаб чиққан мажоролар унинг ақлини янада пешлаган, тирик жонга нисбатан очик ҳужумнинг оқибати дилхиралик, ҳаттоки ўлим хавфи билан яқунланишини энди у яхши биларди. Билгани учун ҳам бу ишларни ими-жимида бажарарди. Бундан ташқари, Қоровой ўлжасини очикда қолдирмасди. Ёйди-ёйди-да, қолганини одатдагидек ўзга бир ерга судраб бориб, қўмиб ташлайди. Аслида бу ҳолни кўпчилик хонаки итларда ҳам кузатиш мумкин. Қоровойда эса бу хусусият ёввойилик билан қоришиб, у қўмилган ўлжаси устига белгисини қолдириб кетарди.

У қанчалик изғимасин, ўз ҳудудини қанчалик қенгайтирмасин, ётар жойи барибир қангалзор эди. Бу жиҳатдан у хонаки итларга тортган, бўлмаса, барча оғир қисматга қангалзорга яқин жойларда рўпарў келган. Шунга қарамай, бежавотирроқ ер қидиришни, яъни инини ўзгартиришни ҳаёлига келтирмасди.

Қоровой қангалзорга қаттиқ меҳр қўйганди. Айрим қунларни истисно қилмаганда, ҳар окшом бола билан учрашиб туришни қанда этмасди.

* * *

У даштдан семиз қуён тутиб еган қуни окшом бола келмади. Қоровой қангалзор ёқасига чиқиб, уни узок

пойлаб ўтирди. Тунда эса кўнгли ўз-ўзидан ғуссага тўлиб, кўп безовталанди. Қишлоқни қоралаб икки бор йўлга тушди. Милтиқни эслаб, ҳар сафар дўнгдан қайтди.

Эртаси ҳам бола қорасини кўрсатмагач, у ортиқ чидаёлмай ярим тунда қишлоққа энди. Одатдагидек, деворлар устидан шарпадек сирғалиб ўтди. Ҳовлига тушиб, у ерда ғалати бесарамжонликни пайқади. Кўнглидаги хавотир яна-да кучайиб, бола ётадиган хона деразаси ёнига келди. Ичкарига мўралаб, ғалати манзарани кўрди. Бола ўртадаги тўшакда алаҳсираб ётар, оппоқ ҳалатли бир аёл чўккалаганча унинг очик қорнини пайпаслар, четроқда қишлоқ дўхтири Ориф тирриқ, ёнида тоға, серрайиб туришарди. Бурчакда уй бекаси тош қотганди.

Қоровой бошда воқеани нотўғри англаб, дераза тирнаб ирилламоқчи бўлди. Қарасаки, ҳеч ким болага зуғум қилмаяпти. Лекин ёввойи кўнгли йигитчанинг аҳволи чатоклигини дарров пайқади. Фингшиб, деразага бақамти келди. Ана оқ ҳалатли аёл қаддини ростлаб, Ориф тирриққа зарда билан нимадир деди. Бу сафар тирриқ баттар қунишиб, алланималар деб тўнғиллади. Жонсарак аёл унга қўл силтаб, тоғага нимадир деб буюрди. Тоға ёш боладай итоаткорлик билан ташқарига йўрғалади.

Аслида воқеа бундай бўлган эди. Умрида касал нималигини билмаган бола тушга яқин бирдан ичимлаб қолди. Уйдагилар аввалига ўзларича муолажа қилишиб, сўнг Ориф тириққа хабар беришди. У беморни у ён-бу ён кўриб, қорни оғриган кезлари ўзига қўллаб келадиган усул билан даволашга киришади, яъни ароққа туз қўшиб ичиради. У, синалган усул, деб оғиз кўпиртиса-да, боланинг аҳволи яхшиланмайди. Ўшу созда у яна бир кун ётади. Қачонки, аҳволи жуда чатоклигини сезгачгина, Ориф тирриқ туман марказидан «тез ёрдам» чақиради. Меҳрибонлиги тутиб ўзи боланинг бошида ўтиради. «Тез ёрдам» дўхтири бемордаги белгиларга қараб, кўричагининг ёрилиб кетганини тахмин қилади, Ориф тирриқни «бефаҳм хўтик» деб сўкишдан ўзини тиёлмайди.

Қоровой айна шу воқеа устига келиб қолганди.

Болани замбилга олишгач, манзаранинг жуда хунукли-
гидан юраги зиркираб, ангиллаб юборди. Хаётида илк
бор хадикланмай, уларга эргашиб кўчага чикди. Зам-
билда оташ бўлиб ётган боланинг кўлини ялади. Бола-
нинг кўз очиб, бошини силашини кутиб, тумшугини
суйкади. Ориф тирриқ уни боладан четлатди. Тоға
унга эътибор ҳам бермади. Қоровой аввалига бир қз
гангиб турди, аммо бола ичкарига олингач, у бор
овозда вовуллаб машина эшигига ёпишди. Тирноқлари
билан тирмаланиб тирмашди.

Машина кишлоқ кўчаларидан физиллаб жўнади.
Қоровой унга эргашиди. Текис йўлга чикиб олгач, ма-
шина тезлигини оширди. Ит қанчалик илдам югурма-
син бора-бора ортда қола бошлади. Катта йўлга чиқаве-
ришдаги муюлишда у машина қорасини бутунлай йўқот-
ди. Машина деганлари катта йўлда жуда сероб экан,
тун бағрини тилкалаб хали у ёққа физиллаб ўтади,
хали бу ёққа.

Қоровой муюлишда гарангсиб туриб қолди. Ас-
фальт йўлда искаланиб, беҳуда тентиди. Изни йўқотган-
нига тўла ишонгач, йўл бўйида чўнкайди. Хар ўтган
машинага умидвор тикилиб тонгни оттирди. Тонгда
йўлда ҳаракат кучайганда ҳам ўрнидан жилмади. Қиш-
лоқ тарафдан эшак минган чол кўрингачгина ўтган-
қайтганларнинг ғашига тегмасликка қарор қилгандай,
сал наридаги ариқ ичига тушиб ётди.

Қуёш терак бўйи кўтарилганда, йўлда ўша таниш
машина кўринди. Қоровой сапчиб ўрнидан турди-да,
кишлоқ томонга бурилган машина кетидан елдек учди.
Шўхчан акиллаб югурди, ирғишлаб-ирғишлаб югурди.
Ховлига машина билан изма-из етиб келди. Кела солиб
машина эшигига тирмашди, дум силкиб акиллади.

Машина эшиги аста очилиб, ғамга ботган тоға кўрин-
ди. У ёқдан барзанги хайдовчи тушиб келди. Икковла-
шиб замбилни машинадан олишди. Бола жасади оппоқ
чойшабга ўралган эса-да, Қоровой замбилда бола ётган-
нини хидиданок билди. Чойшаб четини тумшуги би-
лан нуқиб бор овозда ангиллади. Ўнг панжаси билан
чойшабни тортмоқчи бўлди. Кейин замбилга эргашиб
ховлига кирди. Эшикка етгач, у ёғига ботинмай бўсаға-
да туриб қолди. Фингшиб болани чақирди. Ичкаридан

аёл кишининг ўткир йиғи овози отилиб чиққач, кўрқиб, у ўзини четга олди. Эшикдан узоқлашмаса бирор кор-хол юз берадигандек, бостирма тагига бориб турди. Куруқ ялоққа қиё боқмай, ховлидаги ҳаракатни жимгина кузата бошлади. У боланинг кўриниш бермаётганидан ҳайратда эса-да, қандайдир ёмон, жуда ёмон воқеа юз берганини фахмлаб турарди. Бунини ховлини тутган йиғи-сифидан, одамларнинг жонсарак ҳаракатидан идрок этмоқда эди.

Тобут лопиллаб ховлидан чиққанда, у одамларга эргашди. Боланинг тобутдалигини у исиданок билган, унинг ҳид билиш сезгиси теваракдаги барча ҳидларни бир-биридан ажрата оларди.

Мозортепадаги барча таомилларни у четдан туриб кузатди. Орада ўзи чангалзордан ҳайдаган малла мушукка кўзи тушса-да, диққатини чалғитмади. Одамларнинг сирли ҳаракатларини жимгина кузатиб тураверди.

У одамлар кетишгандан сўнггина қабр тепасига борди. Қабрни гир айланиб, искаланди. Боланинг қўл етиши қийин бўлган ер тагида қолганини сезгачгина, кўкка боқиб увлаб юборди. Чўзик, мунгли овоздан одамлар сергакланиб, йўлда кетиб боришаётган жойларида ортларга ўгирилишди. Қабр бошида ҳайбатли қора итни кўришиб, ҳайрон туриб қолишди. Шунда кимдир пиқиллаб йиғлаб юборди. Бу — Ориф тиррик эди. Шўрлик озғин елкалари титраб-титраб йиғларди. Эркак йиғисидан худо асрасин экан, одамлар жуда эзгин ҳолда йўлда давом этишди. Итнинг мунгли овози уларни кишлоқкача таъқиб этиб турди.

Ўша куни Қоровой туни билан увлаб чиқди. Юрагида илк бор меҳр уйғотган, унга муҳаббат кўйиб, силаб-сийпаб эркалаган яккаю-ягона кишисига мана шу тарзда аза очди.

Бу ҳол ҳар тун такрорланавергач, унинг қилиғи одамларнинг диққатини тортди. Кишлоқда ит ҳақида, унинг садоқати хусусида гурунглари авж ола бошлади. Шу орада уни кўлга туширмоқчи бўлганлар ҳам топилиб қолди. Лекин у алдовларга учмади. Қўйилган тузоқларни осонгина айланиб ўтди. Аввалгидек ёввойиларча яшай бошлади. Орада бир неча кўйга кирон

келтирди. Одамлар бу унинг иши эканлигини билишмади. Киш чилласида тоғдан тушиб келган бўрилардан кўришди.

Қоровойнинг мислсиз садоқати эса бир неча афсоналарнинг юзага келишига сабаб бўлди. Унинг кўркем келбати кимларнингдир ичини куйдирди, кимларнингдир хавасини келтирди.

Тоғанинг бошига айти шу гап-сўзлар етди.

* * *

Қоровой қочиб кетгач, тоға бир неча вақт унга қасдлашиб юрган бўлса-да, уни қайта қўлга киритмоқ ниятидан осонгина воз кечганди. Аниқроғи, уни унутиб ҳам юборганди. Қоровой энди етиб бўлмас бир қуйрук, унга етишмоққа тоғада на тоқат, на ҳафсала бор эди. Бироқ даврадаги гурунглardan тагин унинг ичи қизий бошлади. Айниқса, кўча бошидаги Салом сарикнинг, «Ўзиям хангидай ит экан, қўлга туширма-сам армонда кетаман», деган гапидан сўнг пайтавасига қурт тушиб қолди. Бир окшом унинг уйига ўтишдан эринмади.

— Итга теғманг, ака, — деди бир оз чайналгандан сўнг, мақсадга кўчиб. — У бизга товин. Нега вақт ховлимда яшади. Жияним бечора мола судрагандай, аллақайси гўрдан судраб келганди. Обкелганда чивиндай жони бор эди, боқиб каттартирган биз бўламиз, ака.

Салом сарик ажабланди.

— Ҳозир эркинликда юрибди-ку.

— Қочиб кетди-да, ярамас.

— Унда тезроқ эғалик қил.

— Шуни ҳаракатидаман, ака.

— Мамадиёрнинг болалари тутмоққа уннаб юришган эмиш. Хабаринг борми?

— Улар билан ўзим гаплашиб қўяман, — тоғанинг ранги гезариб, бармоқларини мушт қилди. — Ит жияннинг қабридан нари кетмаяптими, демак, у меники. Бировнинг ҳаққи йўқ унда.

— Гапинг тўғри, — деди Салом сарик. — Лекин беш қўл барабар эмас. Инсофи йўқ бирор одам отиб-

потиб кўйишидан кўркаман. Ташвишим шундан, иним.

— Нега отаркан?

— Эгасиз ит бевош бўлади. Бировга зиён етказса, садоқатли эди деб турмайди. Бунинг устига, унинг ҳаммани ҳавасини келтириб юрибди...

— Тутиб, боғлаб қўяман.

— Шундай қил.

— Шундай қиламан.

— Тўғриси, кўнглингга олма-ю, сенга унчалик ишонмайман. Узункўл. Жуда камхафсала одамсан, то кимирлагунингча... Яхшиси, ўзим бир уннаб кўрай. Жонивор сабил кетмасин. А, нима дединг?

— Овора бўлманг.

— Чўзсанг, қараб турмайман.

— Чўзмайман.

Тоға Салом сарикнинг бир сўзлигини билади. Шунинг-чун, боши қотиб тадбир қидирмоққа тушди. Аммо тадбирсиз одамдан қандай тадбир чиқарди. Ўйлай-ўйлай топгани Ориф тиррикни авраш бўлди. Жўраси эса эшитишнияма истамади.

— Итга, билсанг, ҳурматим жуда баланд, — деди негадир мижжалари намланиб. — Унинг садоқатини кўриб, тўғриси, ўзимнияма ит бўгим кеп-кетаяпти. Қўй, тегма, ўз майлида юраверсин.

— Сен унга ит деб қарама, жўра, — тоға секин сирни оча бошлади. — У ит эмас, хазина. Бундай итга итвозлар қанча беришини биласанми?

Бу гапдан Ориф тиррикнинг ранги гезариб, унга олайиб қаради.

— Пул деб ҳали жиянингнинг қабрини бўзлатмоқчимисан?!

— Барибир биров илиб кетади дейман-да.

— Азадор жониворга ким ҳам тега олиши мумкин? Кар эмасдир, кўр эмасдир, тунлари не деб нола қилаётганини билишар ахир.

— Вақтинча бу, бир кун келиб, юрагининг тапти босилар.

— Юрагининг тапти босилган куни тутарсан. Ҳозир эса тегма.

— Унгача илиб кетишлари мумкин деяпман-ку.

— Ким илса, пес бўлсин!

— Кўп ўрланма, жўра, — шундай деяркан, тоға бирдан хайрон бўлди: — Ия, йиглаяпсанми? Нима бўлди?

— Сен ит дейсан, — деди Ориф тиррик кўз ёшини яширмай. — Бу ёқда мейнинг итим чикиб турибди.

— Нима гап?

— Опанг рахматли тинч қўймаяпти мени, — Ориф тиррик бурнини хунук тортди. — Ҳар тун тушимга кириб, обориб-опкелаяпти... Ўзи шу дўхтирликка ўқиб бекор қилган эканман. Муаллимлик-пуаллимликка ўқисам дуруст бўларканми.

— Жиянни сен ўлдирмадинг-ку, ахир.

Ориф тиррик бош эгиб, жим колди: «Йўк, мен ўлдирмадим», деёлмади. Кафтининг сирти билан кўзларини суртиб, чуқур хўрсинди.

— Куни битган экан-да, жўра, — тоға уни юпатмокка тушди. — Қўй, кўп куйинаверма.

— Бунни опанг... тушунмаяпти-да.

— Нима деяпти?

— Оппоқ либосда келиб... — Ориф тиррикнинг овози титраб, бир зум сукутга чўмди-да, сўнг шивирлагандай деди: — Бўғаяпти...

— А?!

— Ҳа, бўғаяпти.

— Лекин менга индамаяпти-ку? — Тоға беихтиёр ён-верига аланглаб олди.

— Сени жигарим деган чиқар, лекин мени ёмон қийнаяпти. Тун чўкди дегунча этим жунжикаверади. Кеча туни билан ўтириб чикдим. У ёқда итинг увлайди, бу ёқда... Эх-х, овози бирам ғамгин. Одамни йиглагиси келади.

— Қўй, аёлга ўхшаб кўп кўз ёши килаверма.

— Бўлганим шу.

— Буниси ҳали холва, ёрдам бермасанг, бундан баттар бўлади.

— Нима деганинг бу? — Ориф тиррик кўркиб кетди.

— Итни тутишга ёрдам беришдан бош тортганингни айтаяпман.

— Ахир сен пул учун... — Ориф тиррик унга жавдираб қаради.

Тоға ёлғонлади:

— Алдадим. Синамоқчи эдим сени.

— Бўзлаб турган жонни қандай қилиб тутамиз, а?

— Биров илиб кетса майлими? — Тоға баттар хужумга ўтди. — Итини асрай олмадинглар деб, опам икковимизниям бўғиб кетмасин. Арвоҳини айтаяпман.

— Нафасингни иссиқ қил.

— Гапнинг бориям шу.

— Йўк, сен уни пул учун тутмоқчисан, — Ориф тирриқ унга шубхаланиб тикилди. — Кўзларинг айтиб турибди.

— Пул учун эмас, — тоға кўзларини лўк қилиб тагин ёлғонлади. — Жиянимнинг руҳи ҳаққи-хурмати уни ховлида кўз қорачиғимдай асрамоқчиман. Тунлари эса бўш қўяман. Мозорга бориб тўйганича йиғлаб келаверсин. Биров илиб кетса, арвоҳлар олдида балога қолмайлик дейман-да, жўражон.

— Агар гапнинг чин бўлса, ёрдам берганим бўлсин. Аммо-лекин арвоҳлардан жуда юрак олдириб қўйдим.

— Бирор ноинсоф илиб кетмасин дейман-да.

— Илиб кетса, ўлдираман!

— Мамадиёр чўлокнинг уллари кўзларини олайтириб юрганимиш.

— Эшитдим, — деди Ориф тирриқ бепарво. — Уйига бориб, кўрмисанлар, азадор итния тutasанларми, деб жанжаллашиб келдим.

— Айтмадинг-ку менга.

— Айтадиган гап эмас-да.

— Сен ўзи азалдан эсли одамсан...

— Йўк, мен эси йўк эшакман...

Иккиси бир неча дақиқа жим қолдилар. Тоға дўстининг бир бурда бўлиб қолган юзига шафқат ҳисси билан қарамоқ истади. Лекин ўша ҳисни тополмай, яна мақсадга қўчди.

— Ҳўш, қандай кип тутамиз?

— Йўлини ўзинг топ, — Ориф тирриқ елка қисди. — Мен қайдан билай.

— Билсам, сенга кеп ўтирармидим, — деди тоға нордонланиб ва дўстининг ковоғи осилиб бораётганини кўриб, дарров хаспўшлашга тушди: — Қаллали

одамсан-да сен. Лекин итни тутсам, жиянимнинг рухи учун кишмиш бериб бокаман.

— Ит кишмиш емайди.

— Келари гап-да энди бу, жўра.

Ориф тирриқ ўйга тушди. Лаблари беўхшов қимирлаб, ўзича нималардир. — деб гўлдиради. Сўнг деди:

— Тунар жойини биласанми?

— Дайди итнинг тунар жойи даштда, — деди тоға. — Қайси даштдан қидираман мен уни. Асли жияним нобуд бўлган куни тутсам бўларкан, оёқ остида ўралашиб юрувди.

— У пайтда юракка ит сиғармиди. — Ориф тирриқнинг энсаси қотди. — Жиянинг қандай қилиб тутганди?

— Шунисини сўрамабман-да, — тоға афсусланди. — Мола судрагандай судраб келганини биламан, холос.

— Ха, у топқир ва меҳнаткаш бола эди.

Тоға бошини эгиб, хўрсинган бўлди.

— Топдим, — дедим Ориф тирриқ бир оздан сўнг андак рухланиб. — Арқон билан тутамиз. Сиртмоқ қилиб. Киноларда отларни сиртмоқ билан тутишганини кўрганман.

— Ит от эмас-ку.

— Фарқи нима, — Ориф тирриқ ўзиникини маъқуллашга тушди. — Отда бўлган бош итдаям бор. Мозор бошида осмонга қараб увлаётганда, пойлаб туриб сиртмоқ ташлаймиз. Бўйнига арқон тушгач, ўзи кўзичоқдай эргашиб келаверади. — У синик кулди. — Жуда бўлмаса, яна думбангдан озгина улуш берарсан... Таваккал-да. Лекин аввал бир-икки машқ қилиб кўриш керак.

Тоға омбортомдан узун арқон олиб чикди. Бир учини сиртмоқ қилиб тугди. Бошда сиртмоқни ховли ўртасидаги ҳачча бошига ташлаб кўрди. Хийла ури-нишлардан сўнг натижа ёмон бўлмади. Кейин кўра бурчида тинчгина кавш қайтариб ётган сигир шохига ташлаб кўрди. Сиртмоқ тез ва соз тушди. Сузанғич қора така ховли юзига ҳайдалиб сиртмоқ билан осонгина тутиб олинди.

— Шундай талантингни хор қип юрибсан-а, —

деди Ориф тиррик бу эрмакдан кутилмаганда кайфи-
яти жуда чоғланиб. — Сенга ҳўкиз ҳам чўт эмас.

— Менда укув зўру, ҳафсала йўк-да, — деди тоға
мактовдан рухланиб. — Ҳафсала қисам министрирам
бўп кетардим.

— Халиям кўчамизнинг министрисан.

Тоға гоҳ кўлидаги сиртмокка, гоҳ ҳаҷчага қараб
турди-да, сўнг кўлини сирмади. Сиртмоқ чувалиб бо-
риб, ҳаҷчага ўнғайгина тушди. Ориф тиррик чапак
чалиб юборди.

— Зўр!

— Бун ювиш керак, — деб қолди бунга жавобан
тоға, жиддий.

— Менга-ку мумкин-а, лекин сенга... — Ориф
тиррик ўнғайсизланди. — Жиянни қирқи чиқмай... Бу
гапни озингга олма, э-э!

— Шомурод сирри энасининг қирқи чиқмаёқ ма-
газинди ёнбошида думалаб қолувди, — деди тоға
тўнғиллаб. — Бир мартагина мумкинدير ахир. Бу
ёқда кўнгилам сал айниб турибди. Босармикан дев-
дим-да.

— Ноқулай-да.

— Биров билиб ўтирибдими, агар сен айтмасанг.

— Айтиб менга нима зарил, — деди Ориф тиррик
бўшашиб. — Лекин одамга ўхшамай қолаяпмиз-да...

— Бир марта одам бўлмасак бўлмабмиз-да.

Тоға ичкаридан қўйнида шиша кўтариб чикди. Ом-
бортомдаги хумчани титкилаб, гўшт олди. Кейин узун-
қиска бўлишиб сомонхонага ўтишди. Шишадагини
ошиқмай майдалашди. Ва оқибатда, итни тутгани бу-
гуноқ мазортепага боришга келишиб олишди.

* * *

Улар мазортепага Қоравойдан илгарироқ етиб ке-
лишди. Кундузи билинмас экан, тунда мазор жуда
ваҳимали бўларкан. Улфатлар ичларида билганларича
калима келтириб, Толмаснинг қабридан ўн кадамча
нарига пистирма қўйишди. Кимнингдир қабри биқини-
га паналаб ётишди.

Кўройдин бўлишига қарамай, тевааракни бемалол

кўз илгарди. Кўп ўтмай, муздек шамол эсаётган сой тарафдан қора кўринди.

— Келаяпти, — деди Ориф тиррик овози қалтираб.

— Кўраяпман, — деди тоға ундан кам ҳаяжонланмай.

Қора кўланка мазортепадан наридаги энишда кўздан йўқолгач, Ориф тиррик яна дийдиё қилди.

— Сезиб қолиб, келмаса-я ҳали.

— Буйтиб бидиллайверсанг, сезиши аник, — деди тоға сўқиниб. — Бирпас жим ўтир!

— Уйдаги спиртни оливосам бўларкан, — Ориф тиррик у томон сурулди. — Негадир кўркиб кетаяпман.

— Бориб ичамиз, — тоға уни тирсаги билан туртди. — Ҳозир эса сасингни чиқарма!

Бир оздан сўнг мазортепа этагида ит кўриниш берди. Ориф тиррик шу дамгача аҳамият бермаган эканми, итнинг келбатини кўриб, беҳосдан «у-у» деб юборди. Ҳақиқатда, Қоровой ниҳоятда гўзал эди. Кўкраклар кенг, боши тик, оёқлари узун ва бақувват, бел томони хипчарок.

— Худди шерга ўхшаркан, — деди Ориф тиррик ҳаяжонини босолмай. — Фақат ёли йўк, ёли бўлса нақ шернинг ўзи...

— Жим ёти-ий, окбодирок! — Тоға шипшиб жеркинди. — Намунча сергап бўлмасанг.

— Қарагин, жудаям чиройли-да, — деди Ориф тиррик шивирлаб. — Бунинг олдида бизнинг итлар сигирнинг тезагига ўхшайди.

— Уф-ф!

Бу орада Қоровой қабрлар оралаб ошиқмай келаверди. Пистирма шамолга қарши томонда бўлганлиги учун ит уларни сезмади. Албатта, бу пистирмадагиларнинг топқирлиги эмас, тасодиф эди. Вазият ит пойловчиларнинг фойдасига ишламоқда эди. Улар бошларини эгиб, чурқ этмай ётишаркан, тоға ўнг қўлидаги арқонни ўнғайлаб, ҳамлага шайлана бошлади.

Қоровойнинг кадам олишлари адл бўлса-да, ҳолатида ғамгинлик зоҳир эди. Боши тобора осилинқираб, қабр бошига етиб келаркан, бошда қабр қаватидаги

бузилган тобут ёғочларини искади, сўнг бир оз нари-
бери тентиб, қабр пойига ўтиб чўнкайди. Бу манзара-
ни жимгина кузатиб ётган Ориф тиррик, худди ўрга-
тилгандай, ё тавба, деб юборишига сал қолди. У ортик
ун чиқаришдан кўрқиб, кафтини оғзига олиб боргунча
бўлмай, тун бағрини тилкалаб хазин ва чўзиқ увлаш
янгради. Бу сасдан Ориф тиррик титраб кетди. Фигон
этмоққа тушган итни тутмоққа кўнгли бўлмай, тоғани
бу йўлдан қайтармоқ истади. Аммо вақт ўтган, тоға
чапдастлик билан улоқтирган сиртмоқ кўкка боқиб
нола қилаётган итнинг бўйнига тушиб бўлганди.

Қоровой бўйнига келиб тушган сиртмоқдан дастлаб
шошиб қолди. Сўнг чўчиб ўзини четга отди. Сиртмоқ
сикилиб томоғини бўғди. Бошини бир ён буриб, ар-
конга оғиз соларкан, кўзи ўрнидан рўйи рост турган-
ча, арконни тортмоққа бошлаган тоғага тушди. У тоға-
ни дархол таниди. Ундан еган калтакларини эслади.
Натижада, кўркуви ғазабга, ғазаби нафратга айланди.
Дахшатли ириллаганча, тўғри тоға томон сапчиди.

Улфатлар буни сира кутмаган эдилар. Хужумдан
довдираб қолишди. Тоға шўрликнинг умри ушбу дов-
дираш оғушида поёнига етди. Қоровой яшин тезлигида
елиб келиб, ўткир тишлари билан унинг бўғзини айи-
риб ташлади. Буни кўрган Ориф тиррик «эна»лаб
қочди. Йиқилиб-суруниб, иштонини булғаб, дала-дашт-
ни кўрқинчли фарёдга тўлдириб қочди.

Қоровой уни қувламади. Лоақал қайрилиб қарама-
ди. Бўйнидаги сиртмоқни осонгина бурдалаб ташлаб,
секин даштга чиқиб кетди.

Ориф тиррик уйига етиб-етмай, оёқлари ҳаракат-
дан, тили гапдан қолди. Назарида, ит хануз уни таъ-
қиб этаётгандай, кўлларини ғалати ҳаракатлантириб,
гоҳ чор тарафга силқир, тўлғар, гоҳ томоғини пайпас-
лар, кўзлари эса олайганча қотиб қолганди.

* * *

Қишлоқ аҳли тоғанинг қотилини Ориф тиррикнинг
қўмагисиз ҳам тезда аниқладилар. Қабрдан тоғанинг
жасади томон чўзилган чуқур из, ғажилган арқон,
жароҳатдан қотилнинг кимлиги маълум эди.

Тоғанинг маъракасидан сўнг Нортўхта участкавой бошлик уч отлик Қоравойнинг изидан тушдилар. Аммо унинг чангини ҳам тополмадилар. Ит кумга синггандай ғойиб бўлганди.

Орадан ой ўтиб, чўпонлар уни бўрилар тўдасида юрганини айтишди. Уларнинг тахминига кўра, Қоравой чоғроққина бўрилар тўдасини бошқараркан. Шунга карамай, қишлоқ аҳли баъзи тунлари мазортепа тарафдан чўзиқ ва хазин увлашни эшитиб қолишарди.

ҚОЯЛАР ҲАМ ЙИҒЛАЙДИ

Қисса

Тонг азонда ҳовлидан тўрт ит билан чикиб кетган Эрназар полвон кечки пешинга яқин Кўктойнинг чалаўлик жасадини отга ўнгариб қайтди.

У пешвоз чиққан ўғилларига хўмрайиб боқаркан, итга биринчи бўлиб қўл чўзган иккинчи ўғли — Кўчарга дағал оҳангда, хазр бўл, деди-да, бошқа бирига, дорихалтани опчик, деган маънода им қокди. Сўнг отдан тушиб, хашақлар устига ётқизиб қўйилган Кўктойнинг тепасига борди. Букланган қамчи кети билан лунжини қашлаб, бир зум ўйга толди. Кейин енгларини химариб, қўлларини олдинга чўзди. Кимдир об-тобага югурди. Эрназар полвон, итдан кўз узмай, қўлларини ювди, яхшилаб артди. Итнинг бош томонидаги дорихалтани ёнига тортиб, чўккалади. Орада ҳеч сабабсиз атрофдагиларга норози қараб қўйди. Сўнгра итнинг қорни ва бели аралаш танғилган қон юки чорсини охиста ечиб, жароҳатни кўздан кечирмоққа тушди. Айиқнинг ўткир тирноқлари итнинг баданига хийла чуқур ботган, қўшқафт кенглигидаги тери шалвираб осилиб тушганди. У тери бўлагини авайлаб тутиб, қон силкиб турган жароҳатга пешонаси тиришиб боқаркан, танглайини таққиллатди-да, тутинглар, деган маънода томоқ кирди. Кўктойнинг боши ва оёқлари бақувват қўллар исканжасида қолди. Дастлабки муолажада итнинг демади-ю, аммо қорамтир ва қўланса малҳам суртилаётганда, азобга чидаёлмай, ангиллаганча сийиб юборди.

Сийдик кўлларига сачраган Кўчар ирганиб афтини буриштирди. Аммо ота бир қараб кўйгач, чехраси сокин тортса-да, ички захрини ўғлига сочишдан ўзини тиёлмади: «Нари тур, соя тушираяпсан!» Бироқ бола пинак бузмади. Бобосиникига ўхшаб кетадиган жиддий ва тўнг қиёфасига қайсарлик ифодаси қалкиб, килт этмай тураверди.

— Беккул, сенга айтаяпман! — Кўчар полвон овозини сал баландлатди. — Нарӣ тур!

Бола кимир этмади. Бобосининг алохида эътиборига сазовор бу бола ўз дарди оғушида ёнарди. Бобоси азонда эргаштириб кетган Зийрак отли итининг тақдирдан хавотирда эди у. Сирасини айтганда, қолган итларнинг тақдири бошқаларни ҳам қизиқтирмоқда эди. Аммо буни отадан сўраб-суриштиришга ҳеч қайсиси ботинмас, ўзи оғиз очишини пойлашарди.

Эрназар полвон муолажани тугатиб, қаддини ростлагач, теварақдагилар унинг афтига жонсарак бокишди. Отанинг қайфи тирриқлиги юзидаги ҳар бир мўйдан акс этиб турарди. Бундай пайтда унинг чурқ этмоғи қийин. Яхшиси, ҳозир сўз қотмаган маъкул. Гап очган одам барака топмайди, бекорга дили сиёх бўлгани қолади. Буни билган ўғиллари аста тарқалиша бошлаганида, тўсатдан ховлини отанинг гулдирак овози тутди.

— Эй-й, онаси байталлар, қаёққа?!

Ўғиллар жой-жойида тош қотиб, у томон ўгирилишди. Ота Кўктой чўзилиб ётган ердан берирокда нимтажанг қиёфада гўддайиб турарди.

— Анову кизбет қаерда? — деб сўради бир оздан сўнг ўртанчи ўғли Ўсарнинг ховлиси томонга ишора қилиб.

Отанинг овозида укасига нисбатан ададсиз ғазабни хис этган катта ўғил — Сардорнинг юраги увишди.

— Ишда эди, кеп қолар, — деди нафаси ичига тушиб.

— Кўй сўйдиларингми?

Эрталаб бунақа гап бўлмаганди. Бундан чиқди отанинг қайфияти жудаям чаток. Феъли айниб турганда, у албатта қўй сўйдиради. Бундай пайтда қозон тўлиб гўшт қайнашини, ўғилларининг бир жойда жам бўли-

шини, қир тумшуғидаги деворсиз хайхотдек ховлиси невараларининг шовқинига тўлишини хуш кўради. Аммо гўшт пишмагунча ўзи даврага яқин келмайди. Ховли этаги ҳисобланмиш қир тумшуғига қоя янглиғ чўкиб, узоқ-узоқларга жимгина тикилиб ўтиради. Нимадан кайфи бузилгани кўпинча сир бўлиб қолаверади. Шунга қарамай, ҳар сафар дастурхон бошига очик юз билан келади. Бир лаган этни паққос тушириб, сўнг кекира-кекира, невараларини олиштиради. Шунчаки кўнгилхушлик учун эмас, росмана кураштиради. Йиқитганларни алқайди, йиқилганларнинг отасини сиқувга олади: «Кимга тортган бунинг? — дейди хўмрайиб. — Эрназар полвоннинг томирига ўхшамайди-ку. Илиги пуч, ҳар кун қуйрук билан боқиш керак. Эмасам, эрта бир кун одамнинг юзини ерга қаратиб қўяди. Емаса, ўзимга айт, қамчининг остига оламай». Бола учун думба ейишдан ортиқ азоб йўқ. Билади, бобоси гапини ҳавога совурмайди. Ўша кундан эътиборан йиқилган шўрлик унинг назоратига тушади. Гох эрта пешинда, гох тушга яқин бобонинг овози гумбурлаб қолади. Эрназар полвоннинг таъбири билан айтганда, пуррик¹ неvara бўйин эгиб, унинг қошига боради. Бобо, қўлида букланган қамчи, кўзи билан олдидаги лаганга ишора қилади. Бола бечора думба емайди, азоб ейди. Аммо бу билан бобонинг иши йўқ. Ўғил бола полвон бўлиши керак, тамом-вассалом. Шунингдек, хушрўй болаларни ҳам жини севмайди: «Ул деганлари харсанг тошдай дағал бўлсаякан, кизбетдан полвон чиқармиди», деб ўйлайди. Шу боис, ўртанчи ўғли Ўсарни унча хуш кўрмайди. Бечоранинг бирдан-бир айби — хушсуратлиги ва давра айланмаслиги. Беш ўғлидан фақат угина бел тутмайди. Лекин келбати акалариникидан сира қолишмайди. Полвонқомат. Бир оз димоғдорлигини демаса, ёмон йигит эмас.

Уч ой бурун Эрназар полвон унинг уйини тушириб берган. Эндиликда ўртанчи ўғил қирнинг этагидаги чоғроққина ховлида кўҳликқина қайлиғи билан алоҳида туради. Қолган ўғилларининг ховлилари ундан берирокда — қир бағирлаб тушган. Ўғилларининг ховли-

¹ П у р р и к — кучсиз

сида неки сир-синоат бор, бариси ота ховлисига якқол кўриниб туради. Табиий, ота бу ишни атай қилмаган, қишлоқнинг жойланиши шунақа. Пастдаги Тошлисой бўйидан қир бағирлаб юқорига ўрлаган. Қишлоқ ҳақида куйидаги ривоят мавжуд: эмишки, бошда тоғларни яратган Аллох, тоғлардан сўнг ҳосилдор ерларни бунёд этмоққа киришибди. Ўша иш жараёнида унинг улкан кетмонидан бир сиқим соз тупроқ мана шу тоғу тошлар орасига тушиб қолган экан. Қишлоқ аҳли тилида «қир» деб аталувчи бу масканда одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса битади. Мўъжаз бу қишлоқ ташқи дунё билан тоғлар оралаб ўтувчи торгина тошйўл билан боғланади. Қишлоққа ким кириб келаяпти, ким чикиб кетаяпти — баралла кўзга ташланиб туради.

Эрназар полвон, одати бўйича, йўлга тикилган кўйи аста ерга чўкаркан, жойлашиб ўтиргач, ўғилларининг ховлисига бир-бир кўз ташлаб чикди. Аммо ҳар доимгидек кўнглида ички бир ғурур ҳис этмади. Бехос ҳаром нарса чайнаб кўйган одамдек, дилгир бир кайфиятда Ўсарнинг ховлисига тикилиб қолди. Тевараги пастак қалама тошдевор билан ўралган ҳовли юзида дуркунгина келинчак гимираб юрар, ўғлининг улови — мотоцикли кўринмасди. Ўсарнинг ховлисига тикилган отанинг кўзларида бу сафар адоватга ўхшаш совуқ ифода учкунламоқда эди. Кураш тушмас, бу хушсурат ўғлига нисбатан отанинг кўнглида аввалдан англариш шубҳа яшаб келарди. Бугун тасодифан ўша нарса ойдинлашгандай бўлди. Эски рақиби Сами чўлоқ жирканч бир нимага шаъма қилдики, Эрназар полвоннинг бугунги кайфиятсизлиги мана шундан эди.

Эрназар полвон унга уйга қайтаётиб муюлишда дуч келди. Адоватлари ички, муомалалари хўжакўрсинга эди.

Сами чўлоқ эшагини «хиҳ»лаб, йўлдан четланаркан, бароқ қошлари остидан эгар қошидаги ярадор итга истехзоли бокди.

— Ҳа, Эрназарвой, насл тозалаяпсизми? — деди ошкоря киноя билан.

Эрназар полвон унинг анчагина дадил тортиб қолганидан ажабланса-да, энсаси қотганини билдирмасликка тиришиб, «ҳим-м» дея ноаниқ жавоб қайтарди.

Кейин тезроқ ўтиб кетмоқ максасида отини қичамоқчи бўлди-ю, итни ўйлаб бу шаштидан қайтди. От лўкиллаган сайин ит инграшиб, қаттиқ азоб тортмоқда эди. У от бошини сал четга бураркан, Сами чўлоқнинг савол аломати билан тикилиб турганини сезиб, одоб юзасидан яна «ҳим-м» деб қўйди.

— Бу ишингиз дуруст, Эрназарвой, — деди Сами чўлоқ жойидан жилишни хаёлига келтирмай. — Эмасам, дунёни хашакилар босиб кетади. Янаги йил шу итдан урчиган бирорта кучукваччани бизга берасиз-да, а, Эрназарвой.

Эрназар полвон ёнламасига унга назар соларкан, Сами чўлоқнинг тиржайиб турганини кўриб, кўнглига шубҳа оралади: «Намунча иршанглаб қолди, бу чўлоқ?»

— Ўша кун келаверсин-чи, — деди сўнг, нега тиржаясан, деган маънода унга жиддий тикилиб.

— Кеча бозоржойда Ўсарни кўрувдим, — деди Сами чўлоқ қўлидаги халачўпнинг михли учини тўқим бошига нуқиб. — Боласи тушмагур, шайтонгина, Эрназар полвоннинг уруғини кўпайтирмоқ илинжида юрганга ўхшайди.

Эрназар полвоннинг ранги бир тус оқариб, унга қаттиқ тикилди.

— Акилламай очикроқ гапиринг! — деди сўнг. — Хўл ўтиндай писилламанг кўп!

— Кўрганимни айтаяпман-да, Эрназарвой, — Сами чўлоқ унинг юзидаги ўзгаришни диққат-ла кузатаркан, бот илжайди. — Сомсахонадаги жувонлардан бирини улингизга иккинчи хотин қип ижабламасангиз, деб кўрқаман. Ўсарвойнинг кадам олишлари чатокрок. Лекин шаҳарди қизларидан сал хазр бўнг, енгингиздан кириб, ёқангиздан чиқади-я.

— Бу гапга жавоб берарингиз бор! — Эрназар полвон беихтиёр қамчисини ўнғай тутди. — Тагин эртага тухматнинг шалтовига тийганиб юрманг! Аямаслигимни биласиз-а?!

— Худога шукр, етти томиримдан тухматчи чикмаган, — Сами чўлоқ унинг шаъмасидан зигирча чўчимай, кўзларига рўйи-рост тикилди. Орада халачўп кети билан сийрак тукли иягини қашлаб қўйди. — Ҳақ гап бўлса, отангни аяма деганлар. Ахир биз эски кадрдон-

лармиз-ку. Кўзга қаранг, деб оғиз чарчатиб турганимиз бу. Наслингиз айнимасин, деймиз-да. Бунини сиз ёмон кўрасиз-ку. Биз-ку майли, улар гапимизни сонламайди. Сизнинг йўригингиз эса бўлак... — Сами чўлок кейинги гапларини ошкора истехзо билан илова қилди: — Тагин Ўсарвойни уриб-нетиб юрманг-а. Ёшда, қони қизиқлигига боради. Сизнинг ёшингизга борса, қуйилиб қолар. Э, буйтиб ачувланманг, Эрназарвой. Ачувингиздан ҳатто эшагим кўриб кетаяпти. Энди отни четга олинг, йўлдан қомайлик. Хих, жонивор!

Сами чўлок эшагини кичаркан, эгар қошидаги итга маъноли қараб қўйди. Хунук афти илжайишдан янада буришиб-тиришиб кетди.

Йўл ўртасида кўнгли шубҳа-ю, гумонга тўлганча туриб қолган Эрназар полвон ортиқча сўз қотиб, ижиклашиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Эски рақиб тирноқча алдамаётгани кундай равшан эди. Негаки, бу хил рақиблар ёлғонламайди. Ҳақиқатни ошкор этиб, хузури қилишни яхши кўрадилар.

Эндиликда Эрназар полвон ич-ичини тўхтовсиз кемайётган шубҳа-гумондан дилгир тортиб ўтираркан, ховлидаги ҳаракатни сезиб, аста ортига ўтирилди. Ўғиллари жонлиқ сўймоқ кўйида куйманишар, ховли саҳнида неваралари чопқиллашиб юрарди.

У норғул-норғул ўғилларининг ҳаракатини зимдан кузатаркан, кўнглида ожиз илинж туғилганлигини сездди: «Балки гумондир. Сами чўлокқа шундай кўрингандир. Бирон ножўя қилигини сезишса, акалари жим турармиди. Ҳаммасининг танглайини ҳалол луқма билан кўтарганман, кўзимга чўп сукишмас». Аммо шубҳа илинждан кучли эди. У бор кучи билан отанинг елкасидан боса бошлади: «Сами чўлокнинг буйтиблар иршайишига қараганда, бари чинга ўхшайди. Эмасам, оғиз ботирлик қилишдан ҳайиқарди. Тухматдан кўрқарди. Азалдан итдай симанглаб, йўқ ердаги нарсаларнинг исини олиб юради у. Кечга томон уйига бостириб борсаммикан? Йўқ, кети билан кулади кейин. Яхшиси, улди кутайин. Бетма-бет гаплашай. Чин бўса...» Эрназар полвон у ёғини ўйлагиси келмай, тагин Ўсарнинг кулбаси томон тикилди. Ўғлидан хануз дарак йўқ,

юқори ҳовлидаги ҳаракатни сезган келини ёлғизоёк сўқмоқдан шу тарафга ўрламоқда эди.

Эрназар полвон ундан кўз узиб, яна тошйўлга тикилиб қолди.

* * *

Невараси Беккул бақамти келганида, Эрназар полвон хануз тошйўлга бокиб ўтирарди. Боланинг ташрифи ёкмаса-да, аммо унинг катталардек жиддий, бир оз виқорли қараб туриши беихтиёр кўнглини илитди. Жилмаймоққа уринди-ю, бироқ уддасидан чиқолмади. Юзига тиржайишга ўхшаш бемаъни кулгу тепчиди. Буни ўзи ҳам сезиб, яна тош йўлга юз ўгирди. Ўсарнинг қораси кўриниши билан юрагидаги шубҳа тумандек тарқалиб кетадигандек, йўлга илҳақ термилди. Асли эса ўзига тортган неварасини азбаройи яхши кўрганидан, ҳар қандай кишини тош қотириб қўядиган ўтқир нигоҳидан болани авайлаган эди. Ҳақиқатда, унинг қараши жуда оғир, жиддий тикилса, унча-бунча одамнинг бардош бермоғи қийин эди.

У неварасини хануз ортида серрайиб турганини сезиб, нима дейсан, деган оҳангда томоқ қирди. Худди шуни кутиб тургандек, бола тилга кира қолди.

— Итим қани, бово?

Эрназар полвон жавобдан қочиб, оғир тебраниди. Бошқа пайт неварасининг саволи малол келмаган, тўрт оғизгина гапини ундан дариг тутмаган бўларди. Бироқ ҳозир юрагига қил сизмас, бутун фикри-зикри ўғлида эди. Тезроқ Ўсар келса-ю, масаланинг тагига ета қолса. Шу тобда шундан ўзгасини истамасди.

Бола бетокатланди шекилли, оёқлари остидаги тошлар шиқирлади. Эрназар полвон аста ўша томонга кўз солди. Беккул ялангоёқ ҳолда чағир тошларни босиб турарди. У бир зумга таажжубланди: «Оёқлари оғри-маганини бунини». Салдан сўнг таажжуб, қизиқиш билан алмашинди. Унинг оғир нигоҳи пастдан юқорига силжиди. Боланинг ўнг тиззасидаги кўндаланг чандик ҳам назаридан четда қолмади. У неварасининг пишиқ ва бўлиқ жуссасига бошдан-оёқ разм соларкан, нигоҳи

яна чандикда котди. Хотираси тубидан ўша кунги воқеа секин қалқиб чиқди.

Аслида у ҳузурланиб эслайдиган воқеа эди. Ўшанда Эрназар полвон отини сойдан сувлатиб қайтаётган эди. Юқорилаётиб, бетда иккита қўшни итга таланаётган Зийракка кўзи тушди. Шўрлик ўзини идора этолмай, итлар оёғи остида вангиллаб ётарди. Эрназар полвон, хай, деганча бўлмай, сўкмоқ бошида Беккул пайдо бўлди-да, қўлидаги калтагина калтак билан итларга ташланди. Итлар урушига одам боласи аралашса кизиқ манзара ҳосил бўларкан. Чанг-тўзонда итлар юмалашган, юмдалашган, бола ўнги-сўлига қарамай, уларни савалаган, итларнинг акиллашлари-ю, боланинг бакириб-сўкинишлари оламни тутган эди. Катталар журъат этиши қийин бўлган ишни бола туппатузук эпларди. Бўралаб сўкинишлари ҳам катталарникидан сира қолишмасди. Эрназар полвон неварасининг тап тортмаслигидан ҳам қувониб, ҳам ташвишланиб турганида, тўполон пайтида аллақерда улоқиб юрган бошқа итлари пайдо бўлиб қолди. Оқибатда, икки бегона ит базўр жон сақлаб, қочишга зўрға улгурдилар. Голиблар уларни эшиккача таъкиб этиб бордилар. Бир оздан сўнг Эрназар полвон неварасини энишдан чиқаверишда кўрди. Ўнг тиззаси қонга беланган бола итлари олдида мағрур қадам босиб келарди...

Ўша ходисани эсласа, Эрназар полвон хануз масрурланади. Неварасини қучиб эркалатгиси келади. Бироқ бу хил хусусиятлар табиатига зид бўлгани боис, ҳар сафар ўзини тияди. Болани йигит санаб, шунга яраша муомала қилмоқчи бўлади-ю, аммо неварасининг бола феъли бунга ҳам изн бермайди. Мана ҳозир ҳам бобосининг дилгир кайфияти билан зиғирча иши йўқ, болаларга хос қайсарлик билан итини сўроқламокда эди. Бир жиҳатдан бунга ҳаққиям бор, негаки Зийракни жуда яхши кўрарди-да у.

Ўтган воқеани эслаш мабойнида хийла майин тортган Эрназар полвоннинг жавобиям шунга яраша бўлди.

— Итинг товда қолди, болам.

— Нимага қолади? — Бу гал боланинг овози зардага тўла эди.

— Шу... жондорлар билан бир майдон ўйнашиб кайтади-да.

— Ўтирик¹, — Боланинг қалин лаблари чўччайди.

— Унда қолганлари қани?

— Улар ҳам қолди, — Эрназар полвон қуруқ ерга ёнбошламоқ ҳаёлида улкан гавдасини бир ён ташлаган жойида, негадир, тагин фикридан қайтиб, қаддини ростлади. Кейинги гапини янада осойишта оҳангда айтди: — Кўктой шўхлик киламан, деб йиқилиб тушганди, опқайтдим.

— Алдаманг!

Эрназар полвон боланинг овозида ўзгариш сезиб, ялт этиб унга қаради. Неваранинг миждалари хиёл намланиб турарди. Бундан бобонинг қаҳри келди.

— Отиб ташладим, — деди ростига кўчиб. — Агар кўзингни сийдигини оқизсанг, сениям аяб ўтирмайман!

— Яхши эди-ку, — деди бола ич-ичидан хуруж қилиб келаётган жудолик аламини базўр ютиб. — Яхши кучук эди у.

— Қилиғи яхши эди, — Эрназар полвон тагин йўлга кўз тикди. — Зоти паст жониворнинг қилиғи ҳамиша ярашимли бўлади. Қишда тевадан жондорлар энсин эди, кўрардинг ўшанда итингни қилиғини. Қўра бир ён қолиб, момонгни қўйнига уриб кетарди унинг. Бундай итни тирик қолдириб бўмайди. Иссиғида йўқотган тузук.

Бола итини момосининг қучоғида тасаввур этолмагандек, яшашга нолойиқлигини ҳам идрок этолмади. Кўзига бобоси ёмон кўриниб, кўнглида унга нисбатан адоват хисси уйғонди. Алаמידан оёғи остидаги чағир тошларни тепкилаб ташлагиси келди. Аммо бобосидан хайиқди. Итини қўмсаб, чуқур хўрсинди. Чинданам, Зийрак эсли ва ўйноқи ит эди. Бола у билан ҳеч зерикмасди. Итига жўраларининг хаваси келарди. Мана энди, шундай яхши итни бобоси отиб ўлдирибди.

— Зоти зўр дегандингиз-ку, — деди у алами зўрлигидан, тап тортмай. — Ўзингиз мактаб, ўзингиз отибсиз. Нега отдингиз?

¹ Ўтирик — ёлғон.

Боланинг дадиллиги Эрназар полвонга хуш ёқиб, унга зимдан қараб қўйди: «Ўзимга тортган, ҳеч балодан қайтмайди бу, — деб ўйлади. — Тоза палакнинг тоза меваси-да...» У неварасига ичида туфлаб, уни суҳбатга лойиқ топди.

— Агар кўзингни ёшлаганингда, камчиннинг тагига олардим лекин, — деди салобатли оҳангда. — Йиғламай, димоғимни чоғладинг. Тўғри, итингни зоти ёмон эмасди. Лекин қонида қўрқув бор экан. Ўша қўрқув етди бошига. Эмасам, уни отиб менга зарилмиди.

— Ҳовлида юрарди ўйнаб, эслигина ит эди-да.

— Унинг фақат ҳовлида ўйнаб қолмайди-да, — деди Эрназар полвон тенгига гапиргандай салмоқлаб. — Эрта бир кун илиқиши бор, зурриёт қолдириши бор. Бемаза қовуннинг уруғи сероб дегандай, ёмон ит тез кўпаяди. Кейин юрасан кўрангни кўриқлашга тузук-роқ ит тополмай. Шунинг учун бундай итларни аяб ўтирмаслик керак. Жонлими, жонсизми — ҳар нарсаним асила яхши...

Табиий, бола бобонинг фалсафасини идрок этолмади. Шу боис, баттар чучанглади.

— Бошқалар ундай қилмайди-ку, ана, итлари бема-лол юрибди.

— Бошқалар билан не ишинг бор, болам, — Эрназар полвон йўлга ғамнок тикилди. — Ҳар ким ўзича яшайди. Бировнинг улапаси¹ енгингга ямоқ бўларми-ди.

— Кўктойингиз дурустмиди? — Боланинг қовоғи янада осилди. — Ана ётибди-ку, қонига беланиб. Керак бўлса, у Зийракдан чўчирди.

— Чўчимасди, — Эрназар полвон Кўктой ётган томонга кўз кирини ташлаб қўйди. — Андиша қиларди. Зўр ҳамиша андишали келади. Итинг ўзи сал ўпқароқ эди. Сендан пишанг оларди-да. Яхшиси, сен Кўктойнинг томоғига қараш. Тузалса, сенга бераман. Юрасан бирга-бирга қўйларни бокиб.

— Керакмас унингиз.

— Нимага?

— Ўлгудек бадқавоқ.

¹ У л а п а — йиртиш.

— Зўр шундай бўлади-да.
— Овозиям хунук.
— Кучига яраша-да. Нима пишакдай миёвласинми сенга.

— Барибир ёмон кўраман уни.
— Айувга якка ўзи от қўйди.
— Қолганлари-чи? — Боланинг кўзларида кизиқиш аломати ёлқинланди.

— Қолганлари айувни кўриши билан чотини хўллаб қўйди. Зийрагинг эса бутимнинг орасига уриб кетди. Кейин мен унинг манглайдан отиб ташладим.

— Анову иккиси-чи?
— Уларниям отдим.
— Айикни-чи?
— Тегмадим унга. Ахир мен айув овига чикмадим-ку.

— Кўркдингизми?

Эрназар полвон кулимсираб, йўк, деган маънода бош чайқади.

— Мен эса айикни отардим! — деди бола кўнглида суюкли итининг ўлимига сабабчи бўлган айикқа ғазаб хис этиб. — Катта бўлай, кўради у мендан!

Эрназар полвон тошйўлдаги қорани кўриб, хушёр тортди.

— Анову келаётган Ўсар амакингми?

— Йўк.

— Ким?

— Салим пучтачи.

— Ўсар амакинг худди итингга ўхшайди, серкилик, — Бу гап Эрназар полвоннинг оғзидан бехос чиқиб кетди. — Агар ит бўганида униям отардим!

— Нима, амаким ҳам кўрқокми?

— Ундан баттари!

Эрназар полвоннинг тиззалари устида ётган қўллари енгил титраб, этдор афти қорамтир тус олди-да, йўлга ғазаб билан тикилиб қолди.

— Амаким яхши-ку, бово, — деди бола норози оҳангда. — Керак бўлса, у отамданам зўр.

Ўртанча ўғлининг Кўчар полвондан зўрлиги Эрназар полвоннинг нафсониятига тегди. Неварасига шубҳаланиб қаради.

— Нима, олишдими улар?

— Йўқ.

— Нега унда отангдан зўр бўларкин у?

— Ачувим кўзиса ҳаммангдан зўр бўп кетаман дейди-ку доим.

— Айтаверади-да, — Эрназар полвон истехзоли кулимсиради. — Қизбетдан хечам зўр чиқмаган.

— Амаким зўр, — Бола унга ошкора норозилик билан бокди. — Ҳаммадан зўр у.

— Бобонгданами?

Бола бобосининг улкан келбатини бошдан-оёқ кузатаркан, бобом ҳаммадан зўр, деган қарорга келди. Кейин фикрини ҳаракатда ифодалаб, аста ўнг ёнига чўккалади-да, бош бармоғини секин сиқиб қўйди.

Эрназар полвон аламли жилмайди. Неварасини суймок, эркалатмок истади. Аммо бунга иштиёқ сезмай, беихтиёр тиззасидан узилган ўнг қўли яна жойига шилқ этиб тушди. Бола унга суйкалиброк ўтирди. Эрназар полвон ўнг биқинида қайноқ вужуд тафтини хис этаркан, бошини секин буриб, искаланди. Димоғида тер ҳиди аралаш гўдақ исини туйиб, хиёл сархушланди. Шунга қарамай, болани эркалатишдан ўзини тийди. Талтайтириб нимага керак, деб ўйлади. Бир оздан сўнг, кетақол, деган маънода гувраниб, томоқ кирди. Бироқ бола ити ўлимининг тафсилотини ҳали тўла эшитмаган, кўзғалмоқни хаёлига ҳам келтирмади. Бобо уни аяб, гапни сал бошқача йўсинда олди.

— Бу Каримбойди улидан йиқилибсан деб эшитдим.

У неварасининг жиззакиланиб, ўзини оклашини кутди. Ўшанда, бор жўна, деб ҳайдаб солиш осонроқ кўчарди. Қайдам, бола ҳатто пинак бузмади. Худди бобосидек нописанд кулимсираб қўя қолди. Эрназар полвон унинг бу қилиғида ўзини кўраркан, кетимдан тушган бу ўзи, деб ичидан суюнди. Лекин шунда ҳам унинг қолишига ўзида ройиш сезмади. Энди у негадир «ҳасрат» истарди. Бирдан-бир яқин сирдоши Ғайбулло чолдан эса дарак йўқ, пастдаги кичкина ҳовли кимсасиз эди.

— Ғайбулло бовонг кўринмайди?

— Кетди, — Бола қўли билан кунчиқишга ишора

килди. — Ҳалисарок эшагини миниб анову ёкка кетди.

— Бориб, эркакларга қарашмайсанми?

Бола чап тирсагини бобонинг сонига тираб, ортига ярим ўгирилди.

— Эркаклар қиладиган иш қолмабди-ю, — деди катталардек жиддий бир тарзда. — Бу ёғини энди хотинлар эплашади.

— Кўктой қалай?

— Ётибди ўликдай чўзилиб.

— Бошини кўтармадими?

— Йўқ.

— Эртан туриб кетади.

— Зийрак бояёқ ўйноқлаб туриб кетган бўларди. — Боланинг кўзларига адоватли мунг инди. — Қандай қилиб ўлди у?

— Айтдим-ку.

— Айтмадингиз, отиб ташладим дедингиз, халос. — Бола аразлаб, сал сурилиб ўтирди. — Мен ҳар йили ит асрайман, сиз эса ўлдирганингиз-ўлдирган. Ўша айиғингизни кўрай... нима қилишимни ўзим биламан!

Эрназар полвон бугунги воқеани кўз ўнгиди гавдалантириб, мийиғида совуқ илжайди. Аммо ходиса тафсилотини неварасига сўзлаб беришни хаёлига ҳам келтирмади.

У Маймоқ лақабли айикни беш йилдан бери биларди. Беш йилдан бери итларини ўшанда синаб келарди. Бугун уни паст сўкмоқда кутганди. Аммо Маймоқ кутилмаганда юқоридан келди. Унинг шарпасини биринчи бўлиб Кўктой сизди. Инграшга ўхшаш овоз чиқарди-ю, лекин хурмади. Безовталаниб эгасига қараб-қараб кўйди. Айик оғир лапанглаб, ялангликка чиқ-качгина қолган итлар жонсаракланди. Тонгдан буён шу фурсатни илҳақ кутаётган Эрназар полвон, олқиш, дея итларни Маймоққа қарши гиж-гижлади.

Буталар орасидан биринчи бўлиб Кўктой отилиб чиқди. Зийрак унга эргашди. Қолган иккиси ноишонч ҳаракатланди. Итларни кўрган Маймоқ қаддини тиклаб, ғазабкор ўқирди ва кўксига сапчиган Кўктойни бир уриб учириб юборди. Кўктой майда буталар ораси-

га думалаб тушгач, у бошқа итларга хезланди. Хужумдан кўра куткуни афзал билишиб, акиллашга зўр бераётган итлар, Маймоқ олға ташланиши билан изларига бурилиб, ура кочдилар. Зийрак азбаройи кўркканидан эгасининг чотлари орасига уриб кетди. Бу орада Кўктой ўзини ўнглаб, яна айикка ташланди. Маймоқ бу сафар уни гижимлаб отди.

Синов ҳал бўлган, сал хаялласа Кўктойдан ажраб қолишини фахмлаган Эрназар полвон сайхонликка отилиб чиқди. Осмонга кетма-кет ўк бўшатиб, хайхувлади. Ботирланган итлар тагин хужумга ўтишди. Овозига зўр беришди-ю, лекин ташланишга ботинишолмади.

Туйкусдан қаршисида пайдо бўлган одамзодни кўрган Маймоқ аввалига бир оз шошиб қолди. Сўнг кетига тислана-тислана, бирдан шатолоқ отиб қочмоққа тушди. Итлар уни хўжакўрсинга чангалзоргача таъкиб этиб борди. Сўнг зўр бир ишни тиндиришгандай, йўртиб изларига қайтаркан, эгасининг ўкига учраб, бирин-кетин ер тишлаб қолишди.

Эрназар полвон биринчи галда Зийракни, кейин қолган иккисини отиб ташлади. Кўктойни эса авайлаб ердан кўтариб олди.

— Айтмадингиз, бово?

Боланинг бот тирғалишидан хаёли бўлинган Эрназар полвоннинг жаҳли чиқди. Унинг калта иштони тўсатдан кўзига хунук кўриниб хайдаб солмоққа зўр баҳона бўлди.

— Хўкиздай бўп, буйтиб юришинг нимаси? — деди зардаси қайнаб. — Бор, шалворингни кийиб ол!

Бола кетди. Эрназар полвон эса йўлга термилганча қолди.

* * *

Тошйўлда Ўсарнинг қораси кўринганда, қуёш уфқка ёнбошлаган, ховлини қовурдоқ хиди тутганди. Таомилга биноан, қўй сўйилганда, аввалига оз-оздан қовурдоқ тортилади. Эт ва шўрва кейин келади. Аммо Эрназар полвон бундай кезларда қовурдоқни унча хушламайди. Шунинг-чун, лаган тўла қовурдоқ кўтариб кел-

ган катта келинини имо билан изига қайтариб, йўлдан нигоҳини олмай ўтираверди.

У Ўсарни бурилишда таниди. Ўғли сой устига ташланган қилқўприкдан мотоциклини роят эпчиллик билан елдириб ўтаркан, йўл-йўлакай ота ховлиси томонга кўз ташлади. У ердаги гавжумликдан жонлик сўйилганини пайкади. Бундан беҳад димоғи чоғланиб, беихтиёр равишда тезликни оширди. Ҳар маҳал айланиб ўтадиган дўнгликка бу сафар мотоциклини тиккалай солди.

— Уловни еди! — Эрназар полвон ўзи сезмаган ҳолда «их»лаб юборди.

Ҳайтовур, йигит ерга юмшоқ тушди. Ўша суръатда ховлисига учиб кирди-да, беқиёс чапдастлик билан уловни чир айлантириб, ховли ўртасида тўхтатди. Сўнг кўркем келбатини тиклаб, юқорига қаради. Харақатини кузатиб турган акаларига қўл силкиб қўйди.

Эрназар полвон унинг «ўпка»лигидан ғижинган эсада, чапдастлигидан мамнун бўлди. Ўғли худди қўпкаридан улоқ айиргандай, унга хушҳол бокди. Бу хил қалтис ҳаракатлар пайтида ота уни яхши кўриб кетарди. Бирок бу ҳол ҳеч вақт узоқ давом этмас, ўғлининг кураш ва улоқдан четдалигини Эрназар полвон сира хазм қилолмасди. Айни шу нарса ота-бола муносабатига ҳамиша соя солиб келарди. Бу борада улар ўртасида тез-тез «чақин» чакнаб турарди. Айниқса, ўтган кўздигиси кўп ёмон бўлганди. Эрназар полвон юзини сидириб, даврага тушишга ўзини мажбур этганди.

Ўшанда чувилдоқлик Нарман ковчин йиққан-терганини сарфлаб катта тўй берганди. Тўйга ҳар дарадан полвонлар ташриф этиб, хўп ажиб кураш бўлганди. Хуллас, «Туркман полвон» лақабли бир полвон бу даҳанинг энг номдор полвонларини йикитиб, биринчи товоққа эга чиқади. Йиқилган полвонлар орасида Эрназар полвоннинг икки ўғли ҳам бор эди. Ишонгани Кўчар полвон, бахтга қарши, ўша куни йўқ эди.

Аламдан Эрназар полвон оташ бўлиб ёнди. Шу оташ оғушида томошабинлар орасида илжайиб турган Ўсарга рўпарў бўлди.

— Ер бўлди-ку, туш даврага! — деди.

Ўсар талабгар кутиб, давра бўйлаб бамайлихотир

айланаётган Туркман полвоннинг хайбатли гавдасига бокаркан, йўк, деди.

— Йигитдай бўп сенам бир бел тутгин! — деди Эрназар полвон ялиниб, ўз навбатида, ор-номусдан қилт-қилт титраб. — Одамни буйтиблар ер кима энди!

Ўсар бош чайкаб, ўзини ортга олди-да, одамлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Эрназар полвоннинг миясига қон тепиб, тўнини ечиб ташлади-да, маҳсичан ўзи даврага тушди. Туркман полвон кўккисдан қаршисида пайдо бўлган талабгорни кўриб, оғзи ланг очилиб қолди. Кейин, бу нима-си, деган маънода ўртакашга қаради. Аммо у шўрликнинг хайрати униқидан кам эмасди, Туркман полвон гарангсиб, Эрназар полвонга юзланаркан, келбатидан полвон ўтганлиги сезилиб турган бу одамнинг номус йўриғида даврага тушганлигини фаҳмлади. Бундан Туркман полвоннинг меҳри ийди. Шунинг баробарида, бўйин товлаш фойдасизлигини англаб етди-да, нима қиларини билмай боши қотди.

Эрназар полвон орага тушмоқчи бўлган ўртакашни четлатиб, рақибининг белбоғидан тутди. Бир силтаб кўксига тортди. Анг турган Туркман полвоннинг оёғи осмондан келишига бир баҳя қолди. У Эрназар полвоннинг кучини хис этди. Буни атрофдагилар ҳам сезди. Бобойни ўртадан олинглар, деб томоқ йиртаётганларнинг уни ўчиб, даврага бир зумлик оғир сукунат чўкди. Туркман полвоннинг ранги сал оқарди, сўнг жилмайди. У Эрназар полвоннинг кучига тан берган эса-да, иззатини қилиб турарди. Бир хаёли унинг белидан даст кўтариб, эҳтиром ила давра четига чиқариб қўймоқчи бўлди-ю, бироқ рақибининг изтироб тўла нигоҳига кўзи тушиб, бу фикридан қайтди. Агар шундай қилса, Эрназар полвон аламдан ўлиб қоладигандек туюлди. У рақибининг елкаси оша чоллар ўтирган томонга бокаркан, хурматсизлик қилса, обрў топмаслигини билди. Шунда полвон полвонни суяди — Туркман полвон ички чилдан йиқилиб тушган бўлди. Давра бир «гурр» этди. Ўртакаш ҳалол деб топди. Аммо Эрназар полвон кўнмади: «Қилиқ кимай, тузук олиш, отангни жилигига...» деб сўкди. Туркман полвон чинакамига бел тутган бўлди. Ияги Эрназар пол-

воннинг елкасида, оёқларини кериб, бир маромда гувранаркан, димоғига отасининг таниш ҳиди чалингандай туюлди. Ҳид олиб, маза қилаётган жойида, бехосдан гурсиллаб йикилиб тушди. Эрназар полвон унинг ён босганини барибир сизди. Тантилигига тан берди-ю, лекин алами сира босилмади. Ўша куни қўлига зўрлаб тутказилган совринни сойга улоктириб, ховлиси тепасидаги арчазорга биқиниб, йиғлаб олди.

Кечга яқин арчазордан йўгон сўйил кўтариб тушди. Аста келиб, ховли юзида куйманиб юрган Ўсарнинг яғринига бошлаб бир туширди. Ўсар эпчил йигит эмасми, калтакка чап бера-бера, хозиргина отаси чиқиб келган арчазордан паноҳ топди. Калтак еган ерларини силаб-сипалаб, ичида отасини «Мияси ачиган чол», деб сўқди. Полвон халқини, аҳмоқ, деб янди. Сўнг юрак ёзгани ўртоқларидан бирининг уйига жўнади: «Йиқилдинг нима-ю, йиқитдинг нима, тентаклар!»

Ўша куни курашда қатнашмай, ўз юмуши билан кетган Кўчар полвон ҳам калтакдан бенасиб қолмади. Кутилмаганда елкасига калтак келиб тушганда, у эндигина уйига қайтиб, айвонда чой ичиб ўтирарди. Калтак зарбидан оғзидаги лукмаси отилиб, отасига хайрон бокди.

— Йиқитиб берасан! — деди Эрназар полвон бўғилиб. — Шундай кунда қаерда санқиб юрибсан, а? Йиқитасан, йиқитиб берасан!

Кўчар полвон йўлдаёқ барча воқеадан хабар топган эмасми, ҳўп, деб қутулмоқчи бўлди. Аммо Эрназар полвон тинчий қолмади.

— Йиқитмасанг, энангни талоқ қиламан! — деди яна калтак тушириб. — Эрназар полвонни ер кип кетди у! Мени ёш бола кип кетди у! Йиқитиб берасан!

Болалари олдида калтак ейишдан орланган Кўчар полвон ўрнидан ирғиб туриб, уйга қочди. Эшикни ичкаридан тортиб, «хўп дедим-ку, дея хайқирди. Йиқитмаган номард», дея бақирди.

Бу гапдан отанинг ховури босилиб, ташқарилади. Туркман полвондан йиқилган ўғилларига ғазабкор бокди. Лекин индамади. Худди синовдан ўтолмаган итларга карагандай, уларга бир-бир назар соларкан, қўли-

даги калтакни бошлари оша сирмаб отмоқ истади. Аммо сўнг бу қилиғиниям уларга эп кўрмай, калтакни сомонхона томи четига қистириб қўйди.

Орадан ҳафта ўтиб, Кўчар полвон отанинг аламини олиб берди. Учқўтондаги бир тўйда икки кур айланишдаёқ Туркман полвоннинг оёғини осмондан келтириб урди.

Ота миниб келган отини унга ўнгарди.

— Мин, болам! — деди овози товланиб.

Ўғил итоаткорлик билан отга минди-да, юганга қўл юборди. Бироқ Эрназар полвон юганни бермади. Отни етаклаб, яёв йўл тортди. Кўчар полвон отанинг муддоасини англаб, ерга сакради.

— Қўйинг-гий, ота, — деди кизариб-бўзариб. — Нима қилганингиз бу?!

— Мин, улим! — Ота бот кистади.

Кўчар полвон ёш боладай кизариниб, ўзини йигитлар тўпига урди. Ота ортиқ зўрламади. Отининг бўйнига енгил шапатилаб, тоғларга мароқ билан боқди. Назарида, тоғлар жилмайгандай бўлди. Ҳатто ёмғир ташлай-ташлай деб турган қоп-қора булутлар ҳам нурга йўғрилгандай туюлди. Кейин нигоҳи билан Туркман полвонни қидириб топди. Уни анча эзгин ҳолда кўрди. Полвон зотининг қисмати курсин, дея ич-ичидан ачинди. Сўнг аста у томон юрди. Бориб уни бағрига босмоқни ўйлади. Аммо ийманди...

Эрназар полвон чуқур хаёлга толган эса-да, кўзи Ўсарда эди. Ўғил отанинг не мақсадда пойлаб турганини гўё сезгандай, юқорига ошиқмас, ҳовли юзида бемақсад тимирскиланиб юрарди. Отага қолса-ку, уни аллақачон ёнига чақириб олган бўларди-ю, аммо ўғлига кўзи тушиши ҳамонқ дилида тўсатдан туғилган бир андишадан гарангсиб турарди. У гапни нимадан бошлашни билмасди. Бошда бариси осондек эди. Шахарда не балчиқ босиб юрибсан, дея ўғлини хадаха қасди-бастига олмоқчи эди. Бироқ унга кўзи тушгач, бу мавзуда сўз очмоқ ғоят мушкуллигини англади. Ота-бола ўртасида мавжуд андиша пардаси кўтарилиб, жирканч бир ҳолни кўрадигандек, эти жинжикмоқда эди. Ўғлининг мотоциклда намоёйиш этган қилиғи туфайли бу оғир исканжасидан бир зумга халос топган

эса-да, сўнг тагин ўша ўй гирдобиди қолган, назарида, Ўсар унинг тасаввур доирасига сиғмайдиган шундай бир гуноҳи азимга йўл қўйгандиким, фақат масаланинг мавҳумлигигина ҳануз кўнглига озроқ илинж бериб турар, йигитнинг ҳаракатларидан бор ҳақиқатни тўлароқ уқмоқчидай, нигоҳига зўр бермоқда эди. Ўғил эса беэиён ва бегуноҳ бир ҳолатда ҳовлисида тинчгина ғимирсиб юрарди. Шунда отанинг дилига беихтиёр шубҳа оралади: «Сами чўлоқ кўпиртирган бўлса-я? Кўнгли кирга оқ нарсаям қора кўринади-ку. Ҳай, аввал суриштирай-чи, кейин бир гап бўлар. Балки ҳеч гап йўқдир». Бу ўйдан Эрназар полвон хийла енгил тортди. Қовурдоқ хиди димоғига хуш ёкиб, қорни очиққанини сизди. Нигоҳи юмшаб, тунд чехраси мулойимлашди. Борлиқ одатдагидек сокинлик касб этди. У теваракка хушхол боқаркан, сой ёкалаб ўтган йўлдан эшагини диконглатиб келаётган Сами чўлоққа назари тушиб, тагин кўнглида гумон қўзғалди: «Бу пес, ёлғонламас-ов, — деб ўйлади ичидан қиринди ўтиб. — Минг йиллик алами бор одам ўтирик айтармиди? Айтмайди. Эси бор, ёлғоннинг оқибати ёмон бўлишини яхши билади-ку ахир». Отанинг афти яна тундлашиб, қонталаш кўзларини аста юқорига ўрлай бошлаган ўғлига ўқдек қадади. Ўзича ундан шармсизлик аломатларини қидирди. Йўқ, Ўсар гуноҳсиз бир қиёфада бир-бир босиб келарди. Қарашлари беғубор, лаблари бурчига шўх кулги яширинган. Ота буни кўрмаса-да, ўғлининг одатий феълидан ҳис этиб турарди. У зўрлаб ўзига тасалли берди: «Менинг зурриётим-ку, ҳаром ишга қотинмас. Агар қотинган бўлса, заха еган шохимни шартта кесиб ташлайман-да...»

Заха еган шохни кесиб ташламоқ ўта қийинлигини у ҳали билмасди. Бу хил мушкулот ҳали бошига тушмагани боис, давраларда қариллаб, кўкрак кериб юрарди. Фарзандларидан ниҳоятда кўнгли тўқ эди. Бирортасининг ножўя иш қила олиши мумкинлигини ҳатто ҳаёлига келтирмасди: «Худога шуқр, наслимиз булоқ сувидай тоза, аждодларимиз ҳаромдан холи ўтишган», дея ич-ичидан ғурурланиб қўярди.

Ҳаётда у ўз ақидасига эга бўлиб, жониворларнинг энг ўқтами, одам боласининг энг ҳалоллигига худо

берган умрни яшаб ўтмоққа лойик, деб ҳисобларди. Ховлисида жўн ит асрамагандек, номи қора бандасини умуман оstonасига яқин йўлатмасди.

Шундай одам мана энди бир шохи заха еганини сезиб турибди. Албатта, бу ҳозирча гумон. Аммо гумонни тасдиқланса-чи? Кейин у ёғи нима бўлади? Заха еган шохимни шартта кесиб ташлайман, дея катта кетаётган эса-да, аслида бу жараён қай тарзда кечишини у ҳали билмасди. Хаёлини турли нарсалар билан чалғитиб ўтирарди.

Кишлоқда ёлғиз угина ўзини дарахтга, фарзандларини эса шохларга киёсларди. Шохлар деганда, ўғилларини назарда тутар, қизларини эса лоақал новдага арзитмасди. Болаларига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олишидаги ҳангома ҳозиргача кишлоқ аҳли хотирасида. Эслаб, кулиб юришади. Катта ўғли туғилгач, Эрназар полвон ўзини ҳақиқий ота санаб, от устида кеккайиб, Чувилдоқдаги кишлоқ жамоаси идорасига етиб боради. Котиб ўзга ерлик йигит эди, гоҳ унга, гоҳ қайд дафтарига бокиб, нима, биринчи фарзандингизми, деб сўрайди. Эрназар полвон, эғнида қимматбаҳо чакмон, ҳа, дея бош иргаркан, сўнг арзитмаган оҳангда кўшиб кўяди: «Уйдаям уч киз бордай эди». Йигит баттар ажабланади: «Сизданми?» Эрназар полвон бу саволдан йигитдан зиёд хайратланади: «Ховлимда бўлгач, мендан-да». Йигит елка қисади: «Унда нега уларга гувоҳнома олмагансиз?» Эрназар полвон унга таажжуб кўзи билан қарайди: «Э, кизгаям қоғоз олиними?» «Нима, киз бола одам эмасми? — Йигит конун одами сифатида уни пича тергаб, қоғоз тўлдирмоққа киришади: — қани, айтинг бир бошдан, исмлари нима ва қачон туғилишган?» О-о, ўшанда Эрназар полвоннинг терлашини бир кўрсангиз. «Қизим» деган биргина сўзга жамланган кизларининг исмини бир амаллаб топиб айтди-ю, туғилган йилларини буткул чалкаштириб юборади.

Шунга қарамай, у кизларини тузук жойларга узатган. Куёв бўлмишларнинг етти пуштини сўраб-суриш-тиргачкина ризолик берган. Тўй-маъракаларни демаса, шу дамгача кизларини сўроқлаб борган банда эмас. Шунингдек, қиз томондаги невараларини кўпда ўзига

яқин олавермайди. Уларни ўзга дарахт бутоклари, деб ҳисоблайди.

Бу қиёси Эрназар полвон дарров топмаган. Сами чўлоқ чўлдан қайтиб келган кезлари, саратоннинг кайноқ кунларидан бирида сой бўйидаги ёнғоқ тагида ёнбошлаб ётаркан, тўсатдан кашф қилган бу иборани. Қошида гап бериб ўтирган Ғайбулла чол гўё у ёмби топгандай, унга ҳавасланиб қараган.

— Гапни ўхшатишга жуда устасизда, а, Эрназарвой, — деган танглайини тақиллатиб. — Гапнинг полвонини фақат сиздан эшитамиз. Қойил лекин. Чинданам сиз сербутук азим дарахтсиз. Ана боринг, чинорсиз. Биз эса кундамиз. Ёниб битган, қорайиб кетган тўнқамиз. Шохлашимиз қийин энди, Эрназарвой... Ий-й, сизга ҳавасим келади. Гапингиз ҳам полвон, ўзингиз ҳам. Биз энди...

Эрназар полвон мактовдан сархушланса-да, гапнинг, нишаби қай томонга кетаётганини пайқаб, уни тинчитмоққа уринган.

— Биздан фарзанд, сиздан бўса, эл, қишлоқ қолаятти, Ғайбуллавой, — деган. — Бекорга оғизни тахир қиманг. Бандаси билмасаям, худо билади-ку хизматларингизни.

— Хизматимиз — қайсарлигимиз-да, Эрназарвой. Бундан бўлак нима каромат кўрсатибмиз. Оғир кунда қаватингизда «ҳа» деб турганимни демаса, бошқа нима иш қипмиз?

— Эл писганда, сиз жим турмадингиз, шунинг ўзи хизмат-да, Ғайбуллавой. Эмасам, ҳозир юрардик, юртдан йироқда, чўлди пашшасига таланиб.

— И-и, нима қиласиз одамни овутиб, Эрназарвой, — Ғайбулла чол лойқа инган нигоҳини узоқларга қадайдди. — Аммо қўлим Сами чўлоқнинг ёкасида кетади. Қамокка тиктирмаганда, у ерда ўлимич бўп калтак емаганимда, фарзанд кўрардим мен ҳам. Қовуғимга тегишган-да, қовуғимга... Шу-у, Сами чўлоқни кечириб бекор қилдингиз-да. Энди кўрсам, этим қакшайверди. Элдан чиққанни элга қўшмаслик керак эди.

— Кўзининг сийдигини оқизиб келди-да, Ғайбуллавой.

— Ёмонни яхшилаб бўлмайди, хали кўрасиз, бетга

чиққан сўгалдай, кўп рашга тегаети у. Хозирча писиб юрибди. Утроклашсин, тилини бир қарич қимаса, ёлғиз бошимни шартта кесиб ташлайман.

Эрназар полвон ошнасининг гапини ҳазилга бурмоқчи бўлади.

— Бошингиз бизга керак, Файбуллавой. Учраган нокасни деб гаровга қўйверманг уни.

Файбулла чол унинг ҳазилини эътиборсиз қолдириб, аста ёнбошларкан, ёнғоқ шохларига жиддий разм солади.

— Чинданам сиз дарахтсиз, — дейди гудраниб. — Гапни боплаб топиб айтдингиз. Лекин менинг қўлим Сами чўлокнинг ёкасида кетаети. Гўримдаям тинч қўймайман мен уни!

Бу гапни эсларкан, Эрназар полвон кўзлари билан Сами чўлокни кидириб топди. У йўл ёкасида Узунқул подачи билан гаплашиб турарди. Хув наридан эса эшагини кичаб, Файбулла чол келарди. Бояёқ уларни кўрган Файбулла чол бир оз тайсаллаган бўлса-да, аммо ўзга йўл йўқлиги боис, тагин ноилож илгариланганди.

Эрназар полвон секин-аста юқорилаётган ўғлини паққос унутиб, ички бир қизиқиш ва ачиниш билан уларни кузатмоққа тушди. Қани, нима қилишаркин? Нимага деганда, Файбулла чол Сами чўлок билан ҳалихануз тузук-қурук сўрашмасди. Рўпарў келиб қолишганда, азбаройи қишлоқчилик туфайли бош ирғаб қўйишмаса, қолган пайт кўрмаганга, сезмаганга олишади. Бирок ҳозир орада Узунқул подачи ҳам бор эди. Файбулла чол у билан жуда иноқ — кўришганда сўрашмасдан ўтолмайди. Қизик, Узунқул подачига чўзган кўлини Сами чўлокқа узатармикан?

Бу орада кўча ўртасидан келаетган Файбулла чол эшагини йўл ёқалатди. Боши сой томонга ўгирилган — гўё уни томоша қилаяпти. Бирок бу зайлда ўтиб кетиб бўлмасди. Ахир йўлда тош эмас, одам боласи турарди. Оралиқ масофа хийла қисқарганда, Файбулла чол беихтиёр улар томон юзланди.

Эрназар полвон узокдан аниқ кўрмаётган эса-да, дўстининг афтига хижолатомуз бемаъни табассум қалқиганини ва бу ҳол зумда изсиз йўқолиб, унинг ўрни-

ни гезарик бир ифода эгаллаганини сезиб турарди. Нимасини айтасиз, Файбулла чол мушкул ахволда қолганди: сўрашмай ўтай деса — Узункул подачи бор, сўрашай деса, Сами, чўлоққа ҳам қўл узатиш керак...

Хайтовур, Узункул подачи фаросатли иш қилди. Узун калтагини судраб, Файбулла чолга пешвоз юрди. У билан қўшқўллаб кўришди. Улар сўрашаётганда, Сами чўлоқ юзини тоғларга бурди. Пинакка хозирланаётган куёшнинг сўнгги нурларидан фусункор тус олган қояларни томоша қилаётган бўлди. Аммо Файбулла чол илгарилаганда, ҳар иккиси ҳам бир-бирларига ялт этиб қарашди. Бошлар, ўлганини кунидан, аста ирғалди. Елкалар эса ёмон тиришди, томоқлар хунук қирилди.

Бу ҳолатнинг нечоғли оғир эканини Эрназар полвон кўриб, билиб турарди. Файбулла чолга раҳми келди. Сами чўлоққа эса адоватли тикилди. Шунда унинг бугун йўлдаги шаъмаси эсига тушиб, сачраб ўғли келаётган томонга қаради. Бироқ Ўсар аллақачон ёнидан ўтиб кетган, Эрназар полвон унинг на шарпасини сезган, на саломини эшитганди.

У бир ўйи ховли юзида қур тикиб ўтирган ака-укалари ёнига етган Ўсарни ёнига чақирмоқчи бўлди-ю, аммо пастдаги ҳолат туфайли хаёлида кўзгалган нохуш хотиралар бир зумга ўғлининг дардидан залворлироқ чиқиб қолди-да, ўзи сезмаган ҳолда ўша хотиралар гирдобига шўнғиди.

* * *

— Эй-й, жилғаликлар! Мухлат икки кун, йиғиштир кўчингни! Чўлга кўчамиз.

Бу совуқ хабар кимнингдир юрагига наштаздай ботди, кимнидир каловлатди, кимнингдир ғазаб селини қирғоқдан тоширди. Ғала-ғовур, бақир-чақир терак бўйи қўпқон эса-да, охир-оқибат, у пайтларда Сами раис деб аталмиш йўғон, бадқовок, қаҳри қаттиқ кимсага фақат икки киши — Эрназар полвон билан Файбулла мергангина бет бўлди.

— Кўчмаймиз ҳеч қаёққа! — деди Эрназар полвон гапини нуқталаган оҳангда. — Бекорга оғзингни чарчатиб юрма!

— Тошингни тер, аҳмок! — деди Файбулла мерган ошнасидан қолишмасликка тиришиб. — Кўчсанг, ўзинг кўчавер, лекин халққа тегма.

— Ўрлик қилманглар! — деди Сами раис от устидан викорли боқиб. — Партия-хукумат қарори бу! Тагин икковингни ҳам чиккан ерларингга тикиб юбормайин! Ҳамқишлогим деб сийлаганим сайин... Акс холда... — У бармоқларини панжара қилиб кўрсатди. — Уқдиларингми?

Эрназар полвон унинг шаъмасини тушунсаям, моҳиятини тўла идрок этолмади. Бу ахир қандай гап? Тинчгина яшаб турган ерингдан бирдан кўч деб қолса, эшигингга кулф уриб, кўчингни орқала деса. Ахир ҳар бир сўқмоғи таниш ва кадрдон манову тоғу тошларни қандай қилиб ташлаб кетиб бўлади? Соё ёқалаб кетган бор-роғларни-чи? Ёнбағрилиққа тирмашган узумзорларнинг ахволи нима кечади? Арчазор биқинидаги ялангликда ёйилиб юрган минглаб қўй-қўзиларни қаерга бориб тикиштиради? Тепаликдаги мазор нима бўлади? У ерда ота-боболарининг ҳоки ётибди-ку. Айтишларига қараганда, тақрон чўлга чиқиб пахта экишлари керак эмиш. Ғўзани умрида кўрмаган тоғ халқи бу юмушни эплармикан? Ва яна, шунча ишчи кучи бекорга ётибди, деганларига ўласанми. Эсини танибдики, меҳнатдан қўллари бўшамайди. Ҳар йили тоғ-тоғ мевачева-ю, этни ким бераяпти дейдиган одам йўқ. Умуман олганда, кишини ўрганган турмуш тарзидан бўлак этиб, нотаниш манзилга сафарбар этишга кимнинг ҳақи бор? Нахотки, ҳукумат буларни билмаса?

Эрназар полвоннинг назарида, ҳукумат қўл етмас олисликдаги сирли ва улуғвор сиймо эди. Бу ердаги машмашалардан унинг хабари йўқдек эди. Ўзини хон, қўланкасини майдон санаган Сами раис ўз билганича иш тутаетгандек эди. У бу гумроҳлик қаршисида сукут қилолмади. Ўзини ҳақ билиб, ўзича курашга отланди.

Унинг бу ҳаракати ортидан қамоқхона эшигининг шарақлаб ёпилиши билан якунланди. У энди жуда эзгин эди. Нотаниш муҳит қаршисида, бу дунёда ҳақиқат қолмабди, уйига ўт кетибди унинг, деган изтиробда эшик ёнида шалвираб турарди.

Кўзи нимқоронғилиққа кўниккач, деворга тақалган

кўшқаватли тахта ўринларни, тўрдаги стол атрофида кур тиккан бир тўп одамларни илғади. Уларни ўзи каби ноҳақлик қурбони деб билди. Уларни ўзига жуда яқин деб билди. Кўнгли ҳасрат истаб, ўпкаси тўлди. Давра марказида ястанган барзангини ўзидек мард полвон деб ўйлади. У билан ҳасратлашмоқ хаёлида, теваракдаги синчков нигоҳлар кузатувида у томон юрди. Изидан Ғайбулла мерган эргаши. Хумкалланнинг ишораси билан икки киши ўринларидан туриб, уларга жой берди. Хумкалла гап сўрамади. Эрназар полвон гап бошлай қолмади. Чуқур хўрсиниш билан дардини ифода этган бўлди. Ғайбулла мерган содда эди, дарров дард халтасини оча қолди. «Ака», деди ва шу «ака»лаганча бўлиб ўтган воқеаларни юраги тошиб гапирмоққа тушди. Хумкалла чурқ этмай эшитди. Эрназар полвоннинг ғусса, тўла кўзлари пастда, ора-сира бош ирғаб, ошнасининг гапларини маъкуллаб турди. Юз берган воқеага инсон боласининг бардош бермоғи қийиндек эди. Сами раис юртидан бадарға қилмоқчи бўлса-ю, уни туман катталаридан тортиб, милициягача ёқласа. Кўзларини бақрайтириб инсон шаънини топташса. Бунака экан, бу олчоқ дунёда яшаб нима қилди энди.

Тингловчиларнинг жимлигидан Эрназар полвон, уларнинг юраги сел бўлиб оқаяпти, деб ўйлади. Бирок бир оз муддатдан сўнг нигоҳини аста кўтариб қараркан, таажжубдан донг қотди. Атрофдагиларнинг қарашлари лоқайд, ҳатто баъзиларининг кўзида истехзо ва эрмак аломатлари учқунлай бошлаганди.

Эрназар полвон дўлвор жўрасининг биқинига бир туртди.

— Деворга гапирманг!

Ғайбулла мерган хушёр тортди. Аввал хумкаллага, сўнг унинг ўнг биқинида ўтирган сўхтаси совуқ йигитга жавдираб қаради. Сўхтаси совуқнинг тиржайиши унга жуда малол келди.

— Мен дардимни айтсам, сен нега иршаясан, энагар! — деди.

Сўхтаси совуқнинг кўзлари сичқон кўрган мушукникидай бежо йилтираса-да, тиржайиб ўтираверди.

Хумкалла бамисоли шер янглиғ оғир нафас оларкан, сўзлари ўша нафас тўфонига қоришиб чиқди.

— Қаерда яшашнинг нима фарқи бор, галварс.
Эрназар полвон қизик аҳволга тушиб қолганди.

Шу дамгача унинг одамлар билан мулоқоти тўйлардаги курашли давралару окшомлари сой бўйидаги гурунглاردангина иборат эди. Бариси уни танирди, у ҳам хаммани биларди. Бирор гап таъбига тўғри келмай қолса, полвонларга хос салобат билан жеркиб ташлай-верарди. Ҳеч ким ундан хафа бўлмас, у ҳам бировдан ранжимасди. Бу мулоқотларда ишонч, бағрикенглик, эркалик ва соддалик мужассам эди. Ёмонлик олти тоғ наридаги мавҳум бир тушунча эди. Ёмонлик Сами раис тимсолида юз кўрсатгач эса, Эрназар полвон эртақлардаги пахловонлардек унга қарши кўкрак кериб чиқди. Аммо ҳаёт эртақ эмас, конун кучи билан химояланган Сами раиснинг бир оғиз гапи билан мана энди бутунлай ўзга тоифадаги одамлар орасига тушиб ўтирибди. Бу масканда унинг ҳурмати килио угъришмади. Андиша қонуннинг темир исканжасида майдаланиб, уни чувак юзли, ёқимсиз капитанга муте килиб қўйди. Юрт, ватан ҳақидаги жўшқин хитоблари терговчининг жиддий, лоқайд нигоҳида бирор маъно акс этмагач, у совуқ саволлар тизимидан иборат тергов қаршисида изғириндан жунжиккан гўдак янглиғ чорасиз қолди. «Нега урдинг?» «Раҳбар шахсга қўл кўтаришга нечук журъат этдинг?» Бу хил саволлар замирига жамланган қонуннинг кўринмас, аммо залворли кучи олдида у хўрлик хиссини туйди. Бундан кўнгли синиб, хор хорни тушунар, деган умидда камерадагиларга юрагини ёзмок истаганди. Аммо...

У ўтирганларга бирма-бир боқаркан, Файбулла мерганнинг ҳайрат тўла нигоҳига дуч келди.

— Буларнинг ҳеч одамга ўхшамайди-ку, а, жўра? — деди шўрлик кўзларини пирпиратиб. — Кесакни ўзи-ку, а?

Бу гапдан сўнг Эрназар полвон хумкаллага ғазаб ва иддао билан тикилди.

— Сени одам десам, дардсиз эшак экансан-ку, ошна, — деди ачитиб.

Шундан кейинги воқеалар тўсатдан юз берди. Файбулла мерганнинг ўзи тирғалдими, ё сўхтаси совуқнинг ўзи биринчи бўлиб ёпишдими, хуллас, салдан

сўнг у Файбулла мерганни ерда чўзилиб ётган ҳолда кўрди. Унинг тепасида икки суллоҳ мисоли калхатдай чарх урарди. Дастлаб у довдираб қолди. Кейин бир хайкирди-да, Файбулла мерганни беармон тепкилаётган сўхтаси совукни тўлаб отди. Иккинчисига қулочкашлаб мушт туширди. Ё дариг, одам шаклидаги бу қотма махлуқ нақ иблиснинг ўзи экан, зарбга осонгина чап берди. Иккинчи бор интилишида, оёғи остида инкиллаб ётган оғайнисига қоқилиб, Эрназар полвон бор бўйича гурсиллаб йикилиб тушди. Камера ичи кулгига тўлди. Кулги овози одамники, лекин эрмакта-лаб ёвузлашган башаралар инсон боласиники эмасди.

Эрназар полвон сакраб туриб, яна от қўйди. Аммо қотма ўзига яқин йўлатмади. Мушти билан бирон иш чиқаришга кўзи етмагач, Эрназар полвон уни девор томонга сиқиб бора бошлади. Бирон дақиқалардан сўнг у рақибини эзиб ташлаши турган гап эди. Бироқ шериклари бунга йўл қўймадилар. Тўрт-беш киши бир бўлиб, полвонни ерга чалпак қилиб босдилар.

Эрназар полвон ерда чўзилиб ётаркан, одамзоднинг бу қадар ёвузлаша олишидан жуда хайратланди. Кейин эшик олдидаги бўш ўринга бориб чўқаркан, гўё ҳеч бир воқеа содир бўлмагандек, қайтавошдан ўз эрмақларига тутинган тўдага хайрон-хайрон бокди. Бежалган башарасини силаб-сийпаб, бу афт билан халққа қандай кўринаман, деб ўйлади. Қаватида инкиллаб ётган Файбулла мерганга захрини сочди.

— Гапга кирганингизда бу гавго йўқ эди бошингизда, — деди. — Ҳалиям бўса «хўп» денг.

— Энам эркак кип тукқан мени, жўра, — деди Файбулла чол инграшиб. — Дўстни кулфатда ёлғиз қолдиришни русм қилмаганман.

— Раисни урган мен, сизнинг эш бўп юришингиз нимаси?

— Менам бир тепганман, — деди ошнаси кўзларини ҳолсиз очиб-юмиб. — Энди буёғига нима бўса, бирга кўраверамиз.

— Ўлинг бу кунингиздан!

— Мен ўлмайман, Эрназар. Ҳали буларни битта қўймай қираман. Милтиғимни товга яшириб келганман.

— Кўп минғирламай, кайтинг гапингиздан.

Ғайбулла мерган, йўк, деган маънода бош чайқади. Эрназар полвон унинг ёстигини беўхшов ҳаракат-латўғрилаб, сукутга толди.

Эртаси уларнинг бежалган афти терговчининг кулгисини кистатди. Бахтга қарши, Сами раис ҳам шу ерда экан. Башарасига тепчиган табассумини яширолмай, томоқ кирди-да, дераза томонга ўгирилиб олди.

Эрназар полвон унинг семиз елкаларига, тоза киртишланган гарданига нафрат билан боқаркан, семиз кетига боплаб бир тепишни истади. Ўшанда биратўла семиз бўйинини қайириб ташламаганидан ўкинди. Агар Ғайбулла мерган сўнгги дақиқада орага тушмаганида, шундай қиларди ҳам. Ўшанда Ғайбулла мерган қизиқ иш қилганди. Муштлашувни ўзи бошлаб, сўнг ўртага ўзи тушганди.

— Қалай, тавбаларинга таяндиларингми? — деди терговчи ўшшайиб. — Лекин омадларинг бор экан, мана, раисларинг аризасини қайтариб олмоқчи. Энди эса, у киши айтган жойга зинғиллаб жўнаб қолинглар. Фойдали иш билан машғул бўлинглар.

Сами раис деразадан ярим ўгирилиб, писанда қилди.

— Қишлоқчилик-да қишлоқчилик, эмасам, эналарингни учқўрғондан кўрсатардим.

Эрназар полвон ундан нигоҳини узмай, юзини сийпалади. Кейин Ғайбулла мерганнинг шишган, кўқарган юзига разм солди. Бу алфозда киши кўзига кўриниш нақадар оғирлигини ўйлади. Энди бир умр Сами раиснинг олдида тили қисик бўлиб қолишидан ҳадикланиб, сиз нима дейсиз, деган маънода Ғайбулла мерган билан кўз уриштирмоққа интилди. Дўстининг кўзларида ададсиз адоватни кўргач, озодликни Сами раис садақа қилаётганини пайқади. Бундан унинг жини қуришди. Бу-ку майли-я, садақа эвазига у қишлоғидан воз кечмоғи, умрида кўрмаган ўзга манзилда умргузаронлик қилмоғи лозим эди. Садақа уларга жуда қимматга тушмоқда эди.

— Биз барибир ҳеч каёққа кўчмаймиз, — деди у Сами раисга еб қўйгудек тикилиб. — Ҳали бу қамок экан, этимни нимталасанг-да, қишлоғимдан бир одим нари чиқмайман.

Ундан миннатдорчилик кутган терговчи бу гапдан анқайиб қолди. Сами раиснинг эса юзидан қон қочиб, семиз лунжи асабий титради. Қўмак истагандай, қапитанга қаради.

— Ёқам қўлингда, Сами, — деди Ғайбулла мерган хирқираган овозда. — Чиқарман шу камонингдан, сен бир кун отдан тушарсан, ана ўшанда гаплашаман сен билан! Билиб қўй, яроғим қонсираган, сенинг қонинг билан юваман уни! Ҳозирча ёқамни йиртавер! Давринг кепти бурдалайвер ёқамни! Қани, қачонгача йиртаркансан.

Оғайниларнинг бу қадар ўқтамлигини кутмаган Сами раис тамомила довдираб қолди. У бу ерга қишлоқ оқсоқолларининг илтимоси билан келганди. «Банди»ларни қишлоққа олиб кетмоқчи эди. Бозор биқинидаги ошхонада қоринларини тўйғизиб, қишлоққа намоёйишқорона олиб кирмоқчи эди. Ошналарнинг шишган башараларини айни муддао билиб, безалган афтларини кўз-кўз қилиш билан бошқаларнинг ҳам попугини пасайтириб қўймоқчи эди. Аммо у энди қаршисида хавфли рақибларни кўриб турарди. Унинг ҳадиғи кўпроқ Ғайбулла мергандан эди. Мерган тентак феълли одам, бирор ерда шартта отиб ташлашдан ҳеч тоймайди.

— Силарни кўчираётган мен эмас, оғайнилар, — деди у ялинчоқ оҳангда. — Тепанинг буйруғи бу. Райком бово тоққа милиса ташлаган. Мен раис сифатида олдиндан силарни огоҳлантиргандим, холос. Силар эса гапга кирмай, ўз бошларингга ўзларинг бало орттириб ўтирибсизлар. Мендан ўпка-гина қилманглар. Мен кимман, ижрочи бир одамман-да. Тепа нима деса, шуни бажараман. Эмасам, менга зарилми, қайноқ чўлда туфроқ кечиб. Айб менда эмас, жўражонлар.

— Сен кайвонисан, йўқ, дейишинг керак эди, — деди Эрназар полвон.

— Бошим иккита эмас, полвон, — деди Сами раис. — Партия билетингни столга қўй деса, нима деган одам бўламан.

— Эл учун бошинг кетса кетибди-да.

— Айтишга осон. Ўрнимда бўлганларингда, кўрардим ҳолларингни.

— Ўрнинг ўзинга сийлов, — Эрназар полвон кўпол

сўкинди. — Ҳамма кўчсаям, биз кўчмаймиз. Бунни ўша тепадагиларга айтиб қўй!

— Мен сизларга яхшилик қилмоқчиман, кўрнамаклар!

— Яхшилигингни пишириб е!

— Етар! — терговчи столга муштлаб, Сами раисга юзланди. — Сиз кечирсангиз ҳам қонун кечирмайди. Иккиси ҳам тегишли жазосини олади.

— Мен-ку майли, — деди Эрназар полвон унга ўгирилиб. — Лекин ошнамни нима деб жазолайсилар? Ахир у раисга қўлиниям тегизгани йўқ-ку. Урган мен, у эмас.

— Нега ундай дейсиз, жўра? — Файбулла мерган чучанглаб кетди. — Тепганман, семиз қуймичига ўхшатиб тепганман. Ишонмасаларинг, шалворини ечиб қаранглар, ҳалиям ўрни кўкариб турибди. Керак бўлса, яна тепаман!

— Бас! — ғазабдан терговчининг юзи гезариб кетди.

— Бақирма-ий, энағар! — Файбулла мерган энди унга ўдағайлаб кетди. — Нега бақирасан? Нима, ошириб қўйганмисан, бунча кекирдагингни чўзасан!

Кейинчалик Эрназар полвон жўрасини кўп сўкиб юрди: «Аҳмоқсиз! Қип-қизил аҳмоқсиз! Қора булут менинг бошимда эди. Сиз нега энди ўртага сукилиб юрибсиз. Вой, аҳмоғи-ий!» Файбулла мерганнинг эса парвойи фалак эди: «Қарасам, сизни камашадиган. Ёлғиз ташлаб кетмай дедим-да, жўражон. Икки киши зерикмай юрамиз. Шундай пайтда қайишмасам, қай пайтда қайишаман, а?

У пайтларда Файбулла мерганнинг ҳозирги хархашаси йўқ эди. Қамокхонанинг ёвғон шўрвасини ичиб, ўзича гердайиб юрарди. Хархашаси кейин, озодликка чиқиб, уйлангандан сўнг бошланди: «Қовуғимга те-пишганда, жўражон, қовуғимга. Шунинг учун мендан зурриёт бўлмапти...» Эрназар полвон, бу даъвонгиз нотўғри, асли белингиз бўш, деялмайди. Нафсиламрини айтганда, бу гапга ўзи ҳам озми-кўпми ишонади. Дўстига ичи ачийди. Топганини у билан баҳам кўрмоққа тиришади. Бир гал бўшлиқ қилиб, дўстини ночор ахволга солиб қўйганидан ҳозиргача ўзини кечирол-

майди. Ўшанда нима жин урди уни? Ё Сами раиснинг бош уриб келганидан масрурландими? Ҳар ҳолда нимадир бўлди-ю, у бўшашди. Ошнасига ракибини кўндаланг қилиб қўйди. Файбулла мерганнинг бу қадар кек саклашини туш кўрибдими. Орадан шунча йиллар ўтди, ғазаби бўшашгандир, деб ўйлаганди. Йўқ, эртаси дўсти ўпка-гина қилиб келди: «Ўнгирда кулча бўп ётган илон эдим, — деди. — Ёмон кўрган ўтимни иним оғзига кўнқайтирибсиз-да, оғайни. Файбулла кунда кўриб ўлсин дебсиз-да. Сизга нима ёмонлик кип эдик, бу жазони бизга раво кўрибсиз, а? Энди уни кўриб кунда бир ўладиган бўпман-да. Раҳмат, жўра!»

Ўша окшом Эрназар полвон Сами раиснинг олдига учиб борган. Эртагаёк қишлоқдан қорангни ўчир, димоқчи бўлган. Аммо Сами раисни кечагидан баттар абгор қиёфада кўрган. Энди унинг қаршисида бурунги мағрур Сами раис эмас, афт-ангорини тук босган, озгин ва маймоқ бир кимса — Сами чўлоқ титраб турарди. Андава тутган лой юқи қўли титраб, лаблунжи бетиним учарди. Эрназар полвон уни бақадан ожиз билди. Бир хаёли босиб, янчиб ташлагиси келди. Унинг мақсадини сезгандай, Сами чўлоқ дарров тилга қира қолди: «Гуноҳимни соғлигим эвазига ювганман, — деди овози қалтираб. — Мендан бекорга домангир бўлаяпсиз. Сизларни мен эмас, ўша ўжар терговчи қаматган. Баланддан келишаяпти, энасини кўзларига бир кўрсатай буларни, деб қаматди. Ўрлик қилган ўзингиз, озроқ пастга тушганларингизда, гинг демасди у. Мен бир майиб одамман. Истасангиз, бўғзимга пичок тортинг, тепкилаб кўмиб ташланг. Лекин қишлоқдан хайдаманг. Тўрт кунлигим борми-йўқми, шу ерда умримни поёнига етказай. Билмайсиз, ичим касал менинг. Бир вақтлар гавдамни от тортолмасди. Энди оррик бир хўтикка юк бўларли ҳолим йўқ. «Сен»га ўрганган бандасининг тили «сиз»га бораёптими, демак, унинг мусулмон бўлгани шу. Бу ёғига энди шафқатни сиздан, умрни эса худодан сўраймиз...»

Ўшанда Эрназар полвон ранг кўриб, чинданами кун битганга ўхшайди, деб ўйлаган. Кўнглига раҳм хисси инган. Бироқ орадан мана неча йиллар ўтибдики, хануз у тирик. Тириккина эмас, қишлоқда томир отиб, тили

чикирлайдиган бўлиб қолган. Бошқалар унинг қилмишини аллақачон унутиб юборган. Фақат дўстларгина ҳозиргача рўйхушлик бермай келишади. Дўстлар бор ерда Сами чўлокнинг сира дами чикмайди.

Кутилмаганда унинг тили бугун чикди. Минг йиллик қадрдондай, тили бийрон тортиб, йўлига кўндаланг бўлмоққа, ҳатто пичинг отмоққа журъат этди.

Агар Сами чўлокнинг гапи рост чикса, Файбулла ҳавас қилган азим дарахтни худо урибди. Бир шохи заха еб, жароҳатидан қора қон силқибди. Одатда, бундай шох кесиб ташланади...

Эрназар полвон оғир хўрсинди. Бошини бир ён буриб, ховли юзида қур тиккан ўғиллари томон разм солди. Кўзи даврада очилиб-сочилиб ўтирган Ўсарнигина кўрди. Табиатдан босиқ бўлгани боис, ўғлини ҳозирча тинч кўйишни маъқул топди. Ота ҳеч бир ишда ошиқмас, ғазаб ва аламдан юраги тўкилар даражасига етса-да, кўпда ховликавермасди. Боз устига, бугунги масала ўта нозик эди. Дастлаб ўғлини йўлдаёқ тутиб, кўнглидаги шубҳани бир ёқлик қилмоқчи эди. Бахтига Ўсарни ўтиб кетганини сезмай қолди. Акс ҳолда бу машмашага бошқа ўғилларининг ҳам диққати тортилган бўларди. Унинг назарида, жуда жирканч бўлмиш бу муоммани фақат яккама-якка ҳолдагина ҳал этмоқ лозим эди. Худонинг қуни фақат бугун эмаску, деган ўйда ўзини босиб ўтираверди.

Ўсар бу ҳолдан бутунлай беҳабар, гурунгни қизитиб ўтираркан, яккаш отанинг кўзини шамғалат қилиб, ховлисига тушиб чиқишни ўйларди. Томоғи тақиллаб кўп безовталанмоқда эди. Билади, ота уйда арок ичилмайди. Тўкин зиёфат ҳамиша ичкиликсиз ўтади. Бунақа пайтларда у ҳамиша уйдан ичиб чиқади. Боя бу ёкка келаётиб, пиёлани тўлдириб отиб олган эса-да, қозон тўла этни кўриб, нафси тағин ҳақалак отмоқда эди. Қани энди, манову чоли тушмагур бошқаларнинг отасидек хокисоргина бўлса. Йўқ, бу кишининг ўз қонунлари бор. У ховлисини ватан, ўзини эса ўша ватаннинг йўриқчиси деб билади. Бу «ватан»да «шайтон суви» ичилмайди. Отанинг гапига қараганда, ичкилик инсон қонида мудроқ ётмиш ҳайвоний жазавани уйғотармиш. Оқибатда, бу жазава бутун танага тара-

либ, кишини одамгарчиликдан чиқарармиш. У камокхонада кўрган-кечирганларини бунга мисол қилиб келтиради. Ашаддий жиноятчиларни ҳайвоний жазава, яъни шайтоннинг қули деб билади. Энг ёмони бу хил одамлардан дуруст зурриёт туғилмасмиш. Шунингчун, бу дунёда яхшилар қатори ёмонлар ҳам кўп эмиш. Бунга қонда уйғотилган ҳайвоний жазава айбдормиш. Нафсини тия билмаган бандаси ушбу жазаванинг қулига айланармиш. Қул эса инсон деган номга нолойиқ эмиш.

Ўғилларидан фақат Ўсаргина унинг бу фикрига гоҳида ботиниб-ботинмай қарши чиқади: «Ҳозир ҳамма ичаяпти-ку, ота». Ичса, жазосини тортаяпти-ку, — дейди ота афсусли оҳангда. — Биттаси, ана, Эрали банги. Тавба қилдим, ўғиллари ғирт чиллашир. Каттикрок шамол турса, барини осмонда кўрасан. Буниси бу дунёдаги жазо, қолганини у дунёда кўради ҳали. Ўғилларингдан бирорта полвон чиқмагач, худонинг ургани шу-да». Ўсар бўш келмасликка тиришади: «Ота, сиз ҳаётга кенгрок қарашни билмайсиз. Ҳаёт дегани тоғлар орасидаги телпакдай қишлоғингиз эмас, жуда кенг у. Ҳозир замон бутунлай бошқача. Удумларингиз эскирган. Одамлар қўлидан келганча маза қилиб яшашаяпти. Сиз эса бизни ўз акидангиз қулига айлантириб олгансиз. Бу энди, кечирасизу, инсофдан эмас-да, ота». Эрназар полвон уни аҳмоқ санаб, мийиғида жилмаяди. Доимо белбоғига қистириғлик турадиган камчисига қўл юбориб, маънодор томоқ қиради. Бу ҳаракати билан, тилинг узун тортиб, камчисираб қолибсанми, демокчи бўлади. Бу унинг баҳсдан қочганини билдирмайди. Ўсарнинг фикри унинг учун бир чақага киммат. Кўзи илғаган масофадан наридаги ҳаёт сурони отага бегона, у ердаги турмуш тарзи мутлақо қизиқтирмайди уни. Шу боис, Ўсарнинг ўзини ҳам, гапини ҳам ўзига тенгситмайди. Салга овозини ўчиришга мажбур этади.

Ўсар отаси томонга иддаоли боқаркан, акаларининг ичмаслигини билса-да, чикмаган жондан умид дея, катта акаси Сардорга юзланди.

— Кайф берадиган бирон нарса топинг, ака, — деди. — Қараб кўринг, сандиқ-пандиқнинг қаватидан у-бу нарса топилиб колар.

Ака кулимсираб, унинг олдидаги сигарет кутисига имо қилди.

— Кайф берадиган нарса, ана, олдингда турибдику.

— Бундан ортиғига бобойнинг камчисига товон тўлашинг керак, — Кўчар полвон яйраб кулади. — Бобой келса, олислаб ўтиргин, оғзингдан хиди гуппиллаб турибди. Тагин гўшт ейман деб, калтак еб қолма.

Ўсар акаларининг соғлом чехраларига тумтайиб боқаркан, яшашни билмайсизлар, дейди. Акалари ундан бу гапни кўп эшитишган, парвоям қилишмайди. У лўлаболишни биқинига тортиб, отаси томонга имо қилади.

— Бобой нега тўнглаб ўтирибди?

— Итларига аза очган бўлса керак, — деди кимдир кулиб.

— Бобой оригинал, — Ўсар тўнғиллаб, Кўчар полвонга ялинганнамо қарайди. — Бобойни гапга алаҳситиб туринг, ака. Мен секин ховлига тушиб чиқай. Негадир томоқ тақиллаб кетаяпти. Шунча газак... ароқсиз увол-да, ака.

— Хаддингдан ошма кўп! — Кўчар полвоннинг юзи тундлашди. — Боя негадир сени сўроқлади. Ғазабига учраб, тагин арчазорда улоқиб юрма.

— Уйим бўлак, рўзгорим бўлак, мендан яна нима истайди бу одам? — Ўсарнинг зардаси қайнаб кетди. — Кишига сал эрк бериш ҳам керак-да. Нима, этаги ортига тугилган боламидик биз.

— Бу даъвонгни бориб отамга айт.

— Гапириб бўларканми.

Ўсар отасига ўшшайиб тикилади. Эрназар полвон ўша-ўша хаёлга ботиб ўтирар, ботаётган қуёш нурида у яна-да ҳайбатли тус олганди.

* * *

Эрназар полвоннинг югурик нигоҳи кишлок узра қўним топмай, яна сой бўйига қайтди. Бу вақтда Узункул подачи узун калтагини судраб, лўкиллаб кетиб борар, Сами чўлоқ эшагини диконглатиб, адоқдаги тор кўчага қайрилмоқда эди. Файбулла чол аллақачон кул-

басига етган, эшагини йўл бўйидаги ёнғокка қантариб, ховли юзида ғимирсиб юрарди. Ана у ўчоқ бошидан айланиб ўтаётиб, қир тумшугига кўз солди. Унинг қарашини кутиб ўтирган Эрназар полвон, бу ёққа келинг, деган йўсинда қўлини сирмади. Ошнаси чакирикни англаб, хўп, дея бош ирғади. Кейин қозон осиш ташвишидан қутулганига суюниб, кундалик юмушига тутинди. Эшагига ўт ташлаб, қўрага ўтди.

Ошнасининг ярим соатларсиз қорасини кўрсатмаслигини билган Эрназар полвон кўпда бетокатланмади. Аслида ошиғиб нима қилди? Ўсар билан гаплашмоқнинг барибир иложи йўқ. Қўрадаги юмушлар невараларидан ортмайди. Бугунча Ғайбулла чол билан хангомалашиб тура турсин-чи, эрта бир гап бўлар.

Эрназар полвон, фавқулодда ходисаларни ҳисобга олмаганда, ховлисида ғавғо кўтаришни жини севмайди. Ҳар қандай чигал масалани ими-жимиди ҳал этишга одатланган. Кўнгли нимадандир торикқан кезлари ошнасининг гурунгини кўмсайди. Гоҳида унинг жигига тегишни ёктиради. Қишлоқдаги бирор кампирни назарда тутиб, дейди:

— Ғайбуллавой, эртан Машир кампирникига совчиликка борсаммикан, а?

Содда оғайнисининг капалаги учади.

— Йўғ-ай-йўғ-ай.

— Ёлғиз юраверасизми энди? — Ғайбулла чол ковоқ осган бўлади.

— Шу юришимиз дуруст, Эрназарвой, — дейди Ғайбулла чол баттар жонсаракланиб, кўксига шапатилар экан. — Бовримни алдайверишларидан чарчадим. Унингиз бугун бовримни тўлдиради-да, эртан хувиллатиб ташлаб кетади. Кейин кунимиз яна болиш кучоклашга қолади. Кўникканман, шу юришим дуруст. Бундан сўғин одамнинг кўнглига буйтиб ғулғула солаверманг, Эрназарвой. Кичиклигингиз бўса-да, мен сизни жўрам деганман. Бари сирдан огоҳсиз, киши устидан кулгандай бўманг.

— Устингиздан кулиб ўлибманми, Ғайбуллавой, — Эрназар полвон ўзи сезмаган ҳолда жиддий тортади. — Ёлғизсиз, ичим ачийди-да. Бирор сўқкабош кампир тешиб чиқмасди дейман-да.

— Сиз борсизки, мен ўзимни ёлғиз сезмайман, Эрназарвой, — Ғайбулла чол унга ихлос билан термилади. — Мана шу кирди бошида керилиб ўтирганингизни кўрсам, ўзимни якка сезмайман. Турмасини кўриб келдик, ёлғизлик нима бўпти бизга. Ундан кўра, Сами чўлоқни икковлашиб бир урсак, турмайдиган кип калтакласак яхши иш бўларди-да.

— Бир черткилик ҳоли бор, — Эрназар полвон кулади. — Нимасини урасиз уни?

— Икков яна бирга бўлардик-да, — дейди Ғайбулла чол жиддий. — Эсингиздами, турмада маза қиганмиз, бирга ётиб, бирга туриб... Ёмон бўлмаган лекин...

— Нафасни иссиқ қилинг-ге, — Эрназар полвоннинг пешонаси тиришади. — Ёш бир жойга етганда, турмангиз нимаси.

— Лекин мен Сами чўлоқни барибир ураман, — дейди Ғайбулла чол унинг эътирозларига эътибор бермай. — Аччувимни чиқарган куни соламан. Ҳозирча баҳона йўқ, кўзимга тик қараёлмайди, номард. Бирор пасткам ерда отиб-потиб қўяди, деб кўркса керак. Аввалги қариллаши бўганида отардимам. Энди нимасини отаман уни. Лекин би-ир калтаклашим бор. Шунда сиз қаватимда туринг, Эрназарвой. Катта турмасига яна бирга бориб келармиз. А, нима дедингиз?

Эрназар полвон индамайди. Ошнасига ичи ачиб, бағри ўртанади. Унинг бу ҳолатини ўзича англаган Ғайбулла чол чинакамига ўпкаланади.

— Вақтида мен қаватингизда бўганман, нега энди сиз йўқ дейсиз, а, Эрназарвой? — деди. — Яхши эмас бу ишингиз.

Эрназар полвоннинг чехрасига тўсатдан табассум қалқийди.

— Ўзиям ғирт афанди одамсиз-да, Ғайбуллавой, — дейди кулиб. — Йўқ айбни бўйнингизга олиб, қамалиб ўтирибсиз-а. Эсимга тушса ҳозир ҳам куламан.

— Менам бир тепганман, Эрназарвой, тепганман, — Ғайбулла чол эътироз билдиради. — Сиз уриб йикитдингиз, мен эса тепдим. Тепиб яхши иш қиган эканман, эмасам, турмада ёлғиз ўзингиз зерикиб қолардингиз. Ошна дегани шу пайтда қайишмаса, қай пайтда қайишади? Қадимгилар, дўстинг учун захар ют, деб

бекорга айтмаганлар. Агар ҳов бирда айувнинг чангалидан мени қутқазмаганингизда, Ғайбулла чол юрармиди ҳозир. Ётарди совук ернинг боврида суяклари чириб. Ўзи биз шундан сўгин ошна тутиндик-да, а?

Эрназар полвон олис хотиралар уммонига чўкиб, ҳа, дея бош ирғайди. Ғайбулла чол яна гапда давом этади.

— Агар мени ошнам дейдиган бўсангиз, — дейди хиёл ўпкаланган тарзда, — қайтиб хотинлар ҳақида гап очманг. Аввалги топганингиз ҳам қўйнимда олти кун ётди-ётмадими, бор пулимни ўмариб кочиворди.

— Палаги тоза дейишувди-да, — Эрназар полвон хижолат тортади, — бунақалигини қайдан билибман. Топаё, ернинг кўзига ёпай десам, қўймадингиз-ку ўзингиз...

Уларнинг гурунги мана шу тарзда гоҳ худ, гоҳ беҳуд давом этади. Энг муҳими, бу хил гурунгдан иккиси ҳам ҳузур қилади. Бунақа пайтда Эрназар полвон дастурхонни бўлак ёздиради. Ошнасининг дўлвор гурунгини бошқалардан қизғангандек, даврага ўзга жонни яқин йўлатмайди.

У ҳозир ошнасининг гурунгини қўмсаб, окшом пардасига чўлғана бошлаган қишлоқнинг фусункор кўри-нишини томоша қиларкан, кўзи тўсатдан сойнинг ўртасидаги дўнгликда қўнқайиб турган чолдеворга тушиб қолди. Таглиги чоғроқ харсанглардан, деворлари тошдан кўтарилган ғариб кулба мана неча ўн йилдирки, давр тўфонларини писанд этмай ғўддайиб турарди. Илгари сой анча наридан ўтарди. Кейинчалик оқим бу томонга ташлаб, кулба «орол» ўртасида қолиб кетган ва айни шу нарса уни чолдеворларда тентишни яхши кўрадиган болаларнинг тажавуздан асраб келарди.

Кулба ўша «чўлга кўчириш» давридан қолган ягона ёдгорлик эди. Бошқа чолдеворлардан аллақачон номнишон қолмаган. Кейинчалик улар ўрнига янги иморатлар тушганди.

Кулба Эрназар полвоннинг илк иморати эди. Ҳали уйланмаган йигит отасининг маслаҳати ва кўнгил орзуларининг етови билан ушбу кулбани тиклаганди. У шунчаки кулба бўлмай, шу заминда палак отмок ўйида тунлари болиш қучоқлаб, кундузлари қизларга зимдан

кўз солиб юрган ошиқ бир йигитнинг бўлғуси орзуларини ўзида жамлаган қутлуғ бир маскан эди. Кулба остонасидан биринчи бўлиб келин хатламоғи лозим эди. Аммо, минг афсус, бўсағада милицианинг тумшуғи қирилган хром этиги пайдо бўлди. Бу вақтда Эрназар полвон тахмон қиррасини чиқариш билан банд эди. Қўлидаги андавани девор юзига сургай-сургай, келганларга ярим ўгирилар экан, уларнинг вожатидан ўзини баттол жиноятчи деб билишаётганини уқди. Миясида минг бир хаёл чарх урди. Биринчи бўлиб остона хатлаган бурундор милиционер унинг забардаст келбатидан ҳам кўра, қўлидаги андавадан ҳадикланди. Белидаги наганга кўл юборган киши бўлиб, кўрс охангда буюрди:

— Андавани ташла!

Эрназар полвон андавани лой тўла челаққа ташларкан, улар томон тўла юзланди. Милиционерларнинг жиддий нигоҳларида акс этган қонун кучига бўйсинмоқ лозимлигини англади. Лекин ўзини айбдор сезмади. Худди кураш олдидан нафас ростлаётгандек, ўзини бамайлихотир тутди.

— Ортиқча ҳаракатни хаёлингга келтирма! — деди милиционернинг ёшроғи шеригининг елкасидан мўралаб.

Эрназар полвон улар етовида ташқарига чиқаркан, ўзини хўрланган ҳис этди. Юраги сиқилиб, узокдаги қорли чўққиларга бокди. Қанот қоқиб ўша томонларга учиб кеткиси, кўкдаги бургутдек тазйиқлардан холи бўлгиси келди. Бироқ салдан сўнг теваракка алаҳсираркан, қишлоғи-ю тоғу тошларни ташлаб кетолмаслигини фаҳмлади. Гўё бу шўришларнинг ҳаммасига улар айбдордай, милиционерларга хўмрайиб қаради.

— Бандасини туғилган юртидан бадарға қилиш мусулмончилиқнинг қайси ақидасига тўғри келаркан, а? — деди куни кеча отасидан эшитган гапни сўзмасўз такрорлаб. — Диёнатнинг ҳеч қайси йўриғига тўғри келмайди-ку бу ишларинг.

— Рахбар шахсни калтаклашга ким ҳуқуқ берди сенга? — деди милиционернинг ёшроғи тўсатдан тутатиб. — Тоғда қутуриб кетгансан ҳамманг! Нечова, тезда попугингни пасайтириб қўямиз!

Эрназар полвон унинг туркига, сўнг негадир этигига разм солди. Бир томони ейилган пошналариям наза-ридан четда қолмади. «Қачал экан, — деб ўйлади. — Шу қачал оёғи билан остонамни булғади-я, ярамас!» Шунга қарамай, милиционерларга зиён етказмасликни дилига тугди. Ҳадиғи одамлардан эди. Назарида, киш-лок аҳли уни қутқараман деб, уларга ташланадигандек эди. У шу ташвишда тева-ракқа зехн соларкан, секин-аста тўпланишаётган қўни-қўшниларининг чехралари-да қўркув кўрди. Шўрликлар милиционерларга дах-шат билан қараб туришарди. Қишлоққа илк бор мили-ция оралаб, кишини банди қилиб кетаётган эди-да. У қаватида турган милиционерларга ҳайрон бокди: «Бу-ларнинг нимасидан бунча қўркишади, а?»

Унинг ҳаёлини сал нарида гўддайиб турган Сами раиснинг овози бўлди.

— Ана яна биттаси ўз оёғи билан келмоқда.

Эрназар полвон у имо қилган томонга ўгирилиб, Ғайбулла мерганни кўрди. Ошнаси тошлар устидан ҳақкалаб, югуриб келмоқда эди. Ана у сойга келиб қуйиладиган кенггина ариқни кечи-б ўтаётиб, ошиққа-нидан шалопплаб сувга йиқилиб тушди. Ўрнидан тура-тура бор овозда бакирди:

— Эрназар, қўркманг, қаватингизда мен борман!

«Қўркманг» сўзи Эрназар полвоннинг нафсонияти-га қаттиқ тегиб, кўксини баландлатди, оёқларини кер-ди. Атрофга мағрур бокди. Қўлидан тутмоқчи бўлган бурундор милиционерни жеркиб берди.

— Тортинг қўлингизни!

Милиционер иккиланиброк қўлини олди.

Бу орада бошдан-оёқ шалоппо бўлган Ғайбулла мерган ҳарсиллаб етиб келди.

— Нима гап? — деди. — Нега булар сизни тева-раклаб туришибди? Раисни урган битта сиз эмас-ку. Мана бизам урганмиз. Семиз думбасига ўхшатиб теп-ган мен бўламан. Истасам, яна тепаман!

— Гражданин фамилиянгиз? — деди ёшроқ мили-ционер ўта расмий оҳангда.

— Фамилиямди нима қиласан? — дея шанғиллади Ғайбулла мерган. — Эсон қўшчининг ули Ғайбулла мерган бўламан. Эшитганмисан? Эллик одим наридаги

чумчукнинг кўзидан ураман. Хўш, менга айт-чи, нимага ошнамни буйтиб тевараклаб турибсанлар? Буни эмас, анову турқинг курғир раисни қўлга олинглар. Уйинг куйгир бу кўса, бизни қишлоқдан ҳайдамоқчи. Жазира-ма чўлда ҳаммамизни ўлдирмоқчи. Ҳукуматнинг одами-силар, у билан гаплашиб қўйинглар. Ошнамда эса гуноҳ йўқ. Фашига тексанг, ит ҳам қопади-да, э!

— Эсониб, келиб яхши иш қилдингиз, — деди ўша милиционер мамнун қиёфада. — Қидириб юрмайдиган бўлдик. Қани, машинага чиқинг!

— Нега чиқарканман? — Ғайбулла мерган харсанг-га тумшук тираб турган наридаги машинага бир қараб қўйди. — Қаёққа обормоқчисан?

— Тегишли жойга.

— Тегишли жойингга ўзинг боравер.

— Ўжарлик қилманг, оқибати яхши бўлмайди.

— Қўрқитма кўп, нима қипманки, бунча осмондан келасан.*

— Сиз ва оғайнингиз шахс, қолаверса, раҳбар одамнинг жонига қасд қилишда айбланасиз.

— Ў-ў! — Ғайбулла мерган ажабланди. — Раис деганнинг нархи жуда баланд экан-ку, а? — У тумта-йиб турган Сами раисга бошдан-оёқ кўз ташларкан, сўнг милиционерга юзланиб деди: — Э, оғайни, сенга бир гап айтиб қўяй, яхши одам эмас бу. Раислигига ишонма бун. Отаси Бозор кўсаям бузғунчи одам эди. Ёмонлигидан бурноғи йили кўчки тагида қолиб ўлди. Ули эса отасидан баттар юртбузар чикди. Сен эса шунинг ёнини об ўтирибсан. Одаммас бу.

— Бунинг бизга аҳамияти йўқ, — деди ёшроқ милиционер энсаси қотиб. — Қани, машинага! Йўкса... — У камарида осиглиқ наган филофини пай-паслаган бўлди. — Машинага деяпман!

— Ҳали отмоқчимисан? — Ғайбулла мерган олов-ланиб, кўксини очди. — Оти-ий, энағарди чирқинди-си! Ўзи откич қидириб юрибман! От! Қани, кўрай-чи, қанақа отаркансан!

Шу пайт узоқдан чўзиқ нола эшитилди.

— Ули-им!

Эрназар полвон жийдаси барларини хилпиратиб, қияликдан энаётган отасини кўрди. Чол қоқилиб-суқи-

либ келарди. Ялинади, деб ўйлади Эрназар полвон юраги сиркираб, оппоқ соқоли билан мана шуларга ялинади. Отани ялинганини кўргандан кўра, ўлгани яхши эмасми! У ошиғич бир ҳолатда бурундор милиционернинг енгидан илкис тортди: — Э, обор оборадиган жойингга!

Чол қиялик этагига етиб улгурмай, улар машинага чикдилар.

Йўлда Ғайбулла мерган кулди.

— Машинада бизни қамокқа опкетсин, деб йўлни кенгайтирган эканмиз-да, а, жўра!

Ўшанда Эрназар полвон икки кунга қолмай уйга қайтамиз, деб ўйлаганди. Қишлоқ аҳли қаттиқ туради, чўлга кўчмайди, деб умид қилганди.

Аммо орадан беш йил ўтиб, қишлоққа қайтаркан, бутунлай ўзга манзара устидан чикди. Қишлоқ дегандан асар йўқ, ўрнида қуруқ чолдеворлар қолган. Соё ёқалаб кетган боғ-роғлар хароб бўлган, ёнбағирликдаги токзорлар ҳам шу ахволда. Қияликдаги ёнғокзорнинг ярмини сел олиб кетган, ўрикзор эса чакалакзорга айланганди. Теракзор кесилиб, ўридан унган ёш новдалар қуюқ ўрмон тусини олган бўлиб, жамики нарсага ёввойилик нуқси уриб қолганди. Кўрган кишининг юраги сиқиларди.

Эрназар полвон кишлоқнинг кўчирилганлиги ҳақидаги хабарни қамокдаёқ эшитган бўлса-да, бу қадар мискин манзарага дуч келаман деб ўйламаганди. Муюлишдан ўта-ўта, тиззаларидан дармон кетиб, тош устига ўтириб қолди. Ғайбулла мерган унинг қаватига чўкди. Бу нимаси, деган маънода мисоли вафодор итдай, унинг кўзларига мўлтираб бокди.

Эрназар полвоннинг ранги гезариб, кесак тусини олди. Аламдан елкалари титраб, бўғзига ёнғокдек нарса келиб такалди. Ҳайтовур, кўз ёшларини тийишга ўзида куч топди.

— Ғайбулла, — деди энди тўшакдан турган оғир бемордек, хаста овозда. — Қишлоқни нима қип қўйишибди, қаранг!

Ғайбулла мерган омонат чўкишдан чордана қуришга ўтиб, жойлашиб ўтириб олди-да, Сами раиснинг етти пуштини қолдирмай сўкишга тутинди. Бу юмуш-

ни ўта ҳафсала билан адо этиб, бисотидаги бор сўки-шу ҳақоратларни ишлатиб бўлгач, ҳолсизланиб, яна жўрасига боқди. Ундан навбатдаги пишангни кутди. Эрназар полвондан садо чиқавермагач, ғоят бегона ва кўрқинчли оҳангда деди:

— Жўра, сиз нима десангиз денг-гу, мен Сами раисни ўлдираман!

Эрназар полвон тезда жавоб бера қолмади. Ғусса тўла кўзларини бир нуқтадан узмай, сукутда ўтираверди.

— Сув бошдан лойқаланган, — деди сўнг хиркираган овозда. — Сами раиснинг айби — амалидан кўрққани. Халқнинг юзига оёқ кўйгани...

— Шунинг учун ўлдираман-да!

— У энди узоқда, — деди Эрназар полвон хаёлчан. — Бу ёғига энди қандай яшаймиз? Мана шундан гапиринг.

— Сиз нима десангиз шу-да, жўра.

Эрназар полвоннинг энсаси қотди.

— Мен жардан ташласам, сиз ҳам ўзингизни ташлайсизми?

— Ташлаб келаяпман-ку, жўра.

Эрназар полвон қизаринди. Йирик кафтини манг-лайига ишқаб, хижолатомуз йўталди. Сўнг ўқлоқдек бармоқлари орасидан дўстига ўғринча қараб, унинг афтида ўзи кутган иддаони кўрмагач, кўнгли жойига тушди. Дўстдан ёлчиганман, деб ўйлади.

— Унда биз шу кишлоқда қайтадан томир отамиз! — деди қатъий йўсинда.

— Балли, — деди Ғайбулла мерган ўша бепарво оҳангда. — Сиз қайда, биз шу ерда. Дўстни ора йўлда ташлаб кетадиган номард йўқ. Лекин айтиб кўяй. Энди ким, кўч, деб келса, шартта пешонасидан отиб ташлайман! Қамоғини кўрдим, Сибириданам кўрқмайман мен.

Эрназар полвон ўзи қурган кулбага қайтиб кирмади. Теварагини айланиб, метиндек мустаҳкам деворларига ғамгин-ғамгин термилди. Остонаси булғанган, бу уй энди менга ҳаром, деб ўйлади. Ғайбулла мерган эса, ирим-сирим қилиб ўтирмай, эски кулбасини нардан-бери тузатиб, ичига кириб олди.

Эрназар полвон ўша йили қир тумшугида янги

иморат бошлади. Кейин қишлоқдошлари ўрнашган чўлга бориб, ота-онасини кўчириб келди. Куз ўртаси уни кутиб, қари қизга айланган қайлиғини тушириб олди.

Замон ўзгарганми, ё дўстларнинг омади чоптими, ҳар ҳолда уларнинг бу ишига эътибор берувчи бўлмади. Жўралар қишлоққа чуқур томир ота бордилар. Орадан йиллар ўтиб эса, чўлдаги бошқа одамлар ҳам бирин-кетин кўчиб кела бошладилар. Чолдеворлар текисланиб, улар ўрнига янги иморатлар тушди. Ёлғиз унинг чолдеворигина сўппайиб қолаверди. Ёмон кундан хотира деб, Эрназар полвон уни буздирмади. Кейинчалик сой иккига бўлиниб, чолдевор орол ўртасида қолиб кетди.

Қишлоқнинг деярли ярим аҳолиси қайтиб, қишлоқ қайтадан обод масканга айлангач, кунлардан бирида тўсатдан Сами раис пайдо бўлди. Аввалги виқорли савлатидан асар йўқ, ит мужиган суякдай, ночор бир қиёфада Эрназар полвоннинг пойига тиз чўкди.

— Кечиринг, — деди нигоҳини ердан узмай. — Факат, йўқ, деманг. Юртга қайтишга изн беринг.

Қишлоққа қайта асос солгани учунми ё полвонлик обрўи туфайлими, ўзи билмаган ҳолда юрт қайвонисига айланиб қолган Эрназар полвон ичида қаттиқ гижинса-да, Сами раисни ғазабига эп кўрмади. Шунингдек, кечиришни ҳам ҳаёлига келтирмади. Ғалати меҳмонга ҳайрон тикилиб турган болаларини бир имо билан нари ҳайдаб, ғанимига юқоридан боқди. Аммо гап қотишга улгурмади. Супа четида кекса суякларини қуёшга тоблаб ўтирган энаси ўғли қаршисида эгилиб турган сояни кўриб ажабланаркан, хира кўзларини пирпиратиб сўраб қолди.

— Турган ким, болам?

— Ҳеч ким, эна.

— Пойингда биров тургандай-ку, улим.

Сами раис йўрғалаб бориб, эна билан сўрашди.

— Бу менман, Самиман, момо, — деди.

— Сами деганинг ким?

— Эски раис.

Кампир шўрликнинг ранги ўчиб, титраб кетди.

— Вой, шўрим, яна чўлга ҳайдамоқчимисан?

— Йўқ, ўзим қишлоққа қайтмоқчиман.

— Қайт-қайт, болам, — деди кампир кўчмаслигидан ўзида йўқ суюниб. — Қайтгинг кептими, қайтавер. Ўзга юртда бош бўлгинча, ўз юртингда тош бўгин, деган машойиғларимиз. Шунча улоқиб юрганларинг етар, қайтинглар энди.

— Улингиз, хўп, деса бўлди, қайтамиз, момо, — Сами раис ялтоқланиб, кампирнинг қўлидан тутди. — Полвоннинг кечирishi қийин бўлаяпти-да, момо.

— Қаматгансан-да, шунга қовоғи уюқ бунинг.

— Мен қаматмаганман, — дея Сами раис қалтираб, ўзини оқлай бошлади. Орада ким ва нималарнидир сўкиб, кўзини ёшлади. Қаматган мен эмас, дея қасам устига қасам ича бошлагач, кампир чидаб туролмади.

— Ўтган ишга саловат, болам, — деди кексаларга хос хокисорлик билан. — Бари худодан. Гина кўзгаб, қўйнингга тош соманглар. Худонинг қаҳри келади. Буйтиб юрмай, бола-чақангни кўчириб кел, улим.

— Эна, сиз аралашманг! — дея гапга аралашди Эрназар полвон, гаши келиб. — Тек ўтиринг сиз! Нима қиласиз, эркакларни ишига аралашиб.

— Аралашманг деганинг нимаси? — Кампирнинг зардаси қайнаб, ҳассасига қўл чўзди. — Таёк егинг келаяпти-ёв сен баччани! Отангни кўзи очиклигида бундай демасдинг, энди энани писанд қимайсан-да, а? Эна туғмаган сени, осмондан оёғингни шолпиллатиб ўзинг тушгансанда, а?

Эрназар полвон энанинг жаврашларига ортиқ эътибор бермай, Сами раисга зимдан кўз солди. Унинг бу қадар ўзгариб кетганидан ажабланди. Тош қотган юрагининг бир чети сал юмшаб, кўнглида шафқат ҳисси уйғонгандай бўлди. Унинг ўзига тенгситмай, келавермайсанми, дея қўл силтаб юборганини билмай қолди.

— Раҳмат, биродар! — Сами раис унга интилган жойида, тагин кампирга юзланди. — Улингиз кечирди, момо.

Эрназар полвон кампир билан гуруннга киришган Сами раиснинг абгор қиёфасига гижиниб боқаркан, йўлига, нима бўлди, деб сўраб қўйди. Аммо Сами раис худди шуни кутиб турган экан, дарров шикоятга туша қолди: «Сорликни бой берганмиз, полвон, — деди

ўпкаси тўлиб. — Нафас сикади. Қориндаям нимадир бор. Дўхтирлар тоғ ҳавоси шифо бўлади дейишганди. Шу боис... Чўл бизга тўғри келмади. Ўрта ерда оёқни майиб қип олдик. Ўзимизни аямай меҳнат қилсак-да, зигирча кадр топмадик. Раисликдан туширишгач, оддий бригадирликкаям қўйишмади. Кунимиз кетмонга қолди. Меҳнат ишдан чиқарди мени, меҳнат...»

Уларнинг охириги тузук-қурук суҳбати шу бўлган. Шундан кейин Эрназар полвон, айрим ходисаларни назарга олмаганда, уни яқинига йўлатмаган. Саломаликдан ортиғини раво кўрмаган. Оқибатда, Сами чўлоқнинг кўнглида алам димланиб, Эрназар полвонга мудом кек сақлаб келди.

Бугун эса у илк бор тантана қилди. Эрназар полвоннинг нозик жойидан чангаллаб, иршанглаб-иршанглаб кулди. Сур афтига қон тепчиб, кўзлари ўлжа кўрган мов мушукнинг кўзларидек чакнади. Хўш, энди ҳолинг қалай, деган йўсинда унинг кўзларига суллоҳланиб-суллоҳланиб бокди.

Эрназар полвоннинг бемақсад тентиётган нигоҳи уни кўрмоқ истади. Сами чўлоқни ҳовлиси юзидан топди. У энгашиганча қозик йўниб ўтирарди.

— Бу алдамайди, — деди Эрназар полвон ўзича сўзланиб. — Юрагида кеки бор одамнинг ўтирик сўзлаши қийин. Бунақалар чинини айтиб, ҳузур қилади. Ўлсанг, кўзларини тупуклаб ўтирмайди бу...

Унинг кўзлари алам ва ғуссага тўлиб, улкан боши беихтиёр кўксига осилиб тушди.

* * *

Борай, суяқларини майдалайман, деган одам мана энди ўғли қаршисида гўё ўзи гуноҳқордай, ўйга чўмиб ўтирибди. Гапни нимадан ва қай йўсинда бошлашни билмай, ўқтин-ўқтин гувранмоқда.

Эрназар полвон бу учрашувга пухта ҳозирлик кўрган-ди. Ўғлини атай ҳовлиси юқорисидаги арчазорга бошлаб чиққанди. Ўртадаги гап-сўзлардан бошқаларнинг воқиб бўлишини истамаганди. Унинг назарида, ўғли шу қадар шармандали, шу қадар гуноҳ ишга қўл урган-дики, уятдан қуёш қорайиб, арчазор ёниб кул бўлиши

лозим эди. Тоғлар эса қалдираб, тошлар қулаши керак-дек эди. Аммо бунӣ қарангки, ҳеч нарса юз бермади — на қуёш қорайди, на арҷазор ёнди. Тоғлар ўша-ўша сукутда, сарин ел юзни сийпалайди, худди калака қилаётгандек, хув пастликда қушлар тиним билмай чуғурлашади. Ора-сира узоқдан какликнинг овози эшитилиб қолади. Кўкдаги ўлаксахўр калхатнинг сояси арҷазор бўйлаб сирғалади. Негадир у кетай демас, гашга тегиб айлангани-айланган эди.

Эрназар полвон ҳар қараганда, юзида синиқ табас-сум қотган Ўсар ичидан зил кетиб ўтирарди. Отасини бу ҳолатда биринчи бор кўраётган эди. Одатда, отанинг гапи пичоқ дамидай ўткир — ўйидагини шартта айтарди-қўярди. Ортиқча эзмалик, паришонхотирлик унга бутунлай ёт эди. Айни пайтда қошлари чимирилган, юзидан қон қочган эса-да, нимадандир қаттиқ истиҳолада эди. Отанинг ҳаёлидан кечаётган ўйдан Ўсар бохабар эса-да, бу тахлид холи суҳбатга чорлашидан қаттиқ безовта эди. Нега деганда, ота ўғилларини камдан-кам ҳоллардагина бу хилда суҳбатга чорлар ва бунинг оқибати ҳеч қачон яхши бўлмасди.

Ота сукутга чўмгани сайин, Ўсарнинг жини қуришмоқда эди. Отасига ер тагидан ўшшайиб боқаркан, шу дамгача юрагига қўрқув солиб келган бўйсиниш ҳисси шунчаки фарзандлик ҳурмати эканини, кўпинча бу икки туйғу — ҳурмат ва бўйсиниш юракда омукта яшашлигини фавқулодда сезиб қолди. У отага дадил бокмоқ ўйида қаддини ростларкан, негадир диққатини унинг бақувват билаклари, томирлари бўртиб чиққан каттақон панжалари тортди-да, эсига яқинда отасининг қўлида типирчилаб жон берган қора бука тушди. Ота ўшанда жониворни осонгина йиқитиб, бўғзига пичоқ тортиб юборган эди. Шундан сўнг агар отаси истаса, уни мудом қўрқув қанғалида тутиб туришга қодирлигини қайта идрок этаркан, ночорлиги алам қилиб, қовоғи тўрвадай осилиб кетди. Гапиринг, нима дейсиз, деган маънода зардали қараш қилди.

Бирок сўзлаш Эрназар полвон учун осон эмасди. Гап, охир-оқибат, аёвсиз қамчиланиш билан яқунланишини сезгани сари юраги сирқираб, ўзини беҳузур ҳис этмоқда эди. Ақл чиғириғи айлангани сайин, ўғли-

ни оқлашга кодир бирон-бир илинж йўқлиги тобора равшанлашиб, ғазаб ва нафратдан афти корайиб, униқиб- бормокда эди. Боз устига, жувоннинг жонсарақ бокишларини кўз ўнгидан қуволмай, баттар хуноби ошмокда эди. У хаёлини чалғитиш учун ўғлининг елкаси оша қаршига, арчазорга, сўнг каттакон харсангтошга термилди. Жувоннинг гунохкорона сиймоси харсанг қатидан силқиб чиққандай туюлди. Кўзларини чирт юмиб, бошини ўнгга бурди. Кўз очиб, тик қояни кўрди. Қоя бети инсон чехрасига ўхшаб кетишини энди пайқаётгандек, унга диққат билан тикилди. Қоя юзида нам кўрди. Тунда қўнган қалин шудринг қуёш тигида эриб, қоя бети бўйлаб пастга сизмокда эди.

Эрназар полвон бу хил ҳолатни тоғда кўп кузатган бўлса-да, бу сафар айрича эътибор берди. Шу тобда қаршисида ўғли эмас, Файбулла чол ўтирганда, тўсатдан миясига келган фикрни яширмаган, қаранг, қоя йиғлапти, деган бўларди. Шу биргина иборада унинг аини пайтдаги рухий аҳволи тўла акс этиб турарди. Аммо бу кечинмани ҳар кимга ҳам эътироф этиб бўлмас, бунинг учун синалган дўст — Файбулла чол керак эди. Файбулла чол дўстини тез тушунибгина қолмай, шунга яраша жавоб ҳам топа билади.

У қояга хаёлчан термилиб тураркан, салдан сўнг унинг тархида жувоннинг ғамнок қиёфасини кўрди. Бу мунис сиймо нафратдан кўра, шафкатга кўпроқ муҳтождек эди. Эрназар полвон ижирганиб, юзини тескари ўгирди. Бирок таъқибдан қочиб қутулмоқ қийин эди. У фикрини ташқи ўйдан муҳобаза этмоқчидай, кенг пешонасини чангаллади. Лекин хаёл деганлари тизгинсиз — на андишани билади, на тўсиқни. Истаманинг сайин ёпирилиб келаверади.

Кеча у Сами чўлоқнинг гапига ишониб-ишонмай, масаланинг тагига тўла-тўқис етмоқ ўйида туман марказига тушганди. Бозор биқинидаги емакхона остонасига қадам қўйганида, кун қиёмга яқинлашганди. Емакхонада одам сийрак, у чекка бир жойни танлаб ўтирдида, чой чақирди. Чой бахона секин кузатмокка тушди.

Эрназар полвон бу ерда ёлғиз бир жувонни учратаман, деб ўйлаганди. Емакхонада икки йигитдан бўлак уч аёл ҳам хизматда эди. Унинг тажрибакор нигоҳи

очиқ айвон бурчагида идиш-тавоқ юваётган аёлни тезда ҳисобдан чиқарди. Билади, ўғли бундай аёлга қиё бокмайди. Аммо столларни тозалаб юрган дуркун жувон билан ичкарида ҳамир чўзаётган оксарикдан келган аёлдан қайси бири ўғлининг дидига ўтиришганини билолмай боши қотди. Ҳар иккисида ҳам эркак кишининг диққатини тортишга қодир нимадир бор эди.

У емакхонага кўп кирган бўлса-да, аёлларга сира эътибор бермаганди. Ори келиб Сами чўлокдан ҳам тузук сўраб-суриштирмаган, ўғлига эса бу ҳақда чурқ этмаган. Барини ўзи секин билиб олиб, сўнг шунга қараб иш тутмоқчи эди.

У аёлларни зимдан кузатишда давом этиб, бир чойнак чойни бўшатаркан, охири бу ўтиришда бир иш чиқаролмаслигига кўзи етгач, таваккал қилиб, стол устини тозалаб юрган жувонни ёнига имлади.

Жувон ошиқмай келаркан, стол устига тезгина кўз югуртириб, тозалигига қаноат ҳосил этгач, нима дейсиз, деган йўсинда унга бокди.

— Ўтир, кизим, — деди полвон.

Жувон ажабсиниб, курсилардан бирига омонатгина чўқаркан, хўш, дегандай қаради. Эрназар полвон унга чой қуйиб узатди. Аёл бош чайқади.

— Шеф уришади, — деди сўнг ошхона томонга тезгина қараб олиб.

— Кизим, — деди Эрназар полвон унинг тикмачоқдек билакларига киши билмас кўз солиб. — Ўсарвойни қидириб юрибман. Танимайсанми уни?

Жувон унга савол аломати билан қараркан, елка қисди.

— Нима, танимайсанми? — Эрназар полвоннинг кўзлари айёрона қисилди. — Баланд бўйли, чиройли йигит. Мўйлавиям бор. Юзи оковадан кеган.

Жувоннинг пуштиранг чехраси бирдан ёришди.

— И-ха, Алиқни айтаяпсизми?

— Қанақа Алиқ? — Эрназар полвоннинг энсаси қотди. — Ўсарни сўраяпман мен.

— Биз уни Алиқ деймиз, — жувон ўрнидан турмоққа чоғланди. — Мавжуни таниши у. Қаердалигини факат у билади. Сўраб келайми?

Эрназар полвон, ўтир, дея имо қиларкан:

— Мавжуинг ким? — деб сўради.

Жувон хамир чўзаётган аёлга ишора қиларкан, турмоқ, кетмоқ илинжида чойнакка қўл чўзди.

— Чой дамлаб келайми?

Эрназар полвон йўғон бармоқлари билан чойнак бурнидан тутаркан, кенг деразадан барала кўриниб турган оксариқ жувонга зимдан тикилди.

— Уларнинг ўрталарида не гап бор?

— Кимнинг?

— Ановуларнинг. Отини нима дединг? Ха, Алик билан манову аёлнинг?

— Юришади шекилли, — жувон истамайгина жавоб кайтарди.

— Ўйнаш тутган де! — Эрназар полвоннинг овози қалтираб кетди. — Тушунарли.

Жувон унга ҳадикланиб боқаркан, чақирайми, деди аста.

— Чақир!

Эрназар полвон ичкаридаги жувонга ер остидан боқаркан, ўглини янди: «Ярамас, отиниям ўзгартириб опти. Биров танимасин деган-да».

Мавжу дегани сал фурсат оралатиб, унга рўпару бўлди.

— Чақиртирдингизми, амаки?

Эрназар полвон унга бошдан-оёқ разм соларкан, беихтиёр унга курси сурди. Лекин жувон ўтирмади. Отага қизиксиниб қараб тураверди. У кўхликкина, бокишлари анча дадил эди. Ундаги бу дадиллик озгина хаё билан коришиқ бўлиб, жилмайганда кишини мафтун этувчи жозиба касб этарди. Полвон буни дарров билди ва баттар зардаси қайнади.

— Ўсарни танийсанми? — деб сўради дабдурустан.

Мавжу бош ирғади-да, қизиксиниб тикилиб тураверди.

— Нима эди? — деди сўнг.

— Ораларингда нима гап бор?

— Тушунмадим? — жувон ажабланди.

— Сенга ким бўлади у ўзи?

— Ҳеч ким.

— Нега унда атрофингда ўралашиб юрибди?

— Буни у кишидан сўранг, — Мавжунинг чехраси оқаринқиради. — Кечирасиз, ўзингиз ким бўласиз?

— Ўша ярамас боланинг отаси бўламан.

— Нима истайсиз мендан?

— Ораларингда нима гап бор, шуни билмоқчиман.

Мавжу кўзларини пастга олди. Ёноқлари аввал қизариб, сўнг оқарди. Кейин кўз кирида зардали қараш қилиб, нима ишингиз бор, деган маънода бошини бир ён бурди. Чукур хўрсинди. Хўрсинганда бўлиқ кўкси бир кўтарилиб тушди. Сўнг кетмоқ ўйида ортига ўғириларкан, отанинг вазоҳатидан чўчиб, бу ахдидан қайтди. Кўзларига жонсарақлик иниб, кийнаманг мени, дегандай отага илтижоли боқди.

Аёлнинг ҳаракати-ю ҳолатидан ўзи кўрқиб кутган ходиса юз берганини англаб етган Эрназар полвоннинг жони халқумига келди. Демак, ўғли аллақачон бузуқлик кўчасига киришга улгурибди. Бу ўй миясига урилиши билан ўнг қўли беихтиёр белбоғига қистириғли қамчисига чўзилди. Лекин кимни уради? Манову ожизаними? Нимасини уради бунинг?

Эрназар полвон ҳаромдан моховдан ҳазар қилгандай жирканарди. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабатни фақат никоҳ орқалигина кўрарди. Шу боис, эндиги гапи шу йўсинда бўлди.

— Кўнгилларинг бир-бирингга сушт кетган экан, ҳалоллаб кимайсанларми шу ишни. Итга ўхшаб илиқиб юришларинг нимаси?

Жувон синиқ кулимсираркан, жуда содда экансизку, амаки, деган маънода кўз кирида бир қараб қўйди-да, сўнг, мен бораёй, дея секин изига бурилиб кетди.

Эрназар полвон ортиқ сўз қотишга ботинмади. Ваҳоланки, бунга ҳожат ҳам қолмаган, бор ҳақиқатни билиб олган эди у.

У шу дамгача стол ортини тўлдириб, одатига хос, керилиб ўтирарди. Жувон кетгач, бирдан шалвираб тушди. Кўксини столга ташлаб, аста теваракка кўз солди. Хаёлида, ҳамма уни кузатиб ўтиргандек эди. Йўқ, хўрандалар ўзлари билан овора, у билан бировнинг иши йўқ эди. Шунга қарамай, бу ерда ортиқ қолишдан истиҳола қилди. Емакхонадан мағлуб бўлган полвондек, елкалари чўкиб чиқди. Бозор майдонини

хам шу ҳолатда босиб ўтди. Оёқлари чалишиб, оти ёнига ошиқди. Шаҳарни тарк этсагина бу шармандаликдан қочиб кутуладигандек, отини қичаб ҳайдади. Шаҳар кўчаларидан одамларни хуркитиб, юракларига ваҳима солиб ўтди.

* * *

— Нима демокчи эдингиз, ота?

Бу гапдан Эрназар полвон бир қалкиб тушди. Панжалари орасидан ўғлига ўқрайиб боқаркан, унинг юзида тажанглик ифодасини кўриб, қаҳри жунбишга келди: «Тавба, ҳам гарлик, ҳам пешгирлик экан-да!» Бу ўй отанинг кўнглидаги ададсиз андишани қувди. Кафтини юзидан ола-ола, кеча емакхонада жувонга гапиргандек, бамайлихотир деди:

— Шаҳарда нима балчик босиб юрибсан?

Бу савол оғзидан осонгина сирғалиб чиққан эса-да, мавзунинг жирканчлиги барибир Эрназар полвоннинг тишини камаштириб юборди. Шу ёшида тилга ўта дағал туюлмиш масалада гап суришмоқликни оғир қисматдек билиб, шу кунга ичида лаънатлар ўкиди. У ўз фарзандидан қаттиқ ирганмоқда эди. Азбаройи ирганганидан оғир гавдасини сал ортга ташлаганини ҳам сезмади. Аммо бу ҳол юқоридаги саволни қайталашга ҳалақит бермади. Бунга жавобан ўғли елка қисди.

— Нимани назарда тутаяпсиз, тушунмаяпман, ота?

— Кимга илакишиб юрибсан деяпман? — Ота бу гапни оғзига беҳос тушиб қолган ножоиз нарсани туфлагандай қилиб айтди.

Ўсар меровсираётган эса-да, отанинг емакхонага қилган ташрифидан кечаёқ хабар топган, жувон бор воқеани унга айтиб берганди. Шунга қарамай, у талмовсирашда давом этди.

— Кўзимга қара, бола! — Эрназар полвон кўлидаги камчини ўнғай тутиб, ўғлига қаттиқ тикилди. — Етти десам ўтирик бўлар, лекин олти пуштимни яхши биламан. Аждодимиздан ҳеч ҳаромхўр чиқмаган. Бари диёнатни маҳкам тутишган. Сен қаердан бунақа қони бузуқ чиқиб қолдинг? Бундай чикин нарса йўқ эди-ку бизда. Қайси шайтон йўлдан урди сени? Айт, ўша

шайтоннинг киндигига пичок тикиб, бўғзигача айириб ташлай!

У калтироғини босиш учун бир зумга гапдан тўхтади. Терчиган манглайини кафти билан сидириб, роят таассуф билан яна гап бошлади.

— Энг ёмони, қонинг бузук сени! Энди сендан қандай зурриёт туғилади, буни фақат худо билади. Ўзинг бўса, туғилмаганинг минг марта афзал эди...

Ўсар бош эгиб ўтирган бўлса-да, ўзини мутлока беайиб сезарди. Шу боис, қон тўғрисидаги гапдан энсаси қотди. Томоқ кириб, ўзининг норозилигини билдирган бўлди. Ўзининг қилмишига у бутунлай ўзга муносабатда эди. Бу қилиғини кўнгил хоҳиши, янада аниқроғи, йигитчилик деб биларди. Отасининг тутакшидан кулгиси қистади. Азалдан у отасини эскигандускиган, ҳаётдан нихоятда орқада қолиб кетган одам ҳисобларди. Шунингдек, у акалари ҳақида ҳам шу фикрда эди. Акалари ҳам оталари каби жуда покдамон эдилар. Лекин ҳаётда диёнатуну покликдан ташқари «лаззат» деб аталмиш тушунчалар ҳам бор-ку. Бу борада акалари билан кўп тортишар ва ҳар сафар уларга нисбатан кучли ачиниш ҳиссини туярди.

У ҳозир ҳам отасига ичи ачишиб қаради. Ота ўғил билган ишқий лаззатлардан бебаҳра яшаб келди. Қураш дея, улоғ дея, бола-чақа ташвишида умр ўтказди. Яхшиям, отаси фақат бирини билади, агар бошқа ишқий саргузаштларидан бохабар бўлса борми, ҳеч ўйлаб турмай тиккалай сўярди.

Ўсар шуларни ҳаёлидан кечираркан, беихтиёр юзига табассум қалкиди. Бундан отанинг ғазаби янада тошди.

— Нимага иршаясан?!

Ўсар қовун туширганини пайкаб, ерга бокди.

— Ув-в, қизбет, сендан сўраяпман?

«Қизбет» деган сўздан Ўсарнинг ҳамиша елкаси тиришарди. Ҳозир эса бирдан тутакшиб кетди.

— Етар! — деди кўзлари чакчайиб. — Индамаган сайин...

Оббо, отага жеркилди. Оиладаги азалий таомил яксон этилиб, падарга гап қайтарилди. Бундан Эрназар полвон бир муддат довдираб қолди. Сўнг илкис

олға эгилиб, ўғлининг елкасига аччиқ қамчи тортди.

Ўсар сакраб ўрнидан турди. Елкасини сийпалаб, отага ғазабкор тикилди. Кўркам юзи сурланиб, кўзларига қон қуйилди.

— Нимаси бу, ёш боламидим мен сизга!

— Ўтир! — Эрназар полвон қамчи учи билан жой кўрсатди. — Ўтир деяпман!

Ўсар яғрини сийпалай-сийпалай, ноилож чўкди. Отасининг яна тушириб қолишидан ҳайиқиб, бу гал сал олислаб ўтирди.

— Мен сенга ҳалол лукма бериб боққанман, ярамас! — Эрназар полвон ички бир ёзғириш билан койинишга тушди. — Қайси гўрдан бу қадар ҳаромхўр чиқдинг?! Ё итмисан? Ҳатто ит ҳам дуч келган нарсани оғзига олавермайди. Нима, итдан ҳам харобмисан, аҳмоқ!

У тутакиб сўкинаркан, бирдан хушёр тортди. Бу қилиғи билан шаллақи хотинларга ўхшаб кетаётганини сизди. Ахир у ўғли йўл қўйган гуноҳ учунгина эмас, «бузуқ қон» туфайли азоб чекмоқда-ку. Энди йигитни хоҳ ур, хоҳ сўк — ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Отани бу гуноҳга ундаган сабаб қизиқтирмоқда эди.

Боя бу ёққа келаётиб, кампиридан, анову қизбетнинг жавзасида гумона борми-йўқми, деб сўрашдан ўзини тиёлмаганди. Бу сўров ўзи учун қанчалик ноқулай саналмасин, тилини чўғдай қуйдирган бу жумлани туфлашга мажбур бўлганди. Кампири бошда анқайиб, йўқ, деган, сўнг эса шоша-пиша изох берган: «Ҳали ёш, улгуришар...» Буни қарангки, бу гапдан Эрназар полвон ихтиёрсиз равишда севинган: «Ҳайрият, ҳаром қон ҳали урчишга улгурмабди». Кейин у ўғлининг ит эмаслигидан ўкинган. Ит бўлганидами...

Эрназар полвон жаврашдан тийилиб, сукутга ботаркан, оёғини қисган қопқон билан олишавериб, ҳолдан тойган йирткичдай ночор жавдираб ўтирган ўғлига зимдан боққан жойида, бирдан кўнглида илинж пайдо бўлди: «Буниям ўз билгани бордир. Балки аёлни чинданам суяр бу? Унга яхши ниятда ёндошиб, мазлумага қора бўлмоқни истагандир. Ана Аҳмад полвон,

ожизанинг эзилишига чидаёлмайман деб, Махмуд бангининг кизини ўз никоҳига олди-ку. Хотиним нима деркин деб турмади. Бу болаям ўзича жувонмардликни хоҳлагандир. Ахир мардлик одамнинг ташида эмас, ичида бўлади-ку, Қани, ичини бир суриштирай-чи бун. Анову жувоннинг ҳам ройиши ёмон эмасдай эди бунга».

Эрназар полвон шу умидда Ўсарни бошдан-оёқ синчков кузатаркан, энди ўртадан нозик бир парда кўтарилиши лозимлигини англади. Бундан бадани титраб, кўзларини бир зумга пастга олди.

У не човли қаҳри каттиқ ва сўзи ўткир бўлмасин, ўғиллари билан аёллар ҳақида гаплашмоқни жини севмасди. Бу борада жуда каттиқ истиҳола қиларди. Яна бир феъли, аёл зотини менсимаса-да, муносабатда уларни улугларди. Аёл номини булғаб сўзлайдиганларнигина эмас, фосиқ нигоҳ эгаларини ҳам ёмон кўрарди. Йўлда бирор аёлга дуч келиб қолса, у хоҳ таниш, хоҳ нотаниш бўлсин, кўз солмас, саломига алиқни бошини терс ўгирган холда оларди.

Кўклам ўртаси кунботишдан тентак шамол кўзғолган кезлари, айниқса, у нокулай ахволга тушиб қоларди. Бу шамол ўз номи билан тентак-хотинларнинг либосини тортқилаб, баданига чиппа ёпиштирарди-да, коматини бор ҳолича кўз-кўз этмоққа тушарди. Бундай вақтда Эрназар полвон ҳовли юзида туролмас — ё меҳмонхонага биқинар, ё отланиб тоққа чиқиб кетарди. Бир гап билан айтганда, кўз зинокор, кўнгил эсандан баттар — гуноҳдан аллоҳнинг ўзи асрасин, дейдиган кишилар тоифасидан эди у. Шунинг-чун ҳам емакхонада учратган жувон ҳақида хануз ёмон ҳаёлга бормасликка тиришар, миясига келган нохуш ўйларни имкони етганча нари қувларкан, бу ишда яккаш ўғлини айбламоқда эди. Унинг зинога мойиллиги ғазабини кўзитмоқда эди. Гунажин кўзини сузмаса, бука ипини узармиди, деган ақидага қарама-қарши, гунажиннинг кўзини сузмоққа мажбур этган қони бузуқ «бука»дан нафратланмоқда эди. Бу ишда ҳамиша биринчи навбатда эркакларни айбларди: «Мана менга ҳеч қим кўзини сузмайди-ку, — деб ўйларди ўз-ўзидан мамнун бўлиб. — Сузган тақдирдаям худо берган диёнатни

махкам тутиб кам бўлмадик. Қизарган этакка кўз сола-
версак, одам бўлиб қаерга борардик. Итдан нима фар-
қимиз қоларди?...» Албатта, бу масаланинг биринчи
томони, иккинчи томони ундан кўра дахшатлироқ эди.
Эрназар полвоннинг фикрича, қони бузуқ эркакнинг
насли айниб, ёмон зурриёт юзага келармиш. Насл
айнидими, тамом — эркаклардан иймон, аёллардан ҳаё
қочармиш. Ва оқибатда, дунё телбаланиб, ер силки-
нармиш, дарё тошиб, тоғу тошни сув босармиш. Бу
хил қараш унга отаси Омон полвондан юккан бўлиб,
эътикод даражасига айланганди. Омон полвон оппок
соколини силаб, бу дунёнинг ёлғончилиги-ю, у дунё-
нинг ҳақлиги хусусида кўп сўзларкан, бу дунёси бир
синов, баҳонгни у ёқда оласан, дерди. Мана шу боис,
Эрназар полвон иймонини бут сақлашга уриниб, харом
туёлган нарсани остонасига яқин йўлатмай келди.
Аммо аяган кўзга чўп тушар деганлардек, мана ўғилла-
ридан бири фосиқ чиқиб турибди. Агар ростанам шун-
дай бўлса, бу ёғини худо урибди.

У қарама-қарши ўйларини базўр жиловлаб аста
бошини кўтарди. Ота-бола ўртаси мавжуд нозик пар-
дани бир ён суриб, ўғлига илинж билан тикилди.
Умиди сароб бўлиб чиқишидан хайкиб, ботинмайроқ
деди:

— Ўша аёлда кўнглинг бор экан, буйтиб яшириб
юрмай, Аҳмад полвондай эл-юртга билдириб, ҳалоллаб
олмайсанми. Агар келин томондан хавотиринг бўса,
мана мен бор. Гаплашаман, тушунтираман. Хўш, нега
индамайсан, ҳалоллаш ниятинг борми ўзи?

Бахтга қарши, Ўсар, йўқ, деб бош чайқади.

Эрназар полвон оғир гувранди. Миясида кўзғолган
оғриқ титроққа айланиб, қўллари томон силжиди. У
бир амаллаб ўзини босаркан, иккиси ўртасига адо-
ватнинг залворли харсанги гурсиллаб тушганини ҳис
этди. Бу энди яхшиликдан дарак бермас, «харсанг»
зарби билан кўтарилган «чанг» ғазаб ва нафрат зарра-
ларидан ташкил топган бўлиб, отанинг шуурини фа-
лажлаб, идрок этишга изн бермас, қамчинга қаноат-
этмай, қўли беихтиёр ёнида ётган калладай тош то-
монга нўзиларкан, аммо минг қилсаям фарзанд, сўнгги
дақиқада у силкиниб яна ўзига келди. Ўғлини ўзининг

тийиксиз газабидан кутқармокка тиришди. Ич-ичидан туғилган қатъий ҳукмга нисбатан айтиладиган жавобдан ўғлининг тақдири ҳал бўладигандек, ҳалоллайсан энди, деди.

Ўсар, қизикмисиз, ота, деган йўсинда ўшшайди.

— Кимлардир искаб кетганни-я, — деди кейин.

Қизик, ота бу гапдан шалвираб тушди. Ўзи кутганча кутуриб кетмади. Демак, ўғли бўғзигача балчикка ботибди. Зоти бетайин итдай, нажасдан ҳазар қилмайдиган бўлибди. Ит-ку майли, лекин бунини нима қилиш керак? Қамчилашдан энди фойда йўқ. Қалтак баданнигина эзади, руҳ эса ўзгаришсиз қолаверади. Уни ўзгартира олишга бандасидан ўзганинг қудрати етмайди. Қачонки, имони бут бўлсагина. Қаршисида бош эгиб ўтирган манову маълунда бу нарсадан асар ҳам сезилмаяпти.

Эрназар полвон ўзини ожиз хис қилди. Минг бир йил дард чеккан одамдай куйидаги сўзларни базўр гулдирай олди.

— Кимлардир искаб кетганга нега сен ожиз солиб юрибсан, ҳаромхўр!

Ўсар тош асридан қолган асори-атикага тикилгандай, отани зимдан кузатаркан, унинг бу қадар изтироб чекишидан бошда таажжубланди, сўнг кулгиси қистади. Ҳартугил, башарасига қалкиган эрмакловчи табасумни ўз вақтида тийишга улгурди. Ҳозир ҳар қандай ваз ортиқча, бу борада отасига ҳеч нарсани англатиб бўлмайди. Қилмиши ўзи учун арзимас нарса эса-да, ота учун нақ фожианинг ўзи эди. Энди қандай қилиб бўлса-да, вазиятни юмшатмок лозим эди.

— Ота, — деди у қилмишидан бағоят азоб чекаётгандек, бир оҳангда. — Бир адашдик-да, энди бу ҳол ҳеч қачон такрорланмайди. Сўз бераман сизга.

Эрназар полвон бу гапга зиғирча ишонмади. У шармсизликни тузалмас дард деб билар ва бунга бир неча бор гувоҳ бўлганди. Ўшандай воқеаларнинг бири-ни битон заводида бошидан кечирганди. Оғайнилар бу ерда маҳбуслик муддатининг сўнгги йилларини ўташаётган эдилар. Завод жамоасининг ярмини маҳбуслардан ташқари, фуқаролар ташкил этарди. Улар ора-сида малла сочли кўҳликкина кранчи жувон ҳам бор

эди. Шўрлик аёл крандан пастга тушди дегунча икки-уч суллоҳ ва шилқим эркаклар оғушида қоларди. Айниса, Толя деган давани бир йигит жуда тегажок эди. Жувонни чирқиратиб, эзғилашдан ҳузур қиларди.

Эрназар полвон бу ҳолга токат қилолмай, қўлидан келганча аёлни ҳимоя қилишга уринарди. Ана шундай уринишлардан бирида Толя билан гапи чап тушиб қолди. Толя унинг эътирозларини ишшайиб тингларкан, темирчининг босқонидай кенг кўксини тўлдириб нафас олди-да, кўз сузилади, қўл чўзилади, дея қисқа жавоб қилди. Шу гапдан сўнг Эрназар полвон, қаватида ҳамишагидек, Ғайбулла мерган, ўзича аёлни «суд» қилмоқчи бўлди. Аёл унинг аччиқ-тизиқ гапларини кулимсираб тингларкан, ачинаяпсанми, деди. Эрназар полвон бош ирғади. Ғайбулла мерган эса одатига хос гапнинг лўндасини айтди қўйди: «Ғунажиндай кўринган буқага кўз сузавермай, биттасини танлади-е, энагар. Ҳамма ерни наҳс бостириб юбординг-ку!» Жувон унга лоақал эътибор беришни лозим кўрмай, Эрназар полвонга ғамзали боқиб деди: «Унда ҳимоя қил. Нега турибсан оғзингни очиб».

Эрназар полвон аёлни ҳимоя қилди. Эртаси уни Толянинг чангалидан юлиб оларкан, йигитни бошлаб суробини тўғрилаб қўйди. Аммо Толя деганлари гавда жиҳатдан зўр бўлса-да, амалда пўк экан жуда, бошлиқларга шикоят қилди. Оқибатда, Эрназар полвоннинг муддатига яна муддат қўшилди. Муштлашув пайтида ёнида темир тутиб, ҳар эҳтимолга қарши, ҳамлага шайланиб турган Ғайбулла мерган ҳам бу насибадан бебаҳра қолмади.

Эрназар полвон маҳбуслик муддати яна бир оз чўзилганидан қўпда қуйинмади. Бир заифанинг шаънини ҳимоя қила олганидан ўзича сархуш эди. Аммо бу сархушлик орадан уч кун ўтмай нафрат билан алмашинди. Тунги сменада у аёлни Толянинг оғушида кўрди. Битон тахламлари орасида уларни жуда хунук иш билан андарман ҳолатда учратди. Бошда у шамдай қотди. Сўнг беихтиёр қўлига темир бўлагини олди-да, изтироб оғушида қаққайганча туриб қолди. Бу орада Толя унга пешвоз юрди. Пешона терларини камзули этаклари билан сурта-сурта мамнун ва масрур бир

киёфада ёнидан илжайиб ўтиб кетди. Қўлидаги темир бўлаги ерга жаранглаб тушгандан кейингина Эрназар полвон ўзига келди. Энгил-бошини шоша-пиша тузатаётган аёлга аста яқинлашди: «Агар яна қорангни кўрсам, ўлдираман!» Аёл кўрқув тўла кўзларини унга тикаркан, ҳазиллашмаётганини англади.

Орадан икки йил ўтиб, улар тагин учрашдилар. Озодликка чиққан куни икки оғайни кўчадан бахтиёр кетиб борардилар. Бир вақт Ғайбулла мерган, и, кара, деб қолди. У бошини кўтариб, қаршисида аёлни кўрди. Жувон қаватида икки боласи, рангпар эри билан қўлтиклашиб келарди. Уни кўриб, аёлнинг ранги сал оқарсада, ўзини сезмаганга олди. Қурмағур гўзал эди, фарангги атир ҳидини бурқситиб ёнларидан ўтди-кетди.

Эрназар полвон уни кўз кирида кузатиб қоларкан, юраги торигиб, мусаффо осмонга бокди. Осмон тиник ва фусункор эди. Нигоҳини қуйига олди. Одамлар, турли киёфалар, шаҳар шовқини... У яна кўкка тикилди. Шу тикилганча нидо қилди: «Кетдик, ошна! Тоғу тошларга кетдик!»

Ўшанда кўнгил оройишини тоғлардан истаб, кишлоғига ошиққанди. Тоғлар зада юрагини овутибгина қолмай, гавжум ҳаётнинг гавжум қусурларидан форулаган, ўтган кунлар ёди эса бамисоли суваракдай хотирасининг чекка-чекка қавакларига яширинганди. У энди тинч эди, гўё ҳаётида нохуш йиллар ва кунлар бўлиб ўтмагандек, ўта осойишта эди. Кўхна ўйлар ортиқ уни безовта этмас, одамзодга хос иллатлар тева-рагини қуршаган мана шу тоғу тошларга ҳеч қачон доримайдигандек жуда хотиржам эди. Аммо, мана, фавқулудда билдики, ўша иллатлардан бири тоғ ҳавосини бузмокқа киришибди. Бу нарса ўзининг пушти камаридан бўлган фарзанди тимсолида нақ қошида манаман деб турибди.

Эрназар полвон зилдай оғир нигоҳини тева-ракка солди. Назарида, тоғлар ўзининг кўнглидек ғариб ва мискин эди. Тўғрига бокди. Қаршисида бош эгиб ўтирган ўғли кўзига чиркин, ўта чиркин кўриниб, нафаси бўғилди. У ўзидан дарак бериб, аста санчимокқа тушган юраги устини сийпаламоқ бўлиб, яланг тўшига қўл юбораркан, ўнг ёнида шарпа илғади. Аста ўша томонга

ўғирилди. «Йиғлоқи» қоя биқинидан қуйига энган сўқмоқ бошида Кўктойни кўрди. Кўктой дардманд жониворларга хос сусткашлик билан ҳаракатланар экан, уларни кўриб чўнқайди. Салдан сўнг итнинг қаватида Сардор пайдо бўлди. Бола бобоси билан амакисини овлоқда кўриб ажабланиб турмади. Қайтамга қувониб, сўқмоқдан пастга эна бошлади. Ит унга эргашди.

Ўсар жиянининг ташрифи жонига ора киргани ва шунга қарамай, ҳали гап тугамаганини сизди. У, мен борай, деган маънода ўрнидан ярим кўзғалиб, отасига қаради. Ота индамагач, оёққа қалкиди-да, қоя томон юрди.

Ота ўйга чўмганча қолаверди.

* * *

Қоя бошига кўнган офтоб қуйига юмалаб, қишлоқ узра шом пардаси ёйилганда, Эрназар полвон Ғайбулла чолни қора тортиб, ёлғизоёқ сўқмоқдан пастга эна бошлаганди. Юрагини аёвсиз кемираётган муаммо юзасидан дўстидан бирор жўяли маслаҳат чиқишига унчалик ишонмаса-да, одам тафтини одам босади дея унинг ҳузурига ошиқмоқда эди. Ўз навбатида, айни шу нарсанинг ўзидан дили хуфтон тортиб борарди: «Йўрғалашимни қара! Бу туришимда борасолиб кўзёши қилсам ҳам керак! Ҳа-ҳа, қарибсан, Эрназарвой, қарибсан! Эмасам, дамингни чиқармасдинг! Даминг чиқаяптими, демак, қарибсан!..»

Аслида, Ғайбулла чолга дил ёрмоқ фикри кундузиёқ хаёлига келганди. Нимаям қилсин, ҳақиқат тўла ойдинлашиб, ўғли айбини тан олгач, шўрлик ёмон аҳволга тушиб қолганди-да. Азбаройи, гарангсиганидан, Ўсарнинг қачон ва қай вазиятда олдидан туриб кетганини ҳам пайқамади. Қачонки, ит қаттиқ аксиргандан сўнггина ҳуши ўзига келиб, бундай ён-верига аланглаб қарасаки, ўнг ёнига невараси чўккан, оёқсарисида ит чўзилган, Ўсар эса аллақачон жуфтакни ростлаб қолганди. Уларнинг келишини ёқтирмай, у гоҳ болага, гоҳ итга боқаркан, кўзи жониворнинг жароҳатига тушиб, юрагига ўшандай оғир жароҳат инганини сизди. Томирлари бўйлаб қуюқ, ёпишқоқ қон

силкиб оқаётгандек, ўзини жуда лохас хис этди. Кейин туйқусдан ич-ичидан кўзғолган аччиқ аламга чидаёлмай, боя кўз остига олиб қўйган калладай тошни чангаллаб бор кучи билан пастга улоқтирди. Тош пачана арча танасига бориб урилиб, касир-қусирлаганча куйига юмалаб кетди.

Унинг бу харакатидан ит хуркиб, бола хайрон бўлди. Сўнг бобосига таклид килиб, у ҳам қўлига тош олди. Аммо бобосининг авзойидан ҳозир кўнгилхушликнинг вақти эмаслигини ўз вақтида пайқаб, бу ишдан ўзини тийди. Бобосидек юзига жиддий тус бериб, индамай ўтираверди.

Эрназар полвон бола олдида «аза» тутиб ўтиришдан ийманиб, ниҳоят, ўзини қўлга олди. Эгик қаддини тиклади. Бир хаёли, Ғайбулла чолнинг олдига бориб, юрагини бўшатгиси келди. Бирок дайди ошнасининг кундузлари уйдан топиш мушкуллигини ўйлаб, бу фикридан қайтди. Сўнг кўнглига тоғу тошлар оро кирадигандек, сайр этмоқни ихтиёр қилди-да, неварасига буюрди: «Бор, отангга айт, отни эгарласин!» Кейин қўшиб қўйди: «Итни занжирла, эргашиб гаранг қилади».

Аммо тоғу тошлар юрагига таскин беролмади. Кечга яқин курашда бой берган полвондек, сайрдан жуда эзгин қайтди. Одатдагидек, югуриб чиққан невараларини эркалашга ҳам ҳафсаласи келмай, қир тумшуғи томон юрди. Ўғлининг улови кўринмас, келини супада ёлғиз юнг титиб ўтирарди. Келинига унинг раҳми келди. Билади, келини ўғлини жонидан ортик кўради. Буни у жувоннинг кўз қарашларидан пайкаган. Унинг ўткир сезгиси яна шуни фаҳмлаганки, бу ёш аёл эрига қатор ўғиллар туғиб бериш орзуси билан яшайди. Барча тоғ аёллари каби бу нарсани улуг бахт деб ҳисоблайди. Аммо бўлғуси фарзандларининг отаси аслида кимлигини у билармикан? Афсуски, билмайди. Дунёда унинг эридан кўркам, мард, ҳалол одам йўқ. Эрининг биргина кулиб қарашига жонини беришга тайёр. Эркалашларидан эса тани яйраб, дили қувнайди. Бундай кезларда тун чароғон тортиб, кундуз турфаланг олади. Тоғу тошлар ажабтовур кичрайиб, эри

тоғлардан ҳам юксак, тоғлардан ҳам қудратли бир сиймога айланади. Шу билан биргаликда, келинчак ўзининг гўзаллигини яхши билади. Билгани боис, эрининг ўзига хиёнат қила олишини хаёлига келтирмайди. Келтирадигина эмас, дунёда шундай жирканч иллат борлигини ҳатто тасаввурига сиғдиролмайди. Сойга келиб қуйиладиган анову булоқ сувидай қалбиям, фикриям тоза. Оламни қандай кўрса, шу ҳолда идрок этади.

Агар худо унга шу тобда қайнотасининг қалбига мўралай олиш имконини берганида эди, у суюкли кишисини бутунлай тескари тасаввурда кўрган бўларди. Тоғлардан юксак кўринган эри аслида чуволчангдан майда ва хароб, мардона кўринмиш нигоҳи қаърига фаҳш ин қурган, бақувват қўллари ўзга аёл баданидан жирканмаганидек, қатъий кимтилган лаблари бегона дудоклардан ҳазарланмайди. Энг дахшатлиси, кўзни алдовчи кўркам вужудида ҳаром қон гупуради. Бу қон эса эрта бир кун дунёга келадиған фарзандлари томирида ҳам кўпиради. Ох, қандай дахшат бу!

Аммо ҳамма бахт шундаки, ўзга қалбга мўраламоқнинг асло имкони йўқ. Бу хусусиятдан одамзод маҳрум. Акс ҳолда... Бунинг устига, дунё ва шахсга нисбатан ҳар ким ўз нуқтаи назари юзасидан ёндошади. Кимгадир қора кўринган нарса бошқа бировга оппоқ туюлади. Балки мана шунинг учун бу олам чигалликлари давомли, чиркин ишлари яшовчандир. Боз устига, тоза қалб ҳамиша риёдан холидир. У ёмонликка тезда инона қолмайди, яхшидир, деган илинж унда доимо устувор бўлади. Агар ҳозир биров келинчакка, эринг хиёнаткор, деса, унинг ишониши қийин кўчади. Қўнглида бамисоли илондек ғимирлашга тушган ноҳуш ўйлар суюкли эрининг биргина кулиб қарашида ноқ изсиз йўқолади. Чунки унинг кўзи ёмонни кўрмаган, дунёда ёмонлар, фақат ёмонлик учунгина туғилганлар борлигини билмайди, ҳатто буни тасаввурига ҳам сиғдиролмайди.

Эрназар полвон эса ёмонларни кўп кўрган. Қамокхонада ва кейинчалик ҳаётда уларнинг хили-хили билан учрашган. Бундайларга эзгулик — бегона, одамийлик — ўғай, улар на ватанни билади, на қадриятни.

Барча ҳаракатлари замирида нафс ётади ва тириклик деганда, ўшанигина тушунишади. Эрназар полвон уларга ўзича ташхис қўйган: «Қони бузук!» Ёмонлар ҳеч қачон тузалмайди, деб ўйлайди. Мавҳ этиш билангина ер юзини улардан тозалаш мумкин, дея фикр қилади. Аммо бу борада унинг кучи фақат итларига етади. Дунё дегани ёлғиз кўрғонидан иборатдек, бу юмушни ўта ҳафсала билан адо этади. Қишлоқ тўла ҳашаки итлару, у эса зўр бериб итларининг наслини яхшилашга уринади. Начора, ҳаётда унинг ўз мезони, ўз ўлчови бор.

Эрназар полвон келинидан кўзини уза-уза, мушкул ўйлар қуршовида қир тумшугига аста чўқаркан, нигоҳи билан Файбулла чолни кидириб топди. Ошнаси ҳовлиси юзида ғимирсиб юрарди. У, шуни истаса-да, дўсти қошига ошиқмади, шунингдек, қўл сирмаб чақирмади ҳам. Кейинроқ тушарман, деган ўйда қишлоққа разм соларкан, бирдан юрагига шубҳа оралади: «Нега қишлоқ жим?» Биладики, қишлоқда гап ётмайди. Сами чўлок билган сирдан бошқаларнинг воқиф бўлмаслиги асло мумкин эмас. Қишлоқ кайвониси сифатида уни ё авайлашмоқда, ё бу ишни ортиқ айб санамай қўйишган. Қишлоқнинг сукутдалигидан шубҳаси ортиб бораркан, калбини ўкинч ва алам кемира бошлади. Одамлар жимми, демак, уларнинг ори ва андишасига путур етибди. Яхши-ёмонни фаркламай қўйишибди. Йўқса, мана неча кундирки, ўз ёғида ўзи қоврилиб юрибди. Бирор киши, холинг қалай, анову эркатойинг ипини узиб юрган эмиш, нима қилдик энди, дея келмади. Сигири емлаб қолса, югуриб келадиган одамлар мана энди қорасиниям кўрсатишмаяпти. Ё ўғлинг шу экан, ўзинг гўр бўлармидинг дейишаяпти-микан? Умуман, нималар бўлаяпти ўзи?

Бу ўйдан Эрназар полвон гангиб қолди. Аслида гангиши воқеа ойдинлашган кунийёқ бошланган, бунинг оқибатида, у азалий одатларини ҳам унута бошлаганди. Илгари юраги бирон нарсадан торикса, ҳадаха қўй сўйдирар, тўкин дастурхон устида, бола-чақалари даврасида оғир ўйдан форуғ топарди. Эндигиси шунчаки ториқиш эмас, унинг назарида, нақ кулфатнинг ўзи эди. Бу кулфатни кўрадаги бутун қўйларни сўйдириб,

болалари қуршовида ойлаб ётиб еса-да, дилидан ари-тиб бўлмасди. Бир сўз билан айтганда, у ночор ахвол-да қолган, ночорлигини сезгани сайин юраги хасратга тўлиб-тошиб бормокда эди.

У, агар юрагини бўшатмаса, бўғилиб ўладигандек, Файбулла чолни қора тортганди. Иккиланишларини қадам-бақадам енгиб, ошнасининг кулбасига яқинла-шар экан, изидан сассиз эргашиб келаётган шарпани пайқади. Ортига ўгирилиб, ўн одимча нарида хадикона дум силкиб турган Кўктойни кўрди.

— Қайт!

Кўктой чўнкайди. Кетишни хаёлига келтирмади. Эгаси эса ортик кистаб турмади.

Улар ҳовлига олдинма-кейин кириб боришганда, Файбулла чол ўчоқ бошида куйманиб юрган экан, дўсти-нинг ташрифидан жуда қувониб кетди.

— И-и, келинг-ай, дўстим! — деди ҳар галгидек хушхоллик билан. — Сизни чақирай деб энди овоз ростлаб турувдим. Ризкинғиз бутун-да, ўз оёғинғиз билан кириб келдингиз.

Эрназар полвон, одатича, бош ирғаб алик оларкан, кўз кирида ўтириш боп жой кидирди. Нигохи бери-роқ-даги сандалга тушгач, оғайнисининг «сайраш»и остида ўша томонга юрди.

— Бугун юқори газадан тўрттагина каклик тутиб олдим, тузоқ билан, — дея чақак урарди Файбулла чол. — Шунини қозонга босувдим... Сиз ичкарилав-ринг, мен ҳозир...

Эрназар полвон, ичкарида нима бор, деган иддаоли ва ҳорғин киефада сандалга чўкаркан, кутилмаганда сандал синиб, у оёғи осмондан бўлиб, йикилиб тушди.

— Хай, эгаси ўлди-я эгаси ўлди-я, — Файбулла чол унинг тепасига югуриб келиб, кўлидан тутди. — Сан-дални едингиз-а, қишда нима қиламан энди, дўстим?

Эрназар полвон зил-замбил гавдасини базўр ўнглаб ўрнидан тураркан, чирик тахта бўлақларини сепкилаб, ўдағайлаб берди.

— Бунақа зормандани бир четга қўяди-да, э! И-и, ивирсимай ўлинг сиз!

— Четда-ку, жўра, четда.

— Нимаси чет? — Эрназар полвон оғриган думба-

сини киши билмас сийпалаб, жийдаси этакларини
қоққан бўлди. — Кўкиган хотиндан баттарсиз. Ҳамма
нарсангиз омонат!

— Бу... ўзимам омонатман-да, дўстим.

— Эрта-индин ўлаётганингиз йўқ-ку, сал у ёқ-бу
ёққа қараб қўйсангиз бўмайдим!

У тутоққан сайин Файбулла чол кулар, кулиб-кулиб
ошнасини узиб-узиб оларди.

— Ўлишим осон бўсин дейман-да, жўра. Шунинг-
чун зебга унча ҳушим йўқ. Лекин сизга қийин, шунча
жой, шунча давлатни қандай ташлаб кетасиз-а? Кўзинг-
из органгизда кетса керак ўзиям.

— Қариган сари айниясиз, — Эрназар полвон
унинг гапларига парво қилмайди. — Асли илгариям
гўр эмасдингиз.

— Мени сандалсиз қолдирдингиз лекин.

— Ана, меникини оптушинг.

— Сандалингиз ўзингизга буюрсин, — Файбулла
чол унинг елкасига қоқиб, яна кулади. — Қани, уйга
киринг.

— Ичкарида пишириб қўйибдим. Тўшамча опчи-
кинг, ташқарида ўтирамин.

— Анову қора булутдан қурқувим бор, ёғиб қомаса
дейман-да.

— Опчиқаверинг.

Файбулла чол супага жой қилиб, ўчоқ бошига шо-
шилди. Эрназар полвон жойлашиб ўтираркан, ошнаси-
ни гап билан ўйиб олмоқ пайида унга зимдан тикилди.
Бу вақтда Файбулла чол лабларини ёш боладай чўччай-
тириб, ёғоч чўмичда овқатнинг тузини кўрмоқда эди.
Унинг хокисар қиёфаси Эрназар полвоннинг меҳрини
ийдирди. Дўстисиз бу ҳаёт деганлари жуда зерикарли
бўлишини яна бир қарра чуқур ҳис қилди. Олди-орти
тўла бола-бақра-ю, лекин бу дўстининг ўрни ўта бўлакча
эди. Дўлворгина жўраси ҳаётига ўзига хос нур бағиш-
лаб туради. Ҳозир ҳам кўнгли хийла таскин топиб,
тугун тортган асаблари анча бўшашди. Аммо муомала-
да буни билдирмади.

— Қани, берманг кенг-чи! — деди кўрсроқ оҳангда.

Файбулла чол қўлидаги чўмични қозон четига суяб,
ажабсинган қўйи унга яқинлашди.

— Нимага дамизгиз чикмай юрибди? — деб сўради Эрназар полвон.

Гайбулла чол ҳеч нарсага тушунмай қошларини керди ва шундагина дўстининг туси дард чекаётган одамникидай ўзгачароқ эканини пайқади. Бунақа кезларда жўраси алланечук қаримсиқ тортиб қоларди.

Гайбулла чолнинг ажабсинишини, атай қилаяпти, деб англаган Эрназар полвоннинг жахли кўзиди.

— Анову қизбет улнинг қилиғини айтаяпман, — деди. — Нима, чинданам хабарингиз йўқми?

— Худо шохид, ўлимдан бошқасидан сира хабарим йўқ, — Гайбулла чол супа четига омонат чўкди. — Тинчликми, дўсим?

— Сами чўлоқ билган нарсадан сизнинг хабарингиз бўмай қолдими?

Сами чўлокнинг номини эшитиб, Гайбулла чолнинг пешонаси тиришди.

— Гапни чувотманг кўп! — деди овози кескин оханг касб этиб. — Нимани биларкан у?

Эрназар полвон унинг алдамаётганини сезиб, бошини қуйи солди. Кейинги гапни шу алфозда айтди.

— Ул... хотинларга элакишиб қопти.

— Энди эшитиб турибман.

Эрназар полвоннинг кўнглида тагин шубҳа ғимирлаб, бошини кўтарди.

— Ўтирик айтманг.

Гайбулла чол, алдасам худо урсин, деган маънода имо-ишоралар қиларкан, деди:

— Қасддандир балки?

— Қасддан эмас, ўзим бориб суриштириб келдим.

— Чатоқ бўпти.

— Сами чўлоқ билибдики, қишлоқ хабар топган чиқар деб ўйловдим.

— Туллак одам у! — Гайбулла чол подачилардек шалоқ сўкинди. — Ярамас, гапни майдалаб юрмай, пичокни тўғри кўксингизга санчиб қўя қолади. Кейин четдан туриб томоша қилади. Билади, харом-холиш ишларга тоқатингиз йўқ. Энди юргандир ишанглаб?

Эрназар полвоннинг боши солиниб тушди. Дўсти ҳақ эди. Чиндан ҳам Сами чўлоқ жўн одамлардан эмас. Тиғни санчиб қўйиб, жонталвасада тўлғанишини

томоша қилишни хуш кўрадиган кишилар тоифасидан эди. Бугун йўлда учратиб, юзида шунга ўхшаш ифода-ни аниқ ўкиди. У ўтган сафаргидек иршангламаса-да, салом бера-бера, кўз остидан унга синчков разм солган, полвоннинг униккан чехраси, хийла чўккан елкаларидан зарби хато кетмаганини сезгач, кулгисини муртлари орасига яширганди. Ҳа, у зимдан тантана қилишни яхши билади.

— Ҳа, Сами чўлокнинг кунни тугди, — деди Эрназар полвон кўзини бир нуқтадан узмай. — У-ку, майли, отасининг қорнига, хиринглаб уч-тўрт кун димоғини чоғлаб юрар. Лекин улди нима қилдик? Мана шунисига гарангман.

— Сами чўлокни дейдиган бўсангиз, ҳеч нарса қиманг.

— Сами чўлокнинг нима даҳли бор бу ишга? — Эрназар полвон илкис бош кўтарди. — Қилғиликни у эмас, ул қилган-ку.

— Нима қилардингиз, бармоғингизни тишлайсиз энди.

— Бармоқ тишлаш билан иш битса майли эди; — Эрназар полвон чуқур хўрсинди. — Ҳамма бармоқларимни тишлаб узиб олишга ҳам рози эдим. Оқибати ўйлатади мени! Шохим, эшитаяпсизми, бир шохим ириб-чирибди менинг!..

— Шох деб кесиб ташламассиз энди?

— Таги билан кесиб ташлагим келаяпти! — Эрназар полвон титраб кетди. — Лекин қандай қилиб?

— Оғир бўлинг, йигитчиликда бўп туради.

— Йигитчилик итлик дегани эмас-ку!

— Бошқа не иложингиз бор?

— Қараб турсам, харомдан хазар кимайдиган бўп қопсиз сизам!

— Ё тавба, бу тухматингиз нимаси?

— Агар билсангиз, Эрназар полвоннинг кони бузилибди! — Эрназар полвон гуваладек мушти билан тиззаси кўзига туширди. — Қоним айнибди менинг! Бунинг касри энди зурриётларимга уради! Заха еган шохимдан заха мева битади! Ахир ёмонлару шармсизлар осмондан тушмайди-ку. Улимга ўхшаган нокаслардан пайдо бўлади-да. Кимсан Эрназар полвоннинг не-

варалари... Сиз эса йигитчилик дейсиз. Э, уйига ўт тушсин бундай йигитчиликнинг! Кеча отам тушимга кирибди. Қовоғи осилган, бошини чайқай-чайқай, индамай кетди. Узатилган қўлимни олмади. Жирканди мендан. Сиз йигитчилик-да дейсиз! Йигитчилик эмас бу...

Эрназар полвоннинг бу қадар ёниб ёзгиришларига нима деб жавоб қайтаришни билмай, Файбулла чолнинг боши қотди. Дўстига ичи ачиб қаради. Юпатишдан фойда йўқ. Нега деганда, дўсти идрокли одам, унинг пойинтар-сойинтар гапларини бирпасда пучакка чиқариб ташлайди. Шунда унинг эсига Ашур мулланинг бир гапи тушиб қолди-да, шу гапдан дўсти таскин топадигандай, мулладек қироат билан гап бошлади.

— Қайғурманг, дўстим. Бу дунёдаги ҳеч бир ёмонлик жазосиз қолмағай. Худойим яхшиларга жаннатни, ёмонларга эса дўзохни очиб қўйибди. Улингиз ёшлик кип гуноҳга йўл қўйибдими, жавобини охиратда беради.

Эрназар полвон дўстига таажжубланиб бокди. Гўё қаршисида ошнаси эмас, ўзга бир одам ўтиргандек, уни бир сира бошдан-оёқ кўздан кечирди. Бошқа пайт, бундай гапирманг, ўзингизга ўхшамай қолаяпсиз, деган бўларди-ю, лекин ҳозир юраги ғаш бўлгани боис, бу гапни ўзига эп кўрмади. Аммо дўстининг гапи анчадан бери миясида ўралашиб юрган бир ўйни қитиклаб юборганди.

— Худонинг ишигаям унча қойил эмасман, — деди хиёл хиркираган овозда. — Худо жаннату дўзохни яратиб бекор қимаганмикан, деб ўйлаб қоламан баъзан. Нимагаки, бандаси аввал куфр ишларни хўп қиладик-қилади-да, кейин бирдан дўзохни эслаб қолади. Жаннатга тушиш умидида худога топинади. Ундан кўркади. Кўркқанидан ўтган ишларига тавба қила бошлайди. Кеча бўридай ириллаб юрган одам бирдан қўйдайд ювош тортиб қолади. Менимча, худодан кўрқиб эмас, уни севиб яшаш керак. Худони суйган банда куфр ишлардан йироқ юради. Аммо мен бу ишни худога ташлаб қўёлмайман. Ўзим нимадир қилишим керак. Гапнинг очигини айтсам, ўша ярамас улдан неварани

кўришни истамайман! Қани энди, ахта кип ташласам у безбет хангини!

— Ундай деманг, э, фарзандингиз ахир, — Ғайбулла чолнинг ранги оқариб кетди. — Ундан баттарлар ҳам юрибди-ку. Ҳамма қатори ғамга чидамли бўлинг энди.

— Мен ҳамма эмасман! — Эрназар полвон ғайритабиий овозда бақириб юборди. — Қонимни булғашга йўл қўймайман мен! Нимадир қиламан мен уни!

— Йўғ-ай, ўз фарзандингизни ўзингиз...

Эрназар полвон эзгин ва ночор бир қиёфада ерга тикилиб қолди. Ғайбулла чол сал олға силжиб, унинг елкасига қўл чўзмоқ истади-ю, лекин ботинмади. Култ-култ ютиниб ўтираверди.

— Ўзи билан гаплашдингизми? — деди охири чидаёлмай.

Эрназар полвон эгик бошини ирғади.

— Нима дейди?

Эрназар полвон чуқур хўрсиниш билан кифояланди.

— Сиз уни уринг! — деди Ғайбулла чол ошнасини бу ахволга солиб қўйган Ўсардан беҳад ғазабланиб. — Бирор дарахт-парахтга боғлангда, тавба қилмагунча таёқланг. Лекин бу ишни уйда қиманг, товга опчиқинг. Бақирганини биров эшитмайди, айирувчиём бўмайди. Ичга кирган жин калтак билан хайдалади. Жин таёқдан кўркади-да. Тана улингизники бўлгани билан, сиз аслида жинни, йигитнинг ичига кириб олган жинни калтаклаган бўласиз. Калтаклаганда авайламанг, раҳмсиз бўлинг. Оғриқдан улингиз бақиради. Билинги, бу улингизники эмас, балки жиннинг додвойидир. Калтакдан улингиз жисмидан жин қочиб, тани ва руҳи ундан покланади. Ҳаром қон — жиндан.

Эрназар полвон бошини кўтарди. Ғусса тўла кўзларида умид учқунланди.

— Йўғ-ай? — деди ишонқирамай.

— Нима, ишонмаяпсизми?

— Мен... ҳеч эшитмаганман-да.

— Мен эса бошимдан кечирганман.

— Эшитмаганман.

— Энди бу... айтадиган гап эмасди-да, дўстим, — Файбулла чол хижолатомуз чекка кашлади. — Шунинг-чун гурун-гдан йироқ тутганмиз.

— Ҳай, айтинг унда.

— Хабарингиз бор, илгари биз Бешқўтонда турганмиз. Бу томонга муртим бўртганда келганман. Сиз унда ўсмир йигит эдингиз. Отам отангиз билан ошна, икковмиз Яйдоктепада олишиб кунни кеч қилардик. Сиз-зи ҳеч йиқитолмаганман лекин. Зўр эдингиз-да...

— Эсимда, — Эрназар полвон бетоқатланди. — Мақсаддан келинг!

— Шу... — Файбулла чол муштумига йўталиб, четга бир караб олди. — Кўзим қизариб, Бешқўтонда бир келинчакка ҳазиллашиб қўйганман. Отам теракка боғлаб, роса урган. Мана шундан бери бегона аёлга кўз сомайман. Отам калтак билан ичимдаги жинни ҳайдаб, қонимни тозалаган.

— Шайтонни денг, — Эрназар полвон тўнғиллади.

— Ҳай, нима фарқи бор, иккиси ҳам бир гўр-да, — Файбулла чол сал оғринди. — Шу десангиз, келинчакнинг аймоқлари барибир кечиришмади. Бу томонларга ўша жанжал туфайли кеп қолганмиз, жўра.

— Калтак этни ўлдиради, — Эрназар полвон шундай деркан, катта ўғлидан эшитган гапни илова қилди: — Рухга таъсир этмаса керак.

— Эй-й, калтакнинг олдида руҳингиз сичқоннинг инини минг танга санаб қолади. Ўзимдан қиёс, танишганимиздан бери бирор бегона аёлга кўз қиримни ташлаганимни кўрганмисиз?

— Кўрмаганман.

— Ана! — Файбулла чол очилиб кулди. — Агар раҳматли отам ўз вақтида калтак остига олмганида, улингиздан кам ирғишламасдик. Нима, биз эркак эмасми? Худога шукр, бировдан кам жойимиз йўқ. Ашур мулла айтгандай, зиного майллимиз калтак билан сўндирилган.

— Аммо ичимга чирок ёққандай бўлдингиз, дўстим, — Эрназар полвоннинг елкалари тикланиб, чехраси хиёл ёришди. — Агар гапларингиз чин бўса, у бола мендан кўрадиганини кўради энди! Нима қисам экан, деб ўзимам тоза эзилиб юрган эдим. У ҳангини

шундай бир боппайки, бегона аёлни кўрганда, бети тескари бўп кетсин.

— Кейин ис чиқариб юборинг.

— Буниси нега?

— Тоамили шунақа. Тандан шайтон қувилгач, ис чиқарилади.

— И-и, ҳўкиз сўяман! Керак бўса, бор мол-ҳолимини сўйиб бўса-да, ис чиқараман!

— Ҳўрозам бўлади. Қон чиқса амал-да. Лекин отам тўкли сўйган.

— Йўк, мен ҳўкиз сўяман! — Эрназар полвон кутилмаганда жуда руҳланиб кетди. — Аммо кўнглимга чироқ ёқдингиз. Ошна ошна экан-да. Бегона буйтиблар йўл топиб беролмасди. Кўргилик-да деб кўя коларди. Сиз эса... Э-э, яшанг, дўстим!

— Бошдан ўтганда, жўра, бошдан ўтган.

— Овқатингиз пишдимиди?

— Пишган-пишган.

Эрназар полвоннинг ҳаяжондан қизиган манглайига йирик ёмғир томчиси чарсиллаб тушди. Кейин яна ва яна...

— Ичкарига кирмасак бўмайди, — деди Ғайбулла чол. — Айтдим-ку ёмғир келади деб.

Эрназар полвон тўшамчани юмалоқлаб, кулба сари йўналди. Изидан қозонни кўтариб Ғайбулла чол йўрғалади.

* * *

Улар сурувни Ҳайдарбулоқ томонга ҳайдаб чиқишганда, кун ёйилган, муздек хавода кеча тунда ёғиб ўтган ёмғирнинг намхуш хиди анкирди. Атроф танг коларли даражада фусункор, дара тубидаги жўшқин сойнинг шарақлаб оқиши асрий сокинликка сирли тароват бағишлар, киши ўзини кундалиқ ташвишлардан холи сезиб, сирли ва сеҳрли бу манзаранинг қатига сингиб кетгиси келарди.

Бироқ ота-бола бу гўзалликни пайқашмас, ҳар қайси ўз ҳаёлида сурув ортидан имиллаб боришарди. Айниқса, Ўсарга малол келмоқда эди бу юриш. Тонгда уйғонаркан, бугун якшанба бўлгани боис, энди иккин-

чи ёнига ағдарилиб, кўзларини хузувланиб юмган ҳам эдики, ташқаридан муздек салкин хавони этақларига эргаштириб кирган аёли отаси чақираётганини айтди. Ох-х, минг зўр йигит бўлма, бундай отанинг боласи эмокдан худонинг ўзи асрасин экан, отасини эшитибок у ўрнидан ирғиб турганини билмай қолди. Ошиққанидан ҳатто бўсағага ташлаб қўйилган пўстак парчасига қокилиб кетди. Ташқарига чиқиб, у отасини кир тумшугида кўрди. Эрназар полвон бамисоли бургутдек пастга қадалиб турарди. У қўл-бетини йўл-йўлакай ювиб, ёлғизоёқ сўқмоқдан отаси хузурига шошилди.

Ота уни ўтқир нигоҳ билан қаршилади.

— Йигин, товни бир айланиб келамиз.

— Бир-икки ишлар бордай эди... — Ўсар тайсаллади.

Ота гапни қисқа қилди.

— Иш-пишингни йиғиштир!

Хўп демокдан ўзга чораси йўқлигини сезган Ўсар ноилож изига қайриларкан, ёндош ҳовлида ўзича мингирлаб юрган Мингиш чолга кўзи тушиб, унинг ўғилларига хаваси келди. Болалари чолнинг сўзини унча тинглашмайди. Шўрлик ўзича койиниб, ўзича куйиниб юраверади. Эрназар полвоннинг йўриғи эса бўлак — биргина қовоқ читишининг ўзиёқ юракни ларзага солади.

Болалигида шундай отаси борлигидан Ўсар кўп фахрланарди. Қачонки, вояга етиб, кўнгли тийиксиз эркинликларни қўмсай бошлагандан сўнггина отасининг залворли қудрати малол келадиган бўлиб қолди. Кейинчалик ушбу қудратнинг кўринмас тизгинини бўйнида ҳис этгани сайин ота салтанатига қарши юрагида исёнга ўхшаш қайсарлик туғила борди. Қайсарлик, ора-сира учқунланишини демаса, худди вулкондай қалбининг туб-тубида димикиб ётарди.

Ўсар Мингиш чолга хавасланиб қараб ўтаркан, захрини аёлига сочди: «Чойингни тайёрла тезроқ!» Бу унинг охириги нонуштаси эканини у ҳали билмасди. Шунингдек, отасининг йўқловидан мақсадни англаб турса-да, балки бошқа бир нияти бордир, ҳар галгидек бирор бемаза юмушни топширар, деган умид ҳам йўқ эмасди.

Ота-бола отда кишлок юкорисидаги сурувга яқинлашгач, Ўсарнинг жини баттар куришди: «бир камим кўй бокиш қолувди энди!» Ҳақиқатан, сурувга эргашиш ёшидан аллақачон ўтган, сурувга асосан жиянлари қарарди. Фақат тонгдагина катта акаси ёки отасининг ўзи кўйларни ёйгани чиқар, қолган пайт бу юмуш йигитчалардан ортимасди. Бугун катта акаси чиққан экан, уларни кўргач, таёғини белига кўндаланг кўйганча, аста пастга эниб кетди.

Эрназар полвон сурувга бежиз яқинлашмаганди. Йўлда Ўсар билан гаплашмоқдан қочиб, бу ишга тутинганди.

Ҳайдарбулоқ кишлокдан хийла олисдаги овлок гўша эди. У ерга аввалига дара ёқалаб, сўнг Чўнгтепадан ошиб бориладди. Чўнгтепадан ўтилгач, ўнг томонда тоғ бағрига сукилиб кирган калта дара кўзга ташланади. Дара тўридаги булоқдан бир тегирмон сув пишкириб чиқади. Даранинг кунчикиш тарафи девордек тик бўлиб, қарши томони эса салгина ётиқ — ёғин-сочин кунлари тез-тез кўчки кўчиб турадиган киялик эди. Кияликнинг айрим ерларидан тошлар озгина турткиданок пастга сувдек оқарди. Шу боисми, бу томонларга кадам босувчилар кам эди. Дара тубидаги сийрак арчали сайхонликдан кишгача ўт-ўлан аримас, чўпонлар тили билан айтганда, кўй бокишга боп жой эди.

Йўл бўйи бир оғиз гаплашмаган ота-бола, сурув боши булоқ томонга бурилгач, танаси нима сабабдандир куйган тик ва баланд арча ёнида отдан тушдилар. Ота отини наридаги пастак бутага қантариб, устидан хуржунни олди. Эгар қошига осиглиқ қўшоғиз милтиқ жойида қолаверди. Отанинг одати шу — тоққа яроқсиз чиқмайди. Хуржуни тубида ҳамиша арқон олиб юради. У бунга азалдан одатланган ва ҳар иккиси ҳам ҳаётида кўп бор иш берган.

Эрназар полвон хуржунни майса устига ташлаб, чоғроқ харсанг пойига чўкди. Ўсар миниб келган тўриққа хушсиз бокди. Синчков нигоҳи отнинг анча қартайганини, бундан кейин уни оғир тоғ йўлларида миниш инсофдан эмаслигини пайқади. Назари ўз отига тушганда эса қалби беихтиёр ифтихор ҳиссига тўлди. Жониворнинг насли олмосдек соф эди. Қайтармадаги

бир тўйда туркман оғайниси тортиқ қилганди уни. Ўша тўйда Эрназар полвон курашни бутунлай тарқ этганди. Мағлуб бўлиб эмас, рақибининг ёшлиги таъсир этиб, бундан кейин бел тутиб юрмоқ ёшига унча тўғри келмаслигини тўсатдан фаҳмлаб қолиб, даврани тантанавор бир йўсинда тарқ этганди. Ўшанда эл маҳзун тортиб, оғайниси эсдаликка мана шу отни совға қилганди. У пайтда бу гижинглаган тойчоқ эди.

Ўсар қошига келиб ўтирганда, отанинг нигоҳи куйган арчага кўчганди. Унинг майиб рафторидан ўзига ўхшашлик кидириб турганида, ўғли келиб хаёлини бўлди. Лекин у йигитга алахсимади. Арчани диққат-ла кузатишда давом этди. Ўнг тиззаси устида ётган қамчи тутган қўли асабий тарзда енгил титради.

Ўсар бир отасига, бир унинг қўлидаги қамчига ўхшайиб боқаркан, ҳар эҳтимолга қарши ортга сурилиб ўтирди. У отанинг ниятини Чўнгтепага етмаёқ англаган, шу сабаб, ўлар ҳўкиз болтадан қайтмас қабилида унинг қаршисига келиб чўкканди. Отасининг тергашу сўқишларини тезроқ эшитса-ю, хаялламай кишлоққа қайта қолса.

Эрназар полвон энди унга ер тагидан жиддий тикиларкан, кеча жуда осондек туюлган юмушни адо этмоқ мушкуллигини фавқулодда идрок этди. Бўйи бўйингдан баланд, кучи кучингдан ортиқ барваста йигитни дабдурустдан арқонга чирмаш енгил эмасди. Бунинг учун қонни қиздирадиган бетизгин қаҳр лозим эди. Ҳали бу бўй берадимми-йўқми? У шундан ҳадикка тушди. Бўй бермаслигидан эмас, қаршилиқ кўрсатиш натижаси ўлароқ юзага келадиган ўз қазабидан чўчий бошлади. Билади, қазаблангудек бўлса, икки дунё бир-нима қилиб қўйганини ўзиям сезмай қолади.

У ўғлининг кўркам келбатини зимдан кузатаркан, юрагида ўша таниш жирканч ҳисси туйди: «Бу бегона уруғ қайси гўрдан менинг боғимга тушиб қолди, а?» Миясига туйқусдан келган бу ташбеҳдан яна унинг вужуди ёна бошлади. Бу не кўргуликки, ёшинг бир жойга етганда, фарзандингни арчага чирмаб, Файбулла чол айтмишли, ичига кирган жинни қувлаб ўтирсанг! Бундай боланинг боридан йўғи яхши эмасми?!

Табиий, у бу ёзгиришларни юзага чиқармади. Би-

роҳ карорга келса, ортикча ади-бади килишни жини севмасди. Дилидагини зуддорлик билан амалга оши-
рарди-қўярди. Ота шу ниятда олдидаги хуржунга қўл
чўзиб, ундан арконни олди. Негадир арконнинг бир
учини сиртмоқ қилиб тугди. Тугунни текшира-текши-
ра, ўғлига ўқрайиб қаради. Кўзларининг оқи қонтала-
шиб, юзи қорамтир тус олди. Бу унинг ғазабга минаят-
ганидан дарак берарди.

Отанинг феълини билган Ўсар унга хайиқиб кара-
ди.

— Нима қилаяпсиз, ота?

— Елкангдаги шайтонни ҳайдамоқчиман!

— Шайтон нима қилади менда, — Ўсар елкасини
кулгили тарзда учирди. — Ҳеч қанақа шайтон йўқ
менда.

— Бор! — Эрназар полвон тишлари орасидан пиш-
қирди. — Шайтон қонингда! Қонингни оқизаман сен
болани! Эмасам, авлодимга ўлат келтирасан! Ҳаром
қонингни силқитаман мен сени!

— Нима, мени осмоқчимисиз?

— Қани эди! — Эрназар полвон, ғазабни кўпчиб,
хансираркан, аркон тутган қўллари тиззаларига устига
бир зумга шалвираб тушди-ю, тагин қайта жонланди.
Ўнг қўли бармоқлари аркон тугунини бемақсад торт-
қилашга тушди: — Қани, энди, ит бўсанг-гу, шартта
пешонангдан отиб ташласам!

Ўсар ота қўлидаги арконга оғриниб боқаркан, юра-
ги тубидаги исён жунбушга кела бошлаганини сизди.
Тилига келган аччиқ-тизик гапларни ҳар сафаргидек
ичига ютаркан, шу тобда ўзини сайхонликда ёйилиб
юрган қўйлардан кўра ожиз ва бахтсизроқ ҳис қилди.
Бир оздан сўнг эса кўнглидан кечган бу ўйдан истиҳо-
ла қилиб, оёқлари остига тикилди. Бироқ бу алфозда
ўтириш хавфли, отаси қўлига тушган нарса билан
тўсатдан уриб қолиши мумкин. У ҳушёр тортиб, тез-
гина бошини кўтарди. Кўзи яна отасининг ғазабкор
афтига тушиб, беихтиёр унга раҳми келди. Арзимаган
нарга бу қадар куйинишнинг нима кераги бор экан,
а? Ахир одамлар не бир ишларни қилиб, ҳеч нарса
билмагандай, тинчгина юришибди-ку. Бу киши ҳаёти-
да тўғрилиқдан бошқа ниманиям кўрибди. Шу келбат,

шу кўркамлик билан не бир ишлар килиши мумкин эди. Йўк, бу кишига «лаззат» ёкмайди, ҳазар қиладилар. Э-э, кўнглимнинг кўчасидан! Айтишларига қараганда, шу қишлоқни деб бир пайтлар қамалиб ҳам чиққан экан. Тентак бўлмаса, шу ишни қилармиди. Тўғри, қишлоқда обрўйи зўр, одамлар соясига салом беради. Лекин курук обрўйдан нима фойда? Шахсан мен бундай обрўга тупураман! Бирор гўзалнинг бир кечалик оғушига тенгситмайман. Боз устига, обрўйим ҳам чакки эмас, шаҳарда бирор кимса йўлимни кесиб ўтолмайди. Истаган жононни бағримга тортишга қурбим етади.

Ўсар бу куфр ўйларни отасига нисбатан аччиқ ва кесатик тарзда ҳаёлидан ўтказмоқда эди. Ўзи кўниккан ва йигит кишининг энг асосий фазилатларидан бири деб билган хушторликка отасининг бу қадар фожиали тус бериши тобора ғазабини тоширмоқда эди. Бу етмагандек, қўйиб берса, ота арқонга боғлаб урадиган. Айни шу нарса йигитни зимдан қутуртирмоқда эди. Унинг назарида, ўзидек бир йигитга бу даражада муносабатда бўлиш бориб турган гумроҳлик эди. У ўз кадр-қимматини жуда яхши биларди. Туман марказида кимсан — Алик шер бўлиб танилган обрўталаб бу йигитнинг мушугини биров «пишт» деганмас. Обрўни акаларига ўхшаб кураш тушиб эмас, муштлашиб орттирган. Шаҳарнинг собик шефи Нортожи қизилни бир қурдаёқ ер тишлатгандан сўнг, унинг таъбири билан айтганда, шаҳар қўлига ўтган.

Турган гап, бу ишлардан отанинг хабари йўк. Унинг учун Ўсар этаги тугилган бола, кураш тушмаган йигитни йигит ҳисобламайди. Ўсар учун энг алам қиларлиси шунда эдики, ўзи унчалик назарига илмайдиган жувон билан номи бўлганиб ўтирибди. Йигит аёлнинг бўйини ҳидлаб тўйган, энди сўлиган гулдек бир четга итқитмоқчи эди. Аммо итқитишга улгурмай, мана бу гап чиқиб турибди. Қизик, ким сотди экан? Ахир бу хил ишларни ими-жимида бажарарди-ку. Табиий, ким сотганини отаси ҳеч қачон айтмайди. Аслида энди бунга ҳожат йўк. Эндиликда отанинг ғазабидан қутулмоқни ўйламоқ керак. Чоли тушмагур ҳаливери ховуридан тушадиганга ўхшамайди.

— Ота, кеча барини гаплашдик, — деди ботинмай-рок. — Яна нима истайсиз мендан?

— Кеча хеч нимани гаплашмадик.

— Гаплашдик-ку, ота, — Ўсар хокисорона жилма-йишга уринди.

Ота сўз котмади. Кўз кирида унга газабли тикилганча, кўлидаги арконни ўнглай бошлади.

— Гаплашгани шундан шунга бошлаб чиқиш шартмиди, ота, — Ўсар иддао қилган бўлиб, ёнидаги бута новдасини узиб олди.

— Нима, қизбетингни томоша қилгани опчиқишим керакмиди?!

Бу гапдан Ўсарнинг миясига қон тепти. «Қизбет» сўзи «хезалак» деган маънода қаттиқ таъсир этарди унга. Оқибатда, кўнгли тубида димиқиб ётган галаён тагин бош кўтара бошлади.

— Одамни ёш бола қилманг, э! — деди чирсиллаб. — Истаганча тергайсиз, ҳақорат қиласиз, нимаси бу!

— Собий номини булғама, ҳаромхўр!

— Ота, сиз гуноҳ деб билган нарсани одамлар аллақачон гуноҳ деб билмай қўйган, — деди Ўсар юзини сидириб ташлаб. — Кавакда ётавериб, дунёдан беҳабар қолгансиз. Ўзингиздек, фикрларингиз ҳам эскирган. Ҳар нарсадан фожиа ясамай, бундай теваракка қаранг, одамлар қандай яшаяпти.

— Одамларни қўй, ўзингдан гапир, — Ота унинг тили чиқиб қолганидан таажжубда эса-да, ўзини босди. — Агар бола бўганингда, буйтиблар обрўйингни сақлаб ўтирмасдим. Ҳовлидаёқ иштонингни тушириб, камчининг остига олардим.

— Ҳалиям катта ўрнида кўраётганингиз йўқ, — деди Ўсар. — Салга калтакка ёпишасиз. Ахир биз сизнингча яшолмаймиз-ку. Ҳаммада ҳам орзу-хавас деган нарса бор.

— Зино — орзу эмас, гуноҳ!

— Сизнингча шундай, лекин одамлар бундан баттарини қилиб юришибди...

— Сен ўзингдан гапир, куйдирги! — Ота оғир бўлишга тиришди. — Нега одамларнинг ортига беки-насан! Ҳар ким ўзи учун жавоб беради! Эрта бир кун

бировнинг гўрига бориб ётмайсан-ку! Ўз гўрингга эга бўл! Тагин чикирлаб тилингни бермайсан!

— Чикирлаб нима деяпман, ота, — Ўсар бошини эгди. — Бўлари гапни айтдим, холос.

— Бўлар гап шу, гуноҳ қилдингми, бошингни тутиб бер! — Эрназар полвон ўзи сезмаган ҳолда сал олға силжиди. — Сен туфайли эртан бир гала қони бузуқ невараларга бово бўлишни истамайман! Яхши-си, мева берадиган ўша шохимни ё кесиб ташлайман, ё одам сонига қўшаман сени! Аммо тилинг анча бийронлашиб қопти.

— Боссангиз қурбақаям «воқ» дейди, — Ўсар яна исёнга бўйсиниб, тилига эрк бера бошлади. — Шу қишлоқдан кўчиб кетсам, қутуламанми сиздан?

— Йўқ, қонингни тозаламай туриб, ҳеч қаерга қочиб қутулолмайсан!

— Уф-ф, яна «қон», — Ўсарнинг жини баттар қуришди. — Ота, сизга нима бўлган ўзи, а? «Қон» деб на итларга кун берасиз, на одамга раҳм қиласиз. Биргина сизнинг ҳаракатингиз билан тирик жон тузалиб қолмайди-ку ахир.

— Лекин сени тузатаман! — Эрназар полвон ички бир ҳезланиш билан унга тик қаради. — Шунинг ўзи бас менга.

— Отамсиз, иззатингизни қиламан, — Ўсарнинг кўркам чехраси вазоҳатли тус олди. — Аммо эркимга чанг солишингизга, кечирасизу, йўл қўялмайман. Мустақил одамман мен. Акаларимга ўхшаб чизган чизингиздан юролмайман. Очик гапдан хафа бўлманг, ота. Бу гап анчадан бери дилимда эди-ю, ҳеч айтолмасдим. Мана бугун мавриди келди... айтаяпман.

— Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик дегин?

— Нима деб тушунсангиз тушунавERING.

Ота жим қолди. Бироқ бу яхшиликдан дарак бермасди. Қаҳрнинг навбатдаги хуружи олдидан юзага келадиган бир сониялик сокинлик-гангиш эди, холос. Иккинчидан, унинг назарида, бу нарса бориб турган гумроҳлик — ўғли на қилмишидан изза чекарди, на насл тозалиги ҳақида қайғуларди. Ўзи бўвзигача ботган ботқоққа боши билан шўнғимокчи эди.

Кўнглидагини очик айтиб, отани довдиратдим, деб

ўйлаган ўғилнинг бошида бошқа фикр кечарди: «Қачонгача тизгинда яшаймиз? Ҳар нарсаниям чеки-чега-раси бор. Етар энди. Бобой кўхнарган одам, фикриям, яшаш тарзиям эскирган. У кишига ўхшаб аҳмоқона эътиқоднинг этагини тутиб яшаёлмайман. Ахир дунёда кўнгил хохиши деган нарсалар бор...» У шу каби кайсарона ўйларни хаёлидан ўтказаркан, эртанги бир учрашув дафъатан эсига тушиб, юраги хаприкди. Юзига тепчиган табассумни иягини сийпалаш билан яширган бўлди. Бу хил ишқий лаҳзалар унинг учун шунчаки лаззатгина эмас, балки тириклик манбаи эди. Бунақа кезларда у, том маънода, яшар ва яшнар, шунчаки умргузоронлик қилиш унинг табиатига ёт эди. Ишқий саргузаштларсиз ҳаёт тўхтаб қолгандек туюларди. Бундай пайтда, киши нима учун яшайди ўзи, дея чуқур сукутга ботар, нигоҳига ланжлик иниб, қўли ишга бормай қоларди. Ана шунда у завқни аёллардан топарди. Кўркам келбати-ю, бежирим қиёфаси аёлларга ёкишини билиб, табиатнинг бу инъомидан унумли фойдаланар, оғизда муҳаббатдан лоф урса-да, юрагида бу туйғудан заррача йўқ эди. Лекин у буни қусур санамасди. Ҳаёт зайлига қараб тирикчилик қиладиган кишилар тоифасидан бўлиб, фарқи -- мақсадсиз умрини ишқий воқеалар билан безай биларди.

— Елкангга шайтоннинг зўри миниб олибди, — деди унинг юзидаги табассумни илғаб қолган Эрназар полвон, ортиқча қаҳрга эрк бермай. — Биқинингдан шайтон китиклаб турганидан кейин отанинг гапини қорлармидинг.

Отанинг гап охангини, паст тушиш, деб англаган Ўсар гуноҳқорона бош эгган бўлди.

— Сўз бераман, бошқа бўлмайди, ота!

Эрназар полвон индамай ўрнидан қўзғалди. Арқонни ўнг қўлига тутиб, ўғлининг тепасига борди.

Ўсар сакраб турди.

— Нима қилмоқчисиз, ота?

— Этингни бурдалайман! — деди Эрназар полвон бўғиқ товушда. — Ичингдаги шайтонни ҳайдайман!

— Нима, мен сизга отмидим, бўйнимга сиртмоқ соласиз, — Ўсар кетига тисарилди. — Ўзингизни босинг, ота!

— Одам-ку одам, — деди ота бамайлихотир, — хатто от ҳам бузукликни кечиролмайди. Миниб келган мана шу отинг бошқа уюрга илакишиб қайтган байтални тепкилаб ташлаганини биласанми? Агар аралашмасам, байтални ўлдирарди. Барибир қорнидаги боласини тушурмай қўймади. Эсингдами шу?

— У бир хайвон-да, ота.

— Хайвонки чидаёлмабди, мен қандай токат қилай, а?! — Эрназар полвон унинг бўйнига сиртмоқ ташлади. — Етти суягимни қақшатдинг-ку, ярамас!

— Етар, э! — Ўсар бўйнидаги сиртмоқни осонгина иткитиб ташлади. — Индамаган сайин... нимаси бу?

— Ўрлик қилма, бола! — ғазабдан отанинг кўзлари олайиб, бурун катаклари кенгайиб кетди. — Ёмон иш кип қўяман хозир!

Ўсар қайта ташланган арқонга енгилгина чап бераркан, юраги тубидаги исён тўла бош кўтарганини сезди. Ўзини босишга қурби етмай, сандалдай тошдан сакраб ўтди-да, еб қўйгудек бир вазоҳатда отасига ўқрайди.

— Бас қилинг деяпман!

— Ҳали отангга гап қайтараяпсанми! — Эрназар полвон тошни айланиб ўтиб, учинчи бор сиртмоқ ташлади. — Мен сенга пешгирликни кўрсатиб қўяман! Агар уялмасанг қоч! Ахир сен қочишга устасан-ку! Чотига сўна ёпишган танадай шаталоқ отмайсанми? Қоч!

Ўсар қочмади. Кўзлари қонга тўлганча, елкаси аралаш тушган сиртмоқ тугунидан маҳкам тутиб, отанинг яқинлашувига изн берди. Салдан сўнг улар бир-бирларининг қўлларида тутганча юзма-юз туриб қолишди. Иккиси ҳам бир-бирларининг кучини ўз вужудларида ҳис этаркан, ўғил отанинг хийла кексарганини, ота эса ўзи унчалик ёқтирмайдиган ўғлининг кучи ўзи ўйлагандан кўра бисёрлигини англади. Бироқ бу ғарса отани тарикча қувонтирмади. Қайтага баттар қаҳрини кўзитди.

— Отага қаршилиқ қилаяпман дегин?! — деди ҳансираб, ўз навбати-да, этни жунжиктирадиган даражада хотиржамлик билан. — Ҳаром кучинг ошиб қолти, сен болани!

— Ўзингиз мажбурлаяпсиз, ота! — Ўсар уни ўрнидан кўзғотмай қўйди. — Етар шунча хўрлаганингиз!

— Қўлни қўйвор!

— Йўқ!

— Қўйвор деяпман!

— Шаштингиздан тушсангиз.

Ўсар гапини тугатишга улгурмай, ота берган чилдан гурсиллаб йиқилиб тушди. Куч амал қаршисида ожиз колганди. Аммо барибир ёшлик эпчиллик қилди. У сиртмоқдан халос бўлиш билан биргаликда, бир юмалаб яна оёққа қалқиди. Ота сирмаган аркон бутага илашиб қолди.

Ўсар кетига чекина бораркан, қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди.

— Соламан лекин, ота! — дея хайкирди. — Яқинлаша кўрманг! Яқинлашманг деяпман!

Эрназар полвон қаршисида важоҳати ўта хунук, ўта дахшатли кимсани кўрди. У ғазабдан қалтираб, ейман, деб турарди. Ота, шу менинг улимми, дея бир зум хайратланди ва шу хайрат оғушида ўғлининг лабларидан учган сўзни илғашга улгурди.

— Нима?! — деди қўлидаги арқонни бир четга улоқтириб. — Соламан дедингми? Ҳали сен отага қўл кўтармоқчимисан? Қани, бу ёққа ўт!

Ота ёшига номуносиб бир чапдастлик билан ўғлига ташланди-да, ёқасидан маҳкам тутиб, шуурига михланган мақсад измига бўйсинганча, уни куйган арча сари сургай бошлади.

Ўсар бу гал ота қўлига ёпишмади-ю, лекин мушт туширишдан ўзини базўр тийиб, оёқ тираб туриб олди. Унга чоғи келмаслигини сезган Эрназар полвон қараб ўтирмади, тиззасига бир тепиб йиқитди-да, судрай кетди. Ўсар арқон чувалиб ётган жойгача итоат этиб келди-да, сўнг бир юлқуниб ирғиб ўрнидан турди. Отанинг тер босган афтига чексиз ғазаб ва нафрат билан тикилиб, нимадир деб бақирди. Кейин бот ташланган Эрназар полвонни итариб ташлади. Урадигандек хавода мушт ўйнатди. Йигит бу ишларни ёввойи бир истак оғушида адо этаркан, мушт туширмоқдан аранг тийилмоқда эди. Алаmidан нафаси бўғилиб, қўйинг, қўйинг деяпман, дея овозига зўр бермоқда эди.

Овозига зўр бергани сайин ниманидир уриб, парчалаб ташлагиси келарди. Ҳаётда бу кадар жиддий қаршиликка дуч келмаган Эрназар полвон ундан баттар қутурмоқда эди. Ўғлини арчага чирмамаса, гўё бу дунёга ўт тушадигандек, яқкаш ушбу мақсад йўналишида уринар, бунга сари Ўсар бўқирар, аммо ота унинг овозини эшитмас, ғазабдан бурушган башарасинигина кўрарди, холос.

У ўғлини силтаб тортаркан, кутилмаганда лунжига келиб тушган зарбдан кўз олди қоронғилашиб, гандираклаб кетди. Ё алҳазар, фарзанд отага қўл кўтармоқда! У ўзига келиб, Ўсарни гарангсиган ҳолда кўрди.

— Ота, кечиринг! — дерди у. — Урмоқчи эмасдим. Қўлим кетиб қолди. Ўзингиз мажбур қилдингиз шунга. Кечиринг!

Бирок ота унинг ёзғиришларини эшитмади. Эшитадиган аҳволда эмасди у. Унинг учун тириклик маъносини йўқотиб, дунё ёниб кул бўлиб бўлганди. Эрназар полвон ғайришуурий бир ҳолатда Ўсарнинг устига бостириб бора бошлади. Йигит гоҳ унинг қонга беланган лаби-лунжига, гоҳ ваҳшат тўла кўзларига боқаркан, аввал ўлмасам ҳам, энди ўлдим, деб ўйлади. Бояги қутуришларидан асар ҳам қолмай, жони кўзига ширин кўриниб кетди. Қачонки, киши кўркса, унинг шуури шиддат билан ишлай бошлайди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Ўсар беихтиёр қочаркан, сайхонликда отаси отда бирпасда қувиб етишини англаб, йўлни бетга солди. Йирик-йирик харсанглар оралаб, юқорига ўрлай бошлади. У давон ошиб, қишлоққа олиб борадиган сўқмоққа тушиб олмоқчи эди.

— Тўхта!

Шу хитоб мобайнида Эрназар полвоннинг қулоқлари очилди. Қушларнинг сайрашини, отларнинг қуртиллаб ўт чайнашини, сувнинг шалдираб оқишини, қўй-қўзиларнинг сасини, Ўсарнинг қадам товушларини эшитди.

— Тўхта деяпман!

Ўсар тўхтамади. Бу нарса ҳаёлида ҳам йўқ эди. Ота бунни сезиб, от сари илдамлади. Эгар қошидан милтиқни олиб, уни тезгина ўқлади. Тўхта, дея осмонга бир

ўқ бўшатди. Ўсар ялт этиб бир каради-да, юкорига тирмашишда давом этди.

— Тўхта, оқпадар! Йўқса, отаман!

Эрназар полвон милтиқ милини кочокка тўғрилади. Милтиқ мили устидан ўғлининг яғрини ва думбасини аниқ кўрди. Бармоғи тепкини босаркан, сўнгги лаҳзада милтиқ милини четга буриб юборди. Ўқ чийиллаб, чаптаги қизғиш харсанг биқини чангиб кетди. Ўсар бир лаҳза ерга қапишиб, сўнг яна қоча бошлади.

Эрназар полвон милтиқни қайта ўқларкан, ғалати гулдиракни эшитиб, бошини кўтарди. Ўғлининг тепасида ҳўмрайиб турган баланд қоя пойидаги харсанг-тошлар уюми кўзғолиб, йигитнинг устига бостириб келмоқда эди. Кўчки милтиқ овозидан кўзғолганди. Ота дахшатдан бир зум қотиб қолди-да, сўнг бор овозда бақирди.

— Чапга ўт, чапга!

Кўчкини Ўсар сал кечроқ пайқади. Пайкаши баробар у ҳам бирпасга ўзини йўқотиб қўйди. Кейин ваҳима оғушида аввал ўнгга, сўнг чапга ҳаракатланди. Орада бир қоқилиб ҳам тушди. Кўчки эса дара ичини шовкинга тўлдириб, тобора қуйига интилар, шу шиддати билан жамики нарсани ер юзидан супуриб ташлайдигандек эди.

Эрназар полвон энг олдинда мисоли коптокдай сакраб келаётган қалладай-қалладай тошлардан бири ўғлини уриб йиқитганини аниқ кўрди. Ундан кейинги чоғроқ харсанг белидан босиб, янчиб ўтганини ҳам илғади. Салдан сўнг Ўсар тошлар оқими орасида бутунлай кўздан йўқолди. Ота жонҳолатда бўкириб юборди.

— Ули-им!

Кўчки Эрназар полвон томон селдай эниб келарди. Аммо ота ажал дахшатини ҳис этмади. Милтигини қия тутганча ўлимга тик қараб тураверди. У билан ёнбағирлик орасида анчагина сайхонлик ястанган. Кўчкининг кучи сайхонликнинг ярмисигача етди. Отанинг ёнига яккам-дўккам тошларгина етиб келди. Отнинг қалласидек беўхшов бир тош ҳатто унинг ўнг оёғини сийпаб ўтди. Шунда ҳам у чекинмади. Бақирайиб тураверди.

У кўчки шовқини тингачгина ўзига келди. Қўлида-

ги милтикни ерга ташлаб, олға чопди. Тошлар оралаб ўрмаларкан, нафаси бўғзига тикилиб, ўглини йўқларди.

— Улим! Улим!

Ўсар ҳеч қаерда кўринмас, кўчки уни ўз бағрига маҳкам яширганди. Эрназар полвон дуч келган тошга ёпишиб, бирини четга итқитиб, бирини юмалатиб, бекорга кидиринишда давом этаркан, нукул «улим»ларди.

У кучоққа сизмас харсангга човут солиб, унга чоғи етмаслигини сезгачкина хаёли жойига келди. Ҳаракати фойдасизлигини англади. Тақдирига тан бергандек бир алфозда тошлар уюмига маъюс термилиб қолди: «Одамларга хабар бериш керак», дея ғудранди. Гўё тезроқ хабар етказса, ўғли тирилиб қоладигандай пастга ошиқди. Отга сакраб миниб, улов бошини қишлоқ томон бурган жойидагина, эс-хушини бутунлай жилловлай олди. Отини секинлата-секинлата, ўгирилиб кўчкига, шовқиндан чўчиб, арчазорда ғуж бўлиб турган сурувга, қозиги атрофида айланаётган кекса отга, бағри куйган арчага бир-бир бокиб, аста йўлга тушди.

* * *

У ярим йўлда Сами чўлоққа дуч келди. Сами чўлоқ Чўнгтепа этагига зигир эккан, ҳар кунни ўша ерга қатнардди. Эрназар полвоннинг туркини кўриб, у жуда кўрқиб кетди. Овози қалтираб, шоша-пиша салом берди. Аммо салом аликсиз қолди. Ўғлининг ўлимига у сабабчидай, Эрназар полвон унга адоватли тикилиб турарди. Ҳақиқатан, у шу ўйда эди. Аммо майдаликдан холи эмасми, бу даъвоси тентаклик эканини тезда фаҳмлаб, хезланишдан ўзини тийди. Йўл торлиги туфайли отини сал четлатаркан, тагин бирдан ажинаси отланди: «Ахир буям яшашга нолойик-ку!..» Шу ўй бошига келиши билан Сами чўлоқнинг устига от қўйди. Уни улоқдай илиб олиб, отини нукиди. Улоққа ўрганган отнинг қони жўшди. Сами чўлоқни улоқ гумон қилиб, зафт ила олға интилди. Фақат «улоғ»и тушмагур анча залворли, боз устига, жуда бақирок экан, додлаб оламни бузмокда эди. Умри бино бўлиб бу хил

беуҳшов «улоқ»ни кўрмаган отнинг қаҳри кўзиди. Уни тишлаб, тепкилаб ташлагиси келди. Аммо изми эгасида — унинг иродасига бўйсинмоқдан ўзга иложи йўқ эди.

Бу дунёни ғаламислардан тозалашга қатъий аҳд қилгандек, юзини шамолга тутиб, от устида адл елиб бораётган Эрназар полвон бирор муддатдан сўнггина «улоқ»ка кўз қирини ташлади. Уни ўта аянчли бир ҳолатда кўрди. Хали шуни ғаним санаб, ўзимга тенгситдимми, дея ичида ғижинди. Шу ғижинишда «улоқ»ни ташлаб юборди. Сами чўлоқ йўл бўйида думалаганча қолаверди.

Эрназар полвон шу кетишда, дўнгга етгандагина тизгинни тортди. Куйида ястанган қишлоғига ададсиз бир ғам билан разм солди. Ўткир нигоҳини ҳовли юзида урчуқ йиғираётган аёлига, эндигина қурила бошлаган ўрмак атрофида ўймалашаётган келинларига, Ўсарбетда эшаккўпқари ўйнашаётган невараларига, Ўсардан кейинги ўғлига атаб солинган иморат томини ёпаётган ўғиллари ва қўшни йигитларга бир-бир тикаркан, оғир хўрсинди. Кейин унинг кўзлари келинлари орасидан Ўсарнинг аёлини қидириб топди-да, жувонга узок термилиб колди. Тул қолган келини олдида ўзини гуноҳкор хис этди. Ҳозир бориши билан ҳовлида не қиёмат кўпишини ўйлаб, юрагида чексиз оғриқ сездн. Ушбу дақиқани ортга суриш илинжида, ғайришуурий бир ҳолат оғушида отдан тушди. Бориб тошга қоя янглиғ чўкди. Ҳовлисига қарамасликка уринди. Аммо боши ўз-ўзидан кўтарилиб, яна келинини қидириб топди. Нега энди айнан унга ачинмоқда? Ахир Ўсар уларнинг ҳеч қайсига бегона эмас-ку. Шунда у бошига тушган мусибатнинг залворини яна-да теранроқ хис этди. Томоғига нимадир келиб такалди. Нафас олиши тобора оғирлашиб тикилма бўғзига томон силжий бошлади. Бу ҳолат кўзларида ёш пайдо бўлмагунча давом этди. Тикилма бўшашиб, кўзёшлари мўйловига сизиб, ундан кўксига тома бошлади.

У ўғлига ичида аза очаркан, яккаш, нима қип қўйдим, деб куйинарди. Энди кўз ўнгида ўғли бегуноҳ бир қиёфа касб этган. Ҳовли юзида сал бодиланиб юришлари, бошини бир ён буриб, кишига эрмакловчи табас-

сум билан боқишлари, жаҳлланганда кўркам чехрасининг важоҳатли бир тусда оқаришлари, салга хоҳолаб кулишлари кўзига жуда азиз кўриниб, юрагини ўртамоқда эди. Ўн-ўн беш дакика бурун у шундай кулмоғи, лаблари четини киноямуз кимтиб, табассум килмоғи мумкин эди. Энди эса у йўк. Энди у ҳеч қачон кулмайди, ота кўзини шамғалат қилиб, бирор шумликка қўл ҳам урмайди. Отанинг кўзига ҳокисор, ўз навбатида, ридат-м-феълини ўзида зоҳир этмиш лаблари буржидаги тагин ўғласумини яшириб боқолмайди.

рини бирчани ўйларкан, отанинг бағри ўпирилиб тушарди. Гўдакди. Юраги сиркираб, кўз олдини коплай килаб ўйнагўкиш туман орасидан Ўсарнинг гўдак киёфатини кўрмоққа ҳалқиб чиқди. Бола касалванд эди. Қурама тўшакда чўзилиб ётганича жажжи қўлчаларини унга чўзарди. Отаси қўлига олиб, бағрига босиши билан жисмини қийнаётган дарддан фориг топадигандек, соғинчли ва илтижоли бир гувраниш билан отага талпинарди. Ўшанда ота уни бағрига олиб, тишга чиққан. Тоғларга жавдираб, худодан мадад сўраган. Бу Эрназар полвоннинг илк ёзғириши эди. Измидан ташқарида юз берган ташвиш қаршисида бутунлай довдираб қолганди. Бунгача у ўзини бир қоядай ҳис этарди. Ундаги бу ишонч ўғилларининг сони ортган сайин кучайиб борарди. Гап шундаки, биринчи ўғли туғилганда, ўзини девдай ҳис қилганди. Иккинчиси пайдо бўлганида, ўзини тоғлардан юксак сезган. Ўсар дунёга келганда эса, бу дунёга сиғмай қолганди. Кетма-кет уч ўғил. Ҳазил гап эмас! Эндиликда Эрназар полвоннинг насли дунё тургунча давом этади. Бағридаги мурғак гўдак ўша таянч, ўша умидлардан бири эди. Мана энди, у ота пинжидан паноҳ кидирмоқда...

Ўшанда Эрназар полвон йиғламаганди. Ёзғириб илтижо қилгану, лекин мижджаларини ёшламаганди. Энди эса, ўша ҳолатни тасаввурида қайта жонлантириб, кўз ёшини тиёлмай гаранг эди. Хар ҳолда у пайтда умид бор эди. Эндиликда у йўк -- ўғли унинг кўз ўнгида ҳалок бўлди. Ҳатто у қичқиришга ям улгуролмади.

Ота, боши қуйи эгилган, ҳик-ҳик йиғларкан, улкан қўллари худди гўдакни кучмоқчидай беихтиёр харакатланарди-да, яна тиззалари устига шилқ этиб тушар-

ди. Бу харакат дам-бадам такрорланиб турарди. Охири у тиззаларига таяниб йиғлай бошлади. Илик кўкламда тепадаги қор эриб, қоя бетини ювгандай, кўз ёшлари юзидан шошқатор оқиб, қўллари, тиззалари устига тўкилмоқда эди.

У ич-ичидан эзилиб бўзлагани сайин, хотиралар гирдобига тобора шўнғиб борар, яъники, ўзи сезмаган ҳолда ушбу гирдобнинг чир айланмиш уюрмаси ўрта-сида жилоланиб турган гўдакнинг масъум нигоҳи мон интилмоқда эди. Аммо кўп ўтмай дахш-улоқ»-уюрма гўдак сиймосини бутунлай ютиб қалалаган-юзага келган қоп-қора бўшлиқ ўрнида ёвк-гитнинг ваҳший қиёфаси пайдо бўлди. Оғандагина кучли оғриқ сезгандай, бир сесканиб тўй ададсиз қаддини ростлади. Қалбида авайлаб-асраб келаётган чўнг эътиқодига нисбатан иккиланиш пайдо бўлди: «Тўғри яшадимми мен? Нимани талаб қилдим мен улимдан? Ундан баттарлар ҳам яшаб юрибди-ку». Шу ўй бошига келиши билан унинг кўз ўнгидан ўзи умри давомида учратган турли хил башаралар жиртак отиб, сизиб ўтаверди. Бунга сари отанинг мияси қарахтлашиб, кенг майдонда ўзини — Эрназар полвонни танҳо кўрди. Чор-атроф бўшлиқ. Қаршисидаги тепаликда ўзининг ёлғиз кулбаси. Кулбаси ғалати ерда — тик жарликнинг лабида жойлашган. Пастлик одамсимон илону чаёнларга тўла эди. Кўпи таниш. Қизик, уларни қаерда кўрган экан? Э, ҳа, ановусини қамокда учратган, мановуси қайинсинглисига кўз олайтирган Эшна чала-ку... вой-бўй, кўпчилик экан-ку булар. Махлуқлар жар тубида ғужғон ўйнаб, юқорига — кулбаси томонга интиларди. Кулбадан нариси ям-яшил яйлов — осойишталик маскани эди. Кулбаси ўша томонга оғиб-роқ турарди. Сал химоядан яйлов ўртасигача тўкилмай-сочилмай борадигандек эди. Аммо тепага чиқмоқ ва уни нарига жилдирмоқ учун юқорига ўрлаган оғир сўкмоқни босиб ўтмоғи лозим эди. Чамаси, бу умр йўли эди. Эрназар полвон ўзини сўкмоқ ўртасида, салдан сўнг янада юқориюқда кўрди. Бу ердан кулбаси-ю, махлуқлар ғужғон ўйнаётган жар туби барала кўзга ташланиб турарди. Бир маҳал кулбадан ўша махлуқларга жуда ўхшаш яна бир жонзод соядай сир-

Ҳалиб чикди-да, ҳеч тап тортмай қуйига сакради. Охир-
ги дақиқада унинг қиёфаси Ўсарга ўхшашлигини ил-
лаб, ота «их»лаб юборди. Чақирмокчи бўлди. Кейин
кўрдики, Ўсар жар тубида маҳлуқлар билан бемалол
қаймоқлашиб юрибди.

Эрназар полвон уйқудан уйғонгандай бир сапчиб
тушди. Туман қайта қоплай бошлаган кўзларига каф-
тини босиб, Ўсарнинг ўша мурғак қиёфасини тасавву-
рида қайта жонлантирмок истади. Аммо кўз олдида
тагин ўғлининг ғазабнок турки пайдо бўлди. У-тишла-
рини ғирчиллатиб, қўрқинчли суръатда ўкрайиб ту-
рарди. Гўдаклигида бўйнидан қучган, мўйловидан торт-
килаб ўйнаган бармоқлари мушт бўлиб тугилган, ота-
ни урмоқдан ўзини зўр-базўр тийиб турарди.

Ота ёвузлашган бу башарани қувмок бўлиб, боши-
ни илкис чайқади. Теваракка аста кўз солди. Қишло-
ғи-ю, одамларни кўрди. Қуёш ўша-ўша мўл-қўл нур
сочар, оппоқ бир булут кунботишдаги қоя бағрига соя
ташлаб, оҳиста сузиб борар, неваралари аллақачон
эшаққўпкарини тугаллаб, ҳовли саҳнида чопқилашиб
юришар, аёллар негадир ўрмак тепасида ғуж бўлиб
туришар, кампири эса, бир қўлида урчук, иккинчи
қўли билан белини тутганича улар бошида тик қотган,
чамаси келинларига ниманидир уқтирмоқда эди. Ана,
Ўсарнинг қайлиғи ўрнидан дик сакраб, наридан калава
олиб келди-да, яна хотинлар тўпига қоришиб кетди.
Эрназар полвон аёллар орасидан уни қидириб ўтирма-
ди. Шунингдек, унинг олдида ўзини гуноҳкор ҳам ҳис
этмади. Худди синовдан ўтаолмаган итларини совуқ-
қонлик билан отиб ташлагандек, юрагида ачиниш туй-
магандай, ўғлининг фожиасига нисбатан қалбида туй-
қусдан муздек совуқлик уйғонганини сезди. Бу совуқ-
лик аста-секин бутун вужуди бўйлаб тараларкан, охир-
оқибат, муштдеккина кампиригагина ичи ачиётганини
англаб етди. Шўрлик аёли бу мусибатни кўтара олар-
микан?

У отини етаклаб, ўта қайғули ҳолатда қишлоққа
эна бошлади.

МУНДАРИЖА

Ҳикоялар

Қўшиқ	3
Ҳамият	19
Тепалик	23
Шим ёхуд хотинлар жанжали	59
Қувончли кун	71
Тугатилмаган сурат	81
Қиз ўғирлаш	82
Олим ўрил	105
Орият	106

Қиссалар

Беқатдаги оқ уйча	131
Чангалзор ити	234
Қоялар ҳам йиғлайди	297